

С

3003



Н. В. ГОГОЛЬ

ЎЛИК ЖОНЛАР

Н. В. ГОГОЛЬ

УЛИК ЖОНЛАР

П О Э М А

*Рустам Абдурахмонов  
таржимаси*

*А. Лаптев расмлари*



ЎЗССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ-1959

Москва Давлат бадий адабиёт нашриётининг 1953 йилда нашр этилган Н. В. Гоголь асарлари тўплами 5-томидан таржима қилинди.

Н. В. Онуфриевнинг «Н. В. Гоголнинг «Улик жонлар» поэмаси ҳақида» деган мақоласи болалар адабиёти Давлат нашриёти томонидан 1957 йилда нашр этилган «Улик жонлар» китобидан таржима қилиниб, шу нашрнинг охирига берилди.

# БИРИНЧИ ТОМ





### Биринчи боб

**М** N губерния шаҳри мусофирхонаси дарвозасидан жуда шинам рессорли кичкина бир бричка ичкари кира бошлади; бунақа бричкада одатда буйдоқлар: истеъфота чиққан подполковниклар, штабскапитанлар, юзтача деҳқони бўлган помешчиклар, хуллас ўрта ҳол деб аталадиган ҳамма жаноблар юришарди. Бричкада бир жаноб ўтирар, ўзи чиройли бўлмаса-да, савлати келишган, жуда семиз ҳам эмас, жуда озғин ҳам эмас эди, унд қари деб бўлмасди, лекин у жуда ёш ҳам эмасди. Унинг келишидан шаҳарда ҳеч қандай шов-шув бўлмади, бирон доврұқ ҳам кўтарилмади, фақат мусофирхона рўпарасидаги майхона эшиги олдида турган икки рус мужиги унинг тўғрисида бир-икки оғиз гап қотиб олишди. Бироқ, уларнинг гапи ҳам аравадаги кишидан кўра кўпроқ араванинг ўзига тааллуқли

эди. «Вой буй,— деди мужиклардан бири иккинчисига,— гилдирагига бир қара-я! Сенингча қалай, шу арава Москвагача борса гилдираги чидайдами ёки чидамайдами?»—«Чидайди»,— деди иккинчи мужик. «Менингча, Қозонгача боришга чидамас-а?» — «Қозонгача боришга чидамас», — деди иккинчи мужик. Уларнинг гапи шу билан тамом бўлди. Кейин бричка мусофирхонага яқинлашганда унинг олдидан бир ёш йигит чиқди; бу ёш йигит жуда тор ва калта оқ каноп чалвор, модага қасам берилган фрак кийиб олган бўлиб, фраги остидан бронза тўппонча шаклидаги тула тўғноғичи қадалган оҳорли оқ қадама ёқаси кўриниб турган эди. Йигит орқасига қайрилиб, аравага бир назар солди-да, шамол учуриб юбораёзган шапкасини қўли билан ушлаб, яна ўз йўлига равона бўлди.

Арава мусофирхона ҳовлисига киргач, унинг устида ўтирган жанобни майхона хизматкори, ёки рус майхоналарида югурдак деб юритиладиган киши кутиб олди; бу хизматкор шу қадар серҳаракат ва шу қадар жонсарак эдики, ҳатто унинг юзи қанақалигини кўриб бўлмасди. Буйи жуда дароз, эгнидаги хонаки матодан тикилган сюртуги ҳам жуда узун ва худди буйнига ёпиштириб қўйилгандай эди; у қўлида сочиқ тутган ҳолда, сочларини силкитиб югурганича мусофир жанобни зинапоядан юқорига бошлаб кетди ва унга худойи таолло насиб қилган ҳужрани кўрсатди. Бу ҳужра маълум хилдаги ҳужралардан эди, чунки мусофирхонанинг ўзи ҳам маълум хилдаги мусофирхоналардан, яъни губерния шаҳарларида бўладиган мусофирхоналар хилидан эди; мусофирлар суткасига икки сўмдан тўлаб бу хил мусофирхоналардан ҳужра олардилар; бундай ҳужраларда сувараклар ҳамма тешик-ёриқлардан кўзларини мўлтайтириб қараб туради; қўшни ҳужрага очиладиган эшикка ҳамиша комод тираб қўйилган бўлади; қўшни индамас, мўмингина-ю, лекин ғоят синчков, келган кишини ипидан-игнасигача билиб олмагунча қўймайдиган киши бўлади. Мусофирхонанинг ташқи кўриниши ички кўринишига мос бўлиб тушган: у жуда узун ва икки қаватли эди; пастки қавати шувалмаган бўлиб, қора-қизғимтир фишлари об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туришидан яна кўпроқ қорайган, лекин ўзи ҳам аслида ифлороқ эди; устки қавати эса ранги ўзгармайдиган сариқ бўёққа бўялган эди; пастки қаватида қатор дўкончалар бўлиб, уларда хомут, арқон, ранда сотилар эди. Бурчакдаги дўкончада ёки, тўғрироғи, де-разада қизил мис самоварни олдига қўйиб, иссиқ асал шарвати

сөгувчи киши ўтирар эди; унинг юзи ҳам самовардек қип-қизил эди: йироқдан қараганда деразада худди ижкита самовар тургандек кўринар, бироқ бирининг кўмирдек қоп-қора соқоли бор эди.

Жаноб меҳмон ўз хонасини кўздан кечириб чиққунча, унинг нарсалари олиб келинди: энг аввал устига оқ чарм қопланган чамадон келтирилди, чамадоннинг уришиб бирмунча ранги кетиб қолганидан, йўлда биринчи марта олиб юрилмаганлиги кўришиб турар эди. Чамадонни пакана бўйли, калта пўстин кийиб олган кучер Селифан билан ўттиз ёшлардаги Петрушка олиб келди, у кенг эски сюртук кийиб олган, сюртук афтидан хўжайинники бўлган, эскиргандан кейин унга инъом қилиб берилган эди; Петрушка кўрғинидан бир оз тунд феъл кишига ўхшарди, лаблари жуда қалин ва бурни жуда катта эди. Чамадондан кейин қизил ёғочдан ясалган, усти карел қайинидан қоплама гулчин қилинган сандиқча, этик қолиплари, кўк қоғозга ўроғлиқ пиширилган товук келтирилди. Нарсалар ҳаммаси ташиб бўлингач, кучер Селифан отларга қараш учун отхонага кетди, малай Петрушка эса катакдай кичкина ва қоронғи даҳлизда ўзига жой тайёрлай бошлади; у ўз шинелини ва шу билан бирга қандайдир ўзига хос ҳидини ҳам олиб келган эди; бу ҳид кейин олиб келинган малайлик лаш-луши солинган қопчага ҳам уриб қолган эди. Қоронғи даҳлизда у уч оёқли торгина каравотни авайлаб деворга тираб қўйди-да, устига мусофирхона хўжайинидан зўрға сўраб олган, бамисоли чалпакка ўхшаган ва кирлигидан қорайиб кетган тўшакнамо юпқа бир нарсани солди.

Хизматкорлар ўз ишлари билан овора бўлиб юришганда, жаноб меҳмон умумий залга кирди. Бу умумий заллар қанақа бўлишини ҳар бир мусофир жуда яхши билади: мойли бўёқ билан бўялган, юқори томони тамаки тутунидан қорайган, пастки томони ҳар хил мусофирларнинг, айниқса маҳаллий савдогарларнинг орқаси суйкалавериб қорайиб кетган ўша деворлар; чунки савдо-сотик кунларида бу савдогарлар одатда олтовлашиб-еттовлашиб шу ерга келиб чойхўрлик қилар эдилар. Тутун ва қурумдан қорайиб кетган ўша шифт; тутундан қорайиб кетган ва жуда кўп шиша шокилалари осилиб турган қандил; овқат ташувчи хизматкор, худди денгиз қирғоғида турна қатор тизилиб ўтирган қушчалардек бениҳоя кўп чой чашкалари қаторлаштириб қўйилган патнусни қўлида ўйнатиб, титиғи

чиққан клеёнка солинган столлар ёнидан ҳар сафар югуриб ўтганида, бу шокилалар шилдираб турарди. Мойли бўёқ билан чизилиб, бутун деворни тутиб ётган ўша расмлар; хуллас, ҳамма мусофирхоналарда бор нарсалар; фарқи фақат шу эдики, бир суратда кўкракларни бениҳоя катта бир фаришта тасвирланган эди, бундай кўкракларни китобхон ҳеч қачон кўрмаган бўлса керак. Зотан, табиатнинг бундай ўйини турли тарихий расмларда учраб туради; расмлар бизнинг Россияга қачон, қадардан ва ким томонидан келтирилганлиги номаълум; уларни баъзан санъат муҳиблари бўлган катта амалдорларимиз Италияга олиб борган курьерларнинг маслаҳати билан сотиб олиб келтирган бўлсалар керак. Янги келган жаноб бошидан картузини олиб, бўйнидан камалак рангига ўхшаш йўл-йўл жун шарфини ечди; бундай шарфни уйланган кишиларга хотинлари ўз қўллари билан тўқиб, уни қандай ўраш тўғрисида эрларига юз хил панд-насиҳатлар берардилар, аммо бўйдоқларга ким тўқиб беришини айтолмасам керак, буни худо биледи; мен бунақа шарфларни ҳеч қачон ўраган эмасман. Жаноб меҳмон бўйнидан шарфини ечиб олгач, овқат буюрди. Мусофирхоналарда одатда бўладиган ҳар хил таомлар, чунончи: карам шўрва ва келувчилар учун атайин бир неча ҳафталаб сақлаб қўйиладиган қат-қат сомса, кўк нўхат солинган мия, карам билан ёсиска, қовурма, тузланган бодринг ва ҳамиша тайёр турадиган қат-қат ширин сомса иссиқ ёки шунчаки совуқ ҳолида унинг олдига келтириб қўйилгунча, у хизматкорни, ёки югурдакни гапга тутди: бу мусофирхона илгари кимга қарарди-ю, ҳозир кимга қарайди, даромади каттами, хўжайинингиз жуда муттаҳамми, деб ҳар хил бемаъни саволлар бериб ўтирди, сўнгги саволга малай одатдагидек: «О, тақсир, жуда муттаҳам», деб жавоб берди. Ҳозир маърифатли Европада бўлганидек, маърифатли Россияда ҳам жуда кўп шундай муътабар кишилар борки, улар майхонада овқатланганларида овқат ташувчи малай билан сўзлашмасдан, баъзан ҳатто уни эрмак қилмасдан овқат еёлмайдилар. Зотан, мусофир жанобнинг малайга берган саволлари орасида бемаъни бўлмаган саволлар ҳам бор эди: у, шаҳарда ким губернатор, ким палата раиси, ким прокурор эканлигини, хуллас биронта ҳам каттароқ амалдорни қолдирмай ҳаммасини ипидан-игнасигача суриштириб билиб олди, лекин яна аниқроқ қилиб, ҳатто зўр иштиёқ билан катта помешчикларнинг барисини суриштирди:



қайси помешчикнинг қанча деҳқони борлигини, шаҳардан қанча йироқда туришини, феъли-атвори қанақалигини ва шаҳарга тез-тез келиб туриш-турмаслигини сўраб билиб олди; ўлканинг аҳволини жуда эътибор билан суриштириб кўрди: губерниянгизда қандай касалликлар пайдо бўлди, чунончи, ёппасига безгак, иситма, чечак ва шу каби касалликларга мубтало бўлиб қанча одам ўлиб кетди? Жаноб меҳмон бу касалликларни шу қадар батафсил сўраб-суруштириб кетдики, бунда шунчаки қизиқиб сўрашдан кўра каттароқ бир нарса борлиги сезилиб турарди. Жаноб меҳмоннинг ўтириш-туришлари қандайдир сипохона эди ва бурнини қоққанда қанқиллаб кетарди. Бурнини қандай қилиб қанқиллатишини билиб бўлмас эди. Лекин ҳар сафар бурнини қоққанда ундан худди карнайдай овоз чиқарди. Афтидан унинг ана шу нозик фазилати майхона малайининг гоят катта иззат-ҳурматини қозонди шекилли, унинг бурнидан ҳар сафар шундай овоз чиққанда малайнинг сочлари орқага силкиниб кетарди ва у эҳтиром билан қоматини бир тиклаб оларди-да, яна бошини эгиб: тагин нима буюрадилар? — деб сўрарди. Тушлик овқатдан кейин мусофир жаноб бир чашка қаҳва ичди, сўнгра диванга ўтирди-да, орқасига ёстиқ қўйиб ясланди, бу ёстиқ ҳам шундай ёстиқлардан эдики, рус мусофирхоналарида уларнинг ичига юмшоқ жун ўрнига ғишт ёки тош тиқиб қўйилганга ўхшарди. Шу топда у керишиб ҳомуза торта бошлади ва ўз номерига олиб боришни буюрди; номерда икки соатча ётиб ухлади. Дам олиб бўлгач, мусофирхона хизматкорининг илтимоси билан у тегишли жойга, яъни полицияга юбормоқ учун бир парча қоғозга ўз амалини, исмини ва фамилиясини ёзиб берди. Хизматкор қоғозни олиб зинапоядан тушар экан, унда ҳижжалаб мана бу сўзларни ўқиди: «Коллежский советник Павел Иванович Чичиков, помешчик, ўз иши билан келган». Хизматкор хатни ҳали ҳам ҳижжалаб ўқиб турганда, Павел Иванович Чичиков шаҳарни томоша қилгани кетди, у, афтидан, шаҳардан мамнун эди, чунки унинг назарида бу шаҳар бошқа губерния шаҳарларидан асло қолишмасди: ғиштин уйларнинг сариқ бўёқлари кўзни қамаштирар, ёғоч уйларнинг кўкимтир ранглари эса соддагина қорайиб турарди. Уйлар бир қаватли, икки қаватли, бир ярим қаватли қилиб солинган бўлиб, ҳаммаси болохонали ва бу болохоналар, губерния архитекторларининг фикрича, жуда чиройли эди. Баъзи жойларда уйлар далага



Ўхшаш кенг кўчалар ва тахтабанд қилиб қўйилган бепоён деворлар орасида кўздан ғойиб бўлиб кетар, баъзи жойларда эса гуж бўлиб турарди, бу ерлар серқатнов ва гавжум эди. Гоҳ-гоҳда крендель ва этик сурати солинган, ёмғирдан ювилиб ранги кетган лавҳалар кўриниб қоларди; баъзи жойда кўк шим сурати солинган ва остига қандайдир аршавалик<sup>1</sup> тикувчининг фамилияси ёзиб қўйилган лавҳалар кўзга ташланарди; бир жойда картуз, шапка магазини бўлиб, унинг лавҳасида: «Ажнабий Василий Фёдоров» деб ёзиб қўйилган эди; бир лавҳада фрак кийиб бильярд ўйнаётган икки кишининг сурати солинган эди; бундай фракларни бизнинг театрларда охириги парда очилганда сахнага чиқадиган меҳмонлар кияди. Бильярд ўйновчилар суратда қўлидаги кийлари билан соққани уришга чоғланиб турган, тирсаклари бирмунча орқага кетган, оёқлари қийшайиб, худди ҳозир ўйинга тушадигандек сал кўтарилган вазиятда эди. Бу суратнинг тагига: «Мана бу оромгоҳ» деб ёзиб қўйилган эди. Баъзи жойда кўчага столлар қўйилган бўлиб, устида ёнгоқ совун ва совунга ўхшаш пряниклар турарди; бир жойдаги майхона лавҳасида катта балиқ сурати солинган ва балиққа вилка суқиб қўйилган эди. Айниқса қорайиб кетган давлат тамғаси — икки бошли бургут сурати солинган лавҳалар кўп учрарди, ҳозир эса уларнинг ўрнига қисқача

<sup>1</sup> Варшава сўзининг мужиклар тилида бузиб талаффуз этилиши.



қилиб: «Ичкиликхона» деб ёзиб қўйилганди. Тош йўллар ҳамма жойда ёмон эди. Чичиков шаҳар боғига ҳам назар ташлади, бу боғдаги дарахтлар жуда ингичка, яхши ўсмаган, ҳаммасига уч бурчак шаклида, кўк мойли бўёқ билан жуда чиройли қилиб бўялган тиргак тираб қўйилган эди. Зотан, бу дарахтчалар қамишдан катта бўлмаса-да, газеталарда уларни бундай деб тасвирланган эди: «Шаҳар ҳокимининг оталарча жонкуярлиги туфайли, серсоя, сершоҳ сада дарахтлари билан жазирама кунни салқин қиладиган боғ шаҳримизни хўп кўркем қилиб беаган» ва бинобарин «бу оромбахш боғдан баҳра олиб кўнгиллари очилган граждандарнинг зўр ҳаяжон билан кўзларидан селдай ёш оқизиб, жаноб шаҳар ҳокимига бениҳоя ташаккур ва миннатдорчилик изҳор этганликларини кўрганда, кишининг юракбағри эзилиб кетарди». Чичиков будкада қоровулда турган полициячидан, лозим бўлган тақдирда черковга, маҳкамаларга, губернаторникига яқин йўл билан қандай борилади, деб батафсил сўраб олгач, шаҳар ўртасидан оқадиган дарёни кўришга кетди, йўлда боратуриб, столбага қоқиб қўйилган афишани юлиб олди ва уйга қайтгач, уни яхшилаб ўқимоқчи бўлди; шу пайт тахта йўлакдан кетиб бораётган қадди-қомати келишган хотинга разм солиб қаради, бу хотиннинг орқасидан ҳарбийча либос кийган бир ўғил бода қўлида тугунча кўтариб борарди; Чичиков бу жойни яхшилаб хотирда сақламоқ учун яна бир марта атрофга кўз солиб чиқди-да, сўнгра тўғри мусофирхонага қараб йўл олди, зинапояда уни майхона малайи қўлтиғидан

авайлаб тутиб, тўғри номерига олиб борди. Чой ичиб олгач, стол ёнига ўтирди, олдига шам ёқиб қўйишни буюрди, чўнтагидан афишани чиқариб, шамга яқинроқ тутди ва ўнг кўзини хиёл қисиб ўқий бошлади. Аммо афишада унча қизиқарли нарса йўқ эди: жаноб Коцебунинг драмаси қўйилар экан; унда Роллнинг ролини жаноб Поплёвин, Кора ролини Зяблова деган қиз ўйнар экан, бошқа қатнашувчи шахслар эса булардан ҳам эътиборсизроқ эди; шундай бўлса-да, у афишада ёзилган қатнашувчиларнинг ҳаммасини ўқиб чиқди, ҳатто партернинг билети қанча туришини ҳам ўқиди ва бу афиша губерния маҳкамаси босмаҳонасида босилганини ҳам билди; сўнгра афишанинг орқасини ағдариб қаради: бу томонига ҳам бирон нима ёзилмаганмикин деб ўйлади ва ҳеч нима ёзилмаганини кўргач, кўзларини ишқалади-да, афишани ихчам қилиб қатлаб, сандиқчасига солиб қўйди, — у одатда қўлига нимаики тушса, ҳаммасини шу сандиқчасига солиб қўяр эди. Шу тариқа, бир порция яхна бузоқ гўшти еб, бир шиша квас ичиб олгач, кенг рус давлатининг баъзи жойларида айтилганядек, дунёни бошига кўтарган қаттиқ хуррак отиб ухлаш билан бу кун ўтди.

Эртаси куннинг бутуниси ташрифга бағишланди; жаноб меҳмон шаҳарнинг ҳамма олий амалдорлариникига бирма-бир ташриф қилиш учун йўлга тушди. Аввал иззат-икром билан губернаторникига борди; губернатор ҳам Чичиков сингари семиз ҳам, ориқ ҳам эмас, бўйнида Анна ордени бор, ҳатто одамларнинг айтишича, юлдуз ордени<sup>1</sup>га тақдим қилинган экан; чиндан ҳам губернатор жуда очиқ одам, баъзан ҳатто тўр пардага гул ҳам тикар экан. Сўнгра Чичиков вице-губернаторникига борди, ундан чиқиб прокурорникига, палата раисиникига, полиция бошлиғиникига, ижарадорникига, подшолик фабрикалари бошлиғиникига қадам ранжида қилди. . . Афсуски, бу дунёнинг ҳамма казо-казоларини эса тутиш бирмунча қийин: бироқ шуни айтмоқ керакки, жаноб меҳмон шаҳар амалдорлари ҳузурига ташриф қилишда фавқулодда маҳорат кўрсатди: у эҳтиром юзасидан ҳаттоки шифохона инспектори ва шаҳар архитектори ҳузурига ҳам қадам ранжида қилди. Ундан сўнгра бричка устида узоқ ўтириб,

---

<sup>1</sup> Юлдуз ордени — Станислав ордени; бу орден фақат юқори мартабали амалдорларга берилар эди.



тағин кимникига борсам экан, деб ўйлади, ўйлаб қараса, шаҳарда у ташриф қилмаган битта ҳам амалдор қолмабди. Ҳоким ва маъмурлар билан сўзлашар экан, ғоят усталик ва ширин забонлик билан уларнинг ҳар қайсисига муносиб муомала қилди. Губернатор билан сўзлашиб ўтирганида гап орасига қистириб, губерниянгизга кирганда худди жаннатга киргандай бўлади киши, йўллар ҳамма жойда бахмалдай текис, силлиқ, шундай оқил ва доно амалдорларни тайинлаб қўйган ҳукуматларга ҳамду сано айтсанг арзийди, деди. Полиция бошлиғи билан сўзлашганида, шаҳар будкаларида қоровул турувчи полициячиларни жуда мақтаб юборди. Ҳали ҳам статский советник амалидан нарига ўтмаган вице-губернатор ва палата раиси билан сўзлашганида, ҳатто икки марта янглишиб: «Аъло ҳазрат» деб юборди, бу эса уларга жуда ёқиб кетди. Бу хушомадларнинг оқибати шу бўлдики, губернатор уни ўша куннинг ўзидаёқ ўз уйига зиёфатга таклиф қилди, ўз навбатида бошқа амалдорлар ҳам уни бирови обедга, бирови қарта ўйнашга, бирови бир чашкагина чой ичиб кетишга таклиф қилдилар.

Жаноб меҳмон ўзи тўғрисида кўп гапирмади; гапирганда ҳам умумий тарзда, жуда камтарлик билан гапирди, бундай кезларда унинг сўзлари бирмунча китобий иборалар тусини олар эди: камина бу дунёда бамисоли бир қурт ёки қумурсқадек ожиз ва ҳақиру фақир бир киши; бинобарин, бу қадар ташвиш ва ғамхўрликларга унчалик муносиб эмасман, ўз умримда кўп воқиаларни бошдан кечирдим, ҳақ-гўйлигим учун хизматда кўп жабр-жафоларни тортдим, душманларим кўпайди, улар ҳатто жонимга қасд қилишди, мана энди дунёнинг ташвиш ва изтиробидан ором олмоқ учун, ниҳоят, бир бошпана излаб юрибман ва бу шаҳарга қадам қўйгач, унинг муътабар амалдорларига иззат-икромимни изҳор қилишни ўзимнинг олий бурчим ҳисобладим, деяр эди. Бутун шаҳарнинг бу жаноб тўғрисида билган-эшитгани фақат шу бўлди холос; жаноб эса тез орада губернаторнинг уйдаги зиёфатда ҳозир бўлди. Бу зиёфатга боришга ҳозирланиш икки соатдан ошиқ вақтни олди; жаноб меҳмон ювиниш-тараниш ва ясан-тусанга шунақа зеб бердики, бунақаси ҳали ҳеч жойда кўрилган эмасди. У тушлик овқатдан кейин бир оз ётиб ухлади, сўнг ювинмоқ учун сув, совун, сочиқ келтиришни буюрди, икки юзини ишқалаб, ҳатто ичдан тилини лунжига тираб, хўп ювинди;

сўнгра майхона малайининг елкасидан сочиқни олиб, бутун юзини бўйин ва қулоқлари билан гир айлантириб артинди ва пишиллаб артинар экан, майхона малайининг нақ бетига икки марта тупугини ҳам сачратиб юборди. Кейин ойна олдида туриб манишкасини кўкрагига тақди, бурнидан чиқиб турган икки дона тукни юлиб ташлади, сўнгра хол-хол товланиб турган жигар ранг-фрагини кийди. Шу тариқа кийиниб бўлгач, ўз аравасига тушиб, унда-бунда йилтиллаб кўринган деразалардан ғира-шира ёруғ тушиб турган кенг кўча бўйлаб зиё-фатга жўнади. Аммо губернаторнинг уйи худди балдагидек чароғон эди; унда фонарлари ёқилган коляскалар тизилиб турарди; дарвоза олдида икки жандарма турган эди; узоқдан фореиторларнинг<sup>1</sup> «пўшт-пўшт» деган овози эшитиларди — хуллас, ҳаммаси жо-бажо эди. Чичиков залга кириши билан бирдан кўзлари қамашиб кетди, чунки ёқилган шамлар, лампалар ва хотинларнинг ранг-баранг кўйлаклари порлаб кўзга урарди. Ҳамма нарса нурга ғарқ бўлган эди. Ҳар томондан қора фраклар кўзга ташланарди, улар бамисоли ёз фаслининг иссиқ июль ойида бир бўлак оппоқ ялтироқ қанд устида ғужғон ўйнаб юрган пашшалардек гоҳ якка-якка, гоҳ тўп-тўп бўлиб кўри-нарди; смбордор кампир очиқ дераза олдида ўтириб, чақмоқ қанд-ни болғача билан уриб, майдалаб турган чоқда шундай бўлади; ўшанда болалар теваракда ғуж бўлишиб, кампирнинг болғача уш-лаган қотма қўлларининг ҳаракатига қизиқиб қараб турадилар, сал шамол тегиши билан учиб кетадиган гала-гала пашшалар худди ўз молларига эгаллик қиладигандек дадил учиб келадилар-да, кам-



пирнинг кўзи хиралигидан ва қуёш кўзлари-ни қамаштиришидан фойдаланиб, ширин луқмаларга ёпишиб кетадилар, баъзилари сочилиб ётган майда бўлакларга, баъзилари эса тўпланиб ётган чақмоқларга ўзларини урадилар. Сахий ёз меваларини ва бусиз ҳам ҳар қадамда сочилиб ётган ноз-неъматларни хўп тўйиб еган бу пашшалар асло овқат учун эмас, балки фақат ўзларини кўрсатиш

<sup>1</sup> Фореитор — кўп от қаторлашиб қўшилган граванинг олдинги отига миниб борадиган киши.

учун, уюлиб ётган қанд устида нари-бери ўрмалаб, орқа ёки олдинги оёқларини бир-бирига ишқалаш учун ёки оёқлари билан қанотлари остини қашилаш учун ёхуд олдинги икки оёқларини чўзиб бошларининг устини сийпалаш учун учиб келадилар; кейин учиб кетиб, тагин гала-гала бўлишиб учиб келаверадилар.

Чичиков эндигина атрофга назар солиб турганида, бирдан губернатор келиб унинг қўлтиғидан олди ва шу ондаёқ уни ўз хотини билан таништирди. Жаноб меҳмон бунда ҳам ўз иззатини ерга урмади: у қандайдир бир хушомад гапни айтди, бу хушомад гап ўрта ёшларда бўлган, амали унча катта ҳам, унча кичик ҳам бўлмаган бир кишига жуда ярашиб тушадиган гап эди. Жуфт-жуфт бўлиб танца тушаётганлар ҳаммани деворга қисиб қўйганларида, у қўлларини орқасига қилиб, уларга икки минутча жуда диққат билан разм солиб турди. Хотинларнинг кўпи яхши ва мода билан кийинган эди, бошқалари губерния шаҳрига худо nasib қилиб юборган либосга бурканган эдилар. Ҳамма жойда бўлганидек, бу ердаги эркаклар ҳам икки хил: бир хили хипча, озгин бўлиб, доим хонимлар ёнида ўралишиб юрар эди; улардан баъзиларини петербурглик олифталардан зўрға ажратиш мумкин эди, Петербургдаги сингари, булар ҳам жуда пухта ўйлаб ва дид билан бакенбард қўйиб олишган ёки ўзлари шунчаки келишган кишилар бўлиб, тухумдай чўзинчоқ юзларини жуда силлиқ қилиб қирдирган эдилар, булар ҳам Петербургдаги сингари, гердаиб хонимлар ёнига бориб ўтиришар, французча сўзлашар ва хонимларни кулдиришарди. Эркакларнинг иккинчи хили семиз кишилар ёки Чичиков сингари жуда семиз ҳам, жуда ориқ ҳам эмас эди. Булар, аксинча, хонимларга хўмрайиб қарар ва ўзларини улардан четроқда олиб юришарди; улар, губернаторнинг хизматкори вист<sup>1</sup> ўйини учун бирои жойга кўк мовутли стол қўймадимикин, деб фақат атрофга аланглаб қарашарди. Уларнинг юзлари таранг ва думалоқ, ҳатто баъзиларининг юзларида сўгал бор, баъзи бировлари чўтирроқ



<sup>1</sup> Вист — қарта ўйини.

эди; улар сочларини на тожихўроз қилиб, на жингалак кокил қилиб, ёки французлар айтганидек, на «жинни чалиш» қилиб қўйишмас эди; сочлари ё қисқагина қилиб қирқилган ёки силлиқ қилиб таралган, юзлари эса думалоқ ва миққи эди. Булар шаҳарнинг муътабар амалдорлари эди. Ҳайҳот! Семиз кишилар бу дунёда ўз корборларини озгин кишиларга қараганда жуда дўндириб юрадилар. Озгин кишилар кўпинча махсус топшириқларни бажариш учун хизматда бўладилар ёки номига хизматда бўлиб, ҳар жойда сандирақлаб юрадилар; уларнинг туриш-турмуши енгил-елпи, ҳавойи ва омонат бўлади. Аммо семизларнинг ўтирган ўринлари ҳазилакам эмас, жуда ростакам бўлади, улар бирон жойга ўтириб олсалар, жуда қаттиқ ва мустаҳкам ўтириб оладилар, уларнинг ўтирган ўринлари тағлариди қарсиллаб майишиб кетса кетадики, лекин улар қимир этмайдилар. Улар усти ялтироқликни яхши кўрмайдилар; уларнинг эғнидаги фраклари озгин кишиларникидек хушбичим эмас, аммо лекин сандиқлари худо берган зар-зеварга лиқ тўла. Озгин кишиникида уч йил мобайнида гаровга қўйилмаган биронта ҳам жон қолмайди; семиз кишиникида эса хотиржамлик, бир вақт қарабсизки, шаҳарнинг қайси бир чеккасида хотинининг номига сотиб олинган уй пайдо бўлибди, сўнгра шаҳарнинг бошқа бир чеккасида яна бир уй сотиб олинбди, сўнгра шаҳар яқинида бир қишлоқча ҳам қўлга кирибди, ундан кейин экинзору, ўрмонзору, пичанзорлари билан катта бир қишлоқча ҳам эга бўлиб қолибди. Худога ва подшоҳга хизмат қилган, ҳамманинг иззат-ҳурматини қозонган семиз киши пироварди бир кун хизматдан истеъфо беради, қишлоқча кўчиб бориб, ном чиқарган рус барини, дастурхони кенг помешчик бўлиб олади-ю, ҳузур-ҳаловат билан яшайверади. У ўлгандан кейин яна унинг озгин меросхўрлари, русларнинг одатига кўра, отадан қолган бутун мол-мулкни хаш-паш дегунча совуриб битиради. Очиқ айтиш керакки, Чичиков зиёфатга келган жамоатни кўздан кечирар экан, ўз хаёлидан тахминан ана шундай фикрларни ўтказди ва бунинг оқибати шу бўлдики, у, ниҳоят, бориб семизлар тўпига қўшилди, бунда деярли ҳамма таниш-билишларини кўрди: қоп-қора ўсиқ қошларини чимириб прокурор ўтирар, унинг чап кўзи сал пирпираб турар ва бу билан у гўё: «Юр, биродар, нариги уйга ўтайлиқ, сенга айтадиган бир-икки оғиз гапим бор» дегандай бўлар, аммо жиддий ва камгап киши

эди; пакана бўйли, лекин қочириқ гапга ва фалсафага уста бўлган почта мудир, ақлли ва жуда дилкаш одам бўлган палата раиси ҳам шунда эди; буларнинг ҳаммаси худди эски ошнадек Чичиковга салом беришди, Чичиков ҳам ён томонига сал қийшайиб, аммо ёқимли эгилиб уларга таъзим қилди. Худди шу ерда у жуда сермулозимат ва сертакаллуф помещик (Манилов) билан ҳамда кўзга бесўнақайроқ бўлиб кўринган Собакевич билан танишди, Собакевич дафъатан унинг оёғини босиб олиб «кечирасиз» деб ҳам қўйди. Шу ондаёқ унинг қўлига вист ўйнаш учун қарта тутқазишди, қартани ҳам у тавозе билан таъзим қилиб олди. Улар кўк мовут қопланган стол теварагида ўтириб қарта ўйнай бошладилар ва кечки овқатгача ўринларидан қимирламадилар. Ҳамиша муҳим иш билан шуғулланган пайтда бўлганидек, гап-сўз бутунлай тинди. Почта мудир сергап киши бўлишига қарамай, қартани олгандан кейин дарҳол юзида ўйчанлик важоҳатини ифода этди, қўйи лаби билан юқори лабини босиб, то қарта ўйини тамом бўлгунча шу алфозда ўтирди. У суратли қарталардан юраётганида, агар қўлида котка бўлса, қўли билан столни қаттиқ муштлаб: «Қари отинбиби юрдила!» дер, агар қўлида король бўлса: «Тамбов мужиги юрди!» дея эди. Палата раиси бўлса: «Мен унинг мўйловига! Мен бунинг мўйловига!» деб қўяр эди. Баъзан қартани стол устига отиб уриб: «Э! Нима бўлса бўлар, гиштиндан юрдим!» дерди. Ёки: «Чиллик! Чилликжон! Қарғaxon», ёхуд «Қарға полвон! Қарғавой!» ва ҳатто «Қарғача!» деган хитоблар эшитиларди; улар қарталарнинг мосига қараб ўзаро шундай ном қўйиб олишган эди. Уйин тамом бўлгандан кейин одатдагидек шовқин-сурон кўтариб мунозара қилишди. Бизнинг мусофир меҳмонимиз ҳам мунозара қиларди-ю, лекин ғоят усталик билан мунозара қиларди, унинг мунозари дилкаш ва ёқимли эканини ҳамма сезиб турарди. Ҳеч қачон у: «Сиз бундоқ юрдингиз» демасди, балки: «Сиз марҳамат қилиб бундоқ юрдингиз», «Мен сизнинг иккилингизни мана бундоқ қилиб босиш шарафига муяссар бўлдим» дея эди ва ҳоказо. Мунозарада ўз муҳолифларини тезроқ кўндирмоқ учун у ҳар сафар устига сир югуртирилган ва ҳиди келиб турсин деб тагига икки дона бинафша ташлаб қўйилган кумуш бурнакидонини уларга тутарди. Юқорида зикр қилинган помещиклардан Манилов билан Собакевич мусофир меҳмоннинг диққатини айниқса жалб қилган эди. Шу ондаёқ у пала-

та раиси билан почта мудирини сал чеккароққа тортиб, улардан ҳалиги икки помешчикни хўп суриштириб билиб олди. Меҳмоннинг берган саволларидан уни беҳуда нарсалар эмас, балки муҳим нарсалар қизиқтириши сезилиб турарди, чунки энг аввал у, бу помешчикларнинг ҳар қайсисида неча жондан деҳқон бор ва уларнинг мулки қандай аҳволда, деб суриштирди ва шундан кейингина уларнинг исми ва отасининг исми нималигини сўраб олди. Бирпасда у икки помешчикни ўзига мафтун қилиб қўйди. Ҳали унчалик кексаймаган, кўзлари доим кулиб турадиган ва ҳамиша кўзларини сузиб куладиган помешчик Манилов унга бутунлай маҳлиё бўлиб қолди. У меҳмоннинг қўлини жуда узоқ қисиб туриб, ундан, бизнинг қишлоққа ҳам қадам ранжида қилинг, узоқ эмас, шаҳардан фақат ўн беш чақирим келади, деб ўтиниб сўради; Чичиков тавозе билан бошини эгиб ва Маниловнинг қўлини самимият билан қисиб, сизникига бажону дил бораман, ҳатто боришни ўзимнинг муқаддас бурчим деб ҳисоблайман, деди. Собакевич ҳам қисқача қилиб: «Бизникига ҳам марҳамат қилсангиз» — деди ва оёқларидаги бесўнақай этикларини шақиллатиб бир-бирига уриб қўйди; унинг оёғидаги этиклари шу қадар катта эдики, унга мувофиқ келадиган оёқни топиш жуда маҳол, айниқса ҳозир Русияда паҳлавонлар йўқолиб бораётган бир чоқда бундай оёқни топиш қийин эди.

Эртаси куни Чичиков полиция бошлиғиникига зиёфатга борди, обеддан кейин соат учдан бошлаб то кечаси соат иккигача қарта ўйнадилар. Бунда Чичиков, жумладан, помешчик Ноздрев билан танишди. Ноздрев ўттиз ёшлар чамасида бўлиб, хушчақчақ киши эди; у Чичиков билан уч-тўрт оғиз сўзлашгандан кейин уни «сансираб» гапира бошлади. Полиция бошлиғи ва прокурор билан ҳам Ноздрев «сансирашиб» сўзлашар ва дўстларча муомала қилар эди. Лекин пул тикиб ўйнай бошлаганларида, полиция бошлиғи билан прокурор Ноздревнинг ердан қарта олишига ниҳоят диққат билан қараб, ҳар юрганида синчиклаб разм солиб турардилар. Эртаси куни Чичиков кечқурун палата раисиникида зиёфатда бўлди, раис бирмунча кирланган халати билан меҳмонларни қабул қилди, меҳмонлар орасида қандайдир иккита хоним ҳам бор эди. Сўнгра Чичиков вице-губернаторнинг зиёфатини еди, ундан кейин ижарадорникида катта зиёфатда бўлди; унинг шарафига прокурор ҳам кичик зиёфатча берди-ю, ле-

кин бу катта зиёфатлардан қолишмас эди; кундузги ибодатдан кейин шаҳар бошлиғи нонушта берди, бу ҳам зиёфатдан қолишмас эди. Хуллас, меҳмон бир соат ҳам ўз истиқоматгоҳида ўтирмади, мусофирхонага у фақат кечаси ухлагани келарди. Меҳмон ҳар нарсадан хабардор ва тажриба кўрган киборлардан эканини кўрсатди. Нимадан гап бошланса, у дарров қўшилиб кета оларди; агар гап от заводи устида борса, у от заводидан гапирарди; яхши итлар ҳақида сўзлашиб қолгудай бўлсалар, бу тўғрида ҳам у билармонлик билан ўз мулоҳазаларини айтарди; давлат палатаси томонидан қилинган тергов устида гап очилиб қолса, у дарҳол судларнинг кирдикорларидан хабардор эканини айтиб берарди; бильярд ўйинидан гап чиқиб қолса, у бильярд ўйинида ҳам усталигини кўрсатарди; эзгу ишлар устида гап боргудай бўлса, у ҳам эзгулик ҳақида жуда яхши муҳокама юргизар ва ҳатто кўзларига ёш олар эди; агар ароқ тортиш ҳақида гапирсалар, у ҳам бунинг фойдасидан гапирарди; божхона назоратчилари ва амалдорлар тўғрисида сўзласалар, улар тўғрисида худди ўзи назоратчи ва амалдор бўлгандек фикр юргизарди. Аммо шуниси ажойибки, буларнинг ҳаммасини у жуда вазминлик билан, ўзини жуда яхши тутиб гапирарди. У қаттиқ ҳам, секин ҳам гапирмасди, балки меёрига қараб босиғи билан гапирарди. Хуллас, ҳар томондан олиб қараганда ҳам жуда одамшаванда киши эди. Бу янги меҳмоннинг келишидан ҳамма амалдорлар мамнун эди. Губернатор уни ҳалол, қалби пок киши деб тушунтирди; прокурор, кўпни кўрган ишбилармон киши, деди; жандарма полковниги, олим киши, деди; палата раиси, билимдон ва муътабар киши, деди; полиция бошлиғи, муътабар ва дилкаш киши, деди; полиция бошлиғининг хотини, энг назокатли ва энг илтифотли киши, деди. Ҳаттоки бирон кишини жуда камдан-кам яхши дейдиган Собакевич ҳам шаҳардан жуда кеч қайтиб, тамоман ечиниб, каравотга чиқиб ориқ, қотма хотини ёнига ётар экан: «Жонгинам, мен губернаторникида зиёфатда бўлдим, полиция бошлиғиникида ҳам обед қилдим, коллежский советник Павел Иванович Чичиков билан танишдим: шундай дилкаш, ёқимли кишики, асти қўяверасан!» деди. Бу гапга хотини: «Ҳм!» деб қўйди-да, оёғи билан эрини итариб юборди.

Бу меҳмон ҳақида шаҳарда ана шундай ажаб яхши фикрлар туғилди ва бу фикрлар давом қилиб юраверарди-ю, лекин меҳмоннинг

ғалати бир қилиғи ёки иши, ёхуд, атраф вилоятларда айтганларидек, ажойиб-ғаройиб бир воқиа деярли бутун шаҳарни тамом ҳайратга солиб қўйдикки, бундан китобхон тезда хабардор бўлиб қолади.





## Иккинчи боб

**Ж**аноб меҳмон бир ҳафтадан ошиқ шаҳарда туриб зиёфат ва меҳмондорчиликларда бўлди ва шу тариқа кунларни жуда вақтичоғлик билан ўтказди. Ниҳоят, у шаҳардан ташқарига қадам ранжида қилиб, ўз ваъдасига кўра, помешчиклардан Манилов билан Собакевичларникига боришга қарор қилди. Эҳтимол, унинг бундай сафарга жазман бўлишининг бошқа бир муҳим сабаби бордир; балки бунга жиддийроқ, кўнгилга ёқадиган бйрон иш сабаб бўлгандир... Бироқ китобхон бу сирларни секин-секин ва вақти соати билан билиб боради; фақат унинг бу жуда узун қиссани ўқиб чиқишга сабри чидаса бас, чунки бу қисса тамматига етган сари кенгайиб ва мукаммаллашиб бораверади. Кучер Селифанга эрта саҳар билан отларни бричкага кўшиш буюрилди; Петрушкага шу ерда қолиб хона-

га ва чамадонга қараб туриш тўғрисида буйруқ берилди. Қаҳрамонимизнинг бу икки крепостной хизматкори билан китобхонни таништириб қўйиш ортиқча бўлмас. Бу шахслар, албатта, унчалик кўзга кўринарли кишилар эмас, одамлар айтганидек, улар иккинчи даражали ва ҳатто учинчи даражали кишилар; бу поэмада улар гарчи унда бунда тилга олиб ўтилса-да, лекин поэманинг асосий йўналиши ва сири-асрори уларга тааллуқли эмасдир; шундай бўлса-да, автор бу жиҳатдан ҳам ғоят пухта иш кўришни ва гарчи ўзи рус бўлса-да, немисдек саранжом-сарихтали бўлишни истайди. Аммо бу унча кўп вақт ва кўп ўрин олмайди, чунки мазкур шахслар тўғрисида юқорида китобхонга маълум бўлган нарсалар устига яна бир оз қўшимча қилиш кифоя, яъни Петрушка жигар ранг кенг сюртук кийиб юрарди, бу сюртук унга хўжайинидан теккан эди; бошқа хизматкорлар каби унинг ҳам бурни катта ва лаблари қалин эди. Ўз феълига яраша камгап, кўп гапиришга хуши йўқ эди; ҳатто маърифатга, яъни китоб ўқишга интилиш каби олижаноб одати бор, лекин ўқийдиган китобларининг мазмуни билан иши йўқ, унга қанақа китоб бўлса ҳам барибир эди. Бирон ошиқнинг саргузашталарими, алифбе китобими ёки дуономами — ҳаммасини қизиқиб ўқийверарди; мабодо кимё китобини берсалар ҳам йўқ демасдан олиб ўқийверарди. Унга китобда нима ёзилганини билишдан кўра кўпроқ китоб ўқишнинг ўзи, ёки аниқроқ қилиб айтганда, ўқиш жараёнининг ўзи ёқарди; чунончи, хатга қараб турса, ҳарфлардан ҳамиша қандайдир сўз пайдо бўлар, баъзан бу сўзнинг маъносини ҳатто шайтон ҳам билмас эди. Китобни у кўпинча даҳлиздаги каравотда узала тушиб ётиб ўқирди ва бундай ётиб ўқишдан каравот устидаги тўшак босилиб-эзилиб чалпакдек юпқа бўлиб қолган эди. Унинг қизиқиб китоб ўқишдан бошқа яна икки одати бор эди, бу икки одат унинг бошқа икки хулқини ифодаларди: у ечинмасдан, эгнидаги сюртуги билан шундайича ётиб ухлар ва ҳамиша ундан қандайдир ўзига хос бир ҳид келиб турардики, у биқсиган уйнинг ҳидига ўхшаб кетарди, чунончи, ҳали ҳеч ким истиқомат қилмаган бирон жойга ўз каравотини қўйиб, бу ерга шинелини ва бошқа лаш-лушларини кўтариб келса бас, шу ондаёқ бу хона роса ўн йилдан буён одамлар яшагандек бўлиб қоларди. Чичиков жуда инжиқ ва баъзи ҳолларда нозик табиат киши бўлганидан, эрта билан туриб ҳавони искаб кўрарди-да, афтини буриштириб, бошини қимир-

латарди ва: «Сен, биродар, нима бало, терлаб чиқасанми дейман-а, ҳаммомга борсанг бўлмайдами?» дерди. Петрушка унга жавоб бермасдан, дарҳол ишга урингандай бўларди; ё қўлига чўтка олиб хўжайиннинг осиглиқ турган фраги олдига борар ёки шунчаки бирон нимани йиғиштиргандай бўларди. Бундай жим турган пайтларда у нимани ўйларди, эҳтимол, ичида: «Ўзинг жуда оппоқсан-да, бир гапни қирқ марта қайтариш жонингга тегмайди...» дер, — буни худо биледи, хўжайини панд-насиҳат қилганида, крепостной хизматкор нимани ўйлашни билиш қийин. Демак, Петрушка ҳақида ҳозирча айтиш мумкин бўлган гап ана шу. Қучер Селифан бутунлай бошқача одам эди... Лекин автор китобхонларни паст тоифадаги кишилар билан бу қадар узоқ овора қилишдан жуда уялади, чунки паст тоифадаги кишилар билан танишишни улар унчалик ёқтирмасликларини тажрибадан биледи. Рус кишиси шунақаки, мартабаси ўзидан лоақал бир даража юқори бўлган киши билан танишишга жуда иштиёқманд бўлади, граф ёки князь билан йироқдан салом-алик қилиб юриш унинг учун ҳар қандай дўстона муносабатлардан яхшироқдир. Автор ҳатто ўз қаҳрамони фақат коллежский советник бўлганидан ҳам хавфсираб турибди. Сарой машваратчилари, эҳтимол, у билан танишишар, аммо генераллик амалига миниб олган кишилар, худо билсин, эҳтимол, кибр-ҳаволи димоғдор киши ўз оёғи остида ўралишиб юрган нарсаларнинг ҳаммасига жирканиб қараганидек, унга жирканиб қараб қўйишар ёки, энг ёмони, уни назар-писанд қилмасдан ўтиб кетиб, авторни жуда ўсал қилиб қўйишар. Аммо униси ҳам, буниси ҳам кишига нечоғлик алам қилса-да, ҳар ҳолда биз ўз қаҳрамонимизга қайтмоғимиз лозим. Шундай қилиб, Чичиков йўл жабдуғини ҳозирлашни кечасиёқ буюриб қўйган эди; у эрталаб жуда барвақт уйғониб, ювинди, ҳўл мачалка билан бошдан-оёғигача артинди; у фақат якшанба кунлари шундай қилар эди, — зотан ўша кунни якшанба эди, — шундай яхшилаб қириндики, юзлари атласдай тиклик ва ялтироқ бўлиб кетди, хол-хол товланиб турган жигар ранг фрагини, унинг устидан айиқ терисидан почапўстин қилиб тикилган шинелини кийди. Майхона малайи гоҳ у қўлтиғидан, гоҳ бу қўлтиғидан суяганча, зинапоядан тушди ва бричкага чиқиб ўтирди. Бричка тарақлаб мусофирхона дарвозасидан кўчага чиқди. Йўлдан ўтиб бораётган поп уни кўриб бошидан шляпасини олди; кўйлаклари

кир-исқирт бир неча ўғил бола унга қўлларини чўзиб: «Барин, етимчаларга хайр қилинг!» дейишди. Болалардан бири бричканинг орқасига осилмоқчи бўлганини кўрган кучер, уни қамчи билан шартиллатиб бир урди; шундан сўнг бричка тош йўлдан диркиллаб кетди. Ўироқда кўринган ола-була шлагбаумни кўрганда киши қувонмай қолмасди, чунки у ҳар қандай азоб-уқубатнинг ҳам охири бўлганидек, тош йўл тездан тамом бўлишини билдирар эди; Чичиков яна бир неча марта бошини соябонга жуда қаттиқ уриб олганидан кейин, бричка ниҳоят юмшоқ ердан равон юриб кетди. Шаҳар орқада қолиши билан дарҳол йўлнинг икки томонида бизнинг одатдаги ажойибот-ғаройиботларимиз: дўнгликлар, арчазорлар, ёш қайин дарахларининг пастак ва сийрак буталари, кекса қайин дарахларининг куйиб қорайиб ётган таналари, ёввойи арча гуллар ва шу каби ажойиботлар ўз жилвасини намоеън қила бошлади. Қатор тизилиб кетган қишлоқлар кўзга ташланди, қишлоқ иморатлари устма-уст қаланиб қўйилган ўтин ғарамига ўхшарди, қорайиб кетган томларнинг пастада ёғочдан ўймакор қилиб ишланган нақшлар гул солиб тикилган сочиқ попуклари сингари осилиб турарди. Қўй терисидан тикилган пўстин кийиб олган бир неча мужик одатдагича дарвозалари олдидаги тахтада эснаб ўтирарди. Юқори деразалардан юзлари лўппи, кўкракларини боғлаб олган хотинлар қараб турардилар; пастки деразалардан эса бузоқ мўралаб қарар ёки чўчқа тумшуғини чиқариб турарди. Хуллас, ҳаммага маълум манзаралар эди. Ун беш чақирим йўл юрилгач, Чичиков хотирлаб, Маниловнинг сўзига кўра унинг қишлоғи шу ўртада бўлса керак деб ўйлади, лекин ўн олти чақирим юрилса-да, қишлоқ ҳали кўринмасди; шу топда икки мужик учраб қолмаганида, уларнинг манзилга етиб боришлари гумон эди. Заманиловка қишлоғи узоқми, деган саволга мужиклар бошларидан шляпаларини олдилар, кейин улардан ақллироқ ва чўққи соқол қўйиб олган бири жавоб берди:

— Заманиловка эмас, Маниловкадир?

— Ҳа, ҳа, Маниловка.

— Маниловка денг! Ундай бўлса яна бир чақирим юрасиз, мана шунда, яъни тўппа-тўғри ўнгга буриласиз.

— Ўнгга? — деб сўради кучер.

— Ўнгга, — деди мужик. — Ана шу йўлдан борсанг Маниловкага чиқасан! Ҳеч қанақа Заманиловка йўқ бунда. Қишлоқнинг оти шуна-



қа, яғни Маниловка дейілады, бу ерда Заманиловка деган жой асти йўқ. Тўғри борсанг, тепаликда икки қаватли ғиштин уйни кўрасан, хўжайиннинг уйи ана ўша, уйда, яғни масалан, хўжайиннинг ўзи туради. Ана шу сенга Маниловка бўлади, аммо бу ерда ҳеч қанақа Заманиловка йўқ ва асло бўлган эмас.

Маниловкани қидириб кетдилар. Икки чақирим юргач, қишлоқ йўлига буриладиган қайрилмага чиқдилар. Лекин яна икки, уч ва тўрт чақиримча юрсалар-да, икки қаватли ғиштин уй ҳали ҳам кўринмас эди. Шу топда Чичиков, агар ошнанг ўн беш чақирим келади, деб қишлоғига таклиф қилса, демак роса ўттиз чақирим келар экан-да, деб ўйлади. Маниловка қишлоғи унча кўримди жой эмас эди. Хўжайиннинг уйи дўнг тепада, яғни хоҳлаган томондан шамол урадиган баландликда якка-ёлғиз турар эди; тепанинг нишобида мэйсаси қирқилган чим ўсиб ётарди. Тепалик устида ҳар ер-ҳар ерда инглизча тақлидда сиренгул ва сариқ акация буталари бор эди; унда бунда беш-олтита қайин дарахти майда баргли сийрак шохларини дик:

кайтириб тўп-тўп бўлиб турарди. Иккита қайин дарахти остидан бир шийпон кўринар; унинг ясси гумбаз шаклидаги томи кўк рангга бўялган, ёғоч устунлари эса ҳаво ранг тусда бўлиб, шийпонга «Якка аёл сурадиган жой» деб ёзиб қўйилган эди; ундан пастроқда бир ҳовуз бор, унинг ҳамма жойини ўт босиб кетган, лекин рус помещчикларининг инглизча нусха боғларидаги бу ўтлар кишини ҳайратда қолдирадиган ғалати нарса эмас эди. Тепалик этагида ва қисман нишабликнинг ҳудди ўзида чаппа-ростасига қурилган оддийгина ёғоч уйлар қорайиб турарди; қаҳрамонимиз нима сабабдандир шу ондаёқ бу уйларни санай бошлади ва саноғи икки юздан ошиб кетди; уйлар орасида ўсиб турган биронта дарахт ёки кўкат кўринмасди; ҳамма жойда фақат уйларнинг қуруқ ёғочигина сўққайиб кўринарди. Бу манзарани икки аёл жонлантириб турарди; улар этакларини кўтариб ҳамма томондан белларига қайириб олган ва ҳовуз ичида тиззагача сувга кириб, иккита хомага боғланган йиртиқ тўрни судраб юришарди; тўр ичида иккита қисқичбақа ва битта зоғорабалиқ ялтираб кўринарди; бу икки аёл, афтидан, аразлашиб қолганга ўхшар, нима устидадир бир-бири билан сўкишар эди. Сал нарироқда қандайдир хира-кўкимтир тусда қарағайзор кўриниб турарди. Ҳатто ҳаво ҳам манзарага жуда моҳ бўлиб тушган: очиқ ҳам, булут ҳам эмас, балки қандайдир сур рангда эдики, бундақа ранг фақат тинчлик қўшини бўлгани билан, аммо кўпинча якшанба кунлари маст бўлиб юрадиган гарнизон солдатларининг эски мундирида бўлади. Ҳаво айнишидан хабар берувчи хўроз ҳам манзарага жуда ҳусн бўлиб тушган эди; макиёнбозлик важдан бошқа хўрозлар чўқийвериби мияси тешилаёзган бу кал хўроз томоғини жериб жуда қаттиқ қичқирди ва ҳаттоки патлари юлиниб эски чиптадай туксиз бўлиб қолган қанотларини ҳам қоқиб қўйди. Чичиков ҳовлига яқинлашиб келар экан, эшик зинасида турган уй эгасига кўзи тушди; кўк мовут сюртук кийган уй эгаси яқинлашиб келаётган аравани яхшироқ кўриш учун қўлини қошлари устида соябон қилиб қараб турар эди. Бричка эшикка яқинлашган сари уй эгасининг кўзларидаги қувноқлик тобора кучайиб, оғзининг таноби қочиб борарди.

Чичиков бричкадан тушар экан, уй эгаси бирдан:

— Павел Иванович! — деб қичқириб юборди. — Ахири бизни эсга олиб йўқлабсиз-да!

Икки ошна қаттиқ-қаттиқ ўпишганларидан кейин Манилов меҳмонни уйга бошлаб кетди. Улар даҳлиз ва емакхонадан ўтиб ичкари уйга киргунча ўтадиган вақт гарчи бирмунча қисқа бўлса-да, шу орада фурсатдан фойдаланиб, балки уй эгаси ҳақида унча-мунча гапириб олишга улгурармиз. Бироқ бунда автор эътироф қилиб, бундай ишнинг жуда қийинлигини айтиб ўтмоғи керак. Каттароқ ҳажмдаги характерларни тасвирлаб бериш анча осон: бўёқни оласан-у, полотнога шартта суртаверасан, чақнаб турган қора кўзларни, ўсиқ қошларни, тарам-тарам ажин босган пешонани, елкага ташланиб қўйилган қора ёки оловдай товланувчи қизил плащни чизиб чиқасан, тамом. — портрет тайёр. Лекин дунёда кўп бўлган, сиртдан қараганда бир-бирига жуда ўхшайдиган, аммо синчиклаб разм солганда кўпгина кўз илғамас хислатлари бўлган мана бу жанобларнинг портретларини чизиб бериш ниҳоятда қийин. Бунда диққатни роса ишга солиб, кўз илғамас энг нозик хислатларни кўз олдинда тўлатўкис намоён қилдиришга тўғри келади ва умуман кўпни кўравериб пишиб қолган кўзни янада чуқурроқ тикиш лозим бўлади.

Маниловнинг характери қанақалигини фақат худонинг ўзи билиши мумкин. Шундай одамлар борки, уларнинг таърифини халқ мақолида: шунчаки одам-да, на у, на бу—шаҳарда Богдан эмас, қишлоқда Селифан эмас, деб юритилади. Балки Маниловни ҳам шулар қаторига қўшиш керакдир. Сиртдан қараганда, у эътиборли одамдек кўринарди; истарасида ёқимли жиҳатлар йўқ эмас, аммо бу ёқимли жиҳатлар ҳаддан ташқари чучмал эди. Унинг юриш-туришида, гап-сўзларида, муомаласида қандайдир тилёғламалик қилиб пинжга кириш ва ошна бўлиб олиш хусусияти бор эди; у мулойимгина жилмайиб куларди, сочи сарғиш бўлиб, кўзлари кўк эди. У билан суҳбатлашган киши дастлаб «Жуда дилкаш ва яхши одам экан» демай қолмасди. Сўнгра, яна биз оз гаплашганидан кейин унинг ҳақида ҳеч нима деёлмас, аммо яна бир оздан кейин: «Бу қанақа одам ўзи» деб ўзини четга оларди; борди-ю, ўзини четга олмаса, ўлгудек зерикиб кетарди. Ишқибоз бўлган нарсаси тўғрисида гапирсанг, ҳар қандай киши ҳам ширин ёки аччиқ бир сўз айтиб юбориши мумкин, аммо бундай кезларда Маниловдан ҳеч қанақа садо чиқмасди. Ҳар кимнинг ўзига яраша ишқибозлиги бўлади: баъзи биров този итга ишқибоз бўлади, баъзи биров ўзини музикага жуда ҳаваскор ва музиканинг ҳамма нозик томонларини жуда

ҳам билагон киши деб ҳисоблайди, баъзи биров яхши овқатлар ейишни яхши кўради, баъзи биров ўз мавқеидан салгина бўлса ҳам юқорироқ роль ўйнашга ҳаракат қилади, баъзи бировнинг истаги анча чекланган бўлади, у ётганида ҳам, турганида ҳам, флигель-адъютант билан бир сайр-томошага чиқиб айлансам-у, ёр-ошналаримга, таниш-билишларимга ва ҳатто таниш бўлмаганларга ҳам ўзимни кўз-кўз қилсам, деб ширин хаёл суради, баъзи бировнинг қўли жуда эпчил бўлиб, ғирромлик билан бирпасда боплаб қўлга тушириб кетади, баъзи биров эса корчалонлик қилиб, бирон жойда тартиб ўрнатмоқчи бўлади-да, бекат назоратчиси ёки аравакашларнинг пинжига кириб олишга тиришади — хуллас, ҳар кимнинг ўзига яраша бир дарди бўлади, аммо Маниловда ҳеч нима йўқ эди. Уйда у жуда кам гапирар, кўпинча хаёл суради ва ўйлар, аммо нима тўғрисида ўйлаганини фақат худонинг ўзи билар эди. Уни хўжалик билан шуғулланади деб бўлмасди, чунки ҳеч қачон далага чиқмасди, хўжалик ўзича бораверар эди. Приказчик келиб: «Хўжайин, фалон-фалон ишлар қилинса яхши бўлар эди» деса у одатдагича трубкасини тортиб туриб: «Ҳа, чакки бўлмасди» деб жавоб берар эди (трубка чекишни у армияда хизмат қилиб, энг камтар, энг назокатли, энг ўқимишли офицер ҳисобланиб юрган чоғларида ўрганган эди), «Ҳа, асло чакки бўлмасди» деб такрорлаб қўярди у. Бирор мужик унинг олди-га келиб, энсасини қашлаб туриб: «Хўжайин, ижозат берсанг, бориб ўлпон пулини ишлаб келсам» деса:— «Майли, бор»,— дерди у трубкасини тортиб, аммо мужикнинг шу баҳона билан ароқхўрлик қилишга кетаётгани хаёлига ҳам келмасди. Баъзан у зинадан ҳовлига ва ҳовузга қараб туриб: борди-ю, уйга ер тагидан йўл очилса, ёки ҳовузга тош кўприк қурилса-да, унинг икки томонига қатор дўкончалар очилса, бу дўкончаларда савдогарлар деҳқонларга керакли турли молларни сотиб ўтирсалар, қандай яхши бўларди, деярд эди. Шундай пайтда унинг кўзлари ғоятда қувнаб кетар ва юзида ғоят мамнунлик аломати пайдо бўларди; аммо, бу хом хаёлларнинг ҳаммаси қуруқ сўздан нарига ўтмасди. Кабинетида ҳамиша ун тўртинчи бетига хатчўп солиб қўйилган қандайдир бир китобча ётарди, икки йилдан бери у доим шу бетини ўқирди. Уйда ҳамиша бирор нима етишмас эди: меҳмонхонада қиммат баҳо чиройли шойи жилд қопланган яхши мебель бор эди, аммо иккита креслосига шойи жилд етмагани-



дан фақат чипта ўраб қўйилган эди; шуниси ҳам борки, уй эгаси бир неча йилдан бери, келган меҳмонни ҳар сафар огоҳлантириб: «Бу креслоларга ўтирманг, улар ҳали тайёр бўлган эмас» деяр эди. Баъзи хонада умуман мебель деган нарса йўқ эди, ҳолбуки уйланганидан кейин орадан бир-икки кун ўтгач, у хотинига: «Жонгинам, эртага ҳаракат қилиб вақтинча бўлса ҳам мана бу хонага мебель қўйдирмоқ керак бўлади» деган эди. Кечқурун бўлганда, қорамтир бронзадан ясалган, уч антиқ гўзалнинг ҳайкалчаси ўрнатилган, косадони садафдан чиройли қилиб ишланган ҳашам шамдон стол устига келтириб қўйиларди-ю, лекин шу ондаёқ унинг ёнига бир томонга қийшайиб турган, ҳамма ёғини шам мойи босган, бир оёғи йўқ, пачоқ оддий мис шамдон ҳам қўйиларди, бироқ, буни уй эгаси ҳам, уй бекаси ҳам, хизматкорлари ҳам пайқамас эди. Хотини... зотан, улар бир-бирларидан жуда мамнун эдилар. Улар эр-хотин бўлишганидан бери орадан саккиз йилдан ошиқ вақт ўтган бўлса-да, ҳали ҳам бир-бирига ё бир тилим олма, ё бир дона конфет, ё бир дона ёнғоқ мағзи келтириб, том муҳаббатни ифодаловчи меҳрибонона назокатли сўзлар билан: «Оч оғзингни, жонгинам, ошатиб қўяй ўзгинам» деяр эди. Албатта, бундай пайтда оғиз жуда назокат билан очиларди. Туғилган кунга атаб албатта биронта совға, масалан, тиш кавлагич учун марварид ғилофча ҳозирланиб қўйиларди. Аксар вақт улар диванда ўтирганларида ҳеч бир сабабсиз бирдан Манилов қўлидаги трубкасини, хотини эса қўлидаги ишини (мабодо ўша пайтда қўлида иш бўлса) қўяр ва бир-бирини шу қадар хумор билан узоқ ўпишиб кетардики, бу орада битта папиросни бемалол чекиб олиш мумкин эди. Хуллас, уларнинг ҳузур-ҳаловати жойида эди. Албатта, уйда узоқ ўпишиш ва совғалар тақдим қилишдан бошқа тежаш-тергаш мумкин бўлган кўпгина ҳар турли ишлар бор эди. Масалан, нега ошхонада маза-матрасиз овқат тайёрланади? Нега омбор мунча бўшаб қолган? Нега омбордор хотин ўғирлик қилади? Нега хизматкорлар озода эмас ва доим ароқхўрлик қилишади? Нега хизматкорларнинг бариси жуда кўп ухлайди ва вақтини бекор ўтказишади? Аммо буларнинг ҳаммаси паст ишлар-да, Манилова эса яхши тарбия кўрган аёл, яхши тарбия эса, маълумки, пансионларда олинади. Пансионларда эса, маълумки, учта асосий нарса инсон фазилатининг жавҳари ҳисобланади: оилавий ҳаётнинг бахтиёрлиги учун зарур бўлган француз тили,



эрнинг кўнглига ором бериш дам-ларарида чалинадиган фортепьяно ва сўнгра, ўз шахсий буюмлари билан шуғулланиш, яъни халтачалар тўқиш ва бошқа совға-саломлар тайёрлаш. Шунинг ҳам айтмоқ керакки, иш усулларида турлича такомиллаштиришлар ва ўзгаришлар бўлиши мумкин, айниқса ҳозирги замонда; бу ишлар кўпроқ пансион эгаси бўлган хонимларнинг ўз ақл-фаросатига ва қобилиятига боғлиқ. Бошқа пансионларда шундай бўладигани, аввал фортепьяно, сўнгра француз тили ва ундан кейин қўл иши — халтача тўқиш ўргатилади. Баъзан

эса аввал қўл иши — халтача тўқиш, сўнгра француз тили ва ундан кейин фортепьяно ўргатилади. Шунақа иш усуллари ҳар хил бўлади. Яна бир нарсани айтиб ўтиш зарар қилмасдики, Манилова... лекин, ростини айтсам, мен хонимлар тўғрисида гапиришдан жуда қўрқаман, ҳа айтгандай, энди анави қаҳрамонларимизнинг қиссасини давом этдиришим керак, чунки улар бир неча минутдан бери меҳмонхона эшиги олдида туришиб, такаллуф билан бир-бирини ичкарига таклиф қилишяпти.

— Марҳамат қилинг, менинг учун кўп азият чекманг, мен кейин кираман,—деяр эди Чичиков.

— Йўқ, Павел Иванович, йўқ, сиз меҳмонсиз, — дээр эди Манилов қўли билан эшикни кўрсатиб.

— Азият чекманг, азият чекманг, ўтинаман, қани марҳамат қилиб сиз олдин кириш, — дээр эди Чичиков.

— Йўқ, кечирасиз, шундай дилкаш, шундай ўқимишли меҳмонга орқадан киришни асло раво кўрмайман.

— Нега энди ўқимишли бўлар экан?.. Қани, олдин сиз марҳамат қилинг.

— Йўқ, аввал сиз кириш.

— Нега экан энди?

— Негалиги маълум!— деди Манилов мулойим табассум билан. Ниҳоят, икки ошна якка кифт бўлиб ва бир-бирини бирмунча қисишиб бараварига эшикдан киришди.

— Рухсат этинг, сиз билан хотинимни таништириб қўяй,— деди Манилов.— Жонгинам, мана Павел Иванович!

Шу топда Чичиковнинг кўзи бир хонимга тушди, у эшик олдида Манилов билан таъзим бажо келтириб турганида, бу хонимни ҳали кўрмаган эди. Хонимнинг ҳусни чакки эмас, кийими ҳам ҳуснига муносиб эди. Устидаги рангпар шойи капот қадди-қоматига ярашиб тушган эди; унинг нозик бармоқлари бир нимани тез столга ташлади-да, бурчакларига кашта тикилган батис дастрўмолчани сиқимлаб олди. Хоним дивандан қўзғалди. Чичиков мамнуният билан бориб унинг қўлини ўпди. Манилова ҳатто бирмунча дудуқланиб, йўқлаб келганингиз учун жуда хурсандмиз, эрим ҳар кун сизни эслаб гап-рар эди, деди.

— Ҳа, шундай,— деди Манилов,— хоним ҳам: «Нега ошнанг келмаяпти?»— деб ҳар доим сўрагани-сўраган эди. Мен унга: «Сабр қил, жонгинам, келиб қолар»,— деяр эдим. Мана ахири бизларни йўқлаб келиб бағоят хурсанд қилдингиз... май айёми... диллар шод... :

Чичиков, гап дилнинг шодлигига бориб етганини эшитиб, ҳатто бирмунча хижолат бўлди ва камтарлик билан, мен донгдор киши ҳам, дурустроқ мартаба эгаси ҳам эмасман, деб жавоб қилди.

— Сиз ҳамма нарсага эгасиз,— деди Манилов боягидай мулойим табассум билан унинг сўзини бўлиб:— ҳамма нарсага, ҳатто ундан ортиғига ҳам эгасиз.

— Бизнинг шаҳримиз қалай экан?— деди Манилова.— Унда вақтингиз хуш бўлдимиз?

— Жуда яхши шаҳар, гўзал шаҳар,— деб жавоб берди Чичиков,— вақтим жуда хуш бўлди: жуда улфат ва дилкаш одамлар экан.

— Бизнинг губернаторимиз ёқдимиз? — деди Манилова.

— Жуда муътабар ва дилбар киши, шундай эмасми? — деб қўшиб қўйди Манилов.

— Жуда тўғри, — деди Чичиков, — гоётда муътабар киши. Мансаби ўзига ярашганини, бу мансабни бирам яхши тушунганини асти сўраманг! Қани энди шунақа одамлардан кўпроқ бўлса.

— Ҳар бир кимсани қабул қилишини, одоб-тавозе билан муоамла қилишини айтмайсизми,—деб илова қилди Манилов табассум билан ва ўз гапидан ўзи жуда мамнун бўлиб, худди қулоғининг орқаси бармоқ билан сал қитиқлаб қўйилган мушукдай кўзларини сузиб қўйди.

— Жуда илтифотли ва дилкаш одам, — деб сўзида давом этди Чичиков, — яна унинг чеварлигини айтмайсизми! Бу ҳатто хаёлимга ҳам келмаган эди. Уйдаги нарсаларга бирам ҳар хил чиройли гуллар солиб тикар экан! У менга ўзи гул солиб тиккан халтачасини кўрсатди: бунақа чевар ҳатто хотинлар орасида ҳам жуда кам топилади.

— Хўш, вице-губернатор-чи, у киши ҳам жуда жонажон одам-да, лаббай?—деди Манилов боягидай яна кўзларини бир оз сузиб.

— Жуда, жуда ҳурматга лойиқ одам, — деб жавоб берди Чичиков.

— Хўш, айтинг-чи, полиция бошлиғи сизга ёқдими? Чинакам жуда дилкаш одам-а?

— Ниҳоятда дилкаш, ғоятда ақлли, ғоят ўқимишли киши экан! Уникида биз прокурор ва палата раиси билан бирга то хўрозлар уч марта қичқиргунча қарта ўйнаб ўтирдик. Жуда, жуда, ҳурматга лойиқ одам экан!

— Хўш, полиция бошлиғининг хотини тўғрисида фикрингиз қалай? — деб илова қилди Манилова.— Ростдан ҳам, жуда дилбар хотин-а?

— О, у кишини мен билган хотинлар орасида энг ҳурматлиларидан бири деса бўлади,— деб жавоб берди Чичиков.

Шундан кейин палата раиси, почта мудирига тал келди ва шу равишча шаҳардаги чиновникларнинг деярли ҳаммаси бирма-бир тилга олинди ва бариси энг ҳурматли кишилар эканлиги маълум бўлди.

— Сиз ҳамма вақт қишлоқда турасизми?— деб сўради Чичиков ҳам ўз навбатида.

— Кўпинча қишлоқда,— деб жавоб берди Манилов.— Баъзан ўқимишли кишилар билан гаплашиш учун шаҳарга ҳам бориб турамиз. Биласизки, ҳамма вақт бир ерда қамалиб ўтираверса, ёввойилашиб кетади киши.

— Тўғри, тўғри,—деди Чичиков.

— Албатта,—деб давом этди [Манилов,—тузукроқ қўни-қўшни бўлганда бошқа гап, масалан, шундай одам бўлса, яъни у билан хуш-илтифотлик, хушмуомалалик тўғрисида унча-мунча гаплашиб, илмдан сал-пал хабардор бўлсанг, яъни бир оз кўнгилни ёзсанг, масалан, айтайлик, сал-пал завқ олсанг. ]— У яна бир нима демоқчи бўлди-ю, аммо гапидан бир оз адашиб кетганини сезиб, ҳавода қўлини бир айлангирди-да, сўзини давом этдирди: — У вақтда, албатта, қишлоқнинг ҳам, хилватда ўтиришнинг ҳам дилга хуш ёқадиган жуда кўп томонлари бўлар эди. Бироқ, ҳеч ким йўқ. . . Ҳар замонда «Сын отечества» ни ўқиб қўямиз, холос.

Чичиков бу фикрга тамоман қўшилди ва хилватда яшаб табиат манзарасидан завқ олишдан ва ҳар замонда бирорта китоб ўқиб қўйишдан лаззатлироқ нарса йўқ, деб қўшимча қилди.

— Аммо мен сизга айтсам,—деб илова қилди Манилов,—ҳасратлашадиган биронта дўстинг бўлмаганидан кейин, бариси бекор экан. . .

— О, бу ҳақ гап, бу жуда ҳақ гап!—деб луқма ташлади Чичиков.—У вақтда дунёнинг зар-зевари ҳам бир пул! «Пулинг бўлмаса ҳам яхши улфатинг бўлсин»—деган экан бир донишманд.

— Мен сизга айтсам, Павел Иванович,—деди Манилов юзида чучмал бир ифода ясаб; унинг шу топдаги қиёфаси беморни хурсанд қилиш учун шаҳарнинг эпчил доктори тайёрлаб берган чучмал дорига ўхшар эди: — ўшанда қандайдир бир нав руҳий лаззат оласан киши. . . Масалан, мана ҳозир мен, сиз билан сўзлашиб, ёқимли сўзларингиздан лаззатланиш каби жуда ажойиб бахтга муяссар бўлиб ўтирибман. . .

— Йўғ-э, нимаси ёқимли менинг сўзларимнинг? . . Мен бир ҳақиру фақир одамман, холос,—деб жавоб берди Чичиков.

— О! Павел Иванович, рухсат этинг, мен энди гапнинг очигини айтиб қўя қолай: сиздаги фазилатнинг бир қисмигагина эга бўлмоқ учун мен бор давлатимнинг ярмини жон-жон деб берар эдим.

— Аксинча, мен ўзимни бениҳоя. . .

Хизматкор келиб, овқат тайёр, демаганида бу икки ошнанинг бир-бирига меҳрибонлик изҳор қилиши, билмадик қаерга бориб тақалар эди.

— Қани, марҳамат қилсинлар,— деди Манилов.— Катта меҳмонхоналар ва пойтахтлардаги сингари обед каминаникида бўлмаса, бизни маъзур кўргайсиз; бизники оддийгина русча карам шўрва-ю, аммо беминнат. Қани, марҳамат қилсинлар.

Улар яна боягидай бирмунча вақт, аввал сиз киринг, деб бир-бирларига такаллуф қилиб турдилар ва охири Чичиков якка кифт бўлиб емкахонага кирди.

Емакхонада иккита бола бўлиб, булар Маниловнинг ўғиллари эди, улар тағларига баланд стул қўйиб стол ёнига ўтқазиладиган болалар ёшида эди. Уларнинг олдида одоб ва табассум билан таъзим қилиб муаллим турар эди. Уй бекаси чуқур тарелкадаги шўрвани олдига қўйиб олган эди; меҳмонни уй эгаси билан уй бекаси ўртасига ўтқаздилар; хизматкор болаларнинг бўйнига фартуқ боғлаб қўйди.

— Дўмбоққина болалар экан,— деди Чичиков болаларга қараб,— ёшлари нечада?

— Каттаси сакқизга кирди, кичкинасига худди кеча олти ёш тўлди,— деди Манилова.

— Фемистоклюс!— деди Манилов болаларнинг каттасига қараб; бола эса шу пайт хизматкор боғлаб қўйган фартуқдан иягини чиқариб олишга уринаётган эди.

Чичиков бўлса грекчага ўхшаб кетадиган ва нима сабабдандир Манилов охирига «юс» қўшиб қўйган бу номни эшитгач, қошларини бир оз чимирди-ю, аммо дарҳол қиёфасини асли ҳолига келтиришга ҳаракат қилди.

— Фемистоклюс, қани менга айтиб берчи, Францияда энг яхши шаҳар қайси?

Бу пайт муаллим бутун диққати билан Фемистоклюсга қараб худди унинг кўзини тешиб юборгудай тикилиб турди, аммо Фемистоклюс «Париж» дегандан кейингина тамом тинчланиб, бош ҳимирлатиб қўйди.

— Хўш, биздаги энг яхши шаҳар қайси?— деб сўради яна Манилов.

Муаллим яна болага тикилди.

— Петербург,— деб жавоб берди Фемистоклюс.

— Хўш, яна қайси?

— Москва,— деб жавоб берди Фемистоклюс.

— Айланай, ақлли бола өкан!— деди Чичиков бу жавобни эшитгач.— Буни қаранга,— деб сўзини давом этдирди Чичиков ва шу ондаёқ бирмунча ҳайратланиб Маниловларга қаради,— шу ёшда бу қадар кўп нарса билиш! Мен сизларга айтиб қўйишим керакки, бу болада зўр қобилият бўлади.



— Эҳе, сиз ҳали уни яхши билмабсиз,— деб жавоб берди Манилов,— унинг ақли ғоят ўт-

кир. Мана бу кичиги Алкиднинг зеҳни унчалик тез эмас, аммо каттаси жуда зийрак, бирон пашшами, чивинми кўрса борми, дарров кўзгиналари ўйнаб, орқасидан қувиб етади-да, диққатини ўшандан сира узмайди. Мен уни дипломатликка ўргатаман. Фемистоклюс! — деди Манилов яна унга қараб, — элчи бўласанми?

— Бўламан,— деб жавоб берди Фемистоклюс нон чайнаб ва бошини сарак-сарак қилиб.

Шу пайт орқада турган хизматкор элчининг бурнини артиб қўйди ва кўп яхши иш қилди, бўлмаса каттагина бегона томчи шўрвага шўлп этиб тушган бўларди. Овқат устида тинч, осойишта турмушнинг лаззати тўғрисида гап бошланди, Манилова ҳар замон гапга араллашиб, шаҳар театри ва актёрлар ҳақида луқма ташлаб турди. Муаллим уларнинг сўзларига жуда диққат билан қулоқ солиб, оғизларидан сира кўзини узмас ва уларнинг оғзи кулгига мойил бўлган замон, дарҳол оғзини очиб жон-жаҳди билан куларди. Афтидан, у яхшилиқни эсдан чиқармайдиган ва хўжайиннинг яхши муомаласи учун унга миннатдорчилик билдириб юрадиган одам эди. Аммо бирдан афти-башараси жиддий тус олиб, қаршисида ўтирган болаларга тикилди-да, столни қаттиқ ура бошлади. Бу ишнинг жони бор, чунки Фемистоклюс Алкиднинг қулоғини тишлаб олган эди, Алкид кўзларини қисиб, оғзини очиб дод солмоқчи бўлди-ю, лекин йиғласа ҳозироқ овқатдан маҳрум бўлишидан қўрқиб, бурилиб келаётган лаб-лунжини йиғиштириб олди-да, кўз ёшлари аралаш, қўй гўштининг суягини ке-

мира бошлади, унинг икки лунжи суякнинг ёғидан йилтираб турарди. Уй бекаси тез-тез Чичиковга қараб: «Сиз ҳеч нима емаяпсиз, овқатдан жуда оз оляпсиз» деб қўяр эди. Бу такаллуфга Чичиков ҳар сафар: «Ташаккурларимни билдираман, қорним тўқ, дилкашлиқ қилиб гаплашиб ўтиришнинг ўзи ҳар қандай овқатдан аъло» деяро эди.

Обед тамом бўлиб, ҳамма ўрнидан турди. Манилов ғоят мамнун эди; у қўлини меҳмоннинг орқасига қўйиб, уни меҳмонхонага бошламоқчи бўлганида, меҳмон бирдан жиддий қиёфага кириб, мен сиз билан жуда муҳим бир масала тўғрисида сўзлашмоқчиман, деб қолди.

— Ундай бўлса, менинг кабинетимга марҳамат қиласиз,—деди Манилов ва уни деразаси кўм-кўк ўрмон томонга очиладиган кичкина бир хонага олиб кирди.—Мана менинг кулбам,—деди Манилов.

Чичиков хонага кўз югуртириб чиққач:

—Жуда соз уйча экан,— деди.

Дарҳақиқат, хона чакки эмас эди, деворлари кул ранг товландиган қандайдир кўкиш рангга бўялган эди, хона ичида тўртта стул, битта кресло, бир стол бўлиб, боя биз юқорида айтиб ўтган ва ичига хат-чўп солиб қўйилган китобча ҳам шу стол устида ётарди; унда яна бир неча варақ ёзиб қораланган қоғоз ҳам бор эди, лекин ҳаммадан тамаки кўп эди. Тамаки ҳар хил шаклда ётарди; бир қисми қоғоз халтачаларда, тамаки қутичада, қолган қисми уюлиб стол устида очиқ ётарди. Икки дераза тагида ҳам трубкадан қоқилган куллар бамисоли тепачалар сингари қатор тизилишиб ётарди, улар ҳафсала билан жуда чиройли қилиб қўйилган эди. Уй эгасининг баъзан кул тепачаси яшашдан лаззатланиб вақт ўтказиши ана шундан кўри-ниб турар эди.

— Рухсат этсангиз, мана бу креслога ўтиришингизни сўрар эдим.

— Рухсат этсангиз, мен стулга ўтирсам.

— Рухсат этсангиз, сизга бу рухсат этилмаса,— деди Манилов илжайиб.—Бу креслони мен меҳмонга атаб қўйибман: ёқса-ёқмаса, шунга ўтиришингиз керак.

Чичиков ўтирди.

— Рухсат этсангиз, мен сизга трубка солиб берсам.

— Йўқ, мен чекмайман,— деди Чичиков мулойимлик ва таассуф оҳанги билан.

— Сабаб?— деди Манилов ҳам мулойимлик ва таассуф оҳанги билан.

— Урганмаганман, қўрқаман; тамаки одамни қотириб юборади дейишади.

— Мен сизга айтсам, бу шунчаки бир гап. Мен ҳатто, трубка чекиш саломатлик бобида бурнақидан хийли тузук, деб ўйлайман. Бизнинг полкимизда жуда ажойиб ва жуда ўқимишли бир поручик бор эди, у овқат устидагина эмас, ҳатто, кечирасиз, ҳалигидай жойларда ҳам трубкани оғзидан олмас эди. Мана ҳозир ёши қирқдан ошган, лекин худонинг марҳамати билан ҳануз биққидай соғсаломат.

Чичиков, шундай бўлиши жуда мумкин, табиатда кўп нарсалар борки, буларнинг сирини ҳатто энг ақли расо кишилар ҳам тушунмайди, деб қўйди.

— Лекин, рухсат этсангиз, аввал бир илтимос бор...— деди Чичиков; бу гапни у шундай ғалати бир оҳангда айтдики, кейиндан негадир орқасига қараб қўйди. Манилов ҳам негадир орқасига қараб қўйди.— Улпон рўйхатини топширганингизга кўп вақт бўлдими?

— Кўп вақт бўлди, ростини айтсам, эсимда йўқ.

— Уша вақтдан бери деҳқонларингиздан қанча киши ўлди?

— Эсимда йўқ, фикримча, бунни приказчикдан сўрамоқ керак. Ҳой, кимсан, менга қара, приказчикни чақир, бугун у шу ерда бўлиши керак.

Приказчик келди. У қирқ ёшлар чамасида, соқоли қирилган, сюртук кийиб олган ва афтидан, роҳат-фароғатда кун кечирадиган бир киши эди, чунки лўппи юзи, сарғишдан келган ранги ва кичкина кўзлари пар тўшак билан пар ёстиқнинг қадрини жуда яхши билишидан гувоҳлик берар эди. Бир қарашда билиш мумкин эдики, бу мартабага бошқа помешчикларнинг приказчиклари қандай йўл билан эришган бўлса, у ҳам шундай йўл билан эришган эди, илгари шунчаки хат-саводли бола бўлиб, хўжайиннинг ҳовлисида югурдаклик вазифасини ўтайди, сўнгра Агашка-магашка деган бирор омбордор қизга, яъни помешчикнинг ўйнашига уйланиб, ўзи аввал омбордор, кейин приказчик бўлиб олади. Приказчик бўлиб

олгач, албатта, бошқа приказчиклар сингари оёқ ташлайдиган бўлади, яъни қишлоқдаги бойроқ кишилар билан борди-келди қилиб ошна-оғайни ортдиради, камбағалроқ кишиларга жарима-жазони оширади; эрта билан соат тўққизда уйқусидан туриб самоварни кутди ва ўтириб чой ичади.

— Менга қара, азизим! Улпон рўйхатини топширганимиздан буён деҳқонларимиздан қанча ўлди?

— Ким билсин қанчалигини? Ундан бери кўп киши ўлди,— деди приказчик ва ҳиқичоғи тутиб оғзини кафти билан сал пана қилди.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим,— деди Манилов дарров сўзни илиб олиб:— ҳақиқатан жуда кўп киши ўлди!— Шу пайт у Чичиковга қараб яна:— ҳа, жуда кўп киши,— деб қўйди.

— Хўш, масалан, сони қанча?— деб сўради Чичиков.

— Ҳа айтгандай, сони қанча?— деди Манилов сўзни илиб олиб.

— Сонини ким билади? Қанча ўлганлиги маълум эмас. Ҳеч ким санагани йўқ.

— Ҳақиқатан шундай,— деди Манилов Чичиковга қараб,— ўзим ҳам жуда кўп киши ўлган бўлса керак деб ўйлаган эдим, лекин қанча киши ўлганлиги сира маълум эмас.

— Сен, биродар, ўлганларни санаб чиқ,— деди Чичиков,— кейин ҳаммасини номма-ном ёзиб тўла рўйхат туз.

— Ҳа, ҳаммасини номма-ном,— деди Манилов.

Приказчик: «Хўп, бўлади!» деб чиқиб кетди.

— Бу сизга нима сабабдан керак бўлиб қолди?— деб сўради Манилов приказчик кетгандан кейин.

Бу савол меҳмонни мушкул аҳволга солиб қўйди шекилли, юзларида аллақандай зўр ташвиш ифодаси пайдо бўлиб, ҳатто қизариб кетди; бу ташвишдан унинг сўз қолипига асло сиғмайдиган бир нарсани айт-



моқчи эканлиги кўриниб турарди. Дарҳақиқат, бирпасдан кейин Манилов шундай ғалати, қизиқ нарсаларни эшитдики, буни одам бола-сининг қулоғи асло эшитмаган эди.

— Нима сабабдан дейсизми? Сабаб шуки, мен деҳқонлар сотиб олмоқчиман. . . — деди Чичиков ва тили тутилиб сўзи чала қолди.

— Сўрашга рухсат этсангиз, — деди Манилов, — сиз деҳқонларни қанақасига сотиб олмоқчисиз, ер билан биргами ёки бошқа жойга олиб кетиш учунми, яъни ерсиз қуруқ ҳоличами?

— Йўқ, мен деҳқончилик қилиб юрган деҳқонларни айтаётганим йўқ, — деди Чичиков, — мен ўликларни сотиб олмоқчиман.

— Нима дедингиз? Кечирасиз . . . қулоғим сал оғирроқ, сўз ғалати-роқ эшитилди. . .

— Мен ўлпон рўйхатида тириклар қаторида ҳисобланувчи ўликларни сотиб олмоқчиман, — деди Чичиков.

Шу ондаёқ Маниловнинг оғзи очилиб, кўлидаги трубкаси найча-пайчаси билан ерга тушиб кетди ва бир неча минут оғзи очилганча анграйиб қолди. Ҳалигина дўстона ҳаётнинг нашъу намоси ҳақида гурунглашиб ўтирган икки ошна, ҳозир худди эски замонда ойнанинг икки томонида юзма-юз осиб қўйиладиган иккита суратдай, бир-бирига тикилиб данг қотиб қолишди. Сўнгра Манилов ердан трубка билан найчасини олди-да, кўз тагидан меҳмоннинг юзига қараб, унинг қиёфасида киноя ёки ҳазил аломати борлигини пайқамоқчи бўлди, лекин меҳмоннинг юзида бундай аломат кўринмас, аксинча, унинг юзи ҳатто одатдагидан ҳам жиддийроқ тус олган эди; кейин у, меҳмон тўсатдан ақлдан озиб қолмадимикин, деган хаёл билан юрагини ваҳм босиб, унга қаттиқроқ тикилиб қаради, бироқ меҳмоннинг кўзлари жуда жойида эди, жинни кишининг кўзларида бўладиган бежолик ва ўйноқиликдан унда асар ҳам йўқ, ҳаммаси бажо ва туппа-тузук эди. Манилов энди нима қилишим керак ва нима дейишим керак, деб қанча ўйласа ҳам ҳеч нимани ўйлаб тополмади-да, фақат оғзида қолган тутунни ингичка чўзиб чиқара бошлади.

— Шундай қилиб, ҳақиқатда ўлик бўлган, аммо қонун расмияти бўйича тирик ҳисобланадиган ана шунақа кишиларни сиз менга топширингиз, кечиб беришингиз ёки бошқача йўл билан муносиб кўришингиз мумкин бўлармикин? Мен шуни билмоқчиман.

Бироқ, Манилов жуда хижолат тортиб довдираб қолганидан ҳеч нима деёлмай, фақат унинг юзига тикилиб қолди.

— Назаримда сиз... қийналаётганга ўхшайсиз?— деди Чичиков.

— Менми?.. Йўқ, мен бошқа нарсани...— деди Манилов:— сира ақлим етмаяпти... кечирасиз... мен, албатта, масалан, сизнинг ҳар бир ҳаракатингизда намоён бўлиб турган ажойиб илм-маърифатни олишга муяссар бўлган эмасман; сўзни силлиқ қилиб сўзлай олмайман... Балки, бунда... сиз айтган ҳалиги сўзларда... бошқача бир сир бордир... Балки, сиз сўзга чиройли адабий тус бериш учун шундай услубда гапиргандирсиз?

— Йўқ,— деди Чичиков сўзни илиб олиб,— йўқ, бор гапни айтаётибман, яъни ҳақиқатан ўлиб кетган жонлар тўғрисида гапир-ётибман.

Манилов бутунлай довдираб қолди. Энди бир нима қилмоғим керак, бирон масалани олдига қўймоғим керак, деб ўйлади-ю, аммо қанақа масала қўйишни билмади. Ниҳоят, қилган иши яна бояғидай тутун чиқаришдан иборат бўлди, аммо бу сафар тутунни оғзидан эмас, бурун тешикларидан чиқарди.

— Демак, агар қаршилиқ бўлмаса, жуда соз, энди васийқа қилишга киришсак ҳам бўлар,— деди Чичиков.

— Нима, ўликларни васийқа қиламиз дейсизми?

— Йўқ, ундай эмас!— деди Чичиков.— Биз, улар тирик, ўлпоп рўйхатида ҳақиқатан бор, деб ёзамиз. Мен гражданлик қонунларига тамомила риоя қилишга ўрганиб қолганман; шу ваядан хизматда жафо чеккан бўлсам ҳам майли; аммо кечирасиз: бурчни мен ўзим учун муқаддас нарса деб биламан, қонун олдида эса мен соқовман.

Кейинги сўзлар Маниловга ёқиб тушди-ю, лекин ҳали ҳам у масаланинг туб маъносига ҳеч тушуниб етолмади, шунинг учун жавоб ўрнига зўр бериб трубка найчасини торта бошлади, натижада найча фагот<sup>1</sup> сингари хириллаб қолди. Бу билан у, қулоқ эшитмаган, кўз кўрмаган бундай аҳвол ҳақида Чичиковнинг миясидаги фикрни гўё тортиб чиқармоқчи бўлар эди; аммо трубка найчаси нуқул хирилларди, холос.

— Балки, кўнглингизда бирон шак-шубҳангиз бордир?

---

<sup>1</sup> Фагот — сурнайга ўхшаган музика асбоби.



— О! кечирасиз, асло. Мен сизнинг тўғрингизда бирон хил, яъни танқидий фикр айтиш ниятида эмасман. Аммо рухсат этсангиз шуни айтмоқчиманки, бу иш, ёки масалан, дурустроқ таъбир билан айтсак, негодия<sup>1</sup>, ана шу негодия гражданлик қонун-қоидаларига ва Русиянинг келгуси аҳволотига номувофиқ бўлмасмикин?

Шу пайт Манилов бошини бир хил муқом билан қимирлатиб, жуда жиддий қиёфада Чичиковга қаради ва бутун юзи-ю, юмуқ лабларида шундай чуқур маъноли ифодани акс этдирдики, бундай ифода одам боласининг юзида кўринган бўлмаса керак; фақат бирон-бир жуда ақлли министргина, у ҳам бўлса энг муҳим масала устида шундай бош қотириши мумкин эди.

Лекин Чичиков, бу иш ёки негодия гражданлик қонун-қоидаларига ва Русиянинг келгуси аҳволотига асло номувофиқ бўлмайди деб қўя қолди, бирпасдан кейин эса яна, ҳатто подшолик бундан фойда кўради, чунки подшолик бундан қонуний хирож олади, деди.

— Демак, сизнинг фикрингизча? ..

— Менинг фикримча, бу яхши бўлади.

— Агар яхши бўлса, бошқа гап: мен бунга қарши эмасман,— деди Манилов ва кўнгли бутунлай тинчиди.

— Энди нарх-навоси тўғрисида гаплашмоғимиз керак. . .

— Нарх-навоси нимаси?— деди Манилов ва тўхтаб қолди.— Наҳотки сиз мени, ўз ҳаётини аллақачонлар тамом қилиб кетган жонлар учун пул олади, деб ўйласангиз? Модомики сизда ана шунақа хаёлий истак пайдо бўлган экан, мен уларни сизга текинга бераман ва васийқани ўз ҳисобимга қилдираман.

Ушбу воқиаларнинг тарихчиси, Маниловнинг шу сўзларидан кейин меҳмон ниҳоятда шод-хуррам бўлганини айтмай ўтса, жуда қаттиқ таънага қолган бўлар эди. У нечоғлик вазмин ва мулоҳазали киши бўлса-да, ҳозир қувончининг зўридан ўрнидан туриб эчкидай осмонга сакрашига сал қолди. У креслода шундай қаттиқ бурилдики, тагидаги ёстиқнинг мовут жилди тарс ёрилиб кетди; Маниловнинг ўзи ҳам унга бир оз ҳайрон бўлиб қараб қолди. Зўр илтифотдан ҳаяжонга келган Чичиковнинг Маниловга айтган ташаккур ва миннатдорчиликларининг одоғи йўқ эди; бу гаплардан уялиб, қип-қизариб

---

<sup>1</sup> Не г о ц и я — савдо-сотик битими.

кетган Манилов эса «ундай эмас» деган ишора билан бошини қимирлатди ва ниҳоят сўзга кириб, бу ҳеч нима эмас, мен нима билан бўлса ҳам самимий муҳаббатимни, кўнглимдаги жўшқин жозибани исбот қилмоқчи бўлган эдим, ўлик жонлар эса бир ҳисобда бутунлай ярамас нарсадир, деди.

— Бутунлай ярамас нарса эмас,— деди Чичиков унинг қўлини қисиб. Шу пайт у жуда чуқур оҳ тортди. Афтидан, у юракдаги ҳасратларини ҳозир тўлиб-тошиб изҳор қилгуси келарди; ниҳоят, у ҳис ва ҳаяжон билан қуйидаги сўзларни айтди:

— Ярамас бўлиб кўринган шу нарса билан сиз бир безот ва бенасиб кишига нақадар катта хизмат қилганингизни билсангиз эди! Ҳақиқатан ҳам мен не-не кулфатларни тортмадим? Шиддатли тўлқинлар ичида қолган бир кема каби. . . не-не қувғинларга учрамадим, не-не таъқибларга дучор бўлмадим, не-не аламларни тортмадим, хўш, нима учун? Шунинг учунки, ҳақиқатпарварлик қилдим, виждоним тоза эди, шўрлик бева-бечораларга ва етим-есирларга ёрдам қўлини чўздим! . . .— Шундай деб у ҳатто кўзидаги ёшини ҳам артиб олди.

Маниловнинг кўнгли жуда бузилди. Икки ошна узоқ вақт қўл қисишиб, бир-бирининг жиққа ёшга тўлган кўзларига тикилиб туришди. Манилов қаҳрамонимизнинг қўлини асло бўшатгуси келмай, ҳамон қаттиқ ушлаб турар, у эса қандай қилиб қўлини бўшатиш иложини тополмас эди. Ниҳоят Чичиков секингина қўлини тортиб олиб, васийқа тезроқ қилинса ёмон бўлмасди, ўзингиз бирров шаҳарга бориб келсангиз яхши бўларди, деди. Сўнгра у шляпасини олиб хайрлаша бошлади.

— Хўш, кетишга отланияпсизми?— деди Манилов бирдан хуши учиб. Шу пайт кабинетга Манилова кирди.

— Лизанька,— деди Манилов бир оз маъюсланиб,— Павел Иванович бизни ташлаб кетаётibdилар!

— Биз Павел Ивановичнинг жонига теккандирмиз-да,— деб жавоб берди Манилова.

— Хоним пошша! мана бу ерда,— деди Чичиков қўлини юраги устига қўйиб,— сизлар билан хушвақт ўтказган дамларим мана шу ерда қолади! ва ишонингки, сизлар билан гарчи бир уйда бўлмаса-да, лоақал энг яқин қўшни бўлиб туриш, менинг учун энг катта бахт-саодат бўлур эди.

Бу фикр Маниловга жуда ёқиб тушди.

— Биласизми, Павел Иванович,— деди Манилов,— бир жойда, бир уйда яшасак ёки бирор қайрағоч соясида бирон нарса тўғрисида фалсафа қилишиб чуқур фикр юргизиб ўтирсак, ҳақиқатан ҳам қандай яхши бўлар эди!..

— О, худди жаннатда яшагандек бўлар эдик,— деди Чичиков оҳ тортиб.— Хайр, хоним пошша! — деди яна у Манилованинг қўлини ўпиб.— Хайр, энг ҳурматли дўстим! Илтимосимни эсдан чиқарманг!

— О, амин бўлинг! — деб жавоб берди Манилов.— Икки кун ўтмасдан яна дийдор кўришамиз.

Ҳаммалари емакхонага чиқишди.

— Хайр, азиз кичкинтойлар! — деди Чичиков емакхонада қўл ва бурни узиб ташланган бир ёғоч гусарни таталаб ўтирган Алкид билан Фемистоклюсни кўриб.— Хайр, миттижонларим. Сизларга совға олиб келмаганим учун мени кечиринглар, чунки ростини айтсам, сизларнинг дунёда бор-йўқлигингизни ҳатто билган ҳам эмас эдим, аммо эндиги сафар келганимда, албатта олиб келаман. Сенга қилич олиб келаман; қилични яхши кўрасанми?

— Яхши кўраман,— деб жавоб берди Фемистоклюс.

— Сенга эса барабан; сенга барабан олиб келай-а? — деди у Алкиднинг устига энгашиб.

— Парапан,— деди пичирлаб Алкид ва бошини қуйи солди.

— Хўп, мен сенга барабан олиб келаман. Шунақа барабан олиб келайки, уни турр... ру... тра-та-та, та-та-та... қилиб чалаверасан. Хайр, жонгинам! Хайр!— У Алкиднинг бошидан ўпти-да, сўнгра бола орзусининг айби йўқ, деган ишора билан жилмайиб Манилов ва унинг хотинига қараб қўйди.

— Рост, қолинг, Павел Иванович! — деди Манилов, ҳаммалари ташқари эшикка чиққанларидан кейин.— Анави булутларга қаранг.

— Э, булар кичкина булутчалар-ку,— деб жавоб берди Чичиков.

— Ҳа, айтгандай, Собакевичникига қайси йўлдан боришни биласизми?

— Буни сиздан сўрамоқчиман.

— Хўп, ҳозир мен кучерингизга тушунтириб бераман.— Шу ондаёқ Манилов тавозе билан кучерга тушунтира бошлади ва ҳатто уни бир марта сизлаб ҳам қўйди.

Кучер икки бурилишдан ўтиб, учинчисига қайрилиш лозимлигини эшитгач: «Тоғиб оламиз, жаноб олийлари» деди. Чичиков жўнаб кетди, уй эгалари узоқ вақтгача унга таъзим қилиб ва оёқ учида турган ҳолда рўмолча силкитиб қолдилар.

Манилов анчагача эшик зинасида туриб, узоқлашиб кетаётган бричкага қараб қолди, бричка тамом кўздан ғойиб бўлгандан кейин ҳам у ҳамон трубкасини тортиб турарди. Сўнгра уйига кириб стулга ўтирди ва меҳмонни мамнун қилиб жўнатгани учун ичдан суюниб хаёл суриб кетди. Кейин хаёли бошқа нарсаларга ўтди ва бориб-бориб аллақадар парвоз қилиб кетди. У, дўстона ҳаётнинг роҳат-фароғати тўғрисида, дўсти билан бирон дарё бўйида маза қилиб яшаш тўғрисида ўйларди, кейин хаёлида шу дарё устига кўприк ясалди, ундан кейин мезанаси жуда баланд ҳашаматли катта уй қурилди ва мезанадан туриб ҳатто Москвани бемалол кўрадиган, кечқурунлари унда ўтириб очиқ ҳавода чой ичадиган ва дилга ёққан нарсалар ҳақида суҳбатлашадиган бўлди. Сўнгра улар Чичиков билан бирга гумбур файтонларга тушиб, хушмуомалалиги ҳаммани мафтун қиладиган баланд мартабали улфатлар олдига боришди, уларнинг бундай қалин дўстлигини подшо эшитиб қолиб, уларга генераллик унвонини инъом қилди ва сўнгра яна, ҳатто ўзи ҳам асло тушунмайдиган алланима балолар бўлди. Шу топда Чичиков қилган ғалати илтимос эсига тушиб, бутун хаёлини учуриб юборди. Бу фикрни унинг мияси қандайдир унча ҳазм қилолмас эди: бу ғалати илтимосни ҳар ёққа йўйиб, ҳар томонлама ағдар-тўнтар қилиб ўйлаб кўрса ҳам ҳеч тагига етолмади ва шу куйи трубкасини чекиб ўтириб кунни кеч қилди.





### Учинчи боб

**Ч**ичиков бўлса кайфи чоғ, анчадан бери катта, текис йўлда гумбурлаб учаётган бричкасида ўтириб борарди. Унинг истаги ва орзу-ҳаваси асосан нималиги бундан олдинги бобдаёқ маълум бўлган эди, шунинг учун ҳам унинг тезда бутун жону тани билан шу масала мулоҳазасига шўнгиб кетганлиги ажабланарли эмасдир. У ўйлаб бораётган тахминлар, сметалар ва мулоҳазаларнинг акси унинг юзида жуда ёқимли жилваланарди, чунки бу тахмин ва мулоҳазаларни ўйлар экан, ҳар дақиқада мамнун жилмайиб қўярди. У ўз фикру хаёллари билан банд бўлиб, Манилов хизматкорларининг зиёфатидан кайфи тарақ бўлиб бораётган кучернинг чавкар отга қилган жуда ўринли танбиҳига ҳеч бир эътибор бермади. Чавкар от аравага ўнг ёқдан қўшилганди, у жуда муғомбир эди, фақат

хўжа кўрсинга юрар ва гўё аравани тортиб бораётгандек кўринарди, ҳолбуки ўртага қўшилган жийрон от билан чап ёқдан қўшилган ва бир суд маслаҳатчисидан сотиб олингани учун Маслаҳатчи деб ном қўйилган саман от жон-жаҳди билан аравани тортар ва бу ишларидан ўзлари мамнун эканликлари кўзларидан кўриниб турарди. Селифан ўрнидан сал туриб дангаса чавкарга қамчи солар экан: «Ҳа, муғомбир! Ҳозир сенга муғомбирликни кўрсатиб қўяман,— деяр эди.— Сен ўз ишингни бил, немисдан тарқаган ҳароми! Жийрон яхши от, у ўз вазифасини ҳалол бажаради, мен унга жоним билан биргалвир емни ортиқ бераман, чунки у яхши от; Маслаҳатчи ҳам яхши от. . . Бас, бас! нега қулоғингни силкитасан? Сен аҳмоқ гапга қулоқ солгин! Мен сен нодонни ёмон бўл демайман-ку. Қара, қаёққа кетяпти у!» Шу топда Селифан унга яна қамчи солди ва: «Э ҳайвон! Лаънати Бонапарт! . . .» деб қўйди. Сўнгра ҳаммасига баравар қичқариб: «Ҳа, барака топкурлар!» деди ва учовини баравар қамчилади, яъни уларни жазолаш учун эмас, балки улардан мамнунлигини кўрсатиш учун қамчилади. Ҳамма отларни ана шундай сийлагандан кейин у яна чавкарга қараб гапира бошлади: «Сен менинг бу қилигимни ҳеч ким сезмайди деб ўйлайсанми? Йўқ, иззат-ҳурмат кўраман десанг, тўғри бўл. Мана биз уйда меҳмон бўлган помешчикнинг одамлари яхши кишилар экан. Яхши одам бўлса, мен жоним билан гаплашаман; яхши одам билан биз ҳамиша қадрдон дўст, қил ўтмас оғайни бўламиз; яхши одам билан бирга чой ичсанг ҳам, овқат есанг ҳам роҳат қиласан. Яхши одамни ҳар ким ҳурмат қилади. Мана бизнинг баринни ҳамма ҳурмат қилади; чунки у, мен сенга айтсам, подшолик хизматини адо этиб келди, у сколеской советник. . .»<sup>1</sup>

Селифан шу тариқа фикр юргизиб, ниҳоят, энг мавҳум муҳокамаларга бориб етди. Агар Чичиков қулоқ солиб унинг сўзларини эшитганда, шахсан ўзига доир кўп тафсилотларни билган бўлар эди; лекин унинг фикри-хаёли ўз кор-бори билан банд эди, фақат момақалди роқнинг қаттиқ гулдурашидангина унинг фикри тарқалиб кетди ва у кўзини очиб, теварак-атрофга назар солди: бутун осмонни қора булут қоплаган, чанг-тўзонли катта йўлга ёмғир томчилари сачраган эди. Момақалди роқ яқинроқда яна қаттиқроқ гулдуради ва бирдан

---

<sup>1</sup> Коллежский советник демоқчи.

ёмғир челакдан қуйгандай шариллаб ёға бошлади. Қиялаб ёға бошлаган ёмғир аввал арава соябонининг бир томонига ура бошлади, сўнгра иккинчи томонига урди, ундан кейин ҳужум йўлини ўзгартиб, тиккасига ёғди-да, соябоннинг устини роса ногора қилиб кетди; ниҳоят, ёмғир унинг юзларига сачраб ура бошлади. Шунда у араванинг чарм пардасини тортишга мажбур бўлди, бу чарм пардага йўл манзараларини кўриб бориш учун иккита думалоқ туйнукча қилиб қўйилган эди; у Селифанга тезроқ ҳайдашни буюрди. Сўзи қоқ ярмидан бўлиниб қолган Селифан ҳам дарҳол шошилини чора кўриш кераклигини пайқаб, бир зумда козла тагидан кул ранг сўкнога ўхшаш эски бир увадани чиқариб, қўлларига кийди-да, жиловни қўлига олиб, уч отга баб-баравар қичқирди; отлар жуда секин қадам ташлаб бормоқда эди, чунки улар Селифаннинг панд-насихатларидан гоят таъсирланиб бўшашиб қолган эдилар. Бироқ, Селифан иккитами ёки учта қайрилмадан ўтганини сира эслай олмас эди. У ўйлаб туриб, юрган йўлини эсга олди-да, кўп қайрилмалардан биттасига ҳам бурилмай ўтиб кетганини пайқади. Рус кишиси мушкул пайт келганда узоқ ўйлаб-нетиб ўтирмай, нима қилиш лозимлигини дарҳол топади, шунинг учун Селифан ҳам йўл икки томонга айрилиб кетган қайрилмага келиши билан отларни ўнг томонга буриб юборди ва отларга: «Эй, сиз, азиз дўстларим!» дея қичқириб, бу йўл қаерга олиб боришини сира ўйламай, отларни чоптириб кетди.

Ёмғир ўз тулумини жуда тўлдириб олганга ўхшарди — ҳамон тинмай ёғарди. Йўлнинг чанг-тўзони тезда лойга айланиб кетди, аравани тортиш отларга борган сари оғирлик қила бошлади. Собакевичнинг қишлоғи ҳануз кўринмаганлиги учун Чичиков жуда бетоқат бўлиб қолди. Унинг мўлжалича, қишлоққа аллақачон етиб борилган бўлиши керак эди. У икки томонга мўралаб қаради, бироқ зимистон қоронғида ҳеч нимани кўриб бўлмас эди.

Ниҳоят, у бричкадан бошини чиқариб:

— Селифан! — деди.

— Нима дейсиз, хўжайин? — деб жавоб қилди Селифан.

— Қара-чи, қишлоқ кўринмаяптими?

— Йўқ, хўжайин, сира кўринмаяпти! — Шундай деб Селифан қамчинини ўйнатиб, қўшиқ деса қўшиққа ўхшамайдиган, охири сира адо бўлмайдиган алланимани чўзиб айта бошлади. Унинг ичида ҳам-

ма нарса: бутун Русиянинг у бошидан бу бошигача отларга қараб айтиладиган ҳамма далда берувчи нидолар, тилда ҳамма сўз жинсларига доир бўлган ва нарёғини суриштирмасдан оғзига келганни айта берилладиган сифатлар бор эди. Охири шунга бориб етдики, Селифан отларни секретарлар деб атай бошлади.

Шу аснода Чичиков бричка ҳар томонга чайқалиб, уни силкиб-силкиб ташлаётганини пайқаб қолди; шунда у отлар йўлдан чиқиб кетганини ва афтидан бричка шудгор қилинган далада судралиб юрганини сизди. Чамаси, Селифаннинг ўзи ҳам буни пайқаган эди-ю, лекин чурқ этмасдан ўтирган эди.

— Эй, муттаҳам, қанақа йўлдан ҳайдаяпсан асти? — деди Чичиков.

— Қандоқ қилай, хўжайин, бемаҳал-да; шундай қоронғики, қамчини ҳам кўриб бўлмайди! — Шундай деб, у отларни бир томонга қаттиқ буриб юборган эди, Чичиков ўзини зўрға икки қўли билан тутиб қолди. Ана шундагина у Селифаннинг кайфи тарақ бўлиб йўлга чиққанини пайқади.

— Тўхтат, тўхтат, аравани ағдариб юборасан! — деб қичқирди унга Чичиков.

— Йўқ, хўжайин, нега энди аравани ағдариб юборар эканман, — деди Селифан. — Аравани ағдариш яхши иш эмас, буни ўзим ҳам билман; йўқ, мен уни асло ағдармайман. — Шундан кейин у бричкани секин бура бошлади, бура-бура ахири уни ағдариб юборди. Чичиков шалоплаб лойга йиқилиб тушди. Селифан отларни тўхтатди; лекин у тўхтамаганда ҳам отларнинг ўзи тўхтар, чунки улар тамом ҳолдан кетган эди. Кутилмаган бу ҳодиса уни бутунлай довдиратиб қўйди. У козладан тушди-да, икки қўлини белига тираб, бричка олдида турди, шу пайт хўжайин инқиллаб лойни шапиллатиб, ундан чиқишга тиришмоқда эди; Селифан бўлса бир оз ўйлаб тургач: «Қаранг-а, ағдарилиб кетибди-я» деб қўйди.

— Сен ғирт мастга ўхшайсан-ку! — деди Чичиков.

— Йўқ, хўжайин, нега энди маст бўлар эканман! Маст бўлиш яхши иш эмас, буни ўзим ҳам билман. Ошнам билан сўзлашиб ўтирдик, чунки яхши одам билан гаплашсанг арзийди, бунинг айби йўқ; сўнгра бирга овқатландик. Овқатланиш ёмон иш эмас; яхши одам билан бирга овқат есанг арзийди.



— Хўш, сўнгги марта ичиб маст бўлганингда нима деган эдим-а? Эсингда чикдими? — деди Чичиков.

— Йўқ, жаноб олийлари, нега энди эсимдан чиқар экан? Мен ўз ишимни биламан. Маст бўлиш яхши иш эмаслигини биламан. Яхши одам билан сўзлашиб ўтирдим, чунки. . .

— Яхшилаб калтаклайман, кейин биласан яхши одам билан сўзлашиб ўтиришни!

— Ихтиёр ўзингиз-да,— деди ҳамма нарсага кўнадиган Селифан,— калтаклаш керак бўлса, калтаклаш керак; мен асло йўқ демайман. Хўш, гуноҳи бўлса, нега калтакламаслик керак экан? Бу хўжайинларнинг иши. Хўжайинлар калтаклаб туришлари керак, бўлмаса мужик талтайиб кетади; тартиб-қоидага риоя қилмоқ керак. Гуноҳим бўлса, мана калтакла мени; хўш, гуноҳ бўлса нега калтакламаслик керак экан?

Бу гапларга бариб бутунлай довдираб, нима дейишини билмай қолди. Лекин шу пайтда уларга тақдирнинг ўзи дастгирлик қилмоқчи бўлди. Узоқдан итларнинг хуруши эшитилди. Чичиков қувониб кетиб, отларни тез ҳайдашни буюрди. Рус аравакашининг кўзи ўткир бўлма-

са ҳам, фаросати ўткир бўлади: ўткир фаросати туфайли у кўзларини юмиб олиб, баъзан отларни жони борича ҳайдайди ва ҳамиша бирон жойга келиб етади. Селифан қоронғида ҳеч нимани кўрмасдан отларни тўғри қишлоққа қараб чоптириб кетди ва бричканинг шотиси деворга урилиб қолгандан кейингина йўл йўқлигини пайқаб, тўхтади. Шу топда Чичиков селдай ёғаётган ёмғирнинг қора пардаси орасидан томга ўхшаш бир нарсани кўрди. У Селифанни дарвозани қидириб топгани юборди; хайриятки, Русияда дарвоза олдида турадиган швейцарлар ўрнига сезгир итлар бор, шу итлар бўлмаганда, шубҳасиз, дарвозани қидириб топиш осон бўлмас эди; ҳовлидаги итлар бегона одам келганидан хабар бериб, шундай қаттиқ вовилладики, Селифан бармоқлари билан қулоқларини бекитиб олди. Деразалардан бирида чироқ милтиллади ва унинг хира шуъласи деворгача чўзилиб, йўловчиларга дарвозани кўрсатди. Селифан дарвозани тақиллата бошлади, тезда эшик очилиб, ундан чакмон ёпинган бир кишининг гавдаси кўринди, Чичиков билан Селифанга хотин кишининг хириллаган товуши эшитилди:

— Кимди тақиллатаётган? Нима бало бўлди?

— Онажон, биз йўловчимиз, шу кеча ётиб кетишга жой беринг,— деди Чичиков.

— Пой қадамингга қара-я,— деди кампир,— одам ҳам шунақа бемаҳалда келадими! Бу ер сенга карвонсарай эмас: бу ерда помешчик аёл туради.

— Онажон, қандоқ қилайлик ахир, йўлдан адашдик. Шундай вақтда далада ётиб бўлмайди-ку.

— Ҳа, қоронғи — зимистон, ёмон пайт, — деб қўшиб қўйди Селифан.

— Жим тур, аҳмоқ,— деди Чичиков.

— Ўзингиз ким бўласиз? — деди кампир.

— Онажон, дворянин.

«Дворянин» сўзи кампирни бир оз ўйга солиб қўйгандек бўлди.

— Туратуриг, мен бекамга бориб айтай-чи,— деди кампир ва икки минутдан кейин қўлида фонус кўтариб келди.

Дарвоза очилди. Иккинчи деразада ҳам чироқ ёнди. Бричка ҳовлига кириб, кичкина бир уй олдида тўхтади, бу уйнинг қанақалигини қоронғида кўриш қийин эди. Уйнинг фақат ярмигина деразалардан

тушиб турган шуъладан ёришган эди; ўша шуъла уй олдидаги ҳал-қобни ҳам ёритиб турарди. Ёмғир тахта томни ногора қилиб чалар ва ариқчадай жилдираб, тарнов остига қўйилган бочкага оқиб тушарди. Итлар бўлса турли оҳангда қаттиқ акиллашарди: бири бошини орқага ташлаб, жон-жаҳди билан шундай чўзиб увиллардики, гўё бунинг учун қандайдир хизмат ҳақи оладиганга ўхшарди; яна бири қоридек узиб-узиб тез-тез акилларди; булар орасида, ёш кучукнинг худди уч отли бекат араваси дугасига тақиб қўйилган қўнғироқдай овози эшитиларди; ниҳоят, бу жўр оҳанглари мукаммаллаштирмақ учун, чамаси, ҳамма итларнинг хулқ-одатини ўзида акс этдирган қари кўппак йўғон товуш чиқариб вовилларди, унинг товуши худди концерт авжига чиққанда дўриллаб турадиган ашулачи контрабас сингари дўрилларди: тенорлар ўз оҳангларини зўр иштиёқ билан юқори пардага кўтариш учун оёқ учида туриб ва бошларини юқори кўтариб куйлайдилар, ҳамма-ю ҳамма бошини орқага ирғаб юқорига қарайди, ёлғиз шу, ана шу ашулачи контрабас соқоли олинмаган иягини галстугига босиб олиб, деярли ергача эгилиб олади-да, ўша ердан туриб ўзининг дўриллаган оҳангини чиқаради ва оҳангдан деразалар ларзага келиб, ойналар дир-дир титрайди; ёлғиз ана шундай музикачи итларнинг вовиллашидан, бу қишлоқни тузуккина қишлоқ экан, деб фараз қилиш мумкин эди; лекин шалаббоси чиқиб тўнғиб ўтирган бизнинг қаҳрамонимиз тезроқ ётиб ухлашдан бўлак ҳеч нимани ўйламас эди. Бричка ҳали бутунлай тўхтаб улгурмасданоқ, у ирғиб эшик зинасига тушди ва гандираклаб йиқилиб кетишига сал қолди. Эшик зинасига яна қандайдир бир аёл чиқди. Бу аёл аввалги аёлдан ёшроқ кўринарди-ю, аммо унга жуда ўхшарди. Бу аёл Чичиковни хонасига бошлаб кирди. Чичиков хонага бир-икки марта кўз ташлаб олди: хонанинг деворларига йўл-йўл эски гул қоғозлар ёпиштириб қўйилган эди; қандайдир қушларнинг расмлари солинган суратлар бор эди. Деразалар орасига қора рамкалари буралиб кетган барг шаклидаги кичкина-кичкина қадимий ойначалар қўйилган бўлиб, ҳар бир ойнанинг орқасига ё хат, ё бир даста эски қарта ёки пайпоқ тиқиб қўйилган эди; деворда циферблатига гул солинган соат осилиб турарди. . . Бошқа нарсаларга қарашга унинг мажоли йўқ, назарида киприклари бир-бирига ёпишиб қолаётгандай эди, гўё кимдир уларга асал суртиб қўйгандай туюларди. Бирпасдан кейин, ёши анчага бориб

қолган уй бекаси кириб келди, унинг бошида нардан-бери ўралган тунги сарандози бор, бўйнига фланель боғлаб олган эди; бу уй бекаси кичикроқ помещчик онахонлардан бири эди, бундай помещчик онахонлар ҳамиша ҳолсизликдан, зарар кўришларидан зорланиб, бўйинларини қисиб зор-зор йиғлайдилар-у, аммо чоркатак ҳамёнларда оздан пул йиғиб, комодларнинг қутичаларига солиб қўядилар. Улар бир ҳамёнга ҳамма бир сўмлик тангаларни, иккинчи ҳамёнга ярим сўмлик тангаларни, учинчи ҳамёнга беш мирилик тангаларни айириб-айириб солиб қўядилар; сиртдан қараганда гўё комодларнинг ичида ички кийим, тунги кофта, копток ип, кейин кўйлак қилиш ниятида сўкиб қўйилган нимчадан бўлак ҳеч нима йўқдек кўринади; мабодо эски кўйлак байрамга бўғирсоқ, кулча ва чалпак пишираётганда кўйиб қолса, ёки ўз-ўзидан увада бўлиб қолса, бу нимча сўкиб кўйлак қилинади. Лекин кўйлак кўймайди ва ўз-ўзидан увада бўлмайди, чунки кампир саришталик; демак нимча сўкилган ҳолича узоқ ётади, сўнгра васиятномага биноан кампирнинг қиз жиянидан қолган неварасига бошқа лаш-лушлар билан бирга мерос бўлиб тегади.

Чичиков, кутилмаганда келиб безовта қилгани учун кечирим сўради. «Ҳечқиси йўқ,— деди уй бекаси.— Бундай бемаҳалда сизларни худо қаердан ёрлақади! Яна ола-тасир ёмғир, бўронда-я... Йўлдан келдинглар, бирон нима пишириб бериш керак эди, лекин вақт жуда кеч, овқат пишириб бўлмайди».

Шу пайт нимадир ғалати пишиллаган эди, меҳмон кўрқиб кетди ва уй бекасининг сўзи бўлиниб қолди; бу пишиллаш худди уйга илонлар тўлиб қолган пайтдаги овозга ўхшарди; бироқ, меҳмон юқорига қарагач, кўнгли тинчиди, чунки девор соат занг урадиган пайт бўлган экан. Пишиллашдан кейин хйриллаш бошланди ва ниҳоят, соат зарб билан икки марта занг урдик, бунинг овози худди синган жомга қалтак билан ургандай бўлиб эшитилди, сўнгра соат кап-гири яна ўнг ва сўлга ликиллаб тинч юриб кетди.

Чичиков уй бекасига миннатдорлик билдириб, менга ҳеч нима керак эмас, сиз асло ташвишланманг, менга фақат ўрин солиб берсангиз бўлади, бошқа ҳеч нима ҳожат эмас, деди; сўнгра у, биз адашиб қаерларга келиб қолдик, помещчик Собакевичнинг қишлоғи бу ердан узоқми, деб сўради; бу саволга кампир, бунақа одамнинг отини эшитганим йўқ ва бунақа помещчик умуман йўқ, деб жавоб берди.



Бўлмаса Маниловни биларсиз? — деди Чичиков.

— Ким у Манилов?

— Помешчик, онахон, помещчик.

— Йўқ, эшитмаганман, бунақа помещчик йўқ.

— Хўш, қандай помещчиклар бор?

— Бобров, Свиньин, Канапатъев, Харпакин, Трепакин, Пleshаков.

— Улар бой кишиларми ёки бой эмасми?

— Йўқ, отагинам, унча катта бойлар йўқ. Бировида йигирма жон, бировида ўттиз жон деҳқон бор, холос, унақа юзлаб жонга эга бўлганлардан йўқ.

Чичиков жуда олис ва чекка бир қишлоққа келиб қолганини пайқади.

— Хўш, бу ердан шаҳаргача қанча келади?

— Олтмиш чақиримча келади. Ҳай, аттанг, ейдиган ҳеч нима йўқ олдингизга қўяй десам! балки чой ичарсиз, отагинам.

— Ташаккур, онахон; ҳеч нима ҳожат эмас, фақат ўрин бўлса бас.

— Тўгри, шунча йўл босиб келган кишига ётиб ҳордиқ чиқариш жуда зарур. Мана, отагинам, ана шу диванга чўзиласиз. Ҳой, Фетинья, пар тўшак, ёстиқ ва чойшап олиб кел. Худо қандай кунларни кўрсатяпти-да, момақалди роқ ҳеч тинмайди-я, бутнинг тагида туни билан шам ўчгани йўқ. Эй, отагинам, чўчқа сингари бутун орқаларинг ва ёнларинг лой-ку! Қаерда бунчалик лойга булғана қолдинг?

— Лойга булганганим ҳам майли-я, қовиргаларим синиб кетганига шукур қиламан.

— Ё азиз авлиёлар, бу қандай кўргулик! Орқангизга ё бирон нима суриб қўйишсинми?

— Раҳмат, раҳмат. Ташвишланманг, фақат оқсочингиз кийимларини қуритиб, тозалаб қўйса бас.

— Ҳой, Фетинья, деди уй бекаси эшикка шам кўтариб чиққан аёлга қараб; бу аёл аллақачон пар тўшакни киритиб диванга солган, икки қўли билан унинг ёнларига уриб, бутун хонани патга тўлдириб юборган эди.— Бу кишининг кафтани билан ички кийимларини олиб чиқ, марҳум бариннинг кийимларини қуритар эдинг-ку, худди шундай қилиб аввал оловга товлаб қурит, сўнгра уқала-да, яхшилаб қоқ.

— Хўп бўлади, бекам,— деди Фетинья, пар тўшак устидан чойшап ёзиб, ёстиқ қўяр экан.

— Мана жойинг тайёр,— деди уй бекаси.— Хайр, отагинам, кечанг хайрли бўлсин. Хўш, яна бирон нима керак эмасми? Балки кечаси товонингни бирон кишига уқалатадиган одатинг бордир? Раҳматлик эрим товонини уқалатмаса ҳеч ухлолмас эди.

Лекин меҳмон товонини уқалатишга унамади. Уй бекаси чиқиб кетди, шу ондаёқ меҳмон кийимларини ечиб Фетиньяга берди, Фетинья ҳам унга хайрли кеч тилаб, унинг шалаббоси чиққан кийимларини олиб чиқиб кетди. Ёлғиз ўзи қолгач, шифтга тегишига сал қолган тўшагига қараб жуда мамнун бўлди. Кўриниб туришича, Фетинья пар тўшакни юмшатиб солишга уста эди. У оёғи остига стул қўйиб, ўринга чиққан эди, тўшак ботиб, ерга тегишига сал қолди ва оғирликнинг зўридан ичидаги патлари ҳар ёққа учиб кетди. У шамни ўчириб, чит кўрпага ўралди-да, ғужанак бўлиб шу заҳоти ухлаб қолди. Эртаси кун жуда кеч уйғонди. Деразадан тушиб турган қуёш шуъласи тўғри унинг кўзлари устида ялтирарди; кеча девор ва шифтга ёришиб ухлаб ётган пашшалар энди бирдан унга ёпирилди: биттаси лабига қўнди, яна биттаси қулоғига. Биттаси кўзига қўнмоқчи бўлди, яна бири эҳтиётсизлик қилиб бурун катаги олдига қўнай деб турганда, у



уйқу аралаш қаттиқ нафас олган эди, пашша бурнига кириб кетди-да, қаттиқ аксириб юборди, мана шу ҳодиса сабаб бўлиб, унинг уйқуси ўчиб кетди. У хонага кўз югуртириб, суратлардаги фақат қушларнинг расми эмаслигини кўрди: бу расмлар ўртасида Кутузовнинг ва яна мундирининг енг ва ёқаларига қизил жияк сирилган бир чолнинг мойли бўёқ билан чизилган сурати ҳам бор эдики, бундай қизил жиякли мундир Павел Петрович<sup>1</sup> замонида кийиларди. Соат яна пишиллаб, ўнга занг урди; Эшикдан хотин киши бир мўралади-ю, яна юзини яширди, чунки Чичиков яйраб ухламоқ учун ҳамма нарсасини ечиб ташлаган эди. Эшикдан мўралаб қараган юз унга бирмунча танишдек кўринди. Қим экан бу, деб ўйлай бошлади у ва, ниҳоят, унинг уй бекаси экани эсига тушди. Кўйлагини кийди; кийимлари қуритилиб ва тозаланиб ёнига қўйилган эди. Кийиниб бўлгач, ойна олдига борди-да, яна боягидай қаттиқ аксирди, шу пайт дераза олдига келган ҳинд хўрози — дераза жуда пастак эди — унга бир нима деб қуқулади ва афтидан ўзининг ғалати тилида: «Соғ бўлинг» дегандай бўлди, Чичиков эса, унга жавобан аҳмоқ деди ва дераза олдига келиб, ташқарида кўринган манзараларни томоша қила бошлади: дераза худди товуқхонага қараб тургандай эди, чунки дераза олдидаги торгина ҳовли юзида ҳар хил паррандалар ва хонаки жониворлар гужгон ўйнарди. Курка ва товуқларнинг сон-саногини йўқ эди; улар ўртасида салмоқдор қадам ташлаб, тожини силкитиб ва гўё бир нимага қулоқ солгандай бошини ёнга буриб, хўроз юрарди; чўчқа ҳам бутун оиласи билан шунда эди; у шу ондаёқ бир уюм ахлатни титкилай кетди, шу орада оғзига илиниб қолган бир жўжачани паққос ютиб юборди, буни ўзи ҳам пайқамай, тарвуз пўчоқларини бир бошдан ямлаб кетди. Бу торгина ҳовли ёки товуқхона тахта девор билан тўсилган эди, деворнинг нариги томонида полиз бўлиб, унда карам, пиёз, картошка, лавлаги ва рўзғорга керакли бошқа сабзавотлар экилган эди. Полизнинг ҳар жой-ҳар жойида олма ва бошқа мевали дарахтлар бор, қарға-қузғун ва чумчуқлардан сақлаш учун уларнинг устига тўр тортиб қўйилган эди, чунки чумчуқлар қора булутдай гала-гала бўлиб, у ердан бу ерга учиб юришарди. Худди шу важдан бўлса керак, полизнинг бир неча жойига узун ходаларга боғлаб, қўл-

---

<sup>1</sup> Павел Петрович — подшо Павел I.



ларини икки ёққа кериб турган қўриқчилар қўйилган эди; қўриқчилардан бирининг бошига уй бекасининг сарандози кийдирилган эди. Полизнинг нариги томонида деҳқон уйлари кўринар, бу уйлар гарчи тарқоқ ва бетартиб солинган бўлса-да, лекин Чичиковнинг мулоҳазасига кўра, бу уйларда яшовчиларнинг турмуши ёмон эмаслигини кўрсатарди, чунки бу уйлар лозим даражада яхши сақланарди; томларга чириб кетган эски харилар ўрнига янгиси қўйилган, биронта уйнинг дарвозаси қийшиқ эмас эди; Чичиков турган томонга қарата солинган деҳқон бостирмалари остида баъзи жойда биттадан, баъзи жойда иккитадан деярли янги аравалар турарди. «Буларнинг қишлоғи кичкина қишлоқ эмас экан» деди у ва шу ондаёқ уй бекаси билан сўзлашиб, танишиб олиш фикрига келди. У, боя уй бекаси қараб кетган эшик тирқишидан мўралаб қаради ва беканинг стол ёнида чой ичиб ўтирганини кўргач, қувноқ табассум билан ичкари кирди.

— Салом, отагинам. Яхши ётиб турдингизми? — деди уй бекаси ўрнидан қўзғалиб. Бека кечагидан яхшироқ кийинган, эгнида қора кўйлак бўлиб, энди бошида тушги сарандози йўқ, лекин бўйнига ҳамон бир нарса боғланган эди.

— Яхши, яхши,— деди Чичиков креслога ўтириб.— Хўш, ўзингиз-чи, онахон.

— Отагинам, мен яхши ухлаёлмадим.

— Нега бундай?

— Сира ухлаёлмайман. Белим лўқиллаб огригани огриган, оёғим ҳам, тўпикдан юқориси бирам зирқираб огрийдик, асти қўясиз.



— Тузалиб кетади, онахон, тузалиб кетади. Бунга ҳеч ташвиш тортманг.

— Илоҳим тузалиб кетсин. Чўчқа ёғи ҳам суртиб кўрдим, латани скипидарга ҳўллаб ҳам босдим. Хўш, чойни нима билан ичасиз? Шишада мева ароғи бор.

— Емон бўлмайди, онахон, мева ароғи бўлса ҳам ичáverамиз.

Менимча, китобхон пайқаган бўлса керак, Чичиков гарчи хушнуд кўринса-да, ҳар ҳолда Манилов билан муомала қилганига қараганда, бунда ўзини эркинроқ тутди ва сира тортиниб ўтирмади. Шунини ҳам айтмоқ керакки, бизнинг Русияда бошқа жиҳатлардан ҳали ажнабийларга етиб олмаган бўлсалар-да, лекин муомала қила билиш жиҳатидан улардан жуда ўзиб кетганлар. Муомаламиздаги ранг-баранглик ва нозикликларнинг сон-саногии йўқ. Француз ёки немис бизнинг муомаламиздаги хусусиятлар ва тафовутларнинг ҳаммасига ўла-ўлгунча тушуниб етолмайди; француз ёки немис миллиончи бой билан ҳам, майда тамакифуруш билан ҳам, гарчи кўнглида миллиончи бой олдида бирмунча нийманиш сезса-да, аини бир оҳангда ва аини бир тилда сўзлашади. Бизда ундай эмас: бизда шундай донишмандлар борки, улар икки юз жон деҳқони бўлган помешчик билан бошқа бир оҳангда, уч юз жон деҳқони бўлган помешчик билан бошқа бир оҳангда сўзлашадилар, беш юз жон деҳқони бўлган помешчик билан яна бошқачароқ, саккиз юз жон деҳқони бўлган помешчик билан эса ундан ҳам бошқачароқ оҳангда сўзлашадилар, хуллас — деҳқонлар-



нинг сони миллионга етиб борса, муомалада ҳам миллион ҳил оҳанг топилади. Масалан, бу ерда эмас, аллақайси давлатда бир маҳкама бор, бу маҳкаманинг бошлиғи бор, деб фараз қилайлик: мана энди у ўз қўл остидаги кишилар ўртасида ўтирган чоғида унга бир назар солишингизни сўрайман: совлатидан ўтаканг ёрилиб, тилинг калимага келмай қолади! Нимасини айтасан, мағрурлиги билан димоғиними, ёки юзининг жиддий ифодалариними? Шу топда қўлингга қалам олсанг-у, расмини солсанг: бамисоли Прометей, Прометейнинг худди

ўзгинаси! Бургутдай ўқрайиб қарайди, совлат тўкиб, салмоқдор қадам ташлаб юради. Худди бургут, қоғозларни қўлтиқлаб ўзидан катта бошлиғининг кабинетига яқинлашгач, какликдай ювош бўлиб, оёғи қуйган товукдай типирчилаб қолади. Кичик амалдорлар йиғилган жойда ёки зиёфатда Прометей, худди Прометей ҳолича совлат тўкиб ўтираверади, аммо амали сал юқори кишилар олдида Прометей дарҳол бошқа бир қиёфага кириб қоладики, ҳатто Овидий! ҳам бундай турланишни хаёлига келтира олмаган дейсан: бунда Прометей гўё бир пашшадай, ҳатто пашшадан ҳам кичик бир қиёфага кириб, тупроқ билан тенг бўлиб кетади! Шу топда унга қараб туриб: «Йўқ, бу Иван Петрович эмас,— дейсан киши.— Иван Петровичнинг бўйи баланд эди, бунинг бўйи эса жуда паст ва ўзи жуда озғин; Иван Петрович йўғон товуш билан қаттиқ-қаттиқ гапирарди, ҳеч кулмас эди, бу бўлса юз тубан кетиб, тиржайгани тиржайган». Яқинроқ бориб қарасанг, бу Иван Петровичнинг ўзгинаси! Шу топда ўзингга-ўзинг: «Е алҳазар!» деб қўясан киши. . . Хўш, энди ўз қаҳрамонларимизга қайтайлик. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Чичиков тортиниб ўтирмади ва шунинг учун чой қуйилган чашкани қўлига олиб, унга мева ароғи солди-да, кейин бундай деди:

— Онахон, қишлоғингиз яхшигина экан. Унда неча жон яшайди?

<sup>1</sup> Овидий (эраמידан илгари 43 йил ва эраמידнинг 17 йилида яшаган), қадимги грек шоири; у ўзининг «Метоморфоза» деган поэмасида одамларнинг бир думалаб дарахт, гул ва ҳайвон қиёфасига кирганини тасвирлаган.

— Унда, отагинам, салкам саксон жон яшайди,— деди уй бекаси,— шури-миз қурсин, ёмон замонлар келди; ўтган йили экинлар битмай шундай қаттичилик бўлдики, худонинг ўзи раҳм қилсин.

— Лекин мужиклар бардам кўри-нади, уйлари мустаҳкам экан. Лутфан, фамилиянгизни билсам деган эдим. Хаёлим жуда паришон... кечаси бема-ҳалда келиб...



— Коробочка, коллежский секретарь.

— Ғоятда миннатдорман. Исмингиз ва отангизнинг исми-чи?

— Настасья Петровна.

— Настасья Петровна? Яхши исм — Настасья Петровна. Холам, яъни волидамнинг ҳамширасининг исми ҳам Настасья Петровна.

— Хўш, сизнинг исмингиз нима? — деб сўради помещчик аёл.—  
Чамамда, сиз суд маслаҳатчиси бўлсангиз керак-а?

— Йўқ, онахон,— деди Чичиков мийиғида кулиб,— суд маслаҳат-чиси эмасман; шунчаки ўз кор-боримиз билан кезиб юрибмиз.

— Бўлмаса, савдогар экансиз-да! Эй аттанг, пича асалим бор эди, савдогарларга жуда арзонга сотиб юбордим, сотмасам бўлар экан, отагинам, ўзинг сотиб олар эдинг.

— Асал сотиб олмас эдим.

— Бошқа нима сотиб олар эдинг? Еки каноп толасими? Менда каноп толаси бор-у, лекин камроқ; ҳаммаси ярим пудча келади.

— Йўқ, онахон, менга бошқа хил мол керак; айтинг-чи, деҳқон-ларингиздан ўлганлар борми?

— Оҳ, отагинам, ўн саккиз киши ўлган! — деди кампир хўрсиниб.— Жуда яхши одамлар, ишчан кишилар ўлиб кетди. Тўғри, ундан кейин кўп туғилди, лекин улар одам бўптими: ҳаммаси урвоқи-чурво-қи; бир кун суд маслаҳатчиси келиб, жон бошига ўлпон тўлашни та-лаб қилди. Одамлар ўлиб кетган бўлса ҳам тирик қаторида ўлпон тўлайсан, дейди. Ўтган ҳафта темирчим куйиб ўлди, жуда уста темир-чи эди, чилангарлик ҳунарини ҳам биларди.

— Хўш, онахон, қишлоғингизда ёнгин бўлдимми?

— Ёнгин балосидан худо сақласин, ёнгин бўлганда ёмон бўлар эди, отагинам; куйиб ўлди. Ичидан куйиб ўлди, жуда кўп ичиб юборган экан, баданидан кўкиш товланиб ўт чиқди, куйиб кўмирдай қорайиб кетди; жудаям уста темирчи эди; мана энди бирон жойга боролмайман: отларга тақа қоқадиган киши йўқ.

— Ҳаммаси худонинг хоҳиши, онахон! — деди Чичиков ва хўрсиниб қўйди:— худонинг иродасига ҳеч нима деб бўлмайди... Настасья Петровна, ўшаларни менга бермайсизми?

— Нималарни, отагинам?

— Уша ҳамма ўлганларни.

— Уларни қандоқ қилиб сенга бераман?

— Шундай бераверасиз-да. Ёки бўлмаса, яхшиси сота қолинг. Мен улар учун сизга пул бераман.

— Ахир, қандоқ қилиб? Тўгриси, ҳеч ақлим стмаяпти. Уларни гўрдан кавлаб олмоқчимисан?

Чичиков кампир нозик жойдан тутганини пайқади, шу сабабли бу ишнинг қандай бўлишини тушунтиришни зарур топди. У, кампирга қисқача қилиб, ўлганларни унга ўтказиш ёки сотиш фақат қоғоздагина бўлишини ва улар гўё тирик деб хатга олиншини тушунтирди.

— Уларни бошингга урасанми? — деди кампир кўзларини унга чақчайтириб.

— Бу ёғи менинг ишим.

— Ахир, улар ўлган-ку.

— Хўш, ким уларни тирик деяпти? Улик бўлгани сабабли сиз зарар кўряпсиз-да: улар учун ўлпон тўлаб келяпсиз, мана энди мен сизни оворагарчиликдан ҳам, ўлпон тўлашдан ҳам қутқазаман. Тушундингизми? Бунинг устига, яна сизга ўн беш сўм пул ҳам бераман. Хўш, энди тушундингизми?

— Қайдан билай,— деди уй бскаси товушини чўзиб,— мен умримда ҳеч қачон ўлик сотган эмасман.

— Зап гапирдингиз-да! Агар уларни бирон кишига сотганингизда ҳам жуда қизиқ иш бўларди-да. Ёки сиз улардан бирон фойда чиқади деб ўйлайсизми?

— Йўқ, мен бундай деб ўйламайман. Қандай фойда чиқсин улардан? Ҳеч қандай фойда чиқмайди. Мени фақат уларнинг ўлик бўлганлиги қийин аҳволга соляпти, холос.

«Бу кампир жуда бефаҳм экан-ку» деб ўйлади ичида Чичиков.

— Онахон, гапга қулоқ солсангиз-чи! Ўзингиз яхшилаб бир ўйлаб кўринг: капангиз куяди-ку, ахир сиз улар учун тириклар қатори ўлпон тўлайсиз. . .

— Оҳ, отагинам, буни асло гапирманг! — деди помещчик аёл ҳасратидан чанг чиқиб, — юз эллик сўм тўлаганимга уч ҳафтагина бўлди. Бунинг устига устак суд маслаҳатчисининг томоғини ҳам мойладим.

— Мана кўрдингизми, онахон. Энди бир ўйлаб қаранг-а, бундан бўён суд маслаҳатчисининг томоғини мойламайсиз, сабабки, ўликлар учун энди сиз эмас, балки мен ўлпон тўлайман; ҳамма чиқимларни ўз устимга оламан. Ҳатто васийқани ҳам ўз пулимга қилдираман; биласизми, бу қанча чиқим бўлади?

Кампир ўйланиб қолди. Ўйлаб қараса, бу ҳақиқатан фойдали ишга ўхшайди, аммо фақат шуниси борки, бу ҳанузгача кўз кўрмаган ва қулоқ эшитмаган янги савдо эди; шунинг учун кампир жуда хавотир ола бошлади, мол харид қиламан деб келган бу савдогар мени гўсхўр қилиб кетмасин тағин, деб қўрқди; худо билсин, ўзи қаёқдан келган, тағин бундай бемаҳал тунда.

— Хўш энди, онахон, бор барака қилиб юборамизми? — деди Чичиков.

— Қайдам, отагинам, ҳали шу вақтгача ҳеч ўликларни сотиб кўрган эмасман. Тирикларидан сотганман, мана уч йилча бўлди, оқ-сочларимдан иккитасини протопопга бердим, ҳар бирига юз сўмдан олдим; протопоп жуда миннатдор бўлди, улар яхши хизмат қилишар экан; ўзлари салфетка тўқишади.

— Ҳозир гап тириклар тўғрисида бораётгани йўқ, қўйинг уларни! Мен ўликларни сўраяпман.

— Тўғриси, биринчи савдодан зарар кўриб қолмайин деб қўрқяпман. Балки, отагинам, сен мени алдаб қўйарсан, балки улар қимматроқ турар.

— Гапга қулоқ солсангиз-чи, онахон, қанақасиз ўзингиз! Ахир, улар нимага арзиши мумкин? Ўйлаб кўрсангиз-чи, улар хок-тупроқ-ку. Тушунасизми-йўқми гапга? Хок-тупроқдан бошқа нарса эмас. Сиз энг яроқсиз, ташландиқ бир нарсани, масалан, эски латтани олиб қаранг, ҳатто ана шу эски латтанинг ҳам қадр-қиммати бор: ҳеч бўл-

маганда уни қоғоз фабрикаси сотиб олади; аммо бу хок-туроб бўлиб ётган мурдалар нимага керак. Хўш, ўзингиз айтинг-чи, нимага керак улар?

— Бу гапинг ҳақиқатан тўғри. Улар ҳеч нимага керак эмас; фақат бир нарсага кўнглим чопмаяпти, ахир улар ҳаммаси ўлган-ку.

«Тоза қовоқ бош экан-ку, бу кампир, — деди ичида Чичиков тоқати тоқ бўлиб, — гап уқдиролмай ўлиб бўладиганга ўхшайман! Терга пишириб юборди-я бу лаънати кампир!» У чўнтагидан дастрў-молчасини чиқариб, ҳақиқатан ҳам терлаб кетган пешонасини арта бошлади. Аммо Чичиковнинг жаҳл қилиши беҳуда эди: чунки энг муътабар киши ёки ҳатто давлат арбоби бўлганда ҳам ҳозир худди Қоробочкадек иш тутган бўлар эди. Киши бир нарсани ўзига маъқул қилиб олгандан кейин, уни ҳеч қандай зўрлик билан гапга кўндириб бўлмайди; унинг олдига кундан равшан далилларни тўкиб ташласанг ҳам, бу далиллар деворга урилган коптокдек орқага қайтиб келаверади. Чичиков пешонасидан терларини артди. Сўнгра кампирни бошқа томондан айлантириб йўлга солишга уриниб кўрмоқчи бўлди.

— Онахон, — деди у, — сиз ё менинг сўзларимга тушунмаяпсиз ёки жўрттага мени лақиллатиб ўтирибсиз. . . Мен сизга пул бераман: ўн беш сўм шарақлаган қоғоз; уқдингизми? Бу пул-а, пул. Уни кўчадан тополмайсиз-ку. Хўш, айтинг-чи, асални қанчадан сотдингиз?

— Пути ўн икки сўмдан.

— Онахон, сал ёлғон гапирдингиз. Ўн икки сўмдан сотмагансиз.

— Худо ҳақи, ўн икки сўмдан сотдим.

— Хўп, мана кўрдингизми? Асални сотгансиз. Бу асални сиз, эҳтимол, қанча овора бўлиб, қийналиб, авайлаб, тахминан бир йил тўплагансиз; асалариларни кўриқлагансиз, инига тутун юбориб, карахт қилиб асалини олгансиз; ўлик жонлар бўлса, бу дунёда йўқ нарса. Уларни деб сиз ҳеч қандай захмат чеккан эмассиз, худонинг хоҳиши билан улар бу дунёдан кетганлар ва хўжалигингизга зарар етказганлар. Асални сотганда, қилган меҳнатингиз ва чеккан риёзатингиз учун ўн икки сўм олсангиз, ўлик жонлар учун фақат текинга пул оласиз, пул олганда ҳам ўн икки сўм эмас, ўн беш сўм оласиз; тагин майда кумуш танга эмас, шарақлаган учта кўк беш сўмлик. — Ана шундай зўр далил ва исботлардан кейин Чичиков, кампир энди ийиб қолди, деб ўйлаган ва бунга деярли шубҳаси қолмаган эди.

— Тўгриси,— деди кампир,— мен бунақа ишларда тажрибасиз бир беваман! Яхшиси тагин бир оз сабр қилай, зора савдогарлар келишса, ўшалардан пархини суриштириб, кейин сотарман.

— Уят-эй, уят, онахон! Жуда уят! Нималар деётганингизни ўзингиз тушунасизми? Уларни ким сотиб оларди? Сотиб олган киши уларни бошига урадимми?

— Балки хўжаликда бирон нимага яраб қолар...— деди кампир ва сўзини тугатмасдан оғзини очганича ҳадиксираб, бу гапимга энди нима деяр экан, деб унга қараб турди.

— Уликлар хўжаликка керак бўлармиш? Эй, гапингизга қаранг-а? Нима, улар кечаси полизингизни чумчуқлардан қўрийдими?

— Худойим сақласин! Қўй, бундай ваҳимали гапларни айтма! — деди кампир чўқиниб.

— Бўлмаса, уларни нимага ишлатмоқчи эдингиз? Ҳа, айтгандай, уларнинг суяги билан гўри сизда қолади, фақат қоғоздагина менга ўтган ҳисобланади. Хўш, энди-чи? Энди нима дейсиз? Қани, гапиринг.

Кампир яна ўйланиб қолди.

— Тагин нимани ўйлаяпсиз, Настасья Петровна?

— Тўгрисини айтсам, нима қилишимни билмай, бошим қотиб қолди; яхшиси мен сизга қаноқ толаси сотиб қўя қолай.

— Қаноқ толангиз нимаси? Менга қаранг, мен сиздан бошқа нарсани сўрасам, сиз менга қаноқ толасини тиқиштирасиз-а! Қаноқ толаси ўз йўлида, янаги сафар келганимда қаноқ толангизни ҳам сотиб оламан. Хўш, нима дейсиз, Настасья Петровна?

— Худо ҳақи, бунақа галати мол оламда ҳеч бўлган эмас!

Шундан кейин Чичиков сабр косаси тўлиб, жаҳл билан столни полга урди-да, кампирга шайтонга йўлиқадиган хилидан экансан, деди.

Помешчик аёл шайтон сўзини эшитиб, ниҳоятда қўрқиб кетди.

— Вой, уни эсимга солма, оти ўчсин! — деди кампир қичқириб ва ранги бўздай оқариб.— Уч кун бурун у лаънати кечаси билан тушимга кириб чиқди. Кечаси ибодатдан кейин қартада фол очган эдим, шунга худонинг қаҳри келган бўлса керак, у лайинга дучор қилди. Бирам баҳайбатки, шохлари ҳўкизникидан ҳам узун-а.

— Улар ўнлаб тушингизга кирмаганига ҳайронман. Кўнглимга христианлик туйғуси келиб: бир бечора бева хотин жафо чекиб,

муҳтожлик тортиб ўтирибди, бир одамгарчилик қилай деган эдим... менга деса бутун қишлоғингиз жаҳаннамнинг қаърига кетсин а.

— Ҳай, бу ҳақоратларинг нимаси!— деди кампир, қўрқув билан унга қараб.

— Сизларга сўз кор қилмас экан! Юмшоқ қилиб айтганда, бами-соли пичан устига чиқиб ётган итнинг ўзгинаси: пичанни на ўзи ейди, на бировга беради. Мен сиздан яна хўжалик маҳсулотлари ҳам харид қиламан деган эдим, чунки мен пошшолик ишини ҳам бажараман...— Шу ўринда Чичиков гарчи ўйламасдан гапирган бўлса-да, ёлғонни дўндирди ва кутилмаганда бу ёлғон жуда ўрнига тушди. Пошшолик иши Настасья Петровнага қаттиқ таъсир қилди ва энди у ёлворган-симон гапира бошлади:

— Нега энди мунча қаттиқ жаҳлнинг чиқди? Бундай баджаҳл эканнингни аввалдан билганимда, сира сўзингни қайтармас эдим.

— Албатта жаҳлим чиқади-да! Ўзи уч пулга арзимайдиган иш-ку, мен жонимни койитиб ўтирибман!

— Хўп майли, қўй энди, ўн беш қоғозга беришга розиман! Фақат, отагинам, анави пошшолик пудратини эсингдан чиқарма; борди-ю, жавдар уни, ё қора буғдой, ё ёрма, ёки қорамол гўшти керак бўлса, нархини камайтириб зинҳор мени хафа қилма.

— Йўқ, онахон, хафа қилмайман,— деди Чичиков ва юзидан селдай оқаётган терларини қўли билан сидириб ташлади. У, кампирдан: шаҳарда васийқа қилиш ва бошқа керакли ишларни бажариш учун ўз номингиздан ваколат берадиган бирон ишончли кишингиз ёки танишингиз борми, деб сўради.

— Бор албатта, протопоп Кирилл ҳазратнинг ўғли маҳкамада йшлайди,— деди Қоробочка.

Чичиков кампирдан ўша кишига ваколат хат ёзиб беришни сўради, сўнгра уни ортиқча ташвишдан қутқазиб учун хатни ўзи ёзишга киришди.

«Агар у пошшоликка мендан ун ва қорамол сотиб олса яхши бўлар эди,— деб ўйлади шу пайт Қоробочка.— Унинг кўнглини топмоқ керак: кечадан қолган хамир ҳали ҳам турибди, бориб Фетиньяга айтай, чалпак пиширсин: ичига тухум солиб сомса пиширса ҳам яхши бўларди, менинг пазандаларим сомсани яхши пиширишади, вақт ҳам оз кетади». Уй бекаси букма сомса тўгрисидаги фикрининг ижро-





сига кириш ва чамаси, яна бошқа таомлар билан ўз уйининг пазандалик ҳунарини кўрсатиш учун ташқарига чиқди; Чичиков эса сандиқчасидан керакли қоғозларни олмоқчи бўлиб кечаси ухлаган меҳмонхонасига кирди. Меҳмонхона аллақачон йиғиштирилган, чиройли пар тўшаклар олиб кетилган ва диван олдига усти ёпиқ стол қўйилган эди. У сандиқчасини стол устига қўйди-да, бир оз дамини олди, чунки аъзойи-баданидан тер қўйилмоқда, ички кўйлагидан то пайпоғигача бутун уст-боси хўл эди. У бир оз дам олгач: «Уф, бу лаънати кампир тинкамни қуритиб юборди-я!» деб сандиқчани очди. Авторнинг имони комилки, баъзи китобхонлар жуда синчков бўладилар, улар сандиқчанинг планини ва ички тузилишини ҳам билишга қизиқадилар. Хўп, нега ударнинг талабини қондирмайлик. Мана сандиқчанинг ички тузилиши: унинг қоқ ўртасида совун қўядиган қутича, қутичадан кейин устара қўядиган олти-етти катак; ундан кейин қум-

дон<sup>1</sup> ва сиёҳдон қўйиш учун тўрт бурчак хоначалар, бу хоначалар ўр-тасида пат қалам, сўргич ва бошқа асл нарсалар қўйиладиган узун-чоқ катакчалар; сўнгра қопқоқлик ва қопқоқсиз ҳар хил катакчалар бўлиб, қисқа қилиб айтганда, уларга эсдалик учун ташрифномалар жанозаномалар, театр билетлари ва бошқалар тўлдириб қўйилган. Бу катакли устки қаватни олиш мумкин эди, унинг тагида даста-даста қоғоз ётар, ундан кейин сандиқчанинг ён томонидан секин очи-ладиган кичкина яширин пул қутича бор эди. Чичиков пул қутича-сини доим тез очиб ёпганидан унда қанча пул борлигини билиш қийин эди. У дарҳол ишга киришди, пат қаламини учлаб, ёза бошлади. Шу пайт уй бекаси кириб келди.

— Отагинам, қутичанг яхши экан,— деди кампир унинг ёнига ўтириб.— Москвадан сотиб олдингми дейман?

— Москвадан,— деб жавоб берди Чичиков ёзишни давом эт-дириб.

— Ўзим ҳам билган эдим: Москвада ҳаммаси шунақа яхши нар-салар бўлади. Уч йил бурун синглим у ердан болаларга иссиқ этик-чалар олиб келган эди: жуда пишиқ мол экан, ҳалигача кийиб юри-шибди. Вой-бўй, гербли қоғозинг мунча кўп! — деди у яна унинг сандиқчасига қараб. Ҳақиқатан ҳам сандиқда гербли қоғоз кўп эди.— Бир вараққинасини менга берсанг-чи! Менда шунақасидан йўқ; суд-га ариза-париза ёзилганда керак бўлиб қолади.

Чичиков унга бу унақа ариза ёзадиган қоғоз эмас, васийқа ёзи-ладиган қоғоз, деб тушунтирди. Бироқ, кампирни тинчитиш учун унга баҳоси бир сўм турадиган қандайдир бир қоғозни берди. У хатни ёзиб бўлиб, қўл қўйиш учун кампирга узатди ва ундан мужикларнинг рўйхатини беришни сўради. Маълум бўлишича, бека мужиклар-ни хатга олиб юрмас, деярли ҳаммасини ёдаки билар экан. У кам-пирдан ҳаммасини номма-ном айтиб беришни талаб қилди. Баъзи деҳ-қонларнинг фамилиялари, айниқса лақаблари уни ҳайратда қолдирди, чунки уларнинг фамилияларини ёзаётганда ҳар сафар қулоқ солиб ту-риб, бир тўхтаб олар, сўнгра яна ёза бошларди. Айниқса Пётр Савельев Қўтир Жомашов деган кишининг оти уни жуда ҳайратда қолдирди,

<sup>1</sup> Қ у м д о н — қопқоғига майда тешикчалар ўйилган банкача; ўша замонда сиёҳ билан ёзилган хатлар устига қум сеппиб қуритиларди, чунки сиёҳ қуритадиган қоғоз ҳали чиқмаган эди.

шунинг учун ҳам у: «Вой-бўй, мунча узун!» деб қўйди. Яна бировининг отига «Сигир таппи» лақаби уланган, бировининг оти эса Иван Филдирак эди. Ҳаммасини ёзиб бўлгач, у ҳавони искаб нафас олди, қовурилган бир нарсанинг ҳидини сизди.

— Қани овқатга марҳамат қилсинлар,— деди уй бекаси.

Чичиков бошини кўтариб қараса, стол устида қўзиқорин, ҳар хил сомсалар, қатламалар, қуймоқ, чалпак ва пиёз, кўкнори, творог, қаймоқ солиб пиширилган ҳар хил нон, кулча ва яна алланималар турарди.

— Тухум солинган сомса! — деди уй бекаси.

Чичиков тухум солинган сомсани олди-да, дарҳол ярмидан кўпроғини еб, уни мақташга тушиб кетди. Дарҳақиқат, сомса мазали бўлган эди, хусусан кампир билан шунча талашиб-тортишиб ишни битиргандан кейин, у янада мазалироқ туюлиб кетди.

— Хўш, чалпаклар-чи? — деди уй бекаси.

Бу саволга жавобан Чичиков учта чалпакни буклаб, эритилган сарёққа ботирди-да, оғзига солди, лаблари ва қўлларини сочиққа артди. Яна икки-уч марта шундай қилгандан кейин уй бекасига, бричка камни қўшишни буюрсангиз, деб илтимос қилди. Настасья Петровна дарҳол Фетиньяни юборди ва унга яна иссиққина чалпаклардан ола кел, деб буюрди.

Чичиков келтирилган иссиқ чалпакларга қўл узатар экан:

— Онахон, чалпакларингиз жуда мазали бўлибди,— деб қўйди.

— Ҳа, менинг пазандаларим чалпакни яхши пиширишади,— деди уй бекаси,— шуниси ёмонки, ҳосил яхши бўлмади, ун жуда сағат чиқди.— Шу пайт у, Чичиков қўлига шапкасини олаётганини кўриб:— отагинам, нега бунча ошиқяпсиз, ҳали бричкангиз қўшилган йўқку,— деди.

— Қўшишади, онахон, қўшишади. Менинг бричкамни дарров қўшишади.

— Ҳалиги айтган, пошшоликка мол сотиб олиш зинҳор эсингиздан чиқмасин.

— Эсимдан чиқмайди, эсимдан чиқмайди,— деди Чичиков даҳлизга чиқа туриб.

— Чўнқа ёғи сотиб олмайсизми?— деди уй бекаси унинг кетидан чиқаётиб.

— Нега сотиб олмас эканман? Оламан, фақат кейинроқ.  
— Мавдуд ҳайити кунларида менда чўчқа ёғи ҳам бўлади.  
— Оламиз, оламиз, ҳаммасини сотиб оламиз, чўчқа ёғи ҳам оламиз.

— Балки парранда пати ҳам керак бўлар. Филипп рўзасида менда парранда пати ҳам бўлади.

— Яхши, яхши,— деди Чичиков.

— Мана кўрдингми, отагинам, бричканг ҳали тайёр эмас,— деди кампир эшик олдида чиқишиганида.

— Тайёр бўлади, тайёр бўлади. Фақат катта йўлга қандай чиқишини айтиб берсангиз бас.

— Хўш, қандоқ тушунтирсам экан буни? — деди уй бекаси.— Тушунтириш қийин-да, бурилишлар кўп; югурдак қизчамни қўшиб берсаммикин сенга, бричкангда қизчанинг ўтиришига жой бордир.

— Бор албатта.

— Хўп, сенга қизчани қўшиб юбораман. У йўлни билади; лекин уни олиб кетиб қолма! Биттасини савдогарлар олиб кетиб қолишди.

Чичиков, олиб кетиб қолмайман, деб ишонтирди, шундан сўнг Коробочка кўнгли тинчиб кўрғонидаги ҳамма нарсани кўздан кечира бошлади; аввал омбордан асал солинган мўнди кўтариб чиқаётган омбордор хотинга тикилиб қаради, сўнгра дарвоза олдида кўринган мужикка кўз ташлади, шу тариқа секин-секин бутун хўжалик ҳаётига шўнғиб кетди. Хўш, Коробочка билан бу қадар овора бўлишнинг нима кераги бор? Коробочками, Маниловами, хўжалиги дурустми ёки дуруст эмасми — буларни четлаб ўтаверайлик! Бўлмаса, дунёнинг ишлари жуда ғалати тузилган: унинг олдида узоқ турадиган бўлсанг, бир лаҳзада қувноқлик ғамга айланади, шунда худо билсин хаёлингга нималар келади. Эҳтимол, ҳатто: во ажабо, ҳақиқатан ҳам Коробочка инсоният такомилининг чексиз зинапоясидан шу қадар паст турадимиз? деб ўйлаб қоларсан. Коробочка билан унинг синглисини бир-биридан ажратиш ва фарқ қилдириб турган жарлик ҳақиқатан ҳам шу қадар каттами? Мана унинг синглиси бўй етмайдиган баланд деворлар билан ўралган, мисдек ялтираб турган ҳашамдор чўян зинапоялари бўлган аристократлик уйида қиммат баҳо мебеллар ва гиламлар ичида яйраб-яшнаб ўтирибди, олдида ўқиб битирилмаган китоб турибди, у зерикиб ҳомуза тортар-

кан, хушчақчақ киборларнинг таъриф қилишини кутади, ана шу киборлар орасида ўзининг оқила ва донолигини кўрсатади ва уларга ёдлаб қўйган ғалати фикрларини айтади, унинг бу фикрлари замоннинг расм-ода тига кўра, бутун бир ҳафта шаҳарга доврўқ солади, бу фикрлар ўз уйида ёки хўжалик ишини билмаслик орқасида издан чиқиб ўлда-жўлда бўлиб кетган ўз ер-мулкларидан нималар қилинаётгани ҳақида эмас, балки Францияда қандай сиёсий тўнтариш тайёрланаётганлиги, ҳозирги замон католицизмнинг қандай йўлдан кетаётганлиги устида боради. Э, бас, бас! Булар тўғрисида сўзлаб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Аммо нима сабабдан ҳеч нимани ўйламай, бепарво қувнаб, кулиб ўтирган дақиқалар орасида бирдан бошқача ғалати бир кайфият оқиб келади: юзингдан ҳали кулги аримай туриб, сен худди ўша кишилар орасида бошқача бўлиб қолсан, юзингдаги ифода ҳам бошқача туста киради. . .



— Мана бричка келди, бричка келди!— дея қичқириб юборди Чичиков, ниҳоят яқинлашиб келаётган бричкасини кўриб.— Нима қилдинг, хумпар, шунча уриниб? Кечаги мастлигинг ҳали ҳам тарқалмаганга ўхшайди.

Селифан индамади.

— Хайр, онахон! Ҳа, ҳали айтган қизчангиз қани?

— Ҳой, Педагогя!— деди помещчик бека эшик олдида турган қизчага қараб; ўн бир ёшлар чамасидаги бу қизча уйда бўяб тўқилган бўздан кўйлак кийиб олган, яланг оёқ эди, узоқдан қараганда этиги бордек кўринарди, чунки оёқларига балчиқ ёпишиб қолган эди.— Бор, баринга йўлни кўрсатиб қўй!

Селифан қизчага козлага чиқишга кўмаклашди, қизча бир оёғини барин чиқадиган зинага қўйиб уни лойга беледи, сўнгра юқори чиқиб, Селифаннинг ёнига ўтириб олди. Ундан кейин Чичиковнинг ўзи зинага оёқ қўйди, оғирлигидан бричкани ўнг томонга қийшайтириб юборди-да, ниҳоят ўрнига ўтириб олиб, деди:

— Ана! энди яхши бўлди, хайр, онахон!

Отлар юриб кетди.

Селифан йўл бўйи тумшайиб борди, лекин ўз ишига жуда эҳтиёт эди; унинг бундай тумшайиши одатда бирон гуноҳ иш қилиб қўйгандан ёки маст бўлгандан кейин содир бўларди. Отлар ниҳоятда тараб тозаланган эди. Отлардан бирининг бўйнидаги доим чарми йиртилиб, похоли кўришиб ётадиган хомут ҳозир жуда чиройли қилиб тикилган эди. Селифан йўл бўйи сўз қотмади, фақат қамчисини кўтариб шарқиллатиб қўярди, холос; отларга панд-насиҳат ҳам қилмас, қолбуки чавкар от бирон насиҳатомуз сўз эшитмоқчи, чунки ҳозир отларнинг жилови серсухан аравакаш қўлида бўшгина ушланиб, қамчи эса шунчаки хўжа кўрсин учун отлар тепасида ўйнаб турар эди. Лекин бу сафар дўрттайган лабларидан: «Чу, ҳа, қарға! Мудра-я, мудра!» деган бир хилдаги ёқимсиз сўзлар эшитиларди, холос. Бир марта бўлса-да: «Барака топгурлар», «Қадрдонлар» деган сўзларни эшитмагани учун ҳаттоки жийрон билан Маслаҳатчи ҳам норози эди. Чавкар ўзининг семиз ва кенг човига бир неча бор уст-ма-уст аччиқ қамчи текканини сезди. «Оббо сен-эй, тоза жаҳлинг чиққанга ўхшайди-ку! — деб ўйлади чавкар, қулоқларини бир оз чимириб. — Қаерга уришни биледи-я тагин! Тўғри елкага урмай, нуқул жон чиқар жойни топиб уради: қулоққа ёки қоринга солади-я».

— Уннга буриламизми? — деб лоқайдлик билан сўради Селифан ёнида ўтирган қизчадан, қамчини билан кўм-кўк майса бўлиб ётган далалар ўртасида ёмғирдан қорайган йўлни кўрсатиб.

— Йўқ, йўқ, ўзим кўрсатаман, — деди қизча.

Яна бир оз юрилгандан кейин:

— Хўш, қаёққа юрамиз? — деб сўради Селифан.

— Мана бу ёққа, — деди қизча қўли билан кўрсатиб.

— Вой қиз тушмагур-эй! — деди Селифан. — Ана шу ёқ ўнг бўлади-да: ўнг қаёғу, сўл қаёқлигини билмайди-я!

Кун жуда яхши бўлса-да, ер ниҳоятда лой эди, шунинг учун бричка ғилдиракларига худди наMAT ўрагандек қалин лой ёпишиб қолди, бу эса араванинг юришини анча оғирлаштирди; бунинг устига тупроқ ҳам ботқоқли бўлиб, ғилдиракка сақичдай ёпишиб қолар эди. Ана шу икки сабабга кўра улар бу қишлоқ йўлидан пешингача зўрға чиқиб олдилар. Қизча бўлмаганда бундан ҳам бадтар бўларди, чунки йўллар худди қопдан ерга ағдарилганда ҳар томонга ўрмалаб кетадиган қисқичбақалардек ҳар томонга таралиб кетган эди, шу

сабабли Селифан ҳам бу йўлларда бегуноҳдан-бегуноҳ сарсон бўлиб юраверган бўлар эди. Бир оздан кейин қизча қўли билан узоқда қорайиб кўринган бир иморатни кўрсатиб:

— Ҳув ана катта йўл! — деди.

— Иморат-чи? — деб сўради Селифан.


— Майхона, — деди қизча.

— Ҳўп, энди ўзимиз топиб борамиз, — деди Селифан, — бор кетавер уйингга.

У бричкани тўхтатди, қизчани ушлаб пастга туширди-да, тишларини тиржайтириб: «Эҳ, қора оёқ!» деб қўйди.

Чичиков қизчага бир қора чақа берди, қизча козлада ўтирганидан хурсанд бўлиб, чопқиллаганича уйига кетди.





### *Тўртинчи боб*

**М**айхона олдига яқин келгач, Чичиков бричкаси тўхтатишни буюрди; бунинг иккита сабаби бор эди: биринчидан, отларга дам бериш керак ва, иккинчидан, ўзи ҳам бир оз тамадди қилиб олиши керак эди. Автор эътироф этмоғи керакки, шу хилдаги одамларнинг иштаҳасига ва ошқозонига унинг жуда ҳаваси келади: Петербург ва Москвада яшаб, эрта қанақа овқат есам, индинга қанақа обед буюрсам экан, деб ўйлаб вақтини ўтказадиган ва обед олдидан албатта бирор дорини ютиб оладиган, денгиз бақалари, денгиз ўргимчаклари ва бошқа ажойиб-ғаройиб жониворларни лўқиллатиб ютадиган, сўнгра эса Карлсбад ёки Кавказ курортларига борадиган давлатманд жанобларнинг ҳаммаси авторнинг назарида мутлақо ҳеч нимага арзймайди. Йўқ, бу жаноблар ҳеч қачон автор-

нинг ҳавасини қўзғатмаганлар. Бироқ, бир манзилда ветчина, иккинчи манзилда қовурилган чўчқа гўшти, учинчи манзилда бир бўлак осётр балиғи ёки пиёз билан бирон хил колбаса ейдиган, сўнг-ра эса, гўё ҳеч нима кўрмагандай бўлиб, истаган вақтда стол ёнига ўтириб олиб, стерльд балиқ шўрвасини елим балиқ ва балиқ мияси қайласи билан гупиллатиб туширадиган, шу билан бирга балиқ ба-лиши ёки лаққа балиқ қўйруғидан тайёрланган клубякни курсилла-тиб чайнаб бошқаларнинг ҳавасини келтирадиган ўрта ҳол жаноблар парвардигори оламнинг тўкин ноз-неъматидан тўла баҳраманддир-лар! Агар давлатманд жанобнинг ўрта ҳол жанобларникидек ошқо-зони бўлса, улар шу топдаёқ ўз деҳқонларининг ярмини, гаровга қў-йилгану қўйилмаган, ажнабийча-ю, русча такомиллаштирилган бутун ер-мулкларининг ярмидан кечиб юборган бўлур эдилар; лекин аф-суски, ўрта ҳол жанобниқига ўхшаган ошқозонни пулга ҳам, такомил-лаштирилган ва такомиллаштирилмаган ер-мулкка ҳам сотиб олиб бўлмайди.

Ёғочдан ясалган ва деворлари қорайиб кетган майхонанинг меҳмондўст айвони Чичиковни ўз оғушига олди. Айвоннинг қадимий черков чироғпояларига ўхшатиб чорқирра қилиб йўнилган ёғоч ус-тунчалари бор эди. Майхона рус деҳқонларининг уйига ўхшаб кетар-ди. Лекин ҳажми бир оз каттароқ эди. Деразаларнинг теварагига ва бўғотнинг пастига янги тахтадан панжара гулчин қилиб ясалган карнизлар майхонанинг қорайган деворларига кўзга яққол ташла-надиган ранг-баранг безак бўлиб тушган эди; дераза эшикларига гулдор кўзачаларнинг расми солинган эди.

Чичиков торгина тахта зинапоядан юқори кўтарилиб кенг даҳ-лизга киргач, қаршидан эшикни гижиллатиб очиб, гулдор чит кўй-лак кийган, семиз бир кампир чиқди ва унга: «Марҳамат, бу ёққа!» деди. Чичиков кирган хонада ҳамма эски таниш нарсалар бор эди, бундай нарсалар йўл устидаги ёғочдан солинган ҳар бир кичик май-хонада албатта бўлади, яъни оқ самовар, қарағайдан силлиқ йўниб ясалган деворлар, бурчакда чойнак ва чашкалар қўйилган уч бурчак шкаф, бутлар олдида ҳаво ранг ва қизил лентачаларга осиб қўйил-ган ва зарҳал югуртирилган чинни тухумлар, яқинда болалаган му-шук, икки кўзни тўртта қилиб, юзни эса қандайдир чалпакка ўхша-тиб кўрсатадиган ойна; ниҳоят, бутлар олдида даста-даста қилиб

қўйилган, қуриб, қовжираб кетганлигидан искаган кишини фақат аксиртирадиган хушбўй ўтлар ва чиннигуллар.

— Қовурилган чўчқа гўшти борми? — деб сўради Чичиков қаршида турган аёлдан.

— Бор.

— Туруп ва қаймоқ биланми?

— Туруп ва қаймоқ билан.

— Олиб кел бу ёққа!

Кампир бориб бир талинка, сер оҳорилигидан қуруқ дарахт пўстлогидек диккайиб турадиган салфетка, суяк сопи сарғайиб кетган, бигиздек ингичка бир пичоқ, икки тишли вилка ва сира тикка турғизиб бўлмайдиган туздон келтириб қўйди.

Қаҳрамонимиз, одатича, дарҳол кампир билан сўзлашиб, суриштириб кетди: майхона ўзингизникими ёки бошқа хўжайини борми, майхона қанча даромад қилади, ўғилларингиз ўзингиз билан турадими ёки бўлакми, катта ўғлингиз бўйдоқми ёки уйланганми, қанақа хотин олди, келин кўп мол билан келдими ёки йўқми, қайнатаси хурсанд бўлдими, тўйда совға оз келди деб хафа бўлмадими, — хуллас ҳеч нима қолмай ҳаммасини суриштириб кўрди. Ўз-ўзидан маълумки, теварак-атрофда қандай помешчиклар борлигига ҳам қизиқди, билсаки ҳар хил помешчиклар бор экан: Блохин, Почитаев, Мильной, полковник Чепраков, Собакевич, «Эй! Собакевични биласанми?» — деб сўради у ва шу ондаёқ эшитсаки, кампир Собакевичнигина эмас, Маниловни ҳам билар экан, ҳатто Манилов Собакевичга қараганда каттазангроқ экан: дарҳол товуқ пишириб беришни буюраркан, бузоқ гўшtidан ҳам пишириб бер деб сўрар экан; борди-ю қўй жигари бўлса, қўй жигаридан ҳам келтир дер экан, лекин ҳаммасидан оз-моз тотиб кўрар экан, холос; Собакевич бўлса бир хил овқатни сўраб олар экану, лекин ҳаммасини еб битирар экан ва ҳатто пул бермасдан яна ўша овқатдан бир озгина беришни талаб қилар экан.

Чичиков пиширилган чўчқа гўшtidан еб, шу тариқа сўзлашиб ўтирарди, гўштнинг охирги бурдаси қолган эди, шу пайт яқинлашиб келаётган арава ғилдираklarининг тақирлаган товуши эшитилди. У деразадан мўралаб қаради: учта чопқир от қўшилган энгилгина бричка келиб майхона олдида тўхтаганини кўрди. Бричкадан икки киши тушди: бири малла ранг, новча, иккинчиси паст бўйроқ

ва қораманғизроқ эди. Малла ранг кишининг эғнида тўқ зангори венгерка бор, қораманғиз киши эса бели бурма, йўл-йўл оддий чакмон кийиб олган эди. Узоқдан яна бир хунук ва бўш коляскани хомутлари йиртилиб кетган, юганларига ип бойланган ва жунлари пахмайиб турган тўрт от сургаб келмоқда эди. Малла ранг киши бричкадан тушиб дарҳол зинапоядан юқорига чиқиб кетди, қораманғиз киши эса ҳали ҳам бричка ёнида туриб, унинг ичидан бир нимани қидирар, хизматкор билан сўзлашар ва орқадан судралиб келаётган коляскага қўл силтар эди. Унинг товуши Чичиковга бир қадар танишдек туюлди. Чичиков қораманғиз кишига разм солиб қараб турар экан, малла ранг киши пайпаслаб эшикни очди. Бу, бўйи баланд, юзи озғин ёки сур, сариқ мўйлов киши эди. Юзларининг сарғайиб кетганидан у гарчи порох тутуни нималигини билмаса-да, тамаки тутуни нималигини билади, деб ҳукм қилиш мумкин эди. У, тавозе билан Чичиковга таъзим қилди. Чичиков ҳам эгилиб салом берди. Энди улар бир неча минут ичида сўзлашиб, яхшилаб танишиб олишлари мумкин эди, чунки гап бошланиб кетган эди, икковлари деярли баравар хурсандчилик изҳор этиб, кечаги ёмғир йўлнинг чанг-тўзонини босибди, энди салқинлаб маза қилиб сафар қилса бўлади, деб турганларида, бирдан малла ранг кишининг қораманғиз ўртоғи кириб келди, у бошидан картузини олиб столга қўйди-да, эпчил ҳаракат қилиб бармоқлари билан қалин қора сочларини тараб тузатди. [Бу ўрта бўйли, саҳт-сумбати келишган, юзлари лўппи ва қип-қизил, тишлари қордек оппоқ, бакенбардлари зулукдай қоп-қора норғул йигит эди; соғдамлигидан таранг юзларининг қони сиртга тегиб турарди.]

У Чичиковни кўриши билан бирдан икки қўлини ёзиб:

— Э, э, э! — деб қичқириб юборди. — Бу ерларда нима қилиб юрибсан?

Чичиков уни дарров таниди, у Чичиков билан бирга прокурорникида зиёфатда бўлган ва бирпасда у билан апоқ-чапоқ сўзлашиб, гарчи Чичиков ҳеч қандай майл кўрсатган бўлмаса-да, уни ҳатто «сенсираб» гаплаша бошлаган ўша Ноздрев эди. → So see.

— Қаёқларга бординг? — деди Ноздрев ва унинг жавобини кутмасдан, яна ўзи сўзлаб кетди. — Мен бўлсам, биродар, ярмаркадан келяпман. Табрикла мени; роса гўсхўр бўлиб бор-йўғимни бой бер-

дим! Ишонасанми, умримда бунақа гўсхўр бўлган эмасман! Ахир, бировнинг отларини кира қилиб келдим-а! Мана ишонмасанг деразадан бир қара! — Шундай деб у Чичиковнинг бошини дераза томонга қаттиқ эгкан эди, у бошини дераза ромига уриб олишига сал қолди.— Кўрдингми, қандай расво отлар! Лаънатилар зўрға тортиб келишди, йўлда мана бунинг бричкасига тушиб олдим.— Ноздрев бармоғи билан ёнидаги ўртоғини кўрсатди.— Ҳали сизлар танишганларингиз йўқми? Менинг куёвим Мижуев! Биз у билан эрталабдан бери сенинг тўғрингда сўзлашамиз. «Қараб тур, албатта Чичиковни учратиб қоламиз» дедим мен унга. Эй, биродар, агар билсанг шунақаям гўсхўр бўлиб чув тушдимки! Ишонасанми, тўртта йўрға отимнигина эмас, бутун буди-шудимни бой бердим. На соатим қолди, на соатимнинг занжири. . .— Чичиков қараса, ҳақиқатан ҳам унда соат ҳам, соатнинг занжири ҳам йўқ эди. Унга ҳатто Ноздревнинг бир бакенбарди иккинчисига қараганда кичикроқ ва сийракроқ бўлиб кўринди.— Чўнтагимда йигирма сўмим бўлганида,— деб давом этди Ноздрев — ҳаммасини қайтадан ютиб олардим, ундан ташқари яна қолган-қутганини ҳам ютиб олиб, она сутидан ҳалол ўттиз мингни ҳозир чўнтакка солиб ўтирган бўлардим.

— Сен доим шундай дейсан,— деди малла ранг киши. Мен сенга эллиқ сўм чиқариб берганимда ҳам дарров ютқазиб қўйдинг-ку.

— Ютқазмас эдим! Худо ҳақи ютқазмас эдим! Тўғриси, ўзим аҳмоқлик қилмаганимда ютқазмас эдим. Устига тикиб, лаънати еттиликнинг четини букиб қўймаганимда бутун банкни уриб олган бўлардим.

— Барибир, уриб ололмадинг-ку,— деди малла ранг киши.

— Уриб ололмадим, чунки еттиликнинг четини ўз вақтида букиб қўймадим. Нима, сенинг майоринг яхши ўйнайдими?

— Яхшими-ёмонми, ҳар ҳолда сени ютиб олди-ку.

— Ютса ютибди-да! — деди Ноздрев:— бир кунмас, бир кун мен ҳам уни ютиб оламан. Қани у дублет қилиб ўйнаб кўрсин-чи, ана ўшанда кўраман, ўшанда кўраман унинг қанақа қартабоз эканини! Лекин, биродар Чичиков, дастлабки кунларда айш қилганимизни қўяверасан! Тўғриси, ярмарка жуда соз бўлди. Савдогарларнинг ўзлари, ярмаркага ҳеч қачон бунақа кўп одам келган эмас, дейишди. Меникилар қишлоқдан келтирган нарсаларини жуда яхши пул-

га сотишди. Эҳ, биродаржон, шунақаям айш қилдикки! Ҳозир эсимга тушса... қўявер энди! Афсуски, сен бўлмадинг-да. Ўзинг бир тасаввур қилиб кўр: шаҳардан уч чақирим нарида отлиқлар полки турди. Ишонасанми, қанча офицер келганини билмайман, фақат шаҳарнинг ўзида қирқтача офицер бор эди. Шунақаям ичдикки, биродаржон, асти сўрама!.. Штабс-ротмистр Поцелуев... жуда жонон одам экан! Э, биродаржон, мўйловларини айтмайсанми. Бордо виносини нуқул бурдашка дейди. «Қани, биродар, бурдашкани олиб кел!» дейди. Поручик Кувшинников... Оҳ, биродаржон, жуда дилбар одам экан! Мана уни чинакам маишатчи деса бўлади. Ҳаммамиз бирга бўлдик. Пономарёвнинг бизга берган виносини қарамайсанми! Сен билиб қўйки, у жуда қаллоб одам, унинг дўконидан ҳеч нима олма: винога бутун шалтоқни аралаштириб сотади, қизил бўёқ ҳам қўшади, куйдирилган пробкани ҳам солади ва ҳатто, муттаҳам, қарағат мевасини ҳам эзиб солади; шу томони ҳам борки, агар ўзи махсус хона деб атайдиган ичкари хонадан бирон шиша вино олиб чиқиб берса борми, уни ичиб олганингдан кейин, биродар, роса еттинчи осмонга учасан. Биз ичган шампан виноси олдида губернатор ичадиган шампанни квас дейсан! Фараз қилки, клико эмас, балки кликоматрадура, яъни бу икки марта клико шампани демакдир. Яна бир шиша бонбон деган француз виносини чиқариб берди. Унинг хушбўйлигини айтмайсанми? Гул дейсанми, атиргул дейсанми — нима десанг деявер! Шунақаям айш қилдикки!.. Биздан кейин қандайдир бир князь келди, шампан виноси олиб келиш учун дўконга одам юборди, бутун шаҳарда бир шиша ҳам вино қолмабди. Ҳаммасини офицерлар ичиб битиришибди. Ишонасанми, бир ўзим обед вақтида ўн етти шиша шампан виноси ичибман!

— Қўй-э, ўн етти шишани ичолмайсан, — деди малла ранг киши.

— Виждоним ҳақи айтаманки, ичдим, — деб жавоб берди Ноздрев.

— Нима десанг деявер-ку, лекин сенга айтаманки, ўн шишасини ҳам ичолмайсан.

— Ичаман, гаров ўйнайсанми?

— Гаровнинг нима кераги бор?

— Майли, шаҳардан сотиб олган милтиғингни тика қол.

— Тикмайман.

— Бир тикиб синаб кўр-чи!

— Синаб ҳам кўрмайман.

— Гаров ўйнаганингда ҳам бир зумда милтиқдан ажралардинг-да. Эҳ, биродар Чичиков, яъни афсуски, сен бўлмадинг-да. Агар бўлганингда поручик Кувшинниковдан ажралмас эдинг, биламан. Икковингиз апоқ-чапоқ бўлиб кетар эдингиз! У шаҳримиздаги бир тийин устида думалоқ ошадиган анов прокурор ва бошқа губерния зикналари хилидан эмас. У, биродар, гальбик дейсанми, банк дейсанми — нима десанг ҳаммасига ўйнайверади. Эҳ, Чичиков, ниманг кетарди борсанг? Бунинг учун сени чўчқавой, молбоқар десам бўлади! Мени ўпиб қўй, азизим, ўлгудек яхши кўраман-да сени! Мижуювни қарамайсанми: тақдир бизни роса учраштирди-да! Бўлмаса, у менга нима-ю, мен унга нима? Худо билсин, у аллақадан келган, мен эса бу ерда тураман... Эй, биродар, келган арава-ю, фойтунни кўяверасан, еп gros! Пилдироқ ўйнадим: икки қути помада, бир чинни чашка ва бир гитара ютиб олдим; яна бир марта пул қўйиб айлантирдим, расво бўлди, яна олти сўм кетди. Билсанг агар, Кувшинников шунақаям хотинбоз эканки, биз у билан деярли ҳамма балларда бўлдик. Бир жононни кўрдик, бирам ясанган: бурма кўйлак кийган, яна алланучук чиройли либосларга беланган... Мен ичимда фақат: «вой-вой!» деб ўйлайман, холос. Пес Кувшинников бўлса ҳалиги жононнинг ёнига бориб ўтириб олди-да, француз тилида унга хушомад қилиб кетди... Ишонасанми, у қўлига тушган хотинни қўймади. Буни у: қулупнайчадан фойдаланиб қолиш керак, дейди. Жуда кўп ажойиб балиқлар келтиришди. Мен ҳам биттасини олиб келдим, яхшиям пул борида олган эканман. Энди сен қаёққа бормоқчисан?

— Мен бир одамни кига бормоқчиман,— деди Чичиков.

— Қўй унақа одамингни! Мени кига борамиз!

— Йўқ, бўлмайди, иш бор.

— Қўйсанг-чи, ўргилдим ўша ишингдан! Нағма қилма! Сени қара-ю, Малҳамвой Иванович!

— Туғриси, иш бор, жуда зарур иш.

— Гаров ўйнайман, гапинг ёлғон! Хўш, айт-чи, кимни кига бормоқчисан?

<sup>1</sup> Соя-саноғи йўқ.

— Собакевичнигига.

Шу топда Ноздрев хохолаб шу қадар қаттиқ кулиб юбордики, фақат соғлом ва бақувват одамгина шундай кулади, у кулганда садафдай оппоқ тишлари барала кўришиб, жағлари қимирлаб, юзлари лорсиллаб кетади ва икки эшик нарида, учинчи хонада ётган қўшни уйқусидан сапчиб туради-да, кўзларини бақрайтириб: «Э, кулмай ўл-э!» дейди.

— Бу гапнинг нимаси кулги?— деди Чичиков, унинг кулишидан бир оз норози бўлиб.

Аммо Ноздрев ҳамон томоғи йиртилгудек хохолаб кулар ва:

— Вой, ўламан, ичагим узилиб кетади! — деяр эди.

— Бунинг ҳеч куладиган жойи йўқ-ку, мен унга ваъда берганман,— деди Чичиков.

— Уникига бориб бир умр хурсанд бўлмайсан, ўлгудек хасис-ку, ахир у! Мен сенинг феълингни биламан, уникига бориб, банк ўйнайман ёки бирон шиша бонбон ичаман деб ўйласанг, катта хато қиласан. Хўп дегин, биродар, қўй ўша Собакевичингни, меникига борамиз! Жуда яхши балиқ билан меҳмон қиламан! Анов пес Пономарёв таъзим қилиб: «Фақат сизга бераётибман, бутун ярмаркани қидирсангиз ҳам бунақасини тополмайсиз» дейди. Ўтакетган фирибгар-да ўзиям, Мен унинг юзига айтдим: «Бизнинг ижарадор билан икковингиз уччига чиққан қаллобсизлар!» дедим; шундай десам соқолини силаб кулади-я пес. Биз Кувшинников билан бирга ҳар кун унинг дўконида нонушта қилар эдик. Ҳа, айтгандай, биродар, сенга айтаман деб эсимдан чиқибди: биламан, энди ўзинг ҳам орқамдан қолмайсан, лекин олдиндан айтиб қўяй, ўн минг берсанг ҳам бермайман. Ҳой, Порфирий!— деб қичқирди у хизматкорига дераза ёнига келиб; хизматкори бир қўлида пичоқ, иккинчи қўлида бир бурда нон билан бир бўлак балиқ ушлаб турган эди, бу балиқни у бричкадан бир нима олаётганида кўриб қолиб, кесиб олган эди.— Ҳой, Порфирий!— деб қичқирди Ноздрев,— кучукчани бу ёққа олиб кел-чи! Ажойиб кучукча!— деди, кейин Чичиковга қараб:— Уғирлаб олинган, эгаси сотишга сира унамади. Мен унга саман биямни бераман дедим, кўнмади; эсингдами, ҳув анави Хвостиревдан алишиб олган саман биячи...— деди, лекин Чичиков умрида саман бияни ҳам, Хвостиревни ҳам кўрган эмас эди.

— Барин! Бирон нима емайсизми? — деди шу пайт кампир унинг ёнига келиб.

— Йўқ, ҳеч нима емайман; биродар, бирам айш қилдикки! Хўп, қани бир рюмка ароқ олиб кел; қанақа арогинг бор?

— Арпа бодён ароғи,— деди кампир.

— Хўп, олиб кел арпа бодён арогингдан,— деди Ноздрев.

— Менга ҳам бир рюмка бер!— деди малла ранг киши.

— Театрда бир артистка, қурғур, саъвадай сайраб бирам ашула қилди! Ёнимда ўтирган Кувшинников: «Қара, биродар, ана шу қулупнайчадан фойдаланиб қолиш керак!» дейди. Чамамда, элликтача томошахона бор эди. Фенарди<sup>1</sup> тўрт соат тегирман бўлиб айланди.— Шу гапни айтиб бўлиб, у кампирнинг қўлидан рюмкани олди, кампир эса унга эгилиб таъзим қилди.— Ҳа, бу ёққа олиб кел уни!— деб қичқирди у кучукчани кўтариб кирган Порфирийни кўриб; Порфирий ҳам хўжайин сингари пахта солиб қавилган ва бирмунча кирланган йўл-йўл чакмон кийиб олган эди.

— Олиб кел бу ёққа, мана бу ерга қўй!

Порфирий кучукчани ерга қўйди, кучукча тўрт оёғини кериб, ерни искади.

Ноздрев кучукчани бўйнидан ушлаб юқори кўтарди-да:

— Мана кўр!— деди. Кучукча жони оғриб ангиллаб юборди.

— Сен барибир айтганимни қилмабсанда,— деди Ноздрев Порфирийга, кучукчанинг қорнига тикила туриб:—буни ҳеч қашиламабсан-ку?

— Йўқ, қашиладим.

— Бўлмаса, бу бургалар қаердан пайдо бўлибди?

— Билмадим. Балки бричкадан киргандир.

— Ёлғон, ёлғон гапирасан, ҳеч қашиламагансан; менимча, сен аҳмоқ ўз бургаларингни ҳам тутиб бунга қўйиб юборгансан.

<sup>1</sup> Фенарди — XIX асрнинг 20-йилларидаги машҳур акробат ва фокусчи



Мана қара, Чичиков, қулоқларига қара, қўлинг билан бир ушлаб кўр.

— Ушлаб нима қиламан, шундай ҳам кўриб турибман, зотли ит!— деди Чичиков.

— Йўқ, ахир қўлинг билан қулоқларини бир ушлаб кўргин!

Чичиков уни хафа қилмаслик учун кучукнинг қулоқларини ушлаб кўрди-да:

— Ҳа, яхши ит бўлади,— деб қўйди.

— Мана бурнига ҳам қара, сездингми, қандай совуқ? Қўлинг билан ушлаб кўр.

Чичиков уни хафа қилмаслик учун бурнини ҳам ушлаб кўрди ва:

— Сезгир ит бўлади,— деди.

— Чинакам тумшуқдор ит,— деди Ноздрев давом этиб,— тўғриси айтсам, шунақа тумшуқдор ит топаман деб кўпдан бери тиш қайраб юрган эдим. Порфирий, ма, олиб бор буни!

Порфирий кучукчани қорнидан кўтариб бричкага олиб кетди.

— Менга қара, Чичиков, энди сен албатта меникига боришинг керак; атиги беш чақирим, бир зумда етиб борамиз, у ердан Собакевичникига боришинг ҳам мумкин.

«Нима қилибди,— деб ўйлади Чичиков,— майли, Ноздревникига борсам бора қолай. Бошқалардан нимаси кам? Бу ҳам ўшалардай одам-да, бунинг устига тагин қартада ютқазиб қўйибди. Унинг қўлидан ҳамма нарса келадиганга ўхшайди, демак, ундан ул-бул нарсани текинга сўраб олиш мумкин».

— Хўп, қани кетдик,— деди у,— лекин мени узоқ ушлаб қолмайсан, вақтим зиқ.

— Мана, оғайни, гап деган бундоқ бўпти! Мана бу саз бўлди, тўхта, бу ишинг учун сени бир ўпиб қўяй.— Шу топда Ноздрев билан Чичиков ўпишишдилар.— Мана бу саз бўлди: учовлашиб жўнаймиз!



— Йўқ, энди менга рухсат бер,— деди малла ранг киши:— мен уйга боришим керак.

— Бекор гап, бўлмаган гап, биродар, рухсат бермайман.

— Бормасам бўлмайди, хотиним хафа бўлади; энди сен у кишининг бричкасига тушиб боришинг мумкин.

— Йўқ, йўқ, йўқ! Қўй, гапириб овора ҳам бўлма!

Малла ранг киши дафъатан қараганда қайсарга ўхшаб кўринадиган одамлар хилидан эди. Бундай одамлар ҳали оғиз очмасингдан сен билан тортишмоқчи бўладилар ва ўз фикрларига тамоман қарама-қарши бўлган фикрлар билан асло келиша олмайдигандек кўринадилар, аҳмоқни ҳеч қачон ақлли демайдигандек ва айниқса ҳеч қачон бировнинг ногорасига ўйнашга рози бўлмайдигандек кўринадилар; сўнгра бутунлай бошқача бўлиб чиқадилар, яъни улар мулойим, ўзлари боя рад қилган фикрга кейин дарров қўшилиб қоладилар. Аҳмоқни ақлли дейдилар, сўнгра бировнинг ногорасига чунон ўйнаб кетадиларки, асти қўясиз — хуллас, аввал дадил, кейин разил бўладилар.

— Бекор гап,— деди Ноздрев, малла ранг кишининг важини рад қилиб ва унинг бошига шапкасини кийгизди, шундан кейин малла ранг киши ҳам уларга эргашиб кетаверди.

— Барин, ароқнинг пулини тўламадингиз-ку...— деди кампир.

— Ҳа, айтгандай, хўп, хўп, онахон. Манга қара, куёв! Ароқнинг пулини тўлаб қўй. Чўнтагимда бир тийин ҳам қолмабди.

— Қанча бўлади пули?— деди куёв.

— Нима бўлар эди, отагинам, икки сўлкавой,— деди кампир.

— Ёлғон, ёлғон. Ярим сўлкавой берсанг бўлади.

— Камроқ бердингиз, барин,— деди кампир, лекин дарҳол пулни олиб миннатдорчилик билдирди ва югуриб бориб уларнинг ҳурматига эшикни очди. Кампир ароқдан зарар кўрмади, чунки тўрт марта ошиқ баҳо қўйиб сўраган эди.

Улар бричкаларга минишди. Чичиковнинг бричкаси Ноздрев ва унинг куёви минган бричка билан ёнма-ён борди, шунинг учун улар учови йўл бўйи бемалол сўзлашиб боришлари мумкин эди. Улар кетидан Ноздревнинг бировдан кира қилиб олган отларга қўшилган кичкина шалоқ коляскаси секин судралиб бормоқда эди. Бу коляскада кучукчани ушлаб Порфирий ўтирган эди.

Ҳозир улар ўртасида бўлаётган гапларнинг китобхон учун унча

қизиғи йўқ, шунинг учун бу ерда Ноздревнинг ўзи тўғрисида бир оз сўзласак яхшироқ бўлади, чунки Ноздрев бу поэмамизда хийла катта роль ўйнаши мумкин.

Ноздревнинг қиёфаси китобхонларга бир оз таниш бўлиб қолган бўлса керак. Ҳар бир кимса бундай кишиларни умрида кўп учратган. Улар хушчақчақ кишилар деб аталадилар ва ёш чоғларида мактабда ҳам яхши ўртоқ деб ном чиқарадилар, шунга қарамай ҳамиша ўлғудек калтак еб юрадилар. Уларнинг юзида ҳамма вақт қандайдир очиқлик, шарттакилик ва ботирлик аломати кўриниб туради. Улар хашпаш дегунча танишиб оладилар-да, бирпасда сенга «сенсираб» гапира бошлайдилар. Улар гўё қиёматли дўст бўлиб оладилар; лекин одатда ҳамиша шундай бўладикки, дўстлашиб олганларидан кейин ўша кечасиёқ дўстлик зиёфатида муштлашиб кетадилар. Улар ҳамиша сергап, маишатчи, абжир, таниғлик кишилар бўладилар. Ноздрев ўн саккиз ва йигирма ёшларида қандай маишатпараст бўлган бўлса, ўттиз беш ёшида ҳам худди шундай эди. Уйлангандан кейин ҳам у ҳеч ўзгармади, бунинг устига орадан кўп ўтмай хотини икки боласини қолдириб, оламдан ўтди. Ҳолбуки, бу болалар Ноздревга сира керак эмас эди. Шундай бўлса-да, болаларга хушрўйгина бир энага қараб турди. Ноздревнинг уйда бир кундан ортиқ ўтиришга ҳеч тоқати йўқ эди. Унинг бурни ўн чақирим наридаги ярмаркада бўладиган ҳар қандай йиғин ва базмларнинг ҳидини дарров сезар ва у кўз юмиб очгунча ўша ерда ҳозир бўлар, дарҳол қарта столи ёнига ўтириб олиб, ҳамма билан баҳслашиб кетар ва ҳамма ёқни тўс-тўполон қилиб ташларди, чунки у ўзига ўхшаш кишилар сингари қарта ўйинига жуда ўч эди. Юқорида кўрганимиздек, у қартани фирромлик билан ўйнади. У ўйинда ҳар хил фирром ва ишқалликлар чиқаришга уста эди, шунинг учун ҳам кўпинча ўйиннинг оқибати хунук тугарди: уни ё роса тепкилашар, ё чиройли, қалин бакенбардларини юлиб олишарди, шу сабабдан баъзан у уйига бирёқ бакенбарди билан қайтардики, у ҳам жуда сийраклашиб қолган бўларди. Лекин соғлом ва лўппи юзлари шундай яхши яратилган ва шундай кучга эга эдики, бакенбардлари яна тезда ўсиб чиқиб, илгаригисидан ҳам яхши бўлиб кетарди. Лекин фақат Русиядагина бўладиган энг ғалати ҳол шуки, орадан кўп вақт ўтмай, у ҳеч нарса бўлмагандек ўзини савалаган ўша ошналари билан яна учрашиб апоқ-чапоқ бўлиб кетаверар эди.

Бир жиҳатдан қараганда Ноздрев сер можаро киши эди, у бор жойда албатта бир можаро чиқмай қолмасди. Уни ё жандармлар, ё ўз ошналари залдан судраб чиқариб юборишарди. Борди-ю бундай бўлмаган тақдирда ҳам барибир бирор ҳодиса албатта юз берар эдики, буни бошқа одам асло қилмасди. Масалан, у ё буфетни бошига кўтариб нуқул кулар ёки чунон ёлғон гапларни айтардики, пировардида ўзи ҳам уялиб қоларди. Ҳар бир кераксиз ўринда ҳам ёлғон гапираверарди: менинг ҳаво ранг ёки пушти ранг отим бор эди, деган бемаъни гапларни гапириб юборарди; бу гапга қулоқ солиб турган кишилар: «Эй, биродар, роса қуруқ аравани олиб қочдинг-да», деб ундан четлашардилар. Шундай кишилар борки, улар ўз ёр-ошналарига баъзан ҳеч бир сабабсиз ифлослик қилишга ўч бўладилар. Масалан, ҳатто мартабаси улуғ, саҳти-сумбати тузук, кўкрагида юлдуз ордени бор бир киши қўлингизни сиқиб кўришади, сиз билан маъноси чуқур, кишини мулоҳазага соладиган масалалар тўғрисида сўзлашади, сўнгра қарабсизки, шу оннинг ўзида, кўз олдингизда сизга ифлослик қилади. Ифлослик қилганда ҳам асло кўкрагида юлдуз ордени бор, кишини фикр-мулоҳазага солувчи масалалар тўғрисида сўзлашадиган киши сифатида эмас, балки оддий бир коллежский регистратордек ифлослик қилади; буни кўргач, фақат елкангни қисиб, ҳайрон бўлиб қоласан, холос. Ноздревнинг ҳам худди шундай ғалати қилиқлари бор эди. Қимки у билан қанча яқин ошна тутунса, унга шунча кўп ёмонлик қиларди; унинг тўғрисида сира куракда турмайдиган гапларни тарқатарди, тўйини, савдосини бузарди ва айна вақтда ўзини асло унинг душмани деб ҳисобламас, аксинча, бирон тасодиф уни сиз билан учраштириб қолгудай бўлса, у тагин дўстларча муомила қилар ва ҳатто: «Сен шунақа аблаҳ экансан, меникига сира йўқлаб бораё ҳам демайсан-а» дер эди. Ноздрев кўп жиҳатдан ҳар ишга қобил, яъни қўлидан ҳамма нарса келадиган киши эди. Шу оннинг ўзида у сизга истаган жойга, ҳатто дунёнинг нариги чеккасига ҳам боришни, истаган ишингизни қилишни, бор нарсасини истаган нарсангизга алишишни таклиф қиларди. Милтиқми, итми, отми — ҳаммасини алшитираверарди; лекин бу ишни фойда кўриш учун эмас, балки тиниб-тинчимайдиган дали-ғули киши бўлганидан қиларди. Агар омади келиб ярмаркада бирон содда кишини топиб, унинг бор-йўғини ютиб олса, пулига дўконда кўринган нарсани: хомут, шам энагага рўмол, айғир от, майиз, кумуш, дастшўй,

голланд матоси, оқ ун, тамаки, тўппонча, селёдка балиқ, сурат, эгов, хурмача, этик, чинни идиш — пули етганча сотиб олаверарди. Лекин, сотиб олинган бу буюмлар жуда камдан-кам уйга олиб бориларди; деярли ўша куннинг ўзида бу нарсалар бирон омади келган қартабознинг қўлига ўтарди, ҳатто баъзан тамаки халтаси билан бирга трубкаси ва мундштуги ҳам ўша нарсаларга қўшилиб кетарди. Баъзан эса тўртта оти-ю, коляскаси билан кучерини ҳам бой бериб юборардида, ўзи эғнида қисқагина сюртуги ёки чакмони билан қолиб, ниҳоят, бирон ошнасини излаб топар ва унинг аравасига тушиб уйга кетарди. Ноздрев ана шунақа киши эди! Балки, буни жуда эскириб кетган характер, энди Ноздревлар йўқ, дейишар. Лекин афсуски, бундай деган кишилар ноҳақ гапирадилар! Ноздревлар ҳали узоқ вақтгача дунёдан кетмайди. У ҳамма жойда орамизда, эҳтимол, фақат бошқа кафтан кийиб юргандир; кўп одамлар зийрак эмас, калтафаҳм бўладилар, бошқа кафтан кийган одам уларга бошқа одам бўлиб кўринади.

Мана шу орада учта арава Ноздрев эшиги олдига келиб тўхтади. Уйда уларни кутиб олиш учун ҳеч қандай ҳозирлик кўрилмаган эди. Столовойнинг ўртасида чорпоялар қўйилган бўлиб, икки мужик унинг устига чиқиб олиб, одоғи йўқ қандайдир бир қўшиқни куйлаб, девор оқламоқда эди; полнинг ҳаммасига оҳак сачраган эди. Ноздрев дарҳол мужикларга столовойдан жўнаб қолиш ва чорпояларни ҳам чиқариб ташлашни буюрди-да, югурганича ёнидаги хонага кириб, буйруқ бера бошлади. Меҳмонлар унинг ошпазга қандай овқат буюрганлигини эшитдилар; иштаҳаси карнай бўлаёзган Чичиков уй эгасининг буйруғидан овқат соат бешдан олдин тайёр бўлмаслигини пайқади. Ноздрев қайтиб келиб, меҳмонларни қишлоғидаги мол-мулкини кўрсатгани олиб кетди, икки соатдан ошиқроқ вақт ичида бисотида бор ҳамма нарсасини кўрсатиб бўлди ва кўрсатадиган бошқа ҳеч нимаси қолмади. Улар аввал отхонани кўргани кирдилар, унда икки бия бўлиб, бири тўриқ, иккинчиси саман эди. Тагин бир жийрон айғир ҳам бор эди, айғир кўримсизгина бўлса-да, Ноздрев уни ун мингга олдим, деб қасам ичди.

— Ун мингга олмагансан,— деди куёви.— У бир мингга ҳам қиммат.

— Худо урсин, ўн мингга олдим,— деди Ноздрев.



— Қанча қасам ичсанг ичавер, лекин ўн минг эмас,— деди куёви.

— Хўп, бўлмаса кел, гаров ўйнаймиз!— деди Ноздрев.

Куёви гаров ўйнашга унамади.

Сўнгра Ноздрев бўш ётган отхонани кўрсатди, илгари бу ерда ҳам яхши отлар турган экан. Худди шу отхонада бир такани кўришди, қадимги удумга кўра, отлар ёнида албатта така туриши лозим эмиш, така отлар билан эллашиб, уларнинг қоринлари тагида бемалол ўйнаб юраркан. Сўнгра Ноздрев уларни боғлаб қўйилган бўри боласини кўрсатгани бошлаб кетди. «Мана бўри боласи!— деди у.— Мен уни жўрттага хом тўшт билан боқаман. Чинакам бўри бўлсин дейман!» Бу ердан ҳовузни кўришга бордилар, Ноздревнинг сўзига қараганда, бу ҳовузда шундай катта балиқлар бор эканки, ҳар биттасини икки одам зўрға тортиб чиқараркан; лекин куёви бунга ҳам дарҳол шубҳа билдирди. «Чичиков,— деди Ноздрев,— мен сенга ҳозир бир жуфт жуда ажойиб този итни кўрсатаман! Миқти болдирларини кўрсанг ҳайрон қоласан, тумшуғи бигиздай!» — шундай деб уларни жуда чиройли қилиб солинган, кўраси тўрт томондан девор билан ўраб олинган бир

уйчага бошлаб борди. Улар қўрага киргач, жуни узун, қисқа, ранги ва туси жуда хилма-хил итларни кўрдилар: қизил мушкин, оч малла, ола қашқа, қора қашқа, қора қулоқ, оқ қулоқ. . . Итларнинг отлари ҳам ҳар хил бўлиб, кўпи буйруқ феълида эди: (от) сўк, (уч, ёндир, ол, бос, мажақла, эзғила, шошқин, мукофот, назира. Ноздрев буларнинг ичида худди ўз бола-чақалари ўртасида турган бир отага ўхшарди; улар ўзларининг итлик расм-қоидаларини бажо келтириш учун дарҳол думларини юқори кўтариб, меҳмонлар қаршисига югурдилар ва улар билан кўриша кетдилар. Улардан ўнтачаси олдинги оёқларини Ноздревнинг елкасига қўйиб олди. (Сўк) Чичиковга дўстлик изҳор этиб, олдинги икки оёғини кўтарди-да, худди унинг лабларини ялаб олган эди, Чичиков шу заҳоти туфлаб ташлади. Миқти болдирлари кишини ҳайратда қолдирадиган итларни ҳам кўрдилар — ҳақиқатан яхши итлар эди. Сўнгра кўр бўлиб қолган қрим қанжиғини кўргани кетдилар, Ноздревнинг сўзига қараганда, бу қанжиқ тездан ўлиши керак экан, лекин икки йилча бурун жуда яхши қанжиқ экан: уни ҳам бориб кўрдилар, у ҳақиқатан ҳам кўр экан. Кейин сув тегирмонини кўргани бордилар; тегирмоннинг устки тошини тез айлантирадиган пирилдоғи йўқ бўлса-да, рус мужиги «пирилдоқ» деб унга жуда ажойиб ном қўйган экан.

— Мана ҳозир темирчилик ишхонасини кўрамиз! — деди Ноздрев.

Бир оз юрилгач, ҳақиқатан темирчилик ишхонаси кўринди, темирчилик ишхонасини ҳам томоша қилдилар.

— Ҳов ана у далада, — деди Ноздрев бармоғи билан далани кўрсатиб, — товушқонлар шу қадар кўпки, ерни кўриб бўлмайди; биттасини ўзим қўлим билан орқа оёғидан тутиб олдим.

— Қўйсанг-чи, товушқонни қўлинг билан тутиб бўлсан! — деди куёви.

— Ўзим тутиб олдим-ку, ахир, жўрттага тутдим! — деди Ноздрев. — Энди сенга, — деди у, Чичиковга мурожаат қилиб, — чегарани кўрсатаман, ерларимнинг охири шу чегарада тамом бўлади.

Ноздрев меҳмонларни ўркач-ўркач бўлиб ётган даладан бошлаб кетди. Меҳмонлар заранг ерлар ва сихмола бостириб қўйилган шудгорлар орасидан ўтиб боришлари керак эди. Чичиков чарчай бошлади. Ер жуда пастқамлик бўлганидан кўп жойларда оёқ тагидан билчираб

сув чиқарди. Аввал улар оёқларини авайлаб қўйиб секин юра бошладилар, кейин бу ишнинг бефойдалигини пайқаб, лой-балчиққа қарамай, тўғри келган жойдан юравердилар. Анча йўл юрганларидан кейин ҳақиқатан чегарани кўрдилар, бу чегара ёғоч устунча ва торгина жарликдан иборат эди.

— Мана шу чегара! — деди Ноздрев:— бу томонда кўринганларнинг бариси меники, ҳатто нариги томонда кўм-кўк бўлиб кўришиб турган бутун ўрмон ва ўрмон орқасидаги ерлар ҳам меники.

— Бу ўрмон қачон сеники бўла қолди? — деб сўради куёви,— Уни яқинда сотиб олдингми? У сеники эмас эди-ку.

— Ҳа, яқинда сотиб олдим,— деб жавоб берди Ноздрев.

— Қачон уни дарров сотиб ола қолдинг?

— Ҳа, уч кун бурун, савил қолгур жуда қимматга тушди.

— Ахир, сен уч кун бурун ярмаркада эдинг-ку.

— Эй, гапингни қара-я, Софрон! Ярмаркада бўлиб, ер сотиб олиш мумкин эмасми? Хўп, мен ярмаркада бўлган бўлсам, бу ерда приказчигим менсиз сотиб олаверган-да.

— Ҳа, приказчик сотиб олган бўлса бошқа гап!— деди куёви, лекин шу заҳоти шубҳаланиб, бошини қимирлатиб қўйди.

Меҳмонлар ўша расво йўл билан уйга қайтдилар. Ноздрев уларни кабинетга бошлаб кирди: аммо у сира кабинетга ўхшамас эди, яъни одатда кабинетда бўладиган китоб ва қоғоз каби нарсалардан асар ҳам йўқ эди; унда фақат қилич билан икки милтиқ осиглиқ турарди, милтиқларнинг биттаси уч юз сўм, иккинчиси саккиз юз сўм турар эди. Куёви атрофга кўз югуртириб, фақат бошини қимирлатиб қўйди. Сўнгра турк ханжарлари кўрсатилди, улардан бирига саҳван: «Уста Савелий Сибиряков» деган ўйма хат ёзиб қўйилган эди. Сўнгра меҳмонларга шарманка кўрсатилди. Ноздрев шу ондаёқ уларга баъзи нарсаларни чалиб кўрсатди. Шарманканинг нағмаси унча ёмон эмас эди, лекин ичида бир нимаси бузилиб қолган бўлса керак, мазурканинг охири «Мальбруг жангга кетди»<sup>1</sup> деган қўшиқ билан тамом бўлди; «Мальбруг жангга кетди» деган қўшиқ эса бирдан эскидан таниш

---

<sup>1</sup> «Мальбруг жангга кетди» — французча эски қўшиқ. Малбруг-герисг Мальборо — инглиз лашкарбошиси.

бир вальс билан тугади. Ноздрев шарманкани аллақачон бурамай қўйган бўлса-да, ундан ҳамон сурнайдай чийиллаган овоз чиқар ва сира тўхтамас эди, бу чирилдоқ овоз яна анчагача эшитилиб турди. Сўнгра ёғочдан, лойдан, тошдан ясалган, чекилган ва чекилмаган, замша ғилофга солиб қўйилган ва солиб қўйилмаган трубкалар, яқинда қартада ютиб олинган ва мундштуги қаҳрабодан ясалган чибиқ, аллақайси бир бекатда гўё Ноздревга ошиқ-шайдо бўлиб қолган бир графиня томонидан гул солиб тикиб берилган тамаки халта кўз-кўз қилинди. Ноздревнинг айтишича, графинянинг қўллари энг нозик сюперфль экан,— бу сўз, чамаси, Ноздрев учун камолатнинг энг юқори нуқтасини билдирса керак. Улар балиқ билан тамадди қилиб олгач, соат бешга яқин обед қилишга ўтирдилар. Овқат, афтидан, Ноздревнинг ҳаётида асосий ўрин тутмас эди; уларнинг олдига келтириб қўйилган таомлар унча яхши эмас, чунки баъзилари қуйиб кетган, баъзилари эса мутлақо пишмаган эди. Ошпазнинг илҳоми жуда қайнаб кетган бўлса керак, у қўлига тушган нарсани овқатга солаверган, олдида гаримдори турган бўлса гаримдори, карам турган бўлса карам солган, унинг устига сут, ветчина ва нўхот қўшиб юборган — хуллас, тўғри келганини солиб юбораверган: иссиқ таом бўлса бўлди-да, мазаси бир бало бўлар! Аммо Ноздрев винога зўр берди; ҳали шўрва келтирилмасдан у меҳмонларга бир стакандан портвейн ва гостотери виноси қўйди, чунки губерния ва уезд шаҳарларида оддий сотери виноси бўлмайти. Сўнг Ноздрев бир шиша мадера олиб келишни буюрди, бундай яхши мадерани ҳатто фельдмаршал ҳам ичган эмас, деб қўйди. Мадера ҳақиқатан оғизни ловиллатарди, чунки савдогарлар яхши мадера ичишни хушлайдиган помещикларнинг дидини билиб унга жуда кўп ром қўшар ва ҳатто, русларнинг ошқозони ҳамма нарсасага чидайди деб, унга ароқ ҳам аралаштирар эдилар. Кейин Ноздрев яна бир шиша махсус вино келтирди, унинг айтишича, бу ҳам бургон, ҳам шампаньон эди. Бу винодан у зўр ҳафсала билан икки стаканга, ўнгга ҳам, сўлга ҳам, яъни куёвига ҳам, Чичиковга ҳам тўлдириб қўйди. Лекин ўзига озроқ қўйди. Чичиковнинг бунга кўзи тушиб қолди. Шундан кейин у эҳтиёт бўладиган бўлди, ҳар сафар Ноздрев куёви билан сўзлашиб турган ёки унинг стаканига вино қуяётган чоқда, у дарров ўз виносини тарелкага тўкарди. Кўп ўтмай столга рябиновка ароғи келтириб қўйилди, Ноздрев, бу ароқдан тамом қаймоқ



мазаси келади деди, ҳолбуки, ундан фақат бурқсиган жавдар ҳиди келарди. Сўнгра бальзамми-замзамми деган винодан ичдилар, бу винонинг номини эсда тутиш қийин эди, ҳатто уй эгасининг ўзи ҳам ҳар сафар уни бошқача ном билан атарди. Обед аллақачон тамом бўлган, ҳамма винолар ичилган бўлса-да, меҳмонлар ҳали ҳам стол ёнида ўтиришар эди. Чичиков Ноздревга унинг куёви олдида асосий мақсадни гапиргиси келмади. Ҳар ҳолда у чет киши эди, масала эса хилватда ўтириб дўстона сўзлашишни талаб қиларди. Аммо ҳозир куёвдан хавотир олмаса ҳам бўларди, чунки у, жуда мириқиб ичганидан бўлса керак, ўтирган жойида боши эгилиб, минут сайин бурни столга бориб тегар эди. Аҳволи ёмонлигини ўзи ҳам пайқади шкилли, уйига кетишга рух-

сат сўрай бошлади, лекин у худди омбир билан тишини суғуриб олгандай ихраб ва инқиллаб гапирар эди.

— Йўқ, йўқ! Юбормайман! — деди Ноздрев.

— Йўқ, мени хафа қилма, дўстим, кета қолай,— деди куёви,— мени жуда хафа қиласан.

— Бекорчи гап, ҳозир қарта олиб банк урамиз.

— Йўқ, биродар, қартангни ўзинг уравер, мен қололмайман, хотиним жуда хафа бўлади, унга ярмарка тўғрисида гапириб беришим керак. Ростини айтсам, биродар, бориб уни хурсанд қилишим керак. Қўй, сен мени тутма!

— Эй, ўша хотинингни!.. Бирга қиладиган ўша ишларинг жуда зарур экан-да!

— Йўқ, биродар! У жуда ҳурматга сазовор ва вафодор хотин. Менга шунақа хизматлар қиладики... ишонасанми, мана кўзимга ёш келяпти. Йўқ, сенга чин виждоним билан айтаман.

— Қўй, майли кетаверсин, ундан нима фойда! — деди секингина Чичиков Ноздревга.

— Рост-а!— деди Ноздрев.— Үлгудек ёмон кўраман шунақа хотинчалиш кишиларни!— Кейин эшитдириб деди:— Хўп, кетсанг кетавер, бор, ўша хотининг билан қучоқлашиб ёт, ҳезалак!

— Йўқ, биродар, мени ҳезалак деб сўкма,— деди унга куёви,— мен уни жонимдан ортиқ кўраман. Шундай дилбар, латофатли, шундай эркалайдики... кўзингдан ёшингни чиқариб юборади; ярмаркада нималарни кўрдинг, деб сўрайди, ҳаммасини айтиб беришим керак; рост, шунақа дилбар аёл.

— Хўп жўна, бориб хотинингга ёлғон-яшиқлардан гапириб бер! Ол, мана шапканг.

— Йўқ, биродар, унинг тўғрисида бунақа гапларни сира гапирмаслигинг керак, айтиш мумкинки, сен бу билан мени хафа қиласан, у жуда дилбар хотин.

— Хўп, жўна тезроқ ўша дилбарингнинг олдига!

— Хайр, биродар, жўнайман, қолмаганим учун кечирасан. Жоним билан қолар эдим, лекин иложим йўқ.

Куёв аллақачон бричкага миниб, дарвозадан чиққанини ва бўмбўш дала бўйлаб кетаётганини сезмай, ҳали ҳам нуқул кечирасан, кечирасан, деб такрорлаб бормоқда эди. Айтиш мумкинки, хотини ҳам ярмарка тўғрисида унча кўп тафсилотларни эшитмаган бўлса керак.

— Эй, аблаҳ!— деди Ноздрев, жўнаб кетаётган аравага дераздан қараб туриб.— Қўлдан чиқиб кетди-я! Ён томондаги от чаккимас, кўпдан бери уни қўлга туширмоқчи бўлиб юрган эдим. Уни ҳеч гапга кўндириб бўлмайди. Ҳезалак-да, ҳезалак!

Шундан кейин улар уйга киришди. Порфирий шам келтириб қўйди, шу вақт Чичиков Ноздревнинг қўлида аллақадан пайдо бўлган бир даста қартани кўриб қолди.

— Хўш, биродар,— дея Ноздрев қўлидаги қартани бармоқлари билан қисиб сал букиб юборган эди, қарта ўралган қоғоз йиртилди-да, учиб кетди.— Зерикмай вақт ўтказиш учун уч юз сўм банк қўяман.

Чичиков ўзини эшитмаганга солди, кейин бирдан ёдига бир гап келгандай деди:

— Ҳа, айтгандай! Эсимда борида айтиб қўяй: сенга бир илтимос бор.

— Қандай илтимос?

— Бажараман деб аввал сўз берсанг.

- Ахир ўзи қандай илтимос?
- Аввал сўз бер!
- Майли, сўз бердим.
- Чин сўзми?
- Чин сўз.
- Илтимосим мана бундай: сенда ўлиб кетган ва лекин ўлпон рўйхатидан ҳали ўчирилмаган деҳқонлар кўп бўлса керак?
- Ҳа, бор, нима эди?
- Ўшаларни менга, яъни менинг номимга ўтказ.
- Хўш, нимага керак сенга улар?
- Шунчаки керак-да.
- Хўш, нимага?
- Керак-да, ахир. . . Бу ёғи менинг ишим, хуллас, керак.
- Сенинг бирон балонг борга ўхшайди, очиқ айт, нима?
- Нима балом бўларди? Бунақа тағи-туби йўқ нарсадан ҳеч бало қилиш мумкин эмас.
- Бўлмаса сенга нимага керак улар?
- Оҳ, мунча синчковсан! Уч пулга арзимайдиган нарсани қўлинг билан ушлаб, яна ҳидлаб кўргинг келади-я!
- Ахир нега сабабини айтгинг келмайди?
- Сенга нима фойдаси бор? Шунчаки миямга бир хаёл келди-да.
- Бўлмаса, то сабабини айтмагунингча ваъдамни бажармайман!
- Мана бу ишинг энди тирриқлик: ваъдани беришга бериб қўйиб, энди орқага тисланяпсан.
- Нима десанг деявер, то нимага кераклигини айтмагунингча, мен ваъдамни бажармайман.
- «Нима десам экан унга?» деб ўйлади Чичиков ва бир оз фикр қилгандан кейин, ўлик жонлар менга жамоат ичида обрў-эътибор ортдириб олиш учун керак, менинг катта ер-мулким йўқ, то катта ер-мулк эгаси бўлгунимча, қарамоғимда унча-мунча жон бўлса девдим, деди.
- Гапинг ёлғон, ёлғон!— деди Ноздрев унга сўзини тамомлагани кўймай.— Елғон айтяпсан, биродар!
- Чичиков топган важи унча ўринли эмаслигини ва далили анча пуч эканини ўзи ҳам пайқаб қолди.
- Бўлмаса, мен сенга тўппа-тўғрисини айтиб қўя қолай,— деди у сўзини тўғриламоқчи бўлиб,— илтимос, зинҳор бировга оғзинг.

дан чиқарма. Мен уйланмоқчиман; лекин мен сенга айтсам, келин бўладиган қизнинг ота-онаси жуда димоғдор кишилар. Тўғриси, жуда мушкул аҳволга тушиб қолдим, ўшаларга ишим тушганига минг пушаймонман; улар: куёв бўладиган кишининг камида уч юз жони бўлсин, дейишяпти, менга эса роща-роса юз эллик деҳқон етмайди.

— Ёлғон гапирдинг, ёлғон,— деб қичқирди яна Ноздрев.

— Аммо энди мана шунча ҳам ёлғон гапирганим йўқ,— деди Чичиков, бош бармоғи билан чинчалоғининг учгинасини кўрсатиб.

— Калламни бераман, ёлғон гапиряпсан!

— Энди бу гап менга қаттиқ ботди! Сендан тил қисиглик жойим борми? Нега мен доим ёлғон гапирар эканман?

— Ахир сени биламан-да, сен қип-қизил товламачисан, буни сенга дўстларча айтяпман! Агар мен сенинг бошлиғинг бўлганимда, дуч келган дарахтга оёғингдан осар эдим.

Чичиков бу гапга жуда хафа бўлди. У ўз шаънига айтиладиган қиттак кўрс ёки ҳақоратомуз сўздан қаттиқ ранжир эди. Мартабаси, улуғроқ бирон шахс унга бетакаллуф муомала қилса майли-я, аммо бошқа ҳеч бир кишига у ўзи билан бетакаллуф муомала қилишга асло йўл қўймасди. Шунинг учун ҳам ҳозир унинг жуда қаттиқ жаҳли чиққан эди.

— Азбаройи худо, осар эдим,— деди яна такрорлаб Ноздрев,— сенга буни очиқ айтяпман, лекин сени хафа қилиш учун эмас, шунчаки дўстларча айтяпман.

— Ҳар нарсанинг чегараси бор,— деди Чичиков ўзини сипоҳ тутиб.— Агар шунақа гапларни гапиришга тилинг қичиётган бўлса, казармага бор,— сўнгра яна қўшиб қўйди:— Текинга бермайдиган бўлсанг, сот!

— Сот! Аммо сени биламан, сен муттаҳамсан, ахир, улар учун тузукроқ ҳақ бермайсан-да?

— Аммо сен ҳам чакана эмассан! Гапингни қара-ю! Нима, уларнинг бриллиантданми?

— Ана, айтганим келди-ку. Сени билардим-да.

— Менга қара, биродар, бунақа жуҳудча қилиқни қўй! Сен уларни менга шундоқ беришинг керак эди.

— Хўп, гапимга қулоқ сол, зиқна одам эмаслигимни исботлаш учун сендан бир чақа ҳам олмайман. Айғиримни сотиб ола қол, сийловига ўшаларни қўшиб бераман.

— Айғирни нима қиламан?— деди Чичиков унинг бундай такли-  
фига ҳайрон бўлиб.

— Нима қиламан дейсанми? Уни ўн мингга олганман, сенга эса  
тўрт мингга бераман.

— Ахир айғирни нима қиламан? Менинг от заводим йўқ.

— Гапга қулоқ сол, сен тушунмаяпсан: ҳозирча сендан уч минг  
оламан, холос, қолган бир мингини кейинроқ тўласанг ҳам майли.

— Менга айғир керак эмас дедим-ку, қўйсанг-чи ўша айғирингни!

— Бўлмаса, саман биямни сотиб ол.

— Бия ҳам керак эмас.

— Бия билан ҳали сенга кўрсатган бўз отимга икки минг бера  
қол.

— Менга отлар керак эмас, ахир.

— Уларни сотасан-да, ярмаркага олиб борган заҳотинг уларга уч  
баравар ортиқ ҳақ тўлашади.

— Уч баравар ортиқ ҳақ тўлайдиган бўлса, яхшиси ўзинг олиб  
бориб сота қол, фойда қиласан.

— Фойда қилишимни биламан-а, сен ҳам фойда кўр дейман-да.

Чичиков бу меҳрибонлик учун миннатдорчилик билдириб, бўз  
отдан ҳам, саман биядан ҳам қатъиян воз кечди.

— Бўлмаса итлардан сотиб ол. Сенга бир жуфт шунақа ит сота-  
манки, кўрсанг баданинг жимирлаб кетади! Лунжлари осилган, мўй-  
ловдор, юнглари тикандек бўлиб туради. Қобирғаларининг майиш-  
ганлигини кўрсанг ҳайрон қоласан; югурганда тўрт оёғи гуж бўлиб,  
асло ерга тегмайди.

— Итларни нима қиламан? Мен овчи эмасман.

— Шунчаки сен ҳам итлик бўл дейман-да. Менга қара, агар ит-  
лардан олишни истамасанг, шарманкамни ола қол, ажойиб шарман-  
ка-да; ростимни айтсам, ўзимга бир ярим мингга тушди; майли, сенга  
тўққиз юз сўмга бераман.

— Шарманкани нима қиламан? Немис эмасманки, уни кўча-кўй-  
да чалиб юриб, пул йиғсам.

— Бу немислар чалиб юрадиган шарманкадан эмас. Органнинг  
ўзгинаси; бир қараб кўргин: бутун қизил ёғочдан ясалган. Ҳозир уни  
сенга яна бир кўрсатаман!— Шундай деб Ноздрев Чичиковнинг қўли-  
дан ушлаб иккинчи хонага торта бошлади; Чичиков оёғини полга ти-

раб, ҳарчанд орқага чиганса ҳам, қанақа шарманка эканини биламан деб туриб олса ҳам барибир бўлмади, ниҳоят, Мальбругнинг қандай қилиб жангга кетганини яна бир марта эшитишга мажбур бўлди.— Агар пулга сотиб олишни истамасанг, бошқа йўлини қиламиз, мана қулоқ сол: мен шарманкамни ва қанчаики ўлик жонларим



бўлса ҳаммасини сенга бераман, сен менга бричкангни ва устига қўшиб уч юз сўм-пул бера қол.

— Хўп гапни гапирдинг-да, ахир ўзим нимада кетаман?

— Мен сенга бошқа бричка бераман. Қани юр, бостирмага бо-райлик, уни сенга кўрсатаман. Фақат бўяб олсанг бас, ажойиб бричка бўлади.

«Эй, чакагингдан олгур!» деди ичида Чичиков ва бу бричка-ю, шарманкалардан, қовирғаларининг майишганлиги кишини ҳайрон қолдиришига, оёқларини ғуж қилиб югуришига қарамай, бу ҳар хил итларнинг ҳаммасидан бир илож топиб тезроқ қутулишга аҳд қилди.

— Менга қара, бричка, шарманка ва ўлик жонлар, ҳаммасини бирга-я!

— Керак эмас,— деди яна бир марта Чичиков.

— Нега керак эмас дейсан?

— Шунинг учунки, керак эмас, вассалом!

— Сен, тўгриси, бўлмағур одам экансан! Қараб турсам, сен билан яхши дўстларча ва ўртоқларча бир иш чиқариш қийин экан, тўгриси шу!.. Энди билсам, икки юзлама киши экансан!

— Мен нима, аҳмоқманми? Ўзинг ўйлаб кўр: менга мутлақо керак бўлмаган нарсани сотиб олиб нима қиламан?

— Қўй энди, гапирма. Энди сени жуда яхши билиб олдим. Тўгриси, жуда ярамас одам экансан! Хўп, бўлмаса, банк ўйнаймизми? Ҳамма ўлган жонларимни қартага тикаман, шарманкамни ҳам.

— Банк ўйнаш — таваккал иш деган сўз,— деди Чичиков ва шу аснода Ноздревнинг қўлидаги қарталарга кўз қири билан қараб қўйди. Қарталарнинг икки биқини унга худди ясамадек кўринди, орқа томони ҳам жуда шубҳали эди.

— Нега таваккал иш бўлади?— деди Ноздрев.— Ҳеч қандай таваккали йўқ! Омадинг келса, бутун дунёни ютиб оласан. Бахт деган ана шунақа бўлади! Ё бахт! — деди у Чичиковнинг ҳавасини келтириш учун қартани чийлаб. — Ё бахт! Ё бахт! Мана бунинг чиқишига қара! Мана тагин ўша лаънати тўққизлик чиқди; ҳаммасини шу қурғур тўққизликка тиккан эдим! Унинг хоинлик қилишини сезиб, кўзимни чирт юмиб ичимда: «Жин урсин сени, хоинлик қилавер, лаънати!» деб ўйлаган эдим.

Ноздрев гапириб турганда, Порфирий бир шиша ароқ олиб келди. Бироқ, Чичиков қарта ўйнашдан ҳам, ароқ ичишдан ҳам қатъиян бош тортди.

— Хўш, нега ўйнамайсан?— деди Ноздрев.

— Чунки хоҳишим йўқ. Тўғриси айтсам, мен қартага асло ишқибоз эмасман.

— Хўш, нега ишқибоз эмассан?

Чичиков елкасини қисиб деди:

— Чунки ишқибоз эмасман.

— Ярамас одамсан!

— Нима қилай? Худо шундай қилиб яратган.

— Ҳезалаксан-да! Илгари сени унча-мунча одамшаванда киши деб юрар эдим, сен бўлсанг ҳеч қандай муомалага тушунмас экансан. Сен билан яқин кишидек гаплашиб бўлмас экан. Бундай бир юрагингни очиб гапирмайсан, самимийлик йўқ! Худди Собакевичнинг ўзгинаси, ўшанга ўхшаган аблаҳ экансан.

— Хўш, нега мени ҳақорат қиляпсан? Нима, қарта ўйнамаганим учун айбдор бўлдимми? Сен ҳимматли одам бўлсанг, ўша ўлик жонларнинг ёлғиз ўзини сот менга, шу арзимас нарсага мунча қалтирамасанг!

— Шайтоннинг пўстатини оласан! Бермоқчи эдим, текинга бермоқчи эдим, энди олиб бўпсан! Энди уч подшоликнинг хазинасини берсанг ҳам сотмайман! Пасткаш, расво одам экансан! Бўлди, бундан кейин сен билан нон-қатиқ бўлишни йиғиштираман. Порфирий, бориб



отбоқарга айт, унинг отларига сули бермасин, қуруқ пичан бера-  
версин.

Чичиков натижа бундай бўлишини асло кутмаган эди.

— Ростини айтсам, кўзимга кўринмасанг яхши бўларди!— деди Ноздрев.

Бироқ, орада гап қочган бўлишига қарамай, меҳмон билан мезбон бирга ўтириб кечки овқат қилишди, лекин энди стол устида номлари галати винолар йўқ, фақат тилни буриштириб юборадиган бир шиша қандайдир ғўроб турган эди. Овқатдан кейин Ноздрев Чичиковни ўрин солиб қўйилган ёндаги хонага олиб кириб:

— Мана ётадиган ўрнинг! Хайрли кеч дейишни ҳам истамайман сенга!— деди.

Ноздрев чиқиб кетгач, Чичиков ниҳоятда кайфи бузилган ҳолатда қолди. У ич-ичидан ачинди, нега буниқига келиб, вақтимни бекорга ўтказдим, деб ўзини койиди. Айниқса ўлик жонлар тўғрисида у билан сўзлашиб, эҳтиётсизлик қилгани, болаларча, аҳмоқларча иш қилгани учун ўзини янада кўпроқ койиди; чунки бу асло Ноздревга ишониб айтиладиган гап эмас эди. . . Ноздрев ярамас киши, у ёлғон-яшиқларни қўшиб-чатиб, аллақандай гапларни тарқатиши мумкин, бунинг устига тагин ҳар хил миш-мишлар қўшилиб кетади — яхши бўлмади, яхши бўлмади. «Қип-қизил аҳмоқман!» деди у ўзига-ўзи. Кечаси жуда ёмон ухлади. Қандайдир майда, тиниб-тинчимайдиган ҳашаротлар жизиллатиб чақаверганидан у баданини қирт-қирт қашилаб: «Э, Ноздрев билан бирга қирилиб кетгурлар!» деярд эди. У жуда эрта уйғонди. Энг аввал халатини ва этигини кийди-да, ҳовлидан ўтиб отхонага борди ва Селифанга дарҳол бричкани қўшишни буюрди. Яна ҳовлидан ўтиб келаётганда, Ноздревга дуч келди; Ноздрев ҳам халат кийиб трубкасини оғзига қистириб олган эди.

Ноздрев унга дўстларча салом берди ва қандай ётиб турганини сўради.

— Ёмон эмас,— деб жавоб берди Чичиков энсаси қотиб.

— Мен бўлсам, биродар,— деди Ноздрев,— кечаси билан алланима бало тушлар кўриб чиқдим, айтсам ваҳминг келади; кечаги ичкиликдан кейин оғзимда худди бир эскадрон тунагандай бўлди. Тушимга нима кирибди дегин: мени роса калтаклашибдики, асти қўявер! Яна

ким дегин? Етти ухлаб тушингга кирмайди: штабс-ротмистр Поцелуев билан Қувшинников калтаклашибди.

«Ҳа,— деди ичида Чичиков— тушингда эмас, ўнгингда дўппослашса яхши бўлар эди».

— Азбаройи худо! Баданим бирам жизиллаб оғридики! Уйғонсам, ростакам баданим қичишяпти, қарасам: лаънати бургалар талаб ётган экан. Хўп, энди бориб кийин, ҳозир мен ҳам келаман. Бу аблаҳ приказчикни бир сўкиб қўймасам бўлмайди.

Чичиков ювиниб, кийингани кетди. Ювиниб, кийиниб бўлгач, столовойга кирганда, стол устида чой идишлари ва бир шиша ром турган экан. Хонада кечаги обед ва ужиндан қолган нарсалар ивирсиб ётарди; ерга мутлақо супурги тегмаган эди. Полда нон ушоқлари сочилиб ётарди, ҳатто дастурхон устида тамаки куллари ҳам бор эди. Тездан уй эгаси ҳам кириб келди, унинг эгнида халатдан бошқа кийими йўқ, фақат жун босган очиқ кўкраги кўриниб турар эди. У бир қўлида трубкасини тутиб, чашкадан хўплаб чой ичарди; шу туришида у сартарошхоналарнинг вивискаларидаги суратларда соч-соқоли силлиқ қилиб таралган ёки сочлари жингалак қилиб қўйилган жанобларни ёмон кўрувчи рассомларга жуда ёқиб тушар эди.

— Хўш, энди фикринг қалай?— деди Ноздрев бир оз жим тургандан кейин.— Улик жонлардан қимор ўйнамайсанми?

— Мен сенга айтдим-ку, биродар, ўйнамайман деб; агар сотсанг, оламан.

— Йўқ, сотмайман, бу ошна-оғайнигарчиликка тўғри келмайди. Мен бўлар-бўлмас нарсадан фойда оладиган киши эмасман. Банк ўйнаш — бошқа гап, ҳеч бўлмаса, бир қўл ўйнайлик!

— Айтдим-ку, ўйнамайман деб.

— Алишишга ҳам йўқ дейсанми?

— Йўқ.

— Кел, бўлмаса, дамка ўйнаймиз! Ютсанг — ҳаммаси сеники. Менда ўлпон рўйхатидан ўчирилиши керак бўлган ўлик жонлар жуда кўп. Ҳой, Порфирий, дамкани олиб кел!

— Овора бўлма, ўйнамайман.

— Бу қимор эмас-ку, ахир; бунда омад ҳам бўлмайди, фирромлик ҳам; ҳаммаси усталикка боғлиқ. Сенга олдиндан айтиб қўя қолай: мен мутлақо ўйнашни билмайман; менга жанда берасан.



«Майли,— деди Чичиков ичида,— у билан дамка ўйнайман! Дамкани ёмон ўйнамас эдим. Энди у менга бас келолмайди».

— Хўп, айтганинг бўла қолсин, дамка ўйнаймиз.

— Улик жонларга юз сўмдан қўясан! *100 сўм*

— Нега энди? Эллик сўм ҳам бўлади.

— Йўқ, эллик сўм ҳам пулми? Эллик сўм пулга яхшиси ўртача бир кучук ёки соат занжирига тақиладиган кичкинагина олтин муҳр тикаман.

— Хўп, майли! — деди Чичиков.

— Жандасига нима берасан? — деди Ноздрев.

— Бу нима деганинг? Албатта, ҳеч нима.

— Ҳеч бўлмаса мен олдин икки марта юраман.

— Йўқ, бўлмайди, мен ҳам ёмон ўйнайман.

— Биламиз сизнинг қанақа ёмон ўйнашингизни! — деди Ноздрев дона суриб.

— Кўпдан бери қўлимга дамка олмаган эдим! — деди Чичиков ҳам дона суриб.

— Биламиз сизнинг қанақа ёмон ўйнашингизни!— деди Ноздрев дона суриб.

— Кўпдан бери қўлимга дамка олмаган эдим!— деди Чичиков ҳам дона суриб.

— Биламиз сизнинг қанақа ёмон ўйнашингизни!— деди Ноздрев яна дона суриб ва худди шу вақтда енг учи билан яна бир дамкани суриб қўйди.

— Кўпдан бери қўлимга...э, э! Бу нимаси, биродар? Дарров ўрнига қўй уни!— деди Чичиков.

— Нимани?

— Дамкани-да! — деди Чичиков ва шу пайт худди кўз олдида яна бир дамкани кўриб қолди, у дамкага чиқай деб қолган эди; унинг бу ерга қандай келиб қолганини фақат худонинг ўзи биларди.— Йўқ,— деди Чичиков ўрнидан туриб,— сен билан ўйнаб бўлмас экан. Ҳеч замонда уч дамкани бирдан юриладими!

— Қани учта юрганам? Бу янглиш бўпти. Биттаси бехосдан сурилиб қолибди. Хўп, мен ўрнига қўяман.

— Хўш, униси қаердан келди?

— Қайсиси?

— Мана бу дамкага чиқаётгани?

— Ана холос, дарров эсингдан чиқибди-да!

— Йўқ, биродар, неча марта юрганимизни санаб турибман, ҳаммаси эсимда; сен уни ҳозир тўғрилаб қўйибсан. Унинг ўрни мана бу ерда!

— Нима, қаерда?— деди Ноздрев қизариб,— сен, биродар, қараб гурсам, ишкалчига ўхшайсан!

— Йўқ, биродар, ўзинг ишкалчига ўхшайсан, лекин дўндирилмадинг.

— Хўш, сен мени ким деб ўйлаяпсан? — деди Ноздрев.— Хўш, мен ғирромлик қиладиган одам бўлдимми?

— Мен сени ҳеч ким деб ўйламайман, фақат ҳозирдан бошлаб сен билан ҳеч ўйнамайман.

— Йўқ, энди бўйин товлай олмайсан,— деди Ноздрев қизишиб,— ўйин бошлаб қўйилган.

— Бўйин товлашга ҳақим бор, чунки сен ҳалол ўйнамайсан.

— Йўқ, гапинг ёлғон, сен бу сўзингни исбот қилолмайсан!



— Йўқ, биродар, сенинг гапинг ёлғон!

— Мен фирромлик қилганим йўқ, сен бўйин товлай олмайсан, бошлаган ўйинни тамом қилишинг керак!

— Сен мени мажбур қилолмайсан,—деди Чичиков вазминлик билан ва тахта устидаги дамкаларни аралаштириб юборди.

Ноздрев туюқиб кетиб, Чичиковнинг олдига яқин борган эди, Чичиков икки қадам орқага тисланди.

— Сени ўйнашга мажбур қиламан! Дамкаларни аралаштириб юборган бўлсанг — зиёни йўқ; ҳамма юрганларимиз эсимда. Яна ҳаммасини ўрин-ўрнига қўямиз.

— Йўқ, биродар, гап тамом, энди сен билан ўйнамайман,

— Ўйнамайсанми?

— Ўзинг кўриб турибсан-ку, сен билан ўйнаш мумкин эмас.

— Йўқ, сен очигини айт, ўйнайсанми, ўйнамайсанми?— деди Ноздрев яна унга яқинроқ бориб.

— Ўйнамайман! — деди Чичиков ва ҳар эҳтимолга қарши икки қўли билан юзини пана қилди, чунки иш пачавага айлана бошлаган эди.

Чичиковнинг бундай эҳтиёткорлиги жуда ўринли бўлди, чунки Ноздрев қўлини қулочкашлаб қолди... шу пайт қаҳрамонимизнинг лўппи ва ёқимли юзларидан бирида ювиб бўлмас шармандалик доғи қолиши мумкин эди-ю, хайриятки, Чичиков зарбани қайтариб, Ноздревнинг югурик қўлларини маҳкам ушлаб олди.

Ноздрев жаҳл билан қўлларини бўшатиб олишга тиришаркан:

— Порфирий, Павлушка!— деб қичқирди.

Чичиков бундан эшитгач, хизматкорларни бундай шармандали мижарога гувоҳ қилмаслик учун, шу билан бирга Ноздревни ушлаб туришнинг фойдасизлигини пайқаб, унинг қўлларини қўйиб юборди. Шу пайт Порфирий ва унга эргашиб Павлушка кириб келди; Павлушка девдай йигит бўлиб, ёлғиз важоҳатининг ўзи кишининг ўтакасини ёрар эди.

— Хўш, бошлаган ўйинни тамом қиласанми-йўқми? — деди Ноздрев.— Очигини айт!

— Ўйинни тамом қилиш мумкин эмас,— деди Чичиков ва қайрилиб деразага қаради. Қараса, бричкаси тайёр, Селифан эса, имога маҳталдай бричкани эшик олдига ҳайдаб келишга чоғланиб турар-

ди, лекин уйдан чиқишнинг ҳеч иложи йўқ, чунки эшик олдида девдай иккита аҳмоқ хизматкор турган эди.

— Хўш, ўйинни тамом қилишни истамайсанми? — деди Ноздрев яна такрорлаб; унинг юзлари ўтдай ёнарди.

— Агар ҳалол ўйнаганингда ўйнар эдим. Лекин энди ўйнаёлмайман.

— Ҳали шунақами? Ўйнаёлмайсанми, аблаҳ! Ютқазининг билгач, ўйнаёлмас экансан-да! Уринглар буни! — деб бақирди у Порфирий билан Павлушкага қараб, жазаваси тутиб, ўзи эса қўлига гилос чубугини ушлаб олди. Чичиков бўздай оқариб кетди. У бир ни-ма демоқчи бўлди-ю, лекин товуши чиқмай, лаблари қимирлаганича қолди.

— Уринглар буни! — деб қичқирди Ноздрев қўлидаги чубуғи билан олға интилиб, гўё олиб бўлмайдиган душман қалъасига ҳужум қилаётгандай тутоқиб, терлаб-пишиб. — Уринглар буни! — деб қичқирди у яна гўё катта ҳужум чоғида бирон телба поручик ўз взводига: «Йигитлар, олға!» деб қичқиргандай баланд овоз билан; поручикнинг телба-кезик ботирлиги шу даражага етиб борадики, жанг-жадал қизи-б кетган пайтларда унинг қўлидан ушлаш тўғрисида атайин буйруқ берилади. Лекин поручик жанг қизи-б кетганини сезиб, миясида ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетади; унинг кўзига Суворов кўринади, у ўзини катта жангга уради. «Йигитлар, олға!» деб қичқиради олға интилиб; у телбаларча ҳаракати билан пухта ўйлаб тузилган умумий ҳужум планига зарар етказаётганини, булутлар билан ўпишадиган мустаҳкам қалъа деворларининг шинакларидан миллионларча милтиқларнинг оғзи чиқиб турганини, унинг кучсиз взводи яксон бўлиб кўкка совурилишини ва физиллаб учаётган машъум бир ўқ бақироқ овозини ўчирмоқчи бўлаётганини фаҳмламайди. Лекин Ноздрев ўзини телбаларча қалъага ҳужум қилаётган поручик деб ҳис этаётган бўлса-да, бу қалъа олиб бўлмайдиган қалъага асло ўхшамас эди. Аксинча, қаттиқ қўрққанидан ўтакаси ёрилишига сал қолган эди. У ўзини мудофаа қилмоқчи бўлиб олган стулни крепостной хизматкорлар унинг қўлидан юлиб олишди; шу пайт у кўзларини қисиб, на ўлик, на тирик ҳолда уй эгасининг черкасча чубугини татиб кўришга ҳозирлана бошлади, худо билсин унинг ҳоли нималар кечар эди; аммо тақдир қаҳрамонимизнинг биқинларини, елкаларини ва

бутун нозик жойларини зарбадан сақлаб қолди. Кутилмаганда бирдан жиринглаган қўнғироқ товуши, дарвозага яқинлашиб келаётган араванинг тақир-туқури ва уч от қўшилган арара тўхтаганда қизишиб кетган отларнинг пишқириб оғир нафас олиши ҳатто уйга ҳам эшитилиб қолди. Ҳамма беихтиёр деразадан қаради; ярим ҳарбийча сюртук кийган мўйловдор бир киши арарадан тушди. У даҳлизда уй эгасининг қаердалигини суриштиргач, уйга кирди: бу вақтда Чичиков қўрқибдан ҳали ўзига келмаган ва шундай аянч аҳволда эдики, ҳеч қачон одам боласи бундай аянчли аҳволга тушмаган бўлса керак.

Келган киши, қўлида чубуқ тутиб турган Ноздревга ва аянч ҳолатдан сал-пал ўзига келаётган Чичиковга таажжуб билан қараб:

— Билмоққа ижозат этинг: бу ерда жаноб Ноздрев ким? — деди.

— Аввал билмоқликка ижозат этинг: ким билан сўзлашиш шарифига муяссарман? — деди Ноздрев унга яқинроқ бориб.

— Капитан-исправник.

— Хўш, сизга нима керак?

— Сизга шу нарсани билдиргани келдимки, то ишингиз кўрилиб ҳал қилингунча, сиз суд назорати остида бўласиз.

— Бу нима бемаънилик! Қанақа иш? — деди Ноздрев.

— Маст ҳолда помешчик Максимовни чубуқ билан уриб, шахсан ҳақорат қилиш воқеасида сиз ҳам иштирок этгансиз.

— Гапингиз ёлғон! Мен помешчик Максимовни умримда кўрган эмасман!

— Муҳтарам жаноб! Ахборотингизга маълум қилиб қўяйки, мен офицерман. Сиз бундай гапларни менга эмас, хизматкорингизга айтишингиз мумкин.

Шу топда Чичиков, Ноздревнинг нима деб жавоб беришини кутмасдан тез шапкасини олди-да, секин капитан-исправникнинг орқасидан ўтиб, лип этиб эшикка чиқди, бричкасига миниб Селифанга, жонинг борича отларни ҳайда, деб буюрди.





### Бешинчи боб

**ШШШ** ундай қилиб, қаҳрамонимизнинг жон-пони чиқиб кетди. Бричка жадал югуриб бораётган ва Ноздревнинг қишлоғи аллақачон кўздан ғойиб бўлиб, далалар, сойликлар ва тепаликлар орқасида қолиб кетган бўлса-да, гўё биров уни қувиб келаётгандай, ҳамон кетига қараб-қараб қўярди. У зўрға нафас оларди; қўлини кўкрагига қўйиб кўрган эди, юраги халтадаги беданадек гуп-гуп ураётганини сизди. «Эй, қуриб кетгур, ўтакамни ёриб юборди-я!» Шу тобда у Ноздревнинг шаънига аччиқ-аччиқ сўзлар айтди; булар орасига ҳатто ёмон сўзлар ҳам қўшилиб кетди. Илож қанча? Рус кишиси, яна бунинг устига ғазаби тошиб кетган эди. Ўзиям ҳазилакам иш бўлмади-да. «Хайриятки,— деди у ичида ўзига-ўзи,— капитан-исправник келиб қолди, бўлмаса ёруғ дунёни қайтиб кўриш қаёқда эди! Бола-

чақа ортдирмай, бўлғуси болаларимга мол-давлат ва яхши ном қолдирмай, худди сув бетидаги пуфакдек номим ўчиб кетган бўларди!» Қаҳрамонимиз ўзининг бўлғуси насл-насаби тўғрисида кўп ташвиш тортар эди.

«Жуда ёмон барин экан!— деб ўйларди Селифан.— Умримда ҳали бунақа баринни кўрганам йўқ. Бунинг учун унинг юзига тупирмоқ керак эди! Сен одамга овқат бермасанг берма-ю, аммо отга овқат беришинг керак, чунки от сулини яхши кўради. Бу унинг овқати: масалан, биз овқат есак, у сули ейди, сули унинг овқати».

Отлар ҳам Ноздревдан хафадек кўринардилар: фақат жийрон билан Маслаҳатчигина эмас, ҳатто чавқар ҳам хомуш эди. Тўғри, ҳар сафар унинг ҳиссасига емнинг ёмонроғи тушар, Селифан ҳам: «Эй, ҳаром ўлгур!» демасдан унинг охурига ем солмас эди; аммо ҳар ҳолда бу қуруқ ўт эмас, ем эди; у емни маза қилиб еяр ва кўпинча, айниқса Селифан отхонада бўлмаган пайтларда, узун тумшугини шерикларининг охурига тикиб, уларга берилган емнинг мазасини татиб кўрарди, энди эса қуруқ пичан. . . яхши эмас; ҳамма норози эди.

Лекин тез орада бу ҳасрат-надоматлар энди авжига чиқаётган чоқда, тўсатдан ва кутилмаган бир ҳолда узилди. Олтита от қўшилган бир коляска уларнинг устига бостириб желиб, коляскада ўтирган хонимларнинг қий-чуви ва бегона кучернинг: «Эй, муттаҳам, сенга: ўнгга бурил, қарға, деб қичқирдим-ку, ахир! Мастмисан ўзинг?» деган сўкишлари ва ҳақоратлари худди бошлари устида эшитилгандagina ҳаммаси, ҳатто кучернинг ўзи ҳам кўзини очиб ўзига келди. Селифан чакки иш қилиб қўйганини сезди. Лекин рус кишиси бошқа киши олдида ўз айбига иқрор бўлишни ёмон кўрганлигидан, Селифан ҳам дарҳол жеккайиб бақира кетди: «Сен нимадан қуруқ қолдинг; орқа-ўнгингга қарамай от чоптирасан? Еки кўзларингни қовоқхонада гаровга қўйиб келдингми?» Шундай деб у отларини орқага тислаб, олдидаги колясканинг қайишларидан ажратмоқчи бўлди, лекин ажратиш қаёқда, ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетган эди. Чавқар от икки ёнида пайдо бўлиб қолган янги ошналарини қизиқсиниб ҳидлай бошлади. Коляскадаги хонимлар эса кўзларини бақрайтириб бу ишларга ваҳима билан қараб ўтирардилар. Улардан бири кампир, иккинчиси эса ўн олти ёшлар чамасидаги ёшгина, дўндиққина бир қиз эди, унинг кичкина бошида олтиндай товланиб турган сочлари жуда



бежирим ва чиройли қилиб тараб қўйилган эди. Унинг юзлари арчилган тухумдай силлиқ, дўмбоқ ва худди тухумдай шаффоф эди. Янгигина туғилган тухумни омборчи хотин қорамтир қўлида ушлаб ёруққа тутиб қараганда, қуёш нурлари ичида тухум қандай кўринса, қизнинг юзлари ҳам шундай ялтираб кўринарди; иссиқ шуълада нозик қулоқлари ҳам қизариб турарди. Қўрққанидан оғзи очилиб, кўзларига жиққа ёш тўлиб туриши, бу қизда шундай малоҳат ва гўзаллик касб этган эдики, бизнинг қаҳрамонимиз отлар билан кучерлар орасида бўлаётган можарога ҳеч парво қилмай, бир неча дақиқа унга тикилиб қолди. Бегона кучер: «Ҳой, Нижегород қарғаси, отларни орқага тисласангчи!» деб бақирар эди. Селифан жиловни тортди, бегона кучер ҳам жиловни тортди, отлар бир оз орқага тисланди-ю, сўнг-ра яна ён қайишлари бир-бирига чалкашиб, қўшилиб кетди. Шу топда чавқар отга янги танишлар шу қадар ёқиб қолдики, тақдирнинг қудрати билан тушиб қолган бу ўрnidан асло чиққиси келмади, у тумшуғини янги ошнасининг бўйнига қўйиб олиб, унинг қулоғига алланимларни, чамаси кўп бемаъни гапларни пичирлагандай бўлди шекилли, янги ошнаси тинмай қулоқларини силкитарди.

Яхшиямки, шу яқин ўртадаги қишлоқ мужиклари бу ғала-говурга етиб келишди. Мужик учун бундай томоша, немис учун газета ёки клуб сингари катта ҳангома эди, шунинг учун ҳам бир зумда арвалар теварагини сон-саноқсиз мужиклар ўраб олишди, қишлоқда



эса қари кампирлар билан майда болалар қолишди. Отларнинг ён қайишлари ечиб ташланди; чавкарнинг тумшуғига тушган бир неча мушт уни орқага тисарилишга мажбур қилди; хуллас, уларни ажратиб олишди. Нариги коляскага қўшилган отлар янги ошналаридан ажратилганларига хафа бўлганлариданми ёки шунчаки бетамизликлариданми, ҳайтовур кучер уларни қанча қамчиласа ҳам, турган жойларидан асло қимирламас эдилар. Мужиклар бу ишда зўр ҳафсала кўрсатдилар. Улар бир-бирининг сўзини бўлиб, ҳар қайсиси ўзича маслаҳат берар ва: «Бор, Андрюша, ўнг ёндан қўшилган отни ушлаб торт, Митяй амаки ўртага қўшилган отни миниб олсин! Митяй амаки, миниб ол!» деяр эди. Сарик соқол, қотма ва узун бўйли Митяй амаки ўртага қўшилган отга миниб олди, шу туришида у қишлоқ бутхонасининг жом чаладиган минорасига ёки, тўғриси, қудуқдан сув тортадиган қовғага ўхшар эди. Кучер отларни қамчилади, лекин отлар жойидан қимирламади, Митяй амакининг кўмагидан ҳам натижа чиқмади. «Тўхта, тўхта — деб қичқиришди мужиклар.—Митяй амаки, сен ёндан қўшилган отга мин, ўртага қўшилган отга Миняй амаки минсин!» Миняй амаки чорпахил, соқоли кўмирдек қоп-қора, қорни катта бир мужик эди, унинг қорни бутун бозорнинг совқотган халойиқи учун бол шарвати қайнатиб қўйиладиган улкан самоварга ўхшарди; у дарров бориб ўртага қўшилган отга минди, оғирлигидан отнинг бели майишиб, қорни ерга тегишига оз қолди. «Энди иш юришиб кетади! — деб қичқиришарди мужиклар.—Ур уни, ур шартил-

латиб! Анав дев чивиндек оёқларини кериб турган саман қашқани қамчила!» Лекин бу савалаш-у, қамчилашлардан ҳеч нима чиқмаганини кўргач, Митяй амаки билан Миняй амаки ўртага қўшилган отга мингашиб олишди, ёндан қўшилган отга эса Андриюшани миндирдилар. Охири тоқати тоқ бўлган кучер Митяй амакини ҳам, Миняй амакини ҳам ҳайдаб юборди ва жуда яхши иш қилди, чунки отлар чунон терга ботиб кетдики, худди дам олмай юз чақиримлик йўл босгандай эди. Кучер отларга бирпас дам берди, шундан кейин улар ўзлари юриб кетишди. Бутун бу ҳангама вақтида Чичиков ёшгина қиздан кўз узмай тикилиб турди. У билан сўзлашишга бир неча бор чоғланди, лекин негадир сўзлашиш мумкин бўлмади. Шу аснода хонимлар жўнаб кетишди, сочлари чиройли, соҳибжамол, хипча бел қиз ҳам хаёлдай ғойиб бўлди; яна ўша йўл, ўша бричка, китобхонларга таниш ўша уч от, ўша Селифан, Чичиков, яланг ва бўш далалар қолди. Ҳамма ерда, ҳаётнинг ҳар бир соҳасида, хоҳ дағал-йўқсил ва иркит-исқирт қуйи табақалари орасида бўлсин, хоҳ бир хилда созуқ ва зериктирувчи бетамиз юқори тонфалар орасида бўлсин, ҳамма ерда лоақал бир мартагина бўлса-да, одам ўз йўлида шундай бир ҳодисага дуч келадик, бу илгари кўрган ҳодисаларининг биттасига ҳам ўхшамайди, шу ҳодиса унда лоақал бир мартагина бўлса-да, шундай бир ҳиссиёт уйғотадики, бу унинг бутун умр бўйи кечирган ҳиссиётига сира ўхшамайди. Ҳамма жойда ҳаётимизни чирмаб олган ҳар қандай ғам-ғуссаларга қарамай, баъзан ялт этиб қувончли ҳоллар ҳам ўтиб кетади: бу бамисоли қишлоқ аравасидан бошқа ҳеч нарсани кўрмаган, хилватдаги қашшоқ бир қишлоқ ёнидан баъзан эгар-жабдуқлари тилладан ясалган, отлари гижинглаган, ойналари ялтираб турган гумбур коляска тўсатдан елдай югуриб ўтганга ўхшайди, ажойиб коляска аллақачон елдирымдай учиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлиб кетган бўлса-да, мужиклар ҳамон шапкаларини киймасдан, оғизларини очганча анграйиб қараб турадилар. Бояги оқ юз, олтин соч қиз ҳам қиссамизда тўсатдан бир кўринди-ю, яна бирдан ғойиб бўлди. Ўша пайт Чичиковнинг ўрнида йигирма ёшли бир йигит, чунончи, ё гусар, ё студент, ёки ҳаётга эндигина қадам қўйган бир ўспирин бўлганда,— ё раббий! Унинг қалбида нималар уйғонмас, у нималарни ҳис қилмас эди! У ақл-ҳушини йўқотиб, йўлни ҳам, кечиккани учун оладиган танбиҳ ва жазоларни ҳам, ўзини ҳам, хизматини ҳам, бутун-

дунёни ва дунёда бор нарсаларни ҳам унутиб, бир жойда қаққайиб, анчагача узоқларга бақрайиб қараб тураверарди.

Лекин бизнинг қаҳрамонимиз ўрта ёшли, эҳтиёткор, ўзини тутиб олган киши эди. У ҳам фикр қилиб, ўйлаб кетди, лекин беҳуда нарсаларни эмас, балки маъқул нарсаларни ўйлаб кетди ва қисман унинг фикрлари жуда асосли эди. «Жуда яхши қиз экан!— деди у бурнакидонини очиб ва бурнига бурнаки тортиб.— Хўш, унинг энг яхши томони нима? Яхши томони шуки, бу қиз, афтидан, ҳозиргина бирон пансиондан ёки институтдан чиққан, унда ҳали хотинлар қилиғи, яъни хотинларга хос хунук қилиқлар йўқ. У ҳозир ёш боладай, ҳамма иши содда, фикрига келган гапни айтади, истаган вақтида кулади. Уни ҳар нима қилса бўлади, у ажойиб қиз бўлиши ҳам мумкин, энг ярамас махлуқ бўлиши ҳам мумкин ва шундай ярамас махлуқ бўлади ҳам! Мана энди унга онаси-ю, амма-холалари насиҳат қила бошлаганда кўрасиз. Бир йил ичида унга хотинлар қилиғини шундай ўргатиб қўядиларки, ҳатто ўз отаси ҳам уни танимай қолади. У димоғдор, такаббур, қоида-пардоз бўлади; ёллаб олган панд-насиҳатларга қараб иш тутади, ким билан қай тарзда, қанча сўзлашиш, кимга қандай қараш кераклиги устида бош қотиради, керагидан ошиқча сўзлаб қўймай тагин, деб ҳар минутда қўрқиб-қўрқиб туради, ниҳоят, ўзи ҳам чалғиб, умри бўйи ёлғон гапирадиган бўлиб қолади ва кейин ким билсин, ундан нима келиб чиқади!» Шу ерда Чичиков бир оз жим қолди-да, сўнгра яна қўшимча қилди: «Қимнинг қизи бўлдийкин у? Отаси ким экан? Обрў-эътиборли бой помешчикми ёки хизматда мол-давлат ортдирган тadbирли бир кишими? Борди-ю, деяйлик, бу қизга икки юз минг сўмлик сеп берилса, ундан жуда, жуда ширин луқма чиқарди-я, бу эса, сирасини айтганда, одамшаванда бир кишига бахт-саодат келтирган бўлар эди». Икки юз минг сўм унинг мясида шундай жозоба билан гавдаландики, у ҳали от-аравалар бир-бирига чалкашиб қолган вақтда нега жиловдор ёки кучердан йўловчи хонимларнинг кимлигини суриштириб билмадим, деб



ичидан ўзини койиб кетди. Лекин шу орада кўзга ташланган Собакевич қишлоғи унинг хаёлини тарқатиб юборди ва Чичиковнинг фикри яна ўзининг асл муддаоси билан банд бўлди.

Қишлоқ унга хийли катта кўринди; қишлоқнинг ўнг ва сўл томонида бири қорамтир, иккинчиси оқиш икки қанотга ўхшаб кўринган қайинзор билан қарағайзор бор эди; ўрталикда томи қизил ва деворлари тўқ кул ранг, тўғриси, кўримсиз, болохонали ёғоч уй бор эди; бу уй бизда ҳарбийлар истиқомат қилиши ёки немис колонистлари учун солинган уйларга ўхшарди. Уйни қураётганда меъмор уй эгасининг дидига қарши тинмай кураш олиб борганлиги кўриниб турарди. Меъмор нозик табиат бўлиб, уйни чиройли, шинам қилиб қурмоқчи бўлган, уй эгаси эса қулайликни кўзлаган; шу сабабдан уйнинг бир томонида ўзига муносиб бўлиб тушган ҳамма деразаларга тахта қоқтириб ташлаган, уларнинг ўрнига кичик дарча очдирган, бу дарча ҳам, чамаси, қоронғи қазноққа ёруғ тушиб турсин, деб қилинган бўлса керак. Архитектор ҳарчанд жонбозлик қилса ҳам пештоқ ўрталikka тушмаган, чунки уй эгаси ён томондаги бир устунни бузиб ташлашни буюрган, натижада аввал режалаштирилган тўрт устун ўрнига уч устун қолган. Қўрган ҳаддан ташқари йўғон ва мустаҳкам ёғоч панжаралар билан ўраб олинган. Чамаси, помещчик ҳамма нарсанинг маҳкам ва пишиқ бўлиши учун жон куйдирган. Отхона, бостирма ва ошхонага асрлаб туришга мўлжалланган бақувват ва йўғон ғўлалар ишлатилган. Мужикларнинг уйлари ҳам ажойиб-ғаройиб қилиб солинган: ёғочлари йўнилмаган, ҳар хил ўйма безаклари ва панжара гулчинлари йўқ, ҳамма томони жуда мустаҳкам ва кўнгилда-



гидек зич эди. Хатто қудуқ ҳам йўғон ёман ёғочларидан ишланган эди, ҳолбуки, бундай ёғочлар фақат тегирмон ёки кемага ишлатиларди. Хуллас, Чичиков қаёққа назар ташламасин, ҳамма ёқ метиндай, қандайдир мустаҳкам ва бесўнақай тартибда эди. Бричка эшик зинасига яқинлашиб борганда, Чичиков деразадан деярли айнаи бир вақтда мўралаб қараган икки кишининг юзини кўриб қолди: бири бошига сарандоз солган хотин кишининг бодрингга ўхшаган чўзиқ ва жиккак юзи бўлиб, иккинчиси эркак кишининг молдаван қовоғига ўхшаган думалоқ ва бақалоқ юзи эди; ойимқовоқ деб юритиладиган бу қовоқдан Русияда икки торли енгилгина балалайка ясайдилар; бундай балалайкалар йигирма ёшли олифта, кўзқисар, ўктам йигитга кайф беради, оқ тўш, оқ бўйин қизлар секин чалинадиган бу балалайканинг диринг-дирингини эшитмоқ учун шу йигитнинг атрофига тўпланадилар; йигит бу қизларга кўз қисиб ва ҳуштак чалиб, икки торли балалайкасини диринглатиб кетади. Деразадан мўралаб қараган икки кишининг юзи бирдан ғойиб бўлди. Кул ранг, тик ёқа куртка кийган бир малай эшик зинасига чиқиб, Чичиковни даҳлизга бошлаб борди, шу пайт уй эгасининг ўзи ҳам чиқиб қолди. У меҳмонни кўргач, секингина: «Марҳамат!» деб уни ичкарига бошлаб кирди.

Чичиков кўз қири билан Собакевичга қаради; бу сафар Собакевич унга ўртача катталиқдаги айиққа ўхшаб кўринди. Эгнидаги фраги худди айиқ рангида бўлгани учун бу ўхшашлик яна ҳам мукамаллашган эди; енглари, шими узун бўлиб, у лапанглаб юрар ва ҳамиша бировнинг оёғини босиб олар эди. Юзлари бир мирилик мисчақадай қип-қизил ва чўғдай ловиллаб турар эди. Дунёда кўп одам-



лар борки, табиат уларни ясашга узоқ уриниб ўтирмаган, майда-чуйда асбоблар, чунончи: эгов, парма ва шу каби асбоблар ишлатмай, болгани қулочкашлаб уриб ясаб ташлайверган, бир болта уриб бурун ясаган, яна бир болта уриб лаб ясаган, катта парма билан тешиб кўз ясаган ва рандаламасдан, «яшайверади!» деб ер юзига чиқариб юборган. Собакевичнинг беўхшов ва ажойиб-ғаройиб қилиб ясалган шакл-шамойили ана шунақа эди: у гавдасини тикка тутолмас, сал эгиб юрар, бўйинини сира буролмас эди, шунинг учун бирон киши билан сўзлашганда, унга қараёлмас, ҳамиша печканинг бурчи ёки эшикка қараб гапирарди. Улар столовой бўлмасидан ўтаётганда, Чичиков кўз қири билан унга яна бир қараб қўйди: худди айиқ! айиқнинг ўзгинаси! Шундай ғалати ўхшашлик бўладими, ахир? Ҳатто унинг номи ҳам Михаил Семёнович эди. Чичиков унинг оёқ босиш одати борлигини билгани учун эҳтиёт бўлиб қадам босар ва уни олдинга ўтказиб, ўзи кейиндан борарди. Уй эгаси, афтидан, ўзининг бу айбини сезса керак, шу ондаёқ ундан: «Сизни безовта қилмадимми?» деб сўради. Чичиков ташаккур изҳор қилиб, ҳали ҳеч қандай безовталик бўлгани йўқ, деди.

Меҳмонхонага киришгач, Собакевич креслони кўрсатиб, яна: «Марҳамат!» деди. Чичиков ўтирди, у деворларга ва деворларга осилган суратларга қаради. Суратлардаги кишиларнинг ҳаммаси шаввозлар, юнон саркардалари бўлиб, улар бутун бўйи билан расмга олинган: Маврокордато<sup>1</sup> қизил чалвор ва мундири, бурни устидаги кўзойнаги билан чизилган эди. Мнаули, Канарининг суратлари ҳам бор эди. Бу қаҳрамонларнинг сонлари шу қадар йўғон ва мўйловлари шу қадар баҳайбат эдики, қараганда кишининг бадани жимирлаб кетарди. Бу девдек юнонлар орасига нима учундир Багратионнинг сурати қўйилган, у озгин, қотма эди, суратнинг остида кичкина байроқчалар ва замбараклар кўринарди. Сурат жуда энсиз рамкага солиб қўйилган эди. Сўнгра қаҳрамон юнон хотин Бобелинанинг<sup>2</sup> сурати қўйилган, унинг бир оёғи ҳозирги меҳмонхоналарни тўлдирган олифталар-

---

<sup>1</sup> Маврокордато, Мнаули, Канари — Юнистоннинг Туркия зулмидан қутулиш учун олиб борган миллий озодлик кураши давридаги (1821—1828) саркардалари.

<sup>2</sup> Бобелина — туркларга қарши урушда қаҳрмонлик кўрастган юнон партизанқаси.



нинг бутун гавдасидан йўғонроқ эди. Уй эгасининг ўзи баҳайбат киши бўлганидан, афтидан, ўз меҳмонхонасини ҳам баҳайбат кишилар бе-заб туришини истаган бўлса керак. Бобелинанинг ёнида, деразанинг қошгинасида бир қафас осиглиқ бўлиб, қафасдан чипор қорашақшақ қараб турарди, бу қорашақшақ ҳам Собакевичга жуда ўхшаб кетарди. Меҳмон билан уй эгаси ҳали икки дақиқа ҳам мулоқат қилмасдан, эшик очилиб, уй бекаси кирди; хоним новча бўлиб, бошида лептали сарандози бор, сарандозининг ленталари хонаки бўёқ билан янгидан бўялган эди. У бошини хурмо ёғочидек тик тутиб, вазмин қадам босиб ичкари кирди.

— Бу менинг рафиқам Феодулия Ивановна! — деди Собакевич,

Чичиков Феодулия Ивановнанинг қўлини ўпиш учун ўрнидан туриб, унга юзланган эди, Феодулия Ивановнанинг ўзи қўлларини узатиб унинг лабларига тутди, шунда Чичиков Феодулия Ивановнанинг қўллари тузланган бодринг суви билан ювилганини сизди.

— Жонгинам, — деб сўзида давом этди Собакевич, — мана танишинглар: Павел Иванович Чичиков! Мен бу киши билан губернатор уйида ва почта мудирини уйида танишиш шарафига муяссар бўлган эдим.

Феодулия Ивановна ҳам ўтиришини илтимос қилиб: «Марҳамат! деди ва бошини қиролича ролини ўйновчи актриса каби силкитиб қўйди. Сўнгра, майин жундан тўқилган шол рўмолини елкасига ташлади-да, шу кўйн кўзини ҳам, қошини ҳам қимирлатмасдан миқ этмай диванда ўтираверди.

Чичиков яна бошини юқори кўтарган эди, кўзи яна ўша сонлари йўғон, мўйловлари узун Канарига, Бобелинага ва қафасдаги қорашақшаққа тушди.

Роса беш минут давомида ҳаммалари жим ўтиришди; фақат қорашақшақнинг ёғоч қафас остидаги нон ушоқларини чўқилаб тумшуқ уришигина эшитиларди. Чичиков яна бир марта меҳмонхонага ва ундаги нарсаларга кўз югуртириб чиқди, ундаги нарсаларнинг ҳаммаси ниҳоятда баҳайбат, бесўнақай, ҳаммаси ғалати, бир хил ва уй эгасининг ўзига ўхшар эди; меҳмонхонанинг бурчида ёнғоқ ёғочидан ясалган қориндор, оёқлари беўхшов бир ёзув столи турар, бу стол худди айиққа ўхшар эди. Бундан бошқа стол, кресло, стуллар ҳам жуда баҳайбат, оғир ва бесўнақай эди; хуллас, ҳар бир буюм, ҳар



бир стул: «мен ҳам Собакевичман!» ёки «мен ҳам Собакевичга ўхшайман!» дегандай бўларди.

Ниҳоят, Чичиков ҳеч кимнинг сўз бошлашга рабати йўқлигини кўриб, деди:

— Ўтган пайшанба куни биз палата раиси Иван Григорьевичнинг уйида сизни йўқладик. Унда вақтимизни жуда хуш ўтказдик.

— Ҳа, мен у вақтда раисникида бўлмаган эдим,— деди Собакевич.

— Аммо жуда яхши одам экан!

— Қим яхши одам экан?— деди Собакевич печканинг бурчига қараб.

— Раис.

— Эҳтимол, сизга шундай кўрингандир: у масон<sup>1</sup> холос, аммо ўзи шунақаям аҳмоқки, бунақаси ҳали дунёда бўлган эмас.

Чичиков бундай шарттаки гапни эшитгач, аввал бир оз довдираб қолди, сўнгра ўзини тутиб, сўзда давом этди:

— Албатта, ҳар бир кишининг ўзига яраша камчилиги бўлади, аммо губернатор жуда ажойиб одам экан!

— Губернатор ажойиб одам экан дейсизми?

— Ҳа, тўғри эмасми?

— Дунёда биринчи йўл тўсар ўғри!

— Нима, губернаторни йўл тўсар ўғри дейсизми? — деди Чичиков ва губернаторнинг қандай қилиб йўл тўсар ўғри бўлишига ҳеч гушунолмади.— Иқрор бўлайки, буни ҳеч хаёлимга келтирмаган эдим,— деди у яна.— Лекин мен сизга айтсам, ҳаракатларидан асло унақа одамга ўхшамайди; аксинча, жуда мулоим, раҳмдил киши

<sup>1</sup> Масон — XVIII асрда ташкил топган диний-мистик жамият аъзоси.

кўринади.—Шу ўринда Чичиков сўзининг далил-исботи учун ҳатто губернаторнинг ўз қўли билан халтачаларга гуллар тикишини мисол келтирди ва унинг юзидаги меҳрибонлик ифодасини таърифлаб кетди.

— Башараси ҳам йўл тўсар ўғрининг худди ўзгинаси! —деди Собакевич.— Қўлига пичоқ бериб, катта йўлга чиқариб қўйсангиз кўрасиз: бир тийин учун бўғизлаб кетади! У билан вице-губернатор— Яъжуж билан Маъжуж.

«Уларнинг ораси бузуқ бўлса керак,— деб ўйлади Чичиков ичидан.—Қани, у билан полиция бошлиғи тўғрисида сўзлашиб кўрай-чи, у дўсти бўлса керак».

— Аммо улар билан ишим йўқ,—деди у,—тўғриси айтсам, менга ҳаммадан кўра полиция бошлиғи кўпроқ ёқади. У тўғри сўз, очиқ одамга ўхшайди; соддадил киши экани юзидан ҳам кўриниб турибди.

— Муттаҳам! — деди Собакевич жуда бепарволик билан:—сизни ҳам сотади, ҳам алдайди, яна сиз билан ўтириб овқат ҳам еяверади! Мен уларнинг ҳаммасини биламан, бариси муттаҳам, бутун шаҳари билан муттаҳам; бир муттаҳамни урсанг, бошқа бир муттаҳамнинг устига бориб тушади. Бариси худодан қайтган. У ерда биргина одамшаванда киши бор, у ҳам бўлса прокурор, аммо тўғриси айтсам, у ҳам чўчқа.

Чичиков гарчи қисқача бўлса-да, бундай мақтовли таржимаи ҳолни эшитгандан кейин бошқа амалдорларнинг номини тилга олмай қўя қолди, чунки Собакевич бирон киши ҳақида яхши фикр айтмаслигини билди.

— Хўш, жонгинам,— деди Собакевичнинг хотини эрига қараб,— қани юринглар, овқат қилайлик.

— Марҳамат!— деди Собакевич.

Шундан сўнг меҳмон билан мезбон закуска ҳозирлаб қўйилган стол ёнига бориб, бир рюмкадан ароқ ичдилар-да, устидан закуска қилдилар, бу закуска ҳам бутун кенг Русиянинг шаҳарларида ва қишлоқларида қилинадиган закускалардан, яъни ҳар хил шўр-шўртанг ва бошқа хил иштаҳа очар ноз-неъматлардан иборат эди; сўнгра ҳаммалари емакхонага қараб юрдилар; уй бекаси худди сувда сузиб бораётган ғоздек олдинда борди. Улар тўрт кишилик дастурхон тuzатилган кичик стол ёнига ўтирдилар. Кўп ўтмай тўртинчи ўринга бир

аёл келиб ўтирди; унинг хотинми, қизми, уй эгасининг қариндошими ёки шунчаки бу уйда истиқомат қилувчи бир аёлми, хуллас ким эканини аниқ айтиш қийин: нимагадир бошида сарандози йўқ, у ўттиз ёшлар чамасида бўлиб, йўл-йўл кўйлак кийган эди. Шундай одамлар борки, улар керакли бир буюм каби эмас, балки буюм устига тушган майда-майда доғ каби умр кечирадилар. Улар ўтирган ўринларида бошларини бир хилда тутишларидан, уларни мебель шекилли деб қоласан ва умрида оғзидан бир сўз ҳам чиқмаган бўлса керак деб ўйлайсан киши; аммо уларни оқсочлар бўлмасида ёки омборхонада кўрсанг борми: эҳ-ҳа! оғзинг очилиб қолади.

— Жонгинам, бугун карам шўрва жуда яхши бўлибди!— деди Собакевич карам шўрвадан ичиб ва лагандан катта бир бўлак шахлўтни ўз товоғига солиб; шахлўт машҳур таом бўлиб, уни карам шўрва билан бирга ейлади, ўзи қўйнинг қорнига қора буғдой ёрмаси, қўйнинг мияси ва оёқларини солиб пиширилади.—Шахлўт ҳам ниҳоятда мазали бўлибдики,—деди яна у Чичиковга қараб,—бунақа шахлўтни шаҳарда еёлмайсиз, у ерда сизга алланима балоларни пишириб берадилар!

— Аммо губернаторнинг дастурхони ҳам чакки эмас экан,— деди Чичиков.

— Хўш, биласизми, улар овқатни нимадан пиширишади? Агар билсангиз сира емай қўясиз.

— Нимадан пиширишларини билмайман, шунинг учун бу тўғрида бир нима деёлмайман, аммо уларнинг чўчқа гўштидан пиширилган котлети билан сувда пиширилган балиғи жуда соз бўлган эди.

— Кўзингизга шундай кўринибди-да. Мен уларнинг бозордан нималар сотиб олишини биламан-ку, ахир. Овқат пиширишни француздан ўрганган ўша ҳаромзода ошпаз мушук сотиб олади-да, терисини шилиб ташлаб, қуён гўшти деб дастурхонга келтириб қўяди.

— Фу! Шунақа жирканч гапларни гапирмасанг-чи!— деди Собакевичнинг хотини.

— Хўш, жонгинам, ахир улар шундоқ қиладилар-да, улар шундоқ қилгани учун мен айбдор эмасман-ку. Ҳамма чиқинди нарсаларни, яъни бизнинг Акулька, мени кечирасиз, ювинди ўрасига ташлайдиган нарсаларнинг ҳаммасини улар шўрвага соладилар! Ҳа, ишонаверинг, шўрвага соладилар!

— Дастурхон устида сен ҳамиша шунақа гапларни айтиб ўтирасан!— деди Собакевичнинг хотини яна эътироз билдириб.

— Жонгинам, нима қилай, бунни мен қилганим йўқ-ку, ахир. Лекин юзингга тўппа-тўғриси айтсам, мен ҳаром-ҳариш нарсаларни емайман. Қурбақани қанд қўшиб берсанг ҳам оғзимга олмайман; устрицани ҳам, чунки унинг нимага ўхшашини биламан. Мана қўй гўштини олинг,— деди у Чичиковга қараб:— бу бўтқага солинган қўйнинг биқин гўшти! Бу, бозорда тўрт кунлаб бўрсиб ётиб, кейин шаҳар бойларининг ошхонасида пишириладиган гўштдан эмас, буларнинг ҳаммасини немис ва француз докторлари ўйлаб чиқарган, менга қолса, уларнинг барисини дорга осар эдим! Улар парҳаз деган гапни ўйлаб чиқарибдилар, одамларни очлик билан даволар эмишлар! Ўша немисларнинг ҳаммаси қилтомоқ кишилар, тагин улар русларнинг ошқозонини ҳам тўғрилаймиз деб хаёл қилиб юришибди! Йўқ, буларнинг ҳаммаси беҳуда гап, ҳаммаси уйдирма, ҳаммаси...—Шу топда Собакевич ҳатто жаҳл билан бошини ҳам қимирлатиб қўйди.—Яна тагин! маърифат, маърифат дейишади, бу маърифат дегани пуч гап! Бошқа нарса демоқчи эдим-у, лекин дастурхон устида тўғри келмайди-да. Меникида унақа эмас, меникида чўчқа гўшти ейиладиган бўлса, чўчқанинг бутуниси дастурхонга келтириб қўйилади, қўй гўшти ейиладиган бўлса, қўйнинг бутуниси, ғоз гўшти ейиладиган бўлса, ғознинг бутуниси келтириб қўйилади! Икки товоқ есам ҳам яйраб, кўнглим истаганича ейман.—Собакевич бу сўзини амалда исбот қилди: қўйнинг ярим биқинини олиб ўз тарелкасига солди-да, ҳаммасини паққос туширди, ҳамма суяқларини ғажиб, мижиб тозалади.

«Овқатнинг заволи экан-ку, бу» деб ўйлади Чичиков.

— Меникида унақамас,— деди Собакевич, қўлини сочиқ билан артиб,— меникида анов Плюшкинга ўхшаган кишиларникидаги сингари эмас: саккиз юз жой деҳқони бор-у, туриш-турмуши ва ейдиган овқати менинг мол боқаримникидан бадтар.

— Қим у Плюшкин? — деб сўради Чичиков.

— Муттаҳам,— деб жавоб берди Собакевич.—Шундай зиқнаки, айтаверса ақлга сиғмайди. Турмада оёғига кишан урилган бандилар ундан яхшироқ яшайди. Ҳамма одамларни очликдан ўлдириб юборди.

— Ростданми? — деди Чичиков қизиқиб,— одамлари қирилиб кетаётибди дейсизми?

— Пашшадай қирилиб кетяпти.

— Наҳотки пашшадай қирилаётган бўлса! Ҳа, айтинг-чи, унинг турадиган жойи сиздан олисми?

— Беш чақирим.

— Беш чақирим!— деди хитоб билан Чичиков ва ҳатто юраги сал ураётганини сизди.— Хўш, башарти сизнинг дарвозангиздан чиққанда, ўнг томонга юриладими ёки сўл томонгами?

— Мен сизга ҳатто ўша итаникка борадиган йўлни билишни ҳам маслаҳат кўрмайман! — деди Собакевич.— Уникига боришдан кўра, бирон ножоиз жойга бориш яхшироқ.

Чичиков бунга жавобан деди:

— Йўқ, мен буни бирон мақсад билан эмас, балки шунчаки, ҳар хил жойларни билишга қизиққаним учун сўрадим.

Қўйнинг биқинидан кейин ҳар қайсиси лагандан каттароқ ватрушка келди, сўнгра ичига ҳар хил неъматлар, яъни тухум, гуруч, жигар ва яна алланималар солинган, катталиги бузоқдай курка келтирилди, буларнинг ҳаммаси ошқозонга гуваладек тушаверди. Обед шу билан тамом бўлди; дастурхондан турганларида, Чичиков роса бир пуд оғирлашганини сизди. Меҳмонхонага бордилар, унда бир ликопчада на нокка, на беҳига, на бошқа мевага ўхшайдиган мураббо турарди, лекин меҳмон ҳам, мезбон ҳам мураббога қўл урмади. Уй бекаси бошқа мурабболардан ҳам олиб келгани кетди. Чичиков шу фурсатдан фойдаланиб, Собакевичга: «Мен сиз билан бир масала ҳақида сўзлашмоқчи эдим» деди. Собакевич зўр овқатдан кейин креслога чўзилиб ҳадеб кекирар, оғзидан ҳар хил товушлар чиқарар ва қўли билан тез-тез оғзини бекитарди.

— Мана тағин мураббо олиб келдим,— деди қўлида ликопча кўтариб келган уй бекаси:—асал қўшиб пиширилган туруп.

— Хўп, уни кейин еймиз,— деди Собакевич.— Сен ўз хонангга бор, биз Павел Иванович билан фракларимизни ечиб, бир оз дам олайлик!

Уй бекаси пар тўшак ва пар ёстиқ олиб келишни буюрмоқчи бўлган эди, бироқ эри: «Зарари йўқ, биз креслода дам оламиз» деди; уй бекаси чиқиб кетди.

Собакевич бошини сал эгиб масала нимадан иборат эканини эшитишга ҳозирланди.

Чичиков гапни жуда узоқдан бошлади, аввал умуман бутун рус давлати ҳақида гапирди, бу давлатнинг ери ниҳоятда кенглигини мақтаб кетди ва ҳатто қадимги Рим монархияси ҳам бунчалик катта бўлмаган, ажнабийларнинг бунга ҳайрон қолишлари ҳам бежиз эмас, деди. Собакевич бошини эгиб, қулоқ солиб ўтирарди. Шон-шараф бобида тенги бўлмаган бу давлатда мавжуд бўлган қондаларга кўра, ўлпон рўйхатига ёзилган деҳқонлар, гарчи дунёдан ўтиб кетган бўлсалар-да, то янги ўлпон рўйхати қилингунча тириклар қаторида ҳисобланадилар ва шу тариқа иш тутиб, маҳкамаларни жуда кўп майда ва фойдасиз ёзув-чизувлар юкидан халос қиладилар, бусиз ҳам жуда мураккаб бўлган давлат механизмини янада мураккаблаштирмаслик чорасини кўрадилар. . . Собакевич ҳамон бошини эгиб қулоқ солиб ўтирарди.—Аммо лекин, бу тадбир нечоғлик тўғри бўлса-да, мулкдорларнинг кўпи учун қисман оғирдир, чунки бу тадбир уларга дунёдан ўтган деҳқонлар учун тириклар қаторида ўлпон тўлаш мажбуриятини юклайди, шу сабабдан мен шахсан сизга бўлган ҳурматимни изҳор этиб, ҳақиқатан оғир бўлган бу мажбуриятнинг бир қисмини ўз зиммамга олишга тайёрман. Чичиков асосий масалани жуда эҳтиёткорлик билан шама қилиб ўтди: ўлган деҳқонларни ҳаётда мавжуд бўлмаганлар деб атади.

Собакевич ҳамон илгаригидек бошини эгиб қулоқ солиб ўтирарди, лекин унинг юзида фикрга ўхшаш бирон нарсанинг ифодаси асло кўринмас эди. Гўё унинг танасида мутлақо жон йўқдек, бўлса-да, танасида эмас, балки ўлмас Кошчейнинг жони сингари тоғлар орқасида ва у шундай қалин пўст орасида бекитилган эдики, ичи остин-устун бўлиб кетса-да, пўстга асло таъсир қилмайдигандек эди.

Чичиков бир оз ҳаяжонланиб жавоб кутиб тургач, деди:

— Шундай қилиб. . .

— Сизга ўлик жонлар керакми?—деб сўради Собакевич; бу гапни у ҳеч бир ҳайратга тушмасдан, гўё сўз дон-дун устида бораётгандек жуда оддий оҳангда айтди.

— Ҳа,—деб жавоб берди Чичиков ва ифодани яна юмшатиб:—мавжуд бўлмаганлар,—деб қўшиб қўйди.

— Топилади, нега топилмасин. . .—деди Собакевич.

— Агар топилса, демак шубҳасизки. . . улардан қутулиш сизга маъқулдир.



— Марҳамат қилинг, мен уларни сотишга тайёрман,— деди Собакевич; у энди бошини бир оз юқори кўтариб, харидор бундан бирон манфаат кўрса керак, деб ўйлади.

«Ана холос,— деб ўйлади Чичиков ичида,— мен ҳали сўз очмасдан туриб, у сотишдан келпяти-ку!»— сўнгра унга қараб деди:

— Хўш, масалаи, баҳоси қандай? Зотан, бу шундай нарсаки... унинг баҳоси ҳақида сўзлашиб ўтириш ўзи ғалати...

— Сиздан ошиқча сўрамайман, биттаси юз сўмдан! — деди Собакевич.

— Юз сўмдан!— деб қичқриб юборди Чичиков анқайганича Собакевичнинг кўзларига тикилиб ва нотўғри эшитганини ҳам ёки Собакевичнинг тили, оғир табиатига кўра, яхши айланамасдан бир сўз ўрнига бошқа сўзни айтиб юборганини ҳам билмай қолиб.

— Нима, бу сизга қимматлик қиладими?— деди Собакевич ва сўнгра қўшимча қилиб сўради:— Хўш, ўзингиз қанчадан бермоқчисиз?

— Менми? Чамаси, биз янглишганга ўхшаймиз ёки бир-биримизнинг фикримизни тушунмаётимиз, гап нима устида бораётганини

унутаётибмиз. Мен чин юрагимдан чиқариб айтаман: ҳар бир жонга тўрт тангадан, энг яхши баҳо шу!

— Э, гапингизга қаранг-а,— тўрт тангадан эмиш!

— Менинг фикрим шу, бундан ошиқ бериб бўлмайди.

— Мен сизга чипта ковуш сотаётганим йўқ-ку.

— Аммо шунга ҳам хўп денг: бу сотадиганларингиз одам эмас-ку, ахир!

— Сиз ўлпон рўйхатидаги ҳар бир жонни тўрт тангадан сотадиган аҳмоқни топаман деб ўйлайсизми?

— Қечирасиз: нега уларни сиз ўлпон рўйхатидаги жонлар деб атайсиз! Улар аллақачон ўлиб кетган-ку! Улардан фақат қуруқ от қолган, холос. Хўп майли, бу хусусда гапни чўзиб ўтирмайлик: боринг ана бир ярим сўмдан бераман, аммо бундан ошиқ беролмайман.

— Уят сизга бир ярим сўм дейиш! Савдолашмасдан тўгри баҳосини бераверинг!

— Йўқ, Михаил Семёнович, бундан ошиқ беролмайман, виждоним ҳақи, ошиқ беролмайман; имкондан хориж нарсани қилиб бўлмайди,— деди Чичиков ва лекин яна ярим сўм оширди.

— Нега мунча хасислик қиласиз? — деди Собакевич.—Тўғриси, мен арзон сўрадим! Бошқа бир муттаҳам бўлганида сизни алдар эди, жон ўрнига сизга ярама нарсаларни сотар эди; меники бўлса, худди саралаб қўйган ёнғоқдай, баъзиси ҳунарманд уста, баъзиси бақувват мужик, ўзингиз бир назар солинг: мана масалан, аравасоз Михеевни олинг! Фақат рессорли арава ясарди, бошқа ҳеч қанақасини ясамас эди. Моквада ясаладиган аравалар сингари бир соатлик қилиб эмас, балки жуда пишиқ қилиб ясарди, устига ўзи чарм қопларди, ўзи локларди!

Чичиков энди оғзини ростлаб, Михеев аллақачон дунёдан ўтиб кетган-ку, демоқчи эди, лекин шу топда Собакевичнинг нотиқлик маҳорати жуда авжига чиқиб кетди — унда бундай маҳорат ва фасоҳат қаердан пайдо бўлди экан:

— Хўш, дурадгор Степан Пробка-чи? Қалламини бераман, агар сиз шунақа мужикни





бошқа жойдан топсангиз. Шунақаям бақувват ва зўр мужик эдики! Агар гвардияда хизмат қилганида, ким билсин унга нималар берар эдилар, бўйи уч газу бир қарич эди.

Чичиков яна оғиз очиб, Пробка ҳам дунёдан ўтиб кетган-ку, демоқчи бўлди-ю, лекин Собакевични гапдан тўхтатиш асло мумкин эмасди, унинг оғзидан сўз селдай равон қуйилар, фақат қулоқ солиб ўтириш керак эди:

— Печка ясовчи Милушкинни айтмайсизми! Ҳар қандай уйга печка ясай олар эди. Этикдўз Максим Телятников-чи: бигизни қўлига олса этик тайёр бўлаверарди, этикни кўрсангиз, оғзингиз очилиб қолар эди! Ароқни оғзига олмас эди! Еремей Сорокоплёхин-чи, бир ўзи минг кишининг ишини қиладиган мужик эди. Москвада савдо-сотик қиларди, фақат оброкнинг ўзидан беш юз сўмдан келтириб берарди. Ана шунақа уддабурон кишилар эди улар! Булар Плюшкинга ўхшаган кишиларнинг сизга сотадиганлари хилидан эмас!

Чичиков Собакевичнинг бу қадар сўзамол бўлиб кетганига ҳайрон қолди, чунки селдай қуйилиб келаётган бу сўзларнинг одоғи йўқдек кўринарди.

— Аммо менга ҳам рухсат этинг! — деди ниҳоят Чичиков: — нега сиз уларнинг сифатини санаб кўрсатасиз, бу сифатларнинг ҳозир ҳеч қандай аҳамияти йўқ-ку, улар ҳаммаси ўлиб кетган кишилар-ку. Улик тана деворга тиргак ҳам бўлмас, деган мақол бор.

— Ҳа, албатта, ўлиб кетишган, — деди Собакевич гўё уларнинг ҳақиқатан ўлиб кетганлигини энди билгандек ва сўнгра қўшимча қилиб деди: — дарҳақиқат, тириклар қаторида ҳисобланиб юрилган бу кишилардан нима фойда? Улар одам бўптими? Одам эмас, пашша!

— Лекин ҳали ҳам мавжуд, аммо бу шунчаки бир хаёл.

— Йўқ, хаёл эмас! Мен сизга Михесвнинг қанақалигини айтиб берай, бунақа кишиларни излаб ҳам тополмайсиз: унинг гавдаси филдай эди, ана шу хонага сиғмасди; йўқ, бу хаёл эмас! Елкаларининг бақувватлигини айтмайсизми: отда ҳам йўқ унақа куч; хўш айтинг-чи, қаердан топа оласиз бунақа хаёлни!

Бу сўнги сўзларни у Багратион билан Қолокотроннинг деворга осиб қўйилган суратларига қараб айтди; сўзлашиб ўтирган икки киши ўртасида одатда шундай бўлади: суҳбат қизиб кетган чоқда улардан бири негадир сўзлашиб турган суҳбатдошига қараб эмас, балки тасодифан келиб қолган, ҳатто тамоман таниш бўлмаган учинчи кишига қараб гапира бошлайди, бу нотаниш киши унинг сўзига жавоб бермаслигини ҳам, фикрини айтмаслигини ва сўзини тасдиқламаслигини ҳам билади-ю, лекин шундай бўлса-да, худди уни воситачи бўлишга чақираётгандек унга кўзларини тикиб туради; дафъатан бир оз додираб қолган бу нотаниш киши хабари бўлмаган бу масала тўғрисида унга нима деб жавоб беришини ҳам, одоб юзасидан индамай туриб, кейин чиқиб кетишини ҳам билмайди.

— Йўқ, икки сўмдан ортиқ беролмайман,— деди Чичиков.

— Бўлмаса бундоқ қилайлик: бир кун сиз менга, қиммат сўрадинг ва илтифот қилмадинг деб таъна қилмаслигингиз учун, майли жон бошига етмиш беш сўмдан бера қолинг, майли қоғоз пул билан беринг, шунда ҳам фақат ошначилик учун сизга бераман!

«Нима деяпти бу ўзи, — деб ўйлади Чичиков ичида: — мени аҳмоқ деб хаёл қиляпти шекилли?» — сўнгра унга қараб деди:

— Тўғриси, бу менга жуда ғалати туюляпти: биз худди театр қўяётганга ёки масхарабозлик қилаётганга ўхшаймиз, буни бошқа бир нарса деб айтолмайман. . . Ўзингиз анча ақлли ва ўқимишли киши кўринасиз. Ахир, у йўқ нарса-ку, нимага арзирди? Қимга керакулар?

— Мана сиз сотиб оляпсиз-ку, демак керак экан-да!

Чичиков лабини тишлаб, нима деб жавоб беришини билмай қолди. Қандайдир насл-насаб ва оилавий муносабатлардан энди сўз очган эди, Собакевич оддийгина жавоб бера қолди:

— Менга сизнинг қандай муносабатларингиз борлигини билишнинг кераги йўқ: мен насл-насаб ишларига аралашмайман, бу сизнинг ишингиз. Сизга деҳқон керак экан, мана сотаман, олмасангиз сўнгра ўзингиз пушаймон бўласиз.

— Икки сўм, — деди Чичиков.

— Кўр тутганини, қар эшитганини қўймас, деган мақол рост экан; икки сўмнинг бошини ушлаб олиб, сира нарига жилмайсиз-а. Тўғри баҳосини бераверинг-да!

«Майли, — деб ўйлади Чичиков ичида, — итга бир суяк дегандай, бу жин ургурга тагин ярим сўмдан ошира қолай».

— Хўп, майли, тагин ярим сўмдан ошираман.

— Қулоқ солинг, мен ҳам сизга охирги сўзимни айтай: эллик сўмдан бера қолинг! Майли мен зарар кўрай, сиз бундай яхши одамларни ҳеч жойда бундан арзонга сотиб ололмайсиз!

«Жуда зиқна экан-ку!» — деди ичида Чичиков ва сўнгра бир оз энсаси қотиб сўзлай бошлади:

— Шу ҳам гап бўлди. . . худди жиддий бир масалани талашиб ўтирганга ўхшаймиз; бошқа жойдан уларни текинга оламан. Улардан тезроқ қутулайлик деб ўзлари ялиниб берадилар. Қайси аҳмоқ уларни сақлаб, улар учун ёнидан ўлпон тўлаб ўтиради!

— Аммо биласизми, мен буни ўзаро дўстларча айтяпман, бу хил нарсаларни сотиб олиш ножоиз ҳисобланади; мен ёки бошқа биров бориб бу гапни айтиб қўйса, ундай одамга шартнома тузиш ёки бирон фойдали ишга киришишга ҳеч қандай ишонч-эътимод қолмайди.

«Қара, нозик жойидан оляпти-ку, бу аблаҳ!» деб ўйлади Чичиков ичида ва шу ондаёқ жуда совуққонлик билан деди:

— Сиз нима десангиз деяверинг, мен уларни сиз ўйлаганча қандайдир эҳтиёж учун эмас, балки ўз майлим билан сотиб оламан. Икки ярим сўмдан берсангиз беринг — бўлмаса, хайр, саломат бўлинг!

«Буни қўлга тушириб бўпман, тош-метин-ку!» деб ўйлади Собакевич.

— Хўп, келинг, ўттиз сўмдан бериб ола қолинг!

— Йўқ, кўриб турибман, сиз уларни сотадиганга ўхшамайсиз; хайр саломат бўлинг!

— Менга қаранг, менга қаранг! — деди Собакевич унинг қўлини қўйвормасдан ва дафъатан оёғини ҳам босиб олиб, чунки бизнинг қаҳрамонимиз эҳтиёт бўлишни унутиб қўйган эди, ҳозир бунинг жазосини тортиб, вой-войлаб қолди ва бир оёғини кўтариб диркиллаш бошлади.— Кечирасиз! Сизни безовта қилдим шекилли, марҳамат қилиб, мана бу ергинага ўтиринг! Марҳамат! — Собакевич ҳозир ҳатто бир қадар эпчиллик билан уни креслога ўтқазди; унинг бу эпчиллиги қўлга ўргатилган, ўмбалоқ ошишни биладиган ва: «Миша, қани кўрсат, хотинлар ҳаммомда қандай чўмилади» ёки «Миша, қани

кўрсат, ёш болалар нўхотни қандай ўғирлайди?» деганда турли ўйинлар қиладиган айиқнинг эпчиллигига ўхшарди.

— Тўғриси, мен вақтимни бекорга ўтказиб ўтирибман, жўнашим керак.

— Бирпас ўтира туринг, мен ҳозир сизга хуш ёқадиган бир сўз айтаман. — Собакевич унга яқин бориб ўтирди ва бир сирни айтаётгандай, унинг қулоғига секин гапирди: — Беш карра бешга хўп дейсизми?

— Яъни йигирма беш сўмми? Асло, ҳатто чорагини ҳам бермайман, бир тийин ҳам оширмайман.

Собакевич жим қолди. Чичиков ҳам жим қолди. Улар икки минутча жим қолишди. Бургут бурун Багратион бу олди-сотдига девордан зўр диққат билан қараб турарди.

— Хўш, энг охирги баҳонгизни айтинг қани? — деди ниҳоят Собакевич.

— Икки ярим сўм.

— Тўғрисини айтсам, сиз одамнинг жонини пашшача қадрламас экансиз. Ақалли уч сўмдан беринг!

— Беролмайман.

— Майли сиз билан ҳеч битишиб бўлмас экан! Айтганингиз бўла қолсин! Менга зиён бўлса бўлар; шунақа ит феълман: яхши одамни кўрсам жонимни ҳам аямайман. Мен ҳали васийқани ҳам тўғрилашим керак, қондасини ўрнига қўймаса бўлмас.

— Албатта.

— Ундай бўлса, шаҳарга ҳам бориш керак бўлади.

Шу билан иш битди. Ҳар иккови эртага шаҳарга бориб, васийқа қиладиган бўлишди. Чичиков деҳқонларнинг рўйхатини беришни сўради. Собакевич бажону дил рози бўлиб, дарҳол ёзув столи ёнига борди-да, ўз қўли билан ҳамма деҳқонларнинг номларини ёзиб чиқди ва ҳатто уларнинг таърифга лойиқ сифатларини ҳам ёзиб қўйди.

Чичиков эса, шу пайт бошқа қиладиган иши бўлмаганидан Собакевичнинг орқасида туриб, унинг улкан гавдасини кўздан кечирарди, Унинг пакана ва қориндор вятка отлари сингари кенг елкаларига ва кўча тротуарларида қўйилган чўян тумбаларга ўхшаш оёқларига ҳайрат билан қараркан, ўз ичида деди: «Худо зап яратган экан-да сени! Бичиғи хунук-ку, тикилиши пишиқ деб шунини айтадилар-да!..»

Сен онадан шу тахлит айиқ бўлиб туғилганмисан ёки хилватда умр кечириш, ғалла экиш, мужиклар билан муомала қилиш сени айиқ қилиб қўйганми ва шулар туфайли бундай зиқна киши бўлиб қолганмисан? Йўқ; менимча ҳатто сени замонга мослаб тарбиялаганларида ҳам, хилватда эмас, Петербургда яшаганингда ҳам, барибир шу тахлитда бўлардинг. Фарқ фақат шуки, ҳозир бу ерда қўйнинг ярим биқинини бўтқа билан тушириб, устидан ватрушка еб ўтирибсан, Петербургда бўлганингда эса ичига қўзиқорин солинган котлет еяр эдинг. Мана ҳозир сенинг амрингда мужиклар бор: сен улар билан иноқсан ва, албатта, уларни ранжитмайсан, чунки улар сеники, ранжитсанг ўзингга ёмон бўлади; Петербургда хизмат қилсанг қўл остингда амалдорлар бўлар эди, сен уларни сиқиб жонини олардинг, чунки улар сенинг крепостной деҳқонларинг эмаслигини билардинг, ёки пошшолик хазинасини талардинг! Йўқ, одам зиқна бўлдими, уни қайтадан юмшатиб бўлмайди! Зиқнани юмшатаман десангиз, тагин ёмонроқ бўлади. Агар у бирон фандан салгина хабардор бўлса борми, шундан кейин кўрасиз томошани; у бирон каттароқ мансабга миниб олади-да, кейин бирон фандан ҳақиқатан хабардор бўлганларнинг бошида данак чақади. Сўнгра яна у: «Бир ўзимни кўрсатиб қўяй!» дейди. Кейин шундай бир қарор ўйлаб чиқарадики, кўп киши ўзини қаёққа уришини билмай қолади. . . Эҳ, ҳамма зиқна бўлса! . . .»

— Рўйхат тайёр, — деди Собакевич унга қараб.

— Тайёр бўлдими? Қани бу ёққа беринг! — Чичиков рўйхатга кўз югуртириб чиқди; унинг жуда пухта ва аниқ қилиб ёзилганини кўриб таажжубда қолди: мужикларнинг фақат хунари, лақаби, ёши, оилавий аҳволигина эмас, ҳатто рўйхатнинг чеккасида уларнинг ахлоқи, маст бўлиш-бўлмаслиги ҳам алоҳида қайд қилинган эди, хуллас, ўқиганда кишининг ҳаваси келарди!

— Қани энди марҳамат қилиб бай пулини чўзинг! — деди Собакевич.

— Бай пули нимаси? Шаҳарда ҳамма пулни яхлит оласиз.

— Биласизми, шунақа расм-қоида бор, — деди Собакевич эътироз билдириб.

— Нима қилдим энди, пул олиб келганим йўқ эди. Ҳа, айтгандай, ўн сўм бор экан.

— Ўн сўм нима бўлади! Лоақал эллик сўм беринг!

Чичиков бошқа пулим йўқ демоқчи бўлган эди, лекин Собакевич унинг пули борлигига қатъий бир шама қилгач, Чичиков ноилож яна пул чиқарди.

— Хўп, мана яна ўн беш сўм, ҳаммаси йигирма беш сўм бўлди. Фақат бемалол бўлса тилхат беринг.

— Тилхатни нима қиласиз?

— Ҳар ҳолда тилхат берган яхши. Одам ҳодис... ҳар нима бўлиши мумкин.

— Хўп, қани пулни бу ёққа беринг!

— Пулни нима қиласиз? Мана қўлимда турибди-ку! Тилхат ёзиб берган заҳотингиз пулни олаверасиз.

— Менга қаранг, аввал пулни олмасдан, қандай қилиб тилхат ёзаман, ахир?

Чичиков пулни узатди, Собакевич пулни олиб стол ёнига бордида, чап қўлининг бармоқлари билан пулни босиб, ўнг қўли билан бир парча қоғозга, сотган мужикларим учун давлат қоғоз пули ила йигирма беш сўм бай пули олдим, деб ёзди. Тилхатни ёзиб бўлгач, яна бир марта пулларга разм солди.

Пуллардан бирини ёруққа тутиб кўраркан:

— Эскироқ пул экан! — деди, — бир оз йиртиғи ҳам бор, ҳа, майли, ошна-оғайни ўртасида бунақа нарса писанд эмас.

«Зиқна, зиқна! — деб ўйлади Чичиков ичида, — бунинг устига тағин ўта кетган ҳароми!»

— Аёллар керак эмасми?

— Йўқ, ташаккур.

— Арзон бераман. Ошначилик учун биттаси бир сўмдан.

— Йўқ, аёлга эҳтиёжим йўқ.

— Майли, эҳтиёжингиз бўлмаса гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ҳар ким кўнгли тусаганини олади. Биров домлани яхши кўрса, биров отинойини яхши кўради, деган мақол бор.

Чичиков у билан хайрлашар экан:

— Яна сиздан илтимосим шуки, бу савдо-сотигимиз орамизда қолсин, — деди.

— Албатта, албатта. Бошқа бировнинг бу ишга аралашувига ҳожат йўқ; икки қалин дўст ўртасида самимият билан бўлган нарса фақат шу икки дўст ўртасида қолиши керак. Хайр, саломат бўлинг!

Йўқлаб келганингиз учун ташаккур; бундан кейин ҳам унутиб юборманг: бўш вақтларингизда келиб туринг, обед қилиб, вақтчоғлик қилиб кетасиз. Балки, тагин бир-биримизга ишимиз тушар.

«Бетинг қурсин! — деди ичида Чичиков, бричкага чиқиб ўтирар экан.— Ҳар бир ўлик жонга икки ярим сўмдан шилиб олдинг, ҳароми зиқна!»

Чичиков Собакевичнинг қилигидан норози эди. Ҳар нима бўлса-да, у таниш кишиси, губернаторнинг уйида ҳам, полиция бошлиғининг уйида ҳам у билан кўришган эди; энди бўлса худди бегона кишидай муомала қилди, ҳеч нимага ярамайдиган нарсаларга пул олди! Бричка қўрғондан чиққандан кейин Чичиков қайрилиб орқасига қаради, Собакевич ҳали ҳам эшик зинасида худди меҳмоннинг қайси томонга йўл олишини билмоқчи бўлгандай қараб турарди.

«Ҳали ҳам қараб турибди, аблаҳ!» деди Чичиков ижирганиб ва деҳқонлар уйи томонга қайрилган Селифанга, отларни шундай ҳайдаки, Собакевичнинг ҳовлисида қараганда бричка кўринмасин, деб буюрди. У Плюшкинникига бормоқчи, чунки Собакевичнинг гапига қараганда, Плюшкиннинг деҳқонлари пашшадай қирилаётган эди, лекин Плюшкинникига бораётганини Собакевич билишини истамасди. Бричка қишлоқнинг охирига бориб етганда йўлдан топган йўғон бир ходани елкасига қўйиб, тиришқоқ чумоли каби уйига кўтариб бораётган бир мужикни чақириб сўради:

— Ҳой, оқсоқол! Плюшкинникига қандай борилади, помещчик қўрғони ёнидан ўтилмайдиган бошқа йўл борми?

Мужик бу саволга жавоб тополмай, довдираб қолди.

— Нима, билмайсанми?

— Йўқ, барин, билмайман.

— Сени қара-я! Соч-соқолинг оқариб кетибди-ю, ҳали ҳам хасис Плюшкинни билмайсан! Одамларга тузук овқат бермайдиган Плюшкин-чи!

— Ҳа, биладан, ямоқ, ямоқ! — деб юборди мужик қичқариб.

Мужик «ямоқ» сифатига жуда ўринли бир от ҳам қўшиб айтди, лекин бу сўз киборлар тилида ишлатилмаганлиги учун уни тушириб қолдирамиз. Ҳар ҳолда бу жуда бопта қилиб айтилган ўткир сўз эканини дарров тушуниш мумкин эди, чунки мужик аллақачон кўздан ғойиб бўлиб, анча йироқлашиб кетган бўлса-да, Чичиков ҳали



ҳам бричкада кулимсираб борарди. Рус халқи сўзни жуда дўндириб айтади-да! Агар бир кишига бирон лақаб қўйса, бу лақаб у кишининг бутун насл-насабига ва авлодига ўтади, бу лақабни хизматда ҳам, истезфога чиққанда ҳам, Петербургга борганда ҳам, дунёнинг нариги чеккасига борганда ҳам ўзи билан олиб юраверади. Сўнгра ўз насл-насабининг олий даражага кўтаришга қанча уринма, сотқин мирзаю мирзабошиларга пора бериб, ўз наслингни қадимий князь наслидан деб ёздирма, барибир фойдаси бўлмайди: лақабнинг ўзи ҳар жойда қарга каби овози борича қағиллаб, қаёқдан учиб келганингни аниқ айтиб беради. Айтилган сўз — отилган ўқ дейдилар! Русь элининг на немис, на чухон ва на бошқа қабилалари бўлмаган жойидан чиққан ҳар бир сўз шундай ўткир, соф, жонли бўлади ва ўткир рус ақл-идроки сўз қидириб овора бўлиб юрмайди, курк товук жўжа очгандай имиллаб ўтирмайди, балки сўзни умрбод берилган паспортдек бирдан ёпиштириб қоладики, кейин бурнинг ёки оғзинг қанақалигини тасвирлаш учун ортиқча сўз керак бўлмайди, бир сўз билан бошдан оёғинггача тасвирланган бўлади!

Муқаддас, пок Русияда тепаси гумбазли, қуббали, крестли черков ва монастырлар сон-саноқсиз бўлгани сингари, ер юзида ҳам сон-саноқсиз қабилалар, авлодлар, халқлар бор. Рухнинг яратувчилик қобилияти билан тўла куч-қувватга, порлоқ хусусиятларга ва худо берган бошқа фазилатларга эга бўлган ҳар бир халқ ўз сўзи билан бошқа халқлардан ажралиб туради, бу сўз билан у бирон нарсани ифода қилар экан, бу ифодада ўз феъл-атворининг бир қисмини акс этдиради. Британликнинг сўзида қалбшунослик ва ҳаётни оқилона билиш яққол кўриниб туради; французнинг умри қисқа сўзи чиройли йилтираб бир порлайди-ю, яна дарров сўниб қолади; немис ҳам ҳамма тушунавермайдиган, ғалати, оқилона сўзларни ўйлаб топади; лекин рус сўзидек маъноси кенг, шўх, юракнинг тагидан отилиб чиқадиган, жўш урадиган ва жилваланиб турадиган ўткир сўз йўқдир.






### Олтинчи боб

**Б**ир вақтлар, бундан анча илгари, ёшлигимда, хаёл каби ўтиб кетган болалик чоқларимда, таниш бўлмаган бирон жойга биринчи марта борганимда қувонардим: хоҳ кичкина бир қишлоқ ёки кўримсиз бир уезд шаҳарчаси бўлсин, хоҳ катта қишлоқ ёки слободка бўлсин — менинг учун барибир эди, ҳар нарсага қизиқиб қарайдиган болалик назари бу жойда кўпгина қизиқ-қизиқ нарсаларни кашф этарди. Ҳар бир иморат, кўзга кўринарли бирон хусусияти бўлган ҳар бир нарса менинг диққатимни жалб қилар ва мени ҳайратга соларди. Мешчан аҳолининг бир қаватли ёғоч уйлари орасида якка-ёлғиз қаққайиб турган, маълум архитектура услубида солинган ва деразаларининг ярмиси қалбаки бўлган пошшолик уйими

ёки қордай оппоқ қилиб бўялган янги черковнинг бошдан-оёқ оқ тунука билан қопланган гирдиғум гумбазими, ёхуд бозорми, ёинки шаҳарнинг ўртасида учраб қолган уезд олифтасими,— ҳеч бир нарса менинг диққат назаримдан қочолмас эди; миниб бораётган аравамдан бошимни чиқариб, ҳали ҳеч кўрилмаган бичими ғалати сюртукка, сабзаёт дўконлари эшигидан кўриниб турган, мих, гугурт, майиз ва совун солиб қўйилган қутиларга, қуриб қолган москва конфетлари солинган банкаларга, кўчанинг бир четидан кетаётган ва ким билсин қайси губерниядандир келиб, бу хафагазак уезд шаҳарига тушиб қолган бир пиёда аскар офицерига, беш бел камзул кийиб, кичкина аравани чоптириб кетаётган бир савдогарга қарар эканман, фикран мен ҳам улар кетидан фақирлик ҳаётига югуриб бораётгандай бўлар эдим. Бирон уезд амалдори ёнимиздан ўтиб қолса, мен шу ондаёқ ўйлаб қолардим: у қаёққа боряпти, бирон биродарининг уйига кечки зиёфатгами, ёки тўппа-тўғри ўз уйигами; агар у тўппа-тўғри уйига борса, аввал ярим соат эшик зинасида ўтиради, сўнгра обдан қош қорайгач, онаси, хотини, хотинининг ҳамшираси ва бутун оиласи билан ўтириб оқшомги овқатни ейди; шўрва ичилгандан кейин, бўйнига тангаларни тизиб тақиб олган оқсоч қиз ёки қалин куртка кийган югурдак ўғил бола шами ёқилган эски хонаки шамдонни келтириб қўйгач, улар ўртасида алланималар тўғрисида суҳбат бошланади. Бирон помешчикнинг қишлоғига яқинлашганимизда, мен ёғоч черковнинг баланд ва ингичка жом минорасига ёки қорайиб кетган кенг ва эски ёғоч черковга қизиқиб қарардим. Помешчик уйининг қизил томи ва оқ мўрилари йироқдан, ям-яшил дарахтлар орасидан менга жилваланиб турарди, мен уйни ўраб олган боғнинг икки томонга қачов айрилиб кетишини ва у вақтда, афсус! хунук бўлмаган бу уй ўзининг бутун маҳобатини қачон кўрсатишини сабрсизлик билан кутардим; уйнинг ташқи кўринишига қараб, помешчик ўзи ким экан, семизмикин, ўғиллари бормикин ёки хандон ташлаб куладиган, ўйин кулги билан вақт ўтказадиган ва кичкинаси ҳамиша чиройли бўладиган бир эмас, олти қизи бормикин, қизларнинг кўзлари қорамикин, помешчик ўзи хушчақчақмикин ёки сентябрь ойининг охири кунларидек қовоғидан қор ёғармикин ва календарга қараб болаларни зериктирадиган жавдар ва бугдойдан сўзлармикин, деб билиб олишга тиряшардим.

Энди эса таниш бўлмаган ҳар бир қишлоққа бепарво яқинлашиб боравераман ва унинг хунук кўринишига лсқайд қарамайман; мени:г кўзимга ҳамма нарса совуқ кўринади, ҳеч нарса мени кулдирмайди, илгари, болалик чоқларимда мени ҳаяжонлантирган, кулдирган ва гинмай сўзлатдирган нарсалар эндиликда асло диққатимни тортмайди за мен оғзимни қаттиқ юмиб, улар ёнидан сукут билан лоқайд ўтиб кетавераман. О, менинг ёшлик чоқларим! о, навқиронлигим!

Чичиков ҳали ҳам мужикларнинг Плюшкинга қўйган лақаби тўғрисида ўйлаб, ичида кулиб борарди, шунинг учун ҳам у уйлари ва кўчалари қаторлашиб кетган катта қишлоқнинг ўртасига қандай бориб қолганини сезмади. Аммо тез орада ғўла ёғочлар тўшаб ясалган йўл бричкани қаттиқ кўтариб ташлаб, унга қаерга келганини сездирди, бу йўл олдида шаҳарнинг тош йўли ҳеч гап эмас эди. Ғўлалар фортепьяно клавишларидек гоҳ юқори кўтарилар, гоҳ пастга тушар, эҳтиёт бўлиб юрмаган йўловчи ё бошини, ё пешонасини ғурра қилиб слар ёки тилини ғарчча тишлаб олар эди. У қишлоқнинг бутун иморатлари қандайдир жуда эскириб кетганини кўрди: уйлarning ёғочлари қорайиб ва эскириб қолган, томларнинг кўпи ғалвирдай илматешик бўлиб кетган эди; баъзи уйлarning тепасида фақат хариси, ён томонларида эса қовурғага ўхшаб синчлари қолган эди. Чамаси, уй эгалари томларнинг тахталарини ўзлари қўпориб олган ва ўйлаб қараганда албатта тўғри иш қилган эдилар, чунки ёмғир ёғса, барибир



чакка ўтарди, ҳаво очиқ бўлса, барибир томмасди; модомики қовсқ-хонада, катта йўл бўйида — хуллас, хоҳлаган жойда кенг яйраш мумкин экан, хотин кишидек уйда ўтиришнинг нима кераги бор. Уй деразаларининг ойнаси йўқ, баъзиларига латта ёки эски чакмон тикиб қўйилган эди; баъзи рус уйларининг томи остига нима сабабдандир қилинадиган панжарали балконлар бир тсмонга қийшайиб ва ҳаттоки хунуги чиқиб қорайиб турарди. Уйларнинг орқасида, кўп жойда катта-катта ғалла ғарамлари қатор тизилиб кетган, чамаси, улар кўпдан бери шу ҳолича ётган эди; уларнинг ранги яхши пиширилмаган эски ғиштга ўхшарди, тепасида ҳар хил ўт ўсиб, ҳатто ён-верини буталар чирмаб ётарди. Бу ғалла, афтидан, помешчикка қарашли эди. Бричка ўнг-сўлга бурилган сари, гоҳ ўнг томонда, гоҳ сўл томонда ғалла ғарамлари ва эски томлар орқасидан очиқ ҳавода бири ёғочдан, бири ғишдан ясалган ёнма-ён икки черков кўринарди, уларнинг деворлари сарғайиб, кирланиб ва ёрилиб кетган эди. Секин-секин помешчикнинг уйи кўрина бошлади; ниҳоят, қаторлашиб кетган уйлар тамом бўлгач, помешчикнинг уйи бутун қаддини кўрсатди, ўрталикдаги бўш ерга сабзавот экилган, сабзавотнинг теварак атрофи баъзи жойлари бузилган пастак девор билан ўраб олинган эди. Ҳаддан ташқари узун бўлган бу ғалати қаср мункиллаб қолган инвалидга ўхшарди. Унинг баъзи жойлари бир қаватли, баъзи жойлари икки қаватли эди; нураб қолган гавдасини яхшигина бекита



олмаган ва қорайиб кетган томида икки шийпон бир-бирига рўпара турарди, иккаласи ҳам лиқиллаб қолган ва бир вақтлар ўзларига ҳусн бериб турган ранг-бўёғидан ҳам маҳрум бўлган эди. Деворлар баъзи жойларидан шувоқлари кўчиб, ола кесак бўлиб қолган, ва, афтидан, улар қор-ёмғирдан, довул-бўронлардан ва кузнинг айнама-чоқ ҳавосидан кўп зиён-захмат кўрган эди. Деразалардан фақат ик-китаси очиқ, қолганлари дераза эшик билан бекитиб қўйилган ёки бутунлай тахта қоқиб ташланган эди. Бу икки очиқ дераза ҳам хирароқ, улардан биттасига уч бурчак шаклида кўк қанд қоғози ёпиштириб қўйилган эди.

Уйнинг орқа томонида чўзилиб, қишлоқдан чиқиб далаларга турашиб кетган эски катта боғни ўт-ўлан босиб ҳувиллаб ётарди, ёлғиз ана шу боғ бу кенг қишлоққа ҳусн бергандай бўлиб кўринарди, бинобарин, ўзининг паришон манзараси билан жуда кўркем бўлиб турган ёлғиз шу боғ эди. Эркин ўсиб бир-бирига чирмашиб кетган дарахтларнинг кўм-кўк булутга ва барглари титраб турган қийшиқ садага ўхшаш бошлари осмону фалакка етган эди. Бўронми ёки яшин синдирганидан учи тўмтоқ бўлиб қолган қайин дарахтининг йўғон оқ танаси бу қалин кўкаламзор ичидан ялтироқ мрамор устундек қад кўтариб турарди; унинг ёндамасига синиб ингичкаланиб қолган тепаси гўё мрамор устуннинг иморатга бориб туташган бошидек қордай оппоқ танаси устида қора телпак ёки қора қушга ўхшаб кўринарди. Қарагай, четан, ёввойи ёнғоқ буталарини бўғзидан бўғиб олиб, сўнгра четан девор оша юқорига чўзилиб кетган девпечак синган қайин танасини ярмигача чирмаб олган эди. Қайин танасининг ярмига етгандан кейин у пастга осилиб тушиб, бошқа дарахтларнинг учига ўралиб олган, ёки ўзининг ингичка чирмовуларини гажак қилиб ҳавода осилиб қолган ва сал қимирлаб турар эди. Баъзи жойларда дарахтларнинг қуёш нури тушган тепалари айрилиб кетган эди, улар орасидан ёруғлик тушмайдиган қоронғи ғорга ўхшаган бир чуқурлик кўринарди; бу ерни қора кўланка тамом қоплаб олган эди; бу қоронғи чуқурликнинг тубида торгина бир йўл, бузуқ панжара, лиқиллаб турган шийпон, эски толнинг кавак танаси, тол орқасидан қалин тиканаклари туртиб чиққан ва қуёш нуруни кўрмаганидан қуриб қовжираб қолган оқ чангалнинг бир-бирига ўралиб, чалкашиб ётган шохчалари ва барглари, ниҳоят, қўл панжасидек катта-катта япроқ-

ларини ён томондан чўзган заранг дарахтининг ёш новдаси ғира-шира кўзга ташланарди; қандайдир бир япроқ остига кириб қолган қуёш нури бирдан уни бу қоронғиликда ғалати бўлиб порлаб турган оловга ўхшатган эди. Четроқда, боғнинг энг чеккасида эса бошқа дарахтларга қараганда анча бўйдор бақатеракларнинг ларзон шохларига қарғалар катта-катта уя солган эди. Бақатераклардан баъзиларининг чала синдирилган шохлари қуриган япроқлари билан ерга осилиб ётарди. Хуллас, ҳаммаси яхши эди, на табиат, на санъат ўзича бундай яхши нарсаларни ярата олмас, лекин табиат билан санъат бирга қўшилгандагина бундай ҳол бўлиши мумкин эди, шунда устустига қилинган ва кўпинча беҳудага кетган инсон меҳнатини табиат узил-кесил тарашлаб ўтиб, оғирликларни енгиллаштиради, кишига қўпол туюладиган мутаносибликни ва қипяланғоч бўлиб кўзга чалиниб турган қашшоқлик нуқсонларини йўқ қилади, сўнгра бир маромдаги тозалик ва озодаликнинг совуқ оғушида яратилган ҳамма нарсага ажойиб ҳарорат бахш этади.

Бизнинг қаҳрамонимиз бир-икки қайрилишдан ўтгандан кейин, ниҳоят, худди уйнинг олдига келиб тўхтади; уй ҳозир унга янада аянчроқ кўринди. Тахта девор ва дарвоза ёғочларини кўм-кўк пўпанак босиб ётган эди. Ҳовли бети зич иморатлар: хизматкорларнинг вайрона кулбалари, омборлар, ертўлалар билан тўла эди; уларнинг ўнг ва сўлида нариги ҳовлиларга ўтадиган дарвозалар кўринарди. Булар ҳаммаси бир вақтлар бу ерда кенг кўламда хўжалик юргизилганидан далолат берар, энди эса ҳаммаси ҳувиллаб ётар эди. Бу манзарани жонлантирадиган ҳеч бир нарса йўқ: эшикларни очиб ёпадиган ва кириб-чиқиб юрадиган ҳеч бир киши кўринмас, уйда ҳеч қандай тирикчилик ташвиши ва ҳаракати йўқ эди! Фақат биргина катта дарвоза очиқ, у ҳам бир мужик устига чипта ёпилган юкли аравани ҳайдаб келгани учун очилган ва худди ҳаётдан маҳрум бўлган бу жойга атайин жон киргизмоқ учун келгандай эди; бошқа вақтларда бу дарвоза ҳам берк бўларди, чунки унинг темир ҳалқасига катта бир қулф осиглиқ турарди. Орадан кўп ўтмай, Чичиков биноларининг бири ёнида бир одам қорасини кўрди, у ҳозиргина арава ҳайдаб келган мужикка бир нима деб валдирамоқда эди. Чичиков унинг эркак ёки хотин эканини анчагача ажратолмади. Эгнидаги кўйлаги ғалати, кўпроқ аёллар уй ичида кийиб юрадиган кадетга ўхшарди;

бошидаги қалпоғи помешчикларнинг оқсочлари киядиган қалпоқ хилдан эди; фақат товуши хотин кишининг товушига унча ўхшамас, сал дўрилдоқ эди. «Аёл-ку! — деб ўйлади Чичиков ичида ва шу ондаёқ фикридан қайтди: — йўқ, аёл эмас!». «Албатта, аёл!» — деди у, ниҳоят, унга разм солиб қарагандан кейин. Шу пайт у ҳам Чичиковга тикилиб қолди. Меҳмон унга ғалати бир нарса бўлиб кўринди шекилли, у фақат Чичиковнигина эмас, балки Селифанни ҳам, отларни ҳам думидан то бошигача диққат билан кўздан кечириб чиқди. Унинг белбоғига осилиб турган калитларга ва мужикни жуда ёмон сўзлар билан сўкканига қараб, Чичиков уни омбордор хотин бўлса керак, деб ўйлади.

— Менга қара, онахон,— деди Чичиков, бричкадан туша туриб,— барин?..

Омбордор хотин унинг саволини тамом қилгани қўймай; сўзини бўлиб:

— Уйда йўқ,— деди ва бирпасдан кейин:— Хўш, сизга нима керак? — деб сўради.

— Иш бор!

— Уйга кириңг! — деди омбордор хотин ва орқасига бурилди, шу пайт Чичиковнинг кўзи унинг унга беланган елкасига ва кўйлагининг пастроғидаги йиртиғига тушди.

Чичиков кенг ва қоронғи даҳлизга кирар экан, ертўладан чиқаётгандек муздек совуқ юзига урди. Даҳлиздан уйга ўтди, уй ҳам қоронғи эди, фақат эшикнинг пастидаги кенг туйнукдан тушган шуъла уни сал ёритиб турарди. Бу эшикни очгач, у ниҳоят ёруғликни кўрди ва ундаги тартибсизликни кўриб ҳайратда қолди. Бугун гўё уй кўтарилиб, ҳамма поллар ювилмоқчи-ю, шунинг учун ҳамма мебеллар бу ерда устма-уст қалаб қўйилгандай кўринарди. Ҳатто столларнинг бири устида бир синиқ стул ва унинг ёнида капгири тўхтаб қолган бир соат турарди, соатга ўргимчак уя солиб олган эди. Шу ернинг ўзида деворга суяб қўйилган бир шкаф бўлиб, ичида қадимий кумуш идиш-товоқлар, кичкина-кичкина графинчалар ва чинни асбоблар турарди. Бир ёзув столи садаф билан безатилган, аммо баъзи жойларидан садафлари тушиб, елими кўриниб турган узун-узун сариқ чуқурчалар қолган эди; бу стол устида ҳар хил нарсалар: тепасида тухумнинг шакли солинган ва кўкишроқ тусга кирган бир мармар пресс ости-



да майда хат билан ёзилган бир тўда қоғоз, чарм муқовали ва қизил ҳошияли эски бир китоб, бутунлай қуриб, кичкина ёнғоққа ўхшаб қолган бир дона лимон, креслоларнинг ўрнидан кўчган тутқичлари, ичидаги қандайдир суюқликка учта пашша тушган ва устига хат ёпиб қўйилган бир қадах, бир бўлак сўрғич, қаердандир топиб олинган бир парча латта, сиёҳга ботирилган ва худди сил касалдан қуриб қолгандек иккита пат қалам, сарғайиб кетган, эҳтимол, уй эгаси французлар Москвага бостириб келишидан илгари тишини кавлаб юрган бир тиш кавлагич бор эди.

Деворларга бир-бирига зич қилиб, тартибсиз равишда бир неча сурат осилган; бир расмда қандайдир бир жанг — катта-катта барабанлар, уч бурчак шапка кийган ва қичқириб турган солдатлар, сувга ботаётган отлар тасвирланган эди; бу ранги сарғайган, узун ва энсиз бир гравюра бўлиб, қизил ёғочдан ясалган ойнасиз бир ромга солиб қўйилган эди; ромнинг четларига ва бурчакларига доира доира қилиб бронза суви югуртирилган эди. Унинг ёнида эса деворнинг ярмини олиб ётган, мой бўёқ билан ишланган ва туси қорайган жуда катта расм бўлиб, унда гуллар, мевалар, сўйилган тарвузлар, чўчқанинг боши ва боши пастга осилиб турган бир ўрдак тасвирланган эди. Шифтнинг ўртасида чипта қопга солинган бир қандил осиглиқ турарди, устини чанг босиб кетганидан худди ичида қурти бор пиллага ўхшаб қолган эди. Столда туришга номуносиб бўлган қўполроқ нарсалар уйнинг бурчида уюлиб ётарди. Унда нима борлигини билиш қийин, чунки устини қалин чанг босиб ётарди ва унга қўл урган кишининг қўли қўлқоп кийганга ўхшаб қоларди; унда тузукроқ кўзга чақинган нарсаси — бир бўлаги синиб тушган ёғоч курак билан этиқ тагчарми эди. Стол устида эски бир қалпоқ турмаганида, бу уйда жонли нарсаси яшайди деб ҳеч айтиб бўлмасди. Чичиков уйни безаган бу ажойиб-ғаройиб нарсаларга қараб тураркан, эшик очилиб, бояги омбордор хотин кирди. Тузукроқ разм солиб қараса, у омбордор хотинга эмас, омбордор эркакка кўпроқ ўхшарди, маълумки, омбордор хотин бўлса соқолини қирдирмас эди, чунки хотинларда соқол бўлмайди. Бу эса соқолини қирдирган, ўзи ҳам сийрак соқол, кўсанамо эди, чунки бутун ияги ва чакаги от қашилайдиган темир қашлағичга ўхшарди. Чичиков юзида савол аломати билан бу омбордорнинг нима демоқчи эканини сабрсизлик билан кутиб турарди.

Омбордор ҳам Чичиковнинг нима дейишини кутиб турарди. Ниҳоят Чичиков бу ғалати ҳолдан таажжубланиб сўради:

— Хўш, барин қаерда? Уйдаими?

— Уй эгаси шу ерда,—деди омбордор.

— Хўш, қани?— такрор сўради Чичиков.

— Нима, отам, кўзингиз кўрми дейман? — деди омбордор.—Ана холос! Уй эгаси мен бўламан!

Шу топда қаҳрамонимиз беихтиёр орқага чиғаниб, унга тикилганча қолди. У ўз умрида ҳар хил одамларни, ҳатто китобхон билан биз, эҳтимол, бир умр кўролмайдиган одамларни кўп кўрган эди-ю, аммо бунақа одамни ҳали сира кўрмаган эди. Унинг юзида айтарли бир аломат йўқ, юзи қотма чолларнинг кўпида бўладиган юзлардан эди, фақат ияги жуда олдинга туртиб чиққан эди, шу сабабдан, сўзлаганда тупуги чиқиб кетмаслиги учун ҳар сафар оғзини дастрўмолчаси билан бекитарди; кичкина кўзлари ҳали нурини йўқотмаган ва худди қоронғи тешикдан узун тумшугини чиқариб кулоқларини диккайтириб ва мўйловларини қимирлатиб, мушук ёки шўх бола бирон жойда мени пойлаб турмаганмикин, деб мўралаб қарайдиган ва гумонсираб ҳавони искайдиган сичқоннинг кўзларидек ўсиқ қошлари остида ўйнаб турар эди. Аммо эгнидаги либоси жуда ажойиб эди: қанча уриниб-тиришиб, ағдар-тўнтар қилиб қараганда ҳам, унинг ҳалати нимадан қилинганини билиш мумкин эмас эди, энглари ва этакларининг олди шу қадар кирланиб яғири чиқиб кетган эдики, худди этик тикиладиган булғори чармга ўхшарди. Орқасида икки этак ўрнига титиғи чиққан тўрт этак осилиб турарди. У бўйнига алланимани боғлаб олган, унинг пайпоқ эканини ҳам, пайпоқ боғичи эканини ҳам, қоринбоғ эканини ҳам билиб бўлмас, ҳар ҳолда галстук эмас эди. Хуллас, агар Чичиков уни шу кийимда черков олдида кўрганида, эҳтимол, унга бир қора чақа чиқариб берган бўларди, чунки қаҳрамонимизнинг мақтовга лойиқ томони шуки, у кўнгли юмшоқ киши эди, тиланчини кўрса, бир қора чақа бермасдан сира ўтолмас эди. Аммо ҳозир унинг олдида тиланчи эмас, помешчик турган эди. Бу помешчикнинг минг жондан ошиқ деҳқони бор, ундаги омбор-омбор ғалла, дон, ун ва шу каби озиқлар бошқа кимда бор, кимнинг омборлари, болохоналари, чордоқлари уникадек тоғ-тоғ матога, мовутга, ошланган ва ошланмаган териларга, қуритилган балиққа ва ҳар

хил сабзавотга ёки бошқа емишликларга тўла дейсиз!.. Бирон киши унинг саройига кириб, унда запас қилиб қўйилган ва ҳеч қачон ишлатилмаган ёғоч буюмлар ва идишларни кўрганда эди, у худди Москвадаги ёғоч буюмлар бозорига боргандай бўларди, яъни ҳар кун у ерга корчалон қайнаналар орқаларидан ошпазларини эргаштириб бориб, ўзларига керакли уй-рўзгор буюмларини сотиб олардилар; бу бозорда тилинган, йўнилган, тарашланган ва тўқилган ёғоч буюмлар, бочкалар, челақлар, қўшқулоқлар, қопқоқли пақирлар, бўғизли ва бўғизсиз мундилар, саватлар, аёллар лос ва бошқа нарсаларини қўядиган қутичалар, ҳар хил дарахтларнинг пўстлоғидан тўқилган қути ва идишлар тоғ-тоғ бўлиб оқариб ётади ва булар Русиядаги бойлар ва камбағалларнинг эҳтиёжларига кетади. Хўш, бу қадар кўп буюм Плюшкиннинг нимасига керак эди? Ҳатто унинг мулки ҳозиргидан икки баравар катта бўлганда ҳам бу қадар буюмни умр бўйи ишлатиб битиролмас эди, лекин бу ҳам унга оз бўлиб кўринарди. Бунга қаноатланмасдан у ҳар куни ўз қишлоғининг кўчаларини кезиб юрар, кўприк ва якка чўпларнинг тагига қарар ва қўлига тушган ҳар бир нарсани: эски тагчармми, хотинларнинг латта-путтасими, михми, сополми — ҳаммасини уйига олиб келиб, боя Чичиков уйнинг бурчида кўрган лаш-лушлар устига ташлар эди. Унинг қишлоқ кўчаларида тимискиланиб юрганини кўрган мужиклар ҳар сафар: «Ана, балиқчи балиқ овлашга кетди!» деяр эдилар. Ҳақиқатан ҳам ундан кейин кўчаларни супуришнинг кераги йўқ, агар бирон ўткинчи офицер шпорини йўқотиб қўйса, бу шпор дарҳол лаш-лушлар уюмида бўлар эди; агар бирон аёл алаҳсиб челагини қудуқ ёнида унутиб кетган бўлса, Плюшкин бу челақни ҳам уйига кўтариб кетар эди. Борди-ю, бирон мужик унинг ўғрилиги устидан чиқиб қолса, у ҳеч нима демасдан ўғирлаган нарсасини қайтариб берарди; аммо ўғирланган нарса уйнинг бурчидаги лаш-лушлар уюмига тушиб қолгудай бўлса — тамом: у қасам ичиб, бу ўзимники, фалон вақт фалон кишидан сотиб олганман ёки бобомдан қолган, деб туриб оларди. Ўз хонасида кўзига нимаики кўринса, сўрғичми, қогоз парчасими, патми — ҳаммасини олиб ёзув столига ёки дераза тагига қўяр эди.

Аммо бир вақтлар у фақат тежаб-тергаб иш кўрадиган соҳибкор эди! Хотини ва бола-чақалари бор эди; қўшни мулкдорлар уникига келиб зиёфат ер эдилар, ундан маслаҳат олиб, хўжалик юргизишни

ва мол-дунё ортдириш ҳикматини ўрганардилар. Унинг ҳамма ишлари бир меёрда яхши юришиб кетган эди; тегирмон, намат босадиган ишхона, мовут фабрикалари, дурадгорлик дастгоҳлари ва йигириш ишхонаси ишлаб турарди; унинг ўткир кўзлари ҳамма жойда ҳамма нарсани кўрар ва назорат қилиб турарди, у меҳнат севар ўргимчак каби ўз хўжалик тўрининг ҳамма томонига куйиб-пишиб югурарди ва ҳамма ишни эпларди. Унинг юзида у қадар кучли ҳиссиёт аломати акс этмаса-да, лекин кўзларидан ақлли экани кўриниб турарди; у тажриба кўрган ва дунё ишларидан хабардор бўлган одам сингари сўзларди, меҳмон ҳам унинг сўзларини маҳлиё бўлиб тингларди; унинг чеҳраси очиқ, хушчақчақ хотини меҳмондўстлиги билан шуҳрат қозонган эди; қўнғир соч, қизил гулдек тоза икки дилбар қиз меҳмонлар қаршисига югуриб чиқишарди, шўх ўғилчаси ҳам югуриб келиб, ҳамма билан ўпишиб кўришарди ва бу иши меҳмонга хуш келиш-келмаслигига унчалик аҳамият бермас эди. Уйининг ҳамма деразалари очиқ турарди. Француз муаллим кичкина, пастак болохоначалардан бирида истиқомат қиларди, у соқолини жуда бино қўйиб қирарди ва яхши мерган эди; пешинли овқатга у ҳамиша, ё каклик, ё ўрдак, ёки баъзан чумчуқ тухумларини кўтариб келарди, бу тухумлардан ўзига қўймоқ пиширтирарди, чунки уйда ундан бўлак ҳеч ким чумчуқ тухумини емас эди. Болохоначалардан бирида унинг ватандоши, икки қизнинг мураббияси ҳам истиқомат қилар эди. Уй эгаси сюртук кийиб дастурхонга келарди; сюртуги янги бўлмаса ҳам, тоза бўларди, тирсакларида ҳеч қандай ямоғи бўлмас эди. Лекин меҳрибон хотини ўлиб қолди; калитларнинг бир қисми унга ўтди ва калитлар билан бирга бир қанча майда-чуйда ташвишлар ҳам унинг гарданига тушди. Плюшкин безовта бўлиб қолди, барча бева кишилар сингари, ҳаммадан гумонсирайдиган ва ҳаммага шубҳа билан қарайдиган бўлди, хасис-зиқна бўла бошлади. У ҳамма ишни катта қизи Александра Степановнага ишониб топширолмас ва шундай қилишга ҳақли ҳам эди, чунки орадан кўп ўтмай Александра Степановна қандайдир бир отлиқ аскар полки штабс-ротмистри билан қочиб кетди ва қайси бир қишлоқ черковида апил-тапил никоҳ ўқитиб унга тегиб олди, негаки у отасининг ғалати одатини билар эди; отаси офицерларни яхши кўрмас ва унинг фикрича, гўё ҳамма ҳарбийлар қартабоз ва бадхарж-исрофгар эди. Отаси қочган қизини қарғаб қолди, лекин

эрқасидан қувиб бормади. Александра Степановна кетгандан кейин уй яна ҳувиллаб қолди. Плюшкинда хасислик тобора кучайди; унинг қаттиқ сочларида хасислигининг содиқ дўсти — оқ пайдо бўлиб, хасислиги бадтар ортиб кетди. Француз муаллимга жавоб берилди, чунки ўглининг хизматга кетадиган вақти келиб қолган эди; француз хоним уйдан қувилди, чунки Александра Степановнанинг офицер билан қочиб кетишига у ҳам гуноҳкор эди; Плюшкин ўглига губерния шаҳарига бориб, палатада яхшироқ бир хизматга киришни буюрган эди, лекин ўгли бориб, ўз бошича полкда ҳарбий хизматга кирди ва отасига хат ёзиб, ҳарбий кийим сотиб олиш учун пул юборишни сўради, жуда табиийки, у пул ўрнига, оддий халқ орасида айтилганидек, шимилдириқ олди. Ниҳоят, Плюшкинни уйда ўзи билан қолган кичик қизи ҳам ўлиб, чол сўққа боши билан ўз давлатининг ҳам қоровули, ҳам сақловчиси, ҳам эгаси бўлиб қолди. Танҳо ҳаёт кечириш унинг хасислигига озиқ берди; маълумки, хасислик бўридек оч бўлади ва қанча кўп еса, шунча тўймайди; Плюшкинда бусиз ҳам чуқур бўлмаган инсоний туйғулар минут сайин саёзлашаверди ва нураб, хароб бўлаётган бу вужудда кун сайин бир нарса йўқолаверди. Худди шу аснода, гўё унинг ҳарбийлар ҳақидаги фикрини атайин тасдиқлагандек, ўгли қартага ютқазиб қўйса бўладими; у ўглини роса қарғаб, унга мингдан-минг лаънатлар ўқиди ва шундан кейин унинг дунёда бор йўқлиги билан асло қизиқмади. Йилдан-йилга уйининг деразалари бекитиб ташланаверди ва бора-бора охири икки дераза очиқ қолди, улардан ҳам бирига китобхон кўрганидек, қоғоз ёпиштирилган эди; хўжаликнинг асосий қисмлари йил сайин унинг назаридан қочаверди ва унинг паст назари ўзи ётадиган хонасидан териб оладиган парча-парча қоғозу патларга кўпроқ тушадиган бўлиб қолди; хўжалик маҳсулотларини кўтарасига сотиб олиш учун келган кишиларга юқори баҳони айтиб, бир сўзда туриб оладиган бўлди; мол олувчилар савдолаша-савдолаша охири, бу одам эмас, иблис деб мол олмай чиқиб кетардилар; пичан ва ғалла чириб кетар, ғарам ва хирмонлар турган жойида чириб, гўнг бўлиб қоларди, уларга энди карам экиб ўстирса ҳам бўлаверарди: ертўлалардаги ун тошдай қотиб қоларди ва уни болта билан чопиб олиш керак бўларди; омборларда тўпланиб ётган мовут, мато ва хонаки бўзларга қўл тегизиб бўлмас, қўл тегизилса тўзғоқдек тўзиб кетарди. Нимаси ва қанча моли борлигини ўзи ҳам

унутиб қўйган эди, фақат ичида мева ароғи қолган графин шкафнинг қаерида турганлигини, эски пат ёки сўрғични қаерга қўйганлигини эслай оларди, холос; ҳатто биров ароқни ўғирлаб ичиб қўймасин деб ўз қўли билан графинга белги қилиб қўйган эди. Ҳолбуки хўжаликнинг даромади илгаригидек тўкис эди: ҳар бир мужик илгариги миқдорда оброк берар, ҳар бир аёл илгариги миқдорда ёнғоқ териб келтирар, ҳар бир тўқувчи хотин илгариги миқдорда мато тўқир эди; бу нарсаларнинг ҳаммаси яна оғборларга солинар, ҳаммаси яна чириб-ириб, нобуд бўлиб кетарди, шу тариқа Плюшкиннинг ўзи ҳам охири одамгарчиликдан чиқиб, чирик бир вужудга айланган эди. Александра Степановна бирон нима ундириб олиш ниятида ўғилчасини кўтариб бир марта отасиникига келди; афтидан, штабс-ротмистр билан ўтказаетган дарбадар ҳаёти тўйдан илгари ўйлагандек яхши эмас эди. Плюшкин ҳар ҳолда қизининг гуноҳини кечди ва ҳатто неварасига ўйнаб ўтириш учун стол устида турган бир тугмани олиб берди, аммо қизига бир чақа ҳам пул бермади. Кейинги сафар келганида у икки ёш боласини кўтариб, отасига чой билан ичиладиган ширин кулча ва янги халат олиб келди, чунки отасининг эғнидаги халати йиртилиб, яғири чиқиб кетган эди, унга қараган киши хижолат бўлар ва ҳатто уяларди. Плюшкин икки неварасини эр-калатди. Бирини ўнг тиззасига, бирини чап тиззасига ўтқазиб, гўё уларни отга миндиргандай тебратди, ширин кулча билан халатни олди, аммо қизига ҳеч нима бермади; шу билан Александра Степановна қуппа-қуруқ жўнаб кетди.

Хуллас, Чичиковнинг олдида ана шундай помешчик турган эди! Шуни ҳам айтмоқ керакки, сиқилиб кун кўришдан кўра, кенг-мўл яшашни ҳамма ҳам яхши кўрадиган Русияда бундай ҳодиса камдан-кам учрайди; айниқса қўшни бўлиб яшайдиган бошқа бир помешчик рус шоввозларига ва рус бойваччаларига хос тўкин-сочинлик билан айш-ишрат қилиб, умрини кайф-сафо билан ўтказса, бу ҳол янада таажжублироқ бўлар экан. Бегона бир ўткинчи бу помешчикнинг кошонасини кўргач, ҳайрон бўлиб тўхтаб қолади, кўримсиз, кичик мулкдорлар орасига бу мулкдор шаҳзода қасрдан келиб қолди экан, деб ажабланади; гиштин оқ уй худди қасрга ўхшайди, унинг сон-саноксиз трубалари, флюгерлари, қатор-қатор ойна-равонлари, шинам меҳмонхоналари ва бошқа чиройли иморатлари кишини мафтун

қилади. Унда нималар йўқ дейсиз? Театрларини, балларини айтмай-сизми! Бутун кечаси билан чарогон бўлган боғда музика садолари қулоқни қоматга келтиради. Губерниянинг ярмиси ясаниб-безаниб, шод-хуррамлик билан дарахтларнинг остида сайр қилиб юради: ясама шуъла билан ёритилган ва унинг табиий яшиллигидан маҳрум бўлган бир дарахт шохи сунъий равишда қалин дарахтлар орасида барқ уриб тураркан, бу зўраки ёруғлик ҳеч кимга ваҳшат ва даҳшат солмайди, кеча осмони эса юқорида янада қоронғироқ, янада ҳайбатлироқ ва йигирма баравар қўрқинчлироқ бўлиб кўринади; осмонда, қоп-қора зулмат ичида япроқлари силкиниб турган дарахт бошлари таналарини ёритиб турган бу ясама ёруғликка қарши ға-забланадилар.

Плюшкин бир неча минутдан бери бир сўз айтмасдан, Чичиков қаршисида жим турарди; Чичиков эса бир томондан уй эгасининг афт-андомига, бир томондан уйдаги нарсаларга алахсиб ҳали ҳам сўзини бошлай олмаган эди. У узоқ ўйласа ҳам бу ерга келиши сабабини айтиш учун сўз тополмади. У, мен сизнинг соҳиб фазилат ва нодир қалб эгаси эканингизни эшитиб, ўз эҳтиромимни шахсан изҳор қилмоқни бурчим ҳисоблаб, ҳузурингизга келдим, демоқчи бўлди-ю, лекин дарров ўзини тутиб, бу жуда ҳам ортиқча бўлади, деб ўйлади. У уйдаги нарсаларга кўз қири билан яна бир марта назар солгач, «соҳиб фазилат» ва «нодир қалб эгаси» деган сўзлар ўрнига «тежаш» ва «тартиб» деган сўзларни бемалол ишлатиш мумкинлигини сезди ва шунинг учун ҳам гапининг жумласини қайтадан тузиб, сизнинг тежаб-тергаб иш кўришингиз ва мулк-амлокингизни ноёб бир тартибда идора қилишингиз борасида кўп яхши гаплар эшитиб, сиз билан танишиб, ўз эҳтиромимни шахсан изҳор қилмоқни бурчим ҳисоблаб ҳузурингизга келдим, деди. Албатта, бундан ҳам яхшироқ бир сабаб кўрсатиш мумкин эди, лекин шу топда унинг миясига бошқа ҳеч нима келмади.

Бу гапга Плюшкин лабларини қимирлатиб ниманидир минғиллаб қўйди, чунки унинг тишлари йўқ эди, шунинг учун нима дегани маълум эмас, аммо минғиллаши тахминан: «Э, эҳтироминг билан бирга жин урсин сени!» деган мазмунда эди. Лекин меҳмондўстлик бизда шу қадар расм-таомил бўлиб кетганки, ҳатто хасис киши ҳам унинг қонунларидан четга чиқолмайди, шунинг учун ҳам Плюшкин

шу ондаёқ бир оз бурро қилиб: «Бош устига, қани ўтирсинлар!» деди.

— Мен кўпдан бери меҳмон кўрган эмасман,—деди у,—тўғриси-ни айтсам, меҳмондан фойда йўқ. Бир-бириникига меҳмон бўлиб бориш каби ярамас одатни чиқаришибди, хўжалик ишлари эса ўлда-жўлда... тагин меҳмоннинг отига қара, ўт сол! Мен аллақачон овқатланганман, ошхонам ҳам пастак, ярамас, мўриси бутунлай қулаб тушган: ўт ёқсанг, ёнгин чиқиб кетиши ҳам мумкин.

«Ана холос!— деб ўйлади Чичиков ичида:— яхшиямки, Собакевич-никида ватрушка билан бир бўлак қўй биқинини еб олган эканман».

— Гарчи бу жуда бемаза латифага ўхшаса-да, бутун хўжаликда бир тутам ҳам пичан йўқ!— деб сўзида давом этди Плюшкин.— Дарҳақиқат, бу аҳволда пичан сақлаб бўладими? Ер оз, мужик ялқов, ишлагиси келмайди, фикри-хаёли қовоқхонада... яна қариган чоғим-да тиланчилик қилиб юрмасам дейман!

— Бироқ, менга айтишларига қараганда,—деди Чичиков тавозе билан,— сизнинг мингдан ошиқ деҳқонингиз бор экан.

— Ким айтди буни сизга? Отам, сиз бу гапни айтган кишининг башарасига тупурмабсиз-да! У ҳазилкаш бўлса керак, сизни калака қилмоқчи бўлган. Плюшкиннинг минг жон деҳқони бор, деб гап қилишади, мана келиб санаб кўришсин, ҳеч нима чиқмайди санагани билан! Кейинги уч йилда лаънати безгак касали бирталай бақувват мужикларимни қириб кетди.

— Хўш, айтинг-чи! Кўп кишини қириб кетдими? — деб юборди Чичиков, юраги ачигандай бўлиб.

— Ҳа, кўп кишини.

— Айтинг-чи, масалан, неча кишини?

— Саксон нафар бордир.

— Йўғ-э!

— Мен сизга ёлғон гапирмайман, отам.

— Рухсат этинг, тагин бир саволим бор: менинг фикримча, бу жонларни сиз сўнгги ўлпон рўйхати кунидан бошлаб ҳисобласангиз керак?

— Бундай бўлганда худога шукур қилар эдим-а! — деди Плюшкин,— у кундан бошлаб ҳисоблаганда юз йигирма нафарга бориб қолади.

— Ростми? Юз йигирма дейсизми? — деб қувониб кетди Чичиков ва ҳатто ҳайрон бўлиб, анқайиб қолди.

— Отагинам, қариган чоғимда сизга ёлғон гапириб нима қиламан: ёшим етмишга етди! — деди Плюшкин. У Чичиковнинг бундай қувониб кетганидан хафа бўлганга ўхшади. Чичиков бировнинг қайғусига бепарво қараш чиндан ҳам яхши эмаслигини пайқади-да, шу ондаёқ оҳ тортиб, бандалик, кўп ачиндим, деди.

— Эҳ, ачинишликни чўнтакка солиб бўлмайди-ку! — деди Плюшкин. — Мана менинг ёнимда бир капитан туради; ўзи ким билсин қаёқдан келган; сизнинг қариндошингизман, дейди, мени «амакижон, амакижон!» деб юради, қўлимни ҳам ўпади; шунақаям ачиниб додвой кўтарадики, қулоқ қоматга келади. Юзлари қип-қизил, ўлгудек ароқхўр бўлса керак. Афтидан, офицерликда хизмат қилиб, пуллари-ни хўп совурган ёки театр актрисаси уни алдаб шилиб олган бўлса керак; энди эса зўр бериб ачиниб юрибди!

Чичиков куйиб-пишиб тушунтира кетди, менинг ачинишим капитанни кига ўхшаган эмас, бутунлай бошқача, мен қуруқ гапни гапирмайман, буни амалда исбот қиламан, деди ва ишни пайсалга солмай, шу ондаёқ гапнинг пўст калласини айтиб қўя қолди: шундай бахтсизликка йўлиқиб ўлган деҳқонларнинг ҳаммаси учун ўлпон пулини ўз ёнидан тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олишга тайёр эканини билдирди. Бу таклиф Плюшкинни тамоман ҳайратга солгандай бўлди. У кўзларини чақчайтириб, Чичиковга узоқ тикилиб турди-да, ниҳоят, ундан сўради:

— Хўш, отагинам, ҳарбий хизматда бўлганмисиз дейман, а?

— Йўқ, — деди Чичиков муғомбирлик билан, — гражданлик хизматида бўлганман.

— Гражданлик хизматида? — деб такрорлади Плюшкин ва бир нима еятгандай лабларини қимтиди. — Хўш, бу қандоқ бўлди? Бундан ўзингиз зарар кўрасиз-ку?

— Сизни хурсанд қилиш учун зарар кўрсам ҳам майли.

— Оҳ, отагинам! Оҳ, валинеъматим! — деб қичқириб юборди. Плюшкин, шу топда у қувониб кетиб, бурнининг ичида қуюқ қаҳвага ўхшаган бурнаки жуда хунук бўлиб осилиб турганини ва этакларининг барлари икки ёнга йирилиб, ички кийимининг йиртиғи хунук бўлиб очилиб турганини сезмай қолди. — Мен ғариб чолнинг кўнгли-

ни кўтардингиз! Е парвардигор! ё авлиё-ю анбиёлар! . . — Плюшкин ортиқ сўзлай олмади. Бироқ, орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас, унинг ёғочдек ҳиссиз юзида бир лаҳзагина пайдо бўлган бу қувонч ҳеч бир асарсиз шу ондаёқ ғойиб бўлди ва унинг юзи яна аввалгидай қайғули тусга кирди. У дастрўмолчаси билан юз-кўзини артди, сўнгра уни юмалоқлаб юқори лабини арта бошлади.

— Сизни хафа қилмаслик учун ижозатингиз билан бир нарса-ни сўраб олмоқчиман: сиз ҳар йили улар учун ўлпон тўлашни ўз зиммангизга оласизми? Сўнгра пулни менга берасизми ёки пошшолик хазинасига тўлаймизми?

— Биз бундоқ қиламиз: уларни тирик деб васийқа қилдирамиз, кейин уларни гўё менга сотган бўласиз.

— Ҳа, васийқа. . . — деди Плюшкин хаёлга чўмиб ва яна лабларини қимтий бошлади. — Ана шу васийқаси чатоқ экан — кўп чиқим бўлади. Маҳкама амалдорлари жуда ноинсоф! Илгари вақтларда ярим сўм қора-чақа билан бир қоп ун берсанг, ишинг битиб қутулиб кетардинг; энди бир арава ғалла, устига яна бир қизил қоғоз! Ёмон олғир бўлиб кетишибди! Билмадим, нима учун поплар уларга индамайдилар, мундоқ бир панд-насиҳат қилиб қўймайдилар, ҳар нучук улар худонинг сўзига қарши келмас эдилар.

«Кўриб турибман, сен ҳам қарши келмайсан!» деди Чичиков ичида ва дарров Плюшкинга қараб, сизга камол эҳтиром юзасидан васийқага бўладиган чиқимларни ҳам ўз устимга оламан, деди.

Васийқага бўладиган чиқимларни ҳам ўз устига олишини эшитгач, Плюшкин уни аҳмоқ бўлса керак, гражданлик ишида хизмат қилганман деган гапи ҳам ёлгон, у албатта офицер бўлган ва актрисаларнинг кетидан илакиб юрган, деб ўйлади. Шундай бўлса-да, ўз хурсандчилигини яшира олмади ва ёлғиз унга эмас, балки бола-чақаси бор-йўқлигини суриштирмай, бола-чақаларига ҳам ҳар хил яхши тилаклар тилади. Шундан кейин у дераза олдига бориб, бармоқлари билан ойнани чертди-да: «Ҳой, Прощка!» деб қичқирди. Бирпасдан кейин бировнинг ҳансираб даҳлизга киргани эшитилди, у ерда узоқ имирсилаб қолди ва этикларини тапиллатди, ниҳоят, эшик очилиб Прощка кирди: у ёши ўн учларда бўлган ўғил бола эди, оёқларидаги этиги ниҳоятда катталигидан юрганда сўлқиллаб оёғидан чиқиб кетай дер эди. Прощканинг нега бундай катта этик кийганини хозир

билиш мумкин: Плюшкиннинг уйида қанчаики хизматкор бўлса, ҳаммаси учун фақат битта этик бор эди, этик ҳамиша даҳлизда турарди. Қайси хизматкор хўжайиннинг хонасига чақирилса, у ҳовлининг у бошидан оёқ яланг югуриб келарди, даҳлизга кириб этикни киярди, сўнгра хўжайиннинг олдига кирарди. Хонадан чиққач, яна этикни даҳлизга ечиб, оёқ яланг чопиб кетарди. Агар бирон киши куз пайтида, айниқса эрта билан қиров тушган пайтларда деразадан қараса, томошани кўрарди: хизматкорлар оёғи куйган товукдек бирам типирчилаб сакрашардики, театрларда энг чаққон раққоса ҳам бунақа сакрай олмас эди.

— Отагинам, бунинг афт-башарасига бир қаранг!— деди Плюшкин, Чичиковга бармоғи билан Прошанинг юзини кўрсатиб.— Ўзи қипқизил аҳмоқ, аммо бирон нимани қўйгундай бўлсангиз, дарров ўғирлайди! Хўш, аҳмоқ, нега келдинг, айт-чи, нега келдинг?— шу пайт Плюшкин бир оз жим қолди. Прощка ҳам индамади.

— Менга қара, бор самовар қўй, мана бу калитни Маврага бер, омборхонага борсин, токчада Александра Степановна олиб келган қотган кулча бор, ўшани чой билан бирга олиб келсин! . . Тўхта, қаёққа кетяпсан? Аҳмоқ! Эй, аҳмоқ! Ёки оёғингни ажина қитиқляптими? . . Сен аввал гапга қулоқ сол: қотган кулчанинг усти ёмон бўлиб қолган бўлса керак, Маврага айт, уни пичоқ билан қириб олсин, лекин ушоқларини ташламасин, олиб бориб товукхонага сочсин. Менга қара, сен ўзинг омборхонага кирма, агар кирсанг, биласанми нима қиламан! Қайиндан қилинган супурги билан шунақа савалайманки, ўшанда кўрасан мазасини! Ҳозир иштаҳанг карнай бўлиб турибди, унда иштаҳанг тагин яхшироқ очилади! Қани бориб кўрчи омборхонага, мен деразадан қараб тураман-а!— Прощка этигини судраб чиқиб кетгандан кейин Плюшкин Чичиковга қараб:— Буларга ҳеч нимани ишониб бўлмайди,— деди. Шу топда Чичиковга ҳам гумонсираб қарай бошлади. Чичиковнинг кўрсатган бундай фавқулодда олижаноблиги Плюшкинга ақл бовар қилмайдиган нарса бўлиб кўринди ва у ичида: «Қим



билсин, балки бу ҳам анов бадхаржлар сингари қуруқ мақтанчоқдир: чой ичиб олгунча ёлғон-яшиқларни айтиб жўнаб қолар!» деб ўйлади. Шунинг учун Плюшкин ҳам эҳтиёт бўлиш, ҳам меҳмонни бир синаб кўриш мақсадида яна васийқадан гап очди: васийқани тезроқ қилсак яхши бўлар эди, одамга ишониб бўлмайди, бугун бор, эртага худо билсин, нима бўлади, деди.

Чичиков васийқани ҳозироқ қилишга тайёр эканини айтди, бунинг учун ҳамма деҳқонларни рўйхат қилиб беришни талаб қилди.

Плюшкиннинг кўнгли тинчиди, унинг авзондан бир нима қилмоқчи экани кўриниб турган эди, дарҳақиқат, у калитларни олди-да, шкаф ёнига бориб эшигини очди, стаканлар ва чашкалар орасини пийпаслаб узоқ кавлади ва ниҳоят деди:

— Топиб бўладими уни! Жуда яхши ликёрим бор эди, агар уни ҳам ичиб қўйишмаган бўлса! Бу ўғри-каззоблар ичиб ҳам қўяверади! Мана бу эмасмикин?— Чичиков унинг қўлида кичкина бир графин кўрди, уни шунақаям қалин чанг босиб кетган эдики, худди пахтали чопонга ўраб қўйилгандай эди.— Буни марҳума хотиним ўз қўли билан тайёрлаган эди,— деди сўзида давом этиб Плюшкин.— Муттаҳам омбутордор хотин бунга ҳеч бир қарамабди, оғзини ҳам бекитмабди, манжалақи! Ичига пашша ва алланима балолар тушган экан, ҳаммасини олиб ташладим, мана энди топпа-тоза! Бир рюмкагина қўйиб берай, ичинг!

Бироқ Чичиков бундақа ликёрни ичмасликка ҳаракат қилиб, қорвим жуда тўқ, деди.

— Қорним тўқ дейсизми? — деди Плюшкин.— Албатта, дастурхон кўрган, кўзи тўқ одамни дарров билиб бўлади, у емаса ҳам, ичмаса ҳам — ҳаммиша тўқ; бирон ўғри-каззоб келиб қолса — худо урди, қанча едирсанг ҳам тўйдим демайди. . . Мана, масалан, боя мен сизга айтган капитан келади-да: «Амакижон, ейдиган бирон нима беринг!» дейди Ҳолангки, у менга қандай бобо бўлса, мен ҳам унга шундай амаки бўламан. Ҳа, уйда ейдиган нарсаси бўлмаса керак-да, шунинг учун гентираб юради! Ҳа, айтгандай, сиз ана у текинхўрларнинг рўйхатини сўраган эдингиз-а? Ҳа, ўзим ҳам билувдим, ҳаммасини алоҳида рўйхатга олиб қўювдим, янги ўлпон рўйхати бошланса, ҳаммасини ўчиртириб ташлайман деб.

Плюшкин кўзойнагини тақиб, қоғозлар орасини кавлай бошлади. У даста-даста қоғоз боғламларини очаркан, хонада шундай чанг-тўзов кўтарилдики, ҳатто меҳмон аксириб юборди. Ниҳоят, ҳамма томони ёзилган бир қоғозни топди. Деҳқонларнинг номлари чумолининг оёғидек майда қилиб ёзилган эди. Унда ҳар хил отлар: Парамонов; Пименов, Пантелеймонов деган, ҳатто Григорий Бор-боролмайсан деган отлар ҳам бор эди; ҳаммаси юз йигирмадан ошиқроқ эди. Чичиков мунча кўп одамнинг отини кўриб кулимсираб қўйди. У рўйхатни чўнтагига соларкан, Плюшкинга, васийқа қилдириш учун шаҳарга боришингиз керак бўлади, деди.

— Шаҳарга дейсизми? Бу қандоқ бўлади?.. Уйни кимга қолдириб кетаман. Мужикларимнинг ҳаммаси ё ўғри, ё қаллоб: бир кунда шунақаям шилиб қўядики, кафтан осадиган қоziқ ҳам қолмайди.

— Хўп, бўлмаса, у ерда бирон таниш-билишингиз йўқми?

— Таниш қаёқда дейсиз? Ҳамма танишларим ўлиб кетган ёки унутиб юборган. Ҳа, айтгандай, отагинам, нечук бўлмасин, бор!— деб қичқириб юборди Плюшкин.— Раиснинг ўзи таниш, ҳатто бурунги йиллари меникига келиб турарди, мени яхши танийди! Қалин ўртоқ, ҳамтовоқ эдик, бирга девор ошиб юрардик! Нечук танимасин? Жуда яхши танийди-да! Балки ўшанга хат ёзиб берарман?

— Албатта ўшанга ёзинг.

— Бўлмаса-чи, жуда яхши таниш! Мактабдош ўртоқ эдик.

Шу топда унинг ёғочдек ҳиссиз юзида қандайдир илиқ нур пайдо бўлди, бу ҳис эмас, балки ҳиснинг қандайдир сўник акси эди; бу бамисоли сувга ғарқ бўлган киши бирдан сув юзига қалқиб чиққанида, соҳилда турган одамларнинг шодликдан қийқириб юборишига ўхшарди. Лекин қувончлари беҳуда кетган ака-укалари ва опа-сингиллари қирғоқда туриб сувга арқон ташлайдилар ва елкасими ёки мадорсиё қўлими яна бир марта кўриниб қолмасмикин, деб кутадилар, афсуски, у охириги кўриниши эди. Сув тагига чўкиб кетгандан кейин, сувнинг юзи яна тинч ва бўм-бўш бўлиб қолади ва даҳшатли тусга киради. Плюшкиннинг юзи ҳам бир лаҳзагина пайдо бўлган нурдан кейин яна ёғочдек сур ва ҳиссиз бўлиб қолди.

— Стол устида тахта оқ қоғоз бор эди,— деди Плюшкин,— билмадим, қаёққа йўқолибди; менинг одамларим шунақа ярамас киши.

лар! — У столнинг остини қаради, устини қаради, ҳамма ерни ахтарди ва охири:— Мавра! Ҳой, Мавра!— деб чақирди.

Чақирган овозни эшитиб бир аёл келди, унинг қўлида тарелка ва тарелкада, китобхонларга маълум қотган кулча бор эди.

Плюшкин билан аёл ўртасида мана бундай гап бўлди:

— Қоғозни нима қилдинг, йўл тўсар ўғри?

— Худо урсин, барин, кўрганим йўқ, ўзингиз қадаҳинг устига бир парча қоғоз ёпиб қўйган эдингиз, ўшандан бошқасини кўрганим йўқ.

— Кўзларингдан кўриб турибман, олиб бекитгансан.

— Бекитиб нима қиламан уни? Нимамага керак у? Менинг хат-саводим бўлмаса.

— Ёлғон айтасан, уни сўфининг ўғлига элтиб бергансан, у хат билади, ўшанга олиб бориб бергансан.

— Сўфининг ўғлига керак бўлса, ўзи қоғоз топади. Сизнинг бир парча қоғозингизни бошига урадим!

— Қараб тур сен ҳали, ёлғон гапирганинг учун қиёмат куни шайтонлар темир қиздириб босишади! Ўшанда кўрасан!

— Нега энди темир қиздириб босишар экан, мен у қоғозни қўлимга ҳам олмаган бўлсам? Хотинлигимга бориб бошқа бирон иш қилган бўлсам қилгандирман, аммо мени ҳеч ким ҳали ўғри деб ушлаган эмас.

— Аммо шайтонлар темир қиздириб босишади, ўшанда кўрасан! «Баринни алдаганинг учун сен товламачига жазо шу!» дейишади.

— Мен ҳам уларга: «Ноҳақ жазолаётирсизлар мени, худо урсин, ноҳақ олганим йўқ...» дейман. Ана-ку қоғозингиз, стол устида турибди! Ҳамиша беҳудага кишини койисиз!

Плюшкин қараса, қоғоз ҳақиқатан стол устида турибди; у бирпас туриб, лабларини қимтиди-да, сўнгра деди:

— Ҳа, нима бўлибди энди? Мунча жафнинг очилмаса! Жиззакилигини қаранг-а! Унга бир оғиз сўз айтсанг, ўнтасини қўндиради! Бор, чирогни олиб кел, хатни сўрғичлаймиз. Туратур, яна шамни олиб келиб ўтирма, шам эрийдиган нарса: ёқсанг — эрийди кетади, фақат зарар бўлади, бор, қора чирогни олиб кел!

Мавра чиқиб кетди; Плюшкин эса креслога ўтириб, қўлига пап қаламни олди, нимчорак тахта қоғозни анчагача у ёқ-бу ёғини айлап-

тириб кўрди-да, бундан яна нимчорактасини қирқиб олиб бўлмасмикин, деб ўйлади; олиб бўлмаслигини билгач, ниҳоят қаламни пўпанак ва пашша босиб ётган сиёҳдондаги суюқ бир нимага ботириб ёза бошлади; унинг ёзган ҳарфлари музыка нотасига ўхшарди: қўли қалтираб кетаверганидан тез-тез ёзар, сатрлар устига сатирларни чаплаб ташлар ва ҳали ҳам қоғозда кўпгина оқ жой ҳайф бўлиб қолаётганига афсусларди.



Одам ҳам шунчалик разил, пасткаш, губан бўладими! Шунчалик ўзгариб кетади-ми! Ростмикин шулар ҳаммаси? Ҳаммаси рост! Одам ҳар куйга тушиши мумкин. Ҳозир қалби жўш уриб турган ёш йигитга унинг қариллик чоғидаги сурати кўрсатилса, даҳшатга келиб, ўзини орқага ташлар эди. Беташвиш ёшлик йилларидан оғир, машаққатли эрлик йўлига чиққанингизда, одамгарчилик фазилатларини ўзингиз билан бирга олиб кетинг, бу фазилатларни йўлда қолдириб кетманг, кейин уларни тополмайсиз! Келажакдаги қариллик даҳшатли, қўрқинчлидир, у кейин ҳеч нимани қайтариб бермайди! Қабр ундан шафқатлироқ бўлади, қабр устига: «Бу ерда одам дафн қилинган!» деб ёзиб қўйилади, аммо шафқатсиз қарилликнинг совуқ, ҳиссиз юзйда ҳеч нимани ўқиб бўлмайди.

Плюшкин ёзган хатини қатлар экан, сўради:

— Қочоқ деҳқонлар керак бўлган бирон ошнангиз йўқми?

Чичиковнинг кўзлари ўйнаб кетди ва шошиб-пишиб:

— Қочоқ деҳқонларингиз ҳам борми?— деб сўради.

— Бор бўлганда қандоқ. Куёвим, яъни қизимнинг эри суриштириб кўрган эди, дом-дарагини тополмадим; ҳарбий киши-да, фақат шпорли этигини ерга дўқиллатишни билади; судларга айтиб, ҳаракат қилиб кўрса-ку. . .

— Уларнинг сони қанчага етади?

— Етмиш нафарга бориб қолар.

— Йўғ-э?

— Азбаройи худо! Чунки ҳар йили қочади. Ҳазлари ҳам ўлардек мечкай, бекорчиликдан овқат егани-еган, ўзимнинг эса ейдиган нарсам йўқ... Неча пул бўлса ҳам уларни сотиб юборар эдим. Ошнангизга маслаҳат беринг, олсин: ўнтаси топилса ҳам, мўмайгина пул бўлади. Сабабки, ўлпон рўйхатида ҳар бир жоннинг нархи беш юз сўм.

«Йўқ, ошнализга бунинг ҳидини ҳам билдирмаймиз» — деди Чичиков ичида ва сўнгра Плюшкинга тушунтира кетди, менинг сиз айтгандек ошнам йўқ, кейин бу ишни тўғрилашнинг ўзи ҳам катта чиқимни талаб қилади, чунки ишинг бир судга тушдими—тамом, то суднинг қўлидан қутулдим дегунингча хону монингдан жудо бўласан; лекин агар сиз ҳақиқатан ҳам улардан қутулиш дардида бўлсангиз, мен сизнинг дардингизга ҳамдард бўлиб, уларнинг ҳар қайсисига... аммо бу шундай аҳамиятсиз нарсаки, бу тўғрида сўзлаб ўтиришга ҳам арзимайди, деди.

— Хўш, сиз қанчадан берар эдингиз?— деб сўради Плюшкин ва ўзи жуҳуд бўлиб кетди: қўллари симобдек титрай бошлади.

— Жон бошига йигирма беш тийиндан берар эдим.

— Хўш, қанақасига сотиб оласиз, пулни нақд берасизми?

— Ҳа, ҳозирнинг ўзида пулни бераман.

— Фақат, отагинам, мен бечора қашшоққа раҳм қилиб, қирқ тийиндан берсангиз бўлар эди.

— Азизим!— деди Чичиков:— Қирқ тийиндан эмас, беш юз сўмдан берар эдим! Жоним билан берар эдим, чунки кўриб турибман: ҳурматли, меҳрибон бир чол ўзининг кўнгли очиқлиги ва олижаноблиги туфайли зарар кўриб ўтирибди.

— Азбаройи худо, шундай! азбаройи худо, ҳақ гапни айтдингиз!— деди Плюшкин ва бошини қуйи солиб қаттиқ тебрата бошлади.— Буларнинг ҳаммаси очиқ кўнглигимдан!

— Мана, кўрдингизми, мен бирдан сизнинг фазилатингизни билиб олдим. Хўш, ахир нега мен жон бошига беш юз сўмдан бермаслигим керак, аммо... қурбим етмайди; майли яна беш тийиндан ошираман, шундай қилиб, ҳар бир жон ўттиз тийиндан тушади.

— Хўп, отагинам, ихтиёр сизда, лоқал тагин икки тийиндан оширинг.



— Майли, яна икки тийиндан ошираман. Улар ҳаммаси қанча? Етмиш дедингиз, шекилли.

— Йўқ. Ҳаммаси етмиш саккизга боради. 78

— Етмиш саккиз, етмиш саккиз, жон бошига ўттиз тийиндан, бу бўлади. . . — шу пайтда қаҳрамонимиз кўп эмас, фақат бир секундгина ўйлаб, бирдан: — бу бўлади ийгирма тўрт сўм туқсон олти тийин! — деди; у ҳисобга жуда уста эди. Шу ондаёқ, Плюшкинга тилхат ёздириб, пулни берди; Плюшкин пулни икки қўллаб олди-да, худди қўлидаги суюқ бир нарсанинг чайқалиб тўкилишидан қўрққандай, авайлаб ушлаганича ёзув столи ёнига олиб борди. Стол ёнига боргач, пулга яна бир марта разм солиб қаради, кейин столнинг қутиларидан бирига жуда эҳтиётлик билан солиб қўйди; чамаси, бу пул ҳамқишлоғи бўлмиш икки поп, яъни ҳазрат Карп билан ҳазрат Поликард Плюшкиннинг ўзини тупроққа кўммагунча, қизи билан куёвининг ва эҳтимолки, ўзини унга қариндош қилиб юрган капитаннинг ҳам бахти, қувончига шу ерда кўмилиб ётиши аниқ эди; Плюшкин пулни стол қутисига бекитиб қўйгач, келиб креслога ўтирди ва афтидан, энди сўзламоқ учун мавзу тополмай қолди.

— Хўш, дарров кетишга отланыпсизми? — деди Плюшкин, Чичиковнинг салгина қимирлаганини кўриб, ҳолбуки Чичиков чўнтагидан дастрўмолчасини олиш учун қимирлаган эди.

Бу савол Чичиковга ҳақиқатан ҳам энди бу ерда бекор ўтириш фойдасизлигини эслатди.

— Ҳа, энди кетишим керак! — деди у шляпасини олиб.

— Чой ичмайсизми?

— Йўқ, яхшиси чойни бошқа вақт ичармиз.

— Бу қандоқ бўлди, мен самовар қўйдирган эдим. Тўғриси айтсам, менинг чойга ҳушим йўқ: чой ичиш жуда қимматга тушади, бунинг устига қанднинг баҳоси ҳам ҳаддаң зиёд ошиб кетибди. Прощка! Самовар керак эмас! Қотган кулчани Маврага элтиб бер, эшитдингми? Олиб бориб ўрнига қўйсин; йўқ, бу ёққа олиб кел, ўзим олиб бораман. Хайр отагинам, худо сизни ўз паноҳида сақласин; хатни раисга албатта топширинг. Ҳа, шундоқ қилинг! Уқиб кўрсин, у менинг эски танишим! Шундоқ, албатта! Бир вақтлар ҳамтовоқ эдик!

Шундан кейин бу ғалати махлуқ, букчайган чол Чичиков қўрғондан чиққунча кузатиб турди, сўнгра дарҳол дарвозани ёптирди.

ундан сўнг омборхоналарни айланиб, қоровулларнинг жой-жойида турган-турмаганини текшириб чиқди; ҳар бир бурчакда бир қоровул турар эди, қоровуллар қўлларидаги ёғоч курак билан чўян тахта ўрнига ичи бўш бочкаларни уриб тақиллатардилар; сўнгра хизматкорлар ейдиган овқатнинг мазасини тотиб кўриш баҳонаси билан ошхонага кирди, карам шўрва билан бўтқани роса тушириб қорнини тўйгазди, кейин хизматкорларнинг ҳаммасини ўғирликда ва бошқа ярамас ҳаракатларда айблаб хўп сўкди, сўкиб бўлгач, яна ўз хонасига кириб кетди. Ёлғиз ўзи қолгандан кейин у ҳатто, ҳақиқатан ҳам бундай мислсиз олижаноблик кўрсатган меҳмонга нечук миннатдорчилик билдирсам экан, деб ўйлади: «Унга чўнтак соатимни совға қилиб бераман,— деб ўйлади ичида,— бу жуда яхши кумуш соат, унақа кўрғошин ёки жез соатлардан эмас; бир оз бузуқ, зиёни йўқ, ўзи тузатдириб олади; у ҳали ёш, қайлиғига ёқиши учун унга чўнтак соати керак бўлади! — У бир оз ўйлаб тургач, яна сўзида давом этди:— Йўқ, ҳозир бермайман, яхшиси, ўлганимдан кейин унга берсинлар деб васият қилиб қолдираман, мени ёдлаб юради».

Лекин соатсиз ҳам қаҳрамонимизнинг кайфи жуда чоғ эди. Кутилмаганда шунча нарсани қўлга киритиш унинг учун ғойибдан келган туҳфа эди. Дарҳақиқат, ажойиб иш бўлди: ўлик жонлар, бунинг устига, тагин қочоқ деҳқонлар — ҳаммаси икки юз кишидан ошиқ! Плюшкиннинг қишлоғига яқинлашиб борганда, албатта, унча-мунча фойда кўришини сезган эди. Аммо бунақа катта фойдани ҳеч кутмаган эди. Йўл бўйи у ҳаддан зиёд хурсанд бўлиб борарди: гоҳ ҳуштак чалар, гоҳ муштумини карнай қилиб оғзига қўяр ва лаблари билан «тата-та» деб карнай чаларди; охири жуда ғалати бир ашулани бошлаб юборди; Селифан аввал қулоқ солиб турди-да, сўнгра бошини қимирлатиб: «Э-ҳа, хўжайин ашула айтиб юборди-ку!» деди. Улар шаҳарга яқинлашганда қош қорайган эди. Соя билан ёруғлиқ бир-бирига бутунлай аралашиб кетганидан теварак-атрофдаги нарсалар ҳам бир-бирига аралашиб кетгандай кўринарди. Ола-була шлагбаум қандайдир нотайин бир тусга кирди; қоровулда турган солдатнинг мўйловлари худди пешонасида, кўзларидан хийли юқорида кўринарди, бурни эса умуман йўққа ўхшарди. Бричканинг дукурлаши ва сакраб-сакраб кетишидан тош йўлга кирилганлиги сезилди. Фонарлар ҳали ёқилмаган, унда-бунда уйларнинг деразаларидан чироғ шуъласи кўрина бошла-

ган эди. Кўча ва тор кўчаларда ҳар хил воқиалар юз бериб, ғала-говур товушлар эшитилмоқда эди, солдатлар, извошчилар, юмушчилар ҳамда бошида қизил шляпаси бор, бошмоқларини пайпоқсиз кийиб олган, кўршапалакдек пириллаб кўчанинг у томонидан бу томонига зир югуриб юрадиган хотинларга ўхшаш махлуқлар кўп бўлган ҳамма шаҳарларда шундай қоронғи пайтларда бу хил воқиалар ва ғала-говурларнинг бўлиши турган гап. Чичиков ўз фикри билан банд бўлганидан, уларни кўрмади; у ҳатто қўлларида таёқча тутиб бораётган нозик амалдорларни ҳам кўрмади: бу амалдорлар, афтидан, шаҳар атрофини сайр қилиб, уйларига қайтмоқда эдилар. Унинг қулоғига гоҳ-гоҳ хотин кишининг овозига ўхшаш овозлар эшитиларди: «Ёлғон айтасан, пияниста! Мен ҳеч вақт унга бундай қўполлик қилган эмасман!» ёки: «Сен мен билан олишма, нодон, юр полиция даҳасига, мен ўша ерда сенга исбот қилиб бераман! . . .» Хулласки, бу сўзлар театр-дан хаёлга ботиб қайтиб келаётган, тасаввурида Испания кўчаси, тун, қўлида гитара ушлаган жингалак сочли гўзал қиз сурати жонланиб турган йигирма ёшли бир йигит эшитганда, устидан бирдан қайноқ сув қуйгандай туюладиган сўзлардан эди. Бу йигитнинг хаёлида нималар йўқ дейсиз? У осмонга учади, Шиллер олдига меҳмон бўлиб боради — шу пайтда бирдан боши устида худди момақалдироқдек ҳалиги мудҳиш сўзлар эшитилади, у бирдан ўзини яна ерда кўради, ҳатто Сенная майдонида, қовоқхона ёнида турган бўлади ва ҳаёт кўз олдидан яна ҳар кундагидек ясов тортиб ўтаверади.

Ниҳоят, бричка худди чуқурга тушгандай қаттиқ бир сакради-да, мусофирхона дарвозасидан ичкари кирди; Петрушка Чичиковни қарши олди, у этақлари очилиб туришини ёмон кўрганлигидан, бир қўли билан сюртугининг этагини ушлаб, иккинчи қўли билан Чичиковни суяб бричкадан тушира бошлади. Шу пайт қўлида шам тутган ва елкасига сочиқ ташлаган мусофирхона малайи ҳам югуриб келди. Хўжайини келганига Петрушка хурсанд бўлдими, йўқми бу номаълум, ҳар ҳолда Селифан иккови кўз қиснишиб қўйишди, унинг одатдаги тунд чехраси бу сафар бир оз очиқ эди.

— Хўжайин, жуда узоқ сайр қилиб кетдингиз, — деди мусофирхона малайи, қўлидаги шам билан зинапояни ёритиб.

— Ҳа, — деди Чичиков зинапояга оёқ қўя туриб. — Хўш, сен қалайсан?

— Худога шукур,— деди малай таъзим қилиб.— Қеча бир поручик келди, қандайдир ҳарбий киши, ўн олтинчи номерга жойлашди.


— Поручик?

— Қайси қисмданлиги номаълум. Рязандан келибди, қора тўриқ отлари бөр.

— Яхши, яхши, бундан буён ҳам шунақа яхши хизмат қил,— деди Чичиков ва ўз хонасига кирди. У даҳлиздан ўта туриб бурнини жийирди ва Петрушкага қараб:— Сен лоақал деразаларни очсанг бўларди!— деди.

— Очган эдим, — деди Петрушка, лекин ёлғон гапирди. Чичиков ҳам унинг ёлғон гапирганини билди-ю, бироқ у билан ижикилашиб ўтиришни истамади. Кўп йўл юриб қилинган сафардан кейин у қаттиқ чарчаган эди. У енгилгина кечки овқат деб, фақат чўчқа боласининг қовурилган гўштидан буюрди-да, овқатни еб бўлгач, кийимларини ечиб, кўрпага кирди ва шу ондаёқ қотиб ухлаб қолдики, бундай қаттиқ уйқу на бовосил касали, на бурга чақиш, на ўткир ақлу фаросат нималигини билмайдиган бахтиёр кишиларгагина муяссар бўлади.





### *Еттинчи боб*

**К**имки сафарга чиқса-ю, узоқ йўл юриб, йўлда зерикиб, совуқ қотиб, пилч-пилч лой кечиб, тун бўйи ухламай чиққан бекат назоратчиларини учратиб, қўнғироқларнинг жангур-жунгури-ни эшитиб, йўлдаги синиқ-бузуқларни тузатишларни, болохонадор сўкишларни, аравакашларни, темирчиларни ва йўлда учрайдиган бошқа ҳар хил қаланғи-қасанғиларни кўриб, ниҳоят, узоқдан чирогларининг шуъласи кўринган таниш уйига келса, таниш хоналари кўз олдида жилваланиб турса, уйдаги кишилар севинч билан қийқиришиб, югуриб унга пешвоз чиқишса, болалар ғовурлашиб ва тўполон кўтаришиб чопиб келишса, юракка тасалли берадиган босиқ сўзлар айтилса, бу сўзлар чўлп-чўлп ўпишлар билан бўлиниб турса ва бу ўпишлар кўнгилдаги ғам-ғуссаларни бирпасда сидириб ташласа, бундай одам бах-

тиёрдир. Шундай уй-жойи, оиласи бўлган киши бахтиёрдир, лекин бўйдоқнинг шўри қурсин!

Қайси бир ёзувчи зерикарли, жирканч, бутун борлиғи ғам-ғуссадан иборат характерлардан ўзини четга олиб, кимнинг юксак фазилатини ўзида гавдалантирувчи характерларга яқинлашса, ҳар куни олдида чарх уриб турган ғоят кўп образлар гирдобидан фақат мумтозларни ажратиб олган бўлса, ўз санъатининг олий мақом созиға бир марта ҳам хиёнат қилмаган бўлса, ўзи турган юксак чўққидан қашшоқ ва ожиз биродарларининг ёнига тушмаган ва оёғини ерга тегизмай, ердан бутунлай ажраб, осмону фалакка кўтарилган ўз образларига маҳлиё бўлиб кетган бўлса, бундай ёзувчи бахтиёрдир. Унинг гўзал толейга қайта-қайта ҳавасинг келади: бу образлар орасида у худди ўз туғишган оиласи ичида ўтиргандек; шу билан бирга унинг шуҳрати узоқ-узоқларга ёйилади ва ҳамма жойга доврўқ солади. У ўзининг жилвагар санъати билан одамларни маст қилиб, кўзини қамаштириб қўйган, ҳаётнинг қайғули томонларини бекитиб, уларга гўзал одамни кўрсатган-у, шу билан уларни ўзига жазб қилиб олган. Ҳамма уни олқишлаб орқасидан югуради ва унинг тантана-ю, дабдаба билан учиб бораётган санъат париси изидан чопади. Унга жаҳоншумул буюк шоир деб ном берадилар, уни ҳамма баландпарвоз қушлардан ҳам баландроқ парвоз қиладиган бургут деб, дунёдаги бошқа ҳамма доҳийлардан юксакроқ турадиган доҳий деб атайдилар. Унинг ёлғиз номини тилга олиш билан жўшқин ёш юраклар типирчилаб қолади, кўзлар ёшга тўлади... Қуч-қувват бобида унинг тенги йўқ — у худо! Аммо лекин, ҳар лаҳза кўз ўнгида турадиган ва лоқайд кўзлар кўрмайдиган, ҳаётимизни қуршаб олган майда-чуйда нарсаларнинг даҳшатга солувчи, ҳаяжонлантирувчи ҳамма сассиқ пўпанақларини, ердаги кўпинча оғир ва хафагазак йўлимизда тўлиб-тошиб ётган совуқмижоз, тарқоқ ва оддий характерларнинг ич-ичини қаттиқ куч ва омонсиз нашта билан барала очиб, бутун халқ кўзига яққол намоён қилишга журъат этган ёзувчининг қисмати ҳам, тақдири ҳам бошқача! Бундай ёзувчи олқиш садоларини эшитмайди, у миннатдорчилик билан тўкилган кўз ёшларини ва ўзи ҳаяжонга келтирган қалбларнинг унга яқдиллик билан таҳсин ва офарин ўқишларини кўрмайди; олган таассуротидан боши айланиб эсанкириб қолган ўн олти ёшли қиз қаҳрамонларча мафтун бўлиб унинг қаршисига югурмайди.

у ўзи яратган садоларнинг жозибадор, ширин оғушида ўзини унутиб маст бўлиб ётмайди; ниҳоят, у ҳозирги замон судининг, риёкор-ноинсоф ҳозирги замон судининг чангалидан қочиб қутулолмайди; бу суд у меҳр қўйиб яратган нарсаларни ожиз ва разил деб атайди, унга инсониятни таҳқир этган ёзувчилар қаторидан манфур ўрин беради, унга ўзи тасвирлаб кўрсатган қаҳрамонларнинг сифатини беради, унинг қалбини ҳам, руҳини ҳам, талантининг муқаддас аянгасини ҳам тортиб олади. Чунки ҳозирги замон суди куёшнинг нурларини ҳам, кўз илғамас ҳашаротларнинг ҳаракатини ҳам акс этдирувчи шишаларни айни даража ажойиб эканлигини тан олмайди; чунки ҳозирги замон суди манфур ҳаётдан олинган манзарани ёритиш ва уни ижодиётнинг инжуси даражасига кўтариш учун жуда чуқур маънавий дунё кераклигини тан олмайди; чунки ҳозирги замон суди юксак завқ-шавқ билан кулиш юксак лирик ҳаракат билан бир қаторда туришга муносиб эканлигини ва бундай кулиш билан кўча масхарабозининг оғизбурнини қийшайтириши орасида катта фарқ борлигини тан олмайди! Ҳозирги замон суди буларни тан олмайди ва буларнинг ҳаммасини манзур бўлмаган ёзувчига қарши таъна ва ҳақоратга айлантиради; ҳеч ким дардига ҳамдард бўлмаган, ҳеч ким сўзига қулоқ солмаган, ҳеч ким шафқат қилиб қарамаган бу ёзувчи, оиласиз ғариб йўловчидек, йўл ўртасида ёлғиз қолади. Унинг тутган йўли оғир, хатарли, бинобарин, у ўз ёлғизлигини дард-алам билан ҳис қилади.

Ажойиб ҳокимият менга яна узоқ вақтгача ўзимнинг ғалати қаҳрамонларим билан қўлма-қўл ушлашиб бормоқни, тез югуриб бораётган бутун азим ҳаётни томоша қилмоқни, бу ҳаётга бутун дунёга кўринадиган кулги ва унга кўринмайдиган, билинмайдиган кўз ёши орасидан назар солиб қарамоқни насиб қилган! Илҳомнинг қўрқинчли довули ўзини буркаб олган муқаддас даҳшатдан ва порлоқ боблардан бошқа бир тарзда булоқдек отилиб чиқадиган, бошқа нутқларнинг улуғвор гулдуросига изтироб билан титраб қулоқ солинадиган вақт ҳали узоқ. . .

Йўлга туш! йўлга! Йўқолсин пешонани босган ажинлар ва юздаги тундлик! Қани, яна бирданига ўша осуда ғовур-ғувурларга ва қўнғироқ садолари тўла ҳаёт ичига шўнғийлик ва Чичиковнинг нима қилаётганини кўрайлик.

Чичиков уйқудан уйғонди, керишиб қўлларини ва оёқларини чўзди ва тўйиб ухлаганини сезди. Бир-икки минут чалқамчасига ётиб, бармоқларини қисирлатди ва салкам тўрт юз жон деҳқони борлиги эсига тушиб, жилмайиб қўйди. У дарҳол ўрнидан ирғиб турди, ҳатто юзига ҳам қарамади, ҳолбуки у ўз юзини жуда яхши кўрар ва ҳатто иягини юзининг энг кўркем қисми деб ҳисобларди, чунки у кўп вақт, хусусан соқолини қираётган чоғида, ошналаридан бирига иягини кўрсатиб мақтанарди. «Бунга қара,— деяр эди у одатда, иягини сийпаб,— иягимни кўр: дум-думалоқ!» Лекин ҳозир у иягига ҳам, юзига ҳам қарамади. Улар қандай бўлса, шу ҳолича қўйиб, рус табиатининг совуқ миждозлиги туфайли, Торжок шаҳрида бозори чаққон бўлган ва устига нақшин гул солиб тикилган саҳтиён этигини кийди, шотландлар сингари эгнига биргина калта кўйлак кийиб сипогарчилигини ҳам, ўрта ёшли туппа-тузук бир киши эканини ҳам унутиб, хонада икки марта дингиллаб сакради-да, оёғининг товони билан тақимига уриб қўйди. Шундан кейин дарҳол ишга киришди: терговга борган ва пора олмайдиган земство суди закуска қўйилган дастурхон олдига борганда хурсандлигидан қўлларини ишқалагани сингари, у ҳам хурсандлигидан қўлларини ишқалаб сандиқчаси олдига борди ва дарҳол ундан қоғозларни олди. У ишни узоққа чўзмасдан тезроқ битиришни истар эди. Маҳкама мирзаларига пул тўламаслик учун васийқаларни ўзи ёзишга ва кўчириб ёзишга аҳд қилди. Васийқа ёзиш тартиб-қондасини у мукамал билар эди, аввал жадал қалам югуртириб, катта ҳарфлар билан: «Минг саккиз юз фалон йил» деб ёзди, сўнгра майда ҳарфлар билан «фалон помешчик» деб ёзди, ундан кейин бошқа керакли сўзларни ёза бошлади. Икки соат ичида ҳаммаси ёзиб тайёр қилинди. Сўнгра варақаларга ёзилган мужикларнинг номларига қараркан, шу топда уни ўзига ҳам маълум бўлмаган ғалати бир ҳис чулғаб олди: бу мужиклар бир вақтларда ҳақиқатдан ҳам мужик эди, ишлашар, ер ҳайдашарди, ароқ ичиб маст бўлишарди, арава минишарди, хўжайинларини алдашарди ва эҳтимолки, улар яхши мужик бўлгандилар. Ҳар бир қоғознинг тўё ўзига хос алоҳида характери бордек эди, шу туфайли мужиклар ҳам тўё ўзига хос характер касб этган эди. Коробочкага қарашли мужикларнинг деярли ҳаммасида қўшимча от ва лақаб бор эди. Плюшкиннинг рўйхати қисқа услубда ёзилган: кўпинча мужикларнинг фақат номи ва отасининг оти кўрсатилган, ундан

кейин икки нуқта қўйилган эди. Собакевичнинг рўйхати мукамал ва батафсиллиги билан кишини ҳайрон қолдирарди: мужикларнинг бир сифати ҳам тушириб қолдирилмаган эди, бир мужик тўғрисида: «яхши дурадгор» деб, бошқа бир мужик тўғрисида: «уддабурон киши ва ичкиликни оғзига ҳам олмайди» деб ёзилган эди. Ҳатто ота-онасининг кимлиги ва уларнинг ахлоқи қандайлиги муфассал ёзилган эди; фақат Федотов деган бир мужик ҳақида бутун тафсилоти билан: «Отасининг кимлиги номаълум, ўзи оқсоч қиз Капитолинадан туғилган, аммо хулқи яхши, ўғирлик қилмайди» деб ёзилган эди. Бутун бу тафсилотлар рўйхатнинг ҳусн-тароватини қандайдир тоза қилиб кўрсатарди, бу мужиклар гўё кечагина тирик юргандек кўринарди. Мужикларнинг номига узоқ тикилиб тургач, унинг кўнгли бузилди ва хўрсиниб деди: «Оҳ, отажонларим, сизларни бу ерга жуда қаторлаштириб ёзиб қўйибдилар-ку! Эҳ, жигаргўшаларим, сизлар дунёга келиб умрингизда нима ишлар қилдингиз? Қандоқ тирикчилик ўтказдингиз?» Шу топда унинг кўзи тўсатдан бир фамилияга тушди: бу бир вақтлар помешчик хотин Коробочкага қарашли машҳур Пётр Савельёв Қўтир Жомашов эди. Чичиков тагин ўзини туюлмайд сўзлаб кетди: «Вой бўй, исм ҳам шунақа узун бўладими, бутун бир сатрни олибди-я! Ким эдинг ўзинг: устами ёки оддий мужикми, нима бўлиб ўлдинг? Қовоқхонада ўлдингми ёки кўчанинг ўртасида ичиб қолганингда арава босиб кетдим сени? Пробка Степан, дурадгор, ароқни оғзига ҳам олмайди. Ҳа! мана Степан Пробка, гвардияга хизмат қилишга арзийдиган ўша баҳодир! Балки сен болтангни белингга қистириб, этикларингни елкангга ташлаб, бутун губернияни айланиб чиққандирсан, кунда бир қора чақалик нон ва икки қора чақалик қуритилган балиқ олиб егандирсан; балки ҳар сафар уйга қайтганингда ҳамёнингга юз сўлководийни жойлаб келгандирсан ёки битта минг сўмлик қоғоз пулни чалворинг липпасига ёки этигинг кўнжигга тиқиб келтиргандирсан. Хўш, сен қаерда, нима бўлиб ўлдинг? Ё кўпроқ пул топа-



ман деб черков гумбазига чиққанинда ёки черков устидаги бутга тармашиб чиқаётганинда оёғинг сирганиб ерга парчин бўлиб тушдингми? Эҳтимол ўшанда ёнингда турган Михей амакига ўхшаш бирон киши орқа бўйнини қашлаб: «Эҳ, Ваня, жаббор чалди-ку сени!» дегандир-да, шу заҳоти ўзи белига арқон боғлаб сенинг ўрнингга чиққандир. Максим Телятников, этикдўз. Қаранг-а этикдўз эмиш! «Этикдўздай ғирт маст» деган мақол бор. Биламан, биламан сенинг қимлигингни азизим! Истасанг бутун таржимаи ҳолингни айтиб бераман: сен бир немисга шогирд тушган эдинг, немис ҳаммангизни бирга ўтқазиб овқат берарди, ландавурлар деб орқангизга қайиш билан урарди, кўчага чиқиб безорилик қилишга қўймас эди; сен ажойиб этикдўз эдинг, немис ўз хотини ёки камради<sup>1</sup> билан сўзлашганда сени хўп мақтар эди. Хўш, сенинг шогирдлигинг нима билан тамом бўлди? «Мана энди ўзимга уй солиб оламан, аммо немис сингари бир тийинлаб йиғиб эмас, балки бирданига бой бўлиб оламан» дединг. Шу хаёл билан хўжайиннингга анча оброк тўлаб, дўконча очдинг, бирталай заказ олиб, иш бошлаб юбординг. Қаердандир жуда арзон баҳо билан чирик кўн топиб келдинг, ҳар бир этикдан ҳақиқатан икки марта ошиқ фойда кўрдинг, аммо орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас тикиб берган этикларинг тарсиллаб ёрилиб кетди, сени роса бошлаб сўкишди. Шундан кейин сенга ҳеч ким этик буюрмади, дўконинг ҳувиллаб қолди; сен эса ичиб кўчаларда тентираб юрадиган ва думалаб ётадиган бўлдинг-да: «Йўқ, бу дунё бемаза дунё! Рус кишисига кун йўқ, нуқул немислар халақит бергани-берган» деб нолий бошладинг. Э, ҳа, бу қанақа мужик бўлди: Елизавета Воробей. Э, қуриб кетгур, бу хотин-ку, ахир! Қандай қилиб бу орага кириб қолди экан? Муттаҳам Собакевич шу ерда ҳам қаллоблигини қилибди-я!» Чичиковнинг гапи тўғри эди: бу ҳақиқатан хотин киши эди. Қандай қилиб унинг бу орага кириб қолганлиги маълум



<sup>1</sup> Камрад — ўртоқ.

эмас, лекин ўзиям жуда усталик билан ёзилган эди, узоқдан қараганда уни мужик деб ўқиш мумкин, ҳатто отининг охирига «ъ» ҳарфи ёзиб қўйилган эди, яъни Елизавета эмас, Елизаветъ деб ёзилган эди. Бироқ, Чичиков буни ҳурматсизлик деб билди ва дарҳол ўчириб ташлади. «Григорий Бор-боролмайсан! Сен қанақа одам эдинг? Аравакашлик қилармидинг, уч отлик соябон арвани қўшиб, уйингдан, туғилган кулбангдан умрбод юз ўгириб, савдогарлар билан ярмаркама-ярмарка юрармидинг? Жонингни йўлда худога топширдингми ёки семиз ва юзи қип-қизил солдат хотин учун ўз ошналаринг сени ажал қўлига топширдими, ёхуд чарм қўлқопларинг, пастаккина-ю, лекин бақувват отларинг ўрмонда дайдиб юрадиган бирон саёққа ёқиб қолдими, ёки уйингдаги тахта каравот устида чўзилиб ётдинг-у, ўйлаб-ўйлаб, сўнгра бирдан ўрнингдан туриб қовоқхонага йўл олдинг-да, ундан маст бўлиб чиқиб тўғри дарёнинг муз тешигига бошингни тикиб гумдон бўлдингми? Эҳ, рус халқи! ўз ажали билан ўлишни хоҳламайди-я!— Сўнгра у Плюшкин ёзиб берган қочоқ деҳқонлар рўйхатига қараб:— Хўш, сизлар-чи, азизларим? — дея давом этди.— Майли сизлар ҳали тирик ҳам бўлинг, хўш, бундан нима фойда? Барибир ўлик қаторисиз, чаққон оёқларингиз ҳозир сизни қайси ерларда тентиратиб юрганикин? Ё Плюшкинникида турмушингиз ёмонмиди, шунчаки кайфингиз келиб, ўрмонларда сайр қилиб, ўткинчиларни талаб-тунаб юрибсизми? Ё турмаларда қамалиб ётибсизми ёки бошқа помешчиклар қўлига тушиб, уларнинг ерини ҳайдаб юрибсизми? Еремей Қарякин, Никита Волокита, унинг ўғли Антон Волокита, буларнинг чопқир эканликлари лақабларида ҳам кўриниб турибди. Мана бу Попов, уй хизматкори, хат-саводи бўлса керак: сен, эҳтимол, қўлингга пичоқ олмагандирсан-у, лекин роса ўғирлик қилгансан? Ахир бир кун сени паспортсиз юрганинга капитан-исправник тугиб олди. Сен ўзингни дадил тутиб у билан бақамти турибсан. «Қимнинг мужигисан?» деб сўрайди капитан-исправник ва қўшимчасига бошлаб бир сўз айтади. «Мен фалон помешчикнинг мужиги» деб жавоб берасан дангал. «Хўш, бу ерда нима қилиб юрибсан?» дейди капитан-исправник. «Хўжайин рухсат берди, ишлаб оброк тўлайман» деб жавоб берасан тап тортмай. «Паспортинг қани?»—«Хўжайинимда, мешчан, Пименовда».— «Пименов чақирилсин! Сен Пименовми-сан?» — «Мен Пименовман». — «У сенга ўз паспортини берганми?» —



«Йўқ, у менга ҳеч қанақа паспорт берган эмас». — «Нега ёлғон гапира-сан?» дейди сенга капитан-исправник ва яна болхонадор бир сўзни қў-шиб қўяди. «Тўғри, — деб жавоб берасан дадил туриб, — унга бермаган эдим, чунки уйга кеч келган эдим, ушлаб туринг, деб бутхона зангчиси Антип Прохоровга берган эдим». — «Бутхона зангчиси чақирилсин! У сенга паспортини берганми?» — «Йўқ, ундан ҳеч қанақа паспорт олган эмасман». — «Яна ёлғон гапирибсан-да! — дейди капитан-исправник ва яна болохонадор сўзларни қўшиб қўяди. — Хўш, қани паспортинг?» — «Паспорти бора эди, — дейсан яна тап тортмай, — бир бало қилиб йўл-га тушириб қўйганга ўхшайман». — «Хўш, солдат шинели-чи, — дейди капитан-исправник ва яна нордон сўзлар билан роса оҳорингни тўка-ди, — нега уни ўғирладинг? Хўш, нега поп ҳазратнинг чақа пул солиб қўйилган сандиғини ўғирладинг?» — «Ўғирлаганим йўқ, — дейсан сен жойингдан жилмасдан, — умримда ўғирлик қилган эмасман». — «Бўл-маса, нега шинель сеникидан топилди?» — «Мен қайдан билай: бошқа бирон киши келтириб қўйгандир-да». — «Вой, малъун, вой малъун! — дейди капитан-исправник, бошини сарак-сарак қилиб ва икки қўлини

белига тириб.— Оёғига кишан уриб турмага қаманг».— «Марҳамат! жоним билан» деб жавоб берасан. Кейин чўнтагиндан бурнақидонни чиқариб, оёқларингга кишан ураётган икки инвалидга меҳрибонлик билан тутасан ва улардан, ҳарбий хизматдан қачон бўшадингиз, қайси урушда бўлдингиз, деб сўрайсан. Сени турмага элтиб қамайдилар ва то суд ишингни кўргунча турмада ёта берасан. Бир кун суд: сени Царевококшайдан фалон шаҳар турмасига кўчирилсин, деб ёзади; у шаҳарнинг суди эса, сени қандайдир Весъегон деган жойга кўчиришни буюради; шундай қилиб сен турмадан турмага кўчиб юраверасан; янги истиқомат жойингни кўздан кечириб: «Йўқ, Весъегон турмаси яхшироқ, у ерда ошиқ ўйнайдиган жой ҳам бор, улфат ҳам кўп эди!» дейсан. Мана Абакум Фиров! Хўш, оғайни, сен-чи? Қаерларда тентираб юрибсан? Ё йўлинг Волга бўйига тушди-ю, эркин ҳаётга оғушта бўлиб бурлақларга қўшилб кетдингми?..» Чичиков шу ерда тўхтаб бир оз ўйланиб қолди. Нимани ўйлаб қолди у? Ё Абакум Фировнинг қисматини ўйлаб қолдимми ёки ёши, мартабаси, мол-давлатидан қатъий назар, кенг ҳаётнинг айш-ишратини ўйлайдиган ҳар бир рус сингари, ўз-ўзича хаёл суриб кетдимми? Дарвоқе, Фиров ҳозир қаерда экан? Мана у, савдогарлар билан байлашиб, кемаларга ғалла ортиладиган пристанда ўйнаб-кулиб, гашт қилиб юрибди. Шляпаларига гул ва лента тақиб олган бурлақлар бўйлари баланд ва қоматлари келишган, бўйинларига маржон ва сочларига лента тақиб олишган маъшуқалари ва хотинлари билан хайрлашмоқдалар; майдонда ашула, лапар, қий-чув, ҳаммоллар эса елкаларига тўққиз пуддан қўйилган юкни илгак билан ушлаб, бир-бирларига бақириб, бир-бирларини сўкиб ва ҳай-ҳайлаб, нўхат ва буғдойни шовқин-сурон билан чуқур кемаларга тўкмоқдалар, сули ва тариқни қопи билан ортмоқдалар; йироқдан эса бутун майдонни қоплаб, пирамида сингари устма-уст қаланиб ётган қоплар кўринади ва бутун бу ғалла омбори баланд тоғдек кўзга ташланади, сўнгра бу ғаллалар чуқур кемаларга ортилади-да, турна қатор тизилишиб, баҳор музлари билан бирга жўнаб кетади. Ана шунда сиз бурлақлар ҳам ишлаб оласиз! ва илгари қандай аҳил бўлиб ўйин-кулги ва жиннилик қилган бўлсангиз, ҳозир ҳам шундай аҳиллик билан ишга киришасиз-да, Русия каби поёнсиз бир қўшиқни айтиб, кема арқонларини бўйингиздан ўтказиб ва қора терга тушиб кемаларни тортиб кетасиз.

«Эҳе ол-а! Соат ўн икки бўлибди-ку! — деди ниҳоят Чичиков соатига қараб, — мен нега мунча хаёл суриб ўтириб қолибман? Бирон иш қилсам ҳам гўрга эди; ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, аввал алланималарни сўзлаб, кейин хаёл суриб кетибман. Ҳақиқатан, қип-қизил аҳмоқ эканман-ку!» Шу гапни айтиб, у эгнидаги шотландча костюмини ечиб, европача костюмини кийди, йўғон қорнини камар билан тортиб боғлади, ўзига одеколон сепди, қўлига мўйна телпагини олди ва қоғозларини қўлтиғига қистириб, васийқа ёздириш учун гражданлик маҳкамасига йўл олди. У шошилмоқда эди, аммо кечикиб қолман деб қўрққанидан шошилаётгани йўқ, — у кечикишдан қўрқмас, чунки раис таниш киши эди; Гомернинг қадимги Зевси ўзи яхши кўрган қаҳрамонларнинг жанг-жанжалини тўхтатиш ёки уларга охиригача жанг қилишга имкон бериши лозим бўлган чоқларда кунларни узайтиргани ёки тезроқ ҳавони қоронғилатиб кунни тун қилгани сингари, раис ҳам идора вақтини истаганича узайтира ёки қисқартира олар эди, лекин Чичиковнинг мақсади ўз ишларини мумкин қадар тезроқ битириш эди, то ишларини битирмагунча ҳамма нарса унга бесаранжом ва ўнғайсиз бўлиб кўринарди; ҳар ҳолда унинг кўнглига бундай бир фикр келган эди: сотиб олинган деҳқонлар ҳақиқий деҳқонлар эмас, бас шундай экан, бу юкни тезроқ елкадан улоқтириб ташлаб, қутулиб қўя қолиш керак. Чичиков шундай ўй-хаёл билан айиқ терисига жигар ранг мовут сирилган пўстинини елкасига ташлаб энди кўчага чиққан эдики, тор кўча муюлишида бир жанобга тўқнаш келиб қолди; бу жанобнинг ҳам эгнида айиқ терисига жигар ранг мовут сирилган пўстин ва бошида мўйна қулоқчини бор эди. Жаноб уни кўриб қичқириб юборди, бу — Манилов эди. Улар дарров қучоқлашиб кетишди ва шу кўйи беш минутча кўчада туришди. Улар бир-бирини шу қадар қаттиқ ўпишдики, икковининг ҳам олд тишлари кун бўйи оғриб юрди. Қувонганидан Маниловнинг кўзлари бутунлай кўринмай кетган, юзида фақат бурни билан лаблари қолган эди. У Чичиковнинг қўлини чорак соатча икки қўли билан маҳкам ушлаб турди ва унинг қўлини жуда қизитиб юборди. У Павел Ивановични қучоқлаб бағрига босиш учун қандай учиб келганини жуда нозик ва ёқимли иборалар билан сўзлаб берди; сўзлари шундайгина хушомаддан иборат эдики, бундай сўзларни фақат танца тушишга таклиф қилинган қизга айтиш мумкин эди. Чичиков энди оғзини очиб, нима деб ташаккур билдир-



сам экан, деб турганида бирдан Манилов пўстин ичидан карнай қилиб ўралган ва ўртасидан пушти лента билан боғланган бир қоғозни чиқариб, икки бармоғи билан Чичиковга чаққон узатди.

— Нима бу?

— Мужиклар.

— Ҳа! — У дарҳол қоғозни очиб, кўз югуртириб чиқди ва тоза, чиройли қилиб ёзилганига ҳайрон қолди. — Жуда чиройли қилиб ёзилибди, — деди у, — қайтадан кўчириш ҳам керак бўлмайди. Э, четларида ҳошияси ҳам бор-ку! Бу ҳошияни ким чизди бундай чиройли қилиб?

— Энди бунисини сўрамайсиз, — деди Манилов.

— Сиз чиздингизми?

— Йўқ, хотиним.

— Ё тавба! Тўғриси, хижолатдаман, сизларни машаққатга солиб қўйибман.

— Павел Иванович учун ҳеч қандай машаққат йўқ.

Чичиков миннатдорчилик билан таъзим қилди. Манилов унинг маҳкамага васийқа ёздириш учун бораётганини билиб, унга ҳамроҳ бўлиб боришга тайёр эканини изҳор этди. Икки ошна қўлтиқлашиб бирга кетдилар. Қичкина бир баландлик, ё тепалик, ё зинапоя келганда Манилов дарров Чичиковни суяб олар ва оз бўлмаса қўлига кўтариб чиқазмоқчи бўлар, айтилиши вақтда мулоимгина жилмайиб, Павел Иванович ўз нозик оёқларини тошга уриб олишларини асло раво кўрмайман, деяр эди. Чичиков гавдасининг анчагина оғирлигини сезганидан хижолат бўлиб, унга нима деб ташаккур изҳор қилишни билмас эди. Улар бир-бирларига мулозимат қилишиб, охири маҳкама жойлашган майдонга чиқдилар: маҳкама биноси уч қаватли катта ғиштин уйдан иборат бўлиб, ҳамма томони бўрдай оппоқ эди, бу билан гўё унда жойлашган мансабдорларнинг юраклари тоза эканини тасвирлаб кўрсатмоқни истаган бўлсалар керак; майдондаги бошқа бинолар ғиштин уй сингари катта эмас эди. Унда эшиги олдида бир солдат милтиқ ушлаб турган қоровул будкаси, икки-уч извош биржаси ва, ниҳоят, кўмир ва бўр билан ҳар хил маълум расмлар ва ёзувлар чизилган узун тахта девор бор эди; бу хилватда ёки, бизда айтилганидек, гўзал майдонда бошқа ҳеч нима йўқ эди. Маҳкама биносининг иккинчи ва учинчи қаватидаги деразалардан баъзан Фемида



коҳинларининг<sup>1</sup> пора-ришватдан ҳазар қиладиган бошлари кўринар ва шу ондаёқ яна ғойиб бўларди, афтидан, шу пайт идорага бошлиқ кирган бўлса керак. Икки ошна, Чичиков билан Манилов, зинапоядан бир-бир босиб эмас, балки югуриб чиқмоқда эдилар, чунки Чичиков қўлтиғидан ушлаб келаётган Маниловни риёзат чектирмаслик учун унинг қўлидан чиқишга ҳаракат қилиб қадамни тезлатарди, Манилов ҳам Чичиковни чарчатиб қўймаслик учун олдинга югурар ва уни қўлидан чиқармасликка ҳаракат қиларди, шунинг учун ҳам улар қоронғи коридорга чиққанда жуда ҳансираб қолишган эди. Коридорларда ҳам, хоналарда ҳам улар ҳеч қандай тозалик ва озодаликни кўрмадилар. У вақтларда ҳали озодаликка риоя қилмас эдилар, ифлос нарса ифлослигича қолаверар ва ҳеч кимнинг кўзига ёмон кўринмас эди. Фемида қандай турган бўлса, шу исти-бисти ва либос билан меҳмонларни қабул қилди. Бизнинг қаҳрамонларимиз ўтган мирзахоналарни тасвирлаб кўрсатиш керак эди-ку, лекин автор бундай маҳкама-ю идоралардан жуда қўрққани учун бу ишга ботинолмайди. Борди-ю, автор ҳатто бундай маҳкама ва идораларнинг поллари ва столлари ярқираб турган муҳташам бўлмаларидан ўтган тақ-

<sup>1</sup> Фемида коҳинлари — бу ўринда судьялар; Фемида — қадимги грек мифологиясида адолат маъбудаси.

дирда ҳам у хомушгина бошини эгиб ва кўзларини ерга тикиб, мумкин қадар тезроқ ўтиб кетишга ҳаракат қилар эди, шунинг учун ҳам у, бу маҳкамаларда қандай роҳат-фароғат билан яшашларидан ва қандай ривожу тараққиёт борлигидан мутлақо беҳабардир. Бизнинг қаҳрамонларимиз ёзилган ва ёзилмаган кўп қоғозларни, эгилган бошларни, кенг елкаларни, губерния бичимида тикилган фрак ва сюртукларни, ҳатто бошқалардан яққол ажралиб турган кул ранг-сарғиш курткани ҳам кўрдилар; куртка кийган киши бошини ёнига қийшайтириб ва қоғоз устига жуда энгашиб тез қалам югуртирар, гажакдор ҳарфлар билан қандайдир протокол ёзарди; чамаси, бу протоколда умрини суд-мурофаа билан тинчгина ўтказаётган, суд ҳимоясида ўзига, болаларига ва невараларига мол-давлат ордирган бирон помешчининг босиб олган мулк-амлоқининг рўйхати ёки ернинг маҳкама йўли билан қайтариб олиниши ёзилаётган эди. Шу топда Чичиков билан Маниловнинг қулоғига мана бундай узук-юлуқ сўзлар ҳам чалинди: «Федосей Федосеевич, бемалол бўлса 368 сонли делони берсангиз!» — «Пошшолик сиёҳдонининг офзидаги тиқинни сиз ҳамиша қаёққадир олиб бориб ташлайсиз!» Баъзан салмоқдор ва фармондор бир товуш эшитиларди ва бу ҳеч шубҳасиз бошлиқлардан бирининг товуши эди: «Ма, бунни кўчир! Йўқса этикларингни оёғингдан ечдириб, роса олти кеча-кундуз оч-наҳор ўтқазиб қўяман!» Мирзаларнинг пат қаламлари шундай қаттиқ тириллар ва шиғиллар эдики, гўё шох-шабба ортилган бир неча арава чорак газ қалинликда қуруқ барг тўкилган ўрмонзордан юриб бораётгандек туюларди.

Чичиков билан Манилов икки ёш чиновник ўтирган биринчи стол олдига бориб сўрадилар:

— Мумкинми сўрасак: васийқа ёзадиган жой қаерда?

Ҳар икки чиновник бирдан ўгирилиб:


— Хўш, сизга нима керак? — дейишди.

— Мен ариза бермоқчи эдим.

— Хўш, бирон нима сотиб олдингизми?

— Мен аввал билмоқчи эдим: васийқа ёзадиган стол шуми ё бошқа жойдами?

— Йўқ, аввал сиз айтинг, нима олдингиз ва қанчага олдингиз, кейин биз сизга васийқа ёзадиган жойни айтамыз, бўлмаса бундоқ билиш мумкин эмас.



Чичиков дарров пайқади: бу чиновниклар бошқа ҳамма ёш чиновниклар сингари шунчаки ҳар нимага қизиқадиган, ўзларига ва ўз мансабларига кўпроқ бино қўйган кишилар эди.

— Менга қаранг, азизларим, — деди у, — васийқага оид бутун ишлар, нарх-навосидан қатъий назар, бир жойда бўлишини мен жуда яхши биламан, шунинг учун ўша жойни бизга кўрсатишларингизни сўрайман, агар билмасангиз, унисини айтинг, бошқалардан бориб сўрайлик.

Чиновниклар бу гапга ҳеч нима демадилар, улардан бири бармоғи билан бўлма бурчагидаги бир столни кўрсатди, бу стол ёнида бир чол ўтириб, аллақандай қоғозларга белги қўярди. Чичиков билан Манилов столлар орасидан ўтиб, тўғри унинг олдида боришди. Чол ўз иши билан банд эди.

— Мумкинми сўрасак, — деди Чичиков таъзим қилиб, — васийқа ёзадиган жой шу ердами?

Чол бошини кўтарди-да, дона-дона қилиб:

— Бу ерда васийқа ёзилмайди, — деди.

— Хўш, қаерда ёзилади?

— Васийқа ишлари бўлимида.

— Хўш, васийқа ишлари бўлими қаерда?

— Иван Антонович ҳузурида.

— Хўш, Иван Антонович қаерда?



Чол бармоғи билан бўлманинг бошқа бир бурчини кўрсатди. Чичиков билан Манилов Иван Антонович олдига боришди. Шу топда Иван Антонович орқасига қараб бир кўзи билан ер тагидан уларга назар ташлади ва дарҳол яна бутун диққатини ёзишга берган бўлди.

— Сўрасак мумкинми, — деди Чичиков таъзим қилиб, — васийқа ёзадиган жой шу ерми?

Иван Антонович ўзини эшитмаганга солди ва гўё бутунлай ёзишга берилиб кетиб, ҳеч нима жавоб бермади. Унинг қанақа одамлиги афтидан дарров маълум эди: у, ана унақа валдир-вайсақи ва телбакезик ёш чиновниклардан эмас, балки ёши анчага бориб, эс-ҳушини аллақачон таниб олган киши эди. Унинг ёши қирқлардан ошган, сочлари қора ва қалин, башарасининг ўртаси олдинга дўппайиб чиқиб, бурнига қараб кетган эди. — хулласки, унинг башараси халойиқ орасида, мунди башара, деб аталадиган башаралардан эди.

— Мумкинми сўрасак, васийқа ишлари бўлими шу ердами? — деди Чичиков.

— Шу ер, — деди Иван Антонович, мунди башарасини унга ўгириб ва яна ёза бошлади.

— Менинг ишим бундоқ: мен шу уезддаги турли мулкдорлардан бошқа жойга олиб кетиш учун деҳқонлар сотиб олган эдим, васийқаси ёзилган, фақат дафтардан ўтказиб, муҳрлаб берилса бўлди.

— Сотувчилар шу ердами?

— Баъзилари шу ерда, баъзилари ваколатнома берган.

— Ариза олиб келдингизми?

— Ариза ҳам олиб келдим. Илтимосим шуки... мен шошилиб турибман... мумкин бўлмасмикин, масалан, бу иш бугун битирилса?

— Ҳа, бугун! Йўқ, бугун бўлмайди, — деди Иван Антонович. — Суриштириб кўрмоқ керак, балки тақиқланганлар бордир.

— Шуниси ҳам борки, агар ишни тезлатиш масаласига келсак, раисингиз Иван Григорьевич менинг қалин дўстим...

— Аммо Иван Григорьевич ёлғиз эмас, бошқалар ҳам бор, — деди Иван Антонович қовоғини солиб.

Чичиков Иван Антонович нимага шама қилганини тушунди ва:

— Бошқаларни ҳам хафа қилмаймиз, ўзим ҳам хизмат қилганман, биламан, бунақа ишлар бўлишини... — деди.

— Боринг, Иван Григорьевичнинг олдига киринг, — деди Иван Антонович бир оз юмшаб: — кимга лозим топса буйруқ берсин, бизга тушган иш тўхтаб қолмайди.

Чичиков чўнтагидан бир қоғоз пул чиқариб, Иван Антоновичнинг олдига қўйди, Иван Антонович пулни мутлақо кўрмаган кишидек устига дарҳол дафтарни суриб қўйди. Чичиков пул қўйганини унга кўрсатмоқчи бўлган эди, Иван Антонович бошини қимирлатиб, биламан, кўрсатиш керак эмас, деган ишорани қилди.

— Мана бу киши сизни маҳкамахонага бошлаб боради! — деди Иван Антонович, боши билан имлаб; шу ерда ҳозир бўлган ва зўр тантана билан муқаддас ишларни бажарадиган бир киши бир вақтлар Виргилий Дантега хизмат кўрсатгани каби<sup>1</sup>, бизнинг қаҳрамонларимизга хизмат кўрсатиб, уларни қабулхонага бошлаб борди; бу киши адолат маъбудаси Фемидага жон-дили билан шу қадар қурбонлар берганидан, икки енги тирсагидан йиртилиб, ичидан астари чиқиб қолган ва бунинг эвазига у бир вақтлар коллежский регистратор мартабасини олган эди. Қабулхонада фақат кенг креслолар қўйилган эди, бу креслолардан бирида, стол ёнида, олдида эҳром шаклидаги ойна<sup>2</sup> ва икки қалин китоб, қуёш каби ёлғиз раиснинг ўзи ўтирар эди.

<sup>1</sup> Автор бу ўринда буюк итальян шоири Дантенинг «Илоҳий комедия» деган поэмасида қадимги грек шоири Виргилий Дантени дўзахда бошлаб юрганига муқояса қилади.

<sup>2</sup> Эҳром шаклидаги ойна — Петр I нинг фармонлари эҳром (пирамида) шаклидаги ойнага солиниб, маҳкамаларга қўйилар эди.



Бу жойда янги Виргилий шу қадар ихлос, иззат-ҳурмат ҳисларига тўлиб кетдики, оёғини остонадан ичкари қўйишга асло ботина олмади, орқасига бурилди ва чиптадек тўзиб кетган, қаердандир товуқ пати илиниб қолган елкасини намоён қилди. Чичиков билан Манилов қабулхона залига кирсалар, раис ёлғиз эмас экан: унинг ёнида Собакевич ҳам ўтирган ва эҳром шаклидаги ойна уни бутунлай тўсиб турган экан. Меҳмонларнинг келиши шарафига қувонч садолари янгради ва ҳукумат креслолари тақиртуқур билан орқага сурилди.



Собакевич ҳам ўрнидан қўзғалди ва енглари узун сюртуги кўзга ташланди. Раис Чичиковни қучоқлаб бағрига босди ва қабулхона чўлп-чўлп ўпиш садоларига тўлди; улар ҳол-аҳвол сўрашдилар; маълум бўлдики, икковларининг ҳам беллари бир оз оғир экан, улар шу оннинг ўзида бу оғриқни кўп ўтиришга нисбат бердилар. Чичиковнинг деҳқонлар сотиб олганлигини Собакевич раисга айтган экан шекилли, раис уни табрик қила бошлади; бу ҳол бизнинг қаҳрамонимизни аввал бирмунча ташвишга солиб қўйди, айниқса унга мужиклар сотган Собакевич билан Маниловнинг ҳозир бунда қамтима-қамти ўтириши унинг ташвишини яна ордирди, чунки Чичиков улардан ўлик жонлар сотиб олганини бир-бирдан яширган эди. Лекин шундай бўлса ҳам у раисга ташаккур билдирди ва дарҳол Собакевичга қараб:

— Сизнинг саломатлигингиз қалай? — деб сўради.

— Худога шукур, нолийдиган жойим йўқ, — деди Собакевич.

Ҳақиқатан ҳам унинг нолийдиган жойи йўқ, чунки темир шамоллаб йўталиши мумкин эди-ю, лекин бу баҳайбат помешчикка ҳеч бало урмас эди.

— Дарҳақиқат, соғлиқ бобида сизнинг номингиз чиққан,— деди раис,— раҳматлик отангиз ҳам бақувват киши эди.

— Шундоқ,— деди Собакевич,— ёлғиз ўзи тикка бориб айиқ билан олишарди.

— Менимча,— деди раис,— агар сиз ҳам айиққа рўпара бўлсангиз, уни кўтариб урардингиз.

— Йўқ, кўтариб уролмаيمان,— деб жавоб берди Собакевич,— раҳматлик отам мендан бақувват эди,— кейин бир хўрсиниб олиб сўзида давом этди:— Йўқ, ундай одамлар энди қани, мана аввало менинг турмушимни олинг, шу ҳам турмуш бўлдимиз? Шунчаки бир нав ўтяти-да. . .

— Хўш, турмушингизнинг нимаси яхши эмас? — деди раис.

— Яхши эмас, яхши эмас,— деди Собакевич бошини чайқаб.— Узингиз ўйлаб қаранг, Иван Григорьевич, эллик ёшга кирдим, бир марта ҳам бирон жойим оғриган эмас; ҳеч бўлмаганда бундоқ томоғим оғриси, бирон яра ёки чипқон чиқса. . . Йўқ, бунинг охири бахайр бўлмайди! Бир кун эмас бир кун бурнимдан чиқади.— Шу пайт Собакевичнинг кўнгли бузилди.

«Ол-а,— деб ўйлашди айти бир вақтда Чичиков билан раис,— бунинг топган гапига қаранг!»

Чичиков Плюшкиннинг хатини чўнтагидан чиқарар экан:

— Сизга бир хат олиб келган эдим,— деди раисга қараб.

— Қимдан? — деди раис ва хатни очгач, хитоб қилди:— Ҳа! Плюшкиндан. У ҳали ҳам бу дунёда ғимирлаб юрибдимиз? Толега қаранг, қандай ақлли, қандай бадавлат киши эди у! Мана энди. . .

— Ит,— деди Собакевич,— муттаҳам, ҳамма одамларини очликдан ўлдириб юборди.

— Кечирасиз, кечирасиз,— деди раис хатни ўқиб бўлгач,— мен ваколатни ўз зиммамга оламан. Сиз васийқани қачон қилдирмоқчисиз, ҳозирми ё кейинми?

— Ҳозир,— деди Чичиков,— ҳатто сиздан илтимосим шуки, мумкин бўлса, бугун қилинса; чунки мен эртага шаҳардан кетмоқчиман, васийқани ҳам, аризани ҳам олиб келганман.

— Булар ҳаммаси яхшику-я, аммо нима десангиз денг, биз сизни бундай тез кетишга қўймаймиз. Васийқалар бугун қилинади, лекин сиз ҳар ҳолда биз билан қоласиз. Мана мен ҳозир буйруқ бераман,—

деди у ва мирзахонага чиқадиган эшикни очди; мирзахонада чиновниклар гужгон ўйнарди, башарти асалари инларини мирзахона делоларига ўхшатиш мумкин бўлса, улар худди инларига ёпишиб олган меҳнатсевар асалариларга ўхшар эди: — Иван Антонович шу ердами?

— Шу ерда,— деган овоз эшитилди ичкаридан.

— Чақиринг, бу ёққа келсин!

Қитобхоналарга маълум мунди башара Иван Антонович қабулхона залига кириб, эҳтиром билан таъзим қилди.

— Мана буларни олинг, Иван Антонович, ҳаммаси уларнинг васийқалари...

— Аммо эсингиздан чиқмасин, Иван Григорьевич,— деди Собаксвич унинг сўзини бўлиб, — ҳар бир тарафдан лоақал иккитадан гувоҳ керак бўлади. Ҳозир прокурорга одам юборинг, у бекорчи одам, уйда ўтирган бўлса керак, қиладиган иши йўқ, унинг ҳамма ишини ёрдамчиси Золотуха қилади, Золотуха дунёда биринчи порахўр. Даволаш идорасининг инспекторига ҳам одам юборинг, у ҳам бекорчи одам, уйда бўлса керак, уйда бўлмаса бирон жойга қарта ўйнагани кетган; бунақалар шу атрофда яна кўп: Трухачевский, Бегушкин — булар ҳаммаси ер юзида ортиқча юк бўлиб юришибди!

— Тўғри, тўғри! — деди раис ва дарҳол мирзахона хизматчиларининг ҳаммасини уларни айтиб келгани юборди.

— Сиздан яна бир илтимосим бор,— деди Чичиков,— мен бир помешчик хотин билан ҳам савдо битими тузган эдим, ўша хотин протоп ҳазрат Кирилнинг ўғлини ўз номидан вакил қилган эди, у сизнинг шу мирзахонангизда хизмат қилади; шуни ҳам чақиртирсангиз.

— Хўп бўлади, уни ҳам чақиртирамиз! — деди раис.— Ҳаммаси бажо қилинади, аммо сиз чиновникларга ҳеч нима берманг, сиздан илтимос қилиб сўрайманки, ҳеч нима берманг, менинг ошна-оғайниларим уларга пул бермасликлари керак.— Шу гапни айтди-ю, дарҳол Иван Антоновичга нимадир деб буйруқ берди, бу буйруқ Иван Антоновичга ёқмагандек кўринди. Васийқалар, афтидан, раисга ёқиб тушган эди, хусусан бу савдо-сотиқнинг қарийб юз минг сўмга борганлиги унга жуда хуш ёққан эди. У ғоят мамнуният ифодаси акс этган назар билан бир неча минут Чичиковнинг кўзларига қараб турди-да, ниҳоят, деди:

— Мунга қаранг-а! Шундай қилиб, Павел Иванович! Демак, сотиб олдим денг-а?

— Сотиб олдим,— деб жавоб берди Чичиков.

— Кўп яхши иш бўлибди, дарҳақиқат, кўп яхши иш бўлибди!

— Бундан ортиқ яхши иш қилолмаслигимни ўзим ҳам кўриб турибман. Қандай бўлмасин, агар киши мустаҳкам негизда маҳкам оёқ босиб турмаса-ю, ёшликнинг қандайдир эркин хаёлларига берилиб кетса, унинг ғоя ва мақсади аниқ бўлмайди.— Шу пайт жуда хонаси келиб қолиб, у ҳамма ёшларни либерализм важдан боплаб сўкди ва тўғри қилди, уларнинг жазоси шу эди. Лекин шуниси ғалатики, унинг сўзларида ҳамон қандайдир қатъиятсизлик бор эди ва шу ондаёқ ўз-ўзига гўё: «Эй, биродар, ёлғон гапиряпсан-ку, ёлғонни жуда қотирдинг-ку!» дегандай бўлар эди. У ҳатто Собакевич билан Маниловнинг юзига қарамади, уларнинг юзида бирон ифодани кўриб қоламан, деб қўрқди. Лекин унинг қўрқиши беҳуда, чунки Собакевичнинг юзида ҳеч қандай аломат йўқ, Манилов эса унинг сўзларига маҳлиё бўлиб, маза қилиб эшитар, маъқуллаб бош чайқар эди: шу туришида у ашулачи бир қиз овозини баланд қўйиб, ҳатто скрипканинг товушини босиб кетадиган ва ҳеч бир қушнинг овози тенг келолмайдиган даражада қаттиқ чинқириб ашула айтганда, унга мафтун бўлиб бош чайқаб ўтирган музика муҳибига ўхшар эди.

Шу топда Собакевичдан садо чиқди:

— Хўш, нима сотиб олганингизни нега Иван Григорьевичга айтмайсиз,— деди у,— Иван Григорьевич, сиз у кишидан нима сотиб олганларини нега сўрамайсиз? У киши шунақа ажойиб одамларни сотиб олдиларки, нуқул тилла! Мен у кишига аравасоз Михеевни ҳам сотиб юбордим.

— Йўғ-э, сиз Михеевни сотиб бўпсиз? — деди раис. — Мен аравасоз Михеевни танийман, ажойиб уста; менинг аравамни қайтадан ясаб берган эди. Дарвоқе, менга қаранг, бу қандоқ бўлди. . . Сиз менга Михеев ўлди деган эдингиз-ку.

— Қим, Михеев ўлди? — деди Собакевич сир бой бермай, — ўлган унинг акаси эди, ўзи соппа-соғ юрибди. Аввалгидан ҳам бардам, яқинда шунақа бир бричка ясадики, бунақасини Москвада ҳам ясаша олмайди. У фақат подшонинг ўзига ишлашга муносиб уста.

— Тўғри, Михеев ажойиб уста,— деди раис,— мен фақат шунга хайронманки, сиз нега уни қўлдан чиқардингиз?

— Елғиз Михеев қўлдан кетди дейсизми! Дурадгор Пробка Степан-чи, гишт терувчи Милушкин-чи, этикдўз Максим Телятников-чи— ҳаммаси қўлдан кетди, ҳаммасини сотдим! — Раис ундан, хўш уйингизга керакли шундай кишиларни ва усталарни нега сотдингиз, ахир? — деб сўраган эди, Собакевич қўлини силтаб жавоб берди:— Бир шундоқ бўлди-да! Жиним тутди: сотиб юборай шуларни дедим-да, сотдим қўйдим.— Шу пайт у гўё сотганига пушаймон бўлгандай бошини қуйи солди ва сўнгра деди:— Соч-соқолим оқарибди-ю, ҳали ҳам ақлим кирмабди-да.

— Хўш, марҳамат қилиб айтинг-чи, Павел Иванович,— деди раис,— ер олмасангиз, деҳқонларни сотиб олиб нима қиласиз? Ё бошқа жойга олиб кетасизми?

— Бошқа жойга олиб кетаман.

— Олиб кетсангиз бошқа гап. Хўш, қайси ерга?

— Қайси ерга дейсизми. . . Херсон губерниясига.

— О, у жойнинг ери жуда яхши! — деди раис ва у ерда ўтлар жуда яхши ўсишини мақтаб кетди.— У жойдаги ерларингиз етарлими?

— Етарли. Сотиб олинган деҳқонларга бемалол етади.

— Сой оқадими ёки ҳовуз борми?

— Сой оқади, айтгандай, ҳовуз ҳам бор.— Чичиков шундай деди-ю, ялт этиб Собакевичга қаради, гарчи Собакевич илгаригидай ҳамон хомуш ўтирган бўлса-да, Чичиковга гўё унинг юзига: «Э, гапинг ёлғон! Унда сойинг ҳам, ҳовузинг ҳам, еринг ҳам борлиги гумон!» деб ёзилгандай туюлди.

Улар сўзлашиб ўтираркан, гувоҳлар ҳам бир-бир кела бошлади: булар китобхонларга маълум бўлган ва Собакевичнинг таъбирича, ер юзида ортиқча юк бўлиб юрган пир-пир кўз прокурор, даволаш идорасининг инспектори ҳамда Трухачевский, Бегушкин ва бошқа зотлар эди. Булардан кўпи Чичиковга нотаниш эди; етишмаган гувоҳлар маҳкама чиновникларидан танлаб олинди. Протопоп ҳазрат Кирилнинг ўғли тугул, ҳатто ўзи ҳам олиб келинди. Гувоҳлардан бирови тесқари, бирови қийшиқ, бирови оёғи осмондан келган, хулласки, рус алифбесига мисли кўрилмаган ҳарфлар билан ўзларини, ўз

мартаба ва амалларини қоғозларга ёздилар. Маълум ва машҳур Иван Антонович ҳамма ишни жуда эпчиллик билан бажариб турди: васийқалар ёзилди, тамғаланди, дафтарларга ва бошқа лозим жойларга қайд қилинди, ярим процентдан мулозимона ва «ведомостлар»<sup>1</sup> да босиб чиқариш ҳақи олинди ва шундай қилиб, Чичиковга жуда оз чиқим қилишга тўғри келди. Раис ҳатто, ундан бож пулининг фақат ярмиси олинсин, деб буйруқ берди; қолган ярмиси, ким билсин қай тариқа, арз билан келган бошқа бир киши ҳисобига ўтказилди.

Ҳамма иш тамом бўлгач, раис деди:

— Демак, энди ширинкомаси қолди-да.

— Жоним билан, — деди Чичиков. — Ихтиёр сизда, қачон десангиз биз тайёр. Шундай яхши улфатлар учун икки-уч шиша вишиллаб турадигандан очмасак, биз томондан катта гуноҳ бўлади-ку!

— Йўқ, сиз гапга яхши тушунмадингиз, — деди раис, — вишиллаб турадиганидан ўзимиз ҳам қуямиз, бу бизнинг бурчимиз, вазифамиз. Сиз бизга меҳмонсиз, биз зиёфат қилишимиз керак, биласизми қандоқ қиламиз, жаноблар! Ҳозирча бундоқ қиламиз: шу турганимизча ҳаммамиз полиция бошлиғиникига борамиз; у бизнинг муъжизакоримиз, у балиқ растасидан ёки винохоналар ёнидан ўта туриб кўзини сал қисиб қўйса бўлди, бирпасда ҳамма нарса тўкин-чочин бўлиб кетади! Маза қилиб тамадди қиламиз ва шу орада бир йўл қарта ҳам ўйнаб оламиз!

Бу таклифга ҳеч ким йўқ демади. Фақат балиқ растасининг номини эшитиш биланоқ гувоҳларнинг иштаҳаси карнай бўлди; шу онда ҳаммалари телпак ва шапкаларини қўлга олдилар, шу билан маҳкама иши ҳам тугаган бўлди. Улар мирзахонадан ўтаётганларида мунди башара Иван Антонович тавозе билан таъзим қилиб Чичиковга:

— Юз минг сўмга деҳқон сотиб олибсиз-ку, шунча қилган хизматимга фақат йигирма сўм бердингиз-а, — деб қўйди секин.

— Биласизми қанақа деҳқон улар, — деди Чичиков ҳам унинг қулоғига шивирлаб, — ҳаммаси пуч ва бўлмағур кишилар, шу пулнинг ярмисига ҳам арзимайди.

---

<sup>1</sup> «Ведомостлар» — «сенат ахбороти» бўлиб, унда васийқалар, кўпчиқлар ҳақидаги қарор босилиб турарди.

Иван Антонович арзгўй қўли қаттиқ киши эканини ва ортиқча пул бермаслигини тушунди.

— Плюшкиндан ҳар бир жонни неча пулдан олдингиз? — деди Собакевич унинг нариги қулоғига шивирлаб.

— Хўш, Воробейни нега қўшиб қўйдингиз? — деди Чичиков унинг сўзига жавобан.


— Қанақа Воробейни? — деди Собакевич.

— Елизавета Воробей деган хотинни, тагин оҳирига «ъ» ҳарфини ҳам ёзиб қўйибсиз.



— Йўқ, мен ҳеч қанақа Воробейни қўшиб қўйган эмасман, — деди Собакевич ва бошқа меҳмонлар ёнига кетди.

Меҳмонлар тўп бўлишиб полиция бошлиғининг уйига келдилар. Полиция бошлиғи ҳақиқатан муъжизакор экан: у гап нималигини билди-ю, дарҳол пошнаси ва қўнжи баланд, локланган этик кийган чаққон бир йигитни — даҳа полиция бошлиғини чақирди ва унинг қулоғига афтидан икки оғиз сўз шипшиди-да, сўнгра «тушундингми?» деб қўйди; нариги хонада меҳмонлар бир қўл қарта ўйнаб олгунча белуга, осетра, семга, шўртанг икра, янги тузланган икра, селёдка, оқ балиқ, пишлоқ, сурланган тил ва бошқа балиқлар стол устида муҳайё бўлди — булар ҳаммаси балиқ растасидан келтирилган эди. Сўнгра уй эгасининг ошхонасида пиширилган таомлар тортилди: булар — тўққиз пудлик осетра балиқнинг кемирчаги ва боши солиб пиширилган каттакон балиш, оқ қўзиқорин солиб пиширилган ўрама нон, бўғирсоқ, асал шарвати солинган компотдан иборат эди. Полиция бошлиғи бир жиҳатдан шаҳарнинг отаси ва валинеъмати эди. Гражданлар орасида у худди ўз оила аъзолари ичида яшагандек яшар, дўконларга ва савдохоналарга эса худди ўзининг омборига киргандек бемалол кириб кетаверар эди. Умуман айтганда у ўз жойини топиб ўтирган эди ва



Ўз вазифасининг ҳамма паст-баландлиқларини мукаммал биларди. У ўрин учун яратилганми ёки ўрин унинг учун яратилганми — ҳатто буни ҳал қилиш ўзи қийин эди. Иш шундай оқилона бир тарзда йўлга қўйилган эдики, унинг даромади ўзидан илгариги полиция бошлиқларининг даромадидан икки ҳисса ошиқ, яна бунинг устига у бутун шаҳар аҳолисининг муҳаббатини ҳам қозонган эди. Уни димоғдор эмас, деб ҳаммадан ҳам савдогарлар жуда яхши кўришарди, ҳақиқатан ҳам у мазкур савдогарларнинг болаларини чўқинтирар, улар билан оға-ини тутинар, ўрни келганда уларни бошлаб шиларди, шилганда ҳам ниҳоятда усталик билан шиларди: елкасига қоқиб қўяр, қиқиллаб кулар, чой билан зиёфат қилар, ўзим бир кун сиз билан дамка ўйнагани келаман деб ваъда берарди; улардан: ишларингиз қалай, кайфингиз нечук, деб ҳол-аҳвол сўрарди. Борди-ю, биронтасининг боласи сал-пал касал бўлганини билиб қолса, дарров дори-дармон буюрарди — хуллас, одамохун эдида! Аравасига миниб борарди-ю, тартиб-интизомни ўрнига қўярди, шу орада баъзи бировларга бир-икки оғиз сўз ҳам айтиб ўтарди: «Бор-мисан, Михеич! Вақт топиб сен билан бир гарткам урсак бўларди». —

«Ҳа, Алексей Иванович,— дер эди у шапкасани бошидан олиб,— шундоқ қилсак бўларди»,— «Ҳой, оғайни, Илья Парамонич, меникига келиб чопқир отимни бир кўриб кет; чопишда сеникидан қолишмайди, бўлмаса отингни пойгага қўй, синаб кўрамиз». Чопқир отга ишқибоз бўлган савдогар бу сўзни эшитиб оғзининг таноби қочарди ва соқолини силаб: «Майли, синаб кўрамиз, Алексей Иванович!» дер эди. Ҳатто дўкондаги хизматкорлар ҳам шу вақт одатда бошларидан шапкаларини олиб, бир-бирларига мамнуният билан қарашар ва гўё: «Алексей Иванович яхши одам!» дегандай бўлар эдилар. Хуллас, полиция бошлиғи халқ билан жуда эллашиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетган эди, савдогарлар ҳам унинг ҳақида «Алексей Иванович гарчи ўмариб олса-да, ҳеч вақт сени тутиб бермайди» дер эдилар.

Полиция бошлиғи таом тайёр бўлганини кўргач, меҳмонларга, қарта ўйинини овқатдан кейин тамом қиламиз деди, шундан сўнг ҳамма дастурхон тузатилган хонага юрди: анчадан бери у ердан димоққа ураётган овқат ҳиди меҳмонларнинг бурнини қичитмоқда эди, Собакевич бўлса аллақачон у ерга эшикдан мўралаб, столнинг бир четида катта лаганда турган осетра балиқни мўлжаллаб қўйган эди. Меҳмонлар қорамтир зайтун рангига ўхшаган, бамисоли Русияда муҳр ясаладиган Сибирнинг шаффоф тошлари рангига монанд бўлган ароқдан бир рюмкадан ичдилар-да, қўлларига вилка олиб, ҳар томондан столга ташландилар; шу топда ҳар ким ўз табиатини ва майлини намён қилди: биров икрага, биров семга балиққа, биров пишлоққа ёпишиб кетди. Собакевич эса бунақа майда-чуйда нарсаларга аҳамият бермай, тўғри осетрага ёпишди, бошқа меҳмонлар еб, ичиб, сўзлашиб ўтираркан, у чорак соат ичида балиқни паққос ямламай ютиб юборди; шу пайт бу балиқ полиция бошлиғининг эсига тушиб қолди ва у: «Жаноблар, табиатнинг яратган мана бу муъжизаси сизларга нечук маъқул бўлади?» деб, қўлидаги вилкани бошқалар билан баравар балиққа узатиб қарасаки, табиатнинг яратган муъжизасидан фақат думи қолибди, холос; Собакевич эса ўзини гўлликка





солиб, гўё ҳеч нима кўрмагандек ўтирарди ва нариги чеккада турган ликопчага интилиб, қўлидаги вилкани қуриган кичкина бир балиқчага суқарди. Осетра балиқни уриб олгандан кейин, у бошқа ҳеч нима емади ва ичмади, креслода кўзларини мўлтайтириб нуқул мижжа қоқиб ўтирди. Полиция бошлиғи, афтидан, винони аямайдиған киши эди; соғ-саломатликка кўтарилған қадаҳларнинг сон-саногии йўқ эди. Биринчи қадаҳ, эҳтимол, китобхонларнинг ўзлари сезсалар керак, янги херсон помешчигининг соғлигига кўтарилди, сўнгра унинг деҳқонларининг роҳат-фароғатда яшашии ва омон-эсон янги жойга кўчиб бориши учун ичилди, иннайкейин унинг келажакдаги гўзал хотинининг соғлигига қадаҳ кўтарилди, гўзал хотинни эшитиб қаҳрамонимиз ёқимли жилмайиб қўйди. Уни ҳар томондан ўраб олиб, ақалли икки қафтагина шаҳарда қолишини ўтиниб сўрай бошладилар.

— Йўқ, Павел Иванович! Сиз нима десангиз деяверинг, бу ишингиз уйни ҳувиллатиб кетиш, яъни остонага оёқ қўйиб орқага қайтиш бўлади! Йўқ, сиз қолиб биз билан вақтичоғлик қиласиз! Биз сизни уйлантириб қўямиз: тўғрими, Иван Григорьевич, уйлантириб қўямиз-а?

— Уйлантирамиз, уйлантирамиз!— деди раис ҳам.— Сиз қўл-оёгингизни тираб олсангиз ҳам биз сизни уйлантирамиз! Йўқ, отам, бир

қўлга тушдингизми, энди бизнинг қўлимиздан қутула олмайсиз. Биз ҳазиллашишни яхши кўрмаймиз.

— Хўш, нима бўпти? Нега қўл-оёқни тираб олиш керак экан,— деди Чичиков мийиғида кулиб:— уйлансак уйланаверамиз-да, фақат келин топилса бўлди.

— Келин ҳам топилади, нима истасангиз топилади, ҳаммаси топилади! . .

— Агар топилса. . .

— Офарин, офарин, қоладиган бўлди! — деб қичқиришди ҳаммаси. — Виват, ура, Павел Иванович! Ура! — Ҳаммалари унинг олдига бориб қадаҳ уриштиришди.

Чичиков ҳамма билан қадаҳ уриштирди. «Йўқ, йўқ, яна бир марта!» — дейишди меҳмонлардан кайфи ошиб қолганлари ва яна бир марта уриштирдилар; сўнгра учинчи марта уриштириш ҳафсаласи туғилди. Учинчи марта ҳам уриштирдилар Кўп ўтмай ҳамманинг кайфи тарақ бўлди. Жуда жонон киши бўлган раис, кайфи ниҳоятда чоғ бўлиб, Чичиковни бир неча бор қучоқлади ва ҳар қучоқлаганда: «Сен менинг жонимсан, сен менинг онажонимсан!» деб меҳрибончилик қилар ва ҳатто бармоқларини шириқлатиб, атрофида гир-гир айланиб ўйнар ва «Эй, камарин мужиги, ундоқсан, мундоқсан» деган машҳур ашулани куйларди. Шампан виносидан кейин мажор винолари очилди, бу вино улфатларга яна жон киргизиб, кайфини ошириб юборди. Қарта ўйнаш бутунлай эсдан чиқди, улар мунозара қилдилар, тортишдилар, сўз таллашиб қичқирдилар, ҳар тўғрида сўзлашдилар: сиёсатдан, ҳатто ҳарбий ишдан сўз очдилар, эркин фикрларни ҳам айтдиларки, бошқа вақтда бундай фикрларни айтгани учун улар ўз болаларини калтаклаган бўлардилар. Шу ернинг ўзида кўпгина энг мушкул масалаларни ҳал қилдилар. Чичиковнинг кайфи ҳеч қачон ҳозиргидек чоғ бўлмаган эди, у ҳозир ўзини чинакам херсон помещчиги деб хаёл қиларди, хўжалигини турли йўллар билан такомиллаштириш тўғрисида сўзларди:




уч далалик хўжалик ҳақида, икки жоннинг бахт-саодати ва роҳат-фароғати ҳақида гапирарди. Сўнгра у, Вертернинг Шарлоттага<sup>1</sup> шеър билан ёзиб юборган номасини Собакевичга ўқиб бера бошлади; Собакевич эса креслода ўтириб нуқул мишжа қоқарди, чунки осетра балиқни егандан кейин жуда ухлагуси келган эди. Чичиков ҳам кайфи жуда ошиб кетаётганлигини пайқаб, арава сўради ва прокурорнинг аравасига тушиб, мусофирхонага жўнади. Йўлда маълум бўлдики, прокурорнинг кучери тажриба кўрган йигит экан, чунки у бир қўли билан отларни бошқариб, иккинчи қўлини орқасига узатиб Чичиковни ушлаб борарди. Шу тариқа у прокурор аравасига тушиб мусофирхонага етиб борди, бунда ҳам у анча вақтгача алланималарни айтиб гулдуради: ширмон юз, ўнг юзида кулгичи бор сариқ соч оппоқ қиз, Херсон қишлоқлари, мол-давлат ва яна алланима балолар. Ҳатто Селифанга хўжаликка оид баъзи буйруқларни ҳам берди: янгидан кўчирилган ҳамма мужикларни йиғиб, бирма-бир йўқлама қил, деди. Селифан аввал анча қулоқ солиб турди, сўнгра хонадан чиқиб, Петрушкага: «Бор, баринни ечинтир!» деди. Петрушка унинг этикларини торта бошлади ва этигини тортаман деб бариннинг ўзини каравотдан тортиб тушуришига сал қолди. Охири этик тортилди, барин яхшилаб ечинди ва қаттиқ ёғирлаб турган каравотда анча вақтгача у ён-бу ёнига ағдарилди, сўнгра худди херсон помешчигидай қотиб ухлаб қолди. Шу орада Петрушка унинг чалворини ва жигар ранг хол-хол фрагини коридорга чиқариб ёғоч илгакка ёйди-да, чивик ва чўтка билан уриб, бутун коридорни чанг-тўзонга тўлдириб юборди. Уларни энди илгакдан оламан деб туриб, коридордан пастга қаради ва ошхонадан чиқиб келаётган Селифанни кўриб қолди. Улар бир-бирларига қараб, нима демоқчи эканликларини пайқашди: барин-ку ухлаб қолди, энди у ёқ-бу ёқни бир айланиб келсак ҳам бўлар, демоқчи эдилар. Петрушка шу замон чалвор билан фракни хонага киргизиб қўйди-да, пастга тушди, улар икковлашиб, бир-бирларига қаёққа боришлари тўғрисида бир сўз демай, бутунлай бошқа нарсалар ҳақида гурунглашиб йўлга тушдилар. Лекин улар узоққа сайр қилиб кетмадилар, фақат кўчанинг нариги томонига ўтиб, мусофирхона рўпарасидаги уй олдига бор-

---

<sup>1</sup> Вертер ва Шарлотта — буюк немис шоири Гётенинг «Еш Вертернинг изтироблари» деган романининг қаҳрамонлари.

дилар, ис босиб кетган пастак ойнаванд эшикдан ичкарига, ертўлага ўхшаган бир жойга кирдилар; унда ёғоч столлар ёнида ҳар хил одамлар ўтирган эди: баъзиларининг соқоли олинган, баъзиларининг соқоли олинмаган, баъзиларининг эғнида ағдарма пўстин бўлиб, баъзилари кўйлакчан, баъзилари эса пахмоқ шинель кийиб олган эди. Петрушка билан Селифан у ерда нима қилганларини фақат худо билади; аммо бир соатдан кейин улар қўл ушлашиб у ердан чиқдилар, бир-бирларига сира сўз қотмасдан жуда меҳрибончилик қилиб, бирон бурчакка урилиб кетмаслик учун бир-бирларини авайлаб ушлаб келдилар. Улар қўл ушлашиб, бир-бирларини суяшиб, роса чорак соат зинапоядан чиқишга уриндилар ва охири бир амаллаб юқори чиқиб олдилар. Петрушка пастак каравоти олдида бирпас тўхтаб, мен ҳам бир одамга ўхшаб ётай деб ўйлаб турди-да, каравотга кўндаланг, бўлиб ётиб олган эди, оёқлари полга тегиб қолди. Селифан ҳам бу ерда эмас, балки отхонада отлар ёнида ёки бўлмаса хизматкорлар хонасида ётиши кераклигини унутиб, шу каравотчага чўзилди-да, бошини Петрушканинг қорнига қўйиб олди. Иккови ҳам шу замон ухлаб қолиб, худди уйни кўчириб юборгудай қаттиқ хуррак ота бошлади, бунга жавобан нариги хонадан бариннинг ингичка бурун ҳуштаги эшитиларди. Шундан кейин тезда ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди, бутун мусофирхона ҳам қаттиқ уйқуга кетди; фақат бир деразадан чироғ шуъласи кўриниб турарди: унда Рязандан келган қандайдир бир поручик турарди, афтидан, у этикка жуда ишқибоз эди, чунки тўрт жуфт этик буюриб, энди бешинчисини оёғига кийиб кўраётган эди. У бир неча бор каравоти олдига бориб, этикларини ечиб ётмоқчи бўларди-ю, лекин ечишни кўзи қиймасди; этик ҳақиқатан яхши тикилган эди, шунинг учун ҳам у яна анча вақтгача оёғини кўтариб, ихчам ва шинам қилиб қўндирилган пошнасини томоша қилди.





### Саккизинчи боб

**Ч**ичиковнинг деҳқонлар сотиб олганлиги гап-сўз бўлиб кетди. Деҳқонларни сотиб олиб бошқа жойга олиб кетиш фойдали ёки фойдасизлиги ҳақида шаҳарда дув-дув гап: ҳар ким бу тўғрида ўз фикрини, ўз мулоҳазасини айтди. Бу мунозара-музокара-раларда кўп кишилар масаланинг моҳиятини тамом тушуниб хулоса чиқардилар. «Албатта,— деяр эди баъзилари,— шундоқ бўлиши керак, бунга қарши сўз бўлиши мумкин эмас: жанубий губерниялардаги ерлар ҳақиқатан яхши, ҳосилдор; аммо шуниси борки, Чичиковнинг деҳқонлари сувсиз нима қилишади? Унда ҳеч қандай дарё ёки сой йўқ». — «Сув бўлмаса зиёни йўқ, Степан Дмитриевич, у майли-я, аммо одам кўчириш чатоқ; мужикнинг нималиги маълум; мужик янги ерга кўчиб боради, дарров ер ҳайдаб, экин-тикин қилмоқчи бўлади,

қараса ҳеч нимаси йўқ, на уйи бор, на ҳовлиси — албатта қочиб кетади, жуфтагини ростлаб, хаш-паш дегунча қочади-кетади, изини ҳам тополмайсан». — «Йўқ, Алексей Иванович, рухсат этинг, Чичиковнинг мужиклари қочиб кетади деган сўзингизга қўшилмайман. Рус кишиси ҳар нарсага қобил ва ҳар қандай иқлимга кўникиб кетаверади. Хоҳласанг уни Қамчаткага юбор, унга сен фақат иссиқ қўлқоп берсанг бўлгани, у қўлини қўлига уриб болтани олади-да, ўзига янги уй қуриб олади». — «Лекин, Иван Григорьевич, сен муҳим бир масалани назардан қочириб қўйибсан: сен ҳали Чичиковнинг мужиклари қанақалигини сўраганинг йўқ. Помешчик ҳеч вақт яхши одамани сотмаслигини унутибсан; Чичиков сотиб олган мужиклар фирт ўғри, пияниста, саёқ ва жанжалкаш одамлар, — агар шундай бўлмаса мен калламни бераман». — «Шундоқ, шундоқ, мен бу фикрга қўшиламан, бу тўғри, ҳеч ким яхши одамларини сотмайди, Чичиков олган мужикларнинг пиянисталиги ҳам тўғри, аммо шуни назарда тутмоқ керакки, худди шунда бир гап бор-да, ҳа, шунисида бир гап бор, улар ҳозир ярамас бўлсалар, янги ерга кўчганларидан кейин бирдан ўзгариб энг яхши фуқаро бўлиб қолишлари мумкин. Халқ орасида ҳам, тарихда ҳам бундай мисоллар кўп бўлган». — «Асло, асло, — деди пошшолик фабрикаларининг бошқарувчиси, — ишонинг, бундай бўлиши асло мумкин эмас, чунки энди Чичиков деҳқонларининг иккита кучли душмани бўлади. Бу душманлардан бири, Малороссия губернияларининг яқинлиги; маълумки, бу губернияларда вино эркин сотилади. Сизни ишонтириб айтаманки, улар икки ҳафта ичида бор-йўғини ичиб, қип-қизил модарзот бўлиб қолади. Иккинчи душман саёқлик одатидир, чунки деҳқонлар янги жойга кўчирилганда муқаррар шундай одатга ўрганиб қоладилар. Бунинг олдини олиш учун фақат бир йўл бор: улар доимо Чичиковнинг кўз олдида бўлмоғи керак, Чичиков уларни қаттиқ ушламоғи керак, салгина ножўя иш қилса тумтарақай қувиб турмоғи керак, ҳеч бирига ишонмаслиги керак, шахсан ўзи уларнинг тумшуғига солиб, орқасидан тепиб туриши керак». — «Хўш, нега энди бу ишларни Чичиков ўзи қилиб, уларнинг орқасига тепиб туриши керак? У бирон ишбоши топиб, бу ишларни ўшанга топшириши мумкин-ку!» — «Ишбоши топиб бўлди: ҳаммаси муттаҳам, қаллоб!» — «Шунинг учун улар муттаҳам, қаллобки, помешчикларнинг ўзлари иш билан шуғулланмайдилар». —

«Бу тўғри,— дейишди кўпи унинг фикрини қувватлаб.— Помешчининг ўзи оз-моз хўжаликни билса-ю, одамларни таниб оладиган бўлса, ҳамиша унинг яхши ишбошиси бўлади». Пошшолик фабрикаларининг бошқарувчиси, яхши ишбошини беш мингдан камга топиб бўлмайди, деди. Лекин раис, уч мингга ҳам топиш мумкин, деди. Лекин фабрикалар бошқарувчиси: «Хўш, қаердан топасиз? Бурнингизнинг ичидан топасизми?» деди. Лекин раис: «Йўқ, бурнимдан эмас, шу уезднинг ўзидан топаман, масалан, Пётр Петрович Самойлов-чи: Чичиковнинг мужикларига худди ана шундай ишбоши керак!» деди. Кўплари Чичиковнинг аҳволига жуда ачинишди, бу қадар кўп деҳқонларни кўчириш қийинлиги уларни ниҳоятда қўрқитди; ҳатто Чичиковнинг деҳқонлари каби бебош кишилар ўртасида исён ҳам чиқиши мумкинлигини айтиб, жуда қўрқиб кетдилар. Бу сўзда полиция бошлиғи, исёндан қўрқишнинг ҳожати йўқ, чунки исённинг олдини оладиган капитан-исправник бор, унинг ҳукми зўр, капитан-исправник ўзи бормасдан, ўрнига телпагини юборса ҳам, шу телпагининг ўзи ҳамма деҳқонларни қувиб инига киргизиб юборади, деди. Кўплари Чичиков деҳқонларидаги тўполончилик руҳини батамом йўқ қилиш тўғрисида ўз фикрларини айтдилар. Бу фикрлар ҳар хил, яъни ҳарбийларча шафқатсиз ва қаттиққўл бўлиш каби ҳаддан ошиб кетадиган чораларни қўллаш фикрлари ҳам бор, аммо юмшоқлик билан иш қилинса яхши бўлади, деган фикрлар ҳам бор эди. Почта мудир айтдики, Чичиковнинг олдида муқаддас вазифа турибди: у ўз деҳқонлари орасида маълум жиҳатдан ота бўлиши мумкин, ҳатто хайрия маорифи ташкил қилиши мумкин, деди, шу билан бирга у, бир-бирини ўқитишга асосланган Ланкастер мактабини<sup>1</sup> кўкларга кўтариб мақтади.

Шаҳарда шу тариқа гап-сўзлар, муҳокамалар бўлмоқда эди; ҳатто баъзилар Чичиковга кўмаклашув мақсадида шахсан унга ҳар хил маслаҳатлар бердилар, ҳаттоки, деҳқонларни янги истиқомат жойига соқчилар билан олиб бориш хатарсиз бўлишини ҳам таклиф қилдилар. Чичиков бу маслаҳатлар учун ташаккур билдирди, лозим бўлганда улардан албатта фойдаланишини айтди; аммо соқчилар

---

<sup>1</sup> Ланкастер мактаби — англиз педагоги Ланкастер (1778—1838) системасига мувофиқ бир-бирини ўқитиш усули, яъни педагог фақат энг яхши ўқувчиларни ўқитади, бу ўқувчилар эса қолган ўқувчиларни ўқитади.

мутлақо керак эмас, чунки сотиб олган деҳқонларим жуда ювош ва мўмин-қобил кишилар, янги жойга кўчиб боришга ўзларининг иштиёқи зўр ва улар ўртасида ҳеч қандай исён чиқиши мумкин эмас, деди.

Бу гап-сўзлар ва муҳокамаларнинг натижаси жуда яхши бўлиб чиқди, бундай бўлишини Чичиков асло кутмаган эди. Ҳамма жойда, Чичиков шак-шубҳасиз миллионер, деган гап тарқалди. Биз биринчи бобда кўрганимиздек, шаҳар аҳолиси бусиз ҳам Чичиковни чин қалбдан яхши кўриб қолган эди, энди эса, мана бу гаплардан кейин, уни яна астойдил яхши кўрадиган бўлди. Зотан, тўғриси айтганда, шаҳар аҳолисининг ҳаммаси меҳрибон кишилар эди, бир-бири билан апоқ-чапоқ бўлиб яшар, бир-бирига дўстларча муомала қиларди, уларнинг суҳбатларида ҳам қандайдир алоҳида содда диллик ва ҳалим-ҳазимлик бор эди; масалан, бир-бири билан муомала қилганда: «Азиз дўстим, Илья Ильич», «Менга қара, биродар, Антипатор Захарьевич!», «Сен ёлғонни ёмон дўндирдинг-да, онажон, Иван Григорьевич» деб сўзлашар эди. Почта мудирининг номи Иван Андреевич эди, лекин унга ҳаммаша: «Шперхен зи дейч, Иван Андрейч?» деярдилар, — хуллас, ҳаммалари бир оила, бир тан, бир жондек жуда аҳил эдилар. Улардан кўплари ўқимишли кишилар эди; палата раиси Жуковскийнинг ўша вақтларда янгигина босилиб чиққан «Людмила»сини ёддан биларди ва унинг кўп ўринларини, айниқса: «Урмон ухлаб қолди, водий уйқуда» деган жойини ва «чу!» сўзини жуда моҳирлик билан ўқирди, бу сўзни айтганда ҳақиқатан водий ухлаб ётгандай туюларди; бу сўзнинг таъсирини кучайтирмақ учун у ҳатто кўзларини юмиб оларди. Почта мудир кўпроқ фалсафага берилиб, жуда қунт билан, ҳатто кечалари ҳам Юнгнинг «Тунлар»ини<sup>1</sup> ва Эккартсгаузеннинг «Табиат сирларининг калити»<sup>2</sup>ни ўқир ва бу китоблардан узун-узун парчалар кўчириб олар, лекин бу парчалар нимадан иборат эканини ҳеч ким билмас эди. Аммо у аскиябоз эди, қочириқ-учуриқлар билан сўзлашни ва, ўз таъбири билан айтганда, безаб-бежаб гапиришни яхши кўрарди. Безаб-бежаганда ҳам ҳар хил қўшимчалар ва юкламалар билан безарди, масалан: «менинг тақси-

<sup>1</sup> «Тунлар» — XVIII асрнинг биринчи ярмида ўтган инглиз шоири Юнгнинг поэмаси.

<sup>2</sup> «Табиат сирларининг калити» — XVIII асрнинг иккинчи ярмида ўтган немис реакцион ёзувчиси Эккартсгаузеннинг диний-мистик асари.

рим, шундайки, бирон-бир, биласизми, тушундингизми, тасаввур эта оласизми, бу хусусдаким, яъни масалан, чунончи, баъзи жиҳатдан» ва шу кабиларни қопи билан тўкиб ташларди; сўзларни безаб-бежаб гапирганда у бир кўзини қийғоч қилиб, жуда келиштириб учирарди, бу эса унинг кўпгина ҳажвий қочириқлари ва учуриқларига ўткир киноя ифодасини берарди. Бошқалари ҳам озми-кўпми ўқимишли кишилар эди: баъзи бирови Қарамзин асарларини, баъзи бирови «Московские ведомости»ни ўқир эди, ҳатто ҳеч нимани ўқимайдиганлари ҳам бор эди. Баъзи бирови тўнка эди, яъни тепсанг ёки туртсанггина зўрға ўрнидан қўзғалар эди; баъзи бирови тепса тебранмас эди, яъни умри бўйи ёнбошлаб ётадиган танбал эди, ўлдирсанг ҳам ўрнидан қимирламас эди. Шакл-шамойилига келганда, маълумки, ҳаммаси миққидай эди, ораларида сил касалига мубтало бўлган биронта ҳам киши йўқ эди. Улар ҳаммаси шу қабилдаги кишилар эдики, хотинлари хилватда ноз билан эркаланиб сўзлаганда, уларни: дўмбоғим, бақалоғим, хўппа семизим, танбалим, миққижон, тебранмасим ва шу каби номлар билан атар эдилар. Аммо, умуман олганда улар жуда меҳрибон, жуда меҳмондўст кишилар эди, кимки бир марта улар билан нон-туз татиб кўрса ёки бир кеча қарта ўйнаса, қадрдон дўст бўлиб қоларди; хусусан худди меҳригиёси бордай ҳаммани ўзига жазб қиладиган ва дарҳақиқат одамларга ёқишнинг бутун сириасрорини, усулларини биладиган Чичиков улар билан бирпасда апоқчапоқ бўлиб қолди. Улар Чичиковни шу қадар севиб қолдиларки, у шаҳардан қандай қилиб чиқиб кетишини билмас ва фақат: «Павел Иванович, бир ҳафтагина, яна бир ҳафтагина биз билан бирга бўлинг!» деган гапни эшитар эди, холос; хуллас — уни аллада азиз, тўрвада майиз қилиб икки қўлда кўтариб юришди. Лекин Чичиковнинг хонимларда қолдирган таассуроти беқиёс даражада кучли бўлди (бу жуда ҳайрон қоладиган нарса эди!) Бунинг сабабини бир қадар тушунтирмоқ учун хонимларнинг ўзлари ҳақида, уларнинг муҳити ҳақида кўп нарсаларни айтмоқ, уларнинг маънавий сифатларини, чунончи айтайлик, жонли бўёқлар билан тасвирлаб кўрсатмоқ керак бўлади; бироқ автор учун бу ғоят қийин ишдир. Бир томондан, олий амалдорларнинг рафиқаларига бўлган чексиз иззат-ҳурмат унинг йўлини тўсади, иккинчи томондан... иккинчи томондан — бу жуда қийин-да, N. шаҳрининг хонимлари... йўқ, асло ёзолмайман:

Ўзимни худди ваҳима босаётгандай сезаётиман. Н. шаҳрининг хонимларида энг ажойиб нарса шу эдики. . . Жуда ғалати-ку, қалам сира юрмаяпти-я, худди ичига қўрғошим қўйиб қўйилганга ўхшайди. Қайта яхши бўлди, уларнинг хулқ-атвори тўғрисида ёзишни бўёқлари кўпроқ жилвадор бўлган ва палитрасида яна кўпроқ бўёғи бўлган кишига ҳавола қиламиз; биз эса фақат уларнинг ташқи кўриниши тўғрисида ва баъзи бир юзакироқ нарсалар тўғрисида бир-икки оғиз сўз айтиб ўтамиз. Н. шаҳрининг хонимлари сипо, кўркам хонимлар эди, бу жиҳатдан уларни бемалол бошқаларга намуна қилиб кўрсатиш мумкин эди. Юриш-туриш, ўрнига қараб ётиғи билан гапириш, одоб сақлаш, кўпгина энг нозик одоб-андиша қоидаларига, айниқса янгича расм-одатларнинг энг майда-чуйдаларигача риоя қилиш бобида улар ҳатто Петербург ва Москва хонимларидан ўтиб кетган эдилар. Улар дид билан жуда башанг кийинар, энг сўнгги мода талабига мувофиқ коляскаларга тушиб, шаҳарни сайр қилар эдилар ва колясканинг орқа зинасида зарбоп уқали форма кийган малай тикка туриб борарди. Визит карточкаси<sup>1</sup>, хоҳ чиллик иккилигига, хоҳ ғиштин тузга ёзилган бўлсин, жуда муқаддас нарса ҳисобланарди. Бир-бирига жуда қалин дугона ва ҳатто қариндош бўлган икки хоним шу визит карточка устида, яъни улардан бири нима бўлиб визитга илтифотсизлик қилгани учун қаттиқ аразлашиб қолди. Уларнинг эрлари ва қариндошлари ҳарчанд уринсалар ҳам уларни яраштира олмадилар, шундан маълум бўлдики, дунёда ҳар нарсанинг иложи бор экан-у, аммо бир нарсанинг, яъни визитга илтифотсизлик қилгани учун аразлашиб қолган икки хонимни яраштиришнинг иложи йўқ экан. Шундай қилиб, шаҳар киборларининг таъбирича, бу икки хоним кейин ҳам бир-бирларига мойил бўлмадилар. Биринчи ўринда туриш хусусида ҳам хонимлар орасида жуда кўп катта воқиалар бўлиб турарди, бу воқиалар эса баъзан мазкур хонимларнинг эрларига ҳар бири ўз хотинининг ёнини олиб чиқиш каби тамоман рицарларча олижаноблик тушунчасини уқдирарди, улар ўртасида дуэль бўлмас эди, албатта, чунки улар ҳаммаси гражданд амалдорлари эди, аммо лекин пайтини топганда бир-бирларига разиллик қилишга тиришардилар; бу эса,

---

<sup>1</sup> Визит карточкаси — ташрифнома — бирор кишининг ўз исми ва фамилияси ёзилган қоғоз бўлиб, бирон жойга визит билан борганда, ўзини таъитиш учун топшириларди.

маълумки, баъзан ҳар қандай дуэлдан ҳам оғир бўларди. N. шаҳрининг хонимлари ахлоқ бобида жиддий эдилар: ҳар қандай ёмон ва йўлдан оздирувчи нарсаларга покдоманлик билан ғазаб ўтини сочардилар, ўзларидаги ҳар қандай заифлик нуқсонларини раҳмсиз суратда йўқ қилар эдилар. Борди-ю, улар ўртасида ул-бул дегудек бирон нарса бўлиб қолганда ҳам бу, албатта, хуфия бўларди ва туя кўрдингми — йўқ, бўлиб кетаверарди; улар ор-номусларини сақлар эдилар, эрлари ҳам шундай пишитиб қўйилган бўлардики, ул-бул нарсани кўрганларида ёки эшитганларида ҳам: «Қуда қудаға билан ўтирса, кимнинг нима иши бор?» деган мақол билан оқилона жавоб бериб қўя қолардилар. Шуни ҳам айтмоқ керакки, N. шаҳрининг хонимлари кўпгина Петербург хонимлари сингари сўз ва ибораларни ниҳоятда эҳтиётлик ва сиполик билан ишлатишга бино қўйгандилар. Улар ҳеч қачон: «Мен бурнимни қоқдим», «мен терладим», «мен туфладим» демас, балки «мен бурнимни енгиллаштирдим», «мен дастрўмолча билан ишимни битирдим» деяр эдилар. «Бу стакан ёки тарелкадан сассиқ ҳид келади» дейиш асло мумкин эмас эди. Ҳатто шунга ишора қилинадиган бирон нарсани айтиш ҳам мумкин эмас эди, бунинг ўрнига: «бу стакан ўзини яхши тутмаяпти» ёки шу сингари бошқа бир нарсани айтиш керак эди. Рус тилини янада гўзалроқ қилиш учун сўзларнинг қарийб ярми жонли тилдан бутунлай чиқариб ташланган эди, шу сабабдан кўпинча француз тилига мурожаат қилишга тўғри келарди, аммо француз тилига иш тушгандан кейин гап тамом: бу тилда юқорида айтилган сўзлардан ҳам дағалроқ сўзларни ишлатиш мумкин эди. Демак, N. шаҳрининг хонимлари ҳақида юзакироқ қилиб айтиш мумкин бўлган нарсалар ана шулардан иборат. Лекин уларга чуқурроқ қаралса, албатта, бошқа кўпгина нарсалар ҳам очилиб қоларди; аммо хонимларнинг юрагига чуқурроқ қараш жуда хавфлидир. Шунинг учун яна ўша юзакироқ қарашимизни давом этдираверамиз. Бу чоққача ҳамма хонимлар Чичиков ҳақида кам гапирардилар, кам гапирсалар-да, унинг киборларча хушмулозиматлигига батамом тан берардилар; аммо Чичиковнинг миллиончи эканлиги ҳақида овоза тарқалгандан кейин, унинг бошқа сифатларини ҳам топа бошладилар. Шуни ҳам айтмоқ керакки, хонимлар ҳар нарсага унчалик қизиқавермас эдилар; ҳамма бало «миллиончи» деган сўзда эди; миллиончининг ўзи эмас, балки биргина миллиончи деган сўз ҳамма балони қўзғаган



эди, чунки фақат биргина шу сўзнинг оҳангида (ҳар қандай пул қопини бир ёққа қўйиб турайлик) шундай бир нарса борки, бу нарса ярамас кишиларга ҳам, ҳар хил бетайин кишиларга ҳам, яхши кишиларга ҳам, хуллас — ҳаммага таъсир қилади. Миллиончининг шундай устунлиги борки, у пасткашликни, мутлақо тамасиз пасткашликни, ҳеч нарсага асосланмаган ғирт пасткашликни кўра олади: кўп кишилар миллиончидан ҳеч нима олмасликларини ва олишга ҳеч қандай ҳақлари йўқлигини яхши биладилар-у, шундай бўлса ҳам албатта югуриб унинг олдига борадилар, жилпанглаб куладилар, шляпаларини бошларидан олиб таъзим қиладилар, миллиончи қаерга зиёфатга чақирилганлигини билиб, зўрлаб бўлса ҳам, албатта ўзларини ўша ерга суқадилар. Бундай нозик пасткашликни хонимлар сезардилар, деб бўлмайди: бироқ кўп меҳмонхоналарда: Чичиков албатта ҳусн бобида биринчи эмас, лекин унинг эркак кишига муносиб совлати бор, агар у ҳозирги туришидан бир оз семизроқ ёки тўлароқ бўлса, бу унча яхши бўлмас, деяр эдилар. Шу билан бирга, ҳатто озғин эркак тўғрисида ҳам бирмунча хафа қиладиган сўзлар айтилди, яъни: у одам эмас, балки тиш ковлагичдай бир нарса, дейилди. Хонимларнинг ясан-тусанига ҳам кўпгина янги нарсалар қўшилди. Расталар тиқин бўлиб кетди, боса-бос бўлишига сал қолди; извош-аравалар шу қадар кўп келдики, расталар, чорбозорлар бамисоли сайр-томошага айланди. Савдогарлар ҳайрон қолишди, чунки уларнинг ярмаркадан олиб

келган, нархи қиммат бўлгани учун ўтмай ётган бир неча тўп газла-малари бирдан талаш бўлиб кетди. Черковда кундузги ибодат чоғида хонимлардан бирининг кўйлаги этагида шундай руло<sup>1</sup> кўрдиларки, у черковнинг нақ ярмига ёйилиб кетган эди, шу ерда турган даҳа прис-тави буни кўриб, халойиққа: нарироққа, эшик томонга силжинтлар, бўлмаса жаноб олияларининг кўйлақларини гижим қиласизлар, деб буйруқ берди. Ҳатто Чичиков ўзи ҳам бундай фавқулодда илтифотни қисман бўлса-да, сезмасдан қололмади. Бир сафар у ўз хонасига қай-тиб келганида, стол устида бир хат турганини кўрди; бу хат қаердан келгани ва ким олиб келгани бутунлай номаълум эди; мусофирхона малайи, бу хатни бир киши олиб келди ва кимдан эканини айтмади, деди. Хат: «Йўқ, мен сенга ёзишим керак!» деган жуда қатъий сўзлар билан бошланган эди. Сўнгра унда, кўнгиллар орасида яширин туй-ғулар бўлади, дейилган; бу ҳақиқат қарийб ярим сатрни олган кўп нуқталар билан тасдиқ ва исбот этилган эди; кейин ҳақиқатни жуда ажойиб ифода этган бир неча фикр ёзилган эдики, бу фикрларни бу ерга кўчириб ёзишни зарур ҳисоблаймиз: «Умримиз нима? — ғам-ғусса маскани бўлган водий. Халойиқ нима? — ҳис-туйғусиз одамлар тўда-си». Шундан кейин хат ёзган хоним йигирма беш йил илгари дунёдан ўтиб кетган меҳрибон онасини эслаб, сатрларни кўз ёшлари билан ҳўллаганини айтган; хоним Чичиковни дашт-биёбонга таклиф қилган, шаҳарни умрбод тарк қилинг, одамлар шаҳарда бўғиқ деворлар ора-сида ҳаводан фойдалана олмайдилар, деган; хатнинг охири ҳатто қатъий умидсизлик билан ифодаланиб, қўйидаги шеър билан тамом-ланган эди:

Бир жуфт каптар кўрсатар  
Сенга совуқ қабримни,  
Иккиси ҳув-ҳувлашар,  
Зор йиғлаб ўлди, деб мени.

Сўнги мисранинг вазни бузилган эди, лекин бунинг айби йўқ; хат ўша замон руҳида ёзилган эди. Ҳеч қандай имзо ҳам йўқ, на исми кўрсатилган, на фамилияси, ҳатто қайси ой-кунда ёзилгани ҳам кўр-сотилмаган. Post scriptum<sup>2</sup>да, бу хат ким томонидан ёзилганини фақат

<sup>1</sup> Руло — кит балиғининг мўйловидан ясалган ва кўйлақнинг этагига гир ай-лантириб тугилган безак.

<sup>2</sup> Изоҳида (лотинча).

қалбинг топиши керак, эрта губернаторникида бўладиган балда каминанинг ўзи иштирок қилади, деб илова қилинган эди.

Бу хат Чичиковни жуда қизиқтирди. Бу имзосиз хатда кўпгина жозибадор ва васвасакор нарсалар бор эди, Чичиков хатни иккинчи ва учинчи марта ўқиб чиқди ва охирида: «Аммо қизиқ, ким ёзди экан буни!» деди. Хуллас, ишнинг жиддий тусга кирганлиги кўриниб турган эди; Чичиков бу тўғрида бир соатдан ошиқ ўйлаб ўтирди ва ниҳоят қўлларини ёзиб, бошини эгиб: «Хат жуда жимжимадор қилиб ёзилибди-ку!» деди. Сўнгра, маълумки, Чичиков хатни буклаб қутичада етти йилдан бери бир вазиятда, бир жойда турган қандайдир афиша ва тўй таклифномаси ёнига қўйди. Бир оздан кейин унга таклифнома келди: у ҳақиқатан губернаторникига балга таклиф қилинган эди; бал — губерния шаҳарларида жуда оддий нарса: губернатор бўлган жойда албатта бал бўлади, йўқса дворянлар унга лозим даражада меҳр-муҳаббат ва ҳурмат кўрсатмайдилар.

Чичиков шу ондаёқ бошқа ҳамма ишларни йиғиштириб қўйиб, жуда диққат билан балга ҳозирлана бошлади, чунки ҳақиқатан ҳам бунга кўнгилини жазб қиладиган ва тортадиган кўп сабаблар бор эди. Эҳтимол, дунё бино бўлгандан буён пардозга бу қадар кўп вақт сарфланмаган бўлса керак. Фақат юзни ойнага солиб қарашга рося бир соат вақт кетди, юз ҳар муқомга солиб кўрилди: гоҳ жиддий ва сипо тус берилди, гоҳ сал жилмайган тавозе тусига, гоҳ жилмайман тавозе тусига киритилди; ойнага қараб бир неча бор бир нималар деб таъзим қилинди, аммо нималар деб таъзим қилганини билиб бўлмас, чунки бу французчага ўхшаброқ кетар, ҳолбуки Чичиков французчани мутлақо билмас эди. У ҳатто ўз-ўзига ҳар хил ёқимли имо-ишоралар қилди: қошини қоқди, лабларини чўччайтириб, тили билан ҳам бир нималар қилди; хуллас, уйда ёлғиз ўзинг қолганингда, ўзингни чиройли деб ҳис қилганингда ва ҳеч ким тирқишдан мўралаб турмаганига ишонганингда нималар қилмайсан киши. Охирида у энгагини силаб: «Эй бақалоқжон!» деб қўйди ва кийина бошлади. У жуда хурсанд



кайфиятда ўзига бино қўйиб кийинди; пиджагини кияр ёки галстугини боғлар экан, товонини товонига шарақлатиб уриб чаққон таъзим қиларди, гарчи умрида танцага тушмаган бўлса-да, ҳозир сакраб-сакраб айланиб қўйди, бу сакрашнинг озгина зарарсиз натижаси ҳам бўлди: комод қимирлаб, стол устидаги чўтка ерга тушиб кетди.

Унинг балга келиши жамоатга фавқулодда таъсир қилди. Ҳамма ўрнидан қўзғалди: биров қўлида қарта, биров ширин суҳбатини бўлиб, унга пешвоз чиқди, биров: «бу ишларга қўйи земство суди жавобгар...» деб ўрнидан турди ва земство суди нимага жавобгарлигини бир ёққа қўйиб, бизнинг қаҳрамонимизни қаршилаб табриклашга югурди. «Павел Иванович! Ё раббим, Павел Иванович! Меҳрибон Павел Иванович! Муҳтарам Павел Иванович! Жонгинам Павел Иванович! Мана сизни қаерда кўрар эканмиз Павел Иванович! Мана бизнинг Павел Иванович! Рухсат этинг, сизни бир қучоқлаб бағримга босай, Павел Иванович! Бу ёққа олиб келинг уни, мен қимматли Павел Ивановичимни қаттиқ бир ўпиб қўяй!» Чичиков бирдан бир неча одамнинг қучоғига тушиб қолганини сизди. Райснинг қучоғидан зўрға чиқиши билан дарҳол полиция бошлиғининг қучоғига тушди; полиция бошлиғи уни даволаш идораси инспекторининг бағрига узатди; даволаш идорасининг инспектори ижарадорга, ижарадор архитекторга узатди... Губернатор бу пайт бир қўлида конфет қоғози, бир қўлида бароқ кучукчани ушлаб конимлар ёнида турган эди, Чичиковни кўриши билан у конфет қоғозини ҳам, кучукчани ҳам ерга ташлаб юборди, кучукча ангиллаб қолди; сўзнинг қисқаси, Чичиков бу ерга фавқулодда шод-хуррамлик ва хурсандлик келтирган эди. Ҳамма кишининг юзида мамнуният ифодаси ёки ҳеч бўлмаса умумий хурсандчилик акси барқ уриб турарди. Бирон бошлиқ келиб, ўз қарамоғидаги идора ишларини кўздан кечиргани чоқда, чиновникларнинг юзида шундай ифода акс этади; бундай вақтда биринчи кўрқув босилади, чунки бошлиққа кўп нарса ёқиб тушади, ниҳоят бошлиқ ўзи ҳам илтифот билан ҳазил-хузул қила бошлайди, яъни ёқимли жилмайиб бир неча сўз айтади, уни ўраб олган ва унга яқин бўлган чиновникларнинг жилмайишига жавобан икки марта ошиқроқ куладилар; аммо бошлиқ айтган сўзларни унчалик яхши эшитмаган чиновниклар эса чин юрак-




дан қотиб-қотиб куладилар ва, ниҳоят, анча йироқда, дарвоза олдида турган ва умрида сира кулмаган, боягина халққа ўдағайлаб, муштумини кўрсатган полициячи ҳам ўзгармас инъикос қонунига биноан ўз юзида қандайдир илжайишни акс этдиради, лекин унинг илжайиши аччиқ бурнаки гортгандан кейин аксирмоқчи бўлган одамнинг тиржайишига ўхшаб кетади. Бизнинг қаҳрамонимиз ҳамманинг ва ҳар бир кимсанинг саломига жавоб қайтарар, ўзини фавқулодда чаққон ҳис этарди; у ўз одатича бўйинини сал ёнга қийшайтириб, лекин ўзини жуда эркин тутиб, ўнгу сўлга бош силкитарди ва бу билан ҳамма-ни мафтун қиларди. Хонимлар шу ондаёқ ранго-ранг гулчамбар каби Чичиковни ўраб олдилар ва ўзлари билан бир олам мушк-анбар ҳидни таратдилар: уларнинг биридан қизил гул, биридан баҳор ва гунафша ҳиди келарди, биридан эса бошдан-оёқ жингул атрининг ҳиди аниқирди; Чичиков нуқул бурнини юқори кўтариб ҳавони ҳидларди. Улар энг нозик дид ва завқ билан ясанган эдилар: муслинадан, атласдан, ҳарирдан тикилган кўйлақларнинг ранглари ўша замоннинг модасига кўра шундай кўрксиз ва нурсиз эдики, ҳатто уларга от топиш ҳам мумкин эмас (нозик табиатлик шу даражага бориб етган) эди. Кўйлақларнинг ҳар жой-ҳар жойига тақилган лента бантлари ва гулдас-талар жуда тартибсиз бир шаклда ҳилпираб турарди, ҳолбуки бу тартибсиз шакллар устида казо-казо каллалар бош қотирган эди. Енгилгина бош кийимлари қулоқларнинг устгинасида омонат турар ва гўё: «Ҳозир учиб кетардим-ку, лекин афсус шу нозанинни бирга учуриб олиб кетолмайман-да!» дегандек бўларди. Хипча бел қилиб тикилган кўйлақлар баданга ёпишиб, кўзни қувонтирадиган даражада таранг бўлиб турарди (шуни айтмоқ керакки, умуман N шахрининг ҳамма хонимлари тўлароқ эди, лекин улар белларини шу қадар усталик билан тортиб боғлаганликлари ва одамга шу қадар ёқимли муомала қилганликлари учун семизликлари асло билинмас эди). Улар ҳамма нарсани илгаритдан ниҳоятда эҳтиёт бўлиб ўйлаб қўйган эдилар; бўйинлар, елкалар худди кераклигича очилган эди; ҳар бир хоним ўз мулки-вужудини ўз эътиқодича, кишини ҳалок қиладиган даражада кўрсатиб қўйган эди; қолган ҳамма нарсалар ғоят зўр дид





билан бекитиб қўйилган эди: ё лентадан қилинган кичкина ва енгилгина галстук, ёки «бўса» номи билан машҳур бўлган, пардан ҳам енгил шарф уларнинг бўйинини ҳарирдек қучиб турар, ёхуд елка томондан, кўйлак остидан юпқагина батисдан бурмача қилиб тикилган, «камтарлик» номи билан машҳур бўлган аврапўшлар кўриниб турарди. Бу «камтарликлар» олд ва орқа томондан энди кишини ҳалок қилолмайдиган нарсаларни бекитиб турарди, аммо улар кишини ҳалок қиладиган нарса худди ўша ерда-ку, деб одамни гумонсирашга мажбур қилар эди. Узун қўлқоплар кўйлакнинг енгларига етказилмасдан кийилган эди, аввалдан пухта ўйлаб кўрилган тадбир натижасида қўлларининг тирсакдан юқори қисми атайин очиб қўйилган эдики, кўп хонимларнинг ана ўша жойлари кишининг ҳавасини келтириб, диркиллаб турарди; баъзи хонимларнинг юқорига тортиброқ кийилган лайка қўлқоплари ҳатто тарс ёрилиб кетган эди, хуллас, ҳамма нарсага гўё: йўқ, бу губерния эмас, пойтахт, бу Парижнинг ўзгинаси! — деб ёзиб қўйилгандай эди. Баъзангина бу ясан-тусанлар орасида ҳамма модаларнинг аксича бўлиб, алоҳида дидни ифодалайдиган, ер юзида мисли кўрилмаган бирон сарандоз ёки товус патига ўхшаш бир нарса кўриниб қолар эди. Шундай бўлмаса ҳам бўлмас эди, губерния шаҳрининг хусусияти шунақа бўлади: бирон жойдан албатта ўзини кўрсатади. Чичиков хонимлар ёнида туриб: «Менга хат ёзган қайси бири экан?» — деб ўйларди. У олдинроққа жилмоқчи



бўлган эди, лекин шу пайт худди тушмуғининг олдида бирдан бир қанча тирсақлар, енглар, ленталарнинг учлари, кўкракка тақиб қўйилган хушбўй шемизеткалар<sup>1</sup> ва кўйлақлар тиралиб қолди. Галопад рақси авжига чиққан: почта мудирининг хотини, капитан-исправник, яшил патли хоним, оқ патли хоним, грузин князи Чипхайхилидзе, Петербургдан келган чиновник, Москвадан келган чиновник, француз Куку, Перхуновский, Беребендовский — ҳамма ўрнидан туриб гурсиллаб рақс қилмоқда эди. . .

— Ол-а! Бутун губерния ҳаракатга келибди-ку! — деди Чичиков орқасига тисланиб; хонимлар ўринларига ўтириши билан, у яна разм солиб қарай бошлади: уларнинг юзидан ва кўзидан хатни қайси бири ёзганини билиб бўлмасмикин? Лекин уларнинг юзидан ҳам, кўзидан ҳам хатни қайси бири ёзганини асло билиб бўлмас эди. Ҳаммасининг юзида аранг билинадиган, зўрға кўз илғайдиган шундай нозик, оҳ! шундай нозик ифода бор эдики! . . . «Йўқ, — деди Чичиков ўз-ўзига, — хотин зоти шундай нарсаки. . . — Шундай деб у қўлини силтаб қўйди:— бу тўғрида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Қани бориб уларнинг юзларидаги ўйноқи жилваларни, имо-ишораларни бировга маънилаб бер-чи, ҳеч маънилаб беролмайсан. Фақат кўзларининг ўзи поёнсиз бир олам — бу оламга бир кирган киши қайтиб чиқолмайди,

---

<sup>1</sup> Енгил матодан ишланиб, кўкракка қадаладиган паххайма безак.

ном-нишонсиз йўқолиб кетади! Уни илгак билан ҳам, бошқа нарса билан ҳам тортиб чиқариб бўлмайди. Қани, масалан, бу кўзларнинг порлашини айтиб бер-чи: намли, ёқимли, ширин. Худо билсин тагин аллақандай қарашлар! Ўткир, мулойим, жуда хумор, ёки, баъзи бировлар айтганидек, нозли ёки нозсиз; хусусан агар нозли қараш қилгудай бўлса — юракка жиз этиб ёпишиб олади ва бутун юрак томирларини худди камонча ёйи сингари садога келтиради. Йўқ, унинг тасвирига сўз топиб бўлмайди: бу одамзотнинг ярмини ташкил қилган атторлик дўкони — бошқа нарса эмас!»

Кечирасиз! Қаҳрамонимизнинг оғзидан кўча сўзи чиқиб кетди, шекилли. Хўш, на чора! Рус элида ёзувчининг аҳволи шу-да! Борди-ю кўча сўзи китобга кириб қолса, бунинг учун ёзувчи эмас; балки китобхон ва аввало киборлар жамиятининг китобхонлари айбдор: энг аввал улардан битта ҳам тузукроқ рус сўзини эшитмайсан киши, аммо улар французча, немисча, инглизча сўзларни шу қадар кўп ишлатадиларки, уларнинг сўзига қулоқ солгинг ҳам келмайди, ҳатто бу чет сўзларнинг ҳар хил талаффузини ҳам бутунича сақлайдилар: французчани бурун билан ва «р», «л» ҳарфларини чучук қилиб сўзлайдилар; инглизчани қуш оҳанги билан, ҳатто башараларини ҳам қушга ўхшатиб сўзлайдилар-да, ҳаттоки башараларини қушга ўхшатиб сўзлай олмайдиган кишилардан куладилар; аммо рус сўзига илтифот қилмайдилар, фақат ватанпарвар бўлиб кўриниш учун шаҳардан ташқаридаги боғларида русча дид билан деҳқонларча уй қуриб олганлар. Киборлар тоифасидан бўлган ва ўзларини киборлар тоифасидан ҳисоблайдиган китобхонларнинг бари шунақа! Тагин улар ўлгудек нозик табиат ва талабчан! Улар ҳамма нарса албатта энг жиддий, энг тоза ва энг олижаноб тилда ёзилган бўлсин, дейдилар; уларнинг истаги шуки, рус тили яхши ишланган, силлиқланган ҳолда бирдан осмондан эниб, тўғри уларнинг оғзига тушса-ю, улар оғизларини очиб шу тил билан гапираверсалар. Албатта, одамзоднинг ярмини ташкил этган хотин зоти жуда антиқа нарса; аммо муҳтарам китобхонлар, эътироф қилиш керакки, бундан ҳам антиқа нарсалар бўлади.

Чичиков эса шу пайт боши қотиб, хатни бу хонимлардан қайси бири ёзганлигини билолмай гаранг бўлиб қолган эди. У ҳаммасига диққат билан разм солди, кўрсаки, хонимларнинг қарашида бир бе-

чора кишининг кўнглига ҳам умид бағишлайдиган, ҳам азоб берадиган бир нарсанинг ифодаси бор; ниҳоят, у: «Йўқ, асло билиб бўлмайди!» деди. Лекин бу ҳол унинг кайфини бузмади, у ҳамон қувноқ ва хушчақчақ эди. У ўзини эркин тутиб, жуда эпчиллик билан хонимларнинг баъзисига бир-икки оғиз ёқимли гап ташлаб олди; кейин майда қадам ташлаб ёки бақавли, оҳиста-оҳиста оёқ босиб, гоҳ у хонимнинг, гоҳ бу хонимнинг олдига борди, унинг ҳозирги юриши бигиз пошна этик кийиб, хонимлар атрофида парвона бўлиб юрадиган бўйи пакана олифта чолларга ўхшар эди. У ўнг-сўлга чаққон ва хиромон қадам ташлар экан, гажак бўлиб турган қуйруқча ёки вергул шаклида оёғини оёғига шарақлатиб уриб хонимларга таъзим қиларди. Хонимлар ундан жуда хурсанд эдилар, улар Чичиковнинг ҳаракатларида фақат бир тўда хуш ёқадиган навозишлар ва лутф-марҳаматларни кўрибгина қолмасдан, балки унинг юзида улуғворлик ифодасини, ҳаттоки уруш худоси Марсга хос жанговарлик салобатини ҳам кўрардилар, бу эса, маълумки, хотинларга жуда ёқарди. Ҳатто уни деб бир-бирлари билан бир оз аччиқлаша бошладилар: баъзи хонимлар одатда унинг эшик олдига бориб туришини кўриб, дарҳол эшикка яқинроқ турган стулни эгаллашга шошилдилар, улардан бири, бахтиёр бўлиб стулни олдинроқ эгаллаб қўйган эди, оз бўлса катта можаро юз бераёзди, шу сабабдан бундай ҳаёсизлик стулни биринчи бўлиб эгалламоқчи бўлган бошқа кўп хонимларга ҳаддан ташқари жирканч бўлиб туюлди.

Чичиков хонимлар билан суҳбатга жуда қизиқиб кетган эди, тўғриси, хонимлар ҳар хил чигал гаплар ва нозик қочириқлар билан унинг бошини айлантриб қўйган эдилар; Чичиков бу муаммоларга жавоб тополмас, шу вайдан ҳатто пешонасидан тер ҳам чиққан эди; шу тариқа у хонимларнинг суҳбати билан овора бўлиб, одоб юзасидан биринчи навбатда уй бекаси олдига бориб саломлашишни ҳам унутган эди. Уй бекасининг товушини эшитгандан кейингина бу гап унинг эсига тушди, чунки губернаторнинг хотини бир неча минутдан буён унинг ёнида турган эди. Уй бекаси очиқ чеҳра билан бошини қимирлатиб, бир қадар эркалик ва айёрлик билан: «Ҳа, Павел Иванович, ҳали шунақамисиз!..» деди. Губернаторнинг хотини айтган сўзларни мен айнан ёзиб беролмайман; ҳар ҳолда бу сўзлар жуда дилкашлик билан айтилган эди, бу сўзлар меҳмонхоналарни тасвирлашга ишқибоз

бўлган ва киборлар жамиятининг олий мақом оҳангини билишлари билан мақтаниб юрадиган бизнинг кибор ёзувчиларимизнинг повестларида хонимлар билан кавалерлар ўртасида айтиладиган, чунончи, «наҳотки сизнинг қалбингизни батамом эгаллаб олган бўлсалар-у, сиз раҳмсизлик қилиб унутиб қўйган кишиларингиз учун энди унда ҳеч бир жой, лоақал жиндаккина бир бурчак қолмаган бўлса» деган қабилдаги сўзлардан эди. Бизнинг қаҳрамонимиз шу ондаёқ губернаторнинг хотинига ўгирилди ва ўша вақтда расм бўлиб қолган повестлардаги Звонскийлар, Линскийлар, Лидинлар, Греминлар<sup>1</sup> ва бошқа ҳар хил эпчил ҳарбий кишилар айтадиган сўзлардан қолишмайдиган сўзлар билан жавоб қилишга энди ҳозирланган эди-ямки, бирдан бошини кўтариб анқайди-ю қолди; у худди бошига зарб билан урилгандай гангиб қолган эди.

Унинг олдида турган губернаторнинг хотини ёлғиз эмас эди: у ўн олти ёшларда бўлган сариқ соч, оқ пўчоқ, ияги сал чўзинчоқ, икки юзи нақш олмадек, соҳибжамол бир қизни қўлтиғидан ушлаб турган эди, қизнинг юзи шундай жозибадор гўзал эдики, рассом мадоннанинг расмини чизиш учун бу юзни намуна қилиб олган бўларди; бундай гўзал юз Русияда жуда камдан кам учрайди, чунки Русияда ҳамма нарса: тоғлар, ўрмонлар, даштлар, юзлар, лаблар, оёқлар ҳаммаси катта бўлишини яхши кўрадилар; бу қиз Чичиков Ноздревникидан келаётиб кучерларнингми ё отларнингми аҳмоқлиги билан аравалари бир-бирига тўқнашиб, от қайишлари бир-бирига чалкашиб кетганда ва Митяй амаки билан Миняй амаки уларнинг отларини ажратиб қўймоқчи бўлганда кўрган ўша сариқ соч гўзал қиз эди. Чичиков ҳозир шу қадар гангиб қолдики, бир оғиз ҳам бамаъни сўз айтолмади, у ғудурлаб алланималар деди, ҳолбуки Гремин ҳам, Звонский ҳам, Лидин ҳам бундай сўзни сира айтмас эди.

— Сиз ҳали менинг қизимни танимайсизми? — деди губернаторнинг хотини:— институтда ўқир эди, яқиндагина битириб келди.

Чичиков, тасодифий равишда танишиш бахтига муяссар бўлган эдим, деди; у тагин баъзи бир нарсани қўшиб қўймоқчи бўлди-ю, лекин бу баъзи бир нарса чиқмади. Губернаторнинг хотини икки-уч оғиз

---

<sup>1</sup> XIX асрнинг 20-йилларидаги романтик повесть ва пьесаларда учрайдиган кибор қаҳрамонларнинг дабдабали фамилиялари.

сўз айтиб, сўнгра қизи билан бирга залнинг нариги томонида ўтирган бошқа меҳмонлар олдига борди; Чичиков эса қимир этмай ҳамон бир жойда қотиб турарди, ҳозир у ҳамма нарсани томоша қилиш учун қувноқ кайф билан кўчага чиққан, лекин бирдан қандайдир бир нарсани унутгани эсига тушиб, таққа тўхтаб қолган кишига ўшар эди; бундай ҳолда у кишининг аҳволидан кўра аҳмоқона



на аҳвол бўлмайди: унинг юзидаги хотиржамлик аломати бирдан йўқолади, у нимани унутганини зўр бериб ўйлайди: дастрўмолчасиними? йўқ, дастрўмолчаси чўнтагида турибди; пулиними? йўқ, пули ҳам чўнтагида турибди; бундай қараса ҳамма нарсаси жойида тургандай, аммо кимдир қулоғига шивирлаб, йўқ, сен бир нимани унутгансан, дейди. Шу топда у паришон ва гаранг ҳолда, олдидан ўтиб бораётган одамларга, чошиб ўтаётган извошларга, кўчадан ўтиб бораётган полкнинг киверларига ва қуроолларига, дўкон лавҳасига қарайди, лекин кўзи ҳеч нимани яхши кўрмайди. Чичиков ҳам теварак-атрофида содир бўлаётган нарсаларга бирдан бегона бўлиб қолди. Шу вақт хонимларнинг мушк-анбар сочилиб турган оғзидан унинг устига кўп нозик ва назокатли киноялар ва саволлар ёғилди: «Ер юзида яшовчи биз ғарибларга лутфан нима ҳақда ўйлаётганингизни сўрашга ижозат берилармикин?» — «Сизнинг фикру хаёлингизни банд этган ўша гўзал жой қаерда экан?» — «Сизни бу ширин хаёл водийсига чўктирган ойимчанинг номини билиш мумкинми?» Лекин Чичиков бу саволларга сира эътибор бермас, ёқимли жумлалар унга етмай, ҳавога учиб кетар эди. У ҳатто шу қадар илтифотсизлик кўрсатдики, губернаторнинг хотини қизи билан қаерга кетганини билиш учун хонимлар олдидан тез юриб бошқа томонга кетди. Лекин хонимлар, афтидан, уни осонлик билан қўлдан чиқармоқчи эмас эдилар; улардан ҳар бири биз эркакларнинг қалби учун жуда хавфли бўлган ҳамма



қуролларни ишга солишни ва энг яхши нарсаларини қўлланишни кўнглига тугиб қўйди. Шунини ҳам айтиб ўтмоқ керакки, хонимлардан баъзиларининг, — мен баъзиларининг деяпман, бу демак ҳаммасининг эмас, — озгина заиф томони бўлади; агар улар ўзларининг баъзи жойлари—пешоналарими, оғизларими, қўлларими, сал чиройлироқ эканини билсалар, ана шу чиройли томонлари дафъатан ҳамманингни кўзига ташланади деб ўйлайдилар ва ҳамма бир оғиздан: «Қаранг-а, қаранг, бу хонимнинг қандай юнонча қирра бурни бор» ёки «Қандай келишган, жозибадор пешонаси бор!» дегандек бўлади. Қайси бир хонимнинг елкалари чиройли бўлса, у ўзича, ҳамма йигитлар елкаларимни кўриб мафтун бўлади ва уларнинг ёнидан ўтганимда бир-бирига: «Оҳ, бу хонимнинг елкалари нақадар гўзал!» дейишади, улар юзимга, сочимга, бурнимга, пешонамга қарашмайди, қарашганда ҳам буларнинг аҳамияти йўқ, деб қарашади, деб ўйлайди. Балга келган ҳар бир хоним, танцада мумкин қадар жозибалироқ бўлишим керак ва ўзимдаги энг гўзал нарсанингни устунлигини яққол кўрсатишим керак, деб ўз кўнглида аҳд қилган эди. Почта мудирининг хотини вальсга тушар экан, бошини бир томонга эгиб шундай хумор кўз билан ўйнадики,

унинг бу ҳаракатида ҳақиқатан ҳам қандайдир самовий бир нарса бор эди. Жуда назокатли бир хоним (бу ерга у танца қилиш учун эмас, балки ўзининг айтишича, ўнг оёғида нўхатдек бир инкомодите<sup>1</sup> пайдо бўлгани учун келган эди, шу сабабдан ҳатто бахмал этик ҳам кийиб олган эди, ана шу жуда назокатли хоним почта мудирининг хотинини кўриб чидаб туролмади, у, почта мудирининг хотини ўзига кўп ҳам бино қўявермасин, деб оёғидаги бахмал этиги билан дарҳол танцага тушиб, бир неча давра айланди.

Бироқ буларнинг ҳеч бири Чичиковга ўйлагандек таъсир қилмади. У ҳатто хонимлар гир айланиб танца қилиб юрган даврага ҳам қарамай, нуқул оёқларининг учида юриб, одамларнинг боши устидан бўйнини чўзиб аланглаб қарар, бояги сариқ соч жонон қаёққа кетганини билгиси келарди; у пастга эгилиб одамларнинг елкалари орасидан ҳам мўралаб қаради, ниҳоят излаганини топди: сариқ соч жонон онаси билан ўтирган эди, онасининг боши устида тепасига пат қадалган қандайдир шарқ салласи салмоқ билан тебраниб турарди. Чичиков губернаторнинг хотини билан қизини худди ҳужум қилиб олмоқчи бўлгандек кўринарди; унга баҳор таъсир қилдими ёки биров орқасидан итариб юбордими, ишқилиб у ҳеч нимага қарамай, одамлар орасини ёриб дадил олға босди; ижарадорни тўсатдан шундай туртиб юбордики, у гандираклаб кетиб, бир оёғи билан ўзини аранг тутиб қолди, йўқса йиқилиб, ўзи билан бирга яна бир неча одамни ҳам албатта йиқитиб юборар эди; почта мудирини ҳам нозик киноя аралаш ҳайрат билан унга қараб қолди; лекин Чичиков ҳеч кимга қарамасди; у фақат йироқда, қўлларига қўлқоп кийиб ва шубҳасиз паркет устида қушдек учиб рақс қилишга муштоқ бўлиб ўтирган сариқ соч қизни кўрарди, холос. У ерда эса, сал нарироқда, тўрт жуфт эркак-хотин мазурка рақсини бошлаб юборган эди; пошналар гурсиллаб ерга тегарди, армия штабс-капитани бўлса жону дили билан, қўл-оёғи билан ишга киришиб, па<sup>2</sup>ларни шундай ўринлатардики, бундай паларни ҳеч ким тушида ҳам қилолмас эди. Чичиков мазурка ўйнаётганларнинг худди пошналари ёнидан лип этиб ўтди-да, тўғри губернаторнинг хотини билан қизи ўтирган жойга томон юрди. Лекин уларнинг олдига торти-

<sup>1</sup> И н к о м о д и т е (французча) — ўнғайсизлик; яъни «яра» сўзи ўрнида ишлатилган.

<sup>2</sup> П а — танцадаги ҳар бир одим.

ниброқ борарди, қадамларини аввалгидек бино қўйиб шахдам босолмас, ҳатто бир оз тайсаллаб ҳам қолган ишқилиб, ҳамма ҳаракатларида қандайдир ўнғайсизлик бор эди.

Қаҳрамонимизнинг қалбида рӯстдан ҳам ишқ-муҳаббат туйғуси уйғондимикин? — Йўқ, бундай деб бўлмаса керак, чунки бу хил жанобларнинг, яъни на унчалик семиз, на унчалик озғин бўлган жанобларнинг ишқ-муҳаббатга уқувли бўлишлари жуда тумондир; бироқ шундай бўлса ҳам, бунда қандайдир бир ғалати нарса бор эдики, бунинг нималигини ҳатто ўзи ҳам тушуна олмасди: унинг назарида (кейин бунга ўзи ҳам иқрор бўлган эди) бутун бал, унинг гангир-гунгур ва ғовур-ғувурлари бир неча минут гўё ундан узоқлашгандай бўлди; скрипка ва карнайларнинг товушлари тоғларнинг орқасида янграётгандай туюлди; ҳамма нарса туманга бурканиб, пала-партиш бўялган катта бир расмнинг сатҳига ўхшаб кўринди. Бу туманли ва пала-партиш бўялган сатҳдан фақат жозибадор сариқ соч қизнинг латиф сиймоси: думалоқдан келган оппоқ юзи, жуда нозик қадди-қомати (институтни битирган қизларнинг қадди-қомати бир-икки ой шундай бўлади), келишган ва мўъжаз чизиқлари билан оқи оққа, қизили қизилга ажралиб турган навниҳол мучаларини шинам ва ихчамгина буркаб олган одмигина оқ кўйлаги равшан ва барала кўриниб турарди, қизнинг бутун вужуди оппоқ фил суягидан силлиқ қилиб ясалган қўғирчоққа ўхшарди; ёлғиз угина бу хира ва норавшан аламон орасидан оппоқ бўлиб ялтираб кўринарди.

Демак, дунёда шундай нарса ҳам бўлар экан; демак, Чичиковлар ҳам ўз умрида бир неча минут шоир бўлар экан, лекин «шоир» дейиш жуда ортиқча бўлиб кетади. Ҳар ҳолда Чичиков ўзини тамоман навқирон йигитдай, оз бўлмаса гусардай ҳис қилар эди. У губернаторнинг хотини билан қизи ёнида бўш стул турганини кўриб, дарров ўтириб олди. Гап аввал қовушмади, лекин кейин иш юришиб кетди, у ҳатто дадил бўла бошлади, аммо... бунда афсус ва надоматлар билан шуни айтиб ўтмоқ керакки, катта мартабага эга бўлган сипокишилар хонимлар билан сўзлашганларида бир оз вазминроқ бўлиб ўтирадилар; жаноб поручиклар бунга уста бўладилар-у, лекин капитанлик мартабасидан нарига ўтгандан кейин иш бузилади. Бу жаноб поручиклар қандай қилиб хонимларни гапга соладилар — буни бир худо билади: бундай қараб турсанг, биронта маъноли сўз айт-

майдилар, аммо уларнинг сўзига қулоқ солиб турган қиз нуқул стулда чайқалиб қиқир-қиқир кулгани кулган; статский советник бўлса худо билсин нималарни сўзлайди: ё Русиянинг жуда кенг давлат эканлигидан сўз очади, ёки маъноси илмоқлироқ бирор хушомад гапни айтади, лекин бу гапдан китоб ҳиди анқиб туради; борди-ю, бирон кулгили нарсани гапирганда ҳам, қулоқ солиб ўтирган хонимдан кўра ўзи кўпроқ кулади. Хўш, бу гапларни биз бу ерда нега айтиб ўтирибмиз? Бизнинг қаҳрамонимиз сўзлаганда сариқ соч қиз нима учун эснаб ўтирганлигини китобхонлар билсинлар, деб айтяпмиз. Бизнинг қаҳрамонимиз жуда кўп ёқимли нарсаларни сўзлар экан, буни асло пайқамас эди, бу нарсаларни у шунга ўхшаш кўп жойда, масалан, Симбирск губерниясида Софрон Иванович Беспечныйникида сўзлаган эди, ўша пайтда унинг қизи Аделаида Софроновна уч қайин синглиси: Мария Гавриловна, Александра Гавриловна ва Адельгейда Гавриловна билан ўтирган эди; яна Рязань губерниясида Фёдор Фёдорович Перекроевникида ҳам, Пенза губернасида Фрол Васильевич Победоносныйникида ҳам, унинг биродари Пётр Васильевичникида ҳам гапирган эди, ўшанда Пётр Васильевичнинг қайин эгачиси Катерина Михайловна ва унинг қиз неваралари Роза Фёдоровна билан Эмилия Фёдоровна шу ерда эди; бу гапни у Вятка губерниясида Пётр Варсонофьевичникида ҳам сўзлаган эди, ўшанда уникида келинининг эгачиси Пелагея Егоровна, жияни София Ростиславна ва икки ўғай-ҳамшираси: София Александровна билан Маклатура Александровна ҳам бор эди.

Чичиковнинг бу ҳаракати хонимларга сира ёқмади. Улардан бири ўз норозилигини билдирмоқ учун жўрттага Чичиковнинг ёнидан ўтиб кетди ва ҳатто кўйлагининг қалин рулосини бетакаллуфлик билан сариқ соч қизга тегизиб ўтди, бўйнида пириллаб турган шарфини эса гўё тузатган бўлиб бир учини қизнинг нақ юзига тегизиб кетди; шу топда Чичиковнинг орқа томонидан бир хонимнинг бинафша ҳиди анқиб турган орзидан тикандек санчиладиган заҳарли сўз ҳам эшитилди. Лекин у, бу сўзларни ё ҳақиқатан эшитмади ёки ўзини эшитмаганга солди, нима бўлса ҳам бу яхши бўлмади, чунки хонимларнинг фикри билан ҳисоблашмоқ лозим эди, бунга ўзи ҳам пушаймон бўлди-ку, лекин кеч пушаймон бўлди; сўнгги пушаймон эса фойдасиздир.

Кўп хонимларнинг юзидан тамом ҳаққоний равишда ғазаб ўти сачрарди. Қиборлар ичида Чичиковнинг обрў-эътибори нечоғлиқ баланд, гарчи у миллиончи, юзида улуғворлик, ҳатто уруш худосига хос жанговарлик ифодаси бўлишига қарамай, баъзан шундай ҳоллар бўладики, кимлигидан қатъий назар, хонимлар уни асло кечирмайдилар, шундан кейин у кишининг ҳолига маймунлар йиғлайди! Шундай ҳоллар ҳам бўладики, хотин киши эркакка нисбатан характер жиҳатидан нечоғлиқ заиф эканига қарамай, бирдан эркак у ёқда турсин, дунёдаги ҳамма нарсадан ҳам қаттиқ бўлиб кетади. Чичиков хонимларга деярли беғараз илтифотсизлик қилиб қўйди-ю, балога қолди; улар яна қайтадан ўзаро аҳил ва иноқ бўлиб олишди, ҳолбуки боягина улар стул таллашиб, оз бўлмаса бир-бирларини еб қўяй деган эдилар. Чичиковнинг билмасдан айтиб қўйган қуруқ ва оддий сўзларидан аччиқ киноялар топа бошладилар. Бу аламзадалиқнинг устига шу ердаги йигитлардан бири шу топда танца қилганларга атаб ҳажвий шеър тўқиган эди, маълумки, губерния баллари ҳеч қачон бусиз ўтмайди деса бўлади. Бу ҳажвий шеърни шу ондаёқ Чичиков шаънига айтдилар, хонимларнинг қаҳри-ғазаби ошиб-тошмоқда эди, улар залнинг ҳар жой-ҳар жойида тўпланишиб, Чичиков ҳақида энг ёмон гаплар айта бошладилар; институтни битириб келган бояқиш қиз бирпасда яксон қилинди, унинг устидан чиқарилган ҳукмга қўл ҳам қўйилди.

Аммо бизнинг қаҳрамонимизни энг ёмон бир тасодиф кутиб турган эди: сариқ соч қиз эснаб, Чичиков эса унга турли вақтларда бўлиб ўтган ҳар хил майда-чуйда воқиаларни сўзлаб, энди юнон файласуфи Диогендан сўз очмоқчи бўлиб ўтирганда, бирдан охириг хонадан Ноздрев кўриниб қолди. У буфетдан чиқдими ёки оддий вист ўйинидан кўра каттароқ қимор ўйналадиган кичкина меҳмонхонадан чиқдими, ўз ихтиёри билан чиқдими ёки уни итариб чиқаришдими, ишқилиб, кайфи чоғ, хурсанд, прокурорни қўлтиқлаб олган эди; прокурорни у анчадан бери сургаб юрганга ўхшарди, чунки бояқиш прокурор бу дўстона қўлтиқлашиб юришдан қутулиш чорасини топмоқ учун бароқ қошларини кериб ҳар томонга аланглаб қарарди. Дарҳақиқат, бу жуда жонга тегадиган юриш эди. Ноздрев ром қўшилган икки чашка чойни ичиб олгач, жуда суюлиб кетиб, ёлғонни ниҳоятда авжига чиқариб юборди. Чичиков уни узоқдан кўриши биланоқ, ўтирган жойининг баҳридан кечиб бўлса-да, бу ердан мумкин қадар тез-



роқ жўнаб қолиш фикрига келди, чунки Ноздрев билан учрашувдан ҳеч қандай яхшилик чиқмаслигини билар эди. Лекин фалокат босди-ю, шу пайт қаердандир губернатор пайдо бўлди ва Павел Ивановични топгани учун ҳаддан зиёд хурсанд бўлганлигини билдириб, уни тўхтатди-да, мен хотин кишининг севгиси узоқ давом эта оладими, йўқми, деган масала устида икки хоним билан баҳслашиб қолдим, ҳакам бўлиб шуни ажрим қилиб беришингизни сўрайман, деди; шу орада Ноздрев Чичиковни кўриб қолиб, тўғри унинг олдига келди.

— Ҳа, херсон помешчиги, херсон помешчиги! — деб қичқирди у Чичиковга яқинлашиб; у хохолаб қаттиқ кулар ва кулгисидан баҳорда очилган қизил гулдек қип-қизил ёноқлари дирилларди.— Хўш? ўликлардан кўп сотиб олдингми? — шундай дебоқ у губернаторга қараб шанғиллаб гапира бошлади:— Биласизми, жаноб олийлари, бу ўлик жонлар сотиб олиб юрибди. Худо ҳақи! Менга қара, Чичиков! ахир сен, — мен сенга дўстларча айтяпман, бу ерда турган биз ҳаммамиз сенинг дўстларингиз, мана жаноб олийлари ҳам шу ерда турибдилар,— мен сени осар эдим, азбаройи худо осар эдим!

Чичиков қаерда ўтирганини билмай қолди.

— Ишонасизми, жаноб олийлари,— деб сўзида давом этди Ноздрев,— у менга: «Ўлик жонларингиз сот» деди, мен бўлсам кулавериб йчагим узилай деди. Бу ерга келсам, Чичиков бошқа жойга олиб кетиш учун уч миллионга деҳқонлар сотиб олибди, дейишди; қанақа олиб кетиш учун! У мендан ўлик жонлар сотиб олган эди-ку! дедим, Менга қара, Чичиков, сен ҳайвонсан, азбаройи худо, ҳайвонсан! Мана жаноб олийлари ҳам шу ерда турибдилар, шундай эмасми, прокурор?

Бироқ прокурор ҳам, Чичиков ҳам, губернатор ҳам шундай саросима бўлиб қолган эдиларки, унга нима деб жавоб беришларини билмас эдилар. Ноздрев бўлса сира пинагини бузмасдан, ширакайф ҳолда сўзлагани сўзлаган эди:

— Сен, биродар, сен... то ўлик жонларни нима учун сотиб олганини айтмагунингча, мен ёнингдан жилмайман, менга қара, Чичиков, сенга ҳақиқатан уят, ўзинг биласанки, мендан яхши дўстинг йўқ. Мана жаноб олийлари ҳам шу ерда турибдилар, шундай эмасми, прокурор? Айтсам сиз ишонмайсиз, жаноб олийлари, биз бир-биримиз билан шунақа қалинмизки, орамиздан қил ҳам ўтмайди, яъни масалан, агар сиз, мана мен шу ерда турибман, агар сиз: «Ноздрев! виж-

донинг билан айт: отангни яхши кўрасанми ёки Чичиковними?» деса-сангиз, мен «Чичиковни» дер эдим, азбаройи худо. . . қани кел, жоним, юзингга бир бўса ёпиштирай. Ижозат беринг, жаноб олийлари, уни бир ўпиб олай. Ҳа, Чичиков, сен қаршилиқ қилма, қани кел, қордек оппоқ юзингга бир бўсача ёпиштириб қўяй!

Шу топда Ноздревнинг кўкрагидан шундай қаттиқ итариб юборилдики, у бўса-мўсаси билан ерга учиб тушишига сал қолди, ҳамма ундан четлашди ва ортиқ унинг сўзига қулоқ солмай қўйди; лекин у Чичиковнинг ўлик жонлар сотиб олганлигини қаттиқ бақариб ва кулиб гапирганидан унинг нариги бошида турган кишилар ҳам эшитган эди. Бу янгилик шундай ғалати бўлиб туюлдики, ҳамма бирдан ёғочдай қотиб, безрайиб қолди. Чичиков хонимларнинг кўпи заҳарханда билан бир-бирига кўз қисаётганини, баъзиларининг юзида қандайдир дудмал ифода борлигини кўрди, бу эса унинг ташвишини яна ортдирди. Ноздревнинг қип-қизил ёлғончи эканлиги ҳаммага маълум, унинг куракда турмайдиган бемаъни гапларни айтиши ҳеч кимни асло таажжублантормас эди; аммо худонинг бандаси бўлган бу одам боласи қандай тузилганини билиш ҳақиқатан жуда қийин; қандай бўлмасин бирон янги хабар эшитилиб қолса бас, унга янги хабар бўлса бўлгани, у бу хабарни эшитиш билан албатта уни худонинг бошқа бир бандасига бориб айтади, ҳеч бўлмаса: «Қаранг-а, қандай ёлғон гапни тарқатишибди!» дейиш учун айтади; худонинг у бандаси эса мамнуният билан қулоқ солиб туради-да, сўнгра лоақал: «Бу қип-қизил ёлғон, бундай гапларга асло эътибор бермаслик керак!» дейди ва шу ондаёқ ўзи худонинг учинчи бир бандасини излаб кетади, уни топиб янги хабарни айтгандан кейин, иккаласи биргалашиб тақводорларча ғазаб билан: «Бу қип-қизил ёлғон гапга қаранг-а!» дейишади. Сўнгра бу хабар албатта бутун шаҳарга ёйилади, шаҳарда қанчаки худонинг бандаси бўлса, ҳаммаси бу тўғрида роса тўйгунча сўзлашади, роса мириқиб сўзлашиб олгандан кейин, бунақа гапларга қулоқ солмаслик керак, ҳаммаси уч пулга арзимайдиган гаплар, дейишади.

Афтидан, бу бемаъни воқиа бизнинг қаҳрамонимизнинг кайфини анча тирриқ қилиб қўйган эди. Аҳмоқнинг сўзи нечоғлиқ аҳмоқона бўлса-да, баъзан ақлли кишини ташвишга солиб қўяди. Чичиков жуда ўсал бўлди ва ўзини ўнғайсиз сеза бошлади: худди ярақлатиб то-

заланган этиги билан бирдан ифлос, сассиқ қўлмакка ботгандай бўлди; хуллас, яхши иш бўлмади, асло яхши иш бўлмади! У бу тўғрида ўй-ламасликка уриниб кўрди, фикрини паришон қилиб, хушчақчақ бўлиб ўтиришга тиришди, ўтириб қарта ўйнашга тутинди, лекин бўлмади, бошида ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди: икки марта янглишиб бировнинг қартасига урди, вист ўйинида учинчи марта урмасликни унутиб, қўлидаги бутун қартасини янглиш уриб юборди ва гангиб қолиб ўз қартасини кўтарди. Раис Павел Ивановичнинг қартани ҳамма икир-чикиригача тушуниб яхши ўйнашини билар эди, ҳозир эса унинг бундай янглиш ўйнаётганини кўриб ҳайрон қолди ва ҳатто ўз таъбирича, худога умид боғлагандек умид боғлаб ўтирган қарға шоҳини ҳам хавф остида қолдириб қўйди. Албатта, почта мудири билан раис, ҳаттоки полиция бошлиғининг ўзи ҳам, шундай маҳалда одатда бўлганидек, бизнинг қаҳрамонимизга: Павел Иванович ошиқи-шайдо бўлиб қолганга ўхшайдилар, ҳа, бу кишининг жигаридан урганини биламиз, ким урганини ҳам биламиз, деб ҳазиллаша бошладилар. Лекин Чичиков ҳарчанд бу гапларга кулмоқчи бўлиб ва ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтармоқчи бўлиб уринса ҳам, барибир кўнгли тасалли топмас эди. Кечки овқат маҳалида ҳам унинг кўнгли очилмади, ҳолбуки дастурхон теварагида ўтирганлар кўнглига ёқадиган улфатлар эди ва Ноздрев аллақачон бу ердан чиқариб юборилганди; чунки Ноздревнинг ҳаракатлари ҳаддан ошиб жанжалга айланиб бораётганини ҳатто хонимлар ҳам сезган эдилар. Танца авжига чиққан чоқда у ерга ўтириб олиб, рақс қилаётган хонимларнинг этагидан торта бошлаган эдики, бу қилиғи, хонимларнинг айтишича, ғирт учига чиққани эди. Кечки овқат жуда хурсандлик билан ўтмоқда эди; дастурхон устида ўтирган кишиларнинг юзлари уч шам ёқилган шамдон, гул, конфет ва май шишалари орасида шод-хуррамлик билан гул-гул очилиб турарди. Офицерлар, хонимлар, фрак кийган амалдорлар — ҳаммалари жуда назокатли, ҳатто кўнгилни айнатадиган даражада меҳрибон эдилар. Эркаклар ўринларидан сакраб туриб, овқат ташувчи хизматкорларнинг қўлларидан товоқларни тортиб олиб, хонимларга тақдим қилардилар. Бир полковник соус солинган ликопчани яланғоч қиличининг учига қўйиб, бир хонимга узатди. Чичиков муътабар кишилар ўртасида ўтирган эди, бу муътабар кишилар қичқиришиб мунозара қилишар, салмоқдор сўзларни

айтишар ва орқасидан горчицани мўл суркаб балиқ ёки мол гўштини тановул қилишарди: улар нима ҳақда сўзлашсалар, Чичиков ҳам сўзга араллашиб турарди; лекин у узоқ йўлдан чарчаб ёки эзилиб келган, шу сабабдан миясига ҳеч нима кирмайдиган ва бирон иш қилишга мадори қолмаган кишига ўхшар эди. Ҳатто у кечки овқат тамом бўлишини кутмасдан, одатда кетадиган вақтдан анча эрта чиқиб кетди.

Чичиковнинг эшигига комод тиралиб қўйилган, бурчак-бурчакдан, сувараклар мўралаб турадиган хонаси китобхонларга жуда яхши танишдир; шу хоначада ҳам унинг фикри-хаёли ва руҳи ўтирган креслоси каби нотинч эди. Негадир унинг кўнгли хижил ва унда юракни ғаш қилувчи бўшлиқ қолган эди. «Минг лаънат бўлсин шу бални ўйлаб чиқарганларга!— дер эди у кўнглида.— Хўш, аҳмоқ бўтмаса нимага мунча қувонишади улар? Губернияда қаҳатчилик, қимматчилик бўлиб турса-ю, улар мана бунақа базму айш-ишрат қилиб ўтиришса! Шу ҳам салтанат бўлди: хотинларини латта-путта билан безаниб олганига қаранг тагин! Шуниси ғалатики, баъзиси устига минг сўмлик матони ўраб келибди! Ахир, буларнинг ҳаммаси деҳқонларнинг obroки ҳисобига ёки, қславерса ўз биродарларимизнинг виждони ҳисобига келган-ку.

Нега пора олиб, нега ёлғон гапиришинг маълум-ку: хотинингга шол рўмол ёки, оти қуриб кетсин, чидаганга чиқарган деган ҳар хил кўйлақлар сотиб олиб берасан. Бунга сабаб нима? Сабаб шуки, Сидоровна деган бирон фитначи аёл, почта мудирининг хотини кийган кўйлақ менинг кўйлагимдан яхши экан, демасин, деб шундай қилинади ва шунга шартта минг сўм кетади-воради. Тагин: «Бал, бал, ўйин-кулги!» деб қичқиришади. Бал деган бутунлай бемаъни нарса, руснинг руҳига ҳам, табиатига ҳам асло




тўғри келмайди; жин чалсин шунақа ўйинни: ўзи кап-катта киши-ю, бирдан сапчиб ўрнидан туради-да, қоп-қора кийими билан, думи юлинган шайтоннинг боласидек, сўррайиб ўртага чиқади-да, худди лой тепгандек оёқлари билан ҳадеб ер тепади. Ҳатто баъзиси бирон хотин билан ёнма-ён туриб муҳим масала тўғрисида гаплашади-ю, айна вақтда худди эчки боласидек оёқларини ўнг-сўлга ликиллашиб туради... Булар ҳаммаси маймунликдан бсшқа нарса эмас! Француз ўн беш ёшлик вақтида қандай бўлса, қирқ ёшида ҳам шундай бўлиб қолаверади, мана энди биз ҳам ўшандай қилиқ қилиб ўтирибмиз! Йўқ, ростини айтсам... ҳар бир балдан кейин ўзингни худди бир гуноҳ иш қилиб қўйгандай ҳис қиласан киши; ҳатто бални эсингга ҳам олгинг келмайди. Қибор киши билан сўзлашганингдан кейин миянгда ҳеч нима қолмайди; у ҳамма нарсадан гапиради, ҳамма нарсага енгил-елпи тақалиб ўтади, китоблардан юлиб-юлқиб олган ҳамма нарсасини ранг-баранг, чиройли қилиб сўзлаб беради, аммо уни айтган нарсаларидан миянгда ҳеч нима қолмайди; сўнгра қарабсанки, фақат ўз ишини биладиган, билганда ҳам жуда яхши ва тажрибадан биладиган оддий бир савдогар билан қилган суҳбатинг киборнинг ҳалиги шалдир-шулдур пуч гапларидан ҳатто яхшироқ бўлиб чиқади, Хўш, бу бал-малдан нима олиш мумкин? Масалан, айтайлик, бирон ёзувчи бални худди ўз кўринишидай қилиб тасвирлаб берса, бундан нима чиқади? У вақтда аслида бўлгани сингари китобда ҳам бемаъни нарса бўлиб чиқади. Хўш, бу қанақа нарса ўзи: ахлоқми, ахлоқсизликми? Нима эканлигини билмайсан! Шундан кейин бир тупурасан-у, китобни шартта ёпиб қўясан, киши». Чичиков бал ҳақида умуман ана шундай ёмон фикрда эди: лекин, чамаси бундай ғазабланишнинг бошқа бир сабаби ҳам бор эди. Унга энг алам қилган нарса бал эмас, балки балда шарманда бўлгани, бирдан одамларнинг кўзига худо билсин қандай бўлиб кўринганлиги, қандайдир ғалати, дудмал роль ўйнаганлиги эди. Аммо у ақлли одам кўзи билан қараб билдики, буларнинг ҳаммаси бемаъни гап, айниқса энди, асосий иш кўнгилдагидек битгандан кейин, бундай бемаъни гапнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Лекин инсон ғалати бўлади: уни қаттиқ хафа қилган нарса шу эдики, у ҳурмат қилмайдиган, улар ҳақида ўзининг кескин фикрини айтган, уларничи бўлмағур нарсаларга, ясан-тусанга бино қўйишларини ўзи сўкиб юрган кишилар энди уни суймай қўяр эди. Дурустроқ ўйлаб кўргач, бун-

та қисман ўзи сабабчи эканини билиб, унга жуда алам қилди. Лекин шундай бўлса-да, у ўзидан-ўзи хафа бўлмади ва бунга, албатта, ҳақли эди. Ҳаммамизда ҳам ўзимизни бир оз аяш каби қитдак заиф томонимиз бор, кўпинча биз яқинроқ бир кишимизни топиб, аламимизни ўшандан, масалан, хизматкордан, қўл остимизда ишлайдиган ва ўша пайтда кўзимизга кўриниб қолган чиновникдан, хотинимиздан ёки стулдан олишга ҳаракат қиламиз, стулни шундай отиб юборамизки, у худди эшикнинг олдига бориб тушади, тутқичи ва орқалиги учиб кетади: ҳа, жаҳлимни билиб қўйсин! Чичиков ҳам кўп ўтмай яқин бир одамани кўз олдига келтириб, бутун аламини ўшандан олди, бутун қаҳр-ғазабини ўшанга сочди. Бу яқин одами Ноздрев эди; Чичиков унинг ҳеч нарчасини қолдирмай шунақаям бошлаб сўқдики, буни ҳеч айтиб адо қилиб бўлмайди; кўпни кўрган бирон тажрибали капитан ёки баъзан бирон генерал муғомбир элликбошини ёки аравакашни шунақа бошлаб сўқади; тагин бу генерал классик ифода бўлиб қолган кўп болохонадор сўзларга ўзи ичидан тўқилган кўпгина янги сўзларни ҳам қўшиб юборади. Шундай қилиб, Ноздревнинг бутун етти пушти таҳлил қилиб чиқилди ва кўп авлод-аждодларининг авра-астари роса ағдарилди.


Чичиков қаттиқ креслода фикру хаёлдан ва уйқусизликдан безовта бўлиб, Ноздревни ва унинг бутун авлод-аждодини тинмай сўқиб ўтирарди, олдида ёниб турган шамнинг пилиги аллақачон бошига қора салла боғлаб, ўчай-ўчай деб турган эди, тонг яқинлашувидан ёришай деб турган қоп-қоронғи кеча деразадан унга мўралаб қарарди, узоқдан хўрозларнинг басма-бас қичқирган товушлари эшитиларди, эҳтимол шу пайт, пахмоқ шинель кийган ва фақат биргина (ҳайҳот!) йўлни, яъни шод-хуррам рус халқи жуда топтаб ташлаган биргина йўлни биладиган, қайси синф ва даражага мансублиги номаълум бўлган бир мусибатзада тамоман уйқуга кетган шаҳарнинг қайси бир ерида дайдиб юргандир,— лекин худди шу вақтда шаҳарнинг нариги четида қаҳрамонимизнинг ёмон аҳволини янада мушкуллаштирадиган бир воқиа юз бермоқда эди. Шаҳарнинг узоқ кўчалари ва тор кўчаларидан ғалати бир арава тақирлаб бормоқда эди. У тарантасга ҳам, коляскага ҳам, бричкага ҳам ўхшамас, балки кўпроқ филдираклар устига қўнқайтириб қўйилган юмалоқ тарвузга ўхшарди. Бу тарвузсимон арванинг сариқ бўёқ излари қолган эшиклари яхши ёпилмас, чунки даста-

си билан қулфининг шалоғи чиқиб кетган ва шу сабабдан бир амаллаб арқон билан чандиб қўйилган эди. Араванинг ичи чит ёстиқлар, тамаки халтасига ўхшаган ёстиқчалар ва болишлар билан тўла, уларнинг устига нон, кулча, патир, қатлама, ўрама солинган халталар босиб қўйилган эди. Товуқ гўшти ва қўзиқорин солиб пиширилган балишлар ҳатто юқорига қаратиб қўйилган эди. Тарвузсимон араванинг орқа зинасида малай зотидан бўлган ва одатда «йигитча» деб чақириладиган бир киши тикка туриб борарди, «йигитча»нинг эғнида хонаки оладан тикилган куртка бўлиб, оқ оралаган соқоли қирилмаган эди. Араванинг шалоғи чиққан темир ҳалқалари ва занг босган винтларининг шақир-шуқуридан шаҳарнинг нариги чеккасида ухлаб етган будка қоровули уйғониб кетди; у дарҳол чўқморини кўтариб, уйқу аралаш овози борича: «Қим у?» деб бақирди. Лекин ҳеч ким йўқлигини, фақат узоқдан араванинг тақир-туқури эшитилаётганини билиб тинчландида, ёқасидан бир жониворни тутиб олди, фонарь олдига бориб, дарҳол икки тирноғи орасига олиб ўлдирди. Сўнгра чўқморини ўрнига қўйиб, ришарлик уставига биноан яна ётиб ухлади. Аравага қўшилган отлар тақаланмаганидан олдинги оёқлари билан ҳадеб қоқиниб борар ва шу билан бирга, афтидан шаҳарнинг тинч тош кўчалари уларга унчалик таниш эмасдек кўринар эди. Шалоқ арава бир неча бор у кўчадан бу кўчага қайрилгандан кейин, ниҳоят, Недотичкадаги кичиккина Никола черкови ёнидан ўтиб, қоронғи тор кўчага бурилди-да, протопоп



уйининг дарвозаси олдига келиб тўхтади. Бошига рўмол ўраган ва пахталик нимча кийган оқсоч қиз бричкадан тушиб, икки мушти билан дарвозани эркакчасига қаттиқ тақиллата бошлади (олача куртка кийган «йигитча» эса кейин оёғидан тортиб бричканинг орқасидан туширилди, чунки у ўликдай қотиб ухлаб қолган эди). Итлар ҳуриди ва ниҳоят дарвоза очилиб, йўл учун яратилган бу бесўнақай сўлақмонни зўрғачига ютди. Арава ўтин уйиб ташланган, товуқ катаклари ва ҳар хил катаклар солинган тор ҳовлига кириб борди; аравадан бир хоним тушди, бу хоним коллежская секретарша, помещчик Қоробочка эди. Бу кампир, бизнинг қаҳрамонимиз кетгандан кейин, у мени алдаб кетмадимикин, деган шубҳа билан жуда ташвишга тушиб, сурункасига уч кеча ухлай олмаган эди, ниҳоят, отларнинг тақаланмаганлигига ҳам қарамай, шаҳарга боришга ва унда ўлик жонларнинг нарх-навосини билишга аҳд қилган, ҳамда: тагин ўлик жонларни сув текинга сотиб қўйиб, худо кўрсатмасин, катта хато қилиб қўйган бўлсам-а! — деб ўйлаган эди. Бу келишнинг оқибати нима бўлганлигини китобхон икки хоним ўртасида бўлган гурунгдан билиши мумкин. Бу гурунг... яхшиси бу гурунгни келаси бобга қолдира қолайлик.





### *Тўққизинчи боб*

**Т**онг саҳар чоғи, ҳатто N. шаҳрида ташриф учун таомул бўлган вақтдан анча илгари, болохонали ва кўк устунли, зарғалдоқ ранг ёғоч уй эшигидан катак-катак, кенг ва серҳашам пальто кийган бир хоним бедана юриш қилиб чиқди; эгнида қат-қат ёқали шнелъ, бошида зарбоп уқа сирилган ва ялтираб турган думалоқ шляпаси бўлган бир малай уни кузатиб борарди. Хоним шошилганича югуриб бориб, дарвоза олдида зиналари тушириб қўйилган коляскага тез миниб олди. Малай дарҳол коляска эшикларини ёпди, зиналарини кўтариб, коляска орқасидаги қайишларни ушлади-да, кучерга: «Ҳайда!» деб қичқирди. Хоним ўзи боягина эшитган янги хабарни олиб бормоқда ва юраги шопириб уни тезроқ етказишга шошилмоқда эди. У ҳар замон деразачадан мўралаб қарар ва йўлнинг яна ярми борлигини

кўриб юраги сиқиларди. Ҳар бир уй унга одатдагидан узунроқ кўринарди; деразалари торгина бўлган оқ, гиштин худойихона ниҳоятда чўзилиб кетган эди; охири хонимнинг сабри чидамай: «Қуриб кетсин шунақа иморат, ҳеч кети кўринмайди-я!» деди. Кучер бўлса икки марта дакки эшитиб: «Тезроқ ҳайдасанг-чи, Андрюша! нима бало бугун мунча секин ҳайдаб қолдинг!» — деган буйруқ ҳам олди. Ниҳоят манзилга етилди. Коляска деразаларининг тепасига оқ қуббачалар ишланиб, олдигинасига баланд ёғоч панжара қоқилган, энсизгина чорвоқчаси бўлган ва чорвоқча панжарасининг нариги томонидагингичка дарахтчалар шаҳарнинг чанг-тўзони билан ҳамиша оқариб турган бир қаватли қорамтир кул ранг ёғоч уй олдида тўхтади. Деразаларда гул тувакчалари, қафасда тумшуғи билан ҳалқага осилиб диркиллаб турган тўтиқуш ва офтобрўяда ухлаб ётган икки кучукча кўринарди. Бу уйда ҳозир келган хонимнинг қалин ва сирдош дугонаси турарди. Автор шу топда, бу икки хонимга нима деб от қўйсам экан, улар тагин мендан аввалгидек ранжимасинлар, деб жуда мушкул аҳволда қолди. Уларга уйдирма от қўйиш хавфлидир. Нима от қўйсанг ҳам барибир, кенг давлатимизнинг бирон чеккасида албатта шу от билан юрган бирон киши топилади, унинг албатта жаҳли чиқади, жаҳли чиққанда ҳам ўлгудек жаҳли чиқади ва айтадики, автор жўрттага бу ерга яшириқча келган, ҳамма сирни билиб олмоқчи бўлган, фалончи ким ва қанақа пўстин кияди, Аграфена Ивановна деганникига бориб юрадими, қандай таомни яхши кўради, деб хўп суриштириб олган. Амалини айтсанг, худо кўрсатмасин, тагин балога қоласан. Бизда ҳозир ҳамма мартаба эгалари, ҳамма тоифалар шу қадар баджаҳл бўлганларки, босма китобда нимаики ёзилса, ҳаммасини шахсиятга тўқиниш деб ҳисоблайдилар: афтидан, муҳитнинг ўзи шу томонга оққанга ўхшайди. Бирон шаҳарда аҳмоқ одам бор десанг бўлди — бу дарров шахсиятга элтиб тақалади; совлатидан ҳайбати зўр бўлган бир жаноб бирдан сапчиб ўрнидан турадида: «Мен ҳам одамман, демак мен ҳам аҳмоқ эканман-да?» деб бақиради — хулласки, гап нимада эканлигини дарров пайқайди. Бинобарин, шундай нарсалар бўлмаслиғи учун, уйига меҳмон келган хонимни N. шаҳрида бир овоздан нима деб атасалар, биз ҳам шундай деб атаймиз: N. шаҳрида уни ҳар жиҳатдан дилбархон деб атайдилар. Бу номга у қонуний равишда сазовор бўлган эди, чунки ҳақиқатан у

ниҳоят даражада дилбар-дилрабо бўлиш учун ҳеч нимани аямас эди, аммо лекин, бу дилбар-дилраболик орасидан хотин зотига хос шаддотлик характери ўзига шунақаям йўл очиб олар эдики, оҳ, асти сўраманг! Кўпинча унинг ҳар бир ёқимли сўзида шундай нашта бўлардики, оҳ, асти қўяверинг! Ишқилиб, ўзидан сал ортиқроқ бўлган хотинга қарши унинг юрагида нималар жўш уришини асло худо кўрсатмасин! Лекин булар ҳаммаси губерния шаҳрида мумкин бўлган жуда нозик киборлик пардасига ўраб қилинарди. Унинг ҳар бир ҳаракатида дид борлиги сезилиб турарди, ҳатто шеър ўқишни севарди, ҳатто баъзан бошини хаёлга чўмгандай қилиб тута биларди — хуллас, ҳамма уни, ҳар жиҳатдан дилбархонлиги рост, дерди. Иккинчи хонимнинг, яъни меҳмон бўлиб келган хонимнинг характери эса уникидай ҳар жиҳатдан мукамал эмас эди, шунинг учун уни: оддий дилбархон деб атаймиз. Меҳмоннинг келиши офтобрўяда ётган икки кучукчани — ҳамиша ўз жунига ўралиб юрадиган бароқ Аделни ва оёқлари ингичка кўппак Попурини уйғотиб юборди. Иккови ҳам думини гажак қилиб, акиллаганича даҳлизга югуриб чиқди, бу пайт меҳмон даҳлизда кенг пальтосини ечиб бўлган эди, унинг эгнида гули ва ранги замоннинг модасига мос келадиган кўйлак бўлиб, бўйнида узун тулки думи бор эди; уйни ясмин атирнинг ҳиди босиб кетган эди. Ҳар жиҳатдан дилбархон оддий дилбархоннинг келганини эшитиши билан дарҳол югуриб даҳлизга чиқди. Улар қучоқлашиб ўпиша кетдилар ва қичқирдилар, уларнинг қичқирishi худди институтни бирга ўқиб битирган ва битиргандан кейин ордан кўп ўтмай учрашган ва онажонлари уларга бирининг отаси иккинчисининг отасидан касб ва амал жиҳатидан паст туришини ҳали айтиб улгуролмаган икки қизнинг қичқирishiга ўхшар эди.



Упишлар чўлпиллаб кетди, чунки итлар яна акиллади, акиллагани учун уларни дастрўмолча билан уриб ҳам қўйишди, шундан кейин икки хоним меҳмонхонага — албатта дивани, чўзинчоқ столи ва ҳатто духоба тутилган ширмачалари бўлган мовий ранг меҳмонхонага киришди; бароқ Адель билан оёқлари ингичка, бўйи баланд Попури ёншиб улар кетидан югурди. «Мана бу ерга ўтиринг, мана бу бурчакка!— деди уй бекаси меҳмонни диваннинг бурчагига ўтқазиб.— Ҳа, ана шундай! Ана шундай! Мана ёстиқ ҳам!»— деди ва меҳмоннинг орқасига ёстиқ қўйди. Ёстиққа бир рицарнинг расми жун ип билан шундай йўрма қилиб солинган эдики, бунақа йўрмалар ҳамиша канвада тикилади: рицарнинг бурни нарвонга ўхшар, лаблари эса тўрт бурчак бўлиб қолган эди. «Мен шу қадар севиндимки, сиз... Қулоқ солиб турсам, кимдир аравада дарвоза олдига келиб тўхтади, ким келди экан мунча барвақт, деб ўйладим. Параша келиб: «вице-губернаторнинг хотини» деди, мен бўлсам: «ана холос, бу аҳмоқ хотин яна келибди-да, жонимизга тегди-ку», дедим ва энди, уйда йўқ дегин, деб айтмоқчи бўлиб турган эдимки...»

Меҳмон дарҳол ишга киришиб, янги хабарни энди айтаман деб турганида, ҳар жиҳатдан дилбархон бирдан хитоб қилиб, гапни бошқа ёққа буриб юборди.

— Бирам чиройли чит экан!— деди ҳар жиҳатдан дилбархон, оддий дилбархоннинг кўйлагига қараб.

— Ҳа, жуда чиройли, бироқ, Прасковья Федоровна айтадики, кактаклари майдароқ бўлганда, яна яхшироқ бўлармиш, холлари жигар ранг бўлмасдан ҳаво ранг бўлганда, ундан ҳам чиройлироқ бўларкан. Унинг ҳамширасига бир кийимлик мато юборишибди: шунақаям гўзал нарсаки, сўз билан асло таърифга сиғдириб бўлмайди; ўзингиз бундай хаёлингизга келтириб қаранг: йўллари торгина, энсизгина, яъни одамнинг хаёлига ҳам келмайдиган хилидан; таги ҳаво ранг, ҳар бир йўлчаси орасида кўзчалар ва панжачалар, кўзчалар ва панжачалар, кўзчалар ва панжачалар... Қисқаси, ҳеч монанди йўқ! Гапнинг пўст калласини айтганда, ҳали бунақаси дунёда сира бўлмаган!

— Жонгинам, бу олабезак.

— Вой, йўқ, олабезак эмас.

— Йўқ, олабезак!

Шуни айтмоқ керакки, ҳар жиҳатдан дилбархон қисман материалист, инкор ва шубҳага мойил ва ҳаётдаги жуда кўп нарсаларни рад қилар эди.

Шу сабабдан оддий дилбархон, бу асло олабезак эмас, деб тушунгирди ва бирдан қичқириб юборди:

— Ҳа, айтгандай, муборак бўлсин, энди бурма қилиб киймайдиган бўлишибди.

— Нучук киймайдиган бўлишибди?

— Бурмача ўрнига жимжима қиладиган бўлишибди.

— Хах, бу жимжима яхши эмас!

— Энди ҳаммаси жимжима бўлади, кўкраклари ҳам жимжима бўлади, энгларига ҳам жимжима қилинади, эполетчалари ҳам жимжимадан қилинади, пасти ҳам жимжима бўлади, ҳамма жойи жимжима бўлади.

— Софья Ивановна, агар ҳамма жойи жимжима бўлса яхши бўлмайди.

— Жуда чиройли бўлади, Анна Григорьевна, ақлга сиғмайдиган бўлади; шккита кичкина чок қилиб тикилади: қўлтиқларининг таги кенг ва устидан. . . Мен сизга бир гап айтсам ҳайрон қоласиз, ўшанда айта-сизки. . . майли, айта қолай бўлмасам, бир ҳайрон қолинг: лифчиклар яна узунроқ бўлибди, учи чўққига ўхшаб кетган, олд тугмаси бутунлай чегарадан чиқади, юбка ҳамма томондан бурма қилиб тикилади, қадимги, этаги кенг фижда сингари бўлади, ҳатто тўкисроқ кўринсин деб орқасига бир оз пахта ҳам қўйилади, худди бельфам<sup>1</sup> бўласиз қўясиз.

— Ундоқ бўлса жуда қойилмақом экан-да! — деди ҳар жиҳатдан дилбархон, талтайган ҳолда бошини қимирлатиб.

— Ҳа, худди қойилмақомнинг ўзгинаси? — деб жавоб берди оддий дилбархон.

— Сизни билмадим-ку, аммо мен асло бунақа нарсага ҳавас қилмайман, — деди ҳар жиҳатдан дилбархон.

— Мен ҳам. . . Ростдан, бундай ўйлаб қарасанг, баъзан нималарга бориб етмайди бу мода. . . ҳеч ақлга сиғмайди-я! Бир кулги бўлсин деб ҳамширамдан андазасини сўраб олдим; ҳозир менинг Меланьям тикяпти.

<sup>1</sup> Б е л ь-ф а м (французча) — совлатли хотин.

— Сизда ҳали андазаси ҳам борми?— деб қичқириб юборди ҳар жиҳатдан дилбархон ва ҳатто юрагининг дукуллагани ҳам сезилди.

— Албатта бор, ҳамширам олиб келди.

— Жонгинам, бутун авлиёларнинг ҳурмати учун ўшани менга бериб туринг.

— Вой, Прасковья Федоровнага сўз бериб қўйган эдим-ку. Фақат ундан кейин бера оламан.

— Прасковья Федоровнадан кейин уни ким кияр эди? Жуда ғала-ти иш қилган бўласиз-ку, агар бегоналарни ўзингизникидан ортиқ кўрсангиз. . .

— Ахир, у ҳам менга катта хола бўлади-ку.

— Худо биледи унинг сизга қанақа хола бўлишини: эрингиз томониданми... Йўқ, Софья Ивановна, мен бу гапларингизга қулоқ солмайман. Бундан чиқдики, сиз мени шунақа ҳақорат қилмоқчисиз. . . Демак мен сизнинг жонингизга теккан эканман, демак сиз мен билан борди-келдини бутунлай узмоқчисиз.

Боёқиш Софья Ивановна нима қилишини сира билмай қолди. Икки ўртада ўзи балога қолганини сизди. Мана мақтанчоқлик қилганининг оқибати! Шу топда игнани олиб, тийиқсиз тилига санчиб олишга ҳам рози бўлди.

— Хўш, бизнинг ана у дўндиқ йигит қалай? — деди бирдан ҳар жиҳатдан дилбархон.

— Вой, худойим! Мен нима қилиб ўтирибман сизнинг олдингизда анқайиб! Яхши айтдингиз! Биласизми, Анна Григорьевна, нима учун келдим олдингизга? — Шу пайт меҳмоннинг нафаси тикилди; сўзлар оғзидан қарчиғайдай бир-бирини қувиб чиқмоқчи бўлиб турган эди, лекин қани энди бу қалин дугонаси ўзининг шафқатсизлигини ҳозир ташласа-да, унинг сўзини бўлишга журъат этмаса!

— Сиз уни қанча мақтасангиз ҳам, қанча осмонга кўтарсангиз ҳам,— деди одатдагидан анча жонланиб,— мен сизга тўппа-тўғрисини айтаман ва унинг юзига ҳам айтаманки, у ярамас одам, ярамас, ярамас, ярамас одам!

— Гапимга қулоқ солинг ахир, мен сизга янги гаплар. . .

— Уни яхши одам деб гап тарқатишибди, аммо у асло яхши одам эмас, асло яхши одам эмас, бурни ҳам. . . жуда хунук.

— Рухсат этинг, рухсат этинг сизга гапириб берай. . . жонгинам,

Анна Григорьевна, рухсат этинг, мен гапириб берай! Бу катта бир воқиа, тушунасизми, катта бир воқиа, сконапель истоар<sup>1</sup>, — деди меҳмон маъюс қиёфада, қарийб ёлворган товуш билан. Урни келганда шуни айтиб ўтмоқ керакки, ҳар иккала хоним ўз гапларида жуда кўп чет сўзлар ва ҳатто баъзан французча узун жумлалар ишлатадилар. Лекин автор француз тилининг Россияга келтираётган халоскорлик фойдаларига нақадар ҳурмат билан қараса-да, куннинг ҳар бир соатида, албатта ватанга бўлган чуқур муҳаббат ҳисси юзасидан, шу тилда сўзлашувчи олий жамиятимизнинг мақтовга муносиб бу одатига ихлоси нақадар зўр бўлса-да, ҳар ҳолда бу рус поэмасига ҳар қандай ёт тил ибораларини киритишга асло журъат этолмайди. Шунинг учун суҳбатни рус тилида давом этдирамиз.

— Хўш, қанақа воқиа экан?

— Оҳ, менинг ҳаётим, Анна Григорьевна, қандай аҳволга тушганимни бир билсангиз эди! Мана бу гапга қаранг: бугун протопоп ҳазрат Кирилнинг хотини менинг олдимга келди; хўш сизнинг фикрингизча нима бўлиши мумкин: бизга ўзини ювош кўрсатиб юрган ана у келгинди писмиқ бор-ку, ўша нима қилибди денг?

— Наҳотки, протопопнинг хотинига илиққан бўлса?

— Оҳ, Анна Григорьевна, илиққан бўлса майлийдия, қулоқ солинг, мана нималарни айтди менга протопопнинг хотини: айтишича уникига помешчик хотин Қоробочка келибди, қўрққанидан унинг ранги мурдадай оқариб кетган эмиш; у шунақа гапларни айтибдики, шунақа гапларни айтибдики, асти қўяверинг! Қулоқ солинг, бу худди бир роман: нақ ярим тунда, уйда ҳамма ухлаб ётган чоқда, бирдан дарвоза тақиллабди, шунақа қаттиқ тақиллабдики, ҳаммани даҳшат босибди; кимдир: «Очинг дарвозани, очинг бўлмаса синдириб киримиз!» деб қичқирибди. Мана бунга қандай қарайсиз? Дўндиқ йигитнинг мана бу ишига нима дейсиз?

— Нима, Қоробочка шунақа ёшу, шунақа чиройли хотинми?

— Йўғ-э, кампир!

— Ё, тавба! Ҳали у кампирга осилибди денг! Шундан кейин хонимларимизнинг дидига балли-э, топибди улар ошиқ бўладиган кишисини!

<sup>1</sup> Сконапель истоар (французчанинг бузиб талаффуз этилгани) — катта воқиа маъносида.

— Йўғ-э, Анна Григорьевна, сиз ўйлагандай эмас. Ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг; Ринальд Ринальдин<sup>1</sup> каби тиш-тирноғигача қуролланган бир киши келиб: «Қанчаики ўлик жонларингиз бўлса, ҳаммасини менга сотинг!» деб талаб қилибди. Қоробочка ўринли жавоб қилиб: «Йўқ, мен уларни сотолмайман, чунки улар ўлган» дебди.— «Йўқ, улар ўлган эмас, дебди у, улар ўлганми, ўлмаганми, бу менинг ишим, дебди, улар ўлган эмас, ўлган эмас, деб бақирибди, ўлган эмас!» Қисқаси, жуда тўполон кўтарибди; бутун қишлоқ йиғилибди, болалар додлаб йиғлашибди, ҳамма ғовур кўтарибди, бировнинг нима деганини биров тушунмабди, нуқул: Войдод! Войдод! Войдод! бўлиб кетибди... Аммо лекин, Анна Григорьевна, шу гапларни эшитганимда юрагим қандай ўйнаб кетганини ҳеч тасаввур қилолмайсиз. «Азизим бекам, — дейди менга Машка, — ойнага бир қаранг, рангингиз оқариб кетибди». — «Ҳозир ойна-пойна билан ишим йўқ, — дедим мен, — ҳозир бориб бу гапларни Анна Григорьевнага айтишим керак». Ўша заҳоти коляскани кўшишга буюрдим: кучерим Андрюша, қаёққа олиб борай, деб сўради мендан, мен бўлсам унга ҳеч гапиролмайман, жиннидай нуқул унинг кўзига бақрайиб қарайман, холос; у мени жинни бўлган деб ўйлапти шекилли, деб хаёл қиламан. Оҳ, Анна Григорьевна, ўша топда юрагим қандай ўйнаганини билсангиз эди!

— Аммо бу ғалати гап,— деди ҳар жиҳатдан дилбархон,— бу ўлик жонлар тагида нима бўлиши мумкин? Тўғриси айтсам, бу ишда ҳеч нимага ақлим етмай қолди. Бу ўлик жонлар тўғрисида мен мана иккинчи марта эшитишим; эрим бўлса, Ноздрев ёлғон гапирди, дейди; ҳар ҳолда бунда бир гап бўлса керак.

— Энди, Анна Григорьевна, шу гапларни эшитганимда аҳволим қандай бўлганини ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг. Қоробочка айтибдики: «Мен нима қилишимни билмай қолдим. Мени, дебди, мажбур қилиб бир қалбаки қоғозга қўл қўйдирди, олдимга ўн беш сўм қоғоз пул ташлади; ўзим бундай тажрибасиз, нотавон бева бўлсам, ҳеч нимани билмасам, дебди...» Мана шундай аломат ҳодисалар! Аммо юрагим қандай ўйнаганини лоақал қиттай бўлса ҳам билсангиз эди.

<sup>1</sup> Ринальдо Ринальдини — қароқчи; немис ёзувчиси Вульпиуснинг (1762—1827) шу номли романининг қаҳрамони.



— Лекин сиз нима десангиз денг-у, аммо бунда гап ўлик жонларда эмас, бунинг тагида бошқа бир гап бор.

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман, — деди оддий дилбархон бироз таажжубланиб ва шу он бунинг тагида қандай сир бўлиши мумкинлигини билишга иштиёқи зўрайиб бораётганини сизди. Ҳатто у овозини чўзиброқ: — Хўш, сизнинг фикрингизча, бунинг тагида нима бўлиши мумкин? — деди.

— Хўш, сиз нима деб ўйлайсиз?

— Нима деб ўйлардим?... Тўғриси айтсам, мен бутунлай бошимни йўқотиб қўйдим.

— Лекин ҳар ҳолда мен бу тўғрида сизнинг фикрингизни билмоқчиман?

Бироқ оддий дилбархон бир нима деб жавоб беришга сўз тополмади. У фақат юраги ўйнаб ҳаяжонланишни билар эди, аммо ақлироқ бирон нарсани ўйлаб топиш асло унинг қўлидан келмасди, шунинг учун ҳам назокатли дўстликка ва маслаҳатга бошқалардан кўра унинг эҳтиёжи кўпроқ эди.

— Хўп, қулоқ солинг бўлмаса, бу ўлик жонлар нималигини мен сизга айтиб берай, — деди ҳар жиҳатдан дилбархон, бу гапни эшитиши билан меҳмоннинг бутун вужуди қулоққа айланди, унинг қулоқлари ўз-ўзидан динг бўлди, ўрнидан сал қўзғалди, диванга на ўтирмасдан, на суянмасдан, шу кўйича бўйнини олдинга чўзди, гавдаси бирмунча оғир бўлишига қарамай, бирдан шу қадар ингичка бўлиб кетдики, худди пуф деса ҳавога учиб кетадиган енгилгина патга ўхшаб қолди.

Чунончи, ашаддий итбоз ва овчи рус барини ўрмонга яқинлашгач, ит ўргатувчилар қувиб келаётган ва қувила бериб зада бўлган қуён ҳозир ўрмондан югуриб чиқишини пойлаб, оти ва қўлидаги қамчиси билан бир лаҳзада порохга айланиб, шу замон ўт олиб кетадиганга ўхшаб қолади. У кўзларини хира ҳавога тикиб олади, гўё қуённи ҳозир кўриб қолади-ю, изидан қолмай орқасидан от қўяди, бўрон бутун саҳродаги қорни кўтариб унинг олдини тўсса-да, оғзига, мўйловларига, кўзларига, қошларига ва савсар телпагига оппоқ қор учқунлари уриб турса-да, у қуённинг изидан қолмайди.

— Ўлик жонлар... — деди ҳар жиҳатдан дилбархон.

— Хўш, нима? — деб сўради меҳмон бутун вужуди билан ҳаяжонланиб.

— Улик жонлар! . .

— Вой, худо ҳақи, гапирсангиз-чи!

— Бу шунчаки асл мақсадни хаспўшлаш учун ўйлаб чиқарилган нарса, асл мақсад шуки, у губернаторнинг қизини олиб қочмоқчи.

Бу бутунлай кутилмаган фавқулодда хулоса эди. Оддий дилбархон бу гапни эшитди-ю, ўтирган жойида тошдек қотиб қолди, рангги мурдадай оқарди, бўзарди ва ҳақиқатан ҳам юраги ўйнаб, қаттиқ ҳаяжонга келди.

— Вой, худойим! — деб қичқириб юборди у қўлини қўлига уриб, — бу гап менинг хаёлимга ҳам келмаган эди.

— Аммо мен, тўгрисини айтсам, сиз огиз очинингиз биланоқ гап нимадалигини аллақачон пайқаган эдим, — деб жавоб берди ҳар жиҳатдан дилбархон.

— Хўш, ундоқ бўлса, Анна Григорьевна, институтнинг тарбияси қаёқда қолди! Иффату маъсумалик шу бўлдими энди!

— Қанақа иффату маъсумалик! Бир кун қулоқ солиб турсам, у шунақа гапларни гапирдики, ростини айтсам, бунақа гапларни айтишга ҳатто менинг тилим бормади.

— Биласизми, Анна Григорьевна, ахлоқсизлик бора-бора шу даражага етдики, кўриб кишининг юраги торс ёрилиб кетгандай бўлади.

— Эркаклар бўлса унинг ишқида дали-девона бўлиб юришибди. Менга қолса, тўгрисини айтсам, унда ҳеч қандай яхши фазилат йўқ. . . Ута бадқилиқ, сатанг, танноз.

— Оҳ, жонгинам, Анна Григорьевна, у фақат бир ҳайкал, юзида ҳеч бир жилва, ифода деган нарса йўқ.

— Оҳ, бирам сатанг! Оҳ бирам танноз! Ё худо, шунақаям танноз бўладими! Билмадим, буни ким ўргатибдийкин унга! бунақа сернозу карашма хотини ҳали умримда кўрган эмасман.

— Жонгинам! у фақат бир ҳайкал, юзи мурдадай оппоқ.

— Вой, ундоқ деманг, Софья Ивановна, юзига ўлгудек қизил суради.

— Вой, сизга нима бўлди, Анна Григорьевна, у оппоқ бўр, бўрнинг ўзгинаси.

— Азизим, мен унинг ёнида ўтирганимда кўрганман! юзида бир эллик қизили бор эди, деворнинг шuvoғидай палахса-палахса бўлиб кўчиб тушиб турарди. Онаси ўргатган-да, онаси ўзи танноз, қизи бўлса онасидан ўтади.

— Йўқ, менга қаранг, нима деб қасам ич десангиз ҳам ичаман, ҳозирнинг ўзидаёқ болаларимдан, эримдан, бутун мол-мулкимдан айрилай агар унда лоақал қатрача, лоақал заррача, лоақал зиғирча қизил бўлса!

— Вой, нималарни гапиряпсиз ўзингиз, Софья Ивановна! — деди ҳар жиҳатдан дилбархон ва қўлини қўлига уриб қўйди.

— Вой, сиз ўзингиз нега бундақасиз, Анна Григорьевна! Мен сизга ҳайронман! — деди оддий дилбархон ва у ҳам қўлини қўлига уриб қўйди.

Икки хонимнинг деярли бир вақтда кўрган нарсаси уларга икки хил бўлиб кўрингани китобхонга зинҳор галати туюлмасин. Дарҳақиқат, дунёда шундай хусусиятга эга бўлган нарсалар кўп; агар бу нарсаларга бир хоним қараса, улар оппоқ бўлиб кўринади, иккинчи бир хоним қараса улар итузумга ўхшаб қип-қизил бўлиб кўринади.

— Мана, унинг ранги бўздек эканини исбот қилиш учун яна бир далил кўрсатаман, — деди сўзида давом этиб оддий дилбархон: — ҳозир ҳам шундайгина эсимда турибди; мен Манилованинг ёнида ўтирганимда унга: «Қаранг, унинг юзида ранг йўғ-а!» деган эдим. Ростини айтсам, бизнинг эркакларимиздек бефаҳм нарса бўлмаса керак, ўшанга шайдо бўлиб ўтиришибди-я! Бизнинг гўзалимиз бўлса... вой, у менга бирам жирканч бўлиб кўриндики! Айтсам, сиз ҳеч тасаввур қилолмайсиз, Анна Григорьевна, у менга ниҳоят даражада жирканч бўлиб кўринди.

— Лекин унга хуштор бўлиб қолган баъзи хонимлар ҳам бўлди.

— Менми, Анна Григорьевна? Лекин менинг тўғримда асло бундай деёлмайсиз, асло, асло!

— Мен сиз тўғрингизда гапиряётганим йўқ-ку, гўё сиздан бўлак одам йўқдек!

— Асло, асло Анна Григорьевна! Рухсат этинг, сизга шуни айтиб қўяйки, мен ўзимни жуда яхши биламан; аммо ўзини манман деб кўрсатадиган баъзи хонимлар шундай қилган бўлса қилгандир.

— Кечирасиз, Софья Ивановна! Рухсат этинг, мен сизга шуни бир айтиб қўяй: шу маҳалгача мендан ҳали бунақа машмаша чиққан эмас. Бошқадан чиққан бўлса чиққандир-у, аммо мендан чиққан эмас, рухсат этинг, мен шуни сизга бир айтиб қўяй.

— Хўш, сиз нега хафа бўлдингиз? У ерда бошқа хонимлар ҳам бор эди-ку, ҳатто унга яқинроқ ўтирай деб эшик олдидаги стулни ҳаммадан олдин эгаллаб олганлар ҳам бор эди.

Оддий дилбархоннинг бу сўзларидан кейин муқаррар суратда тўполон кўтарилиши керак эди-ю, лекин жуда таажжубки, ҳар иккала хоним бирдан жим бўлиб қолди ва ҳеч бир ҳодиса содир бўлмади.

Ҳар жиҳатдан дилбархон янги чиққан кўйлак модасининг андаси ҳали қўлида эмаслигини эслади, оддий дилбархон эса қалин дугонаси айтган янги гапларнинг маъзини ҳали чақиб олмаганини пайқади, шунинг учун ҳам икки орада тез сулҳ бўла қолди. Зотан, бу икки хонимнинг табиатида бир-бирига ёмонлик қилиш нияти бор эди деб бўлмайди, умуман уларнинг характерида ҳеч қандай ёмонлик йўқ эди, фақат шунчаки сўз орасида беихтиёр, бир-бирини санчиб олиш истаги ўз-ўзидан пайдо бўлган эди, шунчаки озгина завқ олмоқ учун пайт келганда бир-бирига: мана сенга! ол керак бўлса, мазасини тотиб кўр! деган маънода пичинг сўзлар отиб олишарди. Эркак зотининг ҳам, хотин зотининг ҳам юрагида шунақа ҳар хил дард бўлади.

— Мен фақат бир нарсага тушунмайман, — деди оддий дилбархон, — Чичиков келгинди бир киши бўла туриб, нучук бундай ишга жасорат қила олади! Йўқ, бу ишда унинг шериклари бўлмасдан мумкин эмас.

— Ҳали сиз йўқ деб ўйловдингизми?

— Сизнингча, унга ким ёрдам бериши мумкин?

— Ноздрев-чи.

— Наҳотки Ноздрев?

— Хўш нима бўпти? Унинг қўлидан фақат шунақа ишлар келади-да. Биласизми, у ўз отасини сотмоқчи, ёки, тўғрироғи, қартага тикмоқчи бўлган.

— Вой, худойим, сиздан не-не ғалати янгиликларни эшитяпман! Ноздрев бу ишга аралашган деб ҳеч ўйламаган эдим.

— Аммо мен ҳаминиша ўйлар эдим.

— Бундай ўйлаб қарасанг, ҳақиқатан дунёда не-не ҳодисалар бўлмас экан! Бўлмаса ким ўйловди шундай бўлишини: эсингиздами, Чичиков шахримизга янги келганида, у киборлар орасида шундай ғалати нағма кўрсатади деб кимнинг хаёлига келган эди? Оҳ, Анна Григорьевна, юрагим ўйнаб, қандай ҳаяжонга тушганимни билсангиз эди!

Сиз агар меҳрибонлик ва дўстлик қилмаганингизда борми... нақ ҳалокат ёқасига бориб қолган эдим... Ишонмайсизми? Менинг Машкам рангим мурдадай оқариб кетганини кўриб менга: «Жоним бекам, рангингиз мурдадай оппоқ оқариб кетибди», дейди. Мен унга: «Машка, ҳозир менинг дардимни суриштирма!» дейман. Демак, аҳвол шунақа денг! Ҳали Ноздрев ҳам бу ишга аралашган денг — ана холос!

Оддий дилбархон қизни олиб қочиш тафсилотларини, яъни қайси соатда ва ҳоказоларни аниқроқ билмоқчи бўлиб оғиз очган эди, лекин армони ичида қолди. Ҳар жиҳатдан дилбархон очиқдан-очиқ, бошқасини билмайман, деб қўя қолди. У ёлғон гапира олмас эди: бирон нимани гумон қилиб айтиш — бошқа масала; аммо бу гумон ҳам ички ишончга асосланган бўлмоғи лозим; агар ички ишонч сезилса борми, у вақтда ҳар жиҳатдан дилбархон ўзини ҳимоя қила оларди; у вақтда бошқаларнинг фикрини пучга чиқариб ташлашда истеъдоди зўр бўлган ва бу ишда шуҳрат қозонган ҳар қандай моҳир адвокат ҳам унга бас келолмасди, агар бас келаман деса, ички ишончнинг кучини кўрарди-ю, пилдирпис бўлиб қоларди.

Ниҳоят, бу икки хоним илгари қилган гумонлари шунчаки гумон бўлганига қатъий ишондилар — бунга ҳеч бир таажжубланадиган нарса йўқ. Ўзимизни ақлли деб юрадиган биз эркаклар ҳам деярли худди шундай ҳаракат қиламиз, бунга эса бизнинг олимона муҳокамаларимиз далилдир. Олим киши даставвал бу муҳокамаларга ниҳоятда аблаҳлик билан ёндошади, қўрқа-писа, юмшоқлик билан гап бошлайди, аввал гапни ювошгина бўлиб, жуда беозор сўроқдан бошлайди: бу ана уердан эмасмикин? фалон мамлакат ўз номини у масаладан олмаганмикин? дейди, ёки: бу ҳужжат энг сўнгги даврга оид эмасмикин? ёинки: бу халқ деганда фалон халқни тушуниш керак бўлмасмикин? У дарҳол қадимги ёзувчилардан цитаталар келтиради, бирон ишорани ёки унга ишора бўлиб кўринган нарсани сезиш биланоқ дарров йўрғалаб кетади ва талтаяди, қадимги ёзувчилар билан, уларни назар-писанд қилмай сўзлашади, уларга саволлар бериб, уларнинг ўрнига ҳатто ўзи жавоб беради, қўрқа-писа фараз билан иш бошлаганини тамоман унутиб қўяди. Унга бу масалани ўзи ҳал қилиб қўйгандай ва бу масала унга равшан бўлгандай туюлади ва муҳокамасини бундай сўзлар билан хулосалайди: «демак, бу ундоқ, бўлган, демак, фалон халқ деб тушунмоқ керак, демак, масалага мана бу нуқтаи назардан ёндош-



моқ керак!» Шундан кейин кафедрадан туриб буларни ҳаммага эшитдириб эълон қилади ва янги кашф қилинган бу ҳақиқат ўзига мухлислар ва муҳиблар тўплаб бутун дунёга ёйила бошлайди.

Икки хоним ғоятда мушкул бўлган ана шундай масалани жуда муваффақият билан ва жуда оқилона ҳал қилиб бўлган пайтда, башараси ҳамisha бирдай без бўлиб турадиган бароқ қош прокурор бир кўзини пирпиратиб меҳмонхонага кириб келди. Икки хоним бир-бирининг сўзини бўлиб, бутун воқияни унга айтиб бера бошлади: Чичиков ўлик жонлар сотиб олганини, губернаторнинг қизини олиб қочмоқчи эканини апил-тапил сўзлаб, унинг бошини шу қадар қотириб қўйдиларки, у ҳарчанд қимир этмай бир жойда турса ҳам, чап кўзини пирпиратса ҳам, соқолига тўкилган бурнакини дастрўмолчаси билан уриб туширмоқчи бўлса ҳам, барибир, мутлақо ҳеч нимани тушунолмади. Икки хоним уни шу аҳволда қолдириб, шаҳарга ғовға солмоқ учун ҳар қайсиси ўз томонига кетди. Бу иш ярим соатдан сал

ошиқ вақт ичида муваффақият билан бажарилди. Шаҳарда ҳақиқатан говға кўтарилди, ҳамма галаёнга келди; аммо ҳеч ким ҳеч нима тушунмас эди. Хонимлар жамоатнинг кўзини шундай туманлаштириб қўйдиларки, ҳамма, айниқса чиновниклар бирмунча вақт ҳангу манг бўлиб қолдилар. Уларнинг бу аҳволи худди эртароқ турган ўртоқлари келиб бурнига тамаки тўлдирилган қоғоз тикқан серуйқу мактаб боласининг аҳволига ўхшар эди. Бу мактаб боласи уйқу аралаш бутун тамакини бурнига қаттиқ тортади: да, уйғониб, ўрнидан сакраб туради, овсардай кўзларини жавдиратиб ҳар томонга қарайди, қасрда турганлигини ва нима ҳодиса кечираётганлигини тушунолмайди, сўнгра бир оздан кейин, деворга қия тушган қуёш шуъласини кўради, бурчак-бурчакда бекиниб турган ўртоқларининг кулгисини эшитади, деразадан тушган тонг ёруғини кўради, тонг билан бирга ўрмон ҳам уйғонганини ва ўрмонда мингларча қушлар чулдурашиб сайраётганини, қуёш нурида ялтираб кўринган сойнинг унда-бунда, ишгичка қамишлар орасида кўздан гойиб бўлиб шилдираб оқаётганини, сой бўйида яланғоч болалар гулғон ўйнаб, ўртоқларини ҳам чўмилишга чақираётганини эшитади ва, ниҳоят, шундан кейингина бурнига тамаки кирганини пайқайди. Дастлабки пайтда шаҳар аҳолисининг ва чиновникларнинг аҳволи ҳам худди шундай бўлди. Ҳамма худди қўй сингари кўзларини бақрайтириб тўхтаб қолган эди. Ўлик жонлар, губернаторнинг қизи ва Чичиков уларнинг калласида ғоят ғалати бир-тарзда аралашиб айқаш-уйқаш бўлиб кетди; сўнгра, бир оз гангиб тургандан кейин, тўё уларнинг фарқига бориб, бир-бирдан ажрата бошлагандай бўлдилар; қарасаларки, масала асло равшан бўлиб кўринай демайди, шундан кейин очиқроқ гапиришни талаб қилиб, жаҳллари чиқа бошлади. Дарҳақиқат, бу қандай мушкулот? Бу ўлик жонлар қанақа муаммо ўзи? Ўлик жонлар деган гапда ҳеч қандай мантиқ йўқ-ку! Қанақа қилиб уларни сотиб олиб бўлади? Уларни сотиб оладиган аҳмоқ қаердан топилади? Ва қайси ўтмай қолган пулига уларни сотиб олади? Хўш, бу ўлик жонларни нимасига яратади; қанақа ишга солади? Хўш, губернаторнинг қизи нега бунга аралашиб қолибди? Агар у ўлик жонларни сотиб оладиган бўлса, губернаторнинг қизини олиб қочиш унга нимага керак бўлибди? Ё шу ўлик жонларни унга тортиқ қилмоқчи бўлганмикин? Дарҳақиқат, бу қандай бемаъни гапки, бутун шаҳарга ёйнишибди? Бу қанақа қилиқ ўзи;



орқанга бурилишга улгурмасданоқ, дарров бир гапни чиқаришади, тагин кошки маъноли гап бўлса... Аммо лекин, гап бекорга тарқатилмайди, демак бунинг бир сабаби бўлиши керак. Хўш, ўлик жонларда қандай сабаб бўлиши мумкин? Ҳатто сабаби ҳам йўқ. Бундан чиқди, қуруқ аравани опқочиб юришган экан-да, ҳаммаси беҳуда бемаъни, куракда турмайдиган гаплар экан-да!.. Хулласки, ҳамма жойда дув-дув гап, ҳамма жойда ҳар хил овоза, бутун шаҳар фақат ўлик жонлардан ва губернаторнинг қизидан, Чичиковдан ва ўлик жонлардан, губернаторнинг қизидан ва Чичиковдан гапира бошлади, бутун жону жонивор ҳаракатга келди. Бу маҳалгача гўё гафлат уйқусида ётган шаҳар тўс-тўполон бўлиб кетди. Халатга ўралиб бир неча йилдан буён уйда ётган, бунинг учун айбни гоҳ этикни тор тиккан этикдўзга, гоҳ кийимини яхши тикмаган машиначига, гоҳ ароқхўрликдан бўшамайдиган пияниста кучерга тўнкаб юрган такасалтанглар ва танбаллар ҳам инларидан судралиб кўчага чиқишди. Кўпдан бери ҳамма билан борди-келдини ва ошначиликни узиб, таъбирга кўра, фақат помешчик Ёнбошвой ва помешчик Ётиболдивой билан ошна тутунган кишилар ҳам кўчага отилди (Ёнбошвой ва Ётиболдивой деган машҳур исмлар бизнинг Рус элимизда жуда кенг ёйилган «ён бошламоқ» ва «ётиб олмоқ» феълларидан ясалган; Пишиллоқвой ва Хурраквойникига бориш, деган ибора ҳам шу тариқа пайдо бўлган, бунинг маъноси — ёнбошлаб, чалқанча тушиб, мукка тушиб ва бошқа ҳолатда ўликдай қотиб ухлаб, хуррак отиш, пишиллаш, бурундан ва бошқа жойлардан ҳуштак чалиш демақдир); ҳатто беш юз сўмлик балиқ шўрва, икки газлик стерлядь балиғи ва оғизда



эриб кетадиган ҳар хил сомсалар ейишга чақирганда келмайдиган кишилар ҳам кўчада кўриниб қолди. Хуллас, бу шаҳар тўсатдан серқатнов, гавжум, бинойидек катта шаҳар экани маълум бўлди. Ҳеч вақт ҳеч ким эшитмаган ва кўрмаган Сисой Пафнутьевич ва Макдональд Карлович деган шахслар ҳам пайдо бўлди; меҳмонхоналарда қўли ўқ тегиб тешилган, новча бир киши кўзга ташланиб қолди, ҳолбуки бунақа новча кишини ҳозиргача ҳеч ким кўрмаган эди. Кўчаларда соявон аравалар, мисли кўрилмаган пилдироқ аравалар, шалдироқ аравалар тўлиб кетди — қиёмат олатасир бўлди. Бошқа вақтда ва бошқа вазиятда бундай миш-миш гаплар, эҳтимол, ҳеч кимнинг диққатини тортмаган бўлар эди; лекин N. шаҳри кўпдан бери ҳеч қандай янги хабар эшитмаган эди. Ҳатто мана уч ойдирки, пойтахт шаҳарларида ғийбат деб аталадиган нарса бу ерга ораламай қўйди, ҳолбуки шаҳар учун ғийбат ўз вақтида келтирилган озиқ-овқатдай нарса эканлиги ҳаммага маълум. Шаҳар миш-мишлари орасида бирдан қарама-қарши икки фикр пайдо бўлди ва бунинг натижасида бирдан қарама-қарши икки партия: эркаклар партияси билан хотинлар партияси ташкил топди. Энг бефаросат партия бўлган эркаклар партияси ўзининг диққат-эътиборини ўлик жонларга қаратди. Хотинлар партияси эса фақат губернаторнинг қизини олиб қочиш масаласи билан шуғулланди. Хонимларга қойил қолиб шуни айтмоқ керакки, уларнинг партиясида беқиёс даражада тартиб-интизом ва тадбиркорлик бор эди. Яхши уй бекаси бўлиш ва эпчиллик билан иш битириш ҳунари уларга қойил мақом бўлиб тушганлиги яққол кўриниб

турган эди. Уларда ҳамма нарса тездан жо-бажо бўлиб муайян жонли тусга кирди, равшан ва яққол шакл олди, силлиқланди, сайқал берилди; қисқаси, мукамал бир манзара жилваланиб намоён бўлди. Яъни Чичиков губернаторнинг қизини кўпдан бери севиб юрган экан, улар ойдин кечада боғда учрашиб юришар экан, ҳатто губернатор қизини унга бермоқчи ҳам бўлган экан, чунки Чичиков жуҳуддек бой экан, лекин Чичиковнинг илгари ҳайдаб юборган хотини бунга моне бўлган экан (улар Чичиковнинг хотини борлигини қаердан билишибди экан, бу ҳеч кимга маълум эмас эди-ку), умидсиз севги ҳижрониде жигарпора бўлган ўша хотин губернаторга жуда таъсирли бир хат ёзган экан, шундан кейин Чичиков қизнинг ота-онаси унга асло бермаслигини билиб, қизни олиб қочишга аҳд қилган экан. Баъзи уйлардаги гап бирмунча бошқачароқ эди: бу гапга қараганда, Чичиковнинг умуман ҳеч қандай хотини бўлмаган, лекин у жуда қув ва ва қиламан деган ишини қилмасдан қўймайдиган зукко одам бўлганидан, қизга уйланмоқ учун аввал онасидан иш бошлаш тадбирини кўрган ва қизнинг онаси билан хуфия ошиқона алоқа қилиб юрган, шундан кейин унга қизига уйланиш нияти борлигини баён қилган; лекин қизнинг онаси динга хилоф гуноҳ қилишдан қўрқиб ва қалбида виждон азобини сезиб, Чичиковнинг таклифини қатъий суратда рад қилган, фақат шундан кейингина Чичиков қизни олиб қочишга аҳд қилган. Бу миш-миш гаплар энг чекка тор кўчаларга бориб етгунча, уларга кўп изоҳотлар ва тузатишлар киритилди. Русияда қуйи табақалар юқори табақаларда бўладиган ғийбатлардан сўзлашни жуда яхши кўрадилар, шунинг учун кўз илғамас энг кичик уйларда ҳам бу воқиа катта гуруннга айланиб кетди, ундаги кишилар Чичиковни ҳатто кўрмаган ва танимаган бўлсалар-да, унинг ҳақидаги миш-мишларга янги қўшимчалар ва яна кўп изоҳотлар киритдилар. Воқиянинг сюжети минут сайин кенгайиб яна қизиқарлироқ тусга кирар ва кун сайин яна мукамалроқ шакл олиб борарди; сўнгра бора-бора ахири қандай бўлса шундай ҳолича, оқизмай-томизмай губернатор хотинининг қулоғига етказилди. Губернаторнинг хотини бир томондан оиланинг онаси бўлса, бир томондан шаҳарда биринчи ўринда турган хоним бўлганидан бундай нарсаларни мутлақо хаёлига келтирмаган эди, шунинг учун бу воқиа унга катта ҳақорат бўлиб туюлди, у ниҳоятда ғазабланди, бундай ғазабланишга ҳар жиҳатдан

ҳақи бор эди, бояқиш сариқ соч қиз энг ёмон tete-à-tete<sup>1</sup>га дучор бўлди ва шундай азобга қолдики, ўн олти ёшли қизнинг бошига бундай азоб тушиши жуда камдан-кам бўлади. Савол-сўроқлар, таъна-маломатлар, танбеҳлар, дўқ-пўписалар, панд-насихатлар селдай ёғилди ва бу сўзлардан ҳеч нима тушунмаган қиз кўзларидан ёш оқизиб хўнграб йиғлади.



Дарвозабонга, Чичиков ҳеч маҳал ва ҳеч қандай важ билан қабул қилинмасин, деб буйруқ берилди.

Хонимлар губернаторнинг хотини тўғрисидаги ишларини бажариб бўлганларидан кейин эркаклар партиясига ҳужум бошлаб, уларни ўз томонларига оғдириб олмоқчи бўлдилар. Уларга: ўлик жонлар уйдирма гап, бу гап одамларнинг фикрини бошқа ёққа чалғитиб, қизни қулайгина олиб қочиш учун ўйлаб чиқарилган, дедилар. Ҳатто эркаклардан кўпи айниб уларнинг партиясига қўшилди; бунинг учун улар ўз ўртоқларидан: хотинчалиш, номард деган таъна ва сўкишларни ҳам эшитди, бундай от қўйиш, маълумки, эркак зоти учун қаттиқ ҳақоратдир.

Эркаклар нақадар қуроолансалар ва нақадар қаршилиқ кўрсатсалар ҳам уларнинг партиясида хотинлар партиясидагидек тартиб-интизом мутлақо йўқ эди. Уларда ҳамма нарса дағал-беўхшов, носоз, ярамас, пала-партиш ва ёмон эди; бошлари ғовур-ғувур билан ғовлаб кетган, фикрлари паришон ва норавон эди, — қисқаси, эркакларнинг қўпол, оғир, уй ишларига ҳам, кўнгил очиш ишларига ҳам ноқобил, бадгумон, танбал, мудом шубҳа ва хавотир ичида бўлган табиати ҳамма нарсада ўзини шундайгина кўрсатиб турган эди. Улар айтдиларки, булар ҳаммаси бўлмағур гап, губернаторнинг қизини олиб қо-

<sup>1</sup> Tete-à-tete — (французча) — юзма-юз сўзлашиш.

чиш граждaн кишидан кўра кўпроқ гусарнинг иши, Чичиков бунақа ишни қилмайди, хотинлар ёлғон гапиради, хотин киши — бамисоли қоп, ичига тушган нарсани кўтариб юраверади; диққат қилиниши лозим бўлган энг асосий масала ўлик жонлардир, аммо бу ўлик жонлар дегани нима ўзи, ҳар ҳолда унинг замирида жуда хунук, жуда ёмон бир нарса бор. Эркакларга нима учун ўлик жонларнинг замирида хунук ва ёмон нарса бор бўлиб кўринганининг сабабини биз ҳозир биламиз: губернага янги генерал-губернатор тайинланган эди; маълумки, бундай воқиа чиновникларни жуда ташвишга солади, чунки текшириш, ковлаштириш, дўқ уриш, таъзир бериш ва мансабга доир ҳар хил машмашалар бошланиб кетадики, бошлиқ одатда ўз қўли остидаги кишиларни шундай нарсалар билан сийлаб туради. «Хўш,— деб ўйлар эди чиновниклар,— агар у шаҳарда шундай аҳмоқона мишмишлар борлигини эшитиб қолса борми, ёлғиз шунинг учун ўлгудек ғазаби қайнаб кетиши мумкин». Даволаш маҳкамаси инспекторининг ранги бирдан оқариб кетди; унинг хаёлига аллақандай ваҳимали нарсалар келди: «ўлик жонлар» балки касалхоналарда ва бошқа жойларда касалликдан ёппасига ўлиб кетган ва ўз вақтида тегишли чора кўрилмаган касаллару, Чичиков махфий текшириш ўтказиш учун генерал-губернатор маҳкамасидан яширинча юборилган чиновник бўлмасин тағин? Бу хавотирни у раисга сўзлаб берди. Раис, бу бўлмағур гап деди-ю, аммо кейин ўзи ҳам бирдан оқариб кетди ва ўз-ўзига бундай савол берди: эҳтимол, Чичиков сотиб олган деҳқонлар ҳақиқатан ўлик жонлардир? Мен уларни васийқа қилиб берган эдим ва ҳатто ўзим Плюшкин номидан вакил бўлган эдим, бу гап бирдан генерал-губернаторнинг қулоғига етиб қолса, унда нима бўлади? Бу тўғрида у бошқа ҳеч нима ўйлаёлмади, буни бир-икки кишига айтиб кўрган эди, улар ҳам бирдан оқариб кетишди; қўрқув ўлат касалидан ҳам юқумлироқ бўлади ва кишига дарров юқади. Бирдан ҳамма ўзида йўқ гуноҳларни ҳам қидириб топа бошлади. Хуллас, «ўлик жонлар» деган сўз шундай мужмал бир нарса бўлиб қолдики, бундан ҳатто бошқа гумонлар ҳам қилинди; бунда яқинда бўлиб ўтган икки ҳодиса натижасида ўлган ва наридан-бери кўмиб юборилган одамлар кўзда тутилмасмикин, деган гаплар ҳам бўлди. Бу ҳодисалардан бири шаҳарга ярмаркага келган сольвичегодлик савдогарлар воқияси эди, бу савдогарлар савдо-сотик ишларини тамом қилгандан кейин ўз ош-

налари бўлмиш устисоллик савдогарларга кичкина бир зиёфат бердилар, бу зиёфат русча тахлитдаю, немисча ҳашамда эди: унда аршад, пунш, бальзам ва бошқа ичимликлар ҳам бор эди. Зиёфат одатдагича муштлашиш билан томом бўлди. Сольвичегодликлар устисолликларни уриб ўлдиришди, лекин ўзлари ҳам биқинларига, белларига ва қоринларига роса мушт ейишди, бу эса ўлган савдогарларнинг муштлири ҳаддан ташқари зўр бўлганлигини кўрсатарди. Ҳатто голиблардан бирининг юзида, жангчилар таъбири билан айтганда, қўшбулоқ ҳосил бўлди, яъни юзи теп-текисланиб, ярим чинчалоқдай ҳам бурун қолмаган эди. Савдогарлар ўз қилмишларини бўйинларига олиб,



шунчаки бир оз шўхлик қилдик, деб важ кўрсатдилар; мишмишларга қараганда, гўё улардан ҳар бири гуноҳкорларча бўйин эгиб, тўрттадан юзталиқ ташлаб қутулиб кетган эмиш; ҳар ҳолда бу иш жуда қоронғи; тафтиш ва терговлардан маълум бўлишича, устисолликлар ис тегиб ўлибди, шунинг учун уларни ис тегиб ўлди, деб кўмишибди. Яқинда бўлиб ўтган иккинчи ҳодиса бундай эди: Битлиқи-такаббур қишлоғининг пошшолик деҳқонлари Ахтачўчқа ва Жикқамушхона қишлоғининг пошшолик деҳқонлари билан биргалашиб, суд маслаҳатчиси бўлиб хизмат қиладиган Дробяжкин деган уезд полициясини гўё ер юзидан қуритган эмишлар; гўё уезд полицияси, яъни маслаҳатчи Дробяжкин уларнинг қишлоғига тез-тез келишга одатланиб қолган экан, унинг келиши қишлоқ аҳолисига ёппасига иситма касали теккандек таъсир қиларкан, бунинг сабаби шу эканки, уезд полициясининг унча-мунча жигарсўхталик касали бор экан, шунинг учун қишлоқ аёллари ва қизлари билан дон олишиб юрар


экан. Буписи номаълум, лекин деҳқонларнинг берган сўроқларида очиқ айтилишича, уезд полицияси мушукдек зиногар экан, уни бир неча марта боплаб тутиб олган эканлар ва ҳатто бир марта бир уйдан қип-ялангоч қувиб чиқарган эканлар. Албатта, уезд полицияси жигарсўхталик касали учун жазога сазовор бўлиши керак; аммо Битлиқи-такаббур ва Жиққамушхона мужикларини ҳам, агар улар ҳақиқатан одам ўлдиришда иштирок қилган бўлсалар, бундай ўзбошимчаликларини оқлаш мумкин эмас. Лекин бу масала қоронғи эди; уезд полициясининг жасади йўл устидан топилди, унинг эғнидаги мундири ёки сюртуғи латтадан бадтар жулдур бўлиб кетган, уни афт-ангоридан ҳам таниб бўлмасди; иш суд маҳкамаларида юриб-юриб охири палатага келиб тушди, палатада эса даставвал хилватда ўтириб бундай фикр юритилди: деҳқонлардан қайси бири бу ишда иштирок этганлиги номаълум, улар кўпчилик, Дробяжкин бўлса ўлган, демак, у ҳатто бу ишдан ютиб чиққан тақдирда ҳам унча кўп фойда кўрмасди, мужиклар эса ҳали тирик, демак ишнинг мужиклар фойдасига ҳал қилиниши улар учун жуда муҳим; шу сабабли бу масала маслаҳатчи Дробяжкин Битлиқи-такаббур ва Жиққамушхона мужик-



ларига ноҳақ жабр-зулм қилгани учун ўзи айбдордир, аммо унинг ўлими ченада қайтиб келаётганда, йўлда миясига қон қуйилиш натижасида содир бўлган, деган натижа билан ҳал қилинди. Масала шу тариқа жуда силлиққина ҳал этилган эди-я, энди тагин негадир бу чиновниклар ўзларича гумонсирашиб, гап ҳозир ана шу ўлик жонлар устида борса керак, деб ўйлаб қолишди. Шу орада, жаноб чиновниклар мушкул аҳволда қолиб турган бир чоқда, худди жўрттага қилгандай, губернаторга бирдан иккита қоғоз келди. Қоғозларнинг бирида, бизга етган хабарларга ва олган маълумотимизга қараганда, сизнинг губерниянгизда қалбаки қоғоз пул ясовчи киши бор экач, ул киши турли номлар билан бекиниб юрар экан, бинобарин шул одамни топмок учун дарҳол жуда қаттиқ қидирув ўтказмоғингиз лозим, деб ёзилган эди. Иккинчи қоғоз қўшни губерния губернаторидан бўлиб, унда қонуний жазодан қочиб кетган бир қароқчи тўғрисида ёзилган ва мабодо сизнинг губерниянгизда ҳеч қандай шоҳодатномаси ва паспорти бўлмаган бирон шубҳали киши кўришиб қолса уни дарҳол тутгайсиз, дейилган эди. Бу икки қоғоз ҳаммани гангитиб қўйди. Аввалги хулосалар ва гумонлар бутунлай пучга чиқди. Албатта, бу гапларнинг Чичиковга бирон тааллуқли жойи бор, деб фараз қилиш асло мумкин эмас эди, бироқ ҳар ким ўзича ўйлаб кўрди-ю, бирдан ҳамманинг ёдига тушди: Чичиковнинг ҳақиқатан кимлигини биз ҳали билмаймиз, унинг ўзи ҳам ўз шахси тўғрисида мужмалроқ қилиб гапирган эди, тўғри, бир марта ҳақиқатни айтганим учун хизматдан куйганман деган эди, аммо лекин булар ҳаммаси мужмал гаплар. Шу пайт уларнинг эсига Чичиковнинг, душманларим кўп эди, улар ҳатто менинг жонимга қасд қилган эди, деган гапи тушди ва бу гап уларни яна кўпроқ ўйга толдирди: демак унинг жони хавф остида бўлган, демак уни таъқиб қилганлар, демак у бирон нима қилгандирки. . . хўш, унинг ўзи ҳақиқатда ким? Албатта уни қалбаки пул ясаган деб бўлмайди, хусусан уни қароқчи дейиш асло мумкин эмас: шакл-шамойилдан тўғри одамга ўхшайди; хўп майли, шундай бўла қолсин, лекин ўзи ким, ҳақиқатда қанақа одам? Шундай қилиб, жаноб чиновниклар бу саволни ўзларига энди бердилар, холбуки бу саволни улар аввал бошда, яъни поэмамизнинг биринчи бобида беришлари керак эди. Ниҳоят, ўлик жонлар сотиб олинган кишилардан яна баъзи нарсаларни сўраб билиш қарорига келинди; лоақал бу харид-

нинг нималигини, бу ўлик жонлар замирида нима гап борлигини билиб олиш зарур бўлиб қолди; балки Чичиков ўзининг асл муддаоси нималигини бирон кишига билмасдан, бехосдан айтиб қўйгандир, лоақал сал учини чиқариб қўйгандир, балки ўзининг кимлигини бирон кишига айтгандир. Даставвал Қоробочкага мурожаат қилдилар, лекин ундан кўп гап чиқмади, у айтдики, Чичиков мендан ўн беш сўмлик нарса сотиб олди, қуш пати ҳам сотиб олмоқчи бўлди, яна кўп нарса сотиб олишга ваъда бериб кетди, пошшоликка топшириш учун чўчқа мойи ҳам оламан деди, эҳтимол у товламачидир, чунки ана у сафар ҳам битта шунақаси келиб, қуш пати, пошшоликка чўчқа мойи сотиб оламан деган эди, охири ҳаммани алдаб ва протопоп хотинини юз сўмдан кўпга тушириб қочиб кетди. Сўнгра Қоробочка ҳадеб ўша бир гапни қайтараверди, буни кўрган чиновниклар уни ғирт аҳмоқ кампир экан деб ўйладилар. Маниловдан сўраганларида, у, мен Павел Ивановичга худди ўзимга ишонгандек ишонаман, Павел Ивановичдаги фазилатлардан лоақал юздан бирига эга бўлмоқ учун бутун мол-мулкимни берар эдим, деди ва умуман мақтовини келтириб уни жуда таърифлаб кетди, сўнгра кўзларини сузиб, дўстлик тўғрисида бир неча фикрни ҳам қўшиб қўйди. Бу фикрлар, албатта, унинг қалбидаги нозик туйғуларни қаноатланурли даражада изоҳлаб берди-ю, лекин ҳақиқий масалани чиновникларга изоҳлаб беролмади. Собакевичдан сўраганларида у, менинг фикримча Чичиков яхши одам, мен унга деҳқонлардан истаганини сотдим, улар ҳаммаси тирик одамлар, лекин бундан кейин уларнинг нима бўлишига кафил бўлолмайман, агар улар кўчириб олиб кетилганда йўл азобидан ўлсалар, бунга мен айбдор эмасман, бу худонинг иши; дунёда нима кўп — қора безгак, иситма ва бошқа ажал келтирадиган касалликлар кўп, бутун бошли қишлоқлар қирилиб кетадиган мисоллар ҳам бўлади, деб жавоб берди. Жаноб чиновниклар яна бир чорани ишга солдилар, гарчи бу чора жуда пасткашлик бўлса ҳам, баъзан ундан фойдаланадилар, яъни улар орқаворотдан, малайларнинг ҳар хил ошна-оғайниларидан фойдаланиб, Чичиковнинг хизматкорларидан гап олмоқчи бўлдилар: балки улар ўз хўжайинларининг илгариги туриш-турмуши ва аҳволини батафсил билишар; лекин улардан ҳам кўп гап чиқмади. Петрушкадан фақат ётган жойининг ҳидини сезиб олишди, Селифандан эса хўжайиним давлат хизматини қиларди, авваллар божхонада ишлар-

ди, деган сўзларни эшитишди, шу билан у гапни тамом қилди. Бу тоифа кишиларнинг жуда ғалати одати бўлади. Улардан бирон нимани тўғридан-тўғри сўрасангиз, ҳеч вақт эсларига келмайди, бошларига ҳеч нима кирмайди ва фақат, билмаймиз, деб жавоб бериб қўя қоладилар; аммо бошқа бирон нарсани сўраганингизда, дарҳол оғизлари кўпириб кетади, шунақа майда-чуйда тафсилотларигача гапириб кетадиларки, уларни эшитгинг ҳам келмайди. Чиновниклар урина-урина охири, биз Чичиковнинг кимлигини эҳтимол билолмасак керак, аммо нима бўлса ҳам Чичиковнинг албатта бир балоси бор, деган натижага келдилар, холос. Ниҳоят, улар бу масала тўғрисида узил-кесил гаплашиб олиш, ҳеч бўлмаса нима қилишларини ва қандай тадбир кўришларини ҳал қилиш ва Чичиковнинг кимлигини аниқлаш фикрига келдилар: балки Чичиков шундай одамдирки, уни ёмон ниятли киши деб ушлаб олиш лозим бўлар, ёки у шундай одамдирки, ёмон ниятли кишилар деб буларнинг ҳаммасини ушлаб олар. Ана шу масалалар тўғрисида сўзлашиб олмоқ учун улар шаҳарнинг отаси ва валинеъмати, яъни китобхонларга маълум бўлмиш полиция бошлиғининг уйига йиғилмоқчи бўлдилар.





### Ўнинчи боб

**Ч**иновниклар китобхонларга маълум бўлмиш шаҳарнинг отаси ва валинеъмати, яъни полиция бошлиғининг уйига тўплагач, бу ташвиш ва безовталиқдан ҳатто озиб қолганликларини бир-бирларига изҳор қилдилар. Дарҳақиқат, янги генерал-губернаторнинг тайинланиши, жуда жиддий мазмунда ёзилган икки қоғознинг олиниши ва мана бу аллақандай миш-миш гаплар — булар ҳаммаси уларнинг юзида анчагина таъсир қолдирган ва шу сабабли кўпларининг фраклари анчагина кенгайиб қолган эди. Ҳамманинг суроби тортилиб қолди: раис ҳам озиб қолди, прокурор ҳам, ҳатто ҳеч қачон фамилиясини айтиб чақирилмайдиган, кўрсаткич бармоғидаги узугини хонимларга кўрсатиб юрадиган Семён Иванович деган киши ҳам

озиб кетди. Албатта, ҳамма жойда бўлгани сингари бу ерда ҳам беш-ўнта қўрқмас ботир топилди, фақат шуларгина ўзларини йўқотиб қўймади, лекин улар жуда оз, у ҳам бўлса ёлғиз почта мудирини эди. Биргина ана шу почта мудирини ўзгармади, характери қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай эди ва ҳаммиша бундай пайтларда одатда бир гапни айтар эди: «Биз сиз генерал-губернаторларни яхши биламиз! Сизлар уч-тўртингиз келиб кетдингиз шекилли, мен бўлсам, тақсирим, мана ўттиз йилдан бери бир жойда ўтирибман». Унинг бу сўзига бошқа чиновниклар одатда бундай жавоб берар эдилар: «Сенга яхши, шпрехен зи дейч Иван Андрейч; сенинг ишинг почтачилик: экспедицияни қабул қилиш ва жўнатиш; лекин ишингни ўринлатасан, почтани бир соат илгари ёпиб қўясан-да, кечиккан савдогардан топширган хатига бемаҳал келгани учун бир нима оласан, ёки бир посылка ўрнига бошқа бир посылкани юборасан, — бунақа қилса, албатта, ҳар бир киши ҳам авлиёдек бегуноҳ бўлиб ўтираверади. Қани бирон шайтон келиб ҳар кун сенинг қўл остингда ўралашиб юрсин-чи, у вақтда нима қилар экансан, унда сен олишни истамасанг ҳам, ўзи қўлингга тикади. Сенинг албатта парвойинг палак-да, бир ўғлинг бор, холос, менинг бўлса, биродар, Прасковья Федоровнамни худо шундай сахий қилиб яратганки, йил деганда битта Праскушка ё Петрушкани юмлатиб туради; шунақа бўлгандан кейин ашуланг ҳам бошқача бўлади, биродар!» Чиновниклар шу тариқа гаплашиб ўтиришарди; аммо шайтоннинг васвасасидан ҳақиқатда қутулиб бўладими-йўқми — бу авторнинг иши эмас. Бу сафар йиғилган кенгашда зарур бир нарсанинг, яъни оддий халқ орасида маъно деб аталадиган нарсанинг йўқлиги яққол кўриниб турарди. Умуман биз мажлислар ўтказиш учун яратилмаган бўлсак керак. Қишлоқ жамоат йиғилишларидан тортиб то ҳар қандай илмий йиғилишларимизда уни бошқариб турадиган бир бошлиқ бўлмаса, ҳамма нарса бутунлай чалкашиб кетади. Бунинг сабабини ҳатто айтиш ҳам қийин; афтидан, халқ ўзи шунақа бўлиб қолган; бизда фақат айш-ишрат ва зиёфат учун бўладиган кенгашлар, чунончи: немисча тахлитдаги клубларда ва ҳар қандай воксалларда<sup>1</sup> бўладиган кенгашлар кўнгилли ўтади. Агар ҳар минутда емоқ-

---

<sup>1</sup> Воксал — темир йўллар қурилмасдан илгари жамоат кўнгил очиш жойлари шундай деб аталган.



ичмоқ бўлса, биз жону дилимиз билан ҳаммасига тайёрмиз. Биз бирдан шамол эсгани сингари бирпасда хайрия жамияти, ёрдам жамияти за яна аллақандай жамиятларни тузиб қўямиз. Кузатилган мақсад жуда чиройли бўлади-ю, аммо ундан ҳеч нима чиқмайди. Эҳтимол, бунинг сабаби шудирки, биз бирдан ишни бошлашга бошлаб қўямиз-у, шу билан қаноатланиб, ҳаммасини бажариб бўлдик деб ўтираверамиз. Масалан, камбағаллар учун бирон хайрия жа-

мияти очишга киришамиз, бунинг учун анча пул йиғамиз ва шу ондаёқ бундай мақтовга лойиқ ишни нишонламоқ учун шаҳарнинг ҳамма катта амалдорларига зиёфат берамиз, маълумки, йиғилган пулнинг ярмиси шунга кетади; қолган пулга дарҳол комитет учун иситиладиган ва қоровуллари бўлган ҳашамдор бино ижарага олинади, охирида эса камбағаллар учун ҳаммаси бўлиб беш ярим сўм пул қолади, аммо буни тақсимлашда ҳам комитет аъзолари орасида норозилик чиқади, тақсимотга ҳар ким ўз яқинини тикиштиради. Бироқ бу чақирилган кенгаш тамомила бошқача кенгаш эди; у зарурат юзасидан чақирилган эди. Бунда гап қандайдир камбағаллар ёки бегона кишилар устида эмас, бунда гап шахсан ҳар бир чиновникка тааллуқли эди. Бунда гап уларнинг ҳаммасига баб-баравар хавф солаётган фалокат устида борар эди; бинобарин бунда истаса-истамаса яқдиллик ва бирдамлик бўлиши керак эди. Лекин аллақандай қовушмовчилик келиб чиқди. Ҳамма кенгашларга хос ихтилофлар у ёқда турсин, бу кенгашга йиғилганларнинг фикрида ақлга сира сиғмайдиган қатъиятсизлик юз берди: бирови, Чичиков қалбаки пул ясайди дерди-да, яна ўзи: «балки ясамас» деб қўшиб қўярди; бошқа бирови, Чичиков генерал-губернатор маҳкамасининг чиновниги деб даъво қиларди-ю, дарҳол яна қўшимча қилиб: «аммо ким билади, пешонасига ёзиб қўйилгани йўқ-ку!» дерди. «Балки кийимини ўзгартиб юрган қароқчидир», деган фикрга ҳамма қарши чиқди; ҳамма, унинг нияти соф киши эканлиги афт-ангоридан кўриниб турибди, бунинг устига гапларида ҳам унинг

бадғараз киши эканлигини кўрсатдиган ҳеч бир аломат йўқ, деб топди. Шу пайт тўсатдан келган илҳомданми ёки бошқа нарсаданми, ишқилиб бир неча минутдан бери хаёлга чўмиб ўтирган почта мудирини бирдан қичқириб юборди:

— Жаноблар биласизми ким у?

Бу гапни айтганда унинг овози шу қадар ваҳимали бўлиб чиқдики, ҳамма бирваракайига қичқириб юборди:

— Хўш, ким?

— Жаноблар, тақсирим, у капитан Копейкиннинг ўзгинаси, бошқа ҳеч ким эмас!

Ҳамма бир овоздан дарҳол:

— Хўш, ким у капитан Копейкин? — деб сўраганида, почта мудирини жавоб бериб деди:

— Сиз ҳали капитан Копейкинни билмайсизми?

Ҳаммалари, йўқ, капитан Копейкиннинг кимлигини асло билмаймиз деб жавоб беришди.

— Капитан Копейкин, — деди почта мудирини бурнакидонини фақат ярим очиб, чунки ёнида ўтирганлардан бирортаси бармоқларини бурнакидонига тикмасин деб қўрққан эди; у одамларнинг бармоқлари тозалигига кўлда ишонавермас ва одатда: «Биламиз, биродар: ким билсин бармоқларингизни қаерларга урасиз, бурнаки эса тозаликни талаб қиладиган нарса» деб қўяр эди. — Капитан Копейкин, — деди почта мудирини, бурнакисини тортиб бўлгач: — буни ҳикоя қилиб берсам, бирон ёзувчи учун бир нав жуда ажойиб поэма келиб чиқади.

Ўтирганлар ҳаммаси бу воқияни ёки, почта мудирини айтганидек, ёзувчи учун бир нав жуда ажойиб поэма келиб чиқадиган қиссани эшитишни истади ва почта мудирини бундай деб гап бошлади:





### КАПИТАН КОПЕЙКИН ҚИССАСИ

«Ұн иккинчи йилги урушдан кейин, тақсирим,— деб бошлади гапини почта мудир, ҳолбуки хонада бир тақсир эмас, бутун бошли ол-тита тақсир ўтирган эди,— ўн иккинчи йилги урушдан кейин ка-пitan Копейкин ҳам ярадорларга қўшиб юборилган эди. Красний<sup>1</sup> ёни-дами ёки Лейпциг<sup>2</sup> ёнидами, ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, унинг бир қўли билан бир оёғини ўқ узиб кетган эди. У вақтда ҳали ярадорлар ҳақида, биласизки, ҳеч қандай бунақа фармойишлар берилмаган эди: инвалидлар капитали деган нарса, ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, бир нав хийли кейин жорий қилинди. Капитан Копейкин бундоқ қараса, ишламоқ керак, аммо, ўзингиз биласизки, унинг фақат чап қўли бор. Уйига, отасининг олдига борибди; отаси: «Мен сени боқолмайман,— дебди, ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а,— мен ўзим зўрға нонимни топиб

<sup>1</sup> Красний — Смоленск областидаги бир шаҳар бўлиб, унда 1812 йил 3—6 ноябрда рус армияси Наполеон армиясини қаттиқ мағлубиятга учратган.

<sup>2</sup> Лейпциг — Германиядаги бир шаҳар бўлиб, 1813 йилда шу шаҳар ёнида иттифоқчилар армияси билан Наполеон армияси ўртасида уч кун жанг бўлган.

«орибман» дебди. Шундан кейин, тақсирим, мен айтган капитан Копейкин Петербургга бормоқчи бўпти, подшоҳга арз қилиб, шоҳона марҳамат сўрамоқчи бўпти: «ана ундоқ бўлди, мана бундоқ бўлди, фалон бўлди, казо бўлди, бир нав, мен сизга айтсам, жонимни фидо қилдим, қон тўқдим. . .» демоқчи бўпти. Хўш, шундай қилиб, биласизми, йўловчи аравагами ёки пошшолик араваларигами тушиб, хуллас, тақсирим, бир амаллаб Петербургга етиб олибди. Хўш, бир ўйлаб кўринг-а, ҳалиги, ана шундай бир киши, яъни капитан Копейкин бирдан пойтахтга бориб қолибди, ўзиям, ҳалиги, бу пойтахтнинг, мен сизга айтсам, дунёда тенги йўқ! Бирдан унинг олдида, мен сизга айтсам, чунончи, бир олам, бир нав ҳаёт соҳаси, афсонавий Шаҳризода<sup>1</sup> турибди! Бирдан қандайдир, ҳалиги, бундоқ ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, Невский проспекти ёки, биласизми, ана у ерда қандайдир бир Гороховая кўчаси, бай, бай! Ёки ана шу ерда қандайдир бир Литейная кўчаси; ана у ерда қандайдир бир гумбазнинг найзаси осмону фалакка чўзилиб кетибди; у ердаги кўприклар алланечук ҳавода осилиб, яъни, ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, ҳеч нимага тегмасдан турибди, хуллас, борингки, тақсирим, Семирамиданинг<sup>2</sup> ноқ ўзгинаси! У ёқ-бу ёққа учраб, бир квартирани ижара олмоқчи бўлибди, қараса, ҳамма нарса чақаман деб турганмиш: гардиналар, пардалар, яна аллақандай ғалати нарсалар, биласизми, гиламлар — гўё бутун бир Эрон! Оёғинг билан, чунончи мен сизга айтсам, яъни, шунча давлату ҳашаматни поймол қиласан киши. Хўш, шунчаки, яъни кўча бўйлаб кетаверасан, димоғингга эса, ҳалиги, минг-минг сўмларнинг ҳиди уриб туради. Аммо менинг капитан Копейкинимнинг бутун пули-давлати, биласизми, ҳалиги, мен сизга айтсам, яъни ҳаммаси бўлиб беш-ўнта кўк бештадик экан, холос. Охири, у бир амаллаб Ревель майхонасидан жой топибди, суткасига бир сўм: овқати — карам шўрва-ю, бир бурда мол-гўшти. Қараса, бу аҳволда яшаб бўлмайди. Ундан-бундан қаёққа бориб, кимга учрашиш кераклигини суриштирибди. Унга айтишибдики, бир нав, олий комиссия бор, яъни, биласизми, ҳалиги, фалон идора, бошлиғи генерал-аншеф фалончи, дейишибди. Подшоҳ эса билсангиз агар, ўша вақтда пойтахт-

<sup>1</sup> Шаҳризода — Бу ерда: ажойибатлар демоқчи («Минг бир кеча» номли араб эртақларининг қаҳрамони).

<sup>2</sup> Семирамида — Осуриянинг афсонавий маликаси; у Вавилонни ғоятда чиройли зеб-зийнатлар, муаллақ боғ-роғлар билан безаб қурдирган экан.



да йўқ экан; қўшинлар, ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, ҳали Париждан қайтмаган, ҳаммаси чет элда экан. Менинг Копейкиним тонг саҳарда туриб, чап қўли билан соқолини қиртишлабди, чунки сартарошга пул тўласа, бу ҳам бир нав, ҳисобга киради, яъни чўнтакдан пул чиқади; эски мундирини бир амаллаб кийибди-да, ёғочоёғини дўқиллатиб, мен сизга айтсам, тўғри бошлиқнинг, яъни катта амалдорнинг олдига жўнабди. Уйи қаердалигини суриштирибди. «Ҳов» — дейишибди унга Дворцовая Набережная кўчасидаги бир уйни кўрсатиб. Қараса, биласизми, мужикнинг кичкина бир уйи: деразаларида ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, бўйи бир ярим саржин келадиган қалин ойна; шундақаки, вазалар ва хоналардаги бошқа нарсалар худди ташқарида тургандай, кўчадан, бир нав, қўл узатса егадигандай. Деворларида қиммат баҳо мрамрлар, ҳар хил кичкина-кичкина металл буюмлар; эшикларида қандайдир тутқичлар, яъни, билсангиз агар, аввал атторлик дўкончасига бориб, бир мирилик совун сотиб оласан-да, кейин икки соатча қўлни хўп совунлаб ювиб, иннайкейин ушлашга журъат қиласан киши; хуллас, ҳамма нарсага лак суриб шундай ярқиратиб қўйилганки, одамнинг, бир нав, ақли шошиб қолади. Дарвоза олдида турган швейцар худди генераллссимусга ўхшармиш; қўлида зарҳал югуртирилган




шапшар, граф башара, худди боқиб семиртирилган, тумшуғи япалоқ, боши катта, йўғон хонаки бир ит, яъни мопс дейсиз; бўйнида батист ёқа, вой, муттаҳам-эй! . . . Менинг Копейкиним ёғочоёғи билан сургалиб бир амаллаб қабулхонага кирибди, қандайдир, бирон Америка ёки Ҳиндистонга келиб қолдим, деб ўйлабди-ю, тирсагим тегиб, яъни, билсангиз агар, зарҳал югуртирилган бирон чинни вазани тушуриб юбормай тағин, деб бир бурчакка қисилиб турибди. Хўш, маълумки, шу тикка туришича тураверибди, нега десангиз, мен сизга айтсам, нобоп вақтда келибди: бу вақт генерал эндигина, бир нав, уйқудан турган экан, шу топда камердинер унга, билсангиз агар, у ёқ-бу ёғини ювиш учун, ҳалиги, кумуш обдаста келтирибди. Копейкин тўрт соатча кутибди, ниҳоят, адъютант ёки бошқа бир навбатчи чиновник ичкари кирибди-да: «Генерал ҳозир қабулхонага чиқади» дебди. Қабулхонада одамлар бамисоли чумолидай гужғон ўйнариш. Тағин улар биздақанги қаланғи-қасанғилардан эмас, ҳаммаси тўртинчи ёки бешинчи даражага мансуб амалдорлар, полковниклар экан, баъзисининг эполетида эса йўғон макарон ялтираб турганмиш, хуллас, шунақа генералитет экан! Шу топда бирдан хонада, билсангиз агар, худди нсзик ҳарирдай сал жонланиш пайдо бўлибди. Унда-мунда: пичир-пичир товушлар эшитилиб-

ди ва, ниҳоят, ваҳимали сукунат чўкибди. Олий амалдор кириб келибди. Мана... ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, давлат арбоби! Юзида, мен сизга айтсам... хўш, даражасига муносиб, билсангиз... олий мартабасига... монанд, ҳалиги, ифода, билсангиз агар; қабулхонадагиларнинг ҳаммаси, мен сизга айтсам, шу ондаёқ тордай таранг тортилиб кетибди, титрабди, ўз тақдирининг, ҳалигидай, бир нав, ҳал қилинишини кутибди. Министр, яъни олий амалдор гоҳ унинг, гоҳ бунинг олдига бориб: «Хўш, нега келдингиз?», «Сиз нега келдингиз?», «Хўш, сизга нима керак?», «Сизнинг нима ишингиз бор?» деб сўраб чиқибди. Ниҳоят, тақсирим, у Копейкиннинг олдига келибди. Копейкин ўзини дадил тутиб: «Менинг арзим шуки, жаноб олийлари, дебди, қон тўқдим, бир нав, қўл-оёқдан ажралдим, ишлай олмайман, ҳаддим сизга, подшоҳ ҳазратларининг марҳамат қилишларини сўрайман» дебди. Министр қараса, унинг бир оёғи ёғочдан, бўш бир енги қайтариб мундирига қадаб қўйилган. «Яхши, дебди у, бир неча кундан кейин келиб бир хабар олинг». Копейкин хурсанд бўлиб кўчага чиқибди: олий амалдорнинг, чунончи айтайлик, қабулига муносиб кўрилиб, у билан сўзлашганининг ўзи бир хурсандчилик-да, иккинчи хурсандчилик шуки, ниҳоят энди, бир нав, унинг пенсия масаласи ҳал бўларди. У хурсанд бўлганидан, билсангиз агар, тротуарда сакраб-сакраб кетибди. Палкин майхонасига кириб бир рюмка ароқ ичибди, ундан



кейин десангиз, тақсирим, Лондон ресторанида обед қилибди, қаймоқ солинган котлет, товуқ гўштидан қилинган қовурма келтиришни буюрибди; бир шиша вино келтиришни сўрабди; кечқурун театрда борибди,— қисқаси, билсангиз агар, айш қилибди. Тротуарда бора туриб, ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, қушдек қадди-қомати келишган бир инглиз хонимини кўриб қолибди. Шу топда билсангиз агар, Копей-

кинимнинг баданида қони қизиб қолган эмасми, ёғочоёғини дўқиллатиб хонимнинг кетидан югуриб қолибди-ю, кейин фикридан қайтибди: «Йўқ, — деб ўйлабди, — бу иш пенсияни олганимдан кейин бўлади, ҳозирнинг ўзидаёқ анча ортиқча чиқим қилиб қўйдим». Шундай қилиб, тақсирим, орадан уч-тўрт кун ўтгандан кейин менинг Қопейкиним яна министрнинг ҳузурига борибди-да, унинг чиқишини кутиб турибди. Министр чиққач, унга арз қилибди: «Мен дебди, фалон иш важидан келган эдим, қасалликларим ва жароҳатларим тўғрисида сиз жаноб олийларнинг буйруқларини эшитгани келган эдим» дебди ва ҳоказо, билсангиз агар, гапларни қотириб гапирибди. Олий амалдор, мен сизга айтсам денг, уни дарров танибди-ю: «Ҳа, дебди, яхши дебди, бу сафар сизга айтадиган гапим шуки, дебди, сиз подшоҳнинг келишларини кутишингиз керак, дебди; у вақтда шубҳасиз, ярадорлар ҳақида тегишли фармон берилади; аммо подшоҳнинг ҳукмисиз, мен сизга айтсам, мен ҳеч нима қилолмайман». Шундан кейин у таъзим қилиб, билсангиз агар, хайрлашиб чиқиб кетибди. Қопейкин, ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, у ердан жуда мужмал аҳволда чиқибди. У, эртагаёқ менга пул берадилар ва: «Ма, азизим, бу пулни олу, е, ич, кайф кил» дейдилар, деб ўйлаган экан; унинг ўрнига кутиб туринг дейишибди-да, лоақал қачон келишини ҳам айтишмабди. Мана энди у, бўйинини қисиб ташқарига чиқибди, билсангиз агар, устига ошпаз сув қуйиб юборган итдек думини қисиб, қулоқларини шалпайтириб олибди. «Йўқ, бўлмайди, — деб ўйлабди у, — яна бир марта бориб тушунтираман, бор-йўғимни еб бўлдим, бир бурда ноним қолди, ёрдам бермасангиз, бир нав, очликдан ўламан дейман». Хулласки, тақсирим, у яна Дворцовая Набережная кўчасига борибди; унга: «Мумкин эмас, бугун қабул қилмайди, эртага келинг» дейишибди. Эртасига борса — яна ўша гап; швейцар эса ҳатто унга қаратиси ҳам



келмасмиш. Шу орада унинг чўнтагидаги кўк бешталиклардан, билсангиз агар, фақат биттагина қолибди. Аввал карам шўрва билан бир бурда мол гўшти еб юрган бўлса, энди дўкондан бир мирига бирон шўрбалиқ ёки тузланган бодринг билан нон сотиб олиб тирикчилик қилишга тушибди; хуллас — бечора оч қолибди, иштаҳа эса карнай. У қандайдир бир ресторан ёнидан ўтибди, қараса, унинг ошпази, ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, ажнабий яъни шундоққина чехраси очиқ француз эғнидаги коржомаси голландча, олдига тутган фартуги қордай оппоқ, қандайдир зирavorли қовурдоқ, трюфель қайлали котлет, қисқаси, жуда антиқа тансиқ овқат тайёрламоқда эканки, кишининг иштаҳаси карнай бўлиб оз бўлмаса олиб, еб қўйгуси келаркан. У, Милютин дўконлари ёнидан ўтар экан, деразадан, бир нав, семга балиқ, олхўри қараб турганмиш — донаси беш сўмдан, дилижон аравага ўхшаган каттакон тарвуз, чунончи айтайлик, юз сўмга сотиб оладиган бир аҳмоқни қидириб деразадан бошини чиқариб турганмиш; хуллас, ҳар қадамда кўзни ўйнатиб, сўлагини оқизадиган таомлар учрайверибди. У бўлса нуқул «эртага кел» деган сўзни эшитаверибди. Шундай қилиб, унинг аҳволини ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а: бир томондан, мен сизга айтсам, семга балиқ билан тарвуз иштаҳани очиб турса, иккинчи томондан унинг олдига нуқул «эртага» деган таомни чиқариб қўйишаверибди. Ниҳоят, бечоранинг, бир нав, тоқати тоқ бўлибди, ҳарна қилиб бўлса-да, билсангиз агар, бостириб киришга аҳд қилибди. Эшик олдида туриб яна бирон арзгўй келишини кутибди-да, шу тариқа, бир генералнинг орқасидан, ҳалигидай, ёғочоёғини судраб қабулхонага кирибди. Олий амалдор ҳамишагидек чиқиб: «Хўш, сиз нега келдингиз?», «Сиз нега келдингиз?» деб сўрабди ва сўнгра Копейкинга кўзи тушиб: «Ие! — дебди.— Ахир, мен сизга айтган эдим-ку, қарор чиқишини кутиб туринг деб».—«Раҳмингиз келсин, жаноб олийлари, мен сизга айтсам, бир бурда ҳам ноним қолмади. . .»—«Нима қилмоқ керак? Мен сиз учун ҳеч нима қилолмайман; ҳаракат қилиб ҳозирча ўз-ўзингизга ёрдам бериб туринг, ўзингиз ахтариб маблағ топинг».—«Аммо, жаноб олийлари, ўзингиз бир нав ўйлаб кўришингиз мумкин, қўл-оёғим бўлмаса, қандай қилиб маблағ топаман».—«Лекин,— дебди олий амалдор,— бир гапга хўп денг: мен сизни, бир нав, ўз ҳисобимдан боқолмайман; бизда ярадорлар кўп, ҳаммасининг ҳуқуқи барабар. . . Сабр қилинг. Подшоҳ келсалар, менинг сизга айтадиган



чин сўзим шулки, подшоҳ ҳазратлари сизни ўз марҳаматларидан қуруқ қолдирмайдилар».—«Аммо лекин, жаноб олийлари, мен кутиб туролмайман» дебди Қопейкин ва бу гапи, бир нав, қўрсроқ чиқибди. Олий амалдорнинг, билсангиз агар, жаҳли чиқибди. Дарҳақиқат: бунда ғуж-ғуж генераллар қарорлар, фармонлар чиқишини кутиб ўтиришган экан; бу ишлар, мен сизга айтсам, жуда муҳим, давлат аҳамиятига эга бўлиб, тездан-тез бажарилишни талаб этаркан, бир минут кечикилса, натижаси хунук бўларкан, шу топда тағин ёнбошдан чиқиб мана бу аҳмоқ хира бўлиб турса-я. «Кечирасиз, дебди, менинг вақтим йўқ... бу ерда сизнинг ишингиздан ҳам муҳимроқ ишлар бор, мен ўша ишларни тезроқ битиришим керак». Шу пайт, қани энди чиқиб кетаверсанг ҳам бўлади, дегандай унга, бир нав, нозик шама қилибди. Аммо менинг Қопейкиним, билсангиз агар, очлик азобини татиб кўрган эмасми, оёқ тираб туриб олибди: «Нима қилсангиз қилинг, жаноб олийлари, дебди, то резолюция қўйиб бермагунингизча турган жойимдан қимирламайман». Хўш... ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а: олий амалдорга шунақа жавоб бериб бўладими, агар у бир сўз айтса, шу ондаёқ калланг учиб кетади, кейин шайтон ҳам излаб тополмайди сени... Агар бунда бизга амали бир даража пастроқ чиновник шунақа гапни айтиб қўйса борми, дарров кўрсликда айбланади. Хўш, энди мана бу фарққа қаранг: генерал аншеф қаёқда-ю, ана унақа капитан Қопейкин қаёқда! Тўқсон сўму, бир нуль! Билсангиз агар, генерал унга бошқа ҳеч нима демабди-ю, фақат бир қараб қўйибди, қараши эса худди ўқдай: жонингни олади қўяди. Қопейкин бўлса, ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, хода ютгандай қимир этмасдан турибди. «Хўш, тағин нима қилиб турибсиз»,—дебди генерал унга зарда қилиб. Аммо, тўғриси айтиш керакки, у ҳали ҳам анча юмшоқ муомала қилибди: бошқаси бўлганда шундай дўқ қилиб қўрқитар эдики, шундан кейин роса уч кунгача кўчада ўмболоқ ошиб юрарди; у фақат айтибдики: «Яхши, агар сизга бу ерда туриш қийин бўлса ва пойтахтда ўз тақдирингизнинг ҳал қилинишини осойишталик билан кутиб туролмасангиз, унда мен сизни пошшолик ҳисобидан жўнатиб юбораман. Фельдъегер чақирилсин! Буни истиқомат жойига олиб бориб қўйилсин!» дебди. Фельдъегер эса билсангиз агар, шу ерда ҳозир бўлиб турган экан: бўйи уч газ келаркан, қўллари шундай эканки, ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, табиат атайин ара-

вакашликка яратганга ўхшаркан — хуллас, тутган жойини кесмай қўймайдиган киши экан. . . Шундай қилиб, тақсирим бу банда бечорани ушлаб аравага босибдилар ва ёнига фельдъегерни ўтқазибдилар. «Яхши бўлди, — дебди ичида Копейкин, — ҳеч бўлмаганда йўл кираси тўлашдан қутулдим-ку, шунисига ҳам раҳмат». Мана у, тақсирим, фельдъегернинг аравасига тушиб бормоқда ва фельдъегернинг аравасига тушиб бораркан, бир нав, мен сизга айтсам, ўз-ўзича бундай деб ўйлаб кетибди: «Генерал ўзинг маблағ топиб ўзингга ёрдам қил, деди, яхши, мен ўзимга маблағ топаман!» дебди. Шундай қилиб, уни тегишли жойга олиб боришибди. Лекин қаерга олиб борганлари номаълум. Шу тариқа билсангиз агар, капитан Копейкин Лета<sup>1</sup> дарёсига ташлангандек дом-дараксиз йўқолиб, ҳалиги, шоирлар айтганидек унутилиб кетибди. Аммо, рухсат этинг, жаноблар, айтиш мумкинки, романнинг тугуни худди ана шу ердан бошланади. Шундай қилиб, Копейкиннинг қаёққа ғойиб бўлганлиги номаълум; лекин, ўзинигиз бир ўйлаб кўринг-а, орадан икки ой ўтар ўтмас Рязань ўрмонларида бир тўда қароқчилар пайдо бўлибди, ана ўша қароқчилар тўдасининг бошлиғи, тақсирим, шу. . .»

— Рухсат эт, Иван Андреевич, — деди бирдан полиция бошлиғи унинг сўзини бўлиб, — ўзинг бошда айтдингки, капитан Копейкиннинг бир қўли ва бир оёғи йўқ деб, Чичиковнинг эса. . .

Шу пайт почта мудирини қичқириб юборди ва қўли билан шартиллатиб пешонасига бир урди-да, ҳамманинг олдида ўзини бузоқ деб сўқди. Бу гап ҳикоянинг бошида қандай қилиб миясига келмаганига ҳайрон бўлиб, «Рус кишисининг ақли тушдан кейин киради» деган мақол ҳақиқатан тўғри экан, деб бўйнига олди. Бироқ бир минут ўтмай айёрлик билан гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди-да, Англияда техника жуда тараққий этиб кетибди, газеталарда ёзилишича, у ерда бир киши ёғочоёқлар ихтиро қилибдики, кўзга кўринмайдиган кичкина пружинасини сал босиш билан бу оёқлар одамни, худо билсин, аллақаёқларга олиб кетаркан ва кейин уни ҳеч қаердан излаб топиб бўлмас экан, деди.

Лекин ҳамма Чичиковнинг капитан Копейкин эканига жуда шубҳа қилди ва почта мудирини лоф уриб юборди деган фикрга келди.

<sup>1</sup> Лета — қадимги грек мифологиясида ер ости оламидаги унутиш дарёсининг номи.



Бироқ, ўзлари ҳам юзларини шамгин қилмадилар, бу бобда почта мудирининг ўткир фаросатидан илҳомланиб ундан ҳам ошириб юбордилар. Айтилган кўп ўткир фикрлар ва фаразлар орасида битта жуда ғалатиси чиқдики, уни ҳатто айтишга тил бормаиди: балки Чичиков бошқа кийим кийиб қиёфасини ўзгартиб юрган Наполеондир, чунки инглизлар кўпдан бери Русия жуда катта ва кенг мамлакат деб ҳасад қилиб юрибдилар, ҳатто бир неча марта карикатура ҳам қилиб чиқардилар; бу карикатураларда руснинг инглиз билан сўзлашиб тургани тасвирланган. Инглиз орқасида бўйнидан боғланган бир итни ушлаб турибди ва итнинг остига, маълумки, Наполеон деб ёзилган. «Мана кўриб қўй, агар ундоқ-мундоқ дейдиган бўлсанг, итни ечиб устинга қўйиб юбораман!» деб турибди, балки ҳозир уни Елена оролидан қўйиб юборгандирлар ва балки ҳозир у Русияда Чичиков бўлиб юргандир, ҳақиқатда эса у Чичиков эмас, Наполеон.

Албатта, чиновниклар бунга ишонмадилар, аммо ҳар ҳолда ўйла-ниб қолдилар; бу тўғрида ҳар ким ўзича фикр юргизди ва охири, агар Чичиков ёнламасига бурилиб турса, юзи Наполеонга жуда ўхшайди,

деган хулосага келди. Ун иккинчи йил урушида иштирок этган ва Наполеонни шахсан кўрган полиция бошлиғи ҳам тасдиқлаб, Наполеоннинг бўйи Чичиковдан баланд эмас, гавдасининг тузилиши жиҳатидан Наполеон ҳам на унча семиз, на унча озғин эди, деди. Эҳтимол баъзи китобхонлар буни ақлга сиғмайдиган нарса деб айтишар; автор ҳам уларга қўшилиб, бу гаплар ҳаммаси ақлга сиғмайдиган гаплар деб айтишга тайёр; лекин ҳамма бало шундаки, булар ҳаммаси юқорида нақл қилинганича бўлган ва таажжуб қиладиган томони шуки, бу шаҳар узоқ бир бурчакдаги шаҳар эмас, аксинча, икки пойтахтга ҳам яқин эди. Зотан, шуни ҳам эсда тутмоқ керакки, булар ҳаммаси французларнинг Россиядан қувилиши каби машҳур ва маъруф воқиядан кейин юз берган эди. Бу вақтда бизнинг ҳамма помешчикларимиз, чиновникларимиз, савдогарларимиз, дўконларда хизмат қилувчи хизматкорларимиз, ҳар қандай саводхон ва ҳатто саводхон бўлмаган халқ ҳам ҳеч бўлмаганда роса саккиз йил ашаддий сиёсатчи бўлиб қолган эдилар. «Московские ведомости» ва «Син отечества» газеталари қўлдан-қўлга ўтиб, зўр бериб ўқиларди ва сўнгги газетхонга келиб етгунча бурда-бурда бўлиб, ҳеч нимага ярамай қоларди. Энди: «Биродар, сулининг ботмонини қанчадан сотдингиз? Кеча ёққан биринчи қордан қандай фойдаландингиз?» деган саволлар ўрнига: «хўш, газеталарда нима гап, Наполеон оролдан яна бош кўтариб чиқяптими?» дер эдилар. Савдогарлар бундан жуда қўрқар эдилар, чунки уч йил зиндонда ётиб келган бир пайғамбарнинг башоратига тамоман ишонардилар; бу пайғамбарнинг қаёқдан келгани номаълум эди, у чипта ковуш ва тақир пўстин кийиб олган, пўстинидан сасиган балиқнинг ҳиди келарди; ана шу пайғамбар башорат қилиб, Наполеон — дажжол, уни ҳозир етти қат девор ва етти денгиз орасида тош занжирга боғлаб қўйибдилар. Лекин у кейин занжирни узиб чиқиб, бутун дунёни эгаллайди, деган эди. Пайғамбар бу башорати учун зиндонга ташланди-ю, лекин у ўз ишини қилиб, савдогарларни бутунлай ташвишга солиб кетди. Савдогарлар ҳатто энг серфойда савдо-сотиқ қилган ва шу муносабат билан майхонага бориб чой ичган вақтларида ҳам дажжолдан сўзлашардилар. Чиновниклардан ва аслзода дворянлардан кўплари ҳам беихтиёр шу тўғрида ўйлар эдилар ва маълумки, ўша вақтда жуда расм бўлиб кетган диний хурофотга мубтало бўлганлари учун «Наполеон» сўзида таркиб топган ҳар бир ҳарфда алоҳида

бир маъно бор деб билардилар, кўп кишилар ҳатто бу сўзда сирли рақамлар<sup>1</sup> борлигини кашф этдилар. Демак, чиновникларнинг бу масалада беихтиёр ўйланиб қолишларининг ҳеч бир таажжубланадиган жойи йўқ эди; бироқ тез орада улар хаёллари жуда ҳам йўрғалаб кетганлигини ва масала асло бундоқ эмаслигини пайқаб қолдилар. Ўйлаша-ўйлаша, сўзлаша-сўзлаша охири яна бир марта Ноздревдан яхшилаб суриштириб кўрсак ёмон бўлмасди, деган қарорга келдилар. Ўлик жонлар воқиасини биринчи бўлиб кўтариб чиққан Ноздрев эди, бинобарин, унинг Чичиков билан қандайдир яқин муносабати бўлиши керак, демак унинг ҳаётидан баъзи бир ҳолларни билади, шунинг учун яна бир сўраб кўрайлик-чи, нима дер экан Ноздрев.

Бу жаноб чиновниклар, қолаверса бошқа ҳамма амалдорлар ҳам жуда ғалати кишилар-да: Ноздрев ёлгончи эканлигини, унинг бир сўзига ҳам заррача ишониш мумкин эмаслигини жуда яхши биладилар-у, била-кўра туриб тагин ўшанга мурожаат қиладилар. Одам боласига ҳеч тушуниб бўлмас экан-да! Худога ишонмайди-ю, қаншари қичиса, энди албатта ўлар эканман деб ишонади; шоирнинг кундай равшан, уйғунлик ва соддаликнинг юксак ҳикматларига тўла ижодиётига эътибор бермайди-ю, бирон корчаллон бирор жойда ҳамма нарсани чалкаштириб юборса, бўлмағур нарсаларни тўқиб чиқарса, табиатни бузиб остин-устун қилиб юборса, бу унга жуда ёқади ва: «Мана бунга қойил, юрак сирларини билиш мана бунақа бўлади!» деб қичқира бошлайди. Умр бўйи докторларни сариқ чақага олмайди-ю, аммо ахири бориб бир кун сеҳр-жоду билан, суф-куф билан даволайдиган кампирга мурожаат қилади ёки буниси ҳали у ёқда турсин, ўзи аллақандай балою-бадтарлардан дори-дармон ўйлаб чиқаради-да, худо билсин, нима учундир, касалимининг давоси худди шу, деб хаёл қилади. Албатта, жаноб чиновникларнинг ҳақиқатан мушкул аҳволга тушиб қолганликларини назарга олиб, қисман кечирриш мумкин. Сувга ботган одам хасга ёпишар, дейдилар, у хасга ёпишади-ю, аммо бу хасга фақат бир пашша миниб юриши мумкинлигини, ўзининг оғирлиги эса тўрт пуд, ҳаттоки беш пуд келишини ўйлашга шу пайт унинг фаҳми етмайди, нуқул хасга ёпишаверади. Шундай қилиб, бизнинг жаноб-

---

<sup>1</sup> Сирли рақамлар — диний-хурофий сон (666); диний китоблардан бири бўлган Апокалипсисда дажжолнинг номи гўё шу сон билан белгиланган эмиш.



ларимиз ҳам, ниҳоят, Ноздревга ёпишдилар. Полиция бошлиғи шу онда Ноздревга хат ёзиб, кечки ўлтиришга ташриф буюришни сўради; қўнжи тиззадан баланд этик кийган, ёноқлари ажаб товур қип-қизариб турган даҳа полиция бошлиғи хатни олиб, бир қўли билан қиличини ушлаб шу онда Ноздревнинг уйига

қараб югурди. Ноздрев муҳим иш билан банд эди, у тўрт кундан бери уйдан чиқмас, ҳеч кимни киргизмас, овқатни ҳам фақат деразадан олар, хуллас, ҳатто ориқлаб, ранги кўкариб кетган эди. Унинг қилаётган иши жуда диққат талаб иш эди: у қирқ-эллик дюжина қартага бир қўл ўйналадиган қилиб белги ясамоқда ва бу қарта энг содиқ дўстдай ишончли, албатта ютиши керак эди. Ҳеч бўлмаганда яна икки ҳафталик иши қолган эди; бу вақт ичида Порфирий медельян зотидан бўлган кучукчанинг киндигини махсус чўтка билан тозалаши ва ҳар кун уч марта уни совунлаб ювиши керак эди. Хилватда ўтириб қилаётган муҳим ишга халақит берганлари учун Ноздревнинг жуда жаҳли чиқди; аввал у, даҳа полиция бошлиғини «йўқол кўзимдан!» деб қувди, сўнгра полиция бошлиғининг хатини ўқигач, бундан фойда чиқадиганга ўхшайди, чунки кечқурунги ўтиришга янги киши ҳам келар экан, деб дарров жаҳлидан тушди, тез уйни қулфлади ва шошиб-пишиб кийинди-да, полиция бошлиғиникига жўнади. Ноздревнинг гаплари, далиллари ва фаразлари жаноб чиновникларнинг гаплари, далиллари ва фаразлари билан шундай кескин қарама-қарши бўлиб чиқдики, уларнинг ҳатто сўнгги гумонлари ҳам пуч бўлиб қолди. Ноздрев шубҳа деган нарсани мутлақо билмайдиган дангал киши эди; чиновникларнинг фараз-гумонлари қанча тутуриқсиз ва қатъиятсиз бўлса, унинг даъволари шу қадар дадил ва қатъий эди. У ҳамма саволларга ҳатто тутилмасдан жавоб берди ва айтдики: Чичиков бир неча минг сўмлик ўлик жон сотиб олди, менинг ўзим ҳам сотдим, нега сотмай, сотдим,

чунки сотмаслик учун ҳеч бир сабабим йўқ эди; у жосус эмасмикин, бирон нимани билиш пайиға тушиб юрмаганмикин? — деган саволға Ноздрев, Чичиков — жосус, у билан мактабда бирға ўқиб юрганимиздаёқ уни чақимчи дейишар эди, чақимчилиги учун ўртоқлари, шу жумладан мен ҳам уни хўп эзғилаганмиз, шундай эзғилаганмизки, сўнгра унинг икки чаккасиға икки юз қирқта



зулук солишға тўғри келган, деб жавоб берди (асли у қирқта демоқчи эди, аммо икки юз сўзи ўз-ўзидан оғзидан чиқиб кетди). У қалбаки пул ясамасмикин? деган саволға Ноздрев жавоб бериб, қалбаки пул ясайди деди, шу муносабат билан Чичиковнинг ҳаддан ташқари эпчиллиги ҳақида бир латифа ҳам айтиб берди: Чичиковнинг уйида икки миллион сўмлик қалбаки қоғоз пули бор, деган маълумот олибдилар, унинг уйини печатлаб, ҳар бир эшикка иккитадан солдатни қоровул қилиб қўйибдилар, Чичиков бир кечада пулларнинг ҳаммасини ўзгартириб қўйибди, эртаси кун келиб уйни очиб қарасалар, ҳаммаси асл қоғоз пул бўлиб чиқибди. Чичиков губернаторнинг қизини олиб қочмоқчи бўлгани аниқми, сиз ўзингиз бу ишға ёрдам бермоқчи ва иштирок қилмоқчи бўлганингиз тўғрими? — деган саволға Ноздрев жавоб бериб: ҳа, ёрдам бердим, агар мен бўлмасам ҳеч нима чиқмас эди, деди; шу топда у бирдан беҳуда ёлғон гапирганини ва бу ёлғон гаплари ўз бошиға бало бўлишини пайқади-ю, лекин энди тилини тиёлмади. Зотан, тийиши ҳам қийин эди, чунки миясига ўз-ўзидан шунақа қизиқ тафсилотлар келган эдики, буларни айтмаслик асло мумкин эмас эди. У ҳатто никоҳ қилинадиган қишлоқ черковининг отини ҳам айтди, бу черков Трухмачевка қишлоғида экан, черковнинг попи ҳазрат Сидор экан, унга никоҳ ўқиши учун етмиш беш сўм бермоқчи бўлишибди, поп рози бўлмабди, лекин у попни қўрқитибди: рози бўлмасанг, аллоф Михаилоға ўзини чўқинтирган онахонини никоҳлаб берганингни бориб айтаман, дебди. У ҳатто ўз коляскасини

берибди ва ҳар бир бекатда коляскага янгидан қўшиладиган отлар гайёрлаб қўйибди. Тафсилотлар шу даражага бориб етдики, у ҳатто кучерларнинг номларини ҳам айта бошлади. Чиновниклар Наполеон тўғрисида сал гап очиб қолган эдилар, бунга ўзлари минг пушаймон бўлдилар, чунки Ноздрев гапни шунақа олиб қочдики, у сира ақлга тўғри келмас эди; ахири, чиновниклар уф тортиб ундан нари кетдилар; ёлғиз полиция бошлиғи, эҳтимол кейин тузукроқ бир гап айтиб қолар, деган хаёлда яна анча вақтгача қулоқ солиб ўтирди-да, сўнгра у ҳам қўлини силтаб: «Э, шу ҳам гап бўлдими!» деб ўрнидан туриб кетди. Кейин ҳаммалари, буқадан сут чиқса чиқади-ю, ундан ақл чиқмайди, деган фикрга келдилар. Чиновникларнинг аҳволи илгаригидан ҳам ёмон бўлди. Гап шу билан тугадики, Чичиковнинг ким эканлиги бояги-бояги номаълум бўлиб қолди. Одамнинг қай хилдаги махлуқ эканлиги ҳам равшан бўлди; масала ўзига эмас, бошқаларга тааллуқли бўлганда, у ҳар жиҳатдан доно, ақлли ва эпчил бўларкан; ўзгалар бошига мушкул иш тушган пайтларда у кўп тадбирли ва пухта маслаҳатлар берадиган киши бўлиб қолади! Шу пайт халойиқ: «Мана ақлли киши! Мана тадбирли, довюрак киши!» деб қичқиради. Аммо шу ақлли, довюрак кишининг ўз бошига бирон фалокат келса ва ўзи ҳаётда мушкул аҳволга тушиб қолса, унинг довюраклигидан асар ҳам қолмайди. Бу довюрак киши буткул довдираб қолади, у разил, қўрқоқ бир киши, нотовон, заиф бир бола ёки, Ноздрев айтгандек, хотинчалиш бир одам бўлиб қолади.

Бутун бу гап-сўзлар, фикрлар, миш-мишлар нима сабабдандир боёқиш прокурорга ҳаммадан кўпроқ таъсир қилди. Унга шу қадар қаттиқ таъсир қилдики, уйига келгач, ўйлай бошлади; ўйлади, ўйлади ва бирдан, ҳеч нимадан ҳеч нима йўқ, ўлди қолди. Фалаж бўлдими ёки бошқа бир касалга йўлиқдими, нима бўлса ҳам, ўтирган ерида бирдан стулдан муккаси билан йиқилиб тушди. Шундай пайтларда одатда бўладигандек қўлни қўлга уриб: «Вой, худойим!» деб қичқириб юбордилар, қон олсин деб докторга одам юбордилар, аммо кейин қарасалар, прокурор жонсиз жасад бўлиб ётибди. Фақат шундагина зўр қайғу ичида билдиларки, марҳумнинг ҳақиқатан жони бор экан-у, аммо у камтарлик қилиб буни ҳеч билдирмай юрган экан. Шуниси ҳам борки, ажал катта одам учун қандай даҳшатли бўлса, кичик одам учун ҳам шундай даҳшатлидир, яқиндагина ҳаракат қилиб,

қарта ўйнаб юрган, бароқ қошларини учириб ва кўзини пирпиратиб чиновниклар орасида тез-тез кўринадиган киши мана энди стол устида чўзилиб ётибди, чап кўзи энди сира пирпирамасди, лекин битта қоши ҳали ҳам қандайдир савол ифодаси билан юқори керилиб турган эди. Марҳум нимани сўраётган эди: нима учун ўлганиними ёки нима учун яшаганиними? буни ёлғиз худонинг ўзи биларди.

Бу ҳеч қовушмайдиган! ҳеч ақлга тўғри келмайдиган гап! Бу ҳеч мумкин эмас, наҳотки чиновниклар ўзларини-ўзлари шу қадар қўрқитсалар, шу қадар бемаъни гапларни ўйлаб чиқарсалар, ҳақиқатдан шунчалик узоқлашиб кетсалар; ахир, гап нимада эканлигини ёш бола ҳам кўриб турибди-ку! Кўп китобхонлар шундай деб ўйлаб, авторга таъна қиладилар, бўлмағур нарасаларни ёзибди, дейдилар ёки чиновникларни аҳмоқ деб атайдилар, чунки одам «аҳмоқ» сўзини ишлатишга жуда саҳий бўлади ва кунига йигирма марта шу сўз билан ўз яқинларини сийлаб туради. Одамнинг ўн ишидан тўққизи яхши бўлиб, бири аҳмоқона бўлса, уни аҳмоқ деб аташ учун шу бир иш кифоя қилади, қолган тўққиз томони ҳисобга олинмайди. Ўзларининг тинчгина бурчакларидан ва юксак ўринларидан қараб баҳо бериш китобхонлар учун осондир: уларнинг кўз олдида бутун уфқ очилади, ҳамма нарса яққол кўринади, улар пастда нималар қилинаётганини кўрадилар, аммо пастдагилар фақат яқиндаги нарасаларни кўра оладилар. Инсоният солномасида кўп асрлар борки, уларни кераксиз бир нарса деб тарих саҳифасидан ўчириб ва йўқ қилиб ташлаш лозим бўларди. Дунёда кўп хатолар ва янглишлар бўлганки, бу хатоларни энди балки ёш бола ҳам қилмас эди. Инсоният абадий ҳақиқатга етмоқ учун нақадар эгри, қоронғи, тор, ўтиб бўлмайдиган, манзилдан жуда четга олиб борадиган йўлларни танлаб олган, ҳолбуки унинг олдида худди подшоҳнинг муҳташам қасрига борадиган йўл каби тўппа-тўғри йўл кенг очилиб турган эди! Бу йўл бошқа ҳамма йўллардан кенгроқ ва чиройлироқ, бу йўл қуёш нурида порлаб турган ва бутун кечани чароғлар билан ёритган йўл эди, лекин одамлар бу йўлни қўйиб, унинг ёнидан мудҳиш қоронғилик ичида оқиб кетдилар. Улар бир неча бор кўклардан энган илҳом билан йўналиб энди тўғри йўлга тушай деганда яна дарҳол йўлдан озиб, четга чиқиб кетдилар, куппа-кундуз куня яна ўтиб бўлмайдиган чакалакзорларга кириб қолдилар, яна бир-бирларини алдадилар, чалғитдилар ва ботқоқликдаги чироғларга то-

мон судралиб бориб, охири тагсиз жар ёқасига келиб қолдилар-да, сўнгра даҳшатга тушиб бир-бирларидан: нажот борми, йўл қаерда?— деб сўрадилар. Ҳозирги авлод энди буларнинг ҳаммасини равшан кўрмоқда, ўз ота-боболарининг йўлдан адашганига ҳайрон қолмоқда, уларнинг фаросатсизлигидан кулмоқда; лекин бу солноманинг кўклардан тушган шуъла билан бошдан-оёқ ёритилганлиги, унда ҳар бир ҳарфнинг фарёд қилаётганлиги, худди унинг ўзига, яъни ҳозирги авлодга ҳамма томондан найзадек ўткир бармоқнинг ўқталиб турганлиги беҳуда эмас, лекин шунга қарамай, ҳозирги авлод кулмоқда ва манманлик билан, такаббурлик билан бир қанча янги хато ва янглишларни қила бошламоқдаки, кейинчалиқ келгуси авлодлар ҳам бу янглишлардан албатта кулажак.

Чичиковнинг бу воқиалардан мутлақо хабари йўқ эди. Худди жўртгага бўлгандай, шу орада у бир оз шамоллаб қолган, яъни лунжи пилла бўлиб шишган ва томоғи сал оғриган эди; бизнинг кўп губерния шаҳарларимизнинг иқлими бундай касалликларни тарқатишга ниҳоят даражада сахийдир. Чичиков насл ортдирмасдан, худо кўрсатмасин, умри тамом бўлмаслиги учун яхшиси уч кунча хонасидан чиқмасликка қарор қилди. Шу уч кун давомида у томоғини анжир солинган сут билан тинмай чайди ва чайиб бўлгандан кейин сутдаги анжирни олиб еб турди, камфора ва ромашкадан қилинган ёстиқчани доим лунжига боғлаб қўйди. Вақтини бирон иш билан машғул бўлиб ўтказмоқ учун сотиб олган ҳамма деҳқонларнинг бир нечта янги ва батафсил рўйхатини тузди, ҳатто чамадонидан топилган Герцогиня Лавальер<sup>1</sup>нинг қайси бир томини ўқиб чиқди, сандиқчасини очиб ичидаги ҳар хил нарсалар ва қоғозларни кўздан кечирди, баъзисини иккинчи марта ўқиди, охири бу ишлар ҳаммаси уни жуда зериктирди. Шу кунларда шаҳар чиновникларидан ҳеч бири ундан ҳол сўраш учун бир марта ҳам келмагани уни ҳайратда қолдирди, чунки яқиндагина мусофирхона олдига дам почта мудирининг, дам прокурорнинг, дам раиснинг канда бўлмасдан извоши келиб турарди. У хонасида нарибери юриб нуқул елкасини қисарди. Ниҳоят, у ўзини яхши ҳис қилди ва тоза ҳавога чиқиши мумкин бўлганига худо билсин қанча севинди! Дарҳол ювиниш-таранишга киришди: сандиқчасини очди, стаканга

<sup>1</sup> Герцогиня Лавальер — француз адибаси Жюльснинг (1746—1830) романи.

иссиқ сув солди, чўтка ва совун олиб, соқолини қира бошлади, ҳақиқатда соқоли аллақачон қириладиган бўлиб қолган эди, чунки у юзини сийпалаб ойнага қарар экан: «Э, жуда ҳам тўқайзор бўлиб кетибди-ку!» деди. Ҳақиқатда тўқайзор бўлмаган эса-да, икки юзи ва иягини қалин майса босиб кетгани рост эди. Соқолини олиб бўлгач, тез ва чаққон кийина бошлади ва чалваридан сакраб чиқишга сал қолди. Кийиниб бўлгач, ўзига атир сепди, иссиқроқ ўраниб ва эҳтиёт-юзасидан лунжини боғлаб, кўчага чиқди. Уйдан кўчага чиқиш, касалдан турган ҳар бир киши учун байрам бўлганидек, унга ҳам чинакам байрам бўлди. Олдидан чиққан ҳамма нарса, уйлар ҳам, ўткинчи мужиклар ҳам кулиб тургандай кўринарди, ҳолбуки мужикларнинг қиёфаси жиддий, баъзиси эса ҳатто бир-бирининг қулоғининг тагига тушириб ҳам олган эди. Чичиков даставвал губернаторнинг уйига ташриф буюриш ниятида эди. Йўлда бора туриб унинг бошига кўпгина ҳар хил фикрлар келди; сариқ соч қиз кўз олдидан нари кетмасди, хаёли ҳатто сал бошқа томонларга ҳам олиб қочди, сўнгра ўзига бир оз ҳазиллашди ва ўзидан кулган бўлди. Шундай димоғи чоғ ҳолда губернаторнинг дарвозаси олдига бориб қолди. Даҳлизда шошиб-пишиб шинелини ечиб ташламоқчи бўлган ҳам эдики, швейцар бирдан сира кутилмаган бир гапни айтиб уни ҳайратга солди:

— Сизни қабул қилин-масин деган буйруқ бор!

— Нима, сен нима де-япсан, мени танимадинг ше-килли-а? Яхшилаб юзимга қарагин-чи!— деди Чичи-ков.

— Нега танимайин, сиз-ни биринчи марта кўраётган-им йўқ-ку! — деди швей-цар.— Фақат сизни қўйил-масин деган буйруқ бор, бошқа ҳаммани қўйиш мум-кин.

— Ана холос! Хўш, са-баби? Нима учун?



— Буйруқ шунақа, балки шундай қилиш лозимдир,— деди швейцар ва яна «шундоқ» деб қўшиб ҳам қўйди. Шундан кейин унинг олдида ўзини жуда эркин тутди; илгари Чичиков келган чоқларда у очиқ чеҳра билан югуриб бориб унинг шинелини оларди, ҳозир эса башарасидан заҳар ёғарди. Шу топда у Чичиковга қараб тураркан: «Ҳа, ҳа! Хўжайинлар сени эшикдан қуваётибдими, демак бирон лўттисан-да!» деб ўйлаётгандай туюларди.

«Тушунолмадим!» деди ичида Чичиков ва шу ердан тўғри палата раисиникига борди, лекин палата раиси уни кўриши билан шу қадар довдираб қолдики, икки сўзни ҳам бир-бирига қовуштириб айтолмади, сўнгра пойма-пой қилиб шунақа алфози қабиҳ сўзларни айтдики, бундан ҳатто иккаласи ҳам хижолат бўлди. Раисникидан чиқиб кетар экан, Чичиков йўл бўйи у айтган гапларнинг маъзини чақишга уринди: бу билан нима демоқчи у, унинг сўзлари нимага тааллуқли бўлиши мумкин деб ўйлади, лекин ҳеч нимага тушунолмади. Сўнгра полиция бошлиғиникига, вице-губернаторникига, почта мудириникига кирди; улар уни ё қабул қилмадилар, ё қабул қилсалар ҳам жуда ғалати тарзда қабул қилдилар, кўнгил тортмайдиган ва тушуниб бўлмайдиган гапларни гапирдилар; шунақа мужмал аҳвол юз бердики, Чичиков ҳатто шубҳага тушди, буларнинг мияси айниб қолмаганмикин, деб ўйлади; у яна баъзиларникига кириб, лоақал бунинг сабабини билмоқчи бўлди, лекин ҳеч қандай сабабини билолмади. У уйқудан қолган кишидек карахт бўлиб, шаҳарда бетайин тентираб юрди: ўзи жинни бўлиб қолдими ёки чиновниклар бошини йўқотиб қўйдими, ё тушида шундай бўлаётибдими ёки ўнгида тушдан ҳам бадтар майнавозчилик юз бердими — у масалаларни ҳал қилолмай гаранг эди. Кеч кириб, қош қорайганда у мусофирхонага қайтиб келди; бу ердан чиққанда унинг кайфи жуда чоғ эди. Зерикканидан чой буюрди. У хаёлга чўмиб, бундай ғалати аҳволга тушиб қолганини ўйлаб ва бу тўғрида аллақандай маъносиз фикрлар қилиб, чашкага чой қуйиб турган ҳам эдики, бирдан эшик очилиб, ҳеч кутилмаганда Ноздрев кириб келди.

— «Дўст учун олис йўл писанд эмас!» деган мақол бор,— деди у бошидан шапкасини олиб.— Утиб бораётсам, деразангдан чироғ кўринди, кел, бир кирай, ҳали ухламаган бўлса керак, дедим ичимда. Э! Мана соз бўлди, чойинг ҳам бор экан, ҳузур қилиб бир чашка ича-

ман: бугун обедда аллақандай бало-бадтарларни еб қўйибман, мана энди қорним ғулдур-ғулдур қиляпти. Буюр, менга трубка беришсин! Қани сенинг трубканг?

— Мен трубка тортмайман-ку,— деди Чичиков энсаси қотиб.

— Бекор айтибсан, гўё мен билмайман сенинг кашандалигингни. Ҳой! Нима эди ҳали у одамингнинг оти? Ҳой, Вахрамей, менга қара!

— Вахрамей эмас, Петрушка.

— Нега? Илгаригиси Вахрамей эди-ку.

— Менда ҳеч қанақа Вахрамей-Пахрамей бўлган эмас.

— Ҳа, тўғри, Вахрамей Деребинникида эди. Ўзинг тасаввур қилиб кўр, Деребинга бахт келганига қара: унинг холаси нега сен крепостной қизга уйландинг, деб ўғли билан уришиб қолибди-ю, кейин бутун мол-мулкини Деребинга хатлаб берибди. Мен ўзимча ўйлаб, қани шунақа холанг бўлса-ю, дар қолган кунингга яраса! — дедим. Хўш, биродар, сенга нима бўлди, ҳаммадан узоқлашиб қолдинг, ҳеч жойда кўринмайсан? Албатта, мен биламан, сен баъзан илмий ишлар билан шуғулланасан, китоб ўқишни яхши кўрасан (Ноздрев бизнинг қахрамонимиз илмий ишлар билан шуғулланишини ва китоб ўқишни яхши кўришини қаёқдан билганини биз асло билмаймиз, Чичиков бўлса бутунлай ҳайрон). Эҳ, Чичиков оғайни, сен агар бир кўрсанг эди... ҳақиқатан ҳам сенинг сатирачилик ақлингга озиқ бўладиган иш бўлди-да (Чичиковнинг қаердан сатирачилик ақли борлиги ҳам номаълум). Ўзинг бир тасаввур қилиб кўр, оғайни, савдогар Лихачевникида гардкамга қимор ўйнаб ўтирган эдик, шунда бирам кулишдик, бирам кулишдик! Ёнимда Перепендев ҳам бор эди, айтадики: «Агар Чичиков ҳозир шу ерда бўлса, унга худди!..» (ҳолбуки Чичиков Перепендев деган кишини умрида кўрган эмас эди). Энди, биродар, хўп деб бўйнингга ол, эсингдами, ўша сафар мен билан дамка ўйнаганингда муттаҳамларча тирриқлик қилдинг; ўшанда мен ютган эдим... Ҳа, биродар, ўшанда сен бошлаб гўсхўр қилдинг. Аммо менинг бир пес одатим борки, бировдан сира хафа бўлмайман. Яқинда раис билан ҳам... Ҳа, айтгандай! Мен сенга шуни айтиб қўйишим керакки, шаҳарда ҳамма сенга қарши; уларнинг фикрича, сен қалбаки пул ясар эмишсан, мендан сўрашди, сен биласан деб менга ёпишиб олишди, мен ҳам тоғдек бўлиб сенинг ёнингни олиб туравердим, ёлғондан у билан бир-

га ўқиганман ва отасини ҳам биламан дедим: асти қўявер, ҳаммасини боладим.

— Нима? Мен қалбаки пул ясар эмишман?— дея қичқириб юборди Чичиков ўрнидан бир қўзғалиб.

— Ахир сен нега уларни мунчалик қаттиқ қўрқитдинг?— деб сўзида давом этди Ноздрев.— Биласанми, улар қўрққанидан жинни бўлиб қолишибди: сени қароқчи ва жосус деб тумон қилишибди... Прокурор бўлса қўрққанидан юраги ёрилиб ўлди, эрта кўмишади. Сен кўмишга бормайсанми? Тўғрисини айтганда, улар янги генерал-губернатордан қўрқишяпти, сен туфайли бирон балога қолмайлик деб қўрқишяпти? Аммо генерал-губернатор ҳақида менинг фикрим шуки, агар у димоғини кўтарса ва гердайдиган бўлса, дворянлар билан мутлақо ҳеч нима қилолмайди. Дворянлар хушчақчақ ва хушмуомала бўлишини талаб қилади, тўғри эмасми? Албатта, кабинетда бекиниб ўтириш ва битта ҳам бал бермаслик мумкин, хўш шу билан нима бўлди? Бундан ҳеч қандай манфаат чиқмайди-ку! Аммо лекин, сен Чичиков, хатарли ишга қўл урибсан.

— Қандай хатарли ишга?— дея безовта бўлиб сўради Чичиков.

— Губернаторнинг қизини олиб қочишга. Мен, ростини айтсам, шундай бўлишини кутган эдим, азбаройи худо кутган эдим! Биринчи дафъа сизларнинг балда бирга ўтирганларингизни кўрганимда дарров ўйладим: Чичиков анойи эмас, дедим... Лекин сен шу қизни танлаб беҳуда қилибсан, мен билмайман унинг нимаси яхши экан. Аммо бир қиз бор, Бикусовнинг қариндоши, ҳамширасининг қизи, ана уни чинакам қиз деса бўлади! Айтиш мумкинки, ажойиб нарса!

— Сен ўзинг нима деб алжираяпсан? Губернаторнинг қизини олиб қочиш деганинг нимаси?— деди Чичиков кўзларини чақчайтириб.

— Хўп, бўлди, биродар: жуда сир бой бермайдиган одам экансан! Ростини айтсам, мен сенинг олдинга шунинг учун келдим: хўпдесанг, сенга ёрдам беришга тайёрман. Демак бундоқ қиламиз: никоҳингга ўзим бош бўлиб, бошингга жиға қўяман, коляска ва бекатларда алмаштириладиган отлар мендан; фақат бир шарт бор: сен менга уч минг қарз бериб турасан. Жуда зарур бўлиб қолди, оғайни!

Ноздрев вайсар экан, Чичиков ҳар замон кўзларини артиб қўяр ва гўё бу эшитаётган гаплари тушими ёки ўнгими эканини билмоқчи



бўларди. Қалбаки пул ясаш, губернаторнинг қизини олиб қочиш, прокурорнинг ўлиши ва гўё бунга унинг сабабчи бўлиши, янги генерал-губернаторнинг келиши,—бу гаплар уни дабдурустдан қўрқитиб қўйди. «Агар шундай гаплар бўлган бўлса,—деб ўйлади у ичида,—демак, ҳаялламасдан бу ердан тезроқ жўнаб қолиш керак».

У Ноздревни бир амаллаб тез жўнатди, дарҳол Селифанни чақириб буюрди: тонг саҳарда отланиб тайёр бўлиб тур, эрта билан соат олтида шаҳардан албатта жўнаб кетмоғимиз керак, ҳаммасини кўздан кечириб тўғрилаб қўй, бричкани мойлаб қўй, деди ва шу каби бошқа топшириқлар ҳам берди. Селифан унга: «Хўп бўлади, Павел Иванович!» деди-ю, лекин бирмунча вақт эшик олдида қаққайиб туриб қолди. Чичиков Петрушкага каравот остидан чамадонни тортиб чиқаришни буюрди; чамадонни қалин чанг босиб кетган эди; сўнгра у Петрушка билан бирга пайпоқларни, ювилган ва ювилмаган кўйлақларини, этикка тиқиб қўядиган қолипларни, календарни аралаш-қуралаш қилиб чамадонга жойлай бошлади... У эрта саҳарда бирон

нимага овора бўлиб тутилиб қолмаслик учун ҳамма нарсани шу кечқурун таппа-тахт қилиб қўймоқчи эди. Селифан бир-икки минут эшик олдида тургач, жуда секин юриб хонадан чиқди. У ниҳоятда секин қадам босиб, шалоғи чиқиб ётган зиналарда ҳўл этиклари изини қолдириб, зинапоядан тушди ва анча вақтгача бошини қашиб турди. Бу бош қашиш нима маънода бўлди экан ва умуман унинг маъноси нима ўзи? Балки эртага кўримсиз пўстинини кийиб ва устидан камарини боғлаб ўз улфати билан маслаҳат қилиб қўйилган бирон пошшолик қовоқхонасига боролмай қолиши учун хафа бўлгандир ёки бу янги ўринда бирон жононга ошиқ бўлиб қолиб, кечқурун у билан дарвоза олдида туришлари, шаҳарга қоронғи тушган пайтда қизил кўйлак кийиб олган, гавдаси дуркун бир ўспирин йигит хизматкорлар олдида балалайкасини диринглатиб турганда ва ишдан қайтган ҳар хил кишилар ағдан-бағдан секин сўзлашиб ўтирганда, унинг оппоқ қўллари айёрларча ушлаб-ушлаб қўйишлари ҳозир эсига тушиб қолгандир-у, энди у жононни ташлаб кетаётганлиги алам қилгандир? Ёхуд хизматкорлар ошхонасида, печка ёнида, пўстинини устига ташлаб ётадиган иссиқ жойни ва юмшоқ шаҳар пироги билан ҳар кун ейдиган карам шўрвасини ташлаб кетаётганига шунчаки ачинаётгандир ва яна ёмғирга ивиб, билч-билч лой кечиб ва бошқа азоблар тортиб йўл юриши кераклиги эсига тушгандир? Буни фақат худо билади, одамнинг билиши қийин, Рус халқида бош қашишнинг кўп маъноси бор.





### Ўн биринчи боб

**Б**ироқ Чичиков ўйлаган нарсаларнинг биттаси ҳам бўлмади. Аввало ўзи айтган вақтдан кеч турди — бу биринчи дилсиёҳлик эди. Ўрнидан тургач, дарҳол бричка қўшилганми ва ҳамма нарса тайёрми эканини билиб келишга одам юборди; келиб унга, бричка қўшилмаган ва ҳеч нима тайёр эмас, деб хабар қилишди. Бу иккинчи дилсиёҳлик эди. Унинг жаҳли чиқди, ҳатто бизнинг ошнамиз Селифаннинг бир қадар таъзирини бериб қўйишга ҳозирланди, Селифан ўзини оқлаш учун қани нима сабаб кўрсатар экан, — деб уни сабрсизлик билан кутиб турди. Кўп ўтмай Селифан эшикдан кўринди; тез жўнаш керак бўлган пайтларда одатда хўжайин ўз хизматкоридан эшитадиган гапларни ҳозир Чичиков ҳам ундан эшитишга муяссар бўлди.

— Ахир, Павел Иванович, отларни тақалаш керак бўлади.

— Э, чўчқа! тўнка! илгари шуни нега айтмадинг? Ёки вақт йўқ эдими?

— Вақт-ку бор эди... Ғилдирак ҳам чатоқ, Павел Иванович, темир гардишини қаттиқ қилиб тортмаса бўлмайди, чунки энди йўл ҳамма жойда паст-баланд, ўнқир-чўнқир бўлиб кетган. Агар ижозат берсангиз айтай, бричканинг олд томони бутунлай лиқиллаб қолибди, икки бекатга ҳам чидаб бориши гумон.

— Аблаҳсан, аблаҳ!— деб қичқирди Чичиков, қўлини қўлига уриб ва Селифанга шу қадар яқинлашиб бордики, у хўжайинидан сийлов олишдан қўрқиб, орқага чиғанди ва ўзини четга олди.— Сен мени ўлдирмоқчимидинг-а? сен мени сўймоқчимидинг? Катта йўл устида сўймоқчи эдингми, қароқчи, лаънати чўчқа, денгиз аждаҳоси! а? а? Уч ҳафта турдик шу ерда, а? Бир оғиз айтдингми, ҳароми,— мана энди жўнаймиз деб турганда келиб, фалон эди — казо эди, дейсан! энди отланиб кетамиз деб турганда, а? Шундай пайтда ифлослик қилдинг, а? а? Ахир сен шуни илгари билар эдинг-ку? Билар эдинг-ку, а? а? Жавоб бер! билар эдингми? А?

— Билар эдим,— деди Селифан бошини қуйи солиб.

— Билсанг, нега ўша вақтда айтмадинг, а?

Селифан бу саволга жавоб бермади, лекин у бошини қуйи солиб гўё ўз-ўзига: «Ол-а, шунга ҳам шунча ота гўримми: билишга билар эдим-у, лекин айтмаган эдим!» деяётгандай эди.

— Ҳозир бориб темирчини олиб кел, шундай қилки, ҳаммаси икки соатда тайёр бўлсин. Эшитдингми? Албатта икки соатда! Агар икки соатда тайёр бўлмаса, биласанми, мен сени, мен сени... терингга сомон тикаман!— Қаҳрамонимиз жуда дарғазаб эди.

Селифан буйруқни бажармоқ учун эшикка йўналди-ю, лекин яна тўхтаб туриб деди:

— Тағин, тақсир, ана у чавкар отни бирнима қилиб сотмоқ керак, чунки у, Павел Иванович, жуда ярамас от; бунақа от, худо кўрсатмасин, фақат бошга битган бало.

— Ҳа, югуриб бозорга олиб бораман-у, сотиб келаман!


— Азбаройи худо, Павел Иванович, у фақат сиртдан яхши кўринади, холос, ҳақиқатда эса жуда муғомбир от; бунақа отни ҳеч жойда...

— Аҳмоқ! Ўзим қачон сотгим келса ўшанда сотаман. Тагин унинг гап сотиб турганига қаранг! Мен қараб тураман: агар ҳозир бориб темирчини олиб келмасанг ва икки соатда ҳаммасини тайёр қилмасанг, шунақаям таъзирингни бераманки... ўз афтингни танимай қоласан. Бор! жўна!

Селифан чиқиб кетди.

Чичиковнинг кайфи жуда бузилди ва қўлидаги қиличини ерга ит-китиб юборди: бу қилични у керак бўлганда одамларни қўрқитиш учун йўлда олиб юрарди. У чорак соатча овора бўлиб темирчилар билан байлашди, чунки темирчилар, ҳар ердагидек, ўтакетган ярамас кишилар эди, улар ишнинг шошилини эканини билиб, олти баравар ошиқ ҳақ сўрашган эди. Чичиков ҳарчанд қизишиб, уларни муттаҳам қароқчи, йўловчиларни таловчи деб сўкса-да, ҳатто қиёмат ва дўзахдан гапириб кўрса-да, темирчиларга гап таъсир қилмади. Улар айтганимиз айтган деб оёқ тираб тураверишди; улар иш нархини салтушириш у ёқда турсин, ҳатто икки соатлик ишни роса беш ярим соатга чўзишди. Бу вақт давомида Чичиков ҳам ҳар бир сафарга чиққан кишига маълум бўлган ва кўнгилга хуш ёқадиган дақиқаларни кечиришга муяссар бўлди: маълумки, бундай вақтда ҳамма нарса чамадонга солиб қўйилган бўлади, хонада эса фақат ип, қоғоз ва ҳар хил ирвинди-сирвинди сочилиб ётган бўлади. Бу вақт одам на йўлда бўлиб йўлда, на уйда бўлиб уйда қабелидаги аҳволга тушиб қолади, деразадан кўчадаги ўтиб бораётган одамларга қарайди, бу одамлар ўзларининг бир мири-ю ярим тангаларидан гаплашиб боради, бошларини юқори кўтариб аҳмоқларча қизиқиб унга қарашади-да, яна йўлларига кетаверишади, бу эса йўлга чиқолмай хуноб бўлиб турган боёқиш йўловчининг таъбини яна кўпроқ хира қилади. Ҳозир ҳамма нарса, кўзига нимаики кўринса ҳаммаси: дераза рўпарасидаги дўконча ҳам, қаршисидаги уйда турувчи ва пастак дарпардалар тутилиб қўйилган деразага яқинлашиб келувчи кампирнинг боши ҳам — ҳаммаси унга жирканч бўлиб кўринди. Шу кўйича турар экан, у гоҳ хаёл суриб кетар, гоҳ яна қандайдир лоқайд назар билан кўз олдидаги ҳаракатланувчи ва ҳаракатланмовчи нарсаларга қарарди, шу пайт гўнғиллаб, дераза ойнасига келиб урилган бир пашшани жаҳл устида бармоғи билан босиб ўлдирди. Лекин ҳар бир нарсанинг ниҳояси бор; мана орзу қилинган вақт ҳам келиб етди, ҳамма нарса

тайёр бўлди, бричканинг олд томони сошлаб тузатилди, филдиракка янги темир гардиш тортилди, отлар суғорилди, каззоб темирчилар сўлкавойларни санаб ва саломатлик тилаб чиқиб кетишди. Ниҳоят, бричка ҳам қўшилди, янгигина сотиб олинган иккита калач нон ҳам бричкага қўйилди, Селифан ҳам кучер ўтирадиган козла ёнидан бир нималарни олиб чўнтагига солди, сўнгра бизнинг қаҳрамонимиз ҳам бошқа барин йўлга чиққанда ёки бошқа бирон воқиа бўлганда томошага йиғилиб келадиган майхона малайлари, ўзга хизматкорлар ва кучерлар ёнида ўша хонаки қалами сюртугини кийиб турган мусофирхона хизматкори билан шапкасини силкитиб хайрлашди-да, бричкага чиқиб ўтирди, бўйдоқлар миниб юрадиган, шаҳарда бу қадар узоқ туриб қолган ва, балки, китобхонларнинг жонига теккан бу бричка ниҳоят мусофирхона дарвозасидан кўчага чиқди. «Худойим, ўзингга шукур!» деди Чичиков ичида ва чўқиниб олди. Селифан қўлидаги қамчинни шарақлатиб ўйнатди; боятдан бери бричканинг зинасида туриб келган Петрушка ўнг томондан Селифаннинг ёнига чиқиб ўтирди; бизнинг қаҳрамонимиз ҳам грузин гиламчаси устида яхшилаб ўтириб олди, орқасига кўн ёстиқни тираб қўйди, иккита иссиқ калач нонни бурчакка тиқиб қўйди; бричка тош йўлда диркиллаб, тақирлаб ва кўтариб-кўтариб ташлаб юриб кетди; маълумки, бу тош йўлнинг кўтариб-кўтариб ташлайдиган кучи бор эди. Чичиков қандайдир номуайян ҳис билан уйларга, деворларга ва кўчаларга қараб



борарди, улар ҳам гўё диркиллаб-диркиллаб секин орқага кетаётган-дек туюларди ва, ким билсин, ўз умрида яна бирор вақт бу уйларни, деворларни, кўчаларни кўришни унга тақдир насиб қилармикин... Бир кўчага қайрилаётганда бричка тўхташга мажбур бўлди, чунки бутун кўча бўйлаб боши-кети кўринмайдиган кўмиш маросими бораётган эди. Чичиков бошини чиқариб, Петрушкага: сўрагин-чи, кимни кўмишга олиб боришяпти, деб буюрди ва билсаки, прокурорни кўмишга олиб боришаётган экан. У оғир ҳисга ботиб, дарҳол бурчакка бекинди, кўн ёпқични тортиб, пардаларни туширди, бричка шу тарзда тўхтаб турган чоқда Селифан билан Петрушка художўйлик билан бошларидан шляпаларини олиб, жанозага кетаётганлардан ким нимага миниб бораётганига назар солдилар, пиёда ва сувори бораётганларнинг сонини санаб кўрдилар; Чичиков уларга, таниш хизматкорлардан ҳеч бирига қараманглар ва салом берманглар деб буюриб қўйганига қарамай, ўзи ҳам кўн парданинг ойначаларидан қўрқа-писа мўралаб қарай бошлади: ҳамма чиновниклар шляпаларини бошларидан олиб тобут орқасидан бормоқда. У, менинг бричкаمنى кўриб танимасалар эди, деб хавотир ола бошлади, бироқ ҳозир уларнинг бричкага қарайдиган вақти эмас эди. Улар ҳатто, одатда ўликни олиб бораётган чоқда ўзаро сўзлашиладиган ҳар хил тирикчилик ишларидан ҳам гапирмас эдилар. Бу вақт уларнинг фикри-зикри ўзлари билан банд эди; улар, янги генерал-губернатор қанақа бўларкин, ишни қандай бошларкин, бизларни қандай қабул қиларкин, деб ўйлар эди-



лар. Пиёда кетаётган чиновниклар кетидан соябон аравалар борар, улардан бошларига қора сарандоз солиб олган хонимлар мўралаб қарашарди. Хонимларнинг лаб ва қўл ҳаракатидан улар зарур гап билан машғул экани кўриниб турарди; эҳтимол улар ҳам янги генерал-губернаторнинг келишидан сўзлашиб, унинг қандай баллар бериши тўғрисида ўз мулоҳазаларини айтаётгандирлар ва ўзларининг ўша жимжималари-ю, гул безаклари ҳақида қайғураётгандирлар. Ниҳоят, соябон аравалар кетидан бир неча бўш извош қатор бўлиб келди, охири ҳеч нима қолмади; энди бизнинг қаҳрамонимиз яна йўлга тушиши мумкин эди. У кўн пардаларни очди-да, бир оҳ тортиб, чин юрагидан деди: «Мана, прокурор! Яшаб юрди-юрди, охири ўлди кетди! Мана энди газеталарга: қўл остидаги кишиларни ва бутун инсониятни мотамга қўйиб, ҳурматли ватандош, ноёб ота ва вафодор эр вафот қилди, деган сўзларни ва яна ҳар хил гапларни ёзишади; балки, бева қолган хотинлар ва етим қолган болалар зор-зор йиғлашиб, у билан видолашди, деган сўзларни ҳам қўшиб қўйишар; аммо масала яхшилаб текшириб қаралса маълум бўладики, сенинг бўлган турган нарсанг фақат бароқ қошларинг эди, холос». Шу пайт у Селифанга тезроқ ҳайдашни буюрди-да, сўнгра ичида: «Аммо кўмиш маросимига дуч келганим бир ҳисобда яхши бўлди; агар олдиндан ўлик чиқса, мушкулнинг осон бўлади дейишади» деди.

Бу вақт бричка бурилиб ҳолироқ кўчаларга кирган эди; бир оздан кейин фақат узун тахта деворлар кўринди, бу эса шаҳарнинг тамом бўлганлигини билдирар эди. Мана тош йўл ҳам тамом бўлди, мана шлагбаум, шаҳар орқада қолди, яна ҳеч нима йўқ, яна улар йўлда. Яна катта йўлнинг икки томонида чақирим ёғочлари, бекат назоратчилари, қудуқлар, от-аравалар, самоварлари, хотин-халажлари кўриниб турган қорамтир қишлоқлар, карвон саройдан қўлида сули кўтариб югуриб чиққан серҳаракат ва серсоқол карвонсарой эгаси, саккиз юз чақирим йўлни яёв босиб келган ва оёғидаги чипта кавушлари титилиб кетган бир йўловчи, ихчам қилиб қурилган шаҳарчалар ва уларнинг тахтабанд дўкончалари, ун солиб қўйилган бочкалари, чипта кавушлари, калач нонлари ва бошқа қақир-қуқурлари; олабула шлагбаумлар, тузатилаётган кўприклар, ҳар икки томонда чўзилиб кетган поёнсиз саҳролар, помещикларнинг ридвон аравалари, сочма ўқ солинган ва устига фалон артиллерия батареясиники деб



A. A. ARMEN 112

ёзилган яшикни от устида олиб бораётган солдат, саҳроларда кўри-  
ниб турган кўк, сариғ пушталар ва янги қазилган қора тупроқ уюм-  
лари, узоқдан эшитилаётган ашула садоси, қайинларнинг туман ичида  
хира кўриниб турган учлари, узоқларга бориб сўнадиган қўнғироқ  
садолари, пашшадай ғужгон ўйнаб юрган қарғалар ва кўз илға-  
мас уфқ. . . Русия! Русия! мен сени кўриб турибман, ўзимнинг ажой-  
иб гўзал олисимдан сени кўриб турибман; сен қашшоқсан, тарқоқсан,  
маьюссан, сенда санъатнинг жилвадор ажойиб-ғаройиблари билан  
безатилган табиатнинг жилвадор ажойиб-ғаройиблари, ҳамма томон-  
дан кўпдан-кўп деразалари ярақлаб турган баланд қаср ва саройлари  
тоғ қояларига бориб ёпишгандек кўринадиган шаҳарлар, серман-  
зара дарахтлар ва уйларга чирмашиб кетган чирмовуқлар, сув зарра-  
ларини тўзондек сачратиб турган сершовқин шалолалар ранг-баранг  
жилваланиб кўзни қувонтирмайди ва қамаштирмайди; бир-бири ус-  
тига қаланиб кетган ва осмону фалакка етган харсанг тошларга қа-  
рамоқ учун бошни орқага ирғаш лозим бўлмайди; токлар, чирмовуқ-  
лар ва беҳисоб ёввойи қизил гуллар ўраб олган ва бир-бири устига  
қўндирилган пештоқлар орасидан узоқ-узоқларда кумушдек ойдин  
кўкларга юксалиб кетган ҳамиша оппоқ тизма тоғлар порлаб турмай-  
ди. Сенинг ҳамма томонинг очиқ-яланг ва теп-текис; сенинг уйлари  
пастаккина шаҳарларинг текисликда кўз илғамас нуқтадек, белгидек  
қаққайиб туради; ҳеч нима ўз жилваси билан ҳавасни келтирмай-  
ди, кўзни мафтун қилмайди. Лекин қандай ақл етмайдиган, сирли куч  
кишини сенга жазб этади? Нега сенинг ҳамма ерингда — уфқлардан  
уфқларгача; денгизлардан денгизларгача ёйилиб кетган мунгли қўши-  
гинг эшитилади, тинмасдан қулоқларда янграйди? Бу қўшиқда нима  
мунглайди? Бу қўшиқда нима ўзига чорлайди, нима зор-зор йиғлата-  
ди, нима юракларни тимдалайди? Ғамгин бўсалар йўллаётган, кўнгил-  
ни ўзига макон қилишга интилаётган ва менинг қалбим теварагида  
чарх уриб айланаётган бу садолар нима? Эй, Русия! хўш, мендан  
нима истайсан? бизнинг орамизда қандай билиб бўлмайдиган сирли  
боғланиш бор? Сен нега бундай қарайсан? нега сендаги ҳар бир нар-  
са нигорон кўзларини менга тикиб олган? . . . Мен ҳали ҳам батамом  
ҳайрат ичида қимирламай турибман, бошим узра шаррос ёмғир ёғ-  
дираётган оғир ва қора булутлар соябон бўлиб турибди, сенинг  
бепоён кенглигинг олдида фикрим қотиб қолган. Бу бепоён кенглик

нималардан башорат беради? Модомики ўзинг чексиз-бепоён экансан, нега бунда чексиз фикрлар туғилмасин? Модомики сенда қулоч ёзиб ҳаракат қиладиган жой бор экан, нега бунда паҳлавонлар етишмасин? Бу бепоён кенглик мени даҳшат билан қамраб олмоқда, қалбимнинг чуқур жойларида даҳшатли куч билан акс этмоқда; кўзларим фавқулодда куч ҳукми билан порлаб кетди: вой-бўй! ер юзида мисли кўрилмаган нақадар порлоқ, нақадар ажойиб бепоён кенглик! Эй, Русия! . .

— Тўхтат, тўхтат дейман, аҳмоқ! — деб қичқирди Чичиков Селифанга.

— Қилич билан ҳозир каллангни учириб юбораман! — деб бақирди от чоптириб келаётган ва мўйлови бир газ келадиган фельдъегерь.— Жонинг жаҳаннамга кетгур, кўрмадингни пошшолик араваси келаётганини! — Шу гапдан кейин уч от қўшилган арава гумбурлаб ва чанг-тўзон кўтариб зим-ғойиб бўлди.

Йўл! — бу сўзда нақадар ғаройиб, нақадар жозибадор, нақадар тўзал ва муъжизакор куч бор! Бу йўлнинг ўзи нақадар ажойиб: очиқ кун, хазон япроқлар, кузнинг совуқ ҳавоси. . . киши йўл шинелига қаттиқроқ бурканади, шапкани қулоққа бостириб кияди, бурчакка зичроқ ва қулайроқ қисилиб ўтиради! Охирги марта аъзойи бадан бир жунжикиб кетади-да, сўнгра баданга хуш ёқадиган иссиқлик югуради. Отлар чопади. . . Секингина ширин мудроқ босади ва кўзлар юмилади, уйқу аралаш «Қор оқ эмас» қўшиғи, отларнинг пишқириши, филдиракларнинг тақирлаши эшитилади, кейин ёнингдаги кишининг пинжига тиқилиб хуррак ота бошлайсан. Уйқудан уйғониб қарасанг, беш бекат орқада қолиб кетибди; ой чиқибди, нотаниш бир шаҳар, гумбазлари қадимги тахлитда ёғочдан ясалган ва қуббалари қорайиб кетган церковлар, қорамтир ёғоч уйлар ва оқ гиштин уйлар. Ой шуъласи унда-бунда ола-чапоқ бўлиб кўринади: гўё деворларга, тош йўлга, кўчаларга оқ сурп рўмолчалар ёйиб қўйилганга ўхшайди; кўмирдек қоп-қора кўланкалар уларни чаппа-ростасига кесиб ўтади; қиялаб ёруғ тушган тахта томлар металлдек ярқирайди, ҳеч жойда жондан асар кўринмайди — ҳамма уйқуда. Онда-сонда деразадан милтиллаб чироқ кўринади: ё бирон шаҳар мешчани этик тикиб ўтирибди, ё бирон нонвой эрта учун нон пишираётибди—уларга нима? Кечани айтмайсизми! ё тангрим! бундай ҳам кеча бўладими! Ҳавони

айтмайсизми, осмон-чи, узоқ юксак, етиб бўлмайдиган чуқур фазола-ри бепоён, кенг, оҳангдор ва тиниқ осмон-чи! . . — Аммо кечанинг совуқ, соф нафаси юз-кўзингга уради, сени аллалайди, сен мудрай бошла-сан ва қаттиқ уйқуга кетасан, хуррак отасан; сен бурчакка қисиб қўйган боёқиш ҳамроҳинг устига оғирлиқ тушганини сезиб, жаҳл би-лан у ёқ-бу ёққа ағдарилади. Уйғонасан — яна олдинда дала ва саҳ-ролар, ҳеч жойда ҳеч нима кўринмайди, ҳамма жой яланг бўш, яланг очиқ. Чақирим ёғочлари ўз рақамлари билан кўз ўнгидан тез ўтиб боради, тонг ота бошлайди. Оқара бошлаган совуқ уфқда сўник олтин шафақ кўринади; изғирин кучаяди: иссиққина шинелга бурканиб ола-сан! . . нақадар ажойиб совуқ! яна сени уйқу оғушига олади — нақ-дар ширин уйқу! Турткидан яна уйғониб кетасан. Қуёш тепада туриб-ди. «Секинроқ! Секинроқ! — деган овоз эшитилади; арава тикка баландликдан пастга тушмоқда: қуйида кенг тўғон ва кенг ойдин кўл кўринмоқда, кўл қуёшда ойнадай ялтирайди; қишлоқ уйлари тепаликнинг ён бағрида сочилиб кетган; бир четда қишлоқ черкови-нинг тепасидаги бут юлдуздек порлаб турибди; мужикларнинг гангур-гунгур сўзлашгани эшитилади, сенинг бўлса қорнинг оч, иштаҳанг карнай. . . Ё раббий! эй, узоқ, олис йўл, сен баъзан нақадар чиройли бўласан! Неча марта мен ҳалоқ ва фарқ бўлаётган киши сингари сенга сиғиндим, сен ҳам ҳар сафар мени олижаноблик билан қут-қазиб қолдинг! Сен билан борарканман, менда нақадар ажойиб фикр-лар, шоирона хаёллар туғилди ва нақадар ажойиб-ғаройиб таассу-ротлар пайдо бўлди! . . Лекин бизнинг дўстимиз Чичиков ҳам бу вақт асло оддий хаёлларга ботган эмас эди, у ҳам баъзи нарсаларни ҳис қилган эди. Хўш, кўрайлик-чи, у нималарни ҳис қилди экан. Аввал бошда у ҳеч нимани ҳис қилмади, балки ҳақиқатан шаҳардан чиққа-нига ишонмоқ учун фақат орқасига қараб-қараб келди; лекин шаҳар аллақачон кўздан ғойиб бўлганини, темирчилик дўконлари ҳам, те-гирмонлар ҳам, шаҳар атрофидаги бошқа нарса ҳам буткул кўрин-май қолганини, ҳатто гиштин черковларнинг оқ қуббалари аллақачон кўздан ғойиб бўлганини кўргандан кейингина у йўл билан машғул бў-либ, ўнг ва сўлга қарай бошлади, N. шаҳри гўё эсидан бутунлай чиқиб кетгандай, бу шаҳардан у гўё аллақачонлар, болалик чоғларида ўтгандек бўлди. Ниҳоят йўл ҳам уни қизиқтирмай қўйди, у кўзларини секин юмиб, бошини ёстиққа қўя бошлади. Эътироф қилиш керакки,

шундай бўлганига автор ҳатто хурсанд, чунки энди у ўз қаҳрамони тўғрисида сўзлашга фурсат топди, китобхонларга маълумки, бу вақтга қадар унга гоҳ Ноздрев, гоҳ баллар, гоҳ хонимлар, гоҳ шаҳардаги ғиди-бидилар, гоҳ минг хил майда-чуйда нарсалар ҳамиша халақит бериб келди, аммо шуниси ҳам борки, бу минг хил майда-чуйда нарсалар фақат китобга кўчирилгандагина майда-чуйда бўлиб кўринади, халойиқ орасида эса улар ғоят муҳим ҳисобланади. Бироқ энди ҳаммасини бутунлай бир четга йиғиштириб қўйиб, тўғридан-тўғри ўз ишимиз билан шуғулланамиз.

Биз танлаган қаҳрамоннинг китобхонларга манзур бўлганлиги жуда гумон. Хонимларга у ёқмайди, буни қатъий қилиб айтиш мумкин, чунки хонимлар қаҳрамоннинг ғоят мукамал ва беками-кўст бўлишини талаб қилишади, агар унда жиндаккина бирон руҳий ёки жисмоний доғ кўринса борми — балога қолдинг! Автор унинг қалбига нақадар чуқур назар солса-да, унинг образини ойнадан ҳам тозароқ акс этдирса-да, бунга ҳеч қандай аҳамият беришмайди. Чичиковнинг тўлароқдан келганлиги ва ўрта ёшда бўлганлиги унга кўп зиён етказди: қаҳрамоннинг тўлароқ жуссада бўлишини асло кечирмайдилар, жуда кўп хонимлар ундан юзларини тескари ўгириб: «Вой, башараси курсин!» дейдилар. Ҳайҳот! Бу нарсаларнинг ҳаммаси авторга маълум, бироқ шундай бўлса ҳам у хушфазилат одамни қаҳрамон қилиб ололмайди. Лекин... эҳтимол шу қиссанинг ўзида бу вақтга қадар ҳали қўл тегизилмаган баъзи торлар борлиги сезилиб қолар, рус руҳининг битмас-туганмас бойлиги намоён бўлиб кўринар, илоҳий шоншавкатларга эга бўлган бирон мард киши ёки хотин қалбининг бутун ажойиб гўзалликларига, бутун олижаноб ниятлар, фидокорлик туйғуларига эга бўлган ва дунёда мисли кўрилмаган ажойиб бир рус кўз ўнгидан ўтар. У вақтда бошқа қабилаларнинг ҳамма яхши фазилатли кишилари улар олдида, масалан, китоб жонли сўз олдида жонсиз бўлиб кўринганидек, жонсиз бўлиб кўринади. Рус ҳаракати кўзғалади... ва ҳамма бошқа халқларнинг табиатига салгина тегиб ўтган нарсаларнинг славян табиатига чуқур ўрнашганини кўради... Аммо келажакда бўладиган нарса тўғрисида сўзлаб ўтиришнинг нима кераги бор? Қаттиқ ички ҳаёт муҳитида ва ҳушёрлик учун баҳр берадиган узлатда тарбияланган ва аллақачонлар ёши улғайиб қолган авторга ўзини ўспирин бола каби унутиб қўйиш муносиб эмасдир.

Ҳар нарсанинг ўз навбати, ўз ўрни ва ўз вақти бор! Ҳар ҳолда яхши фазилатли киши қаҳрамон қилиб олинмади. Ҳатто нима учун олинмаганлигининг сабабини ҳам айтиш мумкин. Сабаби шуки, энди бу боёқиш яхши фазилатли кишига дам бермоқ лозим; сабаби шуки, «яхши фазилатли киши» деган сўз бекордан-бекорга оғизда чайналиб юрибди; сабаби шуки, яхши фазилатли кишини отга айлантириб қўйишибди ва ҳеч бир ёзувчи йўқки, унга миниб олиб, қамчи билан ва қўлига тушган бошқа нарса билан уни йўртиб ҳайдамасин; сабаби шуки, яхши фазилатли кишини қувиб ҳайдай бериб шу қадар ҳолдан тойдириб қўйишдики, энди унинг фазилатидан асар ҳам қолмади, гавдаси ўрнига фақат суяги билан териси қолди, холос; сабаби шуки, яхши фазилатли кишига мунофиқлик қиладилар; сабаби шуки, яхши фазилатли кишини ҳурмат қилмайдилар. Йўқ, вақти келди, энди муттаҳам кишини ҳам аравага қўшмоқ керак. Бинобарин, мана энди муттаҳам кишини ҳам аравага қўшаётирмиз!

Қаҳрамонимизнинг келиб чиқиши бизга қоронғи ва бу тўғридаги маълумотимиз жуда кам. Унинг ота-онаси дворян эди, лекин наслнасабли дворянми ёки шахсий хизмат дворянними — бунисини фақат кудо билади. Чичиковнинг турқи ота-онасига ўхшамас эди; у онадан туғилганда уларнинг қариндошларидан бири ўша ерда эди, одатда лойхўрак деб аталадиган бўйи пак-дакана бу хотин чақалоқни қўлига оларкан, бирдан қичқириб юборди: «Бу сира мен ўйлаганча эмас-ку! Она томондан бувисига ўхшаши керак эди, шунда яхши бўлар эди, бу бўлса, на онасига, на отасига ўхшамай, ўткинчи отасига дегандек, аллакимга ўхшабди». Ҳаёт аввал бошда унга қандайдир хира ва қор босган деразачадан қарагандек хафагазак ва ғамгин назар билан боқди; болалик чоғида унинг на дўсти бор эди, на ўртоғи! Қичкина деразалари қишда ҳам, ёзда ҳам очилмайдиган кичкина бир хонада турарди, қасалванд отаси, этнида ичига қўзи териси сирилган узун сюртук, оёғида тўқима шиппак, уйда шалпиллаб юриб тинмай уҳ тортар ва ҳар замон бориб бурчакдаги қумдонга тупурарди: у қўлига пат қалам ушлаб бармоқлари, ҳатто лабларини сиёҳга бўяган ҳолда доимо курсида ўтирарди ва кўз-ўнгида доимо бу сўзлар ёзиғлиқ турарди: «Елғон гапирма, ўзингдан катталарнинг сўзига қулоқ сол ва кўнглингда ҳамиша яхшилиқни ўйла»; уйда шиппакларнинг доимий шалп-шалпини ва ҳамиша отасининг: «Яна қилиқ қилдингми!» деган жаза-

вали товушини эшитарди: у ҳадеб бир ишни қилавериб зериккач, ҳарфнинг устига ёки остига бирон гажак ёки қуйруқ ясаганда отасининг шундай зардали товушини эшитар ва бу сўзлардан кейин ҳамиша таниш, ҳамиша ёқимсиз бир нарсани ҳис қиларди: отаси орқа томондан бармоқларини узатиб, тирноқлари билан унинг қулоғининг четидан ушлаб жуда қаттиқ бурарди: унинг дастлабки болалик чоғида кўрган кунлари ана шундан иборат эди ва бу кунларни у эс-эс биларди, холос. Лекин ҳаётда ҳамма нарса жуда тез ўзгаради; кунлардан бир кун, баҳор қуёши дастлабки нурларини сочган ва ҳамма жой селу селобга тулган чоқда, отаси ўғлини олиб аравага минди-да, йўлга чиқди, аравага асб жаллоблар орасида зағизгон номи билан машҳур бўлган олақашқа саман от қўшилган эди, аравани кичкина букир бир киши ҳайдаб борарди, у Чичиковнинг отасига қарашли бирдан-бир крепостной оиланинг катта отаси эди, уйда деярли ҳамма вазифаларни ўша бажарарди. Зағизгон уларнинг аравасини бир ярим кундан ошиқ судраб борди; йўлда тунадилар, дарёдан кечдилар, совуқ балиш ва қовурилган қўй гўшти билан тамадди қилдилар, фақат учинчи кун деганда, эрта билан шаҳарга бордилар. Боланинг кўзига шаҳар кўчалари кутилмаган даражада ҳашамдор бўлиб кўринди ва оғзи очилганча бир неча минут анғрайиб қолди. Сўнгра зағизгон арава билан бирга шўлпиллаб балчиқ босиб ётган бир чуқурга тушди, тикка пастга қараб кетган ва лой тўлиб ётган тор кўча шу балчиқли чуқурдан бошланарди; зағизгон кучи борича зўр бериб, букир аравакаш ва хўжайиннинг нуқтови билан балчиқ кеча-кеча ниҳоят, уларни тепалик ён бағрида турган кичик бир ҳовлига судраб борди; бу ерда, эски бир уй олдида гуллаб турган икки олма дарахти, унинг орқасида эса четан ва қорағат дарахтларидан иборат кичкина бир боқча бор эди, боқчанинг ичкарасида ёғочдан ясалган, усти юпқа тахта билан ёпилган, энсиз кичкина хира деразали бир будкача бор эди. Бу уйда Чичиковларга қариндош бўлган, қартайиб мўнкиллаб қолган бир кампир турарди; бу кампир ҳали ҳам ҳар эрталаб бозорга борар ва қайтиб келгандан кейин пайпоқларини самоварга тутиб қуритарди. Кампир ҳар замон боланинг юзларини сийпалаб қўярди ва унинг тўлагина гавдасига меҳр билан боқарди. Бола шу уйда қолиши ва ҳар куни шаҳар мактабига бориб ўқиши керак эди. Отаси бир кеча ётиб, эртаси куни йўлга отланди. Ўғли билан хайрлашганда унинг кўзларидан оталик ёш-



лари тўқилмади; ўғлига харажат учун ярим сўм чақа, бир оз ширинлик ва энг муҳими ақлли насихатлар берди: «Эҳтиёт бўл, Павлуша, ўқи, тентаклик қилма ва тентираб юрма, айниқса муаллимларнинг ва бошлиқларнинг раъйига қараб иш тут, уларга ёқадиган бўлишга тириш. Бошлиқнингга ёқадиган бўлсанг — бўлди, дарсдан ёмон бўлсанг ҳам, худо сенга қобилият бермаган бўлса ҳам ишинг юришиб кетаверади ва ҳаммадан ўтиб кетасан. Уртоқларинг билан юрма, улар сенга яхши нарса ўргатмайди; агар юрадиган бўлсанг, бойроқ болалар билан юр, токи лозим бўлганда улардан сенга манфаат тегадиган бўлсин. Ҳеч кимни ҳеч нима билан зиёфат қилма, яхшиси сен ўзингни шундай тутки, бошқалар сени зиёфат қилсинлар, айниқса ҳар бир тийинни асраб йиғиб бор: дунёда энг ишончли нарса шу. Уртоғинг ёки ошнанг сени алдайди, бошга кулфат тушганда биринчи сени тутиб беради, аммо тийин бўлса, ҳар қандай кулфат тушганда ҳам сени тутиб бермайди». Шундай панд-насихатлар бергандан ке-

Йин ота ўғли билан хайрлашди ва яна зағизғон қўшилган аравасига миниб уйига жўнади; шу кундан эътиборан бола отасини қайта кўрмади, аммо унинг сўзлари ва панд-насиҳатлари кўнглида чуқур жойлашиб қолди.

Павлуша эртаси кундан мактабга қатнай бошлади. У ҳеч бир фанда алоҳида қобилият кўрсата олмади; унинг фақат тиришқоқлиги ва озодалиги бор эди; аммо бошқа бир томондан, амалий томондан унинг ақли зўр бўлиб чиқди. У бирдан масаланинг тагини тушуниб, ўртоқларининг пинжигга кириб олди, ўртоқлари уни зиёфат қила бошладилар; у ўртоқларини зиёфат қилиш у ёқда турсин, ҳатто улардан зиёфат тариқасида олган нарсаларни бекитиб, кейин яна уларнинг ўзларига сотар эди. У болалик чоғидаёқ ўз нафсини тийиб, пул жамғариш ҳирсига тушган эди. Отаси берган ярим сўмдан бир тийин харажат қилмади, аксинча, ўша йилиёқ ниҳоятда эпчил ва уддабуронлик ҳунарини кўрсатиб, устига пул ортдирди; у мумдан тўрғай ясаб, бўяди ва яхши баҳо билан сотди. Сўнгра бирмунча вақт бошқа хил чайқовчилик қила бошлади: бозордан ейдиган нарсалар сотиб оларди, синфда бойроқ болаларнинг ёнида ўтирарди, бирор боланинг очликдан кўнгли озиб кетаётганини пайқаб, гўё билмаган бўлиб, дарров скамейка остидан унга пряник ёки булканинг четини кўрсатиб қўярди, боланинг ҳавасини келтириб, пряник ёки булкани унга сотар, иштаҳасига қараб пулини оларди. У ётган уйида икки ой тинмай сичқон ўргатиш билан овора бўлди, бир сичқонни тутиб олиб, кичкина ёғоч қафасга солиб қўйди ва ҳар куни уни машқ қилдирди, ахири сичқонни орқа оёқларида тикка турадиган, буюрганга ётадиган қилди ва сўнгра уни жуда қиммат нарх билан сотди. Пули беш сўмга етганда халтачани маҳкам тикиб қўйди ва бошқа халтачага пул йиға бошлади. Мактаб бошлиқларига у янада ақллироқ муомала қиладиган бўлди. Ҳеч ким скамейкада унингдек ювош ва ҳалим-ҳазим бўлиб ўтиролмас эди. Шунини ҳам айтмоқ керакки, муаллим талабанинг жим ўтиришини ва ҳалим-ҳазим бўлишини жуда яхши кўрарди, ақлли ва ҳозиржавоб болаларни жиндан бадтар ёмон кўрарди; бундай болалар мени албатта масхара қилиб куладилар, деб ўйларди. Бирон бола сал ҳозиржавоблик қилса, ўрнидан сал қимирлаб қўйса ёки билмасдан қошини сал учирса — бўлди, у дарров ғазабга олинарди. Муаллим унга зулм қилар ва аёвсиз жазоларди. Мен, биродар, сенинг димоғ-

дорлигингни ва итоатсизлигингни бурнингдан сиқиб чиқараман! — деяр эди у. — Мен сени мирингдан-сиринггача биламан, сен ўзингни ўзинг бунчалик билолмайсан. Сени тиз чўктириб ўтқизиб қўяман, шуни билиб қўй! Қараб тур, шунақаям оч қолдирайки сени!» Шундан кейин боёқиш бола лоқал сабабини ҳам билмасдан, тиззаларини уқалар ва кунлаб оч ўтирарди. «Қобилият, истеъдод? булар ҳаммаси бўлмагур гап! — деяр эди муаллим, — мен фақат ўтириш-туришга, ахлоққа қарайман. Агар бирон бола алифни ҳам билмаса-ю, аммо ўзини жуда яхши тутса, ўшанга ҳамма дарслардан беш қўяман; лекин борди-ю, бирон болада ёмон ҳаракатни ёки қизиқчилик қилишни кўриб қолгудай бўлсам, агар у Солонга<sup>1</sup> сабоқ берадиган бўлса ҳам, мен унга фақат нуль қўяман!» Муаллим шундай деяр эди; Крилов: «Менга қолса, майли ич-у, фаҳм-фаросатли бўл!» дегани учун у Криловни улгудек ёмон кўрарди. У ҳамиша юз ва кўзларида қувноқ ифода билан бундай дерди: «Мен илгари дарс берган мактабда шундай жимжитлик бўлар эдики, ҳатто пашша учса эшитиларди; ўқувчилардан биттаси ҳам йил бўйи синфда йўталмас ва бурнини қоқмас, қўнғироқ чалинганга қадар синфда одам бор-йўқлиги билинмас эди». Чичиков бошлиқнинг руҳини ва ахлоқ нимадан иборат бўлишини пайқаб олди. Синфда ўртоқлари унинг орқасидан қанча чимчиласалар ҳам у ёқ этмасдан, мижжа ҳам қоқмасдан ва қошини ҳам қимирлатмасдан ўтираверарди; қўнғироқ чалиниши билан у югуриб бориб муаллимга ҳаммадан олдин қулоқчинини олиб берарди (муаллим қулоқчин кийиб юрарди); қулоқчинни бергач, ҳаммадан бурун синфдан югуриб чиқарди-да, йўлда камида уч марта муаллимга кўриниш беришга ва ҳар сафар шапкасини бошидан олишга ҳаракат қиларди. Бу иши билан у жуда катта муваффақият қозонди. Мактабда ўқиган чоғида ҳамиша энг яхши ўқувчи ҳисобланди; мактабни битирганда ҳамма фанлардан аъло баҳога лойиқ кўрилди, унга аттестат



<sup>1</sup> Солон (эрамиздан илгари VII—IV асрлар) — Афина давлат арбоби: «етти грек донишманди»дан бири ҳисобланарди.

ҳамда қунт билан намунали ўқиганлиги ва ахлоқи яхши бўлганлиги учун деб олтин ҳарфлар билан ёзилган китоб берилди. Мактабни биттириб чиққанда у энди савлати келишган ва соқол-мўйлови майса бўлиб, устара талаб қилиб қолган навқирон йигит эди. Шу вақт унинг отаси ўлди. Қийилиб адо бўлган тўрт фуфайка, ичига қўзи териси сирилган икки эски сюртук ва бир оз пул унга мерос қолди. Афтидан, отаси тийинлаб пул йиғиши ҳақида фақат маслаҳат беришга уста бўлган, ўзи эса тийинлаб жуда оз пул йиғган. Чичиков шу ондаёқ эски ҳовлини ва унинг ёнидаги озгина ерни минг сўмга сотди, хизматкорларнинг оиласини эса шаҳарга кўчирди, чунки унинг ўзи ҳам шаҳарда туриб, хизматга кирмоқчи эди. Худди шу пайт, жимжитликни ва аъло даражадаги ахлоқни яхши кўрадиган бечора муаллим, ўз аҳмоқлиги ёки бошқа бирон айби сабаб бўлиб мактабдан ҳайдалди. У ғамдан ича бошлади; охирда шундай бўлдики, ичишга пули ҳам қолмади; ўзи касал, ейдиган бир бурда нони йўқ ва ёрдам берадиган кишиси йўқ—шу аҳволда у қаердадир одам қарамайдиган совуқ бир каталакда кўзга кўринмай ётиб қолди. Унинг илгариги ақлли ва ҳозир жавоб ўқувчилари, яъни муаллим итоатсиз ва димоғдор деб хаёл қилиб юрган ўқувчилар ўз муаллимларининг бундай аянч аҳволда ётганини эшитиб дарҳол, ҳатто кўпгина керакли нарсаларини сотиб, унга пул йиғдилар; фақат биргина Павлуша Чичиков йўқликни баҳона қилиб, бир мирилик кумуш танга берди; ўртоқлари шу замон тангани унинг юзига отиб: «Э, хасис!» дейишди. Бечора муаллим собиқ ўқувчиларнинг бундай иш қилганини эшитиб, қўллари билан юзини бекитди; ожиз ва кимсасиз етим боладек, сўниб қолаёзган кўзларидан селдай ёш оқизиб йиғлади. «Ўлим тўшагида ётганимда худо мени зор қақшатиб йиғлатди» деди у заиф товуш билан ва Чичиковнинг қилиғини эшитгач, оғир хўрсиниб деди: «Эҳ, Павлуша! мана одам қандай ўзгарар экан! қандай хушахлоқ бола эди, ҳеч шўхлик қилмас эди, ипакдай майин эди! Алдади, ёмон алдади. . .»

Бироқ қаҳрамонимизнинг табиати жуда қаттиқ ва дағал эди, унинг ҳислари раҳм-шафқатни ҳам, ғам-кулфатни ҳам сезмайдиган даражада тўпослашиб кетган эди деб бўлмайди; у буларнинг ҳар иккаласини ҳам сезарди, унинг ҳатто ёрдам қилиш нияти ҳам бор эди, лекин бу ёрдам кўп пулдан иборат бўлмаслиги керак эди, қўл тегизмаслик керак, деб йиғиб қўйилган пулга қўл тегиз-

маслик керак эди; қисқаси, отасининг ҳар бир тийинни асраб йиғиб бор, деган насиҳатини ўрнига қўймоғи керак эди. Лекин унда аслда пул учун пулга ҳирс қўйиш фикри, ўтакетган зиқналик ва хасислик фикри йўқ эди. Йўқ, бундай нарсалар уни ҳаракатга келтирмас эди, у ҳамма нарсага бой-бадавлат бўлиб, бекаму-кўст ҳаёт кечиришни хаёл қилар эди; унинг хаёлида доимо гумбур арава, данғиллама уй, лаззатли таомлар кезар эди. Унинг бутун орзу-умиди келажакда, кейинчалик бориб-бориб ана шу нарсаларга албатта эга бўлишда эди, тийинлар ҳам ана шунинг учун йиғиларди, унинг маълум вақтгача ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам хасислик қилиши ана шунинг учун эди. Қайишлари, жабдуқлари, юганлари, қуюшқонлари чиройли қуббалар билан безатилган чопқир отлар қўшилган серҳашам извошда совлат тўкиб ўтирган бадавлат киши унинг ёнидан елдиримай ўтиб кетганда, у турган жойида данг қотиб қоларди ва сўнгра узоқ уйқудан кейин аранг кўзини очгандек, ўзига келиб: «Бу киши гирдиғум соч қўйиб конторада хизмат қилиб юрар эди-ку!» дер эди. Давлат — молу дунё бўлиб кўринган ҳамма нарса унда қаттиқ таассурот қолдирарди ва бунинг тагига ўзи ҳам тушуниб етолмас эди. У мактабни битириб чиққандан кейин ҳатто дам олишни ҳам истамади: у тезроқ хизматга кириб иш бошлашга жуда муштоқ эди. Бироқ, мақтов қоғозлари ва аттестати бўлишига қарамай, у зўрға пошшолик маҳкамасига ишга кирди. Узоқ жойларда ҳам ҳимоячисиз ишинг битмас экан! Унга маоши йилига ўттиз ёки қирқ сўмдан ошмайдиган жуда кичкина бир вазифа берилди. Лекин у қизғин ишга киришиб, ҳамма нарсани еңгишга ва ҳамма тўсиқларни йўлидан олиб ташлашга аҳд қилди. Ҳақиқатан ҳам у кўз кўрмаган ва қулоқ эшитмаган даражада фидокорлик, сабр-қаноат кўрсатди. Эрта саҳардан то кеч оқшомгача у на руҳий ва на жисмоний чарчашни билмасдан, идора қоғозлари ичига кўмилиб, ёзган ёзган эди; уйига бормасдан, идорада қолиб столда ётарди; баъзан маҳкама қоровуллари билан бирга ўтириб овқат қиларди; аммо шунда ҳам у ўзини озода тутар, одамшаванда кийинар, юзига ёқимли ифода берар, ҳатто ҳаракатларига ҳам бир нав олижаноблик ифодасини бера оларди. Шунинг ҳам айтмоқ керакки, маҳкама чиновникларининг кўримсиз ва бадбашара кишилар эканлиги яққол кўзга ташланиб турарди. Баъзиларининг юзи худди тандирдан бузилиб чиққан тушук нонга ўхшарди: юзи дўмбайиб бир томонга, жағи лўмпайиб иккинчи

томонга қийшайиб кетган, юқори лаби дўрттайиб чиққан ва бунинг устига тағин порсиллоқ боғлаб ёрилиб кетган, қисқаси, жуда хунук эди. Гаплари қўрс эди, улар худди бировни урмоқчи бўлгандек қаттиқ вағиллаб гапирар эдилар; Вакхга<sup>1</sup> тез-тез қурбонлик қилиб турардилар ва бу билан славянлар табиатида ҳали кўпгина бутпарастлик қолдиқлари борлигини кўрсатардилар; баъзан ҳатто маҳкамага қиттак-қиттак ичиб келардилар, бундан эса маҳкаманинг таровати ва ҳаваси бузилар эди. Бундай чиновниклар орасида Чичиков кўзга ташланмасдан қолмас, чунки у ҳар жиҳатдан уларга сира ўхшамас эди. Турқ-таровати, ёқимли товуши ва ҳеч қандай ичкилик ичмаслиги билан улардан буткул ажралиб турар эди. Лекин шундай бўлишига қарамай, унинг бораётган йўли қийин эди; у жуда қартайиб қолган бир ишлар мудирининг қўли остида ишлар, бу мудир тошдай қотиб қолган, ҳис-туйғусиз бир киши бўлиб, ҳеч нимаи сёзмас ва ҳеч нимадан таъсирланмас эди; у ҳамиша қош-қовоғини солиб, бездек бўлиб ўтирарди, умрида бир марта ҳам илжайган эмас, ҳатто умрида бирон марта одамнинг соғ-саломатлигини сўраган киши эмас эди. Ҳеч ким унинг лоақал кўчада, лоақал ўз уйида ақалли бирон марта бошқача тусга кирганини кўрган эмас эди; лоақал бирон нимада қатнашса-чи, лоақал ичиб маст бўлса-чи ва мастлигида бирон бор кулса-чи; лоақал маст бўлган чоғида ваҳшийларча қийқириб куладиган қароқчи сингари бир мартагина қаттиқ қичқирса-чи,— бундай нарсалардан унда асар ҳам йўқ эди. Унда мутлақо ҳеч нима йўқ эди: на ёмонлик бор эди ва на яхшилик; унда бундай нарсаларнинг йўқлиги эса даҳшатли бўлиб кўринарди. Унинг тошдек шуурсиз юзи бошқа ҳеч бир юзга ўхшамасди, бу юзда яққол кўзга ташланадиган ҳеч бир ўхшовсизлик йўқ эди; юзининг ҳамма ифодалари бир-бирига без бўлиб мослашиб тушган эди. Фақат ҳамма жойни уйдимчуқур қилиб кетган қалин чўтирлар



<sup>1</sup> Вакхга қурбонлик қилиб туриш — мажозан ичкиликбозлик, майхўрлик қилиш демакдир: Вакх қадимги юнон мифологиясида узум ва май худоси.

унинг юзини, халқ эътиборича, кечалари шайтон келиб нўхат туйиб кетган юзларга ўхшатиб қўйган эди. Бундай одамнинг кўнглига йўл очиб, ўзига мойил қилишга ҳеч бир инсоннинг кучи етмагандек бўлиб туюларди, лекин Чичиков уриниб кўрди. Аввал у назарга илинмайдиган ҳар хил майда-чуйда ишлар билан бунинг кўнглини топмоқчи бўлди: у мудирнинг хат ёзадиган пат қаламларини ўзи қандай учлашига диққат билан разм солиб турди, сўнгра бир неча қаламни худди ўша тахлитда учлаб, унинг олдига келтириб қўйди ва ҳар сафар шундай қиладиган бўлди; унинг столи устидаги чанглар ва тамаки кукунларини пуфлаб тозалади ва артиб турди; сиёҳдонни артиш учун янги латта келтириб қўйди; қаердандир унинг ифлосликда дунёда тенги бўлмаган хунук шапкасини қидириб топди ва ҳар сафар маҳкамада иш тамом бўлишига бир минут қолганда, шапкани унинг олдига келтириб қўядиган бўлди; агар у орқасини деворга суйкаб оқартириб қўйган бўлса, орқасини тозалаб қўярди, лекин мудир бу ишларга қатъиян аҳамият бермас, унинг учун гўё бу ишлар мутлақо бўлмагандек эди. Ниҳоят, Чичиков унинг уй ичига, оилавий ҳаётига кўз ташлади, билсаки, унинг балогатга етган қизи бор экан ва қизнинг юзи ҳам гўё кечалари нўхат туйилган юзга ўхшар экан. Чичиков ҳужумни шу томондан бошлаш фикрига келди. Якшанба кунлари қизнинг қайси черковга боришини билиб олди ва ҳар якшанба кунни тоза кийиниб, манишкасини яхши крахмаллаб, черковга борадиган ва қизнинг рўпарасида турадиган бўлди; бу иши ҳақиқатан муваффақиятли бўлиб чиқди: бадқовоқ ишлар мудирни сал очилгандай бўлди ва бир кун уни уйига чой ичишга чақириб қолди! Охирида ишлар шунақа юришиб кетдики, маҳкама чиновниклари гапдан хабардор бўламан дегунча, Чичиков унинг уйига кўчиб борди, унинг учун энг зарур ва керакли одам бўлиб қолди, бозорга бориб уларга ун ва қанд сотиб олиб келадиган бўлди, унинг қизи билан ўз қаллиғидек муомала қиладиган, мудирни отажон дейдиган ва қўлини ўпади-



ған бұлди; маҳкамадагиларнинг ҳаммаси, февралнинг охирида катта рўза олдидан тўй бўлади, деб фараз қилишди. Бадқовоқ мудир ҳатто бошлиқлар олдига бориб унга тузукроқ иш беришни илтимос қилди ва орадан бир оз вақт ўтгач, Чичиков ўзи янги очилган бўш бир ўринга ишлар мудирни бұлди. Мазмуни унинг кекса мудир билан алоқа қилишидан асосий мақсади ҳам шу эди; чунки ўша кунидек у ўз сандуғини яшириқча бошқа бир уйга юборди ва эртаси кунини ўзи ҳам ўша уйга кўчиб кетди. Кекса мудирни энди отажон демай қўйди ва қўлини ҳам ўпмайдиган бұлди; тўй масаласи эса бутунлай сувга уриб кетди ва қайтиб тилга ҳам олинмади. Бироқ кекса мудирни учратганда ҳамиша одоб билан унинг қўлини қисар ва уйига чой ичишга чақирарди; кекса мудир ҳам доим тошдек қотиб ва без бўлиб ўтиришига қарамай, ҳар сафар бошини қимирлатиб қўяр ва димоғи билан пинғиллаб: «Алдади, алдади, шайтонвачча!» деярд эди.

Чичиков ҳатлаб ўтган энг қийин бўсаға шу эди. Шундан кейин унинг ишлари муваффақият билан осон юришиб кетди. У кўзга кўринарли одам бўлиб қолди. Бу дунё учун керакли нарсаларнинг ҳаммаси унда муҳайё бўлди қолди: ширин сўз, ёқимли юриш-туриш, чаққон ва ўктам иш тутиш! Шундай воситаларни ишга солиб, сал вақт ичида у сердаромад ўрин топиб олди ва бу ўриндан аъло даражада фойдаланди. Шуни ҳам билмоқ керакки, бу вақтда порахўрлик жуда қаттиқ таъқиб қилина бошлаган эди; лекин Чичиков таъқибдан қўрқмади, балки уни дарҳол ўз фойдасига қаратиб олди ва шу йўсинда фақат заптга олиб қисиш вақтида юз берадиган рус ихтирочилигини кўрсатди. У ишни бу тартибда кўрган эди: маҳкамага арз билан келган киши қўлини чўнтагига солиб Русияда чоми кетган Порахон тўра қўл қўйиб берган маълум тавсияномани чиқармоқчи бўлганида, Чичиков дарҳол табассум билан унинг қўлини тутиб: «Йўқ, йўқ, сиз ўйлайсизки, мен... йўқ, йўқ. Бу бизнинг бурчимиз, бу бизнинг вазифамиз, буни биз ҳеч қандай мукофот олмасдан бажаришимиз керак! Бу томондан хотиржам бўлинг, эртагаёқ ҳаммаси бажарилади. Қаерда туришингизни билишга рухсат этинг, сиз овора бўлиб юрманг, ҳаммаси тайёрланиб уйингизга олиб бориб берилади» деярд эди. Арз билан келган киши қойил қолиб, қувончи ичига сиғмай уйига қайтар ва: «Одам деган мана шунақа бўлса-

да, қани энди шунақа одамлардан кўпроқ бўлса, бу фақат бебаҳо гавҳар!» деб ўйларди. Лекин арзгўй бугун кутар, эрта кутар — ишни уйга олиб келишмас, учинчи кун ҳам кутар — тагин ишдан дарак йўқ. Маҳкамага бориб мирзалардан суриштира — иши ҳали ҳам бошланмабди; кейин у бебаҳо гавҳарнинг олдига кирарди. «Оҳ, кечирасиз, — дерди Чичиков одоб билан унинг икки қўлини ушлаб: — ишимиз жуда кўпайиб кетди; лекин эртагаёқ ҳаммаси бажарилади, эртага албатта, тўғриси, ўзим ҳам хижолат бўлиб қолдим.» Бу гапларнинг ҳаммаси ақлни олувчи ҳаракатлар билан айтиларди. Агар бу вақт унинг халатининг этаги очилиб қолса, у дарҳол этагини тутатиб қўли билан тутишга ҳаракат қиларди. Лекин эртаси ҳам, индини ҳам, ундан кейин ҳам иш уйга келмас эди. Охири арзгўйнинг ақли ўзига келарди: ҳа, бу ерда бир гап борга ўхшайди-ку? Бориб ишдан хабар оларди; мирзаларга бир нима бериш керак, дейишади. «Мен бермайман деганим йўқ-ку! Албатта бериш керак! Мен танга миридан беришга розиман». — «Йўқ танга мири кам, бир оқ қоғоздан<sup>1</sup>». — «Мирзаларга бир оқ қоғоздан!» — дейди қичқириб арзгўй. «Сиз нега мунча қизишасиз? — деб жавоб беришади унга. — Ўзи ҳам сиз айтганча бўлиб чиқади: мирзаларга танга миридан тегади, қолгани бошлиқларга кетади». Бефаҳм арзгўй қўлини шартта пешонасига уради ва янги тартиб-интизомни — порахўрликнинг таъқиб қилинишини, чиновникларнинг назокатли ширин забон муомалаларини авра-астар қилиб сўқади. Илгари ҳеч бўлмаганда нима қилишингни билардинг киши: тепасида турган каттасига битта қизил қоғозни<sup>2</sup> келтириб қистирсанг, ишинг битиб кетаверарди; энди бўлса ҳар қайсига бир оқ қоғоздан берасан-у, то гапнинг тагини тушунгунингча яна бир ҳафта овора бўласан; жин урсин-э шунақа тама қилмасликни-ю, чиновникларнинг шунақа олижаноблигини! Арзгўйнинг гапи тўғри, албатта; лекин энди порахўрлик йўқ: иш бошида турган катталарнинг ҳаммаси энг ҳалол, покиза ва энг олижаноб кишилар, фақат котиблар билан мирзалар товламачи. Тез орада Чичиков учун яна кенгроқ фаолият соҳаси очилди: қандайдир жуда катта пошшолик биноси қуриш учун комиссия тузилди. Бу комиссия-

<sup>1</sup> Оқ қоғоз — 25 сўм.

<sup>2</sup> Қизил қоғоз — 10 сўм.

га Чичиков ҳам суқилиб олди ва унинг энг фаол аъзоларидан бири бўлди. Комиссия дарҳол ишга киришди. У олти йил бинонинг атрофида айланди; лекин иқлим халақит бердими ёки материал ёмон бўлди, ҳайтовур, пошшолик биноти фундаментдан асло юқори кўтарилмади. Ҳолбуки шаҳарнинг нариги томонида комиссиянинг ҳар бир аъзоси гражданча архитектура билан ўзига биттадан данғиллама уй қуриб олди; афтидан, у ернинг тағзамини яхшироқ экан-да. Комиссия аъзолари роҳат-фароҳатда яшаб, оилалик, бола-чақалик бўла бошладилар. Чичиков ҳам фақат шундагина чидаш, қаноат қилиш, нафсини тийиш ва ўзини аёвсиз қийнаш каби қаттиқ қонунлар ҳукмидан аста-секин чиқа бошлади. Ниҳоят, ана шундагина у узоқ йиллар давом этган рўза тутгандай, тўйиб овқат емасликни бир оз тарк қилди; шунда унинг ҳар хил лаззатдан ва яхши маишатдан ҳамма вақт воз кеча бермаслиги маълум бўлди; ёшлик-ғурурлик йилларида бундай нарсалардан ўзини тийиши мумкин эди, чунки бундай вақтда ҳеч киши ўз ўзига ҳоким бўлолмас эди. У ҳатто баъзи ортиқча зеб-зийнатга бино қўя бошлади: яхши ошпаз сақлаб, ҳар хил лаззатли таомлар ейдиган бўлди, голландча нафис кўйлақлар сотиб олди. Шунақа бир мовут сотиб олиб кийим тикдирдики, бутун губернияда бунақа мовутдан кийим кийган киши йўқ эди, у шу вақтдан бошлаб усти хол-хол жигар ранг либос киядиган бўлди. Бир жуфт чопқир от қўшилган тумбур арава сотиб олди ва жиловининг биттасини ўзи ушлаб, ёндан қўшилган отни ғижинглаб йўртадиган қилди; шу вақтдан бошлаб атир аралаштирилган сувга мочалкани хўллаб баданини артадиган одат чиқарди; баданининг терисини силлиқ қилиш учун хийли қиммат турадиган қандайдир бир совун ҳам сотиб олди; шу вақтдан бошлаб...

Бирдан илгариги ландавур бошлиқ ўрнига янги бошлиқ юборилди; бу бошлиқ жуда каттиққўл ҳарбий киши эди, порахўрларнинг ва ноҳақлик деб аталадиган ҳамма нарсанинг душмани эди. Келган кунининг эртасигаёқ у ҳаммани зириллатди, ҳисобот талаб қилди, ҳисоботда талон-торожларни, ҳар бир қадамда катта-катта пулларнинг етишмаслигини топди, шу ондаёқ гражданча архитектура билан чиройли қилиб солинган уйларга кўзи тушди, тафтиш-текшириш бошланиб кетди. Чиновниклар амалдан туширилиб, ишдан олинди; гражданча архитектура билан солинган уйлар пошшолик мулки қи-

линиб, турли худойихона биноларига ва колонистлар мактабига<sup>1</sup> айлантирилди. Комиссиянинг ҳамма аъзолари тум-тарақай тарқатиб юборилди, Чичиков ҳам улардан бадтарроқ бўлди. Унинг юзи ёқимли бўлишига қарамай, негадир янги бошлиққа бирдан ёқмади,— бунинг сабабини худо билади, баъзан эса ҳатто бунинг сабаби ҳам бўлмайди,— бошлиқ уни ўлгудек ёмон кўриб қолди. Бу раҳмсиз бошлиқ ҳаммани зир югуртирадиган даҳшатли бало бўлди. Лекин у ҳар ҳолда ҳарбий киши эди, бинобарин, гражданлик ҳийла-найрангларининг ҳамма нозик томонларини билмас эди, шу сабабдан орадан бирмунча вақт ўтгач, бошқа чиновниклар ташқи кўринишлардан тўғри одамга ўхшашлари ва ҳамма нарсага усталик билан уйғунлаша билишлари натижасида унинг пинжига кириб олдилар ва тез орада генерал янада ёмонроқ товламачиларнинг қўлига тушиб қолди, ҳолбуки генерал уларни асло товламачи деб ҳисобламас эди; у ҳатто, мана энди кўнгилдагидек яхши одамларни танлаб олдим, деб хурсанд бўлди ва одамларнинг қобилиятини билишга ниҳоятда устаман, деб ростакамига мақтаниб ҳам юрди. Чиновниклар бирдан унинг руҳини ва феъл-атворини билиб олдилар. Унинг қўл остидаги кишиларнинг ҳаммаси ноҳақ ишларни аёвсиз таъқиб қиладиган бўлиб қолдилар; балиқчи қўлига чангак ушлаб гўштдор белуга балиқни қувиб юргани сингари, улар ҳам ҳамма жойда ноҳақ ишларни таъқиб қилдилар ва шундай муваффақият билан таъқиб қилдиларки, оз вақт ичида ҳар бирининг қўлида бир неча мингдан капитал тўпланди. Бу вақт эски чиновниклардан кўпи ҳақиқат йўлига кирди ва янгидан хизматга қабул қилинди. Аммо Чичиков нақадар тиришиб ҳаракат қилса-да, ҳеч қандай йўл билан генералнинг пинжига киролмади, генералнинг биринчи қотиби Порахон тўранинг далдаси билан Чичиковнинг ёнини олиб, генерални нақадар авраса-да, генералнинг жиловини қандай тутиш кераклиги бобида мукамал касб этган ҳунарларини нақадар ишлатиб кўрса-да, ҳеч иш чиқаролмади. Генерал шундай одам эдики, гарчи уни алдасалар ҳам (лекин у буни билмас эди), агар бошига бир фикр келиб қолса, бу фикр қоқилган михдай унинг миясида қаттиқ ўрнашиб қоларди ва кейин уни ҳеч чиқариб бўлмас эди. Ақлли қотибнинг қўлидан келган бутун иши шу

---

<sup>1</sup> Колонистлар мактаби — бошланғич ҳарбий мактаб.

бўлдики, Чичиковнинг ёмонлаб ёзилган хизмат варақасини йўқ қилдирди, бунга у, Чичиковнинг бадбахт оиласи бошига тушган ачинарли кулфатларни жонли бўёқлар билан тасвирлаб, бошлиқнинг раҳмини келтиргани туфайли эришди, ҳолбуки Чичиковнинг бахтига унинг ҳеч қандай оиласи йўқ эди.

«Ҳай, майли,— деди Чичиков ўз-ўзига:— бир осилиб кўрдим — бўлмади, йиқилдим — кўргулик. Кўз ёши билан дардга даво қилиб бўлмайди, ҳаракат қилмоқ керак». Шундан кейин у мансабга миниб ҳаракатини қайтадан бошлаш, яна сабр-қаноат қилиш, аввал нақадар тўкин-чочин ва яхши яшаган бўлса-да, яна ҳар жиҳатдан ўзини тийиш қарорига келди. Бошқа шаҳарга бориш, у ерда янгидан ном чиқариш лозим эди. Бошқа шаҳарга ҳам бориб кўрди, лекин негадир иши сира ўнгидан келмади. Жуда қисқа муддат ичида икки-уч жойга хизматга кириб, яна бўшади. Бу хизматлар қандайдир ифлос ва ярамас эди. Шуни билмоқ керакки, Чичиков дунёда топилмайдиган энг ҳалол-покиза киши эди, гарчи аввал бошда у ифлос кишилар орасида аралашиб юришга мажбур бўлса-да, кўнглини ҳамиша тоза сақлади, у маҳкама мирзахонасида столлар локланган тахтадан бўлишини ва ҳамма нарсада тамиз, дид бўлишини яхши кўрарди. Гапирганда у ҳеч вақт ножўя сўзлар ишлатишни ўзига раво кўрмас эди ва бошқаларнинг сўзида амалга ёки мансабга муносиб ҳурмат-иззат кўрмаса, ўзини таҳқирланган ҳисобларди. Менинг фикримча, унинг ҳар икки кунда бир марта, ёзнинг иссиқ кунларида эса ҳар кун, ички кийимларини алмаштириб туришини билиш китобхонларга ёқиб тушса керак: озгина бўлса-да, бирон бадбўй ҳид унга ҳақорат бўлиб туюларди. Шу сабабдан ҳар сафар Петрушка келиб уни ечинтирганда ва оёғидан этикларини тортганда, у бурнига қалампирмунчоқ тутиб ўтирарди; кўп ҳолларда унинг асаблари қизларникидай жуда нозик эди, шунинг учун ҳам яна бориб, ҳамма нарсдан мағзава ҳиди келадиган ва бадкирдор ишлар қиладиган қаланғи-қасанғилар орасига кириш унга гоят оғир туюларди. У руҳини нечоғлиқ бардам тутса-да, ҳар ҳолда бу мусибатли кунларда анча озиб кетди ва ҳатто ранги гезариб қолди. Бошига бу кулфат тушмасдан илгари у тўлишиб, анчагина тузук бўла бошлаган эди; китобхонлар дастлаб у билан танишганда у худди шундай қиёфада эди; у вақтларда Чичиков бир неча бор ойнага қараб кўп ёқимли

нарсалар ҳақида: хотин, бола-чақа ҳақида ўйларди ва буларни ўйлаб илжайиб қўярди; энди эса бир марта тасодифан ойнага қараб ўзини кўрди-ю, бирдан қичқириб юборди: «Ё қудратингдан ўргилай парвардигор! Мен жуда расво бўлиб кетибманку!» Шундан кейин узоқ вақт унинг ойнага қарагиси келмади. Лекин қаҳрамонимиз ҳамма кулфатларга қаттиқ чидаб келди ва охири божхонага хизматга кирди. Шунини айтмоқ керакки, божхонага хизматга кириш унинг кўпдан бери юрагида сир сақлаб келган орзу-армони эди. У божхона чиновниклари чет элдан келган қандай чиройли нарсаларни қўлга киритишларини, улар қавм-қариндошларига, аммаларига, холаларига, опа-сингилларига қандай чинни асбоблар, батист газламалар юборишларини кўриб юрарди. Кўпдан бери у бир неча бор оҳ уриб, ўз-ўзига деярди: «Мана шу жойга кириб олиш керак эди: ҳам чегара яқинида, ҳам ўқишли кишилар орасида бўлардинг киши; яна тагин қанақа майин голландча кўйлақлар олиш мумкин бўларди!» Шунини ҳам қўшиб ўтмоқ керакки, у жуда ғалати нав, баданнинг терисини ниҳоятда оппоқ ва юзини таранг қиладиган француз совуни олишни ҳам ўйлаб юрган эди; бу совуннинг номи нималигини худо биларди, лекин Чичиковнинг гумонича у албатта чегарада бўлиши керак эди. Шундай қилиб, у кўпдан бери божхонани қумсарди, бироқ қўрилиш комиссиясининг баъзи фойдали томонлари уни тўхтатиб турган эди, яна унинг бир ҳаққоний гапи ҳам бор эди: божхона қанча фойдали жой бўлса ҳам уни қўйиб, ҳозирни ҳузур кўриб туриш керак, чунки узоқдаги қўйруқдан яқиндаги ўпка яхши, деяр эди; мана энди у нима қилиб бўлса ҳам божхонага кириш қарорига келди ва кирди ҳам. У ўз ишига одатдан ташқари қизиқиб киришди. Гуё тақдир ўзи унинг божхона чиновниги бўлишини пешонасига битиб қўйгандек эди. У кўз кўрмаган ва қулоқ эшитмаган эпчиллик, зийраклик ва фаросат билан жон куйдириб ишлади. Уч-тўрт ҳафта ичида божхона ишини шундай ўрганиб олдики, ҳаммасини худди беш бармоғдай биладиган бўлиб қолди: у ҳатто тортмасдан, ўлчамасдан туриб, фақат фактурага қараб, фалон тўпда неча газ мовут ёки бошқа хил газлама борлигини билар эди; ўроғлиқ молни қўлига кўтариб кўриб, унинг неча қадоқ келишини дарров айта олар эди. Одамларни тинтув қилишга келганда, у ҳатто ўз ўртоқларининг айтишича, искович итдай зийрак эди: унинг ҳар бир тугмани текшириб қарашга қандай сабри чидашини



кўрганда киши ҳайратда қоларди; бу ишларни у ниҳоят даражада совуққонлик билан, ғоят хушмуомалалик билан қиларди. Тинтув қилинаётган кишилар ғазабланиб, унинг келишган башарасига шапалоқ билан қўйиб юбормоқчи бўлганда ҳам, у турқини ва ширин сўз муомаласини сира бузмасдан, бундай деяр эди: «Марҳамат қилиб, ўрнингиздан сал қўзғалсангиз, малол келмасмикин?»

Ёки: «Агар бемалол бўлса, хоним, марҳамат қилиб нариги хонага кирсангиз! Унда чиновникларимиздан бирининг рафиқаси сиз билан суҳбатлашади». Ёхуд: «Ижозат берсангиз, ана шу пичоқча билан шинелингизнинг астаридан жиндаккина сўксам». У шу гапни айтарди-ю, дарҳол астарни сўкиб, шинелининг ичидан жуда совуққонлик билан ва худди ўз сандиғидан олаётгандек, шол ва бошқа рўмолларни тортиб чиқарарди. Ҳатто божхона бошлиқлари ҳам, бу одам эмас, шайтон, дейишарди; у араваларнинг ғилдиракларидан, шотиларидан, отларнинг қулоқларидан ва яна аллақандай жойлардан қидириб шундай нарсалар топардики, бундай жойларни қидириш ҳеч бир авторнинг хаёлига келмас эди, бундай жойларни қидириш фақат божхона чиновникларига раво эди. Шундай қилиб, боёқиш йўловчи чегарадан ўтгандан кейин, бир неча минутгача ўзига келолмас эди, аъзойи баданини майда тер босиб кетар, терларини артаркан, у фақат чўқинар ва нуқул: «бай, бай!» деяр эди. Унинг бу аҳволи мактаб мудирини бир оз насиҳат қилиш учун махфий хонага чақиртириб келган, лекин насиҳат ўрнига тўсатдан савалаб кетган ва шундан кейин дарҳол махфий хонадан қочиб чиққан мактаб боласига жуда ўхшарди. Чичиков хийла вақтгача чегарадан яшириқча мол ўтказувчи контрабандистларга сира кун бермади. Бутун поляк жуҳудларига даҳшат ва жонга бало бўлди. У ҳалол ишлар ва порага сира учмас, бу эса ғайри табиий бир ҳол эди. У ҳатто контрабандистлардан мусодара қилиб олинган ҳар хил моллардан ва ортиқча рўйхат қилиб овора бўлмаслик учун пошшолик хазинасига юбормасдан олиб қолинадиган майда-чуйда нарсалардан ўзига озгина капитал

ҳам тўпламади. Бундай жон куйдириб ҳалол ишлаш ҳаммани ҳайратда қолдирди ва ниҳоят бошлиқларнинг қулоғига бориб етди. Унга амал бердилар ва каттароқ ишга қўйдилар. Шундан кейин у ҳамма контрабандистларни тутиш тўғрисида лойиҳа тақдим қилди ва уни амалга ошириш чорасини фақат ўзига қўйиб беришни сўради. Унга шу ондаёқ ҳукмронлик фармони топширилди ва ҳар қандай қидирув қилиш учун чексиз ҳуқуқ берилди. Унинг асл муддаоси ҳам шу эди. Бу вақт контрабандистларнинг пухта ўйлаб тўғри тузилган кучли бир жамияти ташкил бўлган эди; бу таваккал ишдан миллион-миллион фойда олиш мўлжалланган эди. Чичиков бу жамият тўғрисида аллақачон маълумот олган ва ҳатто уни пора билан қўлга олиш учун юборилган кишининг таклифини рад қилиб: «Ҳали вақти эмас» деб мужмалроқ жавоб қилган эди. Ҳамма иному ихтиёрни ўз қўлига олгандан кейин эса у дарҳол жамиятга: «Энди вақти келди» деб хабар берди. Унинг тузган ҳисоб-китоби жуда тўғри эди. Ҳозир бир йилда оладиган даромадини у аввалгидек йигирма йил жон куйдириб ишлаганда ҳам ололмас эди. Илгари у контрабандистлар билан алоқа қилишни мутлақо истамасди, чунки алоқа қилганда уларнинг қўлида оддий югурдак бўлиб қолар, демак даромади шунга яраша оз бўлар эди; хўш, энди-чи... энди бутунлай бошқа масала: энди у истаган шартини қўя олар эди. Иши яхши кетиши учун у ўз ўртоғи бўлган бошқа бир чиновникни ҳам авраб ёнига қўшиб олди, бу чиновник сочи оқариб қолган бўлса ҳам нафсини тиёлмай васвасага учди. Шарт-бай қилинди, жамият ишга киришди. Ишнинг бошланиши жуда яхши бўлди; китобхонлар испан қўйларининг жуда ажойиб сафарлари ҳақидаги воқияни шубҳасиз эшитгандирлар: бу қўйлар икки қат тери ёпиниб чегарадан ўтар ва ҳар сафар терилари тагида миллион сўмлик брабант тўри<sup>1</sup> олиб қайтардилар. Бу воқиа Чичиков худди божхонада хизмат қилиб юрган чоқда бўлган эди. Бу ишга унинг ўзи бош қўшмаганда, дунёда ҳеч бир жуҳуд бундай қалтис ишни бажара олмас эди. Қўйлар уч-тўрт сафарга чиқиб чегарадан ўтиб келганларидан кейин бу икки чиновникдан ҳар бири тўрт юз мингдан давлат эгаси бўлди. Айтишларига қараганда, Чичиковнинг давлати ҳатто беш юз мингдан

---

<sup>1</sup> Б р а б а н т т ў р и. — Бельгиядаги Брабант вилоятида тўқилган тўр.

ҳам ошган эди, чунки у эпчилроқ эди. Агар ишга шайтон оралаб қолмаганда, бу сербарака давлат, худо билсин, қанчадан-қанча рақамларга етган бўлар эди! Кунлардан бир кун, бу икки чиновникнинг орасига шайтон фитна солди, соддача қилиб айтганда, бу икки чиновник жиннилик қилиб, арзимаган нарса устида жанжаллашиб қолишди. Бир кун Чичиков гапнинг қизиғида, балки бир оз кайфи бўлганда иккинчи чиновникни, сен поп боласисан, деди, гарчи у ҳақиқатан поп боласи бўлса-да, негадир бу гапга қаттиқ хафа бўлди ва шу он Чичиковга ниҳоятда қаттиқ жавоб қайтариб, шартта: «Йўқ, гапнинг ёлғон, мен поп боласи эмас, статский советникман, аммо сен ўзинг поп боласисан!» деди. Сўнгра яна кўпроқ жаҳлини чиқариш учун: «Ҳа, ана шуни билиб қўй!» деб қўшиб ҳам қўйди. Шу тариқа, унинг гапини ўзига қайтариб ва бунинг устига яна: «Ҳа, ана шуни билиб қўй!» деган қаттиқ гапни ҳам қўшиб, уни жуда боплаган эди, лекин бу билан қаноатланмасдан унинг устидан чақимчилик қилиб махфий маълумот ҳам ёзиб юборди. Аммо айтишларига қараганда, бунда аввал ҳам улар ўртасида, божхона чиновникларининг таъбирича, йирик шолғомдек таранг ва дўмбоқ бир хотин устида жанжал бўлиб ўтган экан; ўшанда ҳатто пул билан бир неча одам ёллаб, кечқурун қоронғи кўчада бизнинг қаҳрамонимизни урдирмоқчи бўлган эканлар; лекин икки чиновник ҳам аҳмоқ бўлиб юрган эди, чунки у хотиндан Шамшарев деган штабс-капитан фойдаланиб юрарди. Аслда иш қандай бўлганини худо билади; яхшиси буни бирон ҳаваскор китобхон ўзи ўйлаб охирига етказсин. Асосий гап шундаки, контрабандистлар билан яширин алоқа ошкор бўлиб қолди. Гарчи статский советник ўзи қўлга тушган бўлса ҳам, ҳар ҳолда ўртоғининг бошига етди. Чиновникларни судга бердилар, бор нарсаларнинг ҳаммасини мусодара қилдилар ва рўйхатга олдилар; уларнинг боши устида очиқ кунда бирдан чақмоқ чаққандай бўлди. Улар гўё маст эдилар-у, ҳушга келгач, қилган ишларини кўриб даҳшатга тушдилар. Статский советник, рус одатича, аламдан ичкиликка берилди, аммо коллежский советник бўш келмади. Тафтиш учун келган бошлиқларнинг бурни нақадар сезгир бўлса ҳам у қисман пулни ҳар ҳолда яшириб олиб қолди. У жуда тажрибали, одамларни жуда яхши биладиган киши бўлганлигидан ақлидрокиннинг ҳамма нозик йўлларини ишга солди: бир жойда ширин сўз билан, бир жойда кўз ёши тўкиб ҳасрат қилиш билан, ишга ҳалал

етказмайдиган бошқа бир жойда хушомадгўйлик билан, баъзи жойда пул қистириш йўли билан иш кўрди, — хуллас бир амаллаб ишини шундай тўғриладики, ўртоғи сингари обрўси тўкилиб расво бўлмади ва жинойий жавобгарликка тортилишдан ҳам қутулиб қолди. Аммо энди қўлида давлат ҳам, ҳар хил ҳорижий нарсалар ҳам қолмади — ҳаммаси кетди; бу нарсаларга энди бошқа ишқивозлар топилди. Унинг қўлида қора кун учун яшириб қўйилган ўн мингча пул, икки дюжина голландча кўйлак, бўйдоқлар миниб юрадиган кичкина бир бричка, кучер Селифаң билан малай Петрушкадан иборат икки крепостной хизматкор қолди, холос; бундан ташқари, божхона чиновниклари юраклари ачиганидан унга юзининг ҳусн-тароватини сақлаш учун беш ёки олти бўлак совун қолдирдилар. Шу тариқа, бизнинг қаҳрамонимиз яна ана шундай аҳволга тушиб қолди! Унинг бошига ана шундай кулфатлар тушди! У, ҳақиқат йўлида хизматдан куйганман, деб ана шуни айтар эди. Энди у шундай ғавғолар, мусибатлар, фалакнинг гардиши ва турмуш уринишларидан кейин қўлида қолган ва жонига ора кирадиган ~~ўн мингча пул~~ билан бирон узоқ, тинч уезд шаҳарчасига бориб умрининг охиригача ўша ерда, пастаккина уйнинг деразаси олдида чит халати билан мунғайиб ўтиради, якшанба кунлари уйининг деразаси олдида муштлашиб қолган мужикларнинг жанжалини бартараф қилади ёки тоза ҳаво олиш учун товуқ катаги олдига боради-да, шўрвага мўлжаллаб қўйилган товуқни ўз қўли билан ушлаб кўради, шу тариқа, қолган умрини бир жиҳатдан фойдасиз бўлмаган осойишталикда ўтказди, деб ўйлаш мумкин эди. Лекин бундай бўлмади. Унинг характери жуда мустаҳкам эканига ҳаққоният билан тан бермоқ керак. Унинг бошига тушган мусибатлардан бошқа киши бўлганда ўлиб кетарди ёки ҳеч бўлмаса, дунёдан бутунлай кўнгли совиб, умрбод хомуш бўлиб ўтирарди, аммо ундаги кучли эҳтирос сира сўнмади. У дард чекарди, ғам-ғусса ютарди, дунёдан шиквашикоют қиларди, тақдирнинг адолатсизлигидан жаҳли чиқарди, одамларнинг адолатсизлигидан ғазабланарди, лекин янгидан ҳаракат қилиб кўриш аҳдидан асло қайтмас эди. Қисқаси, унинг сабр-тоқати шундай зўр эдики, унинг олдида немиснинг аслда жуда секин ва ялқов қон айланишидан келиб чиқадиган ёғочдек сабр-тоқати ҳеч нима эди. Чичиковнинг қони эса, аксинча, баданида жуда ўйнаб турарди, сиртга, эркинликка отилиб чиқмоқчи бўлган нарсаларнинг ҳаммасини

жиловлаб туриш учун кўп ақлли ирода керак эди. У муҳокама қиларди ва унинг муҳокамасида баъзи ҳаққоний жиҳатлар бор эди: «Хўш, нега мен жафо чекаман? Хўш, нега бало менинг бошимга ёғилади? Хўш, ҳозир ким мансабдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилмайди? — Ҳамма қўлига тушганини оляпти. Мен ҳеч кимнинг бахтига чанг солган бўлмасам, бирон бева-бечорани талаган бўлмасам, бирон кишини гадой ҳолига солиб, кўчага чиқарган бўлмасам; шунчаки, мен ошиқча қолган нарсалардан олдим, ҳар бир киши ола биладиган жойдан олдим; мен олмасам, бошқалар олар эди. Хўш, нега бошқалар роҳат қилиб юрсин-у, мен чувалчангдек йўқ бўлиб кетишим керак? Хўш, мен энди нимаман? Нимага ярайман? Энди мен қайси кўзим билан бирон муътабар оила бошлиғининг юзига қарайман? Ер юзида ортиқча юк бўлиб юрганимни билиб турсам-у, тагин қандай қилиб виждон азобини сезмайман? Хўш, кейин болаларим бунга нима дейди? Отамиз ҳайвон экан, бизга ҳеч нима қолдирмабди демайдим, ахир?!»

Маълумки, Чичиков ўзидан насл қолдириш ҳақида жуда кўп қайғурарди. Бу ғоят ташвишга соладиган масала! Хўш, кейин болаларим нима дейди?— деган савол бўлмаганда, у, эҳтимол, ўн бармоғини оғзига бу қадар ҳам тикмас эди, аммо негадир бу савол ҳадеб ўз ўзидан мияга келаверди. Шунинг учун ҳам келгуси наслнинг отаси бўлишни истаган Чичиков, уй эгаси бирон жойда пойлаб турмаганмикин деб бир кўзи билан ёнига қия қараб, яқинда хоҳ совун бўлсин, хоҳ шам бўлсин, хоҳ мой бўлсин, хоҳ саъва бўлсин, ишқилиб нимаики турган бўлса, ҳаммасини кўтариб қочадиган эҳтиёткор эркак мушук каби иш кўрарди. Бизнинг қаҳрамонимиз зорланар, шиква-шиқоят қилар, йиғлар-сиқтар эди-ю, аммо миясидаги фаолият асло ўлмас эди; миясида ҳамон нимадир янгидан қурилмоқчи ва фақат режани кутиб турар эди. У яна кўрпасига қараб оёқ узатадиган бўлди, яна оғир кун кечира бошлади, яна ҳамма нарсадан нафсини тийиброқ юрадиган бўлди, озода ва одамшаванда вазиятдан яна ифлос ва разил ҳаётга тушди. У яна яхши кунлар келишини орзу қилиб, ҳатто вакиллик вазифасини қабул қилишга мажбур бўлди; бу шундай вазифа эдики, ҳали бизда гражданлик ҳуқуқини олмаган, расм-одат ҳукмига кирмаган эди, ҳар томондан рад қилинар эди, мирзахонадаги ҳар хил қаланғи-қасанғи ва ҳатто ваколат берган кишиларнинг ўзлари ҳам

бу вазифага ҳурмат билан қарамас эдилар; ҳар кимларнинг эшиги олдида туриб ялинишга, хушомадгўйлик қилишга, дағал сўзлар ва бошқа хил муомалаларни эшитишга тўғри келар эди, лекин муҳтожлик ҳаммасига кўнишга мажбур этарди. У ҳар хил топшириқларни бажариб юраркан, шу орада унга бир неча юз деҳқонни васийлик кенгаши идорасига гаров қўйиш топшириғи берилди. Унга бу топшириқни берган помещчикнинг ер-мулки ниҳоят даражада издан чиққан эди. Издан чиқишига сабаб шу эдики, қора моллар ўлатдан қирилган, приказчиклар доғули кишилар, қурғоқчилик, қаҳатчилик бўлган, ёппасига юқумли касал тарқалиб, яхши ишлайдиган деҳқонларни кириб кетган ва ниҳоят, помещчикнинг ўзининг бефаросатлиги сабаб бўлган эди; бу помещчик Москвада энг баланд дидга мувофиқ келадиган ҳашамдор уй қурдириб, охирги тийинигача бор-йўғини шу уйга сарф қилган, натижада ҳатто ейдиган нарсаси ҳам қолмаган эди. Шу сабабдан қолган-қутган ер-мулкни гаровга қўйиш лозим бўлган эди. У вақтда пошшолик хазинасига гаровга қўйиш ҳали янги иш эди, бинобарин бир оз хавотир билан гаровга қўяр эдилар. Чичиков вакил сифатида аввал ҳамманинг томоғини ёғлади (маълумки, даставвал томоғини ёғламасдан туриб ҳатто оддий справка ёки маълумот олиб бўлмайди, ҳар ҳолда ҳар бирининг томоғига лоақал бир шишадан мадера виноси қуйишга тўғри келди),—шундай қилиб, ҳамманинг томоғини ёғлагандан кейин, у гап нималигини уларга ётиғи билан тунтирдди: гаровга қўйиладиган деҳқонларнинг ярми ўлган, кейин орқасидан тағин бир чатоғи чиқиб қолмасин, деди.

— Уларнинг номи ўлпон рўйхатида борми, ахир?— деди котиб.

— Бор,— деб жавоб берди Чичиков.

— Бўлса, нимадан қўрқасиз?— деди котиб:— бири ўлади, бири туғилади, ҳаммаси ишга қўл келаверади.

Кўриниб турибдики, котиб қофия билан сўзлашни ҳам эплар эди. Худди шу пайт бизнинг қаҳрамонимизнинг миясига ғоят даражада илҳомлантирувчи шундай бир фикр келдики, бундай фикр шу чоққача одам боласининг миясига сира келмаган эди. «Эҳ, мен қип-қизил гўл эканман-ку!— деди у ўз-ўзига:— Олдимдаги нарсани олти ой қидириб юрибман-а! Охир, ана шу ўлган деҳқонларнинг ҳаммасини ўзим сотиб олмайманми! То янги ўлпон рўйхати чиққунча шулардан, чунончи айтайлик, мингтасини сотиб олсам, васийлик кенгаши идораси ҳар

жон бошига, чунончи айтайлик, икки юз сўмдан берса; хўш, мана сенга икки юз минг давлат! Ҳозир эса жуда қулай пайт: яқинда юқумли касал тарқалиб, худога шукур, қанчадан-қанча киши ўлди. Помешчиклар буд-шудини қиморга ютқизиб, айш-ишратга сарфлаб тамом қилди; ҳаммаси хизматга кириш учун Петербургга жўнаб қолди; ер-мулклари қаровсиз қолиб, амал-тақал билан зўрға бошқариб турилибди, ўлпон тўлаш йил сайин қийинлашиб бораётибди; демак уларнинг ҳар бири ўлган деҳқонларини менга жон деб беради, ҳеч бўлмаса жон пули тўлашдан қутулиш учун беради-ку; эҳтимол, шундай бўлиши ҳам мумкинки, помещчикларнинг баъзисидан бунинг учун бир танга-ярим танга пул ҳам ундириб оларман; албатта, бу қийин, серташвиш, хавотирли иш, бир кун бунинг чатоғи чиқиб қолиши ҳам мумкин. Аммо одамга ақл ўйлаброқ иш қилсин деб берилган-да, ахир! Тўғри, шуниси ҳам борки, ерсиз на деҳқон сотиб олиб бўлади, на гаровга қўйиб бўлади. Аммо мен уларни бошқа жойга олиб бориш учун сотиб оламан, бошқа жойга олиб бориш учун; ҳозир Таврда ва Херсон губернияларида ер текинга бериляпти, кўчиб борса бўлади. Ҳаммасини ўша ёққа кўчираман! Херсон губерниясига! Ҳаммаси ўша ерда тураверсин! Уларни кўчиришни эса суд йўли билан қонуний тарзда қилиш мумкин. Агар деҳқонларни текшириб кўрамиз десалар, марҳамат қилиб, текшириб кўрсинлар, мен бунга қарши эмасман, хўш, нега текшириб кўрмаслик керак? Мен дарров капитан-исправник ўзи қўл қўйган гувоҳномани тақдим қиламан. Қишлоқни Чичиков қишлоғи деб ёки чўқинтирганда менга берилган ном билан, Павловское қишлоғи деб аташ мумкин». Шу тариқа, бизнинг қаҳрамонимизнинг миясида ана шундай ғалати фикр туғилди; бу фикр учун китобхонлар ундан миннатдор бўладиларми, бўлмайдиларми билмайман, аммо авторнинг ундан миннатдорлигини сўз билан ифодалаш қийин. Чунки, нимасини айтай, Чичиковнинг миясига шу фикр келмаганда, бу поэма ҳам дунёга келмас эди.

Чичиков рус одатича чўқиниб ишга киришди. Уй солиш учун жой танлаш ва бошқа баҳоналар билан у давлатимизнинг узоқ-узоқ бурчакларига кўз солди, у, айниқса бахтсиз ҳодисалардан: қурғоқчиликдан, кўплаб ўлишдан ва бошқа-бошқалардан кўпроқ зарар кўрган жойларга сафар қилди, чунки бундай жойлардан керакли кишиларни қулайроқ ва арзонроқ сотиб олиш мумкин эди. У суриштирмасдан тўғри



келган ҳар қандай помешчикка учрай бермади, балки дидига ёққанларидан ёки бундай савдо-сотиқ учун гапга тез кўнадиганлардан танлаб-танлаб мурожаат қиладиган бўлди, аввал улар билан танишиб, кўнглини топишга ҳаракат қилди ва мужикларни пул билан эмас, балки мумкин қадар дўстлик йўли билан текинга қўлга киритиш йўлини излади. Демак, агар бу вақтгача кўрсатилган шахслар китобхонларнинг дидига ёқмаган бўлса, улар автордан ғазабланмасинлар; бу — Чичиковнинг айби, бунда бутун ҳукм унинг ихтиёрида, у қаерга бормоқчи бўлса, биз ҳам унинг орқасидан ўша ерга боришга мажбурмиз. Агар шахсларнинг ва характерларнинг юзакилиги ва кўримсизлиги учун бизни ҳақиқатан айбламоқчи бўлсалар, биз фақат шуни айтамикки, аввал ҳарга ёки ҳатто пойтахтнинг ўзига кирилганда аввал ҳамма нарса бошда ҳеч вақт ишнинг кенг оқими ва ҳажми кўринмайди, бирон ша-кўримсиз, ўхшовсиз ва бир хил бўлиб кўринади: ис босган заводлар ва фабрикалар туташиб кетади; сўнгра эса олти қаватли уйлар, магазинлар, лавҳалар, катта-катта кўчалар ва улар атрофида тизилган кўнғироқ мезаналари, устунлар, ҳайкаллар, миноралар, шаҳарнинг дабдабаси, шовқин-сурони, говур-ғувури, умуман одамнинг қўли ва ақли билан ажойиб суратда яратилган нарсалар кўз олдида гавдаланади. Чичиковнинг дастлабки хариди қандай бўлганлигини китобхонлар кўрдилар; ишнинг бундан кейин қандай боришини, қаҳрамоннинг қандай муваффақиятларни қўлга киритишини ва қандай муваффақиятсизликларга учрашини, янада қийинроқ тўсиқларни қандай бартараф этишини, ғоятда катта-катта образлар қандай майдонга чиқишини, бу кенг қиссанинг яширин омиллари қандай ҳаракатга келишини, унинг уфқлари нақадар узоқ-узоқларга кенгайиб кетишини ва бу қиссанинг бутуниси қандай улугвор лирик оқимга айланиб кетишини улар кейин кўрадилар. Урта ёшлардаги жанобдан, бўйдоқлар миниб юрадиган бричкадан, малай Петрушка билан кучер Селифандан, Маслаҳатчидан тортиб то ярамас чавқаргача китобхонларга номма-ном маълум бўлган уч отдан иборат бутун сафар экипажи олдида ҳали кўп йўллар турибди. Демак, бизнинг қаҳрамонимиз қандай бўлса шундайлигича кўз олдида гавдаланиб турибди! Лекин, эҳтимол бир сўз билан уни яқунлаб беришни ва унинг ахлоқ жиҳати қандайлигини айтиб беришни талаб қилурлар? У камолат ва фазилатнинг мукамал даражасига етган қаҳрамон эмаслиги кўриниб турибди. Хўш, бўлмаса

ким у? Демак, муттаҳам бир киши экан-да? Нима сабабдан муттаҳам, бошқаларга нисбатан нега бу қадар қаттиққўл бўлишимиз керак? Энди бизда муттаҳам кишилар йўқ, яхши ниятли, дилкаш кишилар бор; ўз башарасини ҳаммага кўрсатиб ўзини шарманда қиладиган ва башарасини халойиқнинг тупуруги остига тутиб берадиган кишилардан кўп бўлса, фақат икки-учта топилади, лекин улар ҳам ҳозир яхшилиқдан сўзлайдиган бўлиб қолганлар Чичиковни молпараст хўжайин деб атасаж тўғрироқ бўлади. Ҳамма айб молпарастликда, молпарастлик туфайли шундай ишлар содир бўлганки, бундай ишларга халқ ҳаром деб ном берган. Тўғри, бундай характерда қандайдир жирканч нарса бор, масалан, китобхон ўз ҳаёт йўлида шундай бир одам билан дўст тутинса, у билан нон-қатиқ бўлиб юрса, яхши вақт ўтказса ва сўнгра борди-ю, бу одам бирон драма ёки поэманинг қаҳрамони бўлиб қолса,— унга ола қарай бошлайди. Аммо ҳеч қандай характердан жирканмайдиган ва лекин синовчан кўзларини унга қаттиқ тикиб, уни ипидан игнасига қадар текшириб билган киши доно кишидир. Одамда ҳамма нарса тез ўзгаради, кўз очиб юмгунингча унинг ичида даҳшатли бир қурт пайдо бўлиб, бутун ҳаёт ширасини ўзиники қилиб олади. Кўпинча энг яхши ишлар кўрсатиш учун яратилган одамда кенг эҳтирос эмас, балки майда нарсага бўлган кичкина эҳтирос кучайиб кетиб, уни улуғ ва муқаддас нарсаларни унутишга, арзимас нарсаларни улуғ ва муқаддас деб ҳисоблашга мажбур этади. Одамнинг эҳтирослари денгиз қумлари каби беҳисобдир, бу эҳтирослар бир-бирига ўхшамайди, улар ҳаммаси: ёмони ҳам, яхшиси ҳам, аввал одамга итоаткор бўлади, сўнгра эса унинг даҳшатли ҳукмони бўлиб қолади. Бу эҳтирослардан энг яхшисини танлаб олган киши бахт-саодатлидир; унинг бахт-саодати соат сайин, минут сайин ортиб, тобора улғайиб боради ва бу одам бора-бора ўз руҳининг поёнсиз жаннатига киради. Лекин шундай эҳтирослар борки, уларни танлаб олиш одам ихтиёрида эмас. Улар одам туғилган дақиқада у билан бирга туғилган бўлади ва одам улардан қочиб қутула олмайди. Бу эҳтирослар азалдан белгиланган қондалар билан идора қилинади ва уларда умрнинг охиригача доимий чақириб турадиган, сира тинмайдиган қандайдир бир куч бўлади. Улар ер юзида буюк ишлар қилиш учун яратилдилар; фарқи йўқ, ғамли қиёфадами ёки дунёни қувонтирадиган порлоқ сиймодами,—барибир улар одам боласи

билмайдиган бахт-саодат учун яратилган бўладилар. Бинобарин, эҳтимол ана шу Чичиковдаги уни ўз жозибасига тортаётган эҳтирос унинг ихтиёрига боғлиқ эмасдир, унинг совуқ вужудида шундай нарса бордирки, сўнгра бу нарса одамни яксон қилиб, худойи таолонинг ҳикмати олдида уни тиз чўктирар. Ҳозирги вақтда дунёга келаётган бу поэмада мазкур образнинг намоён бўлиш сабаби эса ҳали ҳам сир бўлиб қолмоқда.

Қаҳрамондан норози бўлишлари менга оғир туюлмайди, балки китобхонларнинг худди шу қаҳрамондан, худди шу Чичиковдан рози бўлиб қолишлари менга оғир туюлади ва негадир кўнглимда бунга жуда қаттиқ ишонч ҳам бор. Агар автор Чичиковнинг кўнглига чуқурроқ қарамаганда, кўнглининг тубида ётган ва ёруғликдан қочиб бекинган нарсаларни ҳаракатга келтирмаганда, унинг ҳеч кимга ишониб айтмайдиган энг яширин фикрларини рўйи-рост очиб ташламаганда, уни бутун шаҳарга, Маниловга ва бошқа кишиларга қандай кўринган бўлса, худди шундай кўрсатганда эди, у вақтда ҳамма хурсанд бўлар ва уни ажойиб киши деб ҳисоблар эди. Малъумки, у вақтда унинг башараси ҳам, бутун қиёфаси ҳам кўз олдида жонланиб турмасди; китобни ўқиб бўлгач, кўнгилини ҳеч нима безовта қилмасди, у вақтда яна бутун Русияни овунтирадиган қартабозлик столи ёнига бориш мумкин эди. Шундоқ, меҳрибон китобхонларим, сиз рўйи-рост очиб кўрсатилган инсон қашшоқлигини кўришни истамас эдингиз: бу нимага керак? — деяр эдингиз.— Ажабо, турмушда кўпгина жирканч ва аҳмоқона нарсалар борлигини ўзимиз билмаймизми? Бусиз ҳам асло юракка тасалли бермайдиган нарсаларни тез-тез кўриб турибмиз. Яхшиси, бизга гўзал ва кўнгил очадиган нарсаларни кўрсатинг. Яхшиси шуки, биз ҳаммасини унутайлик! «Сен, биродар, нега хўжаликда ишлар пачава дейсан? — дейди помешчик приказчигига.— Биродар, буни сен айтмасанг ҳам биламан, ёки сенинг шундан бўлак гапинг йўқми? Қўй, шунақа нарсаларни эсимга солма, мен билмай ҳам, куймай ҳам, ўшанда бахтли бўламан». Натижада ишларни унча-мунча яхшилашга кетадиган пуллар ўзни унутадиган воситаларга сарф бўлиб кетади. Тўсатдан катта-катта маблағлар булогини қўлга киритиш мумкин бўлган ақлни ғафлат босади; унда эса ер-мулк бирдан кимошди савдосига тушади; шундан кейин помешчик икки қўлини бурнига тикиб, ҳаммасини унутиш учун дарбадарликка юз тутади, ҳоли танг бўлгач,



разиллик қилишдан ҳам қайтмайди, ҳолбуки илгарилар разилликни кўрганда у даҳшатга келар эди.

Ватанпарварлар деб аталадиган кишилар ҳам авторни айблашлари мумкин, улар ўз уйларида тинчгина ўтириб, бутунлай бошқа ишлар билан шуғулланадилар, бойлик тўплайдилар, ўз ишларини бошқалар ҳисобига тўғрилайдилар; лекин, уларнинг фикрича, ватанга ҳақорат бўлган бирон воқиа юз бериб қолса, бирон китоб чиқиб қолса ва бу китобда баъзи аччиқ ҳақиқат айтилса, улар тўрига пашша ўралиб қолганини кўрган ўргумчакдек бурчак-бурчакдан югуриб чиқиб, бирдан шовқин-сурон кўтарадилар: «Шу гапларни кўчага чиқариб овоза қилиш яхшими? Ахир, бунда тасвирланган нарсаларнинг ҳаммаси ўзинизга оид-ку, буларни бошқаларнинг билиши яхшими? Бунга ажнабийлар нима дейди? Ўзи тўғрисида ёмон гап эшитиш кимга ёқади? Ёки бу бизга қаттиқ ботмайди, деб ўйлашадими? Ёки бизни ватанпарвар эмас, деб ўйлашадими?» Бу оқилона танбиҳларга, айниқса ажнабийларнинг нима дейишлари ҳақидаги танбиҳларга ростини айтсам, жавоб учун ҳеч бир сўз топиб бўлмайди. Фақат бундай дейиш мумкин: Русиянинг узоқ бир бурчагида икки одам яшар экан. Улардан Қифа Мокиевич деган биттаси оила бошлиғи экан, ўзи юмшоқ табиат одам бўлиб, ҳеч нимага парво қилмай умр кечирар экан. Ўз оиласи билан шуғулланмас экан: у бутун вужуди билан қуруқ назариябозликка берилган экан ва ўзининг айтишича, мана бундай фалсафий масала билан шуғулланар экан: «Мана, масалан, ҳайвонни олайлик, — деяр экан у ўзига-ўзи уйда нари-бери юриб: — ҳайвон яп-яланғоч туғилади. Хўш, нега яп-яланғоч туғилади? Нега қушга ўхшаб туғилмайди? Нега тухумдан чиқмайди? Ҳайрон бўласан киши, табиатнинг ичига қанча чуқур кирсанг, уни шунча кўп тушунмайсан!» Қифа Мокиевич ана шундай фикр юргизаркан. Лекин асосий масала ҳали бу эмас. Улардан иккинчиси Қифа Мокиевичнинг ўз пушти камаридан бўлган ўғли Мокий Кифович эди. У Русияда паҳлавон деб аталадиган кишилардан экан; отаси ҳайвоннинг туғилиши билан шуғулланиб юрган вақтда йигирма ёшга тўлган бу паҳлавоннинг чорпаҳил гавдаси тобора тарвақайлаб ўсаверибди. У ҳеч нимани енгил ушлай олмас, ё бировнинг қўли қасирлаб кетар, ё бировнинг бурни пачоқ бўлиб кетаркан. Ўз

уйида ҳам, қўшниларникида ҳам оқсоч қиздан тортиб то хонаки итгача уни кўрганда ура қочаркан. Ҳатто ўз ётоғидаги каравотини ҳам синдириб майда-майда қилган экан. Мокий Қифович ана шунақа-ю, аммо ўзи кўнгли очик йигит экан. Лекин асосий масала бунда эмас. Қифа Мокиевичнинг ўз хизматкорлари ҳам, бошқаларнинг хизматкорлари ҳам унга: «Хўжайин ота, Қифа Мокиевич, ўглинг Мокий Қифович қанақа одам ўзи? Ҳеч кимга кун бермайди, ҳаммани безор қилди-ку!» дейишибди. — «Тўғри, шўх, шўх — деяр экан одатда отаси, — шўх, нима қилай: у билан ёқалашайми, урадиган вақтим энди ўтган, ёқалашсам, ҳамма мени айблайди, меҳр-шафқатсиз ота экан дейди; аммо ўзи орномусли йигит, бировларнинг олдида койиб қўйсам, тийиладуку-я, аммо гап бўлиб кетади — ана шуниси ёмон! Бутун шаҳар эшитади, шундан кейин уни роса ит қилишади. Хўш, сиз ўйлайсизки, бу менга қаттиқ тегмайдими? Хўш, мен унинг отаси эмасми? Ўзим фалсафа билан шуғулланаман, баъзан бошим қотиб қолиб, ҳеч вақтим бўлмади, хўш, бу мен унинг отаси эмас деган сўзми? Йўқ, мен унинг отасиман! Отасиман, билиб қўйишсин шуни, отасиман! Мокий Қифович менинг мана бу еримда, юрагимда. — Шундай деб Қифа Мокиевич мушти билан кўкрагига қаттиқ-қаттиқ урибди ва жуда кўпириб кетибди. — Агар у итлигича қолар экан, буни мендан кўрмасинлар, бу менга таалуқли гап эмас». У ана шундай оталик меҳр-муҳаббатини изҳор қилгандан кейин ўгли Мокий Қифовични ўз ҳолига ташлаб қўйибди, у ҳам ўз паҳлавонлик ишларини давом этдираверибди; ота эса яна севган масаласига қайтиб, бирдан ўз-ўзига мана бу хилда савол берибди: «Агар фил тухумдан туғилса, тухум пўчоғи ҳам жуда қалин бўларди-да, уни тўпдан отиб ҳам ёриб бўлмасди, бунинг учун янги қурол ўйлаб чиқариш керак бўларди». Узоқ бир бурчакда тинч яшовчи бу икки киши ана шундай умр кечирарди; улар бирдан деразадан бош чиқариб қараган киши сингари, тўсатдан поэмамизнинг охирида кўриниб қолдилар, кўриниб қолишларининг сабаби шуки, маълум вақтгача бирон фалсафа билан ёки ўзлари сидқидилдан севадиган ватан





ҳисобига бойлик ортдириш билан тинчгина шуғулланиб ўтирадиган, ёмон иш қилмаслик ҳақида эмас, балки қилаётган ёмон ишлари фақат халқ оғзида гап бўлиб кетмаслиги ҳақида ўйлайдиган баъзи бир оташин ватанпарварларнинг мазамматига камтарлик билан жавоб беришлари керак эди. Лекин бу мазамматларнинг сабаби ватанпарварлик ҳам эмас, биринчи таассурот ҳам эмас! Унинг замирида бошқа нарса бор. Сўзни яширишнинг нима ҳожати бор? Хўш, муқаддас ҳақиқатни автор айтмаса, ким айтиши керак? Сиз масалага чуқур қараган кўзлардан кўрқасиз, ўзингиз бирон нарсага чуқур қарашдан ўлгудек кўрқасиз, ўйламасдан ҳамма нарсага юзакигина кўз югуртириб ўтишни яхши кўрасиз. Сиз ҳатто Чичиковдан астойдил куласиз, эҳтимол ҳатто авторни ҳам мақтаб: «Ҳар ҳолда баъзи нарсаларни жуда усталик билан кўрсатиб ўтибди, ўзи ҳам хушчақчақ одам бўлса керак!» дейсиз. Бу сўзлардан кейин яна кўпроқ гердайиб ўзингизга бир назар солинг, башарангизда мағрур бир табассум пайдо бўлади ва шундан кейин сиз яна: «Ҳар ҳолда шу фикрга қўшилмоқ керакки, баъзи вилоятларда жуда ғалати ва жуда кулгили одамлар бор, аммо ярамас одамлар ҳам оз эмас!» деган гапларни ҳам қўшиб қўйинг. Хўш, сизлардан қайси бирингиз батамом христианларга хос тавозе билан хилватда ёлғиз қолиб ўз-ўзингиз билан сўзлашган пайтларингизда ўз қалбингизнинг ич-ичига чуқурроқ назар солиб: «Хўш, менинг ўзимда ҳам Чичиковнинг бирон қисми йўқмикин?» деган оғир саволни бергансиз? Нега бўлмасин, албатта бор! Мана шу пайт унинг ёнидан амали унча катта ҳам, унча кичик ҳам бўлмаган бирон таниши ўтиб қолади-да, дарров



ёнидаги одамнинг биқинига сал туртиб пиқиллаб кулади ва: «Қара, қара, ана Чичиков, Чичиков ўтиб кетди!» дейди. Сўнгра амалини ҳам, ёшини ҳам, одобни ҳам унутиб, ёш боладек унинг орқасидан чолиб кетади ва уни масхара қилиб: «Чичиков! Чичиков! Чичиков!» дейди.

Лекин биз жуда қаттиқ-қаттиқ гапира бошладик, қиссасини ҳикоя қилаётган чоғимизда ухлаб ётган қаҳрамонимиз ҳозир уйғониб қолди, у ўз фамилиясини бундай тез-тез тилга олинаётганини дарров эшитиб қолиши мумкин. У жуда жиззаки одам, агар унинг тўғрисида ҳурматсизлик билан гапирилса, дарров хафа бўлади. Қитобхонга на қайғу, Чичиков ундан хафа бўлса-бўлмаса парвойига ҳам келмайди; аммо авторнинг иши бошқача, автор ўз қаҳрамони билан асло орани бузмаслиги керак: улар иккови қўлма-қўл ушлашиб ҳали кўп йўл босишлари керак; поэманинг яна иккита катта қисми ҳали олдинда турибди — бу чакана иш эмас.

— Эҳ-ҳа!— деди Чичиков Селифанга қараб:— Сен нима қиляпсан ўзинг? Нима қиляпсан?

— Нима бўлибди?— деди Селифан товушини чўзиб.

— Нима бўлибди эмиш! Ҳозга ўхшамай ўл! Отларни қанақа ҳайдаяпсан? Ахир, тезроқ ҳайдасанг-чи!

Дарҳақиқат, Селифан аллақачондан бери кўзларини юмиб борар, онда-сонда уйқу аралаш жиловни силтаб, ўзи сингари мудраб бораётган отларнинг биқинига тегизарди; Петрушканинг шапкаси бўлса бошидан аллақачон қаергадир тушиб кетган эди, ўзи эса чалқанчасига

ётиб, бошини Чичиковнинг тиззасига қўйиб олган эди; буни кўрган Чичиков унинг бошига бир чертди. Селифаннинг уйқуси қочди, қўлидаги қамчиси билан бир неча бор шартиллатиб чавкар отнинг белига солди, шундан кейин чавкар йўртиб кетди ва Селифан қамчисини ҳамма отлар устида ўйнатиб, ингичка товуш билан чўзиб: «Қўрқма!» деб қўйди. Отлар қимирлаб, енгилгина бричкани қушдай учириб кетди. Селифан нуқул қамчини ўйнатиб: «Эҳ-эҳ! эҳ» деб қичқириб борарди; бричка гоҳ тепаликка югуриб чиқиб, гоҳ тепаликдан югуриб тушган сари, у ҳам ўтирган жойида бир мақомда сакраб-сакраб тушар, чунки пастга қараб қиялаб кетган катта йўлни кета-кетгунча шундай дўнгалак тепачалар қоплаган эди. Чичиков кўн ёстиғига суяниб сал-сал тебраниб бораркан, нуқул илжаярди, чунки у тез юришни яхши кўрарди. Хўш, қайси рус тез юришни яхши кўрмайди? Баъзан: «Ҳаммаси жаҳаннамга кетсин!» дея ўйин, кулгига, кайф-сафо қилишга интилувчи қалби тез юришни яхши кўрмайдими, ахир? Бу қалбда қандайдир ажойиб қувноқ ҳаяжон садо бериб турса-ю, яна тез юришни яхши кўрмай бўладими, ахир? Гўё номаълум бир куч сени ўз қанотига миндириб олгандек, сен ҳам учиб боряпсан, сен билан бирга ҳамма нарса ҳам учиб боряпти: чақирим ёғочлари ҳам учиб боряпти, олдиндан чиққан савдогарлар ҳам ўз араваларида учиб боряпти, йўлнинг икки томонида қаторлашиб кетган, ичидан болта зарби ва қарғаларнинг қағиллаши эшитилиб турган қалин қарағайзорлар ва арчазорлар ҳам учиб боряпти, бутун йўл ҳам аллақаданда кўздан ғойиб бўладиган узоқ-узоқларга қараб учиб боряпти, елдай тез учиб бораётган бу жимир-жимирда қандайдир бир ваҳима борга ўхшайди, унда ҳеч нимани кўз илғамайди, фақат тепадаги осмон, ундаги паға-паға булутлар ва булутлар орасидан мўралаб қараган ой ҳаракатсиздай кўринади. Эҳ, тройка! қушдай учар тройка! сени ким ўйлаб чиқарди? Афтидан, сен фақат ўктам халқ ичида дунёга кела олардинг, сен шундай бир мамлакатда дунёга кела олардингки, у чакана-чукана мамлакат эмас, балки теп-текис бўлиб дунёнинг ярмини тутиб кетган мамлакат; қани ундаги чақирим ёғочларини бир санаб кўр-чи, кўзларинг қамашиб жимирлаб кетади. Бу йўл асбобининг ўзи ҳам унча ишқалга ўхшамайди, у темир винтлар ва темир ҳалқалар билан ўраб ясалмаган, уни шунчаки ярославлик эпчил бир мужик бир болта-ю, бир искана билан ҳаш-паш дегунча ясаб ташлаган. Уни ҳайдайдиган аравакаш

ҳам немисча қўнжи баланд фасон этик кийиб олган эмас: қўлига катта-катта қўлқоп кийиб олган, соқоли тўрвадай бир мужик, ўзиям алланима устида ўтирибди; ўрнидан сал қимирлаб, қамчинини бир ўйнатиб, ашулани бошлаб юборса бўлди: отлар елдимдай учади, филдиракнинг парраклари кўзга кўринмай бир доирага тутшиб кетади; фақат йўл титрайди, яёв бораётган бир ўткинчи қўрқиб кетиб, қичқириб юборди-да, тўхтаб қолади — тройка эса елдай учиб ўтиб кетади, яна учиб кетаверади, учиб кетаверади!.. Фақат узоқда, ортда қандайдир бир тўзон кўтарилиб, ҳавонинг гирват бўлиши кўринади.

Эй, Русия, сен ҳам шу қувиб етиб бўлмайдиган учар тройка сингари учиб боряпсанми? Йўлингдан тутун каби чанг-тўзон кўтарилади, Кўприкларинг гулдурайди, ҳамма нарса тез орқада қолиб кетади, фақат орқада қолиб кетади. Шу пайт йўлда кетаётган бир киши худонинг бу муъжизасини кўриб ҳайратда қолади: бу осмондан тушган яшин эмасмикин? Бу даҳшат солаётган ҳаракат нима ўзи? Дунёда мисли кўрилмаган бу отларда қандай сирли куч бор? Эҳ, отлар, отлар, қанақа отсиз ўзингиз! Ё ёллариңгизда елдимингиз борми? Ё ҳар бир томирингизда динг бўлиб турган сезгир қулоқларингиз борми? Тепадан таниш қўшиқни эшитганиңгиз ҳамон бирданига баб-баравар мис кўкраклариңгизни олға бериб, туёқлариңгиз ерга тегмай, худди ҳавода қатор қилиб таранг тортилган симлар сингари худонинг амри билан елдай чопиб кетасиз!.. Эй, Русия, сен қаёққа мунча тез чопиб боряпсан? жавоб бер! Жавоб бермайди. Қўнғироқнинг ажойиб оҳанг билан жингирлаши атрофга таралади; ёриб кетилаётган ҳаво ғувиллаб шамолга айланади; ер юзида бор нарсаларнинг ҳаммаси унинг ёнидан тез ўтиб кетмоқда, бошқа халқлар ва давлатлар унга ола қараб, четлашмоқдалар ва унга йўл бермоқдалар.



# ИККИНЧИ ТОМ





### *Биринчи боб*

**Х**ўш, нега кишиларни давлатимизнинг узоқ ва қоронғи бурчакларидан излаб топиб, ҳаётимизнинг қашшоқлигини, фақат қашшоқлигини ва номукаммаллигини тасвирлаб кўрсатмоқ керак? Ёзувчининг хусусияти шунақа бўлгандан кейин нима ҳам қилиб бўлади; ёзувчи ўзи номукаммаллик касалига мубтало бўлгани учун ҳам бошқа нарсани эмас, фақат кишиларни давлатимизнинг узоқ ва қоронғи бурчакларидан излаб топиб, ҳаётимизнинг қашшоқлигини, фақат қашшоқлигини ва номукаммаллигини тасвирлаб кўрсата олади. Мана тагин биз узоқ ва қоронғи бурчакларга келиб қолдик.

Узоқ ва қоронғи бурчак бўлганда ҳам қандоқ!

Баланд тепалар, худди одоғи кўринмайдиган, шинаклари ва чорминоралари бўлган поёнсиз бир қалъанинг азим деворидек, эланг-бе-

ланг бўлиб минг чақиримдан ошиққа чўзилиб кетган. Бу тизма тепалар поёнсиз ва кенг текислик устида ҳашамат ва маҳобат билан қад кўтариб турарди, баъзи жойлари оҳак аралаш лойдан ясалган, устлари ва ён бағирлари ўйдим-чуқур бўлиб кетган пахса девордек ўркак-ўркак бўлиб турарди; баъзи жойлари сада-сада бўлиб турган кўкатлар ичида кўркам кўринарди, бу жойларни кесилган дарахтларнинг тагидан ўсиб чиққан ёш новдалар қоплаган, баъзи жойларини эса қалин ўрмонлар қоплаб олган ва бу ўрмонларнинг қандай қилиб болта дамидан омон қолганлиги гўё бир муъжиза эди. Дарё эса гоҳ ўз қирғоқларига содиқ бўлиб, улардан чиқмасдан, тирсак-тирсак шаклида илон изи бўлиб оқар, гоҳ қирғоқдан чиқиб ўтлоқларни босиб кетган бўлар, унда бир неча жойда айлангандан кейин қуёш шуъласида оловдек ялтирар ва сўнгра қайин, тоғтерак, ольха дарахтлари орасида кўздан ғойиб бўларди, бундан эса гўё ҳар бир қайрилмада уни қувиб бораётган кўприклар, тегирмонлар ва тўғонларнинг кузатвида тантана билан йўлида давом этарди.

Бир жойда тепаларнинг тик бағрини баррадек кўм-кўк дарахтлар қоплаб олган эди. Бу ер тепалик-жарлик бўлганидан, сунъий суратда дарахтлар ўтқазилиши натижасида шимол ва жануб ўсимликлар олами бир-бирига тутшиб кетган эди. Эман, арча, ўрмон ноки, заранг, олча ва олхўри, чилига ва чирмовуқ ўраб олган четан дарахтлари ўсишда гоҳ бир-бирига кўмаклашиб, гоҳ бир-бирини бўғишиб, пастдан юқоригача бутун тепаликка чирмашиб кетган эди. Тепанинг қоқ устида эса помешчик иморатларининг қизил томлари, уларнинг орқа томонида жойлашган ва кўзга кўринмайдиган деҳқон уйлари-нинг бўғотидаги панжара гулчинлар, помешчик уйининг нақшин балкони ва ярим доира шаклида катта деразаси бўлган болохонаси дарахтларнинг кўм-кўк учлари билан аралашиб кетган эди. Бу дарахтлар ва томларнинг йиғиндиси устида эса энг эски қишлоқ черкови қуёш нурида ялтираб турган беш зар қуббаси билан ҳаммадан банд юксалиб турарди. Ҳар бир қуббанинг бошида ўймакори олтин занжир билан банд қилинган нақшин олтин бут бор эди. Узоқдан қараганда оловдай ёниб турган бу олтин бутлар ҳавода ўзича осилиб тургандай кўринарди. Бу уйлар, томлар, қуббалар, бутлар тўнтарилган шаклда чиройли бўлиб дарёда акс этарди; баъзилари дарёнинг қирғоғида, баъзилари худди сув ичида турган хунук ва ковак тол

дарахтлари шохлари ва баргларини сувга осилтириб, дарё булути, сув юзида сузиб юрган нилуфар гулларининг яшил кўкатлари тўсиқ бўлмаган жойларда, худди бу ажойиб суратларга разм солиб қараётгандек кўринардилар.

Бу жуда яхши манзара эди, лекин юқоридан туриб пастга қараганда, болохонадан туриб узоқларга кўз солганда янада яхшироқ манзара кўринарди. Келган бирон меҳмон ёки бошқа бир киши балкондан асло бепарво қараб туролмас эди. Ҳайратдан унинг кўкрагида нафаси тутилар ва фақат: «Ё парвардигор, бу ер нақадар кенг!» деб қичқирарди, холос. Кўз олдида поёнсиз ва чексиз кенглик очилган эди; чаманзор бўлиб ётган ўтлоқлар устида чакалакзорлар ва сув тегирмонлари сочилиб кетганди, улардан кейин кўм-кўк бўлиб бир неча қатор яшил ўрмонлар кўзга ташланарди; ўрмонлардан кейин хиралашиб қолган ҳавода қумлоқлар кўринарди; қумлоқлардан кейин яна узоқларда денгиз ёки туман каби кўкимтир тусга кирган ўрмонлар қаторлашиб кетган эди; сўнгра яна нурсиз сарғиш қумлоқлар чўзилиб ётарди. Узоқ уфқда бўр тоғлари тизилиб кетган эди, улар ҳатто ҳаво булут бўлганда ҳам оппоқ оқариб турарди, гўё қуёш уларга доим ёғду сочиб тургандай эди. Кўзни қамаштирувчи бу оппоқ тоғларнинг этакларида ҳар жой-ҳар жойда худди кўкиш туман қалқиб кўтарилаётгандай майда-майда нуқталар кўринарди. Булар узоқ қишлоқлар эди; лекин бу қишлоқларни оддий кўз билан кўриш мумкин эмасди. Фақат қуёш нурлари ичида порлаб турган черковнинг олтин қуббасидан у ерда аҳолиси кўп катта бир қишлоқ борлигини билиш мумкин эди. Бу кўринган нарсаларнинг ҳаммаси ғоят чуқур сукунат ичида эди, ҳатто осмонда учиб юрган сайроқи қушларнинг садолари ҳам кенг фазога сингиб кетиб, қулоққа аранг эшитилар ва бу сукунатни бузмас эди. Балконда турган меҳмон ҳатто икки соатча бу манзарани томоша қилиб тургандан кейин ҳам: «Ё парвардигор, бу ер нақадар кенг!» дейишдан бошқа ҳеч бир сўз айтолмас эди.

Хўш, бу ерда ким турарди ва бу қишлоқнинг эгаси ким эди? Мустаҳкам қалъадай ўраб олинган бу қишлоққа бу томондан кириб бўлмас, унга кириш учун бошқа томондан бориш лозим эди; бу томондан борганда тарқоқ ҳолда турган эман дарахтлари ўз шохларини дўст қучоғидай кенг очиб, меҳмонни очиқ юз билан қарши оларди ва уни биз боя орқадан қизил томини кўрган уйнинг олдиғача кузатиб борар-

ди; бу уй энди кўз олдида яққол намоён бўлиб қолган эди, унинг бир томонида бўғотлари панжара гулчин қилинган деҳқон уйлари қаторлашиб кетган эди, иккинчи томонида эса олтин бутлари порлаб турган ва ўймакори олтин занжирлари ҳавода осилиб турган черков бор эди. Бу хилват қишлоқ қандай бахтли кишига қарашли экан?

Бу қишлоқ Тремалахан уездининг помешчиги, ёши ўттиз учда бўлган ва ҳали уйланмаган, ёш ва бахтиёр Андрей Иванович Тентетниковга қарашли эди.

Хўш, ким у, ўзи қандай киши, унинг хулқи ва хислатлари қанақа? Китобхон хонимлар, буни сиз унинг қўшинларидан сўрашингиз керак, қўшниларидан! Унинг бир қўшниси бор эди, у бир вақтлар жуда олғир бўлган, эндиликда батамом йўқ бўлиб кетаётган, истеъфога чиққан штаб-офицерлар, баджаҳл жанжалкашлар зотидан эди; ана шу қўшниси уни «Фирт ҳайвон!» деб таърифлаган эди. Ун чақирим нарида турувчи бир генерал унинг ҳақида бундай деярд эди: «Бу йигит аҳмоқ эмас, лекин бошига кўп ғавғо ортиб олган. Менинг унга фойдам тегиши мумкин, чунки Петербургда таниш кишим бор, ҳатто. . .»—генерал сўзини тамомламас эди. Капитан-исправник саволга бундай жавоб берарди: «Унинг амали жуда ҳам паст — худди эртага мен боқимандани ундириш учун уникига бораман!» Унинг қишлоғидаги мужиклардан, хўжайинингиз қандай одам, деб сўраганда, сира жавоб беришмасди. Демак унинг ҳақида мужикларнинг фикри яхши эмас эди.

Холисона айтганда, у ёмон одам эмас, шунчаки кераксиз одам эди. Модомики дунёда кераксиз кишилар кўп экан, бас нега Тентетников ҳам кераксиз бўлмаслиги керак? Мана биз унинг ҳаётидан бир кунни мисол қилиб кўрсатамиз: унинг кечирадиган кунлари бир-бирига батамом ўхшайди, бинобарин, китобхон ана шундан қиёс қилиб, унинг хулқатвори қандақалиги, унинг ҳаёти теварак-атрофидаги гўзал манзараларга қандай мос бўлиб тушиши ҳақида ўз фикрини айтсин.

Эрта билан у жуда кеч уйқудан турарди, тургандан кейин ҳам каравоти устида узоқ ўтириб кўзларини уқаларди. Бахтга қарши, кўзлари жуда кичкина бўлганлигидан, уларни уқалаш ҳам ниҳоятда узоқ давом этарди, бу вақт давомида хизматкор Михайло қўлида обдаста ва сочиқ тутиб эшик олдида турарди. Боёқиш Михайло бир соат турарди, икки соат турарди, сўнгра ошхонага борарди, яна қайтиб келарди — хўжайин эса каравотда ҳамон кўзларини уқалаб ўтирарди.

Ниҳоят, ўрнидан туриб ювинарди, халатини кийиб, чой, қаҳва, какао ва ҳатто янги соғилган сут ичмоқ учун меҳмонхонага чиқарди, бу таомларнинг ҳаммасидан оз-оздан ичарди, жуда кўп нонни увалаб ташларди ва ҳамма жойда трубка кулини виждонсизларча қоқиб ташлайверарди. Чой ичиши роса икки соатга чўзиларди. Буниси ҳали у ёқда турсин: чойи совиб қолган чашкани кўтариб, ҳовлига қараб турган дераза олдида сурилиб ўтирарди. Дераза олдида эса ҳар куни қуйидаги воқна бўларди.

Буфетчилик вазифасини ўтайдиган хизматкор Григорий энг аввал бақириб, уй-рўзгор ишларига қаровчи Перфильевнага тахминан бу сўзларни айтарди:

— Эй, аблаҳ, эй, разил! Сен ифлос, тилингни тий!

— Мана бу керак эмасми сенга?— деб бақирарди Перфильевна бош бармоғини икки бармоғи орасига тиқиб; бу аёл қўли остида бўлган кишмиш, ҳолва ва бошқа ширинликларга жуда ўч бўлса-да, шунча оғзи бемаза шаддод эди.

— Сен приказчик билан ҳам юмдалашасан-ку, гушна омборчи!— деб бақирарди Григорий.

— Приказчик ҳам сендек ўғри. Хўжайин сизларнинг қилигингизни билмайди деб ўйлайсанми? Ана ўзи шу ерда, ҳамма гапни эшитиб ўтирибди.

— Қани хўжайин?

— Ана дераза олдида ўтирибди; ҳаммасини кўриб турибди.

Дарҳақиқат, хўжайин дераза олдида ўтириб, ҳаммасини кўриб турган эди.

Бу ғала-ғовур камлик қилгандек, бунинг устига хизматкорнинг боласи ҳам бўкириб йиғламоқда, този ит ҳам орқа оёқлари устида чўнқайиб қаттиқ ангилламоқда, чунки боланинг онаси урган, тозининг устига эса ошпаз ошхонадан қайноқ сув сепган эди. Хуллас, бунда қиёмат-аросат қўпган эди. Хўжайин буларнинг ҳаммасини кўриб ва эшитиб ўтирган эди. Бу ғала-ғовур қулоқ-мияни ейдиган даражада кучайиб, ҳатто бирон нима билан шуғулланишга имкон бермаган чоқдагина, хўжайин, бориб айт, секинроқ шовқин қилишсин, деб одам юборарди...

Тушлик овқатга икки соат қолганда у асар ёзиш билан жиддий шуғулланиш учун кабинетга кирарди. Бу асар бутун Русияни ҳамма



жиҳатдан — гражданлик, сиёсий, диний, фалсафий жиҳатдан ўз ичига олиши, ўша давр Русия олдига қўйган энг қийин вазифа ва масалаларни ҳал қилиши ва Русиянинг буюк келажагини равшан белгилаб бериши лозим эди; хуллас, бу ишлар ҳозирги замон кишиси севадиган бир тарзда қўйилиши керак эди. Аммо бу ғоят зўр иш кўпинча фақат ўй-хаёл билан чекланиб қоларди: хаёл суриб қалам ёғжилларди: қозғога чизма-чизиқ расмлар тушарди, сўнгра булар ҳаммаси бир четга йиғштириб қўйилиб, қўлга китоб олинарди ва то овқат маҳалигача бу китоб қўлдан тушмас эди. Бу китоб шўрва, қовурдоқ, жаркоп, ҳатто пирожна билан бирга ўқиларди, натижада баъзи овқатлар совиб қоларди, баъзиларига эса сира қўл тегизилмас эди. Сўнгра трубка чекиларди, қаҳва ичиларди, ўз-ўзи билан шахмат ўйналарди; ундан кейин то кечки овқатгача нима иш қилишини айтиш қийин эди. Афтидан, ҳеч нима қилинмас эди.

Ўттиз икки ёшдаги бир йигит бутун дунёда якка-ёлғиз, нуқул бир жойда ўтириб, галстуксиз, эғнидаги халати билан шу тариқа умр кечирарди. Унинг сайр қилишга, бирон жойга боришга рағбати йўқ эди, ҳатто болохонага чиқишга ҳам эринарди, ҳатто деразаларни очиб уйга тоза ҳаво киритишни ҳам истамас эди; бошқа ёқдан келган ҳар бир кишини маҳлиё қиладиган қишлоқ манзараси унинг ўз хўжайинини асло қизиқтирмас, назарида бундай манзара гўё сира йўқдек эди. Бу тафсилотдан китобхон кўриши мумкинки, Андрей Иванович Тентетников Русияда ҳали ҳам илдизи қуритилмаган кишилар зотидан эди; илгари вақтларда уларни такасалтанг, тепса тебранмас, танбал деб атар эдилар, ҳозир эса, тўғриси, уларни нима деб аташни ҳам



билмайман. Бундай кишилар онадан шундай бўлиб туғилдиларми ёки сўнгра, одамни қаттиқ қамраб олган ёмон шароит натижасида шундай бўлиб қоладиларми? Бу саволга жавоб бериш ўрнига яхшиси, унинг қандай тарбия кўрганлигидан ва ёшлигидан сўзлаб бера қолай.

Дафъатан қараганда ҳамма шарт-шароит унинг тузукроқ одам бўлиб чиқишига мойил эди. У ўн икки ёшлик чоғида, зеҳни ўткир, бир оз паришон, бир оз касалванд ҳолида мактабга кирди. Мактаб мудирини ўша вақтда ажойиб киши эди. Унинг номи Александр Петрович эди; ёшлар унга сажда қиларди, муаллимлар уни ниҳоят даражада севарди, унда одамнинг табиатини сезиш қобилияти зўр эди. Рус кишининг хислатларини у нақадар яхши биларди! Болаларни у нақадар яхши биларди! Ишларни у нақадар яхши юритарди! Ҳар қандай шўх бола ҳам шўхлик қилиб қўйгандан кейин албатта ўзи унинг олдига келиб бутун қилмишларини бўйнига оларди. Айбига иқдор бўлса ҳам ундан қаттиқ танбиҳ оларди, лекин бола унинг олдидан қовоқ-димоқ қилиб эмас, балки бошини тик кўтариб кетарди. Унинг қойиши кишини қандайдир тетик қиларди ва худди: «Олға! Ўйқилган бўлсанг ҳам тезроқ тур ўрнингдан» дегандай туюларди. Болаларга яхши ахлоқ ҳақида ҳеч қандай сўз айтмас эди. У одатда бундай дер эди: «Мен ақлли бўлишни талаб қиламан, бошқа ҳеч қандай талабим йўқ. Қимки ақлли бўлишни ўйласа, унинг шўхлик қилишга вақти бўлмайди: шўхлик ўз-ўзидан барҳам ёмоғи керак». Дарҳақиқат, шўхлик ўз-ўзидан барҳам еб кетди. Яхши бўлишга интилмаган бола ўртоқларининг нафратига йўлиқарди. Қатта ёшдаги эшаклар ва аҳмоқлар энг ёш болалар томонидан берилган ҳақоратли номларга чидар ва уларга бармоқла-

рини тегизишга ҳам ботинолмас эдилар. Қўп одамлар бу ҳолни кўриб: «Буниси энди ортиқча! Бу ақлли болалардан димоғдор кишилар етишиб чиқади» деяр эдилар. Александр Петрович эса уларга: «Йўқ, бу ортиқча эмас, қобилияти бўлмаган болаларни мен узоқ сақламайман, улар учун бир курс кифоя, аммо ақлли болалар учун менинг бошқа курсим бор» дер эди. Дарҳақиқат, қобилияти бўлган болаларнинг ҳаммаси бошқа курсдан ўтар эдилар. Болалар қанча шўхлик ва тўполон қилсалар ҳам у индамас эди, чунки бу шўхлик ва тўполонларни у болаларнинг маънавий хусусиятларининг ўса бошлаши деб биларди ва айтар эдики: касалликнинг сиртқи белгиси врач учун қанча зарур бўлса, бу шўхлик ва тўполонлар ҳам мен учун шунча зарур, бу менга боланинг ичида нима борлигини аниқ билиш учун керак.

Болалар уни нақадар яхши кўришарди! Болалар ҳеч қачон ўз ота-оналарига бунчалик меҳрибон бўлмайдилар! Унга бўлган меҳр-муҳаббат шу қадар кучли эдики, ҳатто одам ақл-ҳушини йўқотиб, ишқ-муҳаббат савдосида мажнун бўлиб юрган йилларида ҳам унда бу қадар кучли ва сўнмас эҳтирос бўлмайди. Унинг тарбиясини олган киши то сўнгги кунларигача, то қабрга боргунча ўзининг ажойиб муаллимини унутмай, у аллақачон ўлиб кетган бўлса-да, у туғилган кунда қўлига қадаҳ кўтариб кўзларини узоқ юмиб турар ва уни ёдлаб кўзларидан ёш тўкарди. У, болаларнинг кўнглини сал кўтариб қўйса, бу ҳол уларни жуда қувонтирарди, ҳаяжонга келтирарди ва уларда ҳаммадан ўтиб кетиш ва шуҳрат қозониш орзусини туғдирарди. У қобилияти кам бўлган болаларни мактабда узоқ сақламас эди; бундай болалар учун унинг таълими қисқа бўларди. Лекин қобилиятли болалар ундан икки марта кўп таълим олишлари керак эди. Унинг охирги синфи бошқа мактабларнинг охирги синфига мутлақо ўхшамас эди: бу синфда фақат саралаб қолдирилган болалар ўқирди. Бошқа муаллимлар ақлга мувофиқ бўлмаган тарзда ҳамма болалардан талаб қиладиган нарсани у фақат шу синфда ўқувчи болалардан талаб қилар эди; унинг талаби: олий ақл даражаси эди, шундай ақл даражасики, у бировдан кулмайди, лекин ўзи ҳар қандай истеҳзога чидай олади, аҳмоқнинг аҳмоқлигини кечиради ва ундан ғазабланмайди, ўзини тута билади, ҳеч бир вақт ўч олмайди, доим мағрур вазминликни сақлайди ва ўз кўнглини безовта қилмайди. Одамни сабот-матонатли ва мард қилиб етиштириш учун нимаики лозим бўлса, ҳаммасини

у ишга соларди, ўзи ҳам муттасил болалар билан буни тажриба қилиб кўрарди. Э воҳ, ҳаёт фанини нақадар яхши биларди у!

Унинг мактабида муаллимлар кўп эмас эди. Дарслардан кўпини ўзи ўқитарди. У дабдабали сўзлар ишлатмасдан, дабдабали қарашлар ва назарияларга маҳлиё бўлмасдан, илм-фаннинг асл моҳиятини очиб беришга моҳир эди, бунинг натижасида ёш бола ҳам илм-фан ўзига керакли нарса эканлигини тушуниб оларди. Фанлар орасидан у одамни ўз ватанининг ватанпарвари қилиб етиштира оладиган фаннигина танлаб оларди. Лекцияларнинг кўп қисми ёшларнинг келажакда қандай бўлишларини кўрсатадиган ҳикоялардан иборат бўларди; ёшларнинг келажакдаги бутун фаолият соҳасини у шундай гавдалантириб кўрсата билардики, ҳозир мактаб курсисида ўтирган ёш ўспирин бутун фикри-зикри ва жон-гани билан келажакдаги фаолият майдонида яшарди. Болалардан у ҳеч нимани яширмас эди: одам боласининг йўлида дуч келадиган ҳамма машаққатлар ва тўсиқларни, уни васаса қиладиган ва йўлдан оздирадиган нарсаларнинг ҳаммасини уларга яққол гавдалантириб кўрсатарди. Ҳамма нарса унга маълум эди, худди ўзи ҳамма вазифаларда, хизматларда бирма-бир ишлаб кўргандек эди. Унинг тарбиясини олган ёшларда шуҳрат қозониш ҳисси жуда кучайиб кетганлигиданми ёки бу ажойиб тарбиячининг кўзларида рус кишисига таниш бўлган ва унинг зийрак табиатида муъжизалар яратадиган: *олга!* — сўзи порлаб, ёшларга далда берганиданми, ҳар ҳолда бу ёшлар энг аввал фақат қийинчиликларни изларди, қийинчиликлар, тўсқинликлар кўпроқ бўлган, кўпроқ маънавий кучқувват кўрсатиш лозим бўлган жойлардагина жавлон уришга интиларди. Бу таълим-тарбиядан оз кишилар етишиб чиқарди, лекин оз бўлса ҳам улар порох тутунини ҳидлаб чиниққан кишилар бўларди. Улар хизматга киргач, энг қалтис ўринларда ҳам сабр-матонат билан бардош бериб тура олардилар, ҳолбуки, улардан ақллироқ бўлган кишилар майда-чуйда шахсий нохуш ҳолларга бардош беролмасдан ё ҳамма ишни ташлаб кетар ё руҳи тушиб, ялқовланиб қолар, ақлини йўқотиб ва бузилиб, порахўрлар ва товламачилар қўлига тушиб қоларди. Лекин унинг тарбиясини олган ёшлар асло бўш келмас эдилар, улар турмушни ҳам, одамларни ҳам яхши билганларидан, дунё ишларининг миридан сиригача яхши билиб олганларидан, ҳатто ёмон одамларга ҳам кучли таъсир кўрсатардилар.

Шухрат қозониш орзусида юрган бир бола, ниҳоят, мактабнинг ана шу бўлимига кириб олишини ўйлаганда, унинг оташин қалби узоқ вақт дукиллаб урарди. Бизнинг Тентетников учун Александр Петровичдан ҳам яхшироқ тарбиячи бўлиши мумкинмиди! Лекин у жуда орзу қилиб юрган ана шу сараланган болалар курсига ўтказилган вақтда бу ажойиб тарбиячи бирдан ўлиб қолди! Э воҳ, унинг учун бу нақадар қаттиқ зарба, нақадар даҳшатли жудолик бўлди! Мактабда ҳамма нарса ўзгарди. Александр Петрович ўрнига Фёдор Иванович деган киши мудир бўлиб келди. Қелиши билан у дарҳол бутун диққат-этиборини ташқи тартиботга қаратди, болалардан у шундай нарсаларни талаб қила бошладики, бундай нарсаларни фақат катталардан талаб қилиш мумкин эди. Болалар ўзини эркин тутиши унга қандайдир ғалати ўзбошимчалик бўлиб кўринди. Худди ўзидан илгариги мудирнинг қасдига иш қилаётгандек, биринчи кундан бошлабоқ, менинг учун ақл-идрок ва муваффақиятнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, мен фақат яхши юриш-туришга қарайман, деб эълон қилди. Шуниси ғалатики, Фёдор Иванович болаларнинг яхши юриш-туришини йўлга қўёлмади. Яширин шўхлик қилишлар бошланди. Кундуз кунлари ҳамма ўзини жуда жиддий ва сипо тутарди, кечалари эса айш-ишрат бошланиб кетарди.

Дарслар ҳам ғалати бир аҳволга тушиб қолди. Масалага бошқануқтаи назардан қарайдиган янги муаллимлар келтирилди. Ўқувчилар кўпдан-кўп янги терминлар ва сўзларга кўмиб ташланди; муаллимларнинг дарсида мантиқ ҳам, қизгин эҳтирос ҳам бор эди, лекин афсус! улар баён қилган фаннинг ўзида ҳаёт йўқ эди. Улик фан уларнинг оғзидан чиққанда ўлимтик ҳид анқирди. Қисқаси, ҳамма нарса остинустун бўлиб кетди. Мактаб бошлиқларию маъмурларига ҳурмат деган нарса қолмади: тарбиячиларни ҳам, муаллимларни ҳам масхара қилиб куладиган бўлдилар. Мактаб мудирига Федька, Булка ва бошқа хил номлар бердилар. Ахлоқсизлик жуда ҳаддан ошиб кетди: шундай ишлар қилина бошландики, бунинг учун кўп болаларни мактабдан ҳайдаш лозим бўлди. Икки йил ичида мактаб таниб бўлмайдиган аҳволга тушиб қолди.

Андрей Иванович Тентетников хомуш табиатли бир бола эди. Унинг ўртоқлари қандайдир бир хотинни топиб олиб, худди мактаб мудирини турадиган уйнинг деразалари рўпарасида кечалари қиладиган

айш-ишрат ҳам, мактабга унча ақлли бўлмаган поп келиб қолгани учун уларнинг ҳамма муқаддас нарсаларни куфр қилишлари ҳам уни оғушта қилолмади. Йўқ, унинг қалби уйқу орасидан ҳам тақдири азал садоларини эшитарди. Уртоқлари уни ўз йўлларига солиб ололмадилар, лекин у руҳи тушиб, қош-қовоғини солиб юрадиган бўлди. Унинг қалбида шуҳрат қозониш ҳисси уйғонган эди, лекин унинг учун фаолият ҳам, фаолият кўрсатадиган майдон ҳам йўқ эди. Бу ҳис уйғонмаса яна яхшироқ эди. У, кафедрада қизишиб сўзлайдиган профессорларнинг дарсини тинглар экан, аввалги трабиячисини эслар эди, чунки у сира қизишмасдан, тушунарли қилиб сўзлашга моҳир эди. Теңте-ников не-не дарсларни тингламади: медицина, химия, фалсафа ва ҳатто ҳуқуқ илмидан дарслар тинглади, ҳатто инсониятнинг умумий тарихидан шу қадар кенг кўламда дарслар тингладики, профессор уч йил мобайнида бу тарихнинг фақат муқаддима қисмини ва қандайдир немис шаҳарлари жамоаларининг тараққийсини сўзлаб тамом қилган эди; хуллас, у яна аллақандай дарсларни тинглаган эди! Лекин буларнинг ҳаммаси унинг миясида қандайдир қовушиқсиз, узук-юлуқ шаклда қолган эди. У ўз ақл-идроки билан бу хилда дарс берилмаслиги кераклигини тушунарди, лекин қандай берилишини билмас эди. Шунинг учун Александр Петровични тез-тез эсга оларди ва бундай пайтларда шу қадар қайғу алам ютардики, ғуссадан ўзини қаёққа олиб қочишни билмас эди.

Лекин ёшлик шунинг учун бахтлики, унинг келажаги бор. Мактабни битириб чиқиш вақти яқинлашган сари унинг юраги дукиллаб урарди. У ўз-ўзига бундай дер эди: «Ахир, бу ҳали ҳаёт эмас; бу фақат ҳаётга кириш учун тайёргарлик; ҳақиқий ҳаёт хизматда бўлади. Жасорат кўрсатиш ҳам ўшанда бўлади». Мактабни битиргандан кейин у, ҳар бир келган меҳмонни маҳлиё қиладиган ўзининг чиройли уйига ҳам бормасдан ва ота-онасининг қабрини ҳам зиёрат қилмасдан, ҳамма шуҳратпараст кишилар одатича тўғри Петербургга жўнаб қолди. Маълумки, бизнинг жўшқин ёшларимиз хизмат қилмоқ, ўз ҳашаматини кўрсатмоқ, хизмат кўрсатиб ном чиқармоқ ёки нурсиз, муздек совуқ алдамчи ижтимоий билимни шунчаки ағдан-бағдан юзаки билиб олмоқ учун Русиянинг ҳамма томонидан Петербургга югурадилар. Бироқ, Андрей Ивановичнинг шуҳратпарастлик майлини дастлаб унинг амакиси — ҳақиқий статский советник Онуфрий Иванович

қайтарди. Амакиси унга, асосий масала чиройли ёзувда, шунинг учун даставвал ишни ҳуснихатдан бошламоқ керак, деди.

Андрей Иванович жуда қийинчилик билан ва амакисининг танишбилишлари ёрдами билан қандайдир бир департаментга хизматга кирди. Уни паркет тўшалган, лакланган столлари ярқираб турган ҳашам ва ёруғ бир залга олиб кирдилар; бу зал худди подшонинг энг олий амалдорлари мажлис қуриб, бутун давлатнинг тақдирини ҳал қилдиган бир жойга ўхшарди; залда у бошларини ёнга қийшайтириб, пат қаламларини қиртиллатиб хат ёзиб ўтирган бирталай хушбичим жанобларни кўрди, уни ҳам бир стол ёнига ўтқиздилар ва худди жўрттага қилгандай, дарҳол унга бир қоғозни кўчириб беришни топширдилар; қоғознинг мазмуни унча муҳим эмас; мазмунидан уч сўм устида ярим йилдан буён ёзишма борганлиги кўриниб турган эди; тажрибасиз ёш Тентетниковни ғоят ғалати бир ҳиссиёт чулғаб олди, унга худди бир айб иш қилгани учун юқори синфдан қуйи синфга туширилгандек туюлди; унинг атрофида ўтирган жаноблар унга мактаб ўқувчиларига ўхшаб кўринарди! Улардан баъзилари таржима қилинган бир романни ўқиб ўтираркан, бу ҳол уларни яна кўпроқ мактаб ўқувчиларига ўхшатарди; романни улар қўлларидаги ишнинг каттакатта варақлари орасига қўйиб ўқиб ўтирардилар, бу билан гўё ўз ишлари билан шуғулланаётгандай бўлиб кўринмоқчи бўлардилар ва шу билан бирга ҳар сафар бошлиқ ичкари кирганда кўрқишдан титраб турардилар. Булар ҳаммаси унга жуда ғалати, илгариги машғулоти бундан анча тузук, хизматга киришга тайёрланиш хизматнинг ўзидан анча яхши бўлиб кўринди! У мактабига ачинди. Шу топда бирдан унинг кўз олдида Александр



Петрович жонланиб кўринди ва унинг йиғлаб юборишига сал қолди. Шу пайт мирзахона айланаётгандек бўлди, чиновниклар ва столлар аралаш-қуралаш бўлиб кетди, ҳушдан кетишига сал қолди. «Йўқ,— деб ўйлади у ичида эсхушини йиғиб олгач,— аввал бошда нечоғлик майда бўлиб кўринса ҳам, ҳар ҳолда ишга киришмоғим керак!» У, тишини тишига қўйиб,

бошқалар сингари хизмат қилишга аҳд қилди.

Ҳузур-ҳаловат қаерда бўлмайди дейсиз? Петербург, сирдан дагал ва тунд бўлиб кўринишига қарамай, унда ҳам ҳузур-ҳаловат ўз даврини суради. Кўчаларда ўттиз даража қирчиллама совуқ; шимолнинг изғирин шамоли, тўполон бўрони визиллайди, йўлкалардаги қорларни супуриб



кетади, кўз очгани қўймайди, мўйна ёқаларни, одамнинг мўйловларини ва жуни пахмоқ ҳайвонларнинг юз-кўзларини уша сепгандай оппоқ қилиб қўяди; лекин чаппа-роста қилиб ёғаётган қор тўзони орасидан, тўртинчи қаватдаги бир уйнинг юқори деразасидан кўнгилга баҳра берувчи шуъла тушиб туради: унда, жонга роҳат берувчи кичкина бир хонада, мўм шамлар ёруғида, жиғиллаб турган самовар ёнида кишининг қалбини ҳам, руҳини ҳам илитувчи суҳбат боради, худой таоло ўз Русиясига ҳадя қилган, илҳоми қайнаб тошган бир рус шоирнинг порлоқ саҳифаси ўқилади, ёш ўспириннинг қалби юксак умидлар билан жўш уриб шундай толпинадики, пешин чоғи куннинг ҳароратидан ҳам юрак бундай толпинмайди.

Кўп ўтмай Тентетников хизматга кўникиб қолди, лекин хизмат унинг учун аввал бошда ўйлаганидек, биринчи даражали иш ва мақсад эмас, балки иккинчи даражали бир нарса бўлиб қолди. Хизмат унга вақтни тақсимлаб иш кўришга ёрдам берарди, ишдан кейин қолган минутларини кўпроқ қадрлашга мажбур этарди. Унинг ҳақиқий статский советник бўлган амакиси жиянидан бирон фойда чиқишини ўйлаб турганида, жияни бирдан ишни расво қилиб қўйди. Андрей Ивановичнинг кўп дўстлари қаторида икки аламзада киши ҳам бор эди. Тиниб-тинчимайдиган бу икки киши фақат адолатсизликкагина эмас, ҳатто уларнинг назарида адолатсиз бўлиб кўринган нарсаларга ҳам бепарво қараб туролмас эдилар. Табиатан хушфёъл, аммо ишлари пала-партиш бўлган, ўзларига мурувват талаб ва лекин бошқаларнинг ҳаракатига тоқат қилолмайдиган бу икки киши оташин сўзлари билан ҳам, жамиятга қарши оташин қаҳр-ғазаб билан ҳам Андрей Иванович-

га қаттиқ таъсир кўрсатдилар: Улар Андрей Ивановичнинг асабларини қўзғаб ва унда ғазабланиш кайфиятини туғдириб, у илгари сира эътибор бермаган майда-чуйда нарсаларга назар солишга уни мажбур қилдилар. Ҳашам залларда жойлашган бўлимлардан бирининг бошлиғи Фёдор Фёдорович Леницин унга бирдан ёқмай қолди. Ундан сон-саноқсиз камчиликлар топа бошлади. Унинг назарида Леницин мартабаси ўзидан юқори бўлган шахслар билан сўзлашганда кўнглини айниладиган даражада ширин забон бўларди, аммо ўз қўл остидаги кишилар мурожаат қилганларида ундан сиркадек нордон гаплар эшитиларди; гўё, у бошқа ҳамма пасткаш кишилар сингари, байрам кунлари уни табриклашга келмаган кишиларни ёдида сақларди ва дарвозабон олдида турган варақада номи бўлмаган кишилардан қасос оларди<sup>1</sup>, бунинг натижасида Тентетников унга асабий нафрат билан қарайдиган бўлиб қолди. Шайтон васваса қилиб уни Фёдор Фёдоровичга ёмонлик қилиш йўлига солди. Бу йўлга у алоҳида шавқ-завқ билан кирди ва муродига ҳам эришди. Бир кун у Фёдор Фёдорович билан жуда қаттиқ сўзлашди ва бунинг натижасида бошлиқлар унга ё Фёдор Фёдоровичдан кечирим сўрашни ёки истеъфо беришни таклиф қилдилар. У истеъфо берди. Ҳақиқий статский советник бўлган амакиси бу ҳолдан жуда қўрқиб кетиб, унинг олдида келди ва ёлворган оҳанг билан деди:

— Исо ҳақи! Андрей Иванович, ўйлаб кўр, нима қиляпсан ўзинг? Кўнгилдагидек бошлиққа тўғри келмадим деб шундай муваффақият билан бошланган мансабдан истеъфо бериб кетишинг қандоқ бўлди?! Уйлаб кўр! Нима қиляпсан? Нима қиляпсан ўзинг? Агар бунақа нарсаларга қараладиган бўлса хизматда ҳеч ким қолмаслиги керак. Эсингни йиғ, гурур ва иззат-нафсни ташла-ю, бориб ундан узр сўра!

— Гап унда эмас, амакижон,— деди жияни,— менга бориб ундан узр сўраш қийин эмас. Айб мендан ўтди: у бошлиқ, у билан бу тахлитда сўзлашиш керак эмас эди. Лекин гап шундаки, менинг бошқа хизматим бор: уч юз жон деҳқоним бор, ер-мулким ўлда-жўлда бўлиб ётибди, хўжаликни бошқарувчи — аҳмоқ киши. Агар мирзахонада

---

<sup>1</sup> Амали кичик бўлган чиновниклар байрам кунларида ўз бошлиқларини шахсан табриклаш ўрнига дарвозабон олдида қўйилган махсус варақага қўл қўйишлари лозим эди.

менинг ўрнимга бошқа киши ўтириб қоғозларни кўчирса, бундан давлат кўп нарса йўқотмайди, аммо уч юз киши ўлмон тўламаса, бундан давлат кўп нарса йўқотади. Сиз нима деб ўйласиз? Мен помешчикман, бу ҳам кичик иш эмас. Агар мен, менга ишониб топширилган кишиларнинг ҳаётини сақлаш, уларни асраш ва турмушини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, давлатга уч юз нафар энг соғлом, зийрак, ишчан фуқаро етиштириб берсам, хўш, менинг бу хизматимнинг Ленидин каби бирон бўлим бошлиғининг хизматидан нимаси ёмон?

Ҳақиқий статский советник ҳайратдан оғзи очилиб, анқайиб қолди. У бу қадар селдай сўз ёғилишини кутмаган эди. У бир оз ўйлаб туриб, сўнгра бундай деб гап бошлади:

— Аммо ҳар ҳолда... хўш, бу қандоқ бўлади? .. яъни қишлоқда кўмилиб ўтириш қандоқ бўлади? Мужиклар орасида қандай улфатчилик қилиш мумкин? Бу ерда ҳеч бўлмаганда кўчада бирон генерални ёки князни учратасан киши... Ўзинг ҳам бирон кимсанинг ёнидан... ҳалиги... хўш, бу ерда, газ чироғ, саноат Европаси; аммо у ерда тузукроқ бир нимани кўрмайсан, қаёққа қарасанг, ё мужикни кўрасан ёки мужик хотинини. Хўш, бутун умрингни жаҳолатга маҳкум қилишнинг нима ҳожати бор, нима кераги бор шундай қилишни?

Бироқ, амакисининг жон куйдириб айтган бу гаплари жиянига таъсир қилмади. Унинг кўзига қишлоқ ўйлаш ва фикрлаш учун озик берадиган эркин жой, фойдали ишлар қилиш учун ягона соҳа бўлиб кўрина бошлади. У ҳатто қаердандир қишлоқ хўжалигига доир энг янги китоблар ҳам топиб олди. Хуллас, шу сўзлардан кейин орадан икки ҳафта ўтгач, у болалик чоқлари ўтган жойларнинг атрофида келган ҳар бир меҳмонни маҳлиё қиладиган гўзал маконининг яқинида юрган эди. Уни янги ҳиссиёт чулғаб олган эди. Кўпдан бери сиртга чиқолмай юрган илгариги таассуротлар унинг кўнглида уйғона бошлаган эди. Кўп жойларни у бутунлай унутиб қўйган, шунинг учун ҳозир бу гўзал манзараларга янги келган киши сингари қизиқиб қарар эди. Мана шу топда нимадандир унинг юраги бирдан ура бошлади. Йўл тор бир жарликдан ўтиб, қаровсизликдан чангалзор бўлиб кетган катта бир ўрмонга кирганда эса у юқорида, пастда, бош устида ва жарликда уч одамнинг қулочи етмайдиган уч юз йиллик эман дарахтларини, уларга аралашиб кетган қарағай, қайрағоч, бақатерак ва улардан юксалиб

кетган мирзатеракларни кўриб: «Бу кимнинг ўрмони» — деб сўраганда, «Тентетниковнинг ўрмони» деб жавоб беришди; сўнгра йўл ўрмондан чиқиб, ўтлоқлар ичидан, узоқда кўринган тизма тепалар манзараси рўпарасидаги чакалакзор, қари ва ёш тол дарахтлари ёнидан ўтди, шу ерда икки марта қайрилиб оққан дарёни гоҳ ўнг томонда, гоҳ чап томонда қолдириб икки кўприкдан ўтди-да: «Бу ўтлоқ ва сувлоқлар кимники?» деб сўради; «Тентетниковники» деб жавоб беришди унга. Сўнгра йўл баландликка кўтарилиб текис тепалик устидан кетди: Йўлнинг бир томонида ҳали ўрилмаган бугдой, жавдар, арпа экинлари бор эди, иккинчи томонида эса у боя ўтган ва ҳозир унга жуда яқин бўлиб кўринган ерлар бор эди; иннайкейин йўл яшил гилам устида тарқоқ ҳолда то қишлоққача чўзилиб кетган ва шохлари тарвақайлаб турган дарахтларнинг секин-секин қоронғилашиб борган соялари остига кирди; сўнгра мужикларнинг ўймакори уйлари ва помешчик ғиштин иморатларининг қизил томлари, катта бир уй ва жуда эски бир черков кўзга ташланди, черковнинг олтин қуббалари порлаб кўринди; ҳарорат билан шопириб турган юрак савол-сўроқсиз ҳам қаерга келганини билди, тўхтовсиз тўпланиб турган туйғулар ниҳоят тилга кирди ва Тентетников баланд овоз билан деди: «Ажабо, бу вақтга қадар мен аҳмоқ бўлиб юрган эканманми? Тақдир мени ер юзи жаннатининг эгаси қилиб қўйибди-ю, мен бўлсам ўзимни ўлик қоғозлар ичида ўралашиб ўтиришга маҳкум қилибман. Қўл остидаги кишилар ўртасида яхши фазилат ёйиш, бутун бир вилоятни яхшилаш, помешчикнинг хилма-хил вазифаларини, яъни айна бир вақтда ҳам суд, ҳам хўжайин, ҳам тартиб-интизом ўрнатувчи помешчилик вазифаларини бажариш учун лозим бўлган маълумот, маърифат ва тарбия олгандан кейин шундай бир жойни нодон бир иш бошига топшириб қўйишим, ўзим эса юзини ҳам кўрмаган, феъл-атворини билмаган кишилар ўртасида узоқдан туриб қоғоз орқали ғойибона иш олиб боришни афзал кўришим, мингларча чақирим нарида бўлган, менинг ҳеч қачон оёғим тегмаган, фақат бирталай бемазагарчилик ва аҳмоқчилик қилишим мумкин бўлган вилоятларни қоғоз билан хаёлий идора қилишни мана бу ердаги ҳақиқий идора қилишдан устун қўйишим яхшими?!»

Бунда эса уни бошқа бир томоша кутиб турган эди. Мужиклар хўжайинларининг келганини эшитиб, эшик зинаси ёнида тўпланди-

лар. Телпак, шапка, қулоқчин кийган, бошига рўмол ўраган, сарандоз солган ва чакмон кийган, келиштириб пахмоқ соқол қўйиб олган аҳоли хўжайинни ғуж ўраб олишди. «Валинеъматимиз, бизни йўқлабди!..» деган сўзлар эшитилди ва чол-кампира унинг бобосини, катта бобосини эслаб беихтиёр йиғлаб юборишди, у ўзи ҳам кўнгли бузилиб йиғлаб юборди ва ичида ўйлаб: «Мунчалик меҳр-муҳаббат ҳам бўладими! Хўш, нима учун улар менга мунча меҳрибон? Шунинг учунки, мен уларни ҳеч қачон кўрган эмасман, ҳеч қачон улар билан шуғулланган эмасман!» Шу пайт у, энди меҳнатни ва машғулоти улар билан бирга баҳам кўраман, деб ўзига сўз берди.

Шу тариқа у ўз ер-мулкини идора қилишга киришди. Баршчинани камайтирди: помещик учун ишланадиган кунларни қисқартирди ва мужикларнинг ўзлари учун ишлайдиган вақтни оширди. Аҳмоқ иш бошини ҳайдади. Ҳамма ишга ўзи бош қўшди, далага, хирмон бошига, овинларга, тегиримонга бориб турадиган бўлди, кемаларга юк ортиб жўнатиш вақтида пристанга бориб қараб турди, буни кўргач, ҳатто ялқовлар ҳам қимирлаб қолди. Лекин бу узоққа чўзилмади. Мужик халқи зийрак бўлади: тез орада улар тушундиларки, хўжайин гарчи эпчил, гарчи кўп ишлар қилишга иштиёқи бўлса ҳам, лекин ҳали қандай йўл билан иш олиб боришнинг фаҳмига етмасди, у фақат саводли ва тушунмайдиган қилиб сўзлашни биларди. Натижада шундай бўлдики, хўжайин билан мужик тил топишолмай қолди, уларнинг ашуласи ва оҳанги жўр бўлиб чиқмади. Тентетников қараб турса, унинг ерига экилган экин мужикнинг ерига экилган экиндан ёмон унади, дон эрта экилади-ю, лекин кеч чиқади; кўринишидан мужиклар яхши ишларди, у ўзи ҳам қараб турарди, ҳатто жон куйдириб ишлаганлари учун одам бошига чорактадан ароқ беришни ҳам буюрган эди. Қараса, мужикларнинг жавдари аллақачон бошоқ тортибди, сулис пишай деб қолибди, тариғи шохлаб кетибди, унинг ерида эса ғалла энди найча отибди, бошоқ тугишдан ҳали дарак ҳам йўқ. Хуллас, хўжайин шунча енгиллик берилганига қарамай, мужикларнинг фақат фирибгарлик қилаётганини пайқай бошлади. Уларни бир оз койиб ҳам кўрди, лекин улардан бундай жавоб олди: «Хўжайин, қандай қилиб биз сизнинг фойдангизга жон куйдирмаслигимиз мумкин! Ерларни ҳайдаб экканимизда қандай жон куйдириб ишлаганимизни ўзингиз кўрдингиз, ҳатто одам бошига чорактадан ароқ беришни ҳам буюрдингиз».

Хўш, бунга нима деб эътироз билдириш мумкин эди?—«Бўлмаса экин нега яхши унмади?»— деб сўрайди хўжайин.—«Қим билади? чамаси тагидан қурт еган бўлса керак. Бунинг устига тагин ёзни кўрмайсизми: ёмғир деган нарса бўлмади». Лекин хўжайин ҳам кўриб турган эди: мужикларнинг экинини тагидан қурт емаган эди, ёмғир ҳам ғалати ёлган эди: четлаб ёғиб ўтиб, мужикларнинг экинини суғорган эди-ю, хўжайиннинг экинига бир томчи ҳам томмаган эди.

Аёллар билан унинг иши яна чатоқроқ эди. Улар дам-бадам келиб баршчинанинг оғирлигидан шикоят қилиб, ишдан жавоб беришни сўрар эдилар. Буниси ғалати эди! Хўжайин аёлларнинг мато тўқиб келиш, ўрмондан мева, қўзиқорин, ёнғоқ териб келиш ишларини бутунлай бекор қилган эди, уларнинг хўжайин учун қиладиган бошқа ишларининг ҳам ярмисини камайтирган эди; у, шундай қилсам аёллар бу вақтни уй-рўзғор ишларига сарф қиладилар, эрларининг уст-бошини тузатадилар, уларга янги кийим тикиб берадилар, полизларни кўпайтирадилар, деб ўйлаган эди. Лекин, ўйлаганча бўлиб чиқмади. Аёллар орасида бекорчилик, ғийбат, уруш, жанжал, ҳар хил ғиди-биди гаплар шу қадар кўпайиб кетдики, натижада эрлари дам-бадам унинг олдига келиб: «Хўжайин, бу алвасти аёлларни тийиб қўйсангчи! Уларни қандайдир жин чалибди, ҳеч кимга кун беришмайди!» — дер эдилар.

Тентетников тишини тишига қўйиб, уларга қаттиққўллик қилмоқчи ҳам бўлди, аммо қандай қаттиққўллик қилиш мумкин? Аёллар унинг олдига бирам нолиш қилиб, касал бўлиб, худо билсин, аллақадан топган жулдур, исқирт латталарни эгнига илиб келишарди, боёқиш Тентетников уларни бу аҳволда кўриб: «Бор, кўзимдан йўқол! Афтинг қурсин!» дер эди ва сўнгра қараб турса, ҳалиги касал аёл дарвозадан чиқиши билан бир шолғом учун қўшни аёл билан юмдаллашиб кетарди ва унинг биқинларини шунақаям эзгилардики ҳеч бир бақувват мужик ҳам бундай қилолмас эди.

Сўнгра у қишлоқда мактаб очмоқчи бўлиб кўрди, лекин бундан ҳеч нима чиқмади, унинг ҳафсаласи пир бўлиб хомуш ўтира берди, қайтага буни ўйламаса яхши бўларди. Мактаб нимаси! Мактабда ўқишга ҳеч кимнинг вақти йўқ эди: бола ўн ёшидан бошлаб ҳамма ишда отасига ёрдамчи бўларди ва ундан тарбия оларди,

Фалсафа профессорлари унга ўргатган ҳуқуқшуносликнинг ҳамма нозик томонлари бунда суд ва тергов ишларида мутлақо ҳеч нимага керак бўлмай қолди. У тараф ҳам ёлғон гапирарди, бу тараф ҳам ёлғон гапирарди, шайтон ҳам уни ажрим қилолмасди! У қараб турса, одамни билиш ҳуқуқ ва фалсафа китобларининг нозик томонларидан зарурроқ экан; у ўйлаб қараса, унда нимадир етишмасди, аммо нима етишмаслигини фақат худо биларди. Натижада тез-тез бўлиб турадиган бир аҳвол юз берди: мужик хўжайиннинг гапига, хўжайин мужикнинг гапига тушунмайдиган бўлди; мужик ҳам ёмон томондан иш тутди, хўжайин ҳам ёмон томондан иш тутди; охирида хўжайиннинг ҳафсаласи пир бўлди. Энди иш бошида турса ҳам ишнинг қандай боришига эътибор бермас эди. Пичанзорда ўроқлар секин товуш чиқарса ҳам, ўрилган пичанлар ғарам қилинса-қилинмаса ҳам, омборларга дон-дун тўкилса-тўкилмаса ҳам, қишлоқ ишлари кўзи яқинида қилинса ҳам—унинг иши йўқ эди, унинг кўзлари узоқларга тикиларди; агар узоқда иш қилинаётган бўлса, у яна яқинроқда бўлган нарсаларни изларди, ёки атрофга, дарёнинг қайрилмасига, дарё бўйида саланглаб юрган қизил бурун, қизил оёқ балиқчи қушга қарарди,—маълумки, у одам эмас, қуш. Бу балиқчи қушнинг бир балиқни тумшугида кўндалангига тутиб гўё ютайма-ютмайми деб ўйлаб турганини томоша қиларди, айна вақтда у дарё бўйига тикилиб қараб турарди: узоқда яна бир балиқчи қуш оқариб кўринарди, лекин у ҳали балиқ тутмаган эди, унинг кўзлари яна балиқ тутган балиқчи қушга тикиларди. Ёинки у, кўзларини юмиб ва бошини юқорига, осмонга кўтариб, бурни билан далаларнинг хушбўй ҳидларини ҳидлар, қулоғи билан эса хушхон осмон қушларининг ҳар томондан, осмондан ҳам, ердан ҳам, бир-бирига жўр бўлиб, бир овоздан сайраётган садоларини тингларди. Жавдар ичида бедана питбилдиқ отар, кўкатлар ичида қизил оёқ какиллар, улар тепасида тоғ чумчуқ чириқлар, ҳавода қўзи қуш қўзидай баълар, ҳаво ёруғида кўздан ғойиб бўлган тўрғайлар билан чаҳ-чаҳлар, осмону фалакда уч бурчак шаклида қатор тизилиб учаётган турналар карнай садосидай ғағилларди. Теварак-атроф қушларнинг садосига кўмиларди. Ё ҳаллоқ! Разолатга ботган катта йўллар ва шаҳарлардан йироқда бўлган қоронғи бурчакда, кичкина бир қишлоқда сен яратган олам ҳали нақадар гўзал! Аммо бу ҳам Тентетниковни зериктира бошлади. Кўп ўтмай, у бутунлай далага

чиқмай қўйди, уйда ўтириб олди, ҳатто ахборат беришга келган приказчикни ҳам қабул қилмади.

Илгарилар унинг қўшниларидан бўлган, бутун вужудидан тамаки ҳиди анқиб турган, истеъфога чиққан бир гусар-поручик ёки мактабни битирмай ташлаб кетган, ҳозирги замонда чиқаётган китобча ва газеталарни ўқиб ақл ўрганган, кескин йўл тутган чала мулла бир студент уникига келиб-кетиб юрарди. Лекин булар ҳам унинг тинкасига тега бошлади. Уларнинг енгил-елпи гаплари, европача очиқ муомала қилишлари, тиззага уриб-уриб сўзлашлари, шунингдек тиз чўкиб сажда қилишлари ва бетакаллуф қилиқлари унга қандайдир ҳаддан ташқари очиқ ва юзсизлик бўлиб кўринди. У ҳамма билан ошначиликни узиш фикрига келди ва ҳатто анча қўполлик қилиб ҳамма билан ошначиликни узди. Худди шу пайтда, ҳар қандай енгил-елпи сўзлар бобида энг ёқимли киши бўлган, ҳозир умри тугаб бораётган тажанг полковникларнинг ва шу билан бирга энди майдонга келаётган янгича фикр қилувчиларнинг намояндаси бўлган Варвар Николаич Вишнепокромов сиёсатдан ҳам, фалсафадан ҳам, адабиётдан ҳам, ахлоқдан ҳам ва ҳаттоки Англиянинг молиявий аҳволидан ҳам у билан мириқиб сўзлашмоқ учун уникига келганда, Тентетников уйда йўқ дегин, деб одам чиқарди ва шу топда эҳтиётсизлик қилиб деразадан ўзини кўрсатиб қўйди. Меҳмон билан уй эгасининг бир-бирига кўзи тушди. Шу пайт маълумки, бирови «ҳайвон!» деб тўнғиллади, иккинчиси ҳам алам қилиб, чўчқа деганга ўхшаш бир сўзни айтди. Шу билан ора бузилиб, алоқа узилди. Шундан буён уникига ҳеч ким келмайдиган бўлди.

Тентетников бунга хурсанд бўлди ва Русия тўғрисида катта бир асар ёзиш хаёлига берилиб кетди. Бу асар ҳақида унинг қандай хаёл сургани китобхонларга маълум. Ғалати, тартибсиз бир тартиб вужудга келди. Аммо шундай дақиқалар ҳам бўлиб турардики, у гўё уйқудан уйғониб кетгандай бўларди. Почта билан келган газета ва журналларни қараб ўтирганда давлат хизматида катта мартабага эга бўлиб олган ёки илм-фан ва жаҳон ишига бақадриҳол ўз ҳиссасини қўшган илгариги бирон ўртоғининг номи унинг кўзига чалиниб қолса, қалбини яширин сокин ғусса чулғарди ва ўзининг бундай фаолиятсиз ҳаёти ҳақида кўнглидан мотамга, сокин қайғу-аламга, сокин шиквашиқоятга тўлган изтироб беихтиёр отилиб чиқарди. Бу пайт ўз ҳаёти



ўзига разил ва жирканч бўлиб кўринарди. Мактабда ўтган вақтлари кўз олдида яққол гавдаланарди ва Алексей Петрович бирдан жонланиб унинг кўз олдида турарди. . . Кўзларидан селдай ёш оқарди ва кун бўйи ҳўнграб йиғларди:

Бу ҳўнграб йиғлашлар нимани билдиради? Ҳўнграшлар билан изтироб чеккан қалб ўз хасталигининг ғам-мотамга тўлган сирини ошкора қилиб, шу билан ўз ичида энди ташкил топиб келаётган юксак маънавий одам мустақкамланиб олишга улгурмаганини кўрсатардимми? Ёки ёшлик чоқлардан бошлаб муваффақиятсизликлар билан курашда чиниқмаганлигини, ғовлар ва тўсиқлар кўплигидан юксак даражага эриша олмаганини намоён қилармиди? Ехуд буюк туйғуларнинг бой манбаи металл сингари эригандан кейин охирги оби-тобига етмаганини кўрсатардимми? Ёинки ана у ажойиб тарбиячи бемаҳал ўлиб кетганини, эндиликда эса доимо тебраниб турадиган кучларни барқарор қилишга ва эпчиллигини йўқотган заиф иродани мустақкамлашга қодир бўлган, *олға!* деган юракка далда берувчи сўзни ҳамма жойда, ҳамма ижтимоий зинапояда турган ҳамма тоифага, ҳамма даражага, ҳамма касбга мансуб бўлган рус кишиси зориқиб кутиб турган ана шу сўзни юракка гўлгула солувчи баланд ҳайқириқ билан ҳайқирадиган одам бутун дунёда йўқлигини ошкор қилардимми?

Бизнинг рус қалбимизнинг она тилида *олға!* деган қудратли сўзни бизга айта оладиган, бизнинг табиатимизнинг бутун куч ва хусусиятларини, бутун теран жойларини билган ҳолда, сеҳрли бир ишора билан бизни юксак ҳаётга йўллаб юбора оладиган одам қани ахир? Шундай одам бўлганда, олижаноб рус кишиси нақадар кўз ёшлари билан, нақадар меҳр-муҳаббат билан унга миннатдорчилик изҳор қилган бўлар эди! Лекин асрлар бирин-кетин ўтиб кетмоқда—юз мингларча ғофил, ялқов ва бекорчи одамлар ғафлат уйқусига ботиб ётмоқдалар ва мазкур қудратли сўзни айта оладиган мард киши Русияда камдан-кам туғилмоқда.

Бир воқиа юз берди-ю, Тентетниковни ғафлатдан уйғотиб, унинг характерини тубдан ўзгартиб юборишга сал қолди. Бу севгига ўхшаш бир нарса эди. Лекин бу нарса ҳам оқибатсиз тамом бўлди. Биз юқорида кўрдикки, Тентетниковнинг қишлоғидан ўн чақирим нарида бир генерал турар эди ва унинг Тентетников ҳақидаги фикри унча яхши

эмас эди. Бу генерал ҳақиқатан генералдек яшарди, меҳмон учув дастурхони ҳамиша очиқ, теварак-атрофдаги қўшнилари унга ўз ҳурматларини изҳор қилмоқ учун келишларини яхши кўрар, аммо ўзи уларникига бормас эди; у хириллаб сўзларди, китоб ўқирди; унинг бу вақтгача мисли кўрилмаган ғалати бир қизи бор эди. Бу қиз ҳаётнинг ўзидек жонли эди. Унинг оти Улинька эди. У қандайдир ғалати тарзда тарбияланган эди. Бир калима ҳам русча сўз билмаган бир англиз мураббия уни ўқитган эди. Онасидан у жуда ёш қолган эди. Отасининг уни тарбиялаш билан шуғулланишга вақти йўқ эди. Вақти бўлганда ҳам уни фақат эркалатарди, чунки қизини ниҳоятда яхши кўрарди. Ўз ихтиёри билан эркин ўсиб улғайган бола каби унинг ўзига хос қилиқлари бор эди. Унинг тўсатдан ғазабланиб чиройли пешонасида бирдан жиддий ажинлар тўпланганини ва унинг отаси билан қизгин мунозара қилганини бирон киши кўрганда, уни жуда инжиқ қиз деб ўйларди. Лекин бирон кишининг адолатсизлик ёки бирон ёмон иш қилганини эшитганда унинг ғазаби қўзирди. Аммо ўзи хусусида у сира ғазабланмас, сира мунозара қилмас ва ўзини оқламас эди. Агар унинг ғазабига йўлиққан киши бахтсиз аҳволга тушиб қолганини кўрса, дарҳол ғазабдан тушарди. Бирон киши ундан садақа сўраб қолса, у суриштирмай ва ўйлаб ўтирмай, ҳамёнини ичида бор нарсаси билан унга беришга тайёр эди. Унда қандайдир шиддат билан олға интилиш бор эди. У сўзлаганда юз ифодаси ҳам, сўзлаш тарзи ҳам, қўл ҳаракати ҳам худди фикри кетидан шиддат билан қувиб бораётгандек туюларди; ҳатто кўйлагининг қатлари ҳам худди ўша томонга интилаётгандай кўринарди; ўзи ҳам ҳозир худди ўз сўзлари кетидан учиб кетадигандай сезиларди. Унда яширин ҳеч нарса йўқ эди. У ҳеч ким олдида ўз фикрини очиқ айтишдан қўрқмас эди; сўзламоқчи бўлганида ҳеч бир куч уни сўздан тўхтатолмас эди. Унинг фақат ўзига хос айрича фусункор юришида шундай эркинлик ва жасорат бор эдики, ҳамма ихтиёрсиз четланиб, унга йўл берарди. Ёмон одам унинг олдида довдираб, тили лол бўлиб қоларди; энг валдирвайсақи ва шартаки одам ҳам унинг олдида сўз тополмай, ўзини йўқотиб қўярди; уятчан одам эса, умрида ҳеч киши билан бундай сўзлашмагандек, ўзини жуда эркин тутар, гап бошлагандаёқ уни қаердадир ва қачондир кўргандек сезарди, қизнинг турқи унга танишдек кўринарди, худди уни жуда ёш болалик чоғида, она юртида, қувноқ

оқшом пайтида, говур-шувур ўйнаб-кулиб юрган болалар тўпи ичида кўргандай бўлар эди; шундан кейин эса кишининг етуклик даври узоқ вақтгача уни зериктирадиган бўларди.

Улинька билан Тентетников ҳам худди шундай аҳволга тушган эди. Тентетниковнинг қалбидан мубҳам бир янги ҳиссиёт жой олган эди. Унинг хафагазак ҳаёти бир лаҳзагина ёришган эди.

Генерал аввал Тентетниковни жуда яхши ва очиқ чеҳра билан қабул қилди, лекин уларнинг гапи бир жойдан келиб чиқмади. Улар ўртасидаги сўз мунозара билан ва ҳар иккови учун ҳам қандайдир дилсиёҳлик билан тамом бўлди, чунки генерал сўз қайтаришлар ва эътироз билдиришларни ёмон кўрарди, аммо Тентетников ҳам сиркаси сув кўтармайдиган жиззаки киши эди. Маълумки, у қизи учун отасининг кўп гапларини кечирди, улар бир нав тинч-тотув яшай олар эдилар, лекин бирдан генералнинг қариндошларидан графиня Болдирева билан княжна Юзякина уникига меҳмон бўлиб келди-ю, иш бузилди, графиня Болдирева билан княжна Юзякина илгариги подшоҳ саройининг орқада қолган фрейлинлари эдилар, лекин ҳозир ҳам уларнинг сарой билан унча-мунча алоқалари бор, шунинг учун ҳам генерал улар олдида бир оз ялтоқлик қилар эди. Тентетниковнинг сезишича, меҳмонлар келгандан кейин дарҳол генералнинг унга муомаласи совуқроқ бўла бошлади; унга эътибор қилмай қўйди ёки тилсиз кишига муомала қилгандай муомала қилди; қандайдир менсимагандай қилиб, унга: «азизу муҳтарамим», «менга қара, оғайни» деб ва ҳатто «сен» деб сўзлай бошлади. Ниҳоят, у тутақиб кетди. Лекин ғазабдан унинг ичи ёнаётган ва ранги қизариб-бўзариб кетган бўлса-да, тишини тишига қўйиб, ўзини босди ва жуда одоб сақлаб, мулойим товуш билан деди: «Генерал, илтифотингиз учун ташаккур билдираман. «Сен» деб сўзлаш билан сиз мени қалин дўст туғишига ва мени ҳам сизга «сен» деб сўзлашга даъват этияпсиз. Лекин, ёшимиз ўртасидаги фарқ бизнинг орамизда бундай такаллуфсиз муносабат бўлишига тўсқинлик қилади».

Генерал довдираб қолди. Сўнгра фикрларини бир ерга тўплаб, гарчи бир оз пойма-пой қилиб бўлса-да: «сен» сўзини мен у маънода айтмадим, чол киши баъзан ёшларга «сен» деб сўзлаши жоиздир, деди (амали тўғрисида у бир сўз ҳам айтмади).

Маълумки, шу пайтдан бошлаб улар орасидаги ошначилик узил-

ди, муҳаббат ҳам куртак отмай хазон бўлди. Бир лаҳзагина йилтираган шуъла сўнди ва ундан кейин қоронғилик яна қуюқлаша бошлади. Унинг ҳаётида ҳамма нарса, китобхон шу бобнинг бошида кўрганидек, яна қайталади,— у яна ўз уйида фаолиятсиз кўмилиб ётди. Уй итлиқи-ислиқи ва тартибсиз бўлиб кетди. Уй тозалайдиган чўтка кун бўйи супуринди билан бирга уйнинг ўртасида ётарди. Унинг чалвори ҳатто меҳмонхонага чиқиб қолди. Қирланиб кетган чалвор подтяжкаси худди меҳмоннинг зиёфатига қўйилгандай диван ёнидаги чиройли стол устида турарди; унинг ҳаётини шу қадар разолат ва ғафлат босиб қолдики, эшикдаги хизматкорларнинг уни ҳурмат қилмаслиги у ёқда турсин, ҳатто эшикдаги товуқлар ҳам уни талашга сал қолди. У қўлига қалам олиб соатлаб ўтирар ва маъносиз бир тарзда қоғозга айри, уй, тройка расмини чизарди. Аммо баъзан у ҳамма нарсани унутар, қўлидаги қалам эса эгасининг ихтиёридан ташқари ўз-ўзидан кичкина бир бошнинг расмини чизарди: бу расм турқи келишган қарашлари ўткир ва бир тутам сочи юқорига таралган бир қизнинг сурати эди; қалам остидан Улиньканинг сурати чиққанини кўрган Тентетников ҳайратда қоларди; бу шундай сурат эдики, уни ҳеч бир машҳур рассом ҳам чизолмас эди. Уни яна кўпроқ ғам босарди, ер юзида бахт деган нарсанинг йўқлигига ишониб, юраги тобора ториқарди ва ҳамма нарсага лоқайд қарарди.

Андрей Иванович Тентетниковнинг руҳий ҳолати ана шундай эди. Кунлардан бир кун у одатдагидек қўлида трубка ва чашкасини кўтариб дераза олдига боргач, бирдан ҳовлида қандайдир ҳаракатни ва хизматкорларнинг у ёқ-бу ёққа югуриб юрганларини кўриб қолди. Ошпаз бола билан оқсоч хотин югуриб бориб дарвозани очди. Дарвозада уч от кўринди, улар худди зафар дарвозаларидаги ҳайкал ёки сурати солинган отларга ўхшарди: бирининг боши ўнгга, бирининг боши сўлга қараган, ўртадагисининг боши тўғри турган эди. Отлардан юқорида, кенг сюртук кийган ва белларини бурун артадиган рўмол билан боғлаб олган кучер билан малай козлада ўтирган эди. Уларнинг орқасида бошида шапка, эгнида шинель, бўйнига камалак ранг шарф ўраган бир жаноб ўтирган эди. Арава эшик зинаси олдида қайрилганда қарасалар, у рессорли енгил бричка экан. Совлати келишган жаноб ҳарбий кишидек тез ва чаққон ҳаракат билан эшик зинасига сакраб тушди.

Андрей Иванович қўрқиб кетди. Бу одамни у ҳукумат томонидан юборилган чиновник деб гумон қилди. Шунини айтиб ўтмоқ керакки, ёшлигида у бир ножўя ишга сал бош қўшган эди. Гусарлар орасидан чиққан, ҳар хил китобчалар ўқиган, эстетика мактабини битирмаган, бор-йўғини қиморда бой берган икки қартабоз файласуф, эски доғули ва масон,



мазкур гусарлар сингари қартабоз, лекин жуда гапдон бир кишининг бошчилигида инсонпарварлик жамияти туздилар. Жамият ўз олдига Темза дарёсининг соҳилларидан тортиб то Қамчаткагача бутун инсониятни чинакам бахт-саодатли қилиш каби кенг мақсадни қўйган эди. Бунинг учун ниҳоятда кўп пул керак эди; жамиятнинг олий ҳиммат аъзоларидан ҳисобсиз иона тўпланди. Бу пулларнинг қаёққа кетганлигини ёлғиз катта бошлиқ билар эди. Тентетниковни бу жамиятга аламзада кишилар тоифасига мансуб бўлган икки ошниси тортди; ошналари яхши кишилар эди-ю, лекин улар илм-маърифат учун ва инсониятга келажакда қилинадиган хизматлар учун тез-тез қадаҳ кўтаравериб, кейин расмий пияниста бўлиб қолган эдилар. Тентетников тезда гапнинг тагини пайқаб, бу даврадан чиқди. У чиқмасдан илгари ҳам жамият ҳатто дворянларга асло ярашмайдиган бошқа ишларга бош қўшиб чалкашиб қолган эди ва сўнгра бу иш бориб полициянинг қўлига тушган эди... Шунинг учун ҳам Тентетников, гарчи жамиятдан чиққан ва у билан алоқасини батамом узган бўлсада, кўнгли тинч эмас эди. Ҳар ҳолда виждони жуда ҳам тоза эмас эди. Шунинг учун ҳам у ҳозир очилган дарвозага қўрқиб қараб турган эди.

Бироқ меҳмон бошини ҳурмат билан бир оз ёнга эгиб, ғоят чаққонлик билан таъзим бажо келтириб, қисқача ва лекин очиқ-ойдин сўзлар билан: мен ҳам аҳтиёж юзасидан, ҳам қизиқ-қизиқ нарсаларни кўриб ўрганиш нияти билан кўпдан бери Русияни кезиб юрибман, бизнинг давлатимизда мўл-кўл касблар ва турли хил ерлардан ташқари бе-

ҳисоб ажойиб нарсалар бор, сизнинг қишлоғингиз жойлашган ажойиб манзарали жой мени ўзига жазб қилди, аммо қишлоғингиз хушманзара жой бўлишига қарамай, агар баҳор тошқинлари ва йўлларнинг лойгарчилиги орқасида бричкам бирдан шикаст емаганда, мен ўринсиз бу ерга келиб сизни безовта қилишга журъат этолмас эдим, мабодо бричкамга ҳеч нима бўлмаганда ҳам шахсан ҳузурингизга келиб ўз ҳурматимни изҳор қилиш мамнуниятидан ўзимни баҳрасиз қолдирилмас эдим, дейиши билан Тентетниковнинг қўрқуви дарҳол босилди.

Меҳмон сўзини тамом қилиб, садаф тугмалари қадалган оёғидаги чиройли амиркон этикчаларини ниҳоятда келиштириб бир-бирига шарқиллатиб урди-да, гавдаси тўлиқ бўлишига қарамай, резинка коптовдек бир диркиллаб ўзини бир оз орқага олди.

Андрей Иванович кўнгли тинчиб, эҳтимол, бу киши ҳар хил ўсимликларни ёки ер остидан қазиб олинадиган нарсаларни йиғмоқ учун Русияни кезиб юрган янги-янги нарсаларга қизиқувчи олим профессор бўлса керак, деб ўйлади. Дарҳол унга ҳар жиҳатдан ёрдам беришга тайёр эканини билдирди: ўз усталарини, аравасозларини ва темирчиларини таклиф этди, ўз уйддек бемалол ёзилиб ўтиришни сўради, уни олиб бориб катта вольтер креслосига ўтқизди ва унинг табиий илмлардан қиладиган ҳикоясини тинглашга ҳозирланди.

Лекин, меҳмон кўпроқ ўз ички оламида содир бўлган воқиалар ҳақида сўзлади. Ўз ҳаётини денгиз ўртасида ҳар томондан бевафо шамол қувиб юрган кемага ўхшатди; гап орасида кўп вазифаларда ишлаб ҳаммасини ташлаб кетганини, ҳақгўйлиги учун кўп жабр-жафолар тортганини, ҳатто душманлар бир неча бор жонига қасд қилганларини айтиб ўтди; у яна кўп нарсаларни гапириб берди, бу гаплардан унинг амалий иш кишиси экани кўриниб турарди. Сўзининг охирида у оқ батист рўмолчасига бурнини шундақа қанқиллатиб қоқдики, Андрей Иванович ҳалига қадар бунақа бурун қоқишни кўрмаган эди. Баъзан оркестр орасига бир карнай кириб қолади, дўриллаганда унинг овози оркестрда эмас, одамнинг ўз қулоғи ичида ванғиллаб эшитилади. Фафлат босиб ётган бу уйнинг хоналарида ҳам ҳозир худди шундай овоз эшитилди, унинг кетидан дарҳол хушбўй атир ҳиди келди, бу атир ҳиди эпчиллик билан силкитилган батист дастрўмолчадан таралган эди.

Бу меҳмон биз кўпдан бери тилга олмай қўйган Павел Иванович Чичиковнинг худди ўзгинаси эканини китобхонлар пайқагандирлар. У бир оз қариган эди, бу вақтни у зўр ташвиш ва ҳаяжон билан ўтказгани кўриниб турган эди. Афтидан, эғнидаги фраги ҳам бир оз эскирган, бричка ҳам, кучер ҳам, хизматкор ҳам, отлар ҳам, от абзаллари ҳам уриниб бир оз эскириб қолгандай эди. Афтидан, ҳатто унинг сармоя томонлари ҳам унча яхши эмас эди. Аммо юзининг ифодаси, ўзини сипо тутиши, назокат билан муомала қилиши илгаригича эди. Ҳатто ҳаракатлари ва ўтириш-туришлари янада назокатлироқ бўлгандай эди, креслода ўтирганда янада чаққонлик билан оёғини оёғи устига ошириб қўярди. Гаплари янада юмшоқ бўлган эди, эҳтиёт бўлиб ётиғи билан сўзларди, ўзини янада вазминроқ тута биларди ва ҳамма жиҳатдан янада яхшироқ одоб сақлай оларди. Ёқалиги ва манишкаси қордан ҳам оппоқ ва тоза, йўлдан келганига қарамай фрагига гард юқмаган, шу туришида ҳозирнинг ўзидаёқ уни туғилган кун зиёфатига таклиф қилиш мумкин эди. Икки чаккаси ва энгаги шундай тоза қирилган эдики, фақат кўр кишигина унинг ёқимли, силлиқ дўмбоқ юзидан баҳра ололмас эди.

Уй дарҳол бошқа тусга кирди. Уйнинг ярми ҳозирга қадар қопқоронғи бўлиб ётган эди, деразаларга тахта қоқиб ташланган эди; ҳозир эса ҳаммаси очилиб, уй бирдан ёришиб кетди. Ёришган хоналарда ҳамма нарса жо-бажо бўла бошлади ва тез орада хоналар ажиб тусга кирди: ётоқ бўладиган хонага кечки туалетга керакли нарсалар қўйилди; кабинет бўладиган хона... лекин энг аввал шуни билмоқ керакки, бу хонада уч стол бор эди: бири диван олдига қўйилган ёзув столи, иккинчиси икки дераза ўртасида ойна олдига қўйилган қартабозлик столи, учинчиси ётоқ эшиги билан зал эшиги ўртасидаги бурчакка қўйилган бурчак столи эди; эски мебеллар тўплаб қўйилган ва бир йилдан буён ҳеч ким кирмаган бу зал энди даҳлиз бўлган эди. Чамадондан олинган либослар, яъни: фрак остидан кийиладиган чалвор, янги чалвор, кул ранг чалвор, икки бахмал ва икки атлас желетка, бир сюртук ва икки фрак бурчак стол устига қўйилган эди. Бу либослар эҳром шаклида бир-бири устига тахлаб қўйилган ва устига шойи дастрўмолча ёпилган эди. Эшик билан дераза ўртасидаги нариги бурчакда бир неча этик қатор тизилиб турган эди: улардан баъзиси унча янги эмас, баъзиси бутунлай янги эди, қўнжи паст амир-

кон этик ва уйда кийиладиган этиклар ҳам бор эди. Уялмаслик учун уларнинг олдига ҳам шойи дастрўмолча тўсиб қўйилган эди, гўё улар кўзга кўринмаслиги керак эди. Шу оннинг ўзидаёқ кичкина бир қутича, одеколон шишаси, календарь, қайси бир романнинг иккинчи томидан икки китоб ёзув столи устига зўр тартиб билан жойлаштирилди. Тоза ич кийимлар ётоққа келтириб қўйилган комодга жойлаштирилди; ювишга бериладиган кир ич кийимлар эса тугунча қилиб кроватъ остига қўйилди. Бўшалган чамадон ҳам кроватъ остига гиқилди. Йўлда ўғриларни қўрқитиш учун олиб юриладиган қилич ҳам ётоқда кроватъ яқинидаги михга осиб қўйилди. Ҳамма нарса ниҳоят даражада тоза ва озода тусга кирди. Ҳеч жойда на бир парча қоғоз, на битта тук, на битта хас кўринмас эди. Ҳавонинг ўзи тозалик касб этган эди: ич кийимини кирланганга қадар киймайдиган, ҳаммомга бориб турадиган ва якшанба кунлари баданини ҳўл мочалка билан артадиган соғлом, озода эркак кишининг хушбўй ҳиди хонага таралган эди. Қираверишдаги залда вақтинча бўлса ҳам хизматкор Петрушканинг ҳиди қаттиқ ўрнашиб қолмоқчи бўлган эди-ю, лекин тезда у ошхонага кўчирилди, шундай қилиш ҳам керак эди.

Андрей Иванович биринчи кунларда ўз мустақиллиги хафв остида қолишидан қўрққан эди, келган меҳмон уни овора қилиб қўйишидан, ҳаёт тарзини ўзгартириб уни сиқиб қўйишдан, жуда яхши йўлга қўйилган кун тартибини бузишидан хавотир ола бошлаган эди; лекин унинг хавотир олиши ўринсиз эди. Бизнинг Павел Иванович ҳамма нарсага дарров мослашиб олиш жиҳатдан фавқулодда маҳорат кўрсатди. Уй эгасининг файласуфона вазминлигини маъқуллади ва бундай вазминлик кишига юз йил умр беради, деди. Узлатда ҳаёт кечиришни ҳам у жуда мақтади, яъни узлатда ҳаёт кечириш кишида зўр фикрлар туғдиради, деди. Унинг кутубхонасига назар солиб, умуман китобларни мақтаб кетди ва китоблар одамни бекорчиликдан калос қилади, деди. У оз сўзласа ҳам, салмоқдор сўзлади. Унинг юриш-туриши ҳам жуда жойида эди. Уй эгасининг олдига у вақтида келиб, вақтида кетар эди; уй эгаси сўзламасдан хомуш ўтирган чоқларда саволлар бериб уни безовта қилмас эди; у билан очиқ чеҳрада шахмат ўйнарни, очиқ чеҳрада сукут қиларди. Улардан бирв грубка чекиб, оғзидан ҳалқа-ҳалқа тутун чиқариб ўтирганда, иккинчиси трубка чекмасдан унга мос тушадиган бир машғулоти ўй-

лаб топарди, масалан, қопқоғи қора кумуш бурнакидонини чўнтагдан чиқариб, уни чап қўлининг икки бармоғи устига қўярди, сўнгра ер курраси ўз ўқи теварагида айлангани сингари, ўнг қўли бармоғи билан уни тез айлантириб ўтирарди, ёки секин ҳуштак чалиб бармоғи билан уни чертиб ўтирарди. Хуллас, уй эгасига халақит бермас эди. «Улфатчилик қилиш мумкин бўлган одамни энди кўрдим-а,— дер эди ичида Тентетников:— умуман бундай маҳоратни биладиган кишилар бизда оз. Бизнинг орамизда ақлли, ўқимишли, фазилатли кишилар кўп-у, аммо хулқи-атвори доимо бирдай бўлган, умр бўйи жанжаллашмасдан тотув яшаш мумкин бўлган кишилар, билмадим, бизда қанча топилар экан. Бундай одамни мен мана биринчи марта кўриб турибман». Тентетников ўз меҳмони ҳақида шундай фикрда эди.

Чичиков ҳам бундай ювош, мўмин-қобил одамни келиб қўнганидан жуда хурсанд эди. Лўлидек ҳаёт кечириш унинг жонига теккан эди. Баҳор келиб шундай хушманзара далалар кўриниб турган бу гўзал қишлоқда лоақал бир ойгина дам олиш ҳатто бовосил жиҳатдан ҳам фойдали эди.

Истироҳат учун бундан яхши жойни топиш қийин эди. Совуқлар узоққа чўзилиб, кеч келган баҳор бутун жамолини бирдан намоён қилган ва ҳамма жойда ҳаёт ўз жилвасини кўрсатган эди. Ўрмондаги ялангликлар яшил тусга кирган эди, зумраддек ям-яшил майсалар ичида қоқигул сарғиш бўлиб товланар, пушти ранг анемон гули латиф бошини эгиб турарди. Ботқоқлар устида пашшалар ва бошқа ҳашоратлар гужгон ўйнарди. Сув ўргимчаги уларни қувиб юрарди, ўргимчак кетидан ҳар хил қушлар ҳар томондан учиб келиб қуруқ қамишлар орасига тўпланмоқда эди. Ҳамма нарса бир-бирига яқинроқдан назар солмоқ учун тўпланган эди. Ер усти бирдан жон-жониворга тўлди, ўрмонзор ва чаманзорлар уйғонди. Қишлоқда ялла садолари янгради. Сайр-томоша учун жой кенг эди. Кўкатлар бирам ям-яшил товланади! Ҳаво бирам тоза! Боғларда қушлар бирам чулдурашиб сайрайди! Ҳамма жой жаннат, ҳамма шод ва хуррам! Қишлоқда шодлик садолари ва куйлари янграйди, гўё унда тўй-томоша бўлаётгандай.

Чичиков сайр қилиб кўп юрди. Сайру томоша учун ҳамма ёқ кенг эди. У гоҳ тепалик устидаги ялангликда кезарди, унинг пастида кенг водий бўлиб, водийда эса баҳор тошқинидан ҳосил бўлган кат-

та-катта кўллар ҳамма жойда ёйилиб ётарди ва ҳали япроқ чиқармаган ўрмонлар кўлларнинг ўртасида оролдек қорайиб кўринарди; гоҳ қалин ўрмонзорга кирарди, дарахтлар ғуж бўлиб турган бу жойда қушларнинг инлари, қарғаларнинг катта-катта уялари кўринарди, қарғалар эса қағиллаб, осмонни қора булутдек тўсиб, у ёқдан бу ёққа чаппа-роста учиб юришарди. Бу ердан қуруқ ер бўйлаб пристанга бориш мумкин эди: унда нўхат, арпа, бугдой ортган дастлабки кемалар сафарга жўнамоқда эди; айни вақтда сув жуда қаттиқ шариллаб, ишлай бошлаган тегирмоннинг парраklarига қуйилмоқда эди. У дастлабки кўклам ишларини томоша қилгани борди: яшил кўкатлар орасида тахта-тахта бўлиб очилган қора тупроқ ерларни, бўйнига осилган ғалвирдан донни ҳовучлаб олиб, бир донасини ҳам нари-бери қилмасдан, ерга текис уруғ сочаётган мужикни кўрди.

Чичиков ҳамма жойни айланиб чиқди. Приказчик билан ҳам, мужик билан ҳам, тегирмончи билан ҳам ағдан-бағдан гаплашиб гурунглашди. Ҳаммасини суриштириб билиб олди: хўжалик ишлари қандай бораётганини, ғалла қанчадан сотилишини, баҳорда ва кузда ғалла тегирмонда тортиб берилгани учун қанчадан музд олинишини, ҳар бир мужикнинг номи нималигини, кимнинг кимга қариндош-уруғ эканлигини, сигирларнинг қаердан сотиб олинишини ва чўчқалар нима билан боқишлигини сўраб олди. Хуллас — ҳаммасини суриштириб кўрди. Мужиклардан қанчаси ўлганини ҳам сўраб билди. Унча кўп ўлмаган экан. У ақлли киши бўлганидан Андрей Ивановичнинг хўжалик ишлари яхши юришмаётганлигини дарров пайқади. Ҳамма жойда ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини, ҳафсаласизлик борлигини, ўғрилиқ ҳам оз эмаслигини сизди. У ичида ўйлади: «Чиндан Тентетников ғирт ҳайвон экан! Шундай ер-мулкни хароб қилиб қўйибди-я! Бундан йилига эллик минг даромад олиш мумкин эди!»

Ҳар сафар сайр қилишга чиққанда унинг миясига, ўзим ҳам бирон вақт шундай ер-мулк эгаси бўлиб олсам, деган фикр келар эди; албатта, ҳозир эмас, кейинроқ, бошлаган асосий иш охирига етказилиб, қўлимга нўмайроқ пул тушгандан кейин; ўшанда ўзим ҳам ана шундай тинчгина ер-мулк эгаси бўлиб оламан. Маълумки, шу пайт дарҳол унинг кўз олдида савдогар ёки бошқа бир давлатманд тоифадан бўлган, ҳатто музикадан ҳам хабари бўлган ёш, дил-

бар, оқ юз бир хотин ҳам жонланиб турарди. Унинг тасаввурида Чичиковлар фамилиясини абадийлаштириши лозим бўлган ёш авлод ҳам гавдаланиб кўринарди: шўх бир ўғилчаси ва гўзал бир қизчаси ёки ҳатто икки ўғилчаси, икки ва ҳатто уч қизчаси бўлса; ана шунда Чичиков ҳақиқатан дунёда яшаб умр сурганини, соядай ёки хаёлдай дунёдан ўтиб кетмаганини ҳамма билса; у вақтда ватан олдида ҳам уялиб қолмайди. Унинг миясида шундай хаёллар кезар экан, ҳатто мартаба масаласи ҳам кўз олдига келарди; мартабаси бир оз ошганда ёмон бўлмас эди: масалан, статский советник фахрли ва ҳурматли мартаба... Сайр қилиб юрганда одамнинг миясига нималар келмайди; бу фикрлар кўпинча кишини ҳозирги зиқ ҳаётдан узоқларга олиб кетади, хаёлни қўзғайди, қитиқлайди, ҳаракатга келтиради ва ҳатто одам ўзи бу хаёллар ҳеч қачон рўёбга чиқмаслигига ишонса-да, булар унга жуда хуш ёқади!

Павел Ивановичнинг хизматкорларига ҳам бу қишлоқ ёқди. Улар ҳам Чичиков сингари бу қишлоққа ўрганиб қолишди. Петрушка тезда буфетчи Григорий билан апоқ-чапоқ бўлиб қолди. Тўғри, аввал бошда улар иккови ҳам кеккайиб бир-бирига ҳаддан ташқари димоқ-финоқ қилиб юришди. Петрушка турли жойларда бўлганлиги билан мақтаниб, Григорийнинг қитиғига тегди; Григорий Петербургда бўлганлигини айтиб Петрушкани мот қилиб қўйди, чунки Петрушка Петербургда бўлмаган эди. Петрушка ўзи борган узоқ жойларнинг номини санаб кўрсатмоқчи бўлган эди, лекин шу пайт Григорий унга шундай бир жойнинг номини айтдики, у жойни харитадан ҳам излаб топиб бўлмас эди ва борган жойи унинг айтишича, ўттиз минг чақиримдан ҳам узоқ эди, шундан кейин Павел Ивановичнинг хизматкори бутунлай писсайиб оғзини очиб қолди ва бошқа хизматкорлар уни калака қилиб кулишди. Шундай бўлса ҳам улар кейин дўст бўлиб қолишди. Қишлоқнинг нариги бошида ҳамма деҳқонларнинг амакиси бўлган Тозкал Пименнинг қовоқхонаси бор эди, бу қовоқхонага Акулька деб от қўйишган эди. Петрушка билан Григорийни ҳар куни эртадан кечгача шу қовоқхонада кўрардилар. Шу ерда улар дўстлашиб қолдилар, ёки халқ орасида айтилгандек, қовоқхонанинг кунда шундаси бўлиб қолдилар.

Селифан эса бошқа жойдан дон олиб юрган эди. Қишлоқда ҳар кеча йиғилишиб қўшиқ айтишар, баҳор яллалари ва лапарларини ав-

жигга чиқарардилар. У, балоғатга етган, қадди-қомати келишган қизларга маҳлиё бўлиб, кўзларини қарғадек чақчайтириб бир неча соатлаб уларга қараб турарди (бундай қизларни энди катта қишлоқлардан топиш маҳол). Улардан қайси бири яхшироқ эканини айтиши қийин эди: ҳаммаси оқ тўш, оқ бўйин эди, ҳаммасининг кўзлари шахло, қарашлари биё-биё, юришлари товусдай хиромон, сочлари белига тушар эди. Селифан икки қўли билан икки томондан оқ қўлларни ушлаб, секин-секин қимирлаб лапар айтганда ёки йигитлар билан қатор тизилиб қизлар сари юрганда, қақилдоқ қизлар ҳам қатор тизилишиб ва қийқириб кулишиб: «Ҳой боёнлар, куёвни кўрсатинглар!» деган лапарни баланд овоз билан айтиб йигитлар сари борганда, теварак-атроф секин-секин қоронғилаша бошлаганда, лапар садолари дарёдан нари узоқларда янграб, ғамгин акс садо бўлиб қайтиб эшитилганда, у қандай аҳволга тушиб қолганини ўзи ҳам билмас эди. Шундан кейин тушида ҳам, ўнгида ҳам, эрта билан ҳам, кечқурун ҳам унга оқ қўлларни ушлаб ҳамон лапар айтаётгандек туюларди. (У қўлини силтаб: «Бу шайтон қизлар ёнимга суқилгани суқилган!» дея эди.)

Чичиковнинг отларига ҳам янги жой ёқиб қолди. Уртага қўшиладиган жийрон ҳам, Маслаҳатчи ҳам, ҳатто чавқар ҳам жуда мамнун эди; улар: Тентетниковникида турсанг сира зерикмас экансан, еми аъло, отхонаси жуда соз, ҳар бир охур алоҳида гов билан тўсиб қўйилган, дегандек бўлардилар; говнинг тепасидан бошқа отларни кўриш мумкин, агар улардан биронтасининг, ҳатто энг четдаги охурга боғланганининг ҳам бирдан завқ билан кишнагиси келиб қолса, шу ондаёқ бошқалари ҳам унга жавоб беришлари мумкин эди.

Хуллас, ҳаммалари ўз уйларидек ўрганиб қолишди. Энди Чичиковнинг бутун кенг Русияни кезиб юришига сабаб бўлган эҳтиёж масаласи, яъни ўлик жонлар масаласига келганда, бу хусусда у жуда эҳтиётлик ва назокат билан иш кўрадиган бўлди. Башарти бу хусусда ҳатто ғирт аҳмоқ одам билан иш кўришга тўғри келганда ҳам у дарров иш бошлай қолмас эди. Ҳар нима бўлса ҳам, Тентетников китоб ўқийдиган, файласуфлик қиладиган, нега ва нима учун? деган саволларни бериб ҳар бир нарсанинг сабабини аниқлаб олишга ҳаракат қиладиган одам эди. Йўқ, яхшиси шуки, изламоқ керак,



балки бошқа бирон йўли топилар. Чичиков шундай деб ўйларди. У, ҳовлидаги хизматкорлар билан ағдан-бағдан гаплашиб ўтириб, улардан баъзи бир нарсаларни билиб олди, жумладан шу нарсани билдики, уларнинг хўжайини илгари қўшни қишлоқда турувчи бир генералникига тез-тез бориб турар экан, генералнинг бир қизи бор экан, хўжайиннинг кўнгли қизга, қизнинг кўнгли хўжайинга мойил экан... Сўнгра хўжайин билан генералнинг бирдан нима устидадир гаплари қочиб, оралари бузилган экан ва шундан кейин хўжайин уникига бормай қўйган экан. Чичиков ўзи ҳам Андрей Ивановичнинг қалам ёки пат билан ҳаммиша қандайдир бошларнинг расмини чизиб ўтирганини ва бу бошлар бир-бирига ўхшашини кўрган эди.

Бир кун Чичиков тушки овқатдан кейин одатдагидек кумуш бурнакидонини бармоғи билан ўз ўқи теварагида айлантириб тураркан, бундай деди:

— Сизда ҳамма нарса муҳайё, Андрей Иванович, фақат бир нарса етишмайди.

— Нима етишмайди,— деди Тентетников, оғзидан ҳалқа-ҳалқа тутун чиқариб.

— Умр йўлдоши,— деди Чичиков.

Андрей Иванович ҳеч нима демади. Гап ҳам шу билан тамом бўлди.

Чичиков бўш келмади. Бошқа вақтни топиб, кечки овқат олди-дан ағдан-бағдан сўзлашиб ўтириб, гап орасида бирдан деди:

— Ҳақиқатан, Андрей Иванович, уйлансангиз асло ёмон бўлмас эди.

Тентетников бу гапга бир сўз ҳам демади. Мазмуни, бу тўғрида гапиришнинг ўзи унинг дилига оғир ботадигандай эди.

Чичиков яна бўш келмади. У яна бир марта кечки овқатдан кейин қулай вақт топиб бундай деди:

— Ҳар ҳолда мен сизнинг аҳволингизни ҳар томондан нақадар айлантириб қарасам ҳам фақат шуни кўраманки, сизга уйланиш керак, йўқса, сиз савдои бўлиб, қора хаёлларга ботиб қоласиз.

Чичиковнинг бу сафар айтган сўзлари жуда таъсирли бўлдими ёки Тентетниковнинг бу кун оқиқ сўзлашга майли бор эдими, ҳар ҳолда у бир оқ тортди-да, чекиб турган трубкасининг тутунини юқорига пуфлаб:

— Ҳамма нарса учун бахтли бўлиб туғилмоқ лозим, Павел Иванович,— деди ва сўнгра генерал билан қандай танишганлигини ва нима учун ораси бузилганини бирма-бир айтиб берди.

Чичиков унинг сўзларига бошдан охиригача қулоқ солиб туриб, бу воқиа фақат «сен» деган сўз устида юз берганини билди-да, гаранг бўлиб қолди. У бирпас Тентетниковнинг кўзига тикилиб турди, унинг ҳақида нима дейишини билмади: у қип-қизил аҳмоқми ёки сал тентакроқми, деб ўйлади ва ниҳоят Тентетниковнинг икки қўлини ушлаб, деди:

— Андрей Иванович! Хўш, марҳамат қилиб айтинг-чи! Бунинг нимаси ҳақорат? «Сен» деган сўзда қандай ҳақорат бўлиши мумкин?

— Сўзнинг ўзида ҳақорат қиладиган ҳеч нарса йўқ,— деди Тентетников: — ҳақорат сўзнинг маъносида эмас, балки унинг оҳангида, қандай оҳанг билан айтилишида. «Сен» дегани: «Шуни билиб қўйки, сен аблаҳсан; сени фақат шунинг учун қабул қиламанки, сендан бошқа яхшироқ киши йўқ; мана энди княжна Юзякина келди, энди сен ўз ўрнингни бил, эшик олдига бориб тур» дегани бўлади. Унинг маъноси ана шу! — Шу гапни айтар экан, ювош ва мўмин-қобил киши бўлган Андрей Ивановичнинг кўзлари чақнаб кетди, унинг сўз оҳангидан ҳақорат қилинган кишининг ғазаблангани сезилиб турарди.

— Хўп, борингки ҳатто шундай маънода бўлсин, хўш, бу билан нима бўлибди? — деди Чичиков.


— Нима! Сизнинг фикрингизча, мен унинг шундай ярамас ҳаракатидан кейин ҳам уникига бориб туришим керак эдими?

— Хўш, бунинг нимаси ярамас ҳаракат! Бу ҳеч қандай ярамас ҳаракат эмас,— деди вазминлик билан Чичиков.

— Нега ярамас ҳаракат бўлмасин? — деб сўради Тентетников таажжуб билан.

— Бу ярамас ҳаракат эмас; генералларнинг одати шунақа бўлади: улар ҳаммага «сен» деб гапирарди. Хўш, айтинг-чи, хизмат кўрсатган ҳурматли бир кишига «сен» деб сўзлаш нега жоиз эмас?

— Бу бошқа гап,— деди Тентетников.— Агар у қари бир чол, камбағал бўлганда эди, такаббур, димоғдор, генерал бўлмаганда эди, у вақтда унинг менга «сен» деб сўзлашини жоиз деб билар эдим ва ҳатто бу сўзни ҳурмат билан қабул қилар эдим.



«Бу ғирт ахмоқ экан, — деди Чичиков ичида:— чувринди киши «сен» деса жоиз эмиш-у, генерал «сен» деса ножоиз эмиш! . . .»

— Яхши,— деди у кейин баланд овоз билан,— фараз қилайлик, у сизни ҳақорат қилган бўлсин, аммо сиз ҳам эвазини қайтарибсиз-ку: ора очиқ бўлибсизлар. Ўз шахсий ишини бир ёққа қўйиб, аразлашиб ўтириш — бу, кечирасиз. . . Модомики бир нарса нишонга олинган экан, ҳеч нимадан қайтмасдан тикка бориш керак. У киши менга тупурди деб қараб ўтирмаслик керак! Одам бўлгандан кейин тупуради-да: унинг яратилиши шунақа. Ҳозир сиз бутун дунёда тупурмайдиган битта ҳам одамни тополмайсиз.

«Ғалати одам экан-ку бу Чичиков!» деб ўйлади ичида Тентетников таажжубланиб; Чичиковнинг бундай сўзларига у жуда гаранг бўлиб қолган эди.

«Бу Тентетников жуда тентак экан-ку!» деб ўйлар эди Чичиков ҳам.

— Андрей Иванович! Мен сиз билан ака-укадек сўзлашмоқчиман. Сиз тажрибасиз одамсиз — рухсат этинг, бу ишни мен тўғрилаб берай. Мен жаноб генералнинг ҳузурига бориб айтаманки, Андрей Иванович томонидан англашилмовчилик ўтибди, ёшлик қилибди, дунёни ва одамларни яхши билмаганидан шундай қилибди, дейман.

— Менинг унга ялиниш, паст кетиш ниятим йўқ, — деди бу сўздав таҳқирланган Тентетников, — сизни ҳам бу хусусда вакил қилолмайман.

— Мен ҳам ялинмоқчи ва паст кетмоқчи эмасман, — деди унинг сўзидан таҳқирланган Чичиков. — Бошқа бирон ишда инсон сифатида гуноҳкор бўлишим мумкин, аммо ялиниш, паст кетиш бобида — ҳеч қачон... Кечирасиз, Андрей Иванович, мен бу сўзни яхши ният билан айтган эдим, менинг бу сўзларимни сиз бундай маънода тушуниб хафа бўлишингизни кутмаган эдим. — Бу сўзларни у ўз иззатинафсига яраша оҳангда айтди.

Бу сўзлардан мутаассир бўлган Тентетников:

— Мен гуноҳқорман, кечирасиз! — деди шошиб-пишиб ва унинг икки қўлини ушлади. — Мен сизни хафа қилишни ўйламаган эдим. Қасамёд қилиб айтаманки, сизнинг яхши ният билан бу ишда қатнашингиз менинг учун қимматлидир! Лекин энди бу гапни қўййлик. Бу тўғрида бошқа асло сўзлашмаймиз.

— Ундай бўлса, мен генералнинг ҳузурига бора қолай.

— Нима учун? — деди Тентетников таажжуб билан унинг кўзларига қараб.

— Ўз ҳурматимни изҳор қилмоқ учун.

«Ғалати одам экан-ку бу Чичиков!» деб ўйлади Тентетников.


«Ғалати одам экан-ку бу Тентетников!» деб ўйлади Чичиков.


— Мен эртагаёқ, Андрей Иванович, эрта билан соат ўнларда унинг уйига бораман. Менимча, одамга нақадар тез ҳурмат изҳор этилса, шу қадар яхши бўлади. Менинг бричкам ҳали кўнгилдагидек тузатилган эмас, шунинг учун рухсат этинг сизнинг коляскангизни миниб борай.

— Марҳамат қилинг, сўраб ўтиришнинг ҳеч ҳожати йўқ! Ўзингиз тўла хўжайинсиз: коляска дейсизми, бошқа нарса дейсизми — ҳаммаси сизнинг ихтиёрингизда.

Шу гапдан кейин улар бир-бирлари билан хайрлашиб ухламоққа кетдилар, аммо ҳар бирининг кўнглида, бу ғалати киши экан, деган гап ҳали ҳам бор эди.

Бироқ дунёда ажойиб нарсалар бўлади! Эртаси кун Чичиков янги фрак, янги жилетка кийиб ва оқ галстук тақиб, ҳарбий кишидек енгил ҳаракат билан коляскага сакраб миниб, генералга ўз ҳурматиини изҳор қилиш учун жўнаганда, Тентетников шунақа ҳаяжонга келдики, кўпдан бери у бундай ҳаяжонга келмаган эди. Унинг занг ва ғафлат босиб ётган бутун ўй-фикрлари безовталаниб ҳаракатга келди. Шу чоққача бутун ўй-фикри билан ялқов бир аҳволда бепарво ётган бу бекорчи одамни бирдан асабий ҳаяжон чулғаб олди. У дам бориб диванга ўтирар, дам дераза олдига борар, дам қўлига китобни оларди; гоҳ фикр қилмоқчи бўларди, лекин беҳуда! — миясига фикр келмас эди; гоҳ ҳеч нима ҳақида фикр қилмасликка тиришарди, лекин беҳуда! фикрга ўхшаш қандайдир узукюлуқ нарсалар, фикрнинг қанот-қуйруғи ҳар томондан тўпланиб келиб, унинг миясини чўқиларди. «Ғалати ҳол!» деди у ва деразага яқинроқ сурилиб ўтирди — эман дарахтлари ўртасидан кесиб ўтган йўлга кўз солди; йўлнинг охирида ҳали ҳам босилмаган чанг-тўзон кўриниб турарди. Лекин энди Тентетниковни шу ерда қолдириб, Чичиковнинг орқасидан борайлик.





### *Иккинчи боб*

**Ч**опқир отлар ярим соатдан сал ошиқ вақт ичида ўн чақирим йўл босиб Чичиковни аввал эман дарахтзорлари, сўнгра тоза майсазор ўртасида кўкара бошлаган ғалла экинлари, ундан кейин тизилиб кетган тепалар ва улардан минут сайин узоқларда намоён бўлиб бораётган манзаралар, сўнгра эндигина қад кўтариб ўса бошлаган липа дарахтлари хиёбони орасидан олиб ўтиб қишлоқнинг қоқ ўртасига элтиб қўйди. Бу ерда липа дарахтлари хиёбони ўнгга бурилиб, тўқилган саватлар билан таги тўсиб қўйилган бақатераклар кўчасига туташиб, чўян панжарали дарвозага бориб тақаларди, дарвоза панжараси орасидан генерал уйининг саккизта кошинкор устунни бўлган гажакдор нақшлар билан ўймакори қилинган пештоқи кўриниб турарди. Ҳар томондан ҳамма нарсани яп-янги қилиб қўйган ва ҳеч

нимани эскиришга қўймаган мойли бўёқнинг ҳиди анқирди. Ҳовлининг юзи паркет тўшалгандек топ-тоза ярқираб турарди. Чичиков эҳтиром билан коляскадан тушди, ўзининг кимлигини айтиб, генералга маълум қилишни буюрди, шундан кейин уни тўғри генералнинг кабинетига бошлаб бордилар. Генерал ўзининг совлати билан уни ҳайратда қолдирди. Унинг эғнида серҳашам тўқ қизил атласдан тикилган қавима халат бор эди. У чеҳраси очиқ, мард сифат, мўйловларига ва катта бакенбардларига оқ оралаган, орқа сочи қисқа қирқилган, семиз орқа бўйни, таъбирга кўра, уч қават бўлиб қатланган ва ёнламасига эгат бўлиб кетган киши эди; хуллас у, машҳур ўн иккинчи йилдан қолган серсовлат генераллардан бири эди. Генерал Бетрищевда, бизнинг кўпимизда бўлгани сингари, бирталай яхши фазилатлар билан бир қаторда бирталай камчиликлар ҳам бор эди. Фазилат ҳам, камчилик ҳам унда, одатда ҳар бир рус кишида бўлганидек, яққол манзара шаклида аралаш-қуралаш бўлиб кетган эди. Дол зарб пайтларда у олижаноблик, ботирлик, чексиз сажийлик, ҳамма нарсада ақл-идрск кўрсатарди, шу билан бирга унда инжиқлик, шуҳратпарастлик, манманлик ва майда шахсиятпарастлик бор эдики, бекор ўтирадиган ҳеч бир рус бусиз, яъни майда шахсиятпарастликсиз кун кечиролмайди. У, хизматда ўзидан олдинга ўтиб кетган кишиларнинг ҳеч бирини ёқтирмас эди, улар ҳақида заҳарли гаплар айтарди, наштарли ҳажвлар тўқирди. Айниқса ўзининг илгариги бир ўртоғи ҳақида у жуда ёмон гапларни айтарди: уни ақл жиҳатдан ҳам, қобилият жиҳатдан ҳам ўзидан паст тутарди, лекин шундай бўлса-да, ўртоғи ундан ўтиб кетган эди ва икки губерниянинг генерал-губернатори бўлиб олган эди, тағин, худди жўрттага қилгандай, унинг ер-мулки худди у генерал-губернатор бўлган губернияларда, демак, бир ҳисобда унга қарам бўлиб қолган эди. Генерал Бетрищев ҳар бир фурсатдан фойдаланиб қасос олмоқ учун унга заҳрини сочарди, унинг ҳар бир фармойишини ёмонларди, унинг бутун тадбирларини ва ишларини ўта кетган фаросатсизлик деб биларди. Унинг ҳамма иши ғалати эди: у илм-маърифатни астойдил севарди ва ҳимоя қиларди-ю, лекин бу тўғрида ҳам унинг тутган йўли ғалати эди; у ўз билимдонлигини кўрсатишни ва бошқалар билмайдиган нарсаларни билишни яхши кўрарди, лекин у билмаган нарсаларни билган кишиларни ёмон кўрарди. Қисқаси, у ўзини ақлли киши қилиб



кўрсатишни ва шу билан мақтанишни яхши кўрарди. У ярим ажнабий тарбия олган киши бўлса ҳам, шу билан бирга рус помещчиги ролини ўйнашни истарди. Шунинг учун ҳам бундай айнимачоқ хулқи-атвори билан ва катта-катта яққол фикрий зиддиятлари билан у хизматда кўп кўнгилсиз ҳодисаларга йўлиқиши муқаррар эди, шунинг натижасида у ҳамма айбни қандайдир душман партия устига қўйиб, ўзини эса ҳеч бир айбга қўшишга олижаноблик кўрсатолмай, хизматдан истеъфо берди. У истеъфога чиққандан кейин ҳам дабдаба билан совлат тўкиб юришдан қолмади. У сюртуқ кийса ҳам, фрак кийса ҳам, халат кийса ҳам ўша-ўша эди, Товушидан тортиб то энг жузъий бадан ҳаракатларигача унинг бутун вужудидан ҳокимлик, ҳукмфармонлик дағдағаси ёғилиб турарди ва бу дағдаға қуйи амалдаги кишиларда унга нисбатан ҳурмат ҳиссини туғдирмаса ҳам, ҳар қолда кўрқув ҳиссини туғдирарди.

Чичиков унисини ҳам, бунисини ҳам, яъни ҳурматни ҳам, қўрқувни ҳам ҳис қилган эди. У ҳурмат билан бошини ёнга эгиб, қўлларини эса худди устига чашкалар қўйилган патнусни ердан кўтармоқчи бўлгандай пастга узатиб ва бутун гавдасини ажиб моҳирлик билан қуйи эгиб, деди:

— Жаноб олийларига ўзимни таништирамоқни бурчим деб билдим. Уруш майдонида жанг-жадал қилиб ватанни сақлаб қолган мардларнинг шон-шавкатига ҳурматларимни таманно қилиб, жаноб олийларига ўзимни шахсан таништирамоқни бурчим деб билдим.

Афтидан, генералга бундай даромад ёқиб тушган эди. У лутф-марҳамат билан бошини силкитиб, деди:

— Танишганимга жуда хурсандман. Марҳамат қилиб ўтиринг. Сиз қаерда хизмат қилгансиз?

— Менинг хизматим, жаноб олийлари,— деди Чичиков креслога қияроқ ўтириб ва қўли билан креслонинг туқичини ушлаб, — давлат палатасидан бошланган. Сўнгра турли жойларда хизмат қилдим: олий суд маҳкамасида, бинокорлик комиссиясида, божхонада. Менинг ҳаётимни, жаноб олийлари, бамисоли тўлқинлар орасида қолган бир кема дейиш мумкин. Айтиш мумкинки, мен сабр-тўзим билан тобланган, чиниққан ва чунончи айтишлик, сабр-тўзимнинг мужассам тимсоли бўлиб қолган кишиман. . . Менинг жонимга қасд қилган душманлар ҳақида гапирадиган бўлсам, буни сўз билан ҳам, бўёқ билан ҳам ифодалаб бўлмайди, чунончи, тасвир қаламининг ўзи ҳам буни тасвирлаб беролмайди; шундай қилиб, ёшим қайтган чоқда умримнинг охири кунларини ўтказмоқ учун бир бошпана излаб юрибман. Ҳозирча жаноб олийларининг яқин қўшниларидан бириникида турибман.

— Қимникида?

— Тентетниковникида, жаноб олийлари.

Генерал пешонасини тириштирди.

— Жаноб олийлари, у лозим даражада ҳурмат кўрсатмагани учун жуда пушаймон. . .

— Нимага ҳурмат кўрсатмагани учун?

— Сиз жаноб олийларининг хизматларига. Сўз тополмайди. Айтиладики: «Агар бирон имкон топсам. . . чунки аниқ, — дейди, — ватанни сақлаб қолган мард майдонларнинг қадрига ета билишимни исбот қиламан».

— Хўш, айтинг-чи, у нега бундай қилади? Мен ундан хафа эмасман-ку!— деди генерал юмшаброқ.— Мен чин қалбимдан уни самимий севиб қолдим ва аминманки, вақти билан у фойдали одам бўлади.

— Жаноб олийлари илтифот қилиб тамоман ҳаққоний гапни айтдилар: ҳақиқатан ҳам у кўп фойдали одам бўлади; унинг сўз билан ғалаба қозониш истеъдоди ва ўткир қалами бор.

— Шеър-пеърга ўхшаш бемаза нарсалар ёзаётгандир-да?

— Йўқ, жаноб олийлари, бемаза нарсалар эмас... У тузук бир нарса ёзаяпти. У, жаноб олийлари... тарих ёзаяпти.

— Тарих? Ниманинг тарихи?

— Тарих...— генералнинг салавати босганиданми ёки масалага муҳимроқ тус бериш учунми, Чичиков бир оз тўхтаб қолди ва сўнг-ра:— генералларнинг тарихини, жаноб олийлари,— деди.

— Қандай генералларнинг? Қайси генералларнинг?

— Умуман генералларнинг, жаноб олийлари, ҳаммасининг. Яъни, аслини айтганда, ватандош генералларнинг.

Чичиков сўзида бутунлай чалкашиб, довдираб қолди. Ўзини сўкиб юборишга сал қолди ва ичида: «Тавба, мен нималарни вайсаб ўтирибман!» деди.

— Кечирасиз, мен унча тушунмай турибман... Бу қанақа бўлади, бирон даврнинг тарихини ёки айрим генералларнинг таржимаи ҳолини ва шу билан бирга ҳамма генералларнинг тарихини ёки фақат ўн иккинчи йилда иштирок қилган генералларнинг тарихини?

— Худди шундоқ, жаноб олийлари, ўн иккинчи йилда иштирок қилганларнинг тарихини. Чичиков шу гапни айтишга айтди-ю, лекин ўз ичида: «Ўлай агар шунга ўзим тушунсам» деб қўйди.

— Бўлмаса у нега менинг олдимга келмайди? Мен унга жуда кўп қизиқ материаллар тўплаб берар эдим.

— Келишга ботинолмайди, жаноб олийлари.

— Беҳудадан-беҳудага-я! Орамизда бўлиб ўтган бўлмағур бир сўз учун... Мен ҳеч унақа одам эмасман. Бўлмаса, мен ўзим унинг олдига боришим мумкин.

— У бунга йўл қўймайди, ўзи келади,— деди Чичиков; энди у ўзини тутиб олди ва ичида ўйлади: «Худога шукур-а! Тилимга генераллар келиб қолгани соз бўлди! Тўсатдан оғзимдан чиқиб кетган эди-я!»

Кабинетда шарпа эшитилди. Уймакори шкафнинг ёнгоқ дарахтидан ясалган эшиги ўз-ўзидан очилди ва унда қулфнинг мис тутқичидан ушлаган бир гўзал сиймо кўринди. Мабодо қоронғи бир уйда орқа томондан бирдан лампаларнинг кучли шуъласи билан ёритилган шаффоф бир сурат порлаб кўринганда ҳам у ўзининг қўққисдан кўриниши билан бу гўзал сиймо каби кишини маҳлиё қилолмас эди; бу гўзал сиймо гўё хонани ёритмоқ учун келган эди. У билан бирга хонага худди қуёш нури киргандай ва гўё генералнинг хафагазак кабинети кулгандай бўлди. Чичиков дастлаб олдида нима турганини тушунолмай бир он ҳайрон бўлиб қолди. Унинг қайси ерда туғилганини айтиш қийин эди. Бундай тоза, тиниқ, латиф юзни фақат қадимги дунёнинг мрамрдан тарашлаб ясалган маъбудаларида кўриш мумкин эди. Унинг ёй ўқидек тўғри ва енгилгина қадди ҳамма нарсадан юксалиб тургандай эди. Аммо бу афсун эди. Аслда унинг бўйи баланд эмас эди. Бўйи баланд кўринишининг сабаби, гавдасининг ҳамма қисмлари бир-бирига ниҳоят даражада мос ва мутаносиб бўлиб тушгани эди. Кўйлаги ҳам ўзига шу қадар ярашган эдики, гўё энг яхши мошиначилар ўзаро кенгашиб унга зебо кийим тиккан эдилар. Аммо бу ҳам афсун эди. Аслда унинг кийими ўзига муносиб қилиб оддийгина тикилган эди: кесилмаган бир кийимлик сидирға газламани худди икки-уч жойидан игна билан кўклаб қўйилган ва шу билан бу кийим унинг баданига бурмача-бурмача ва жимжимадор бўлиб шу қадар ёпишиб қолган эдики, агар шу кўйлаги билан расмга туширилганда мода билан кийинган ҳамма ойим қизлар унинг олдида ҳар хил қуроқлардан ола безак қилиб ясалган қандайдир латта қўғирчоқларга ўхшаб қоларди. Агарда у шу бурмача-бурмача бўлиб баданини қучиб турган кўйлаги билан бирга мрамарга туширилганда, уни доҳиёна чизилган бир суратдан кўчириб олинган нусха деб атар эдилар.

— Менинг эрка қизим билан танишиб қўйинг,— деди генерал Чичиковга ўгирилиб,— аммо мен ҳали сизнинг фамилиянгизни, отингизни ва отангизининг отини билмайман.

— Шон-шавкат билан ном чиқармаган бир кишининг оти ва отасининг отини билиш лозиммикин?— деди Чичиков тавозе билан бошини ёнга эгиб.

— Аммо, ҳар ҳолда билмоқ керак. . .

Чичиков ҳарбий кишидек чаққонлик билан таъзим қилиб ва худди резинка коптокдек орқага ташланиб:

— Павел Иванович, жаноб олийлари,— деди.

— Улинька!— деди генерал қизига қараб.— Павел Иванович ҳозир жуда қизиқ бир янгиликни айтди. Қўшнимиз Тентетников асло биз ўйлагандек аҳмоқ киши эмас экан. У ҳозир жуда муҳим бир иш билан машғул экан; ўн иккинчи йил урушида қатнашган генералларнинг тарихини ёзаётган экан.

— Қим уни аҳмоқ киши деб ўйлабди?— деди шошилиб Улинька.— Фақат Вишнепокромов шундай деган эди, сен тагин ўшанинг гапига ишониб юрибсан, ўзи эса бемаъни ва пасткаш одам!

— Нега пасткаш бўлсин? У бир оз бемаънироқ, бу тўғри,— деди генерал.

— У фақатгина бемаънироқ эмас, аблаҳроқ ва разилроқ ҳам. Ўз ака-укаларини бундай ранжитган ва бир туғишган ҳамширасини уйдан чиқариб ҳайдаган киши, албатта разил бўлади.

— Буни шундай деб гап қилиб юришибди, холос.

— Бунақа нарсани бекорга гап қилиб юришмайди. Мен шунга ҳеч тушунмайман, дада! Ўзинг энг кўнгли очиқ ва энг қалби тоза бир кишисан, сен билан унинг орасида ер билан осмонча фарқ борлигини ва унинг аҳмоқлигини била туриб, тагин ўша одамни қабул қиласан.

— Ишлар мана шунақа, кўрдингизми,— деди генерал кулимсираб Чичиковга,— биз у билан доим шунақа тортишиб ўтирамиз.— Сўнгра қизига ўгирилиб сўзида давом этди:— Жоним қизим! Ахир мен уни ҳайдаб юборолмайман-ку!?

— Нега ҳайдаш керак? Аммо нега унга бу қадар илтифот қилиш керак? Нега унга бу қадар муҳаббат қўйиш керак?<sup>1</sup>

Шу ўринда Чичиков ҳам бир неча сўз айтишни лозим топди.

— Ойим қиз, ҳамма ҳам ўзига муҳаббат қўйилишини талаб қилади,— деди Чичиков.— Хўш, нима қилмоқ керак? Ҳайвон ҳам силаб-сийпалашни яхши кўради: «кел, мени силаб қўй!» дегандай қилиб оғилдан тумшуғини чиқариб туради.

Генерал хохолаб кулиб юборди.

---

<sup>1</sup> Асарнинг биринчи таҳририда шундан кейин Чичиковнинг «Қоралар» ва «Оқлар» деган латифаси келарди. Лекин бу латифа асл қўл ёзмада ўчириб ташланган.



— Худди шундоқ: тумшуғини чиқариб туриб, кел мени силаб қўй!— дейди. Ха, ха, ха! Фақат тумшуғи эмас, бутун бадани қоракуяга беланган бўлса-да, у ҳам, чунончи айтайлик, илтифот талаб қилади. . . Ха, ха, ха, ха!— кулгидан генералнинг бутун гавдаси лорсиллай бошлади. Бир вақтлар қалин эполетлар тақилиб юрадиган елкалари гўё ҳозир ҳам эполетлари бордай титрарди.

Чичиковдан ҳам кулги нидолари чиқди, лекин генералнинг ҳурматини сақлаб, ўз кулгисини *e* ҳарфи билан ифода этди: *хе, хе, хе, хе!* Кулгидан унинг ҳам бутун гавдаси лорсиллай бошлади, лекин унинг елкалари титрамас, чунки у эполет таққан эмас эди.

— Давлат хазинасини ўғирлайди, талайди-ю, тагин муттаҳам мукофот талаб қилади. Меҳнат қилдим, мукофот билан рағбатлантирилмаса бўлмайди дейди. . . ха, ха, ха, ха!

Қизнинг латиф ва гўзал юзида дардли бир ҳис акс этди.

— Оҳ, дада! Сенинг қандай кулгинг келишига мен ҳеч тушунмайман. Бу ярамас ишлар мени фақат қайғуга солади, холос. Қараб турсам, ҳамманинг кўзи олдида фирибгарлик қилинади-ю, лекин фирибгарлик қилган кишилар халойиқнинг нафратига йўлиқмайди, буни кўргач, аҳволим қандай бўлганини ўзим ҳам билмайман, шундай пайтларда ғазабга келаман, ҳатто эсимни йўқотиб қўяман: ўйлайман, ўйлайман. . .— Қиз шу гапларни айтиб йиғлаб юборишига сал қолди.

— Лекин лутфан биздан жаҳлинг чиқмасин,— деди генерал.— Бунда бизнинг ҳеч айбимиз йўқ. Тўғрими гапим?— деди у Чичиковга қараб ва сўнгра яна қизига мурожаат қилди:— Кел, қизим, мени ўпгин-да, кейин уйингга бор. Мен ҳозир кийиниб обед қилишга тайёрланаман.— Сўнгра Чичиковнинг кўзларига қараб деди:— Балки сен қолиб меникида обед қиларсан?

— Агар жаноби олийлари. . .

— Амалу мартабани нима қиласан айтиб? Худога шукур, бировни тўйдиришга ҳали қудратим етади. Карам шўрва топилади.

Чичиков чаққонлик билан икки қўлини ёзиб ҳурмат ва миннатдорчилик билан таъзим қилиб бошини шундай эгдики, хонадаги нарсалар бирмунча вақт кўзидан йўқолиб, фақат этикларининг тумшуғигина кўринди, холос. Бирмунча вақт ҳурмат билан шундай таъзим қилиб тургандан кейин бошини кўтариб қараса, Улинька йўқ. У ғойиб

бўлган эди. Унинг ўрнида мўйловлари ва бакенбардлари қалин, бўйи баланд комердинер қўлида кумуш дастшу ва обдаста тутиб турган эди.

— Сенинг олдинда кийинсам, рухсат этасанми?

— Менинг олдимда кийиниш тугул, истаган нарсангизни қилишингиз мумкин, жаноб олийлари.

— Генерал бир қўлидан халатини тушириб, йўғон қўлларининг энгларини шимариб, ўрдакдай сув сачратиб ва пишиллаб ювина бошлади. Совунли сув ҳар томонга сачраб кетди.

— Ҳамма яхши кўради, яхши кўради, жуда яхши кўради рағбатлантиришни, — деди генерал бўйинини гир айлантириб артинар экан.— Уни силаб-сийпалаб туриш керак! Рағбатлантириб турмасанг, ўғирлик қилмай қўяди! Ха, ха, ха!

Чичиковнинг кайфи тасвирга сиғмайдиган даражада чоғ эди. Шу топда бирдан унинг илҳоми келди. «Генерал очиқ ва хушчақчақ киши экан — қўлтиғига бир қўл солиб кўрмоқ керак» деб ўйлади ва комердинер дастшу билан обдастани кўтариб чиқиб кетгандан кейин, баланд овоз билан деди:

— Жаноб олийлари! Сиз ҳаммага яхшилик ва илтифот қилар экансиз, менинг ҳам сиздан бир илтимосим бор эди.

— Қандай илтимос?

Чичиков атрофига қараб қўйиб, деди:

— Жаноб олийлари, менинг жуда қариб мункиллаб қолган бир чол амаким бор. Унинг уч юз деҳқони ва икки минг десятина ери бор, мендан бўлак меросхўри йўқ. Қариб қолгани учун ер-мулкини ўзи бошқаролмайди, лекин менга ҳам бермайди. Унинг топган ғалати ва-жига қаранг! Айтадики: «мен жиянимнинг қанақа киши эканини билмайман; балки у бадхарж-исрофгар кишидир. Аввал у менга ўзининг ишонса бўладиган одамшаванда киши эканини исбот қилсин: аввал ўзи уч юз деҳқонга эга бўлсин; кейин мен унга ўзимнинг уч юз деҳқонимни ҳам бераман» — дейди.

— Бундан чиқди, у қип-қизил аҳмоқ экан-да? — деди генерал.

— Аҳмоқ бўлса майли эдику-я, аҳмоқлиги ўзидан нари кетмас эди. Лекин менинг аҳволим чатоқ бўлади-да, жаноб олийлари! Уни-кида бир омбордор хотин бор, унинг болалари ҳам бор. Бутун мол-мулк ўшаларга ўтиб кетади деб қўрқаман.



— Аҳмоқ чол ақлини еб қўйибди, бошқа гап йўқ, — деди генерал. — Фақат шунисига ҳайронманки, бу масалада мен сенга қандай ёрдам беришим мумкин? — деди у таажжуб билан Чичиковга қараб.

— Менинг бундай бир фикрим бор. Агар сиз, жаноб олийлари, қишлоғингиздаги ҳамма ўлик жонларни гўё тирик ҳолида менга васийқа қилиб берсангиз, мен васийқани чолга элтиб кўрсатар эдим, шундан кейин мол-мулкни мерос тариқасида менга хатлаб берар эди.

Шу топда генерал бирам қотиб кулдики, ҳеч ким умрида бунақа кулмаган бўлса керак. У кулгидан ичаги узилгандай ўтирган жойида креслога ётиб олди. Бошини орқага ташлаб, нафаси ичига тушиб кетди. Бутун уй безовта бўлиб қолди. Камердинер ҳозир бўлди. Қизи қўрқиб югуриб келди.

— Дада! Сенга нима бўлди? — деди у қўрқиб ва ҳайрат билан отасининг кўзларига қаради.

Лекин генерал анчагача товуш чиқаролмай қолди.

— Ҳеч нима эмас, қизим, ҳеч нима эмас. Бор, уйингга кир; биз ҳозир овқат қилгани чиқамиз. Безовата бўлма. Ха, ха, ха!

Сўнгра яна бир неча бор генералнинг қотиб-қотиб қаҳ-қаҳ отган кулгиси даҳлиздан то охирги хонагача эшитилди.

Чичиков безовта бўлиб қолди.

— Амакингни айтаман, амакингни! Чол роса аҳмоқ бўлар экан-да! Ха, ха, ха! Ўликларни тирик деб олса-я! Ха, ха!

«Яна бошлади! — деб ўйлади ичида Чичиков. — Э, бу жудаям серханда экан-ку!»

— Ха, ха! — яна кулди генерал. — Эшак экан-ку у! Унинг ўйлаб топган талабига қарая: «Аввал ўзи уч юз жон деҳқон топсин, кейин мен унга уч юз жон деҳқонимни бераман!» эмиш. Эшак экан-ку у!

— Эшак, жаноб олийлари.

— Сен ҳам чакки эмассан, агар ўликларни чолга элтиб тақдим қиладиган бўлсанг! Ха, ха, ха! Сен ўликларнинг васийқасини қандай қилиб унга элтиб тақдим қилишингни кўрмоқ учун худо билсин нималар берар эдим! Нима бўлган унга? Ўзи қанақа одам? Жуда қарими?

— Саксон ёшларда бор.

— Шундай бўлса ҳам ўзи ҳали қимирлаб юради, тетик дегин? Агар омбордор хотин билан турса, демак ҳали бақувват бўлиши керак.

— Нимаси бақувват, жаноб олийлари, зўрға қимирлаб, рамоқи-жон бўлиб юрибди.

— Вой, аҳмоқ-эй! Аҳмоқ у, шундай эмасми?

— Аҳмоқ, жаноб олийлари!

— Тағни у ёқ-бу ёққа ҳам бориб турадимиз? Жамоат орасида бўладими? Ўз оёғи билан юрадимиз?

— Ўз оёғи билан юради-ю, лекин зўрға юради.

— Вой, аҳмоқ-эй! Ундай бўлса ҳали бақувват экан-да! Ҳали тишлари ҳам борми?

— Атиги иккита тиши қолган, жаноб олийлари.

— Вой, эшак-эй! Сен, биродар, менинг гапимга хафа бўлма... Гарчи у сенга амаки бўлса ҳам, ўзи эшак экан.

— Эшак, жаноб олийлари. Ўз қариндошим ҳақида бундай дейиш ўзимга оғир туюлса ҳам, иложим қанча?

Чичиков ёлгон гапирган эди: унга ҳеч қандай оғир туюлган эмас, чунки унинг ҳеч қандай амакиси йўқ эди.

— Демак, жаноб олийлари, уларни менга берасиз...

— Улик жонларни менга берасиз дейсанми? Шу ҳийлани ўйлаб топганинг учун мен сенга уларни ерлари ва уй-жойлари билан берман! Олавер, бутун қабристон сеники! Ха, ха, ха, ха! Чолни айтаман чолни! Амакинг роса аҳмоқ бўлар экан-да! Ха, ха, ха, ха!..

Генералнинг кулгиси яна бутун хоналарга эшитилди<sup>1</sup>.



---

<sup>1</sup> Бобнинг охири йўқ.



### Учинчи боб

**Ч**ичиков яна коляскага миниб очик далалар ва дашт-сахролар ўртасидан бормоқда эди, ҳамма нарса кўздан ғойиб бўлиб, фақат осмон гумбази ва унинг бир четида икки парча булут қолган эди. Шу пайт у ўз-ўзига: «Агар полковник Кошкарев ҳақиқатан жинни бўлса, бу жуда соз» деди.

— Селифан, сен полковник Кошкаревникига борадиган йўлни яхшилаб суриштириб олдингми?

— Мен, Павел Иванович, сизга арз қилайки, ҳамма вақт коляска билан овора бўлдим, вақтим йўқ эди; аммо Петрушка кучердан суриштириб юрган эди.

— Сен аҳмоқсан! Петрушкага ишонма деб юз марта айтганман: Петрушка тўнка, Петрушка теңтак; Петрушка ҳали ҳам маст бўлса керак.

— Бунда бирон билмайдиган нарса йўқ-ку!— деди Петрушка Энига ўгирилиб ва қиё қараб,— тепаликдан тушгандан кейин ўтлоқлар орасидан кетилади, бундан бошқа ҳеч нима йўқ.

— Сен ўзинг сассиқ ароқдан бошқа оғзингга ҳеч нима олмадингми? Яхши қилибсан, жуда яхши қилибсан! Айтиш мумкинки, гўзал ҳуснинг билан Европани қойил қилибсан!— Чичиков шундай деди-ю, ўз иягини силаб қўйди ва: «Аммо маърифатли граждандан билан малайнинг қўпол башараси ўртасида қандай фарқ бор!» деб ўйлади.

Шу пайт коляска тепаликдан туша бошлади. Яна теракзорлар қоплаб ётган ўтлоқлар ва дашт-саҳролар намоён бўлди.

Коляска эгилувчан ва энгил пружиналар устида секин диркиллаб, билинар-билинамас нишобликдан авайлаб пастга тушди, сўнгра кўкатзор ичидан, тегирмон ёнидан юриб, кўприклардан сал тақирлаб ўтди-да, секин-секин силкиниб текис юмшоқ ердан шитоб билан равон юриб кетди. Қани энди бирон дўнгалак ёки чуқур сезилсинчи! Бу коляска эмас, жонга роҳат эди. Узоқда қумлоқлар жимираб кўринарди. Уларнинг ёнидан тод новдалари, нозик ольха дарахтлари ва кумушдек товланиб турган тераклар югуриб ўтар, уларнинг шохлари козлада ўтирган Селифан билан Петрушканинг бошларига ва юзларига тегар, Петрушканинг телпагини ҳар замон уриб ерга туширарди. Баджаҳл Петрушка эса ҳар сафар козладан ерга сакраб тушар, аҳмоқ дарахтларни ва бу дарахтларни ўтқазган кишини сўкарди, лекин ҳар сафар телпагини ердан олганда, уни бўйнига боғлаб қўйишни ёки қўлида ушлаб боришни хоҳламас эди: бу охириги марта, энди уриб туширмайди, деб ўйлар эди. Тез орада бу дарахтларга қайин ва арчалар ҳам келиб қўшилди. Уларнинг тагини қалин ўт босган эди; ҳамма жойни кўк ажриқ ва сариқ ўрмон лоласи босиб ётган эди. Поёнсиз ўрмонни қоплаб ётган қоронғилик яна қуюқлашмоқда ва гўё тун зулматига айланишга тайёрланмоқда эди. Лекин бирдан ҳар томондан ярқираган ойнадек кун шуъласи порлаб кўринди. Дарахтлар сийраклаша борди, ёруғ шуъла тобора ортди, шу топда уларнинг олдида эни тўрт чақирим келадиган бир кўл намоён бўлди. Кўлнинг нариги қирғоғида ҳар жой-ҳар жойда ёғоч уйлари қорайиб турган қишлоқ кўринди. Кўлнинг ичидан ғала-ғовур товушлар эшитилмоқда эди. Йигирматача киши баъзиси белигача, баъзиси елкасигача, баъзиси томоғигача сувга ботиб, бир тўрни нариги қирғоққа тортиб бормоқда эди. Шу

пайт қизиқ бир ҳангама бўлди: тўрга балиқ билан бирга бўйи ва энг баб-баравар келадиган, худди тарвуз ёки бочкадай думдумалоқ бир одам ўралиб қолган эди. Унинг аҳволи жуда ночар бўлиб, жони борича бақирар эди: «Хумпар Денис, Қозьмага бер! Қозьма, тўрнинг учини Денисдан ол! Катта Фома, бундай қаттиқ тортма! Қичик Фома турган жойга бор! Малъунлар! Сизларга айтаётибман, тортманглар, тўрни йиртиб қўясизлар!» Афтидан, тарвуз ўзидан қўрқмас эди; у гавдаси йўғон бўлгани учун сувга ботмас, шўнгимоқ учун қанча ўмболоқ ошса ҳам барибир сув уни юзага қалқитиб чиқарар эди; унинг елкасига яна икки одам минганда ҳам у фуфлаб шиширилган пуфакдай, такка ботмасдан уларни кўтариб сувнинг юзида тураверарди, фақат уларнинг остида пишиллаб, бурнидан пуфак чиқарарди, холос. Лекин у тўр йиртилиб, балиқнинг чиқиб кетишидан жуда қўрққан эди, шунинг учун тўрни сувдаги одамлардан бошқа қирғоқда турган бир неча одам ҳам арқон билан тортмоқда эди.

— Эҳтимол, у бариннинг ўзи — полковник Кошкарев бўлса керак,— деди Селифан.

— Қаердан билдинг?

— Шундан билдимки, унинг бадани, ўзингиз ҳам кўриб турибсизки, бошқаларнинг баданидан оқроқ, гавдасининг йўғонлиги ҳам баринларникидай.

Тўрга ўралиб қолган баринни торта-торта қирғоққа анча яқин олиб бордилар. У оёқлари билан сувнинг остини пийпаслаб ўрнидан турди ва шу пайт тўғон устидан тушиб келаётган коляскага ва унда ўтирган Чичиковга кўзи тушди.

Барин, ёз фаслида баъзи хотинлар қўлига тўр қўлқоп кийиб юргандек, бутунлай тўрга ўралиб, тутилган балиқ билан бирга қирғоққа яқинлашар экан, бир қўлини қуёшдан кўзлари устига соявон қилиб иккинчи қўлини эса ҳаммомдан чиқаётган Медицеяли<sup>1</sup> Венера сингари пастроққа қўйиб:

— Обед қилдингизми?— деб қичқирди.

— Йўқ,— деди Чичиков бошидан картузини кўтариб ва коляска устидан тўхтовсиз унга таъзим қилиб.

---

<sup>1</sup> Медицеяли Венера — қадимги Рим мифологиясида севги ва гўзаллик илоҳаси.



— Бўлмаса, худога шукур қилинг!

Чичиков ҳали ҳам боши устида картузини тутиб тураркан, қизиқиб сўради:

— Хўш, нега?

— Ҳозир биласиз. Қичик Фома, тўрни қўй, осетр балиқни тоғорадан кўтар! Хумпар Қозьма, бор унга кўмаклаш!

Икки балиқчи тоғорадан баҳайбат бир жониворнинг бошини кўтарди.

— Мана бу князга бир қараб қўйинг! Дарёдан келибди!— деб қичқирди думалоқ барин.— Ҳовлига боринг. Кучер, пастроқдан, полизнинг ўртасидан ҳайда! Хумпар катта Фома, сен югур, говни оч! Мана у сизни бошлаб боради, мен ҳам ҳозир, бораман.

Почалари узун ва оёқ яланг катта Фома кўйлакчан ҳолда колясканинг олдига тушиб қишлоқнинг бу бошидан у бошига югуриб борди; ҳар бир уйнинг олдида балиқ тутадиган катта ва кичик тўрлар, саватлар осиб қўйилган эди; бу қишлоқнинг ҳамма мужиклари балиқчи эди; сўнгра катта Фома бир полизнинг олдидан говни очди, коляска полизнинг ўртасидан юриб, ёғочдан ясалган черков ёнидаги майдонга чиқди. Черковнинг нариги томонида помешчик иморатларининг томлари кўриниб турарди.

«Бу Кошкарев тентакроққа ўхшайди»— деб ўйлади Чичиков.

— Мана мен ҳам келдим! — деган овоз эшитилди ён томондан.

Чичиков қайрилиб қаради. Барин кийинган ҳолда ўз извошида унинг ёнида бормоқда эди, унинг эгнида кўм-кўк сюртук, сариф чалвор бор эди, галстуксиз бўйни, Купидон<sup>1</sup> сингари очиқ эди! У ёнламасига бутун извошни тутиб ўтирган эди. Чичиков унга бир нима демоқчи эди, лекин семиз барин бирдан гойиб бўлди. Унинг извоши яна ҳалиги балиқ тутган жойда кўринди. У ердан яна: «катта Фома, кичик Фома, Қозьма ва Денис!» деган товушлар эшитилди. Чичиков коляскада уйнинг зинаси олдига боргач, семиз барин устида турганини кўриб жуда ҳайрон қолди, қандай қилиб унинг дарров бу ерга келгани сира ақлга сиғмас эди. Барин Чичиковни бағрига босди. Улар, руслар-

<sup>1</sup> Купидон — қадимги Рим мифологиясида севги худоси; суратда қўлида ўқёй тутиб турган қанотли, яланғоч ўғил бола шаклида кўрсатилар эди.

нинг қадимги одатича, уч марта елка уриштириб ўпишдилар: баринг эски расм-русумга амал қиладиган киши эди.

— Мен сизга жаноб олийларидан салом келтирдим,— деди Чичиков.

— Қайси жаноб олийларидан?

— Сизнинг қариндошингиз генерал Александр Дмитриевичдан.

— Қим у Александр Дмитриевич!

— Генерал Бетришчев,— деб жавоб берди Чичиков бир оз таажжуб билан.

— Танимайман,— деди уй эгаси ҳайрон қолиб.

Чичиковнинг таажжуби яна ортди.

— Қандай танимайсиз?.. Мен ҳозир полковник Кошкарев билан сўзлашиш шарафига муяссар бўлиб турибман деган умиддаман.

— Йўқ, умидвор бўлманг. Сиз уникига эмас, меникига келгансиз. Петр Петрович Петух. Петух Петр Петрович! — деди уй эгаси.

Чичиков ҳайрон бўлиб қотиб қолди.

— Бу нимаси?— деди у Селифан билан Петрушкага қараб; улар ҳам оғизлари очилиб, кўзлари чақчайиб, бири коляскада ўтирган, иккинчиси коляска эшиги олдида турган эди.— Аҳмоқлар, бу нима қилган ишингиз? Сизларга: полковник Кошкаревникига деган эдим-ку... бу киши эса Петр Петрович Петух...

— Йигитлар жуда яхши қилишибди! Қани ошхонага боринглар: сизларга чорактадан ароқ беришади,— деди Петр Петрович Петух.— Отларни коляскадан чиқаринглар ва дарров хизматкорлар хонасига киринглар!

— Мен хижолат бўлиб қолдим: кутилмаган бундай хато...— деди Чичиков.

— Хато эмас, Аввал сиз обеднинг мазасини кўринг, кейин айтасиз: бу хатоми ё хато эмасми? Қани марҳамат қилсинлар,— деди Петух ва Чичиковнинг қўлтиғидан олиб ичкари уйга бошлаб кетди. Ичкари хоналардан уларнинг истиқболига ёзги сюртук кийган икки ўспирин бола чиқди: улар тол новдасидек ингичка, бўйлари отасининг бўйидан роса бир газ баланд эди.

— Менинг ўғилларим, гимназияда ўқишади, байрамга келишибди... Николаша, сен меҳмоннинг олдида ўтир; Алексаша, сен мен билан юр,— деди уй эгаси ва тез чиқиб кетди.

Чичиков Николашани гапга солди. Афтидан, Николаша келажакда бемаъни бир киши бўладиган эди. У дафъатан Чичиковга, губерния гимназиясида ўқишдан ҳеч қандай фойда йўқ, биз ака-ука икковимиз ҳам Петербургга кетмоқчимиз, чунки вилоят яшашга арзийдиган жой эмас. . . , деди.

«Тушунаман,— деб ўйлади Чичиков:— у ерда иш ширинлик дўкони-ю, булварлар билан тамом бўлади. . .»

Сўнгра у Николашадан сўради:

— Хўш, отангизнинг ер-мулки қандай аҳволда?

— Гаровга қўйилган,— деди шу пайт меҳмонхонага келиб кирган отанинг ўзи,— гаровага қўйилган.

«Ёмон бўлибди,— деб ўйлади Чичиков.— Бу аҳволда тезда ҳеч бир ер-мулк қолмайди: шошилмоқ керак».

Сўнгра у ғамгин қиёфада деди:

— Аммо чакки бўлибди, гаровга қўйиб беҳуда шошилибсиз.

— Зиёни йўқ,— деди Петух.— Фойдаси бор дейишади. Ҳамма гаровга қўяпти: биз қандай қилиб бошқалардан орқада қоламиз? Шуниси ҳам борки, ҳамма вақт шу ерда туриб келдим; энди бир Москвада ҳам туриб кўрай-чи. Ўғилларимнинг ҳам талаби шу, улар пойтахтда илм-маърифат олишни истайдилар.

«Аҳмоқ, аҳмоқ!— деб ўйлади Чичиков:— бутун давлатини совуради, болаларини ҳам ёшликдан пулни совуришга ўргатади. Ер-мулки туппа-тузук. Қарасанг, мужиқларнинг ҳам аҳволи яхши. Аммо Москвага бориб ресторан ва театрлардан маърифат олабошлаганларидан кейин, ҳаммаси ҳавога учиб кетади. Қишлоқда тинч ўтираверса бўлар эди бу каллаварам».

— Мен ҳозир сиз нимани ўйлаётганингизни биламан,— деди Петух.

— Нимани ўйлаётиман?— деб сўради Чичиков бир оз хижолат тортиб.

— Сиз: «Бу Петух аҳмоқ одам экан: обед қилишга чақирди-ю, ҳозиргача обеддан дарак йўқ» деб ўйлаётиман. Азизим, ҳозир тайёр бўлади. Тоз тарангунча тайёр бўлади.

— Дада! Платон Михалич келяпти!— деди Алексаша деразадан қараб.

— Жийрон от миниб келяпти!— деди Николаша ҳам деразага эгилиб қараб.

— Қани, қани?— деб қичқирди Петух деразага яқинлашиб.

— Ким у Платон Михайлович?— деб сўради Чичиков Алекса-шадан.

— Қўшнимиз Платон Михайлович Платонов, жуда яхши одам, аъло одам,— деб жавоб берди Петух.

Шу вақт Платонов ўзи хонага кириб келди. У қомати келишган, қўнғир соч, қора кўз — чиройли киши эди. Унинг кетидан мис бўйинбоғини шилдирадиб тумшукдор, баҳайбат бир ит кирди. Итнинг оти Ярб эди.

— Обед қилдингизми? — деб сўради уй эгаси.

— Обед қилдим.

— Ундай бўлса мени калака қилгани келдингизми бу ерга? Обед қилган бўлсангиз, сизнинг менга нима керагингиз бор?

Платонов кулимсираб деди:

— Бўлмасам кўнглингиз хотиржам бўлсин: ҳеч нима еганим йўқ, сира иштаҳам йўқ.

— Шунақаям балиқ тутдикки, агар кўрсангиз эди! Каттакон бир осетр балиғи келиб қолди! Зоғара балиғу, лаққа балиқларни асти қўяверинг!

— Сизнинг гапларингизга қулоқ солса ҳатто кишига алам қилади. Нима сабабдан ҳамиша мунча хурсандсиз?

— Хўш, нима сабабдан хафа бўлишим керак. Қани, айтинг-чи!— деди уй эгаси.

— Нима сабабдан хафа бўлишим керак эмиш! Ахир киши зериккандан кейин хафа бўлади-да!

— Овқатни кам ейсиз, шунинг учун ҳам зерикасиз. Яхшилаб овқат еб юринг, қани зерикасизми. Сўнги вақтларда зерикиш деган гапни ўйлаб чиқаришипти; илгари ҳеч ким зерикмас эди.

— Бўлди, кўп мақтанманг! Гуё сиз ҳеч қачон зериккан эмасиз?

— Ҳеч қачон. Зерикиш нималигини ҳам билмайман, ҳатто зерикишга вақтим ҳам йўқ. Эрта билан уйқудан туришинг билан ошпаз олдинда ҳозир турипти — унга тушки овқат буюришинг керак. Сўнгра чой ичилади, сўнгра приказчик келади, ундан кейин балиқ овлаш-

га борилади, сўнгра қарабсанки, тушки овқат вақти бўлиб қолибди. Тушки овқатдан кейин сал мизғиб олишинг билан яна ошпаз олдингда турипти — унга кечки овқат буюришинг керак. Хўш, зерикишга вақт қоладими?

Улар сўзлашаркан Чичиков нуқул меҳмонга қарарди: меҳмоннинг фавқулодда ҳусни-таровати, келишган қадди-қомати, барно бўйи, тўлишиб дириллаб турган новқиронлиги, бир дона ҳам ҳусн бузар доғ тушмаган бежирим юзининг тозалиги уни ҳайратда қолдирган эди. На эҳтирос, на қайғу-алам, на ҳаяжон ва на безовталикка ўхшаш бир нарса унинг бежирим юзига дахл қилишга ва унда бирон ажин пайдо қилишга ботинолмаган эди, лекин шу билан бирга уни жонлантириб ҳам юбормаган эди. Ҳар замон-ҳар замонда бир кўринадиган истеҳзоли жилмайиш бу юзни сал жонлантирса-да, лекин у ҳамиша уйқу босгандай эди.

— Агар сўзлашга рухсат этсангиз, мен ҳам шунга тушунмайман, — деди Чичиков: — Сиздай келишган совлатли бир кишига тагин қандай зерикиш мумкин? Албатта, агар пул етишмаса ёки душманлар бўлса, баъзан ҳатто кишининг жонига қасд қиладиган душманлар бўлса. . .

— Ишонингки, — деди чиройли меҳмон унинг сўзини бўлиб, — кўнгил хуши учун баъзан бир оз ҳаяжонга тушишни истар эдим: ҳеч бўлмаганда бирон киши менинг жаҳлимни чиқарса — у ҳам йўқ. Фақат зерикиш бор, холос.

— Демак, ерингиз етишмас, деҳқонларингизнинг сони оз экан-да?

— Асло бундай эмас. Ака-ука икковимизнинг ўн минг десятина еримиз ва мингдан ошиқ деҳқонимиз бор.

— Ғалати гап, сира тушунмайман. Балки, қаҳатчилик, касалчилик бўлгандир? Эркак деҳқонлардан кўп киши ўлгандир?

— Аксинча, ҳаммаси жуда жойида, акам ҳам хўжалик ишини жуда яхши биладиган одам.

— Шундай бўлса ҳам тагин зерикиш! Сира тушунмайман, — деди Чичиков ва елкасини қисиб қўйди.

— Ҳозир биз зерикишни ҳайдаб юборамиз, — деди уй эгаси. — Алексаша, тез югуриб ошхонага бор, ошпазга айт, бизга тездан оғзи очиқ сомсадан юборсин. Анқов Емельян билан ўғри Антошка қаерда? Нега закуска келтиришмайди?

Шу пайт эшик очилди. Анқов Емельян билан ўғри Антошка қўларарида салфетка кўтариб ичкари киришди, дастурхон тузатишди, патнуслар устига олти графин ҳар хил қўлбола вино қўйишди. Кўп ўтмай патнуслар ва графинлар теварагида кишининг ҳавасини келтирадиган ҳар хил таомлар солинган тарелкалар қатор тизилишди. Хизматкорлар тез-тез орқага қайтиб, тинмай усти ёпиқ тарелкаларда нималарнидир келтириб қўйишарди, тарелкалар орасидан мойнинг жизиллагани эшитилиб турарди. Анқов Емельян билан ўғри Антошка ўз хизматини жуда қойил қилиб бажарарди. Бу лақаб уларга шунчаки эркалаш учун берилган эди. Уй эгасининг бировни сўкишга, қўйишга асло хуши йўқ, у хушфеъл киши эди. Лекин рус кишиси асли нордон сўзни яхши кўради. Овқатни ҳазм қилиш учун унга бир рюмка ароқ қандай зарур бўлса, нордон сўз ҳам унга шундай зарур. Нима ҳам қилиб бўлади? Унинг табиати шунақа: ширин нарсани яхши кўрмайди.

Закускадан кейин обед тортилди. Шу пайт хушфеъл уй эгаси бутунлай зўравон бўлиб қолди. У бировнинг товоғида бир бўлак гўшт бўлса, унинг устига дарҳол яна бир бўлак гўшт қўяр ва: «Жуфт бўлмаса дунёда одам ҳам, қуш ҳам яшаёлмайди» деяр эди. Бировнинг товоғида икки бўлак гўшт бўлса, унинг устига яна бир бўлак қўяр ва: «Икки ҳам сон бўлиптими? Худо ҳам учни яхши кўради» деяр эди. Меҳмон уч бўлак гўштни еб бўлса, у: «Уч гилдиракли арава ҳам бўладими? Қим уйини уч бурчак қилиб солади?» деяр эди. Тўртга ҳам, бешга ҳам у ҳар қандай мақол топарди. Шундай қилиб, Чичиков тахминан ўн бўлак гўшт еди ва: «Уй эгаси энди ҳеч қандай гап топсмайди» деб ўйлади. Лекин у ўйлаганча бўлмади: уй эгаси бир сўз демасдан унинг товоғига бузоқнинг буйраклари билан бирга сихда пиширилган орқа қисмини қўйди, тагин қанақа бузоқ денг!

— Икки йил сут билан боқдим,—деди уй эгаси,—ўғлимдек парвариш қилдим!

— Ортиқ еёлмайман, — деди Чичиков.

— Сиз аввал бир еб кўринг-да, кейин еёлмайман денг!

— Сизмайди, жой йўқ.

— Черковда ҳам жой йўқ эди, шаҳар полиция бошлиғи келувди— жой топилди. Шунақа тикин эдики, олма отсанг ерга тушмас эди. Сиз

бир еб кўринг: бу бир бўлак гўшт ҳам шаҳар полиция бошлиғига ўхшайди.

Чичиков еб кўрди, ҳақиқатан ҳам бу бир бўлак гўшт шаҳар полиция бошлиғига ўхшар экан. Сира сиғадиган жой бўлмаса ҳам унга жой топилди қолди.

«Бу одам Петербург ёки Москвада қандай турар экан. Дастурхонини бундай кенг очиб қўядиган бўлса, уч йилда бор-йўғини совуради-ку!» Лекин Чичиков шуни билмасдики, бу нарса ҳозир жуда осон бўлиб қолган, дастурхонни кенг очиб қўймасдан ҳам уч йил эмас, балки уч ойда бор-йўғини совуриб юбориш мумкин эди.

Уй эгаси қадаҳларни устма-уст тўлдириб қуйиб турарди; меҳмонлар ичиб битирмай қадаҳнинг тагида қолдирган винони ичиб тамом қилиш учун Алексаша билан Николашага берарди; улар ҳам қадаҳларни бирин-бирин бўшатиб турарди. Улар пойтахтга боргандан кейин инсон билимларининг қайси томонига эътибор беришлари ҳалитдан кўриниб турган эди. Меҳмонларнинг ортиқча мажоли қолмаган эди: улар зўрға-зўрға судралиб балконга чиқдилар ва зўрға бориб креслога ўтирдилар. Уй эгаси тўрт киши сиғадиган ўз кресло сига ўтирди-ю, қотиб ухлаб қолди. Шу топда унинг темирчи дамига айланиб кетган семиз гавдаси очилиб турган оғзидан ва бурун тешикларидан шундай товушлар чиқардики, бундай товушлар ҳатто янги бир ёзувчининг ҳам жуда камдан-кам хаёлига келарди: унда ногора товуши ҳам бор эди, сурнай товуши ҳам бор эди, тагин худди ит акиллагандай, узук-узук садо ҳам эшитиларди.

— Э, унинг ҳуштагига қаранг-а! — деди Платонов.

Чичиков кулиб юборди.

— Албатта, бунақа овқат егандан кейин қандай қилиб зерикади киши! Бундай пайтда фақат уйқу босади. Тўғри эмасми?

— Шундоқ-ку-я! Лекин, сиз мени кечиринг, мен қандай қилиб зерикиш мумкин эканига сира тушунолмаيمان. Ҳолбуки, зерикишга қарши жуда кўп чоралар бор.

— Масалан, қандай чоралар?

— Еш киши учун бундай чоралар оз дейсизми? Масалан, танца қилиш, бирон музика асбобини чалиш... булар ҳам бўлмаса — уйланиш.

— Қимга уйланиш?

— Теварак-атрофда яхши ва бой қизлардан йўқ дейсизми?

— Йўқ-да.

— У вақтда кезиб бошқа жойлардан қидирмоқ керак. — Шу чор бирдан Чичиковнинг мясига ажойиб бир фикр келди. — Мана жуда ажойиб бир чора бор! — деди у Платоновнинг кўзларига қараб.

— Қандай чора?

— Саёҳат.

— Хўш, қаёққа бормоқ керак?

— Агар вақтингиз бўлса, юринг бирга кетамиз, — деди Чичиков ва Платоновга қараб бундай деб ўйлади: «Бирга кетсак жуда соз бўларди. У вақтда харажат ҳам иккига бўлинарди. Коляскани тузатишни эса бутунлай унинг бўйнига қўяр эдим».

— Сиз қаёққа бормоқчисиз?

— Ҳозирча ўз ишимдан кўра бошқа бир кишининг иши билан бораётибман. Генерал Бетрищев менинг яқин ошнам ва айтиш мумкинки, менга яхшилик қилган бир киши; ҳозир ўшанинг илтимосига кўра унинг қариндошларини кўргани бораётибман. . . Албатта, қариндош-қариндош билан ўз йўлида, аммо бу сафарнинг қисман ўзимга керакли томони ҳам бор: чунки дунёни, одамларнинг туриш-турмушини кўриш, ким нима деса деяверсин, жонли бир китоб ўқимоқ, янги бир фан билан танишмоқ демакдир. — Чичиков шу гапни айтиб, ўзича ўйлаб кетди: «Ҳақиқатан, яхши бўларди. Ҳатто бутун харажат унинг ҳисобига бўларди, ҳатто унинг коляскасига миниб юрардик, менинг отларим бўлса унинг қишлоғида емини еб ётарди».

«Нега бир саёҳат қилиб келмаслик керак? — деб ўйларди шу пайт Платонов ҳам. — Уйда қиладиган ишим йўқ, хўжалик ишлари бўлса акамнинг қўлида; демак, ишларнинг ҳаммаси жойида. Дарҳақиқат, нега бир айланиб саёҳат қилиб келмаслигим керак?»

— Бўлмаса, — деди у Чичиковга қараб, — сиз бир-икки кун акамникида меҳмон бўлишга кўнасизми? Йўқса у мени боргани қўймайди.

— Жоним билан. Истасангиз уч кун ҳам қолавераман.

— Ундай бўлса қўлни беринг! Кетдик! — деди Платонов қувониб. Улар: «Кетдик!» деб қўл беришди.

— Қаёққа, қаёққа? — деди шу пайт уйқудан уйғониб кетган уйғаси уларга кўзларини чақчайтириб. — Йўқ, тақсирлар! Колясканинг



ғилдираклари чиқариб қўйилсин деб буйруқ берилган, сизнинг отингизни эса, Платон Михайлович, бу ердан ўн беш чақирим узоққа олиб кетишди. Йўқ, бу кеча шу ерда ётасизлар, эрта бармаҳал тушки овқатни егандан кейин ўз йўлингизга кетаверасизлар.

Петухга нима ҳам деб бўларди? Қолишга тўғри келди. Бунинг эвазига Петух уларни ажойиб баҳор оқшоми сайрига олиб чиқди. У дарёда қайиқ сайри ташкил қилган эди. Ўн икки эшкакчи йигирма тўрт эшкакни босиб, ашула қилишиб, уларни ойнадек тиниқ кўлнинг текис юзидан суздириб кетди. Улар кўлдан дарёга ўтдилар, дарёнинг поёни кўринмас эди, икки томондаги қирғоғи нишоб бўлиб қиялаб кетган эди; улар дам-бадам дарё устида балиқ тутмоқ учун кўндалангига тортиб қўйилган арқонлар тагидан ўтардилар. Сув сира қалқимас эди; уларнинг кўз олдидан фақат сокит манзаралар бирин-кетин ўтиб турарди, дарахтлари хилма-хил шаклда бўлган чакалакзорлар кўзни қувонтирарди. Эшкакчилар йигирма тўрт эшкакни бирдан юқори кўтарардилар, қайиқ эса ойнадек тиниқ ва сокит сув юзида ўз-ўзидан қуш каби енгилгина сузиб кетарди. Рулдан учинчи бўлиб ўтирган яғрини кенг, гавдали бир йигит жаранглаб турган тиниқ овози билан булбулдек сайраб ашуланинг бош сўзларини бошлаб юборди, беш эшкакчи унга жўр бўлди, олти эшкакчи авжга кўтариб турди ва Россия каби поёнсиз бу ашула узоқларга таралди. Петух ҳам хорнинг товуши етмай қолганда бирдан ҳаракатга келиб баланд овоз чиқарарди, Чичиков ҳам рус эканини ҳис қиларди. Елғиз Платонов: «Бу ғамгин ашуланинг нимаси яхши? Одамнинг кўнгли бундан яна кўпроқ ғуссага ботади» деб ўйларди.

Қош қорайганда улар орқага қайтдилар. Қоронғида эшкаклар сувга урилганда осмон энди сувда акс этмас эди. Улар қирғоққа етиб келганда ҳаво жуда қоронғилашган эди. Қирғоқда бир неча жойда ўт ёқилмоқда, балиқчилар уч оёқ қозонларда, янги тутилган хон балиқдан шўрва пиширишмоқда эди. Ҳозир ҳамма ўз уйида эди. Моллар ва ғозлар даладан ҳайдаб келинган, улар кўтарган чанг-тўзон босилган эди, уларни ҳайдаб келган чўпонлар бир хурмача сут беришлишини ва балиқ шўрвага таклиф этилишини кутиб дарвоза ёнида турган эдилар. Қоронғида одамларнинг гангур-гунгур гаплари, бошқа қишлоқлардаги итларнинг ҳуриши эшитиларди. Ой кўтарилмоқда, атроф ёришмоқда эди; кейин ҳамма ёқ ой нурига чўмди. Ажойиб ман-



заралар! Лекин, бу манзараларни томоша қиладиган киши йўқ эди. Николаша билан Алексаша шу пайт икки чопқир отга миниб, бу ажойиб манзаралар олдида бир-бири билан пойга қилиш ўрнига, уйда ўтириб Москва ҳақида, ундаги қанд-қандалат дўконлари, театрлар ҳақида ўйлар эдилар, пойтахтдан келган бир кадет<sup>1</sup> уларга Москвани, ундаги қанд-қандалат дўконлари ва театрларни хўп мақтаган эди. Уларнинг отаси эса қандай қилиб меҳмонларни яхшилаб тўйдиришни ўйлар эди. Платонов зерикиб эснаб ўтирарди. Ҳаммадан тетиги Чичиков эди. У: «Ҳа, гап шу! Қачон бўлса ҳам бир қишлоққа эга бўламан!» деб ўйларди. Шу пайт кўз олдига бир хотин-у, бир неча Чичикчалар келарди.

— Кечки овқатни ҳам қоринлари ёрилгундай едилар. Павел Иванович ётиш учун белгиланган хонага кириб, тўшакка чўзиларкан, қорнини сийпаб: «Ноғора бўлиб кетибди-ку! Энди ҳеч қандай шаҳар полиция бошлиғи бунга сиғмайди!» деди. Тасодифга қарангки, девор-

---

<sup>1</sup> Кадет — чор Русиясида ўрта ҳарбий мактаб ўқувчиси.

